Ш.Н. Саламов
(Shuhrat Barlas)

БОЯЛАР ЖАНГИ

XIX-XX а.а.
Туркистон ва
Жанубий Кавказ

94:32
С-25 | 2019/47-20
Соловьев, Ш
Гер. чтения
XIX-"

2019/4-20

Ш.Н. Саламов
(Shuhrat Barlas)

ҒОЯЛАР ЖАНГИ
XIX-XX аа
Туркистон ва Жанубий Кавказ

Тошкент
«Истиқлол нури»
2017

УЎК: 94:32(575.1+479.2)
63.3(0)
С 25
Саламов, Шухрат.
Ғоялар жанги XIX-XX аср Туркистон ва Жанубий Кавказ / Ш. Саламов. - Тошкент : «Истиклол нури», 2017. - 312 б.

КБК 63.3(0)

Ўзбекистон тарихи

Мазкур тадқиқотнинг мақсади ўқувчиларни йирик жаҳон ҳокимиятларининг геосиёсий уйинларига хос жиҳатларни англашга ундашдан иборатдир. Ушбу нашрда жаҳон тарихининг долзарб ва ўткир муаммолари тадқиқи натижалари ўқувчи эътиборига тарихий фактлар асосида ҳавола этилмоқда. Фожиали оқибатларга олиб келган бу муаммолар империя-мустамлакачилиги ва совет-большевик мустабит тизимининг турфа қиёфали воқеликларининг манзарасида кўриб чиқилган.

Китоб кенг китобхонлар оммасига, мутахассис тарихчиларга ҳамда тарих ва конфликтология муаммоларига қизиқувчиларга мўлжалланган

Тақризчилар:
Тарих фанлари Доктори Мавлонов Ўктам

Масъул муҳаррир:
Тарих фанлари фалсафа доктори Полвонов Нсъмат.

ISBN 978-9943-5049-3-6

© Ш. Саламов,
© "Истиклол нури",
2017 й

20 19/4 7 Alisher Navoiy nomidagi O'zbek - rus MU
20
Ш-134ШН
391

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА ЎРНИДА 4

БИРИНЧИ КИТОБ
ТУРКИСТОН ФОЖИАСИ

КИРИШ.....9
1.1. ЦИВИЛИЗАТОРЛИК ЁКИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК 17
1.2. СОХТА ИЛМ ВА ЗИДДИЯТЛАР.....44
1.3. ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК 62
1.4. ТАРАҚҚИЁТНИНГ КУНПАЯКУН ҚИЛИНИШИ.....76
1.5. МУНОЗАРА ЭҲТИРОСЛАРИ 130

ИККИНЧИ КИТОБ
ЖАНУБИЙ КАВКАЗ ФОЖИАСИ

КИРИШ.....141

2.1 ҚУЛФАТНИНГ БОШЛАНИШИ 145
2.2. ТАЖОВУЗ ВА ИШҒОЛ.....157
2.3. ИККИЮЗЛАМА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАР АСПЕКТИ..... 194
2.4. ЭТНИК ЗИДДИЯТЛАР МАНБАИ 226
2.5. «АРМАНИ МАСАЛАСИ» 234
2.6. «ИСТИБДОД» ОСТИДАГИ ФАРОҒАТ 242
2.7. ТЕРРОРНИНГ ТУРФА ҚИЁФАСИ 248
2.8. ШУНЧАКИ СОХТАКОРЛИК ВА РЕВИЗИОНИЗМ 260

АДАБИЁТЛАР.....298

Мустамлакачилик ва мустабит тузумга карши курашган Туркистон ва Кавказ истиклолчиларининг учмас хотирасига бағишланади.

МУКАДДИМА ЎРНИДА

Башарият геосиёсий структурасининг (жаҳон тизимининг) шаклланиши ёки, бошқача айтганда, «жаҳон ҳамжамияти»нинг ҳамда унинг устидан геосиёсий назоратнинг юзага келиши қуйидаги босқичларда бўлиб ўтди:

- **«Норакобатдош мустамлакачилик» даври, 1494-1648 йй.**
- **Вестфалия-Вена босқичи, 1648-1914 йй.**
- **Версаль-Вашингтон босқичи, 1919-1939 йй.**
- **Потсдам босқичи, 1945-1991 йй**[1].

Жаҳонда давлатлараро ва халқаро муносабатларни назорат қилиш тизими қонун-қоидалари шаклланишининг ушбу босқичлари маънисиз локал урушларга бой бўлди. жаҳон саҳнидаги давлатларнинг узаро муносабатларида эски босқичдан янгисига утиш даврида эса Жаҳон урушлари руй берди.

XX аср бошида Германия, Италия, Австрия-Венгриядаги ички аҳвол қониқарли эмас эди. Саноат ва иқтисодиёт жадал суръатлар билан ривожланаётган мазкур давлатларда ҳомашё етишмовчилиги кузатилаётган эди. Тақчилликнинг сабаби шунда эдики, XIX аср охирига келиб Осиё, Африка, Лотин Америкаси, Австралия ва Океаниядаги деярли барча кишилликка маълум ҳомашё манбалари ва ер ости табиий бойликлари йирик мустамлакачи ҳокимиятлар - Буюк Британия, Россия ва Франция уртасида таксимлаб бўлинган эди. Бундай вазиятда Германия, Италия ва Япония деярли ҳеч нарсасиз қолиб кетди. Юзага келган ҳолатдан чиқишнинг улар учун энг мақбул йўли уруш эди. Уруш билан нафақат дунёни ҳудудий қайта таксимлаш, балки ундаги бойликларни қайтадан бўлиб олиш, шунингдек, мустамлакаларга эга бўлиш мумкин эди. Энг самарадор воситалардан бири сифатида уруш қуролли йўл билан куп йиллар мобайнида тупланиб қолган турли даражадаги муаммоларни ҳал этиш учун шароит ҳозирлаб берар эди.

1914 йилга келиб иқтисодий муаммолар ва геосиёсий зиддиятларни жаҳон миқёсида ҳал этиш учун қулай шарт-шароит вужудга келди. 1914 йил 28 июнда Сараево шаҳрида Австрия-Венгрия императорлик

---

1. Gilpin R. War and Change in World Politics. Cambridge. N.Y., 1983. Wallerstein I. Geopolitics and Geoculture: Essays on the Changing World-System. Cambridge, 1992; Jackson, R. Quasi-States: Sovereignty, International Relations and the Third World. Cambridge: Cambridge University Press, 1990.

тахти валиаҳди эрцгерцог Франц Фердинанд ҳамда унинг рафикаси герцогиня Софиянинг ўлдирилиши жаҳон кирғинининг бошланиши учун туртки вазифасини бажариб берди. Бошланиб кетган Биринчи Жаҳон уруши икки ҳарбий кутб уртасида олиб борилди: бир томонда таркибига Россия, Британия ва Францияни олган Антанта турса, жаҳоний рингнинг бошқа бурчагини Учлар иттифоки - Германия, Италия, Австрия-Венгрия эгаллади. Воқеалар Европадан Шарққа кўчди. Истанбулни мусулмонлардан озод қилиш, Европа мамлакатлари шафелигида «христиан меҳрибонлиги ва муҳаббати»ни урнатиш ғояси, шаҳарни Константинополь дея қайта номлаш орзуси бутун оламни қонга ботирди. Ушбу шаҳар 1453 мусулмонлар томонидан фатҳ этилиши билан бутун бошли замон - тарихнинг Янги даври бошланган эди. Биринчи Жаҳон урушининг бошига келиб Истанбулда қарийб 460 йил мобайнида ҳар хил халқлар бирга яшаб, турли конфессиялар гуллаб-яшнаб келаётган эди.

Биринчи Жаҳон урушида жаҳоннинг умумий нуфуси 1,5 миллиард кишига тенг 36 мамлакати иштирок этди. 70 миллион аскар ва зобит қатнашган муҳораба инсониятга улкан талафот етказди - 10 миллион киши ҳалок бўлди, 20 миллион киши яраланди; у кишиликнинг ўша пайтгача булган тарихидаги энг қонли ва қуркинчли уруш бўлди. Бундан ташкари, 1917 йилда Россияда оламни ларзага келтирган воқеалар - буржуа-демократик (февраль) инқилоби ва пролетар (октябрь) тўнтариши рўй берди. Россия империяси кулади. Одамлар синфий-мафкуравий принциплардан келиб чиққан ҳолда икки қутбга ажралиб қолди. Россиянинг урушдан чиқиши унинг иттифоқчилари - Франция ва Англияни ута мураккаб вазиятга солиб қўйди. Айнан уларнинг ирғоси билан 1917 йилда бунга қадар Антантага молиявий кумак бериб турган АҚШ ҳам Антанта тарафида туриб Германияга қарши урушга кўшилди. Европада 266 йил ҳукм сурган Вестфалия-Вена халқаро муносабатлар тизими барҳам топди.

Инсоният тарихидаги ҳар қандай уруш тарғиботдан, қандайдир ҳашаматдор ва жўшкин ғоядан бошланади. У ғоя худди шу каби жўшқин ва ҳашаматдор ғоя билан тўқнаш келади. Кўп сонли урушлар натижасида мустамлакалар ва босиб олинган ҳудудлар ҳисобидан мамлакатларнинг ерлари ва хомашё ресурслари кўпайиб борар эди. Аммо ҳар қандай ғоя, башарти унинг учун одамлар ҳаёти қурбон қилинар экан, қабиҳ ва мудҳишдир. Афсуски, тарихда ғоявий мулоҳазаларга кура инсонларнинг ёппасига кирғин килиниши билан боғлиқ фактлар жуда кўп учрайди. Вайронкор ғоялар тарғиботи одамлар ҳаётини жаҳаннамга айлантиради, бошида эзгу кўринган ғоя охир-оқибат башарият учун

кулфат манбаига айланади. Уруш ким учундар бало ва бахтсизлик булса, ким учундир шунчаки тижоратдир. Урушнинг табиати ҳакидаги ҳакикат Антанта қушинлари бош қумондони Фердинанд Фош томонидан «Уруш принциплари туғрисида»ги машхур китобда анча ишончли ва батафсил ифодаланган эди: *«Уруш миллатнинг тижорий фаолияти булиб, у миллатпарастларни утган замондагига нисбатан купроқ қизиқтиради, ва шу боис алоҳида шахсларни кучли эҳтиросга солади. Биз нима қидирамиз? - сотадиганига нисбатан купроқ ишлаб чиқарадиган ва доимий равишда усиб бораётган рақобат босими остидаги савдо учун бозорларни. Қурол утининг сидолари остида улар учун бозор топишади»*[2].

Иккинчи Жаҳон уруши бор-йуғи 20 йил амалда булган Версаль халкаро муносабатлар тизимига якун ясади. Улкан моддий, маънавий ва инсоний талафот келтирган бу уруш одамзот учун оғир зарба булди. Ракиб томонлар акларга уз «буюк» ғояларини сингдириш учун ҳатто махсус янги илмлар уйлаб топди ҳамда улар воситасида «тоза ва оқ орийлар» ғуёки бошка миллат ва иркларни йук килиш учун рухий-маънавий ҳукук соҳиби эканлигини исботлаш ва асосланга уринди. Бошка томондан, бутун инсониятни умумий ва буюк қаншоклик гирдобига ташлаш ғояси тарғиботи билан айбсиз курбонлар конидан кизарган яловлар остида коммунистик ғоя турар эди. Коммунистлар ва социалистлар «коммунистик ғоя» асосида миллионлаб одамларни социал-синфий белгиларга кура отиб ташлар, осар ва зиндонда чиритар эди, нацист-социалистлар эса «орийлик ғояси»га асосланиб иркий-миллий белгиларга кура улим лагерларида одамларни тириклай ёкиб юборар ёки газ камераларида заҳарлаб улдирарди. Даставвал икки томон ҳам *«қадрдон иттифоқчи»* ва дуст эди, лекин уларнинг манфаатлари зид келган лаҳзада жаҳонда яна манфаатлар ва ҳудудлар таксимоти бошланиб кетди. Таъкидлаб утиш жоизки, икки оким ҳам янги миллат куриш ва яратишга уринган эди. Коммунизм ва фашизм - уша пайтдаги СССР ва Германия давлат сиёсатидаги мафкуравий окимлар тарафдорлари, кисман булса-да, янги курилган миллатлар вакилларини етиштириб улгурган эди.

Иккинчи Жаҳон уруши инсоният тарихида куркинчли из колдирди. Хароб булган, чолдеворга айлантирилган шаҳарлар ва кишлоклар, ер билан бир яксон килинган моддий-маданий объектлар, 60 миллион курбон, юз миллионлаб тани ва юраги жароҳат олган, ҳаёти барбод булган кишилар Иккинчи Жаҳон урушининг окибатлари булди. Концентрацион лагерларда миллионлаб бегуноҳ инсонлар

2. Ф. Фош. О принципах войны. Пер. с франц. Пг., 1919. Б. 17.

йўқ килинди. Уларнинг айби нимада эди? Жавоб жуда жун ва оддий: *«Бунинг бари миллат манфаати ҳамда уз миллатининг бошка миллатлардан устунлигининг ажал келтирувчи исботи учун»*. Мана шундай вахимадор ғоялар туфайли бугунги кунга кадар турли давлатлар ортасида карама-каршиликлар мавжуд. Тарихчилар, хукукшунослар ва сиёсатчилар геосиссатнинг янги «карта уйини» бошланиши мумкинлигини жуда яхши билади. Моҳиятан у ҳозирнинг узидаёк уйналмокда. Исталган лахзада Учинчи Жаҳон уруши бошланиб кетиш таҳдиди жаҳонда ҳамма вакт мавжуд. Инсоннят хозирга кадар турли урушларида уз кардошларини кирғин килиб келмокда. Бошкача айтганда, мустамлакачилик, инквизиция, фашизм, большевизм ва диний фанатизм дахшатларини курган маданиятли олам бир карашда хар кимнинг ор-номусини ва кадр-кимматини унинг ирқий, конфессионал, этник ва бошка дахлдорлигидан катъий назар хурмат килишни ургангандай, аммо, таассуфки, бугун ҳам «тарихий хакикат»ни тиклаш баҳонасида, этник зиддиятлар келтириб чикариш максадида провокацион кампаниялар утказаётган кора кучлар борлиги хеч кимга сир булмай колди.

Иккинчи Жаҳон уруши якунланганидан сунг (1945) СССР кулагунига кадар (1991) дунё халкаро назорат тизимининг икки кутби даврида яшади. Бу тизим икки кутбли сайёравий кучга таянар эди. Геосиёсий вазият СССРнинг кулаши ва социалистик кутбнинг булиниб кетишидан сунг узгарди. 1991 йилдан бошлаб жаҳон сиёсатида халкаро-хукукий ёндашувларнинг узгача киёфасини талаб этувчи «янги халкаро тартиб» урнатилди.

Халкимизнинг озодлигини ва мустакил давлатчилигимизни тиклаганимизга ҳам чорак аср булибди. Аждодларимиз ушбу муборак кунни куриш, ҳис этишни орзу килган, шу орзу йулида курашган. Бизга хеч ким озодликни шунчаки совга килган эмас. Халкимиз бир асрдан ошик вакт мобайнида миллий мустакиллик йулида курашиб келди. Мустакиллик учун кураш тухтамаган, бирор-бир боскичда колиб кетмаган, эрк йулидаги харбий харакатлар, конли тукнашувлар, ғоявий-сиёсий ва ижтимоий-маданий кураш 1991 йилда мустакиллигимизни тикламагунимизга кадар давом этди.

Узбекистон халки ва хукумати уз миллий давлатчилиги ва мустакиллигини кайта тиклашда бегона худудларни босиб олиш ҳамда ирқий устунлик эртаклари ва афсоналарига асосланиб бошка халкларни камситиш режаларини тузмаган. Биз, узбек миллати уларок умуминсоний кадриятларга, халклар ортасидаги мехрибонлик ва эзгулик ғояларига садокатли булиб колмокдамиз. Халкимиз босиб

утган мураккаб тарихий йул Ватан эрки ва мустакиллиги учун булган курашларда жонини берганлар хотирасига хурмат курсатувчилар учун мангу ғурур ва матонат рамзи булиб қолаверади.

Узбек халқи, тарихидаги мустамлакачилик боскичи ҳамда совет бошбошдоқлигига алоқадор, оғир окибатларга олиб келган фожиали лаҳзаларга қарамай, жаҳоннинг барча халқларига нисбатан биродарлик туйғулари ва эзгу муносабатларини сақлабгина қолмай, уларни келажак авлодларга етказишда давом этмоқда. Узбекистон мустақиллиги тиклангунга қадар бу туйғулар оила даврасида, ягона дастурхон ва рузғор атрофида авайлаб-асралар эди. Бугунги кунда, мустақиллигимиз тикланган бир пайтда, таълим тизими вакиллари ҳамда ватанпарварлик руҳиятига содик зиёлиларимиз Узбекистоннинг усиб борастган хозирги ёш авлодига утмиш сабокларини таълим тизимида, академик доираларда ва бошқа йуллар билан етказмоқда. Узбекистон таълим тизимининг, мамлакат мураббийларининг асосий максади усиб бораётган авлод дунёкарашида миллий ўзлик, Ватанга садоқат, кардош ва дуст халклар билан яхши муносабатларни сақлаб колиш сингари кадриятларни шакллантиришдир. Барчага маълумки, бундай туйғулар умуминсоний кадриятлар идеаллари билан чамбарчас боғлан андир, оу хислатлар нафақат уз халкининг, балки бошка кардош ва дуст халклар сиёсий-ижтимоий ҳаётида илгор узгаришларни амалга оширмокчи булган ҳар кандай инсон учун чинакам заруратга айланган.

Давлат мустакиллиги тикланганидан сунг халкимиз олдида янги таҳдидлар пайдо булди. Энди ҳар биримиз Ватан мустакиллигини ва шахсий эркинлик идеалларини мустаҳкамлаш йулида турли жабҳаларда курашмоқдамиз. Бундай вазиятда, айнан Ватан йулида фахр-ифтихор-ла жонини бахшида этган аждодларимиз йулини тушунишимиз ва қабул килишимиз лозим. Утмиш ҳакидаги ўйлар, мамлакатнинг бугунги мустакиллигини теран англаш, ишда, сўзда ва фикрда шахсий эркинлик тотини яратади, зеро мозийдан шунинг учун ҳам ибрат олинади, колганини эса китобхоннинг узи белгиласин!

Илгариги нашрлардан фарқли равишда, жорий қайта ишланган ва тулдирилган нашрда узбек тилида укувчилар эътиборига тарихий Туркистон ва Жанубий Кавказ утмишида ташки сиёсий кучларнинг тутган урни билан боғлик сиёсий-ҳукукий муаммоларнинг айрим жиҳатлари юзасидан таҳлил ва муносабат тақдим этилади. Ташки кучлар томонидан сунъий равишда яратилиб, тинч яшаётган аҳолининг онгига оммавий усулда сингдирилувчи вайронкор ғояларнинг асл моҳияти билан танишишга китобхон кийналмаслиги учун китоб мундарижасининг мантикий концептуализацияси шундай тузилган.

Шухрат Барлос

БИРИНЧИ КИТОБ
ТУРКИСТОН ФОЖИАСИ

Уз тарихини қушиларининг талқинида қабул қилувчи халқ хаётини давом этолмайди.
Фридрих Ницше.

КИРИШ

Тарихий манбалардан маълумки, қадимдан Турон[3], Туркистон[4], Мовароуннахр[5] номлари билан юритилган бепоён ҳудуд халқлари куп асрлар мобайнида бутун жаҳонга машҳур цивилизацияларни яратишда қатнашган эди. Ушбу диёр тарихи куп сонли боскинчилар ҳақида ҳикоя килади - улар минтақа устидан ҳукмронлигини урнатиб, унинг бойликларига эга чиқишни максад килган эдилар. Булар - Аҳамонийлар, Александр Македонский, Хитой императорлари, Сосонийлар, форслар, араблар, муғуллар, Британия ва Россия империяси. Улар маҳаллий давлатлар устига бостириб келар ёхуд уларга карши махфий фитналар уюштирар эди. Шу боис уз Ватанини Ердаги жаннатга айлантира олган, шаҳарлар курган, куркам касрлар ва боғу-роғлар барпо этган маҳаллий элату кабилалар узоқ асрлар давомида кулида курол билан уз ерини, озодлигини, мустакиллигини, мавжудлик ҳукукини ҳимоя қилишга мажбур булган. Улар уз замининнинг бойликларини, шу жумладан, маданияти ва маънавиятини жасорат билан ҳимоя қилар, Ватан шухрати йулида жонларини ҳам аямас эдилар.

Туркистон каҳрамонлари уз ишлари билан Ватанининг донгини бутун дунёга ёйди. Улардан бири сифатида биз буюк Тарағай ўғли Темурбекни (1336-1405) биламиз. У улкан, кудратли, марказлашган Темурийлар давлати (1370-1506) асосчисидир. Айни пайтда

3. Туран - антиг од Ирана, считается обширной территорией владения и обитания тюрков. В эпичес ок. поэме А. Фирдоуси «Шах-намэ» Туран - «страна, населённая тюрками». N. Lubin, W. Fierman, Uzbeks, Encyclopedia of World Cultures, volume VI, Russia and Eurasia/China, Boston, Massachusetts: G.K. Hall & Co., 1994, p. 395 - 399.

4. Туркестан - «страна тюрок», название историко-географического региона Центральной Азии.

5. Мавераннахр - Историческая область в Туранской низменности. (араб. перевод. Зарекой, Заречье). В арабоязычных источниках обозначение правого берега Джейхуна-Амударьи. В европейских источниках Трансоксиана - междуречье Амударьи и Сырдарьи. Империя Тимура в некоторых источниках называется Мавераннахром. В территорию Мавераннахра входили нынешние территории Северного Афганистана (Южный Туркестан), Узбекистана, Таджикистана, Кыргызстана, Туркменистана и южные регионы Казахстана. Крупные древнейшие города - Ташкент, Самарканд, Бухара, Урганч, Хива, Коканд.

Хиндистонда Бобурийлар сулоласига (1526-1858) бошланма берган Бобуршохнинг бобокалони хамдир. Темур салтанати таркибига шаркда Хитойдан ғарбда Жанубий Кавказгача булган худудлар кирар эди.

Турон пойтахти булмиш Самаркандга Сохибкирон Амир Темур монументал бинокорлик дурдоналари - саройлар ва масжидлар, айвонлар ва мадрасалар, макбаралар ва жамоат иншоотлари билан зеб берди. Темурнинг она шахри - Шахрисабзни ободонлаштириш буйича хам худди шундай ишлар амалга оширилди. Самарканд хамда Туроннинг бошка шаҳарларига забт этилган улкалардан ун минглаб санъаткорлар, усталар, рассомлар, олимлар, савдогарлар кучирилди ва Турон заминида мухташам ва улуғвор биноларни кад кутартиришда, суғориш каналлари утказишда иштирок этди.

1404 йилда Темур саройида булган Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг маълумотига кура, факат Самарканднинг узига Сохибкирон Амир Темур 150 минг нафар моҳир хунармандни кучирган эди ва шаҳарнинг меъморчилик режаси жиддий тарзда кайта куриб чиқилиб, кайта курилди. Самарканд жаҳоннинг энг машхур, энг гузал, энг йирик сиёсий, маданий, хунармандчилик ва савдо марказларидан бирига айланди. Бу ерга химоя ва ёрдам сураб дунёнинг жуда куп хукмдорлари келар эди. Шу шаҳарда Темурнинг мангу куним топган макони, меъморчилик дурдоналаридан бири булмиш Гури Амир хам жойлашган.

Темурнинг ворислари XV асрда куплаб шаҳарларни мусулмон дунёсининг гузал маданият марказларига айлантирди. Темурийлар даврида турк, эрон ва араб адабиётининг, меъморчилигининг, рассомчилигининг ва китобат санъатининг етук намояндалари оламга доврўғ солди. Темурнинг набираларидан бири - 1409-1449 йилларда хукмронлик килган Улуғбек давлат арбоби сифатидаги фаолияти туфайли эмас, балки Самаркандни дунёдаги маданий ва илмий ҳаётнинг энг йирик марказига айлантиргани билан шухрат топди. У буюк астроном сифатида тарихда ном колдирди. Улуғбек бир умр Самаркандда узи бино этган расадхонада изланишлар олиб борди. Темурийлар даврида шоирлардан Жомий, Алишер Навоий, рассомлардан Камолиддин Бехзод хамда куплаб бошка буюк санъаткорлар ижод килди.

Ҳарбий-сиёсий фаолиятига Темур томонидан кумак берилган шахслар орасида Олтин Урданинг машхур хони, Чингизхон авлодидан булмиш Тухтамиш (1376-1395) хам бор. Темур Тухтамишга оталарча ғамхурлик килди, унга ҳарбий куч билан Олтин Урда тахтини олиб берди. Аммо Тухтамиш яхшиликни билмади. Тухтамиш бир неча маротаба Темур уз мулки деб билган Жанубий Кавказни эгаллашга

уринди. Бундан ташкари, 1388 йилда Тухтамиш Мовароуннахрга хамла килиб Темурнинг узига хам карши чика бошлади. Афсуски Темур туфайлигина Олтин Урда тахтига эга булганини эса унутди. Бунга жавобан Темур Тухтамишга карши уч марта - 1389, 1391 ва 1394-1395 йилларда юриш килди. Темур Олтин Урданинг кулини кукка совурди, унинг пойтахти Сарой Беркани ва бошка шахарларни, жумладан, Хожи Тархонни (Астрахань) ва Азовни эгаллади. Темур конли ва шиддатли жангда Тухтамишни тор-мор келтирди. Тухтамишнинг кейинги хаёти дарбадарликда утди, бир пайтлар унинг измида булган, Олтин Урда номи остида шухрат козонган «Жужи улуси» эса Темурнинг юришлари, шунингдек, ички низолар боис майда давлатларга булиниб кетди[6].

Уша даврнинг сиёсат сахнасида XIII аср урталаридан бошлаб кичик князликларнинг бирлаштирилиши натижасида пайдо булган Рюриковичлар сулоласи бошкарувидаги Москва князлиги (1263-1547) чика бошлади. Олтин Урда парчаланиб кетганидан 100 йилдан сунг ва Темурийлар салтанати заифлашганидан сунг 1547 йилда князь Иван IV Грозний (1547-1584) Рус подшолигининг тузилганини эълон килди ва боскинчилик сиёсатини бошлаб юборди[7]. 1552 йилда у курол кучи билан Козон хонлигини эгаллаб, мазкур давлатни тугатди. 1556 йилда Астрахан хонлигини буйсундириб, Шимолий Кавказга эга булишга интилди, сунг Сибирь томон харакатлана бошлади. Шундай килиб, Иван IV Грозний давридан Россия мустамлакачилик экспансиясини фаоллаштирди ва курол кучи билан бирин-кетин Сибирь, Кавказ ва Волга буйидаги турк-мусулмон халкларини бусундиришга киришди. Бу жуда кийин жараён эди, янги худудларни забт этиш куп йиллар давом этарди. 1613 йилда Рус подшолигида сулола алмашинуви руй берди. Тахтда Рюриковичлар урнини Романовлар эгаллади. Улар 1917 йилга кадар Россияни бошкарди.

Россиянинг Марказий Осиё билан дипломатик алокалари XVI

6. Ибн ал-Асир. Ал-Камиль фи-т-тарих, Золотая Орда в источниках. Том 1. Арабские и персидские сочинения. М., 2003; Арсланова А. А. Остались книги от времен былых… Персидские исторические сочинения монгольского периода по истории народов Поволжья. Казань, 2002; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. М.-Л., 19; Кульпин Э. С. Золотая Орда. М.,2007; Мыськов Е. Н. Политическая история Золотой Орды (1236—1313 годы). Волгоград, 2003; Трепавлов, В. В. Золотая Орда в XIV столетии. М., 2010.

7. Ибн ал-Асир. Ал-Камиль фи-т-тарих, Золотая Орда в источниках. Том 1. Арабские и персидские сочинения. М., 2003; Арсланова А. А. Остались книги от времен былых… Персидские исторические сочинения монгольского периода по истории народов Поволжья Казань, 2002; Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. М.-Л., 19; Кульпин Э.С. Золотая Орда. М.,2007; Мыськов Е.Н. Политическая история Золотой Орды (1236-1313гг.). Волгоград, 2003; Трепавлов, В.В. Золотая Орда в XIV столетии. М., 2010.

асрнинг иккинчи ярмидан бошланди. 1589 йили Бухоронинг энг кудратли хони Абдуллахон II Москва билан савдо муносабатлари урнатишга уриниб курди. Кейинги юз йилликда, подшо Михаил Фёдорович Романов хукмронлиги йилларида (1613-1645) энди Марказий Осиёга рус элчилари йул олди. Уларнинг максади уз савдогарлари учун махаллий бозорларни кашф этиш, рус туткунларини озод килиш, шунингдек, Хиндистонга борадиган савдо йуллари хакида маълумот туплаш эди. Улар Марказий Осиё, Эрон ва Хиндистоннинг давлат тизими, табиати, ахолиси, йуллари хакида батафсил хисоботлар тузганлар.

Шарк оламида Марказий Осиё нафакат баракали ва серкуёш улка, балки табиий бойликлари мул диёр сифатида машхур эди. Бу ердаги олтин, кумуш, темир, кимматбахо тошлар, пахта, ипак, коракул ажнабий боскинчилар диккатини доимо тортиб келган. XVIII аср биринчи ярмида Россияда рангли ва кора металлга булган эхтиёж усди. Россия империяси Шарк давлатлари худудига кириш йулидаги харакатларини фаоллаштирди. Марказий Осиёнинг табиий ва инсоний ресурсларига эга булишга уриниш Пётр I даврида (1682-1725) бошланди. У махаллий давлатларни босиб олиб, уларни тобе килиш, сунг Марказий Осиё ресурсларидан Россия манфаатлари йулида фойдаланишни режа килган эди. Белгиланган режалар ижроси учун Пётр I фармонига биноан 1714 йилда Преображенский полки капитани, князь Александр Бекович-Черкасский бошчилигидаги харбий экспедиция сафарга жунатилди. Харбий экспедиция Хива хони Шергозихон томонидан тор-мор келтирилди, бу юртга бостириб келган чакирилмаган мехмонларнинг каллалари узилиб, Хива марказига осиб куйилди. Шундан сунг Хива хони каллаларни Бухоро амирига тухфа этди[8].

1715 йилдаёк Пётр I капитан Иван Бухгольц бошчилигидаги иккинчи харбий экспедицияни тайёрлади. У Шаркий Туркистон ерларини эгаллаш учун Ёркентга йулланди. Балхаш кулига якинлашганда И. Бухгольц у ерда харбий истехком барпо этишга курсатма берди. Аммо кутилмаган кийинчиликларга дуч келган зобит ортга бурилишга мажбур булди9.

Вокеалар тахлилидан келиб чиккан холда Россиянинг Пётр I даврида Марказий Осиёга йулланган харбий экспедицияларидан кузланган максад янги ресурсларни эгаллашга булган интилишдан бошка нарса эмас, деган хулосага келамиз. Масалан, А. Бекович-Черкасский рахбарлигидаги харбий экспедиция таркибида бирорта «тинчликсевар»

---

8. Веселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве, Б.167.

9. ЦГИА Груз.ССР, ф. 1087, д. 612, лл. 9-16.

касо вакили - амалдор, дипломат, савдогар, миссионер ёки зиёратчи йўк эди. Ушбу «экспедиция» айнан харбий экспедиция эди, буни унинг таркиби хам курсатиб турибди. Таркиб эса пацифистик гояларга ошно одамлардан тузилган эмас эди, демакки, экспедициянинг максад ва вазифалари хам дустона эмасди. Уларнинг гуёки «тинч» ва «илмий-савдо» дейилиши Пётр I хамда унинг Россия тахтидаги ворислари кузлаган аслмаксадлари учун ниқоб вазифасини утаган, холос. Махаллий хонликлар билан «тинч муносабатлар урнатилиши», «Марказий Осиё ва Афгонистон орқали Хиндистон билан савдо муносабатларини кенгайтириш» хакида гап хам булиши мумкин эмас эди. Шунинг учун хам, бу Санкт-Петербург томонидан расман баён этилган вазифаларига карамай, экспедициялар хеч кандай тинчликпарвар максадларга хизмат эта олмас эди. Кейинги экспедициялар хам янги худудларни эгаллаш, Марказий Осиё хакида маълумот туплашга каратилган эди. Кулга киритилган маълумотлар мутахассисларга яхши маълум булган «Катта чизмалар китоби»га киритилган эди. Бу Россия ва кушни мамлакатлар хакидаги биринчи тулик географик ва этнографик маълумотлар мажмуасидир. Китобнинг биринчи саналанган нашри 1627 йили Разряд Приказ номи билан тузилган[10].

1721 йилда яна Пётр I ташаббусига кура Россия узини империя деб эълон килди. У Россиянинг Шарқдаги асосий ракиби ва душмани - Усмонли салтанатини барбод килиш, Марказий Осиёни узига буйсундириб, илик денгизларга, Хинд океанига чикишни уз олдига максад килиб куйди. Шу максад йулида Шарққа кулсонли айғоқчилар ва жосуслар, шунингдек, катта-кичик харбий экспедициялар йулланди. Бир пайтнинг узида Сибирда, Марказий Осиёда ва Кавказда кичик мусулмон давлатларнинг ерлари эгалланиши давом эттирилди. Чор Россиясининг империалистик сиёсати кун тартибига куйилган асосий вазифалар курол кучи билан махаллий давлатларни буйсундириб, уларни Россияга кушиб олиш, бу ердаги инсоний ресурслар ва табиий бойликлардан фойдаланиш эди[11].

Россия империяси ва Узбек хонликлари муносабатларининг Туркистон истилосигача булган энг мухим вокеалари:

1603 й. Яйиқлик рус казаклари ва Атаман Нечаев козокларининг

---

10. Разрядный приказ - государственное учреждение (орган военного управления) в Русском царстве XVI-XVII веков, ведавшее служилыми людьми, военным управлением, а также южными и восточными «украинными» (пограничными) городами Русского царства.

11. Бунаков Е.В. К истории сношений России с среднеазиатскими ханствами в XIX веке. СВ, вып.2. М.-Л., 1941, Б.22.

Хоразмга талончилик тажовузлари[12]

1620 й. Бухорога Иван Данил Хохлов йўлланди;(элчилиги)

1669 й. Хивага Федотов йўлланди; (элчилиги)

1669 й. Бухорога ака-ука Пазухинлар йўлланди; (элчилиги)

1675 й. Бухорога Василий Даудов йўлланди. (элчилиги)

Бу элчиликлар реал сиёсий натижалар бермади, аммо Туркистон ҳақидаги «Катта чизмалар китоби»дан ўрин олган маълумотларнинг кенгайишига ёрдам берди.

1713-1714 йй. Кичик Бухорога Бухгольц. Хивага Бекович-Черкасский йўлланди;(ҳарбий экспедициялари)

1718 й. Бухорога Флорио Беневини йўлланди; (элчилиги)

1800 й. – муҳандислар Т. Бурнашев ва Г. Поспелов Марказий Осиёга йўлланди; (элчилиги)

1802 й. - доктор Савва Большой;

1813-1814 йй. – зобит Филипп Назаров,

1819-1820 йй. - капитан Н.Н. Муравьёв, (элчилиги)

1820-1822 йй. – ТИВ амалдори И. Левшин йўлланди,

1830 й. – хорунжий (байроқдор) Н. Потанин йўлланди;

1836 й. – полковник И.Ф. Бларамберг йўлланди;

1839-1840 йй. – генерал В. Перовский; (ҳарбий экспедицияси)

1841-1842 йй. – муҳандис Бутенев йўлланди;

1842 й. – подполковник Г.Н. Данилевский йўлланди;

1848 й. – капитан А.И. Макшеев йўлланди.

Шуни қайд қилиб ўтиш жоизки, кўпчилик миссияларнинг раҳбарлари ҳарбийлар эди, бу ҳам Россия империясининг Марказий Осиёдаги асл мақсадларини кўрсатади. Пётр I нинг муваффакиятсиз юришларидан сўнг кейинги 150 йил давомида, XIX аср иккинчи ярмига қадар Туркистон бойликлари Россиянинг бошқа подшоларига уйқу бермади. 1714 йилдан бошлаб 150 йил давомида узбек хонликларига йўлларни, хонликлардаги шарт-шароит ва вазиятни ўрганиш мақсадида кўплаб айғоқчи ва жосуслар йўлланди. Хива тарихчиси Муҳаммад Юсуфбек ибн Бобожонбек Баёний узининг «Шажараи Хоразмшоҳий» китобида Россия империяси томонидан Хоразмни эгаллашга бўлган беш уриниш амалга оширилганини таъкидлаб ўтади. Хоразмнинг табиий шароитлари, халкининг ахиллиги Россия империясига Хива хонлигини эгаллаш учун имкон қолдирмади

XIX асрдан бошлаб Россиянинг Туркистондаги таъсир зонаси Рус Туркистони деб атала бошланди. Россия империяси аҳолисини 1897 йилдаги биринчи умумий рўйхатдан ўтказиш маълумотларига кўра,

---

12. Кўпжонов О., Полвонов Н.Т. Хоразмдаги ижтимоий сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар. Тошкент: Абу Матбуот Консалтъ, 2010.-Б.24

Туркистон аҳолиси (Хоразм ва Бухородан ташқари) 7721684 кишини ташкил этар эди

Россия империяси таркибига Европа Россияси, Польша давлати, Финляндия князлиги, Сибирь кирар эди. Эрон ва Туркия билан урушлардан сунг Қора денгиз буйидаги бир канча портлар, Жанубий Кавказ, шу жумладан, Шимолий Озарбайжон (1813 йилги Гулистон, 1828 йилги Туркманчой, 1839 йилги Эдирне шартномалари асосида), шунингдек, Карелия ва Болтикбуйининг баъзи ҳудудлари Россияга қушиб олинди. Бундан ташқари, Хитойнинг маглубиятидан сунг Россия Шимолий Маньчжурия, Мугулистон ва Тувани эгаллади. Инглизлар билан геосиёсий қарама-қаршилик йилларида Россияга Шимолий ва Марказий Осиё ерлари қушилди (1907 й. инглиз-рус келишувига мувофиқ).

Туркистоннинг Россия империяси томонидан мустамлакага айлантирилишининг асосий босқичлари

Биринчи босқич - А. Бекович-Черкасскийнинг 1714-1717- йилларидаги, Пётр I давридаги муваффакиятсиз ҳарбий экспедицияси. Аммо шу императорнинг 1722 йилдаги Каспий юриши жуда самарали булди. Кавказнинг шимолда Дарбанддан жанубда Раштгача булган Каспийбуйи чизиғи забт этилди. Сунг бу ердан Астрахандан таянч нуқтаси сифатида фойдаланилган ҳолда Марказий Осиёнинг босиб олиниши бошланди.

Иккинчи босқич - 1847 йилдан 1864 йилгача, императорлар Николай I (1825-1855), Александр II (1855-1881) даврида Қозоқ жузлари, Қуқон хонлиги ва Тошкент буйсундирилди. Бу ҳудудларда Оренбург генерал-губернаторлиги таркибидаги Туркистон вилояти таъсис этилди.

Учинчи босқич - 1865-1868 йиллар, Александр II даврида Бухоро амирлигини забт этиш жараёни бошланди.

Туртинчи босқич - 1873-1879 йилларда, яна уша император даврида Хива хонлигининг қарам аҳволга туширилиши ҳамда Қуқон хонлигининг тугатилиши руй берди.

Бешинчи босқич - 1880-1885 йилларга, подшолар Александр II (1855-1881) ва Александр III (1881-1894) даврига тугри келди. Бу босқичда ҳаракатлар асосан ҳозирги Туркманистон ҳудудида амалга оширилган эди. Туркман қабилалари буйсундирилганидан сунг Россия империясининг Туркистондаги фаолияти якунланди[13]. Учала мустақил узбек давлат тузумлари - Бухоро амирлиги, Хива ва Қуқон хонликлари фақат қоғоздагина мавжуд эди, ва айнан шу босқичда

13. Абаза В.К. Завоевание Туркестана. СПб., 1902

руслар максадига эришди. Улар Россия империясининг армиясига бутунлай қарам булиб қолди. Россия империяси Туркистоннинг забт этилишига катта эътибор каратган эди. Бежизга ушбу муҳим санани ёдда тутиш учун «1853-1895 йиллардаги Урта Осиёга юришлар учун» номли махсус медали таъсис этилмаганди.

Нафакат Шарқ ва Ғарб, балки иккита халқаро дин - ислом ва христианлик Россия империясидаги вокеаларга туғридан-туғри алокадор булди. Россия ҳукмрон табақалари христианлаштириш сиёсатини олиб боргани боис христианлик асосий позицияларни эгаллади. Бу кампанияни амалга оширишнинг усуллари орасида буйсундирилган халкларни зуравонлик билан христианликка утказиш ҳамда мусулмон нуфусли ҳудудларга Россия ички губерния ларидан христиан аҳолини кучириш булган

1.1. ЦИВИЛИЗАТОРЛИК ЁКИ МУСТАМЛАКАЧИЛИК

Усмонли ва Эрон салтанатлари билан кўп сонли урушлар (1804-1813, 1826-1828, 1853-1856), 1810-1860 йиллардаги кампаниялар. Кавказда 1803 йилдан 1872 йилга қадар давом этган уруш Марказий Осиёни Россия империясининг мустамлакасига айлантиришдан иборат ҳарбий-сиёсий режаларнинг амалга оширилишида тусиқ бўлди. Шунга қарамай, Санкт-Петербург Бухоро амирлигининг Қўқон ва Хива хонликлари билан бирлашишига йўл қўймаслик учун ҳамма ишни амалга оширди, бу орада бир пайтлар Пётр I мулжаллаган режаларга киришиш фурсатини пойлади.

1862 йили «Русский вестник» журналида Марказий Осиёни босиб олишга чақирувчи «олға-ватан»чилик руҳидаги очиқ-ойдин шовинистик мақолалар пайдо бўлди. Либерал «Голос» журнали эса Ҳиндистонни қурол билан буйсундирган Буюк Британияни урнак қилиб курсата бошлади. Мустамлакачилик тарафдорлари «Каспийни Рус денгизига айлантириш, Марказий Осиё кучманчиларини утрок ҳаётга ўргатиш, бу дашт кавмлари билан пачакилашиб утирмаслик, улар устидан террор амалга ошириш»ни таклиф қилар эди. Оренбург генерал-губернатори ва Самара генерал-адъютанти А.А. Катениннинг Россия ташқи ишлар вазирига йўлланган мактубида шундай дейилган эди: *«Марказий Осиё мулки устидан ҳукмронлигимизни ўрнатиш учун биз албатта Туркистон ва Тошкентни олишимиз лозим»*. Унинг фикрича, бу хатти-ҳаракатлар Бухорога ҳарбий юриш уюштириш учун ҳам муҳимдир.

1864 йил октябрида ҳарбий вазир, муаммоларни куч билан ҳал қилишнинг ашаддий тарафдори бўлган Д.А. Милютин ташқи ишлар вазирининг император Александр II га мулжалланган ҳисоботини қуллаб-қувватлади. Ҳисоботда, хусусан, «Россиянинг Шарқни эгаллаб олишга булган қайноқ интилиши ва нияти» ҳақида, «ярим ёввойи кабилалар қулида Қўқон хонлигининг пахта, ипак, фойдали қазилмалар, кимматбаҳо тошлар сингари табиий бойликлари турганда» уларга нисбатан тинчликсевар сиёсат юритиб бўлмаслиги ҳақида айтилган эди.

Шу тарика, XIX асрнинг 60-йиллари бошида Санкт-Петербургда Марказий Осиёни босиб олишдан иборат экспансионистик гоянинг асосий концепцияси расман шакллантирилди. Фақат уни амалга ошириш қолди. XIX аср иккинчи ярмида Россия империяси Британия империяси ва Хитойдан чўчиб, ниҳоят Марказий Осиёга нисбатан белгиланган сиёсатини ижро этишга киришди. Унинг мақсади эса, юқорида айтилганидек, улкан ва бой минтақани босиб олиш, уни ўз

20 19/47 Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MA XO

мустамлакасига, Шарққа ва Жанубга янада чукурроқ кириш учун плацдармга айлантириш эди.

Узбек хонликларига нисбатан аввал бошидан хилма-хил ва жуда бой табиий ресурсларни урганиб, уларга «тинч» йул билан чангал солиш ва Россия иктисодиётига сарфлаш режаларитирилган эди. Шунингдек, хонликлар билан савдо муносабатларини ривожлантириш режалари бор эди[14]. Аммо хаммаси бошкача булиб чикди. 1864-1865 йилларда Россия Кукон хонлигининг кенг худудларини эгаллаш максадида харбий операция бошлади. Мохиятан, 1839 йилдан Россия империяснинг Марказий Осиёга режали куролли хамлалари бошланган эди. 1840 йилдан 1864 йилга кадар, йигирма йилдан ортик вакт давомида Кукон шимолидаги ерларга тизимли равишда юришлар амалга оширилиб келинди, лекин улар 1864 йилдан бошлабгина муайян ютукларга олиб кела бошлади. Сибирь ва Оренбургдан Марказий Осиёга карши навбатдаги рус харбий юриши йулга тушди. Катта харбий тажрибага, улкан армияга эга булган Россия империяси Туркистонни ва Марказий Осиёнинг бошка худудларини режали босиб олишга киришди. Империя чегараларини хам Шарк, хам Жануб томон янада кенгайтиришни бош максад килиб белгилаб олди. Махаллий халклар эса Россия империяснинг Туркистонни босиб олишига карши курашиб келди.

Генераллар М. Г. Черняев, М. Г. Лерхе, А. О. Дебу, Г. А. Колпакояский бошчилигидаги рус армияси 1864 йилда Авлиёота, Ясси ва Чимкент шахарлари учун кескин курашлар олиб борди. Генерал Черняевнинг аскарлари уша даврнинг энг замонавий курол-яроги билан хужумлар уюштирди, туп ва милтиклардан тинимсиз ут очган куйи Кукон хонлигининг минглаб уғлонларини ер тишлатди. 1864 йил 1 майида рус армияси Авлиёотани, 12 июнида Яссини, 22 сентябрида Чимкентни эгаллади[15]. Бу шахарлар талон-торож килинди. Улар артиллериядан шиддатли укка тутилди, бунинг окибатида кадимий шахарлар ер юзидан супуриб ташланди. Амири лашкар Алимкул рахнамолигидаги Кукон армияси довюраклик билан каршилик курсатди. Кукон хонлигининг барча кишлок ва шахарларидан тупланган кунгиллилар ва ватанпарварлар шахарлар мудофааси учун бирлашди. Лекин кучлар тенг эмас эди, бундан ташкари, куконликлар,

---

14. История Узбекской ССР с древнейших времен до наших дней. Том I, кн. 2. Ташкент, 1974, Б.80; Попов А.Л. Из истории завоевания Средней Азии ИЗ, 1940. № 9, Б.209.

15. «Туркестанский край. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края», т. XVII, ч. 2, Б. 21-27. Донесение Черняева Дюгамелю от 8. VIII. 1864.

катта тажриба ва энг замонавий куролга эга рус армиясидан фаркли равишда, ёмон куролланган эди.

1864 йил кузида генераллар М.Г. Черняев ва М.Г. Лерхе йулбошчилигида рус қушинлари Қукон аскарлари билан юзма-юз тукнашди. Тошкентни эгаллашга биринчи уриниш амалга оширилди, аммо шаҳар туриб берди[16]. Кейинги йил езида Ниёзбек истеҳкоми, Тошкент сув омбори босиб олинди, шаҳар яна бир бор қамал остида қолди. Бунга қадар руслар Анҳор сувини тусиб қуйди, Тошкент 44 кун сувсиз колиб кетди.

Тошкентга иккинчи юриш 1865 йил 9 майида амалга оширилди. Ушанда амири лашкар Алимкул халок булган эди, шу муносабат билан М.Г. Черняев камални тухтатиб, йулбошчисини йукотган шаҳар таслим булишидан умид килди. Лекин Бухоро амирининг қушинлари якинлашаётганини билиб, у 15 майга утар тунда фаол ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилди. Рус қушинлари Тошкентга бостириб кирди, куча жанглари икки кун - 16-17 май кунлари давом этди. 17 май куни Тошкент расмийлари каршилик бефойдалигини тушуниб, шаҳарни топшириш юзасидан музокаралар бошлади. Ҳимоячиларининг конига тулган шаҳар кулади[17].

«Тошкентнинг бўйсундирилиши билан, - деб хабар берарди Черняев, - *биз Марказий Осиёда империя гурури ва рус халқининг қудратига муносиб мавқега эга бўламиз. Ҳа, Тошкентнинг олиниши бошланма булди, Россиянинг Марказий Осиёдаги қудрати ва юксак аҳамияти учун асос бўлиб хизмат қилди, жаҳоннинг ушбу номаълум, маҳфий бурчагига эшик очди!»*[18]. Дарҳакикат, Тошкентнинг қурол зури билан забт этилиши Россия империясининг Марказий Осиёдаги катта ҳарбий-сиёсий муваффакияти бўлди. 1865 йил сентябрида Оренбург генерал-губернатори конидан, жонидан айрилган Тошкентга шахсан келиб, уни расман Россия империяси мулки деб эълон қилиши бежизга эмас.

Уша йилнинг кузида М. Г. Черняев Жиззахга юриш бошлади. Кейинги йил бошида эса Бухоро амири Музаффархон, Қукон хони Худоёрхоннинг кумагига ишониб, Россиядан Туркистон маркази - Тошкентни бўшатиб қуйишни талаб қилди. Аммо томонлар ўртасидаги музокаралар ҳеч нарсага олиб келмади.

Яна бир бор таъкидлаб ўтайлик, Марказий Осиё, Сибирь ва Кавказнинг Россия империяси томонидан «нотинч» йўллар билан кушиб олиниши аввал бошдан Шаркнинг ушбу кенг ва бой ўлкаларига

16. «Туркестанский край», т.XVII, ч. 2, Б. 221-222.

17. Южаков Ю. Д. Шестнадцатилетняя годовщина взятия Ташкента. СПб., 1881.

18. Южаков Ю.Д. Уша асарда.

қуролланган армия борганини курсатар эди. Қурол кучи билан забт этилгач, бу улкаларнинг губернаторлари этиб одлий амалдорлар эмас, генераллар тайинланар эди. Узбек хонликларининг Россия империяси гаркибига уз ихтиёри билан қушилиши ҳақидаги уйдирмаларни тушуниш учун Бухоро амири Музаффархоннинг Усмонли султонига охирги жанг олдидан йулланган мактубига эътибор каратиш жоиз - у Бухора амирлигининг Россия империяси билан уруш ҳолатида эканлигини яққол курсатади. Бухоро амири Музаффархон барча мусулмонлар халифаси - Усмонли султонига бир неча маротаба расман мурожаат этган, лекин элчиликлар қуруқ кул билан қайтган эди:

«Сизларга сунгги маротаба арз қиламизки, Россиянинг истилочилик фаолияти унинг журъатини янада оширди. Руслар бир неча вақтдан бери қароргоҳ сифатида фойдаланиб келишаётган Оқмачитдан чиқиб, Ҳазрати Султон, Чимкент, Авлиёота ва Тошкентни қулга киритиб, халқнинг кўпини шаҳид қилди ҳамда мусулмонларга ҳаддан ортиқ адолатсизлик ва зулм утказди.

Орадан бир йил утгач, Жиззах яқинига келган булсалар-да, маглуб булиб, Сирдарё соҳилидаги Турақурғон деган мустаҳкам бир жойда қишладилар. Жаноби олийлари амир катта қушин билан руслар устига юрди. Бухоро қушини кучли ва тартибли булган русларнинг урушиш усулини билмаганлигидан ортга қайтди. Бунинг оқибатида русларнинг жасорати ошиб, Хужандни олдилар ва анча мусулмонни шаҳид қилдилар. Рус қушини Хужанддан чиқиб, Янгиқурғонни олди ва Уратепага яқин келди. Уратепани олган руслар кўплаб мусулмонни улдирдилар. Жиззах сари юриб, бир ҳафта ичида Жиззах қурғонини олган руслар бу ерда ҳад-ҳисобсиз мусулмонни улдирдилар. Жаноби олийлари бу хабарни эшитиб, кўп сонли қушинни Жиззахга жунатди. Бу вазиятда руслар сулҳ шартномаси тузмоқчи эканликларини айтиб, Бухоро қушинини ҳийла билан орқага қайтардилар. Қушиннинг орқага қайтганидан кейин Янгиқурғон ва Жиззахдан уч фарсах узоқликдаги сой буйига келгани ҳақида хабар етгач, жуда кўп аскар ва туп билан кофир устига юрилди. Икки-уч марта кичик жанглар булди. Оренбург ҳокими Янгиқурғонда тураркан, Бухоро амирига бир мактуб юбориб, сулҳ тузиш истагини билдирди. Бухоро амири русларга алданиб, қушинни орқага қайтарди. Буни эшитган кофир уз қушинини Янгиқурғондан олмади. Ҳодисанинг вуқуъ этишини арз қилдик. Халифа ҳазратлари русларни мусулмонлардан узоқлаштирсин, шу тариқа исломият ривож топсин ва заифлашмасин. Бу тарафда жаноби олийлари тўпхона қурдириб, 10 000 кишилик аскар кофир билан қарама-қарши турибдир. Агар Халифа ҳазратлари мактуб ёки

киши юбориб русларни мусулмонлардан узоқлаштирса, давлатининг ривожини ва яхшилик-ла эсланишининг сабаби бўлажак. Чорасиз қолган бу мусулмонлар Халифанинг бу шарофати билан қутулсалар, амал дафтарига буюк савоб ёзилади. Ожизлик ва чорасизлик ичидаги мусулмонларнинг аҳволи Халифа ҳазратларига билдирилсин»[19].

Бутун олам мусулмонлари раҳмосига йўлланган ушбу бефойда мурожаатдан сўнг Туркистондаги ўзбек давлатлари мусулмонлар халифаси, Усмонли салтанати султонининг эътиборига бўлган умидини йўқотди. Бухоро амирлиги Усмонли салтанати халифасидан панд-насиҳатдан бошқа нарса ололгани йўқ.

1866 йил март ойида генерал М.Г. Черняев Санкт-Петербургга чакириб олинди, унинг ўрнини генерал-лейтенант Д.И. Романовский эгаллади. Унинг даврида ҳарбий ҳаракатлар кайтадан жонланди. Рус армиясига яна зафар ёр бўлди. 1866 йил 8 майида Бухоро амири қўшинлари Эржар дарасида тор-мор келтирилди. 24 май куни эса 14 аскарлик ротаси, 500 казак, 20 курол ва 8 ракета станокларидан иборат катта ҳарбий отряд Сирдарё сохилида жойлашган Хўжанд истеҳкомли шаҳрини эгаллади. У катта стратегик аҳамиятга эга эди, негаки Тошкент, Қўқон, Балх ва Бухорога борадиган йўллар кесишувида жойлашган эди. Уша йилнинг кузида Бухоронинг икки катта қалъаси қулади: 2 октябрда Ўратепа, 18 октябрда Жиззах эгалланди[20]. Жиззах ва Хўжанд округлари Россия таркибига қўшиб олинди[21].

Қўқон хонлигининг ерлари кисман босиб олинганидан сўнг 1865 йили Туркистон вилояти ташкил этилди. Туркистоннинг қурол билан забт этилган ерларида 1867 йили Россия империяси Туркистон фавқулодда генерал-губернаторлигини шакллантирди. Унинг таркибида Сирдарё ва Еттисув вилоятлари бўлиб, маркази Тошкент эди[22]. Генерал-губернатор К.П. фон-Кауфман бошчилигида Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари ерларини босиб олиш бўйича бош режа тузиб чиқилди. 1868 йил июнининг охирида рус армияси Бухоро амирлигига қарши ҳарбий кампания бошлади. 1 май куни Самарқанд яқинидаги Чўпонота тепалигида ғалаба қўлга киритилди, Самарқанд эгалланди ва армия Каттақўрғонга йўл олди.

---

19. Мерт У. Дипломатическая деятельность в Стамбуле посла Бухарского эмира Мухаммад Парса эфенди (1867-1869). «Turk kulturi arastirmalari», XV/1-2. 1979. Б.98-99, 112-113.

20. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. т.1. СПб., 1906, Б. 373.

21. Абаза В.К. Завоевание Туркестана. СПб., 1902; Терентьев М.А. Уша асарда., Б. 373.

22. Бапина С.Н., Арапова Д. Ю., Бекмаханова. Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи - «Новое литературное обозрение», М., 2008.

30 майдан 1 июнга ўтар кечаси Самарқандда исён бошланди. 2 июн куни шаҳар деворлари остида Шаҳрисабздан етиб келган мадад кучлари пайдо бўлди, шундан сунг ғалаён янги куч билан авж олди. Бобобек ва Журабекнинг қўшинлари Самарқандга қаршиликсиз кирди, у ерда шаҳарликлар мадад кучларининг сафларини тўлдирди. Русларнинг Самарқандда бўлиб турган 650 аскардан иборат гарнизони ҳисорда яширинди. Исёнчилар беш кун давомида қалъани муваффақиятсиз камал қилди. 3 июн куни Зирабулоқ якинида туриб, бухороликларга карши жангга тайёргарлик кўриб турган рус аскарлари ва зобитлари Самарқанддаги исён ҳакида билиб, саросимага тушиб колди. Шунга карамай, улар Зирабулок тепалигида Бухоро амири Музаффархонга карши жангни қабул килди. Уларнинг максади шаҳарни ҳамда якин атрофдаги кишлокларни эгаллаш эди. Музаффархон ҳарбий кучлари етарли эмаслигини тушуниб, аҳолига мурожаат килди ва одамларни жиҳодга чакирди. Шундан сунг у Генерал-губернатор К.П. фон Кауфман кумондонлиги остидаги боскинчиларига карши жангга кирди. Бухоро амирини енгган Генерал-губернатор К.П. фон Кауфман Самарқандга йул олди. А.Н. Куропаткиннинг шу муносабат билан қайд қилиб ўтишича, *«4 мингга яқин улик жанг майдонида ётар эди, барча қўроллар олинган эди. Амирнинг мунтазам қўшини мавжудлигини битирди, Бухорога йўл очилди»*[23].

8 июнда Самарқанд дарвозасига якинланган Генерал-губернатор К.П. фон Кауфман тинчлик таклиф килиб хузурига келган оксоколларни кўриб юборди ва шаҳарга карата туплардан ут очиб, уни ёкиб юборишга курсатма берди. 9 июнда Самарқандда ялпи кирғин бошланди.

Зирабулоқдаги мағлубият ва исённинг бостирилиши Бухоро тақдирини ҳал килди. Жангда мағлуб булган Бухоро амири 1868 йил 23 июнида Россия билан уз манфаатларига зид шартнома имзолашга мажбур булди. Унинг шартларига кура,

- Бухоро Россия империясига тобелигини тан олади;
- Бухоро амири 500 минг тилла улпон тулайди;
- Бухоро амирлигининг Самарканд ва Каттакурғон вилоятлари Россия таркибига киради;
- Бухоро чет эл давлатлари билан мустақил алоқалар олиб бориш ва ўрнатиш ҳуқуқидан маҳрум булади.

Ўша йилнинг кузида Абдумалик тура бошчилигидаги исён шафкатсизларча бостирилди. Аммо К.П. фон Кауфман томонидан Самарканд эгалланганидан сунг тинч аҳолига карши уюштирилган хунрезлик ва катлиомга карамай, одамлар илгаригидай эркинлик ва

23. РГВА. Ф 165. Оп.1. Д.1742. Л. 46.

мустакилликка интилаётган эди. Куп жойларда тез-тез чоризмнинг харбий ишғолига карши ғалаёнлар алангаланар эди. Уз еридан мосуво булган, оғир солиқларга гирифтор этилган, Россия мустамлакачи ҳокимияти томонидан эзилаётган маҳаллий аҳоли ҳукуксиз қул тақдирига кунмади ва исён кутаришда давом этди. Моҳиятан, мустамлакачиликка карши кураш унинг Туркистонда юз курсатиши биланок бошланди.

Боскинчилари ғафлатда колдирган энг йирик исёнлардан бири Бобон Алибой рахбарлигида булиб утган эди. 1869 йил октябрида аланга олган Бобон Алибой кузғолони Зарафшон дарёсининг юқори оқими буйлаб жойлашган ҳудудларга таркалди, хусусан, Бухоро амирлигининг Зиёвуддин ва Хатирчи бекликларида, Россия томонидан мукаддам буйсундирилган Зарафшон округининг Каттакурғон булимига кирувчи қишлоқларда ёйилди. Бу пайти Бош штаб академиясини битириб, штаб-ротмистр унвонига эга булган Скобелев Самаркандга етиб келди. Кауфман билан келишган ҳолда генерал-майор Абрамов кузғолонни бостириш максадида Скобелев бошчилигида жазо отрядини сафарбар қилди. Унинг таркибига асосан тажрибали казаклар киритилди. Жазо отрядининг исёнчилар билан илк тукнашуви Каттакурғон якинидаги Чоршанбе қишлоғида руй берди. Исёнчилар Скобелев отрядига катта талафот етказди. Бундай ҳолат илгари кузатилмаган эди. Шу боис К.П. фон Кауфман «Бош штабнинг штаб-ротмистри Скобелевнинг Чоршанбедаги беадаб феъл-атвори масаласини куриб чиқиш буйича махсус комиссия» тузди. М.Д. Скобелевнинг отаси императорга якин давра вакили булгани учунгина Чоршанбе қишлоғи якинидаги фожиа айбдори қаттиққул жазодан омон колди. Шунга карамай, унинг маҳаллий аҳолига карши ғайриинсоний акциялари прогрессив рус зиёлиларининг ғазабини кузитди. Балки таржимаи ҳолидаги ушбу шармандали ҳолат туфайли М. Д. Скобелев Туркистон аҳолисини шафкатсизларча жазоловчи зобит сифатида тарихда ном колдиргандир. Лекин бу вокеалар кейинрок булиб утди.

Россия империясининг Осиёдаги муваффақиятлари муносабати билан унинг Шарқдаги бош геосиёсий ракиби, жаҳоннинг энг йирик мустамлака империяси булмиш Буюк Британия жиддий ташвишга тушиб колди. У русларнинг шимолдан жанубга қараб, ўзининг кенг ва ўта бой Ҳинд мустамлакаси томон силжишини тухтатишга интила бошлади. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, уша пайтда Амударё ҳавзасида Россиянинг мавқеи мустаҳкамланиб бораётгани туфайли Ҳиндистонга нисбатан потенциал таҳдид уйғониши мумкин эди. Бу бой-бадавлат ва катта максадни ҳали Пётр I орзу қила бошлаган эди.

1869 расмий Лондон Санкт-Петербургга Ҳиндистондаги Британия мулклари ҳамда Туркистоннинг Россия назоратидаги вилоятлари ўртасида нейтрал зона яратишни таклиф қилди. Россия ташқи ишлар вазирлиги вакиллари бутунги Афғонистон зонасини ана шундай ҳудуд деб санашни таклиф қилди. Аммо британияликлар бу таклифни рад этди, чунки Марказий Осиёда бир-бирини заифлаштирадиган сиёсий структуралар яратишни режалаштираётган эди. Бундай вазиятда Лондон ўз мавкеини «Британия тожининг дури» - Ҳиндистондан шимолроқда ҳам мустаҳкамлаши мумкин эди.

1869 йил октябрида бу масалалар буйича музокаралар олиб бориш мақсадида Санкт-Петербургга Британия ҳукумати намояндаси Дуглас Форсайт ташриф буюрди. Қабул қилинган қарорга биноан, Афғонистон таркибига Қандаҳор амири Шералихоннинг «ҳақикий ҳокимияти» остидаги ерлар киради, Буюк Британия эса унинг тинчликпарвар сиёсати кафолатчиси булади. Шу билан Британия дипломатияси Россия империяси томонидан Афғонистоннинг инглиз таъсир доирасидаги ҳудуд сифатида тан олинишига эришди.

Табиийки, муаммонинг бундай ҳал этилиши Россия манфаатларига бир қадар зид келар эди, аммо у энди Британия Туркистондаги рус мулкларига дахл қилмаслигига амин була оларди. Бир пайтнинг ўзида маҳаллий ҳокимият вакилларига, Ҳиндистон вице-кироли ва Туркистон генерал-губернаторига қайси ҳудудлар Шералихоннинг «ҳақикий ҳокимияти» остида эканлигини аниклаш топширилди. Россия томони ўз мулоҳазаларини билдирилишини кутиб ўтирмаган Британия ташқи ишлар вазири Санкт-Петербургга депеша йўллаб, унда Афғонистон таркибига қуйидаги ерлар киритилишида қаттиқ туриб олди:

- Бадахшон, унга тобе булган Вахон, шарқда Зоркул кулидан бошлаб Кукчанинг ушбу афғон вилоятининг шимолий чегарасини ҳосил қилувчи Амударё (Панж) билан туташув ерига қадар;
- Жанубий Туркистон (Қундуз, Ҳулм, Балх округлари), унинг шимолий чегараси эса Амударёнинг Кукчага қуйиладиган еридан Хужа Солиҳ постига қадар боради;
- Ички округлар - Акча, Сарипул, Маймана, Шибирғон ва Андхой.

Аммо Россия ташқи ишлар вазири, князь А.М. Горчаков «Кобул амири Афғонистон чегаралари ичига киритилиши таклиф этилаётган Акча, Сарипул, Маймана, Шибирғон ва Андхой шаҳарларига эгалик қилиши»га шубҳа билдирди. Шунга қарамай, у Лондоннинг таклифларига кушилди, фақатгина Бадахшон ва Вахонни Афғонистон мулклари деб ҳисоблаш мумкинлигига эътироз билдирди. 1873 йил январида бу масала буйича ҳам келишувга эришилди. Хива хонлигига

юриш тайёрлаётган Россия Бадахшонни Британия гумаштаси бўлмиш пуштун амири Шералихон ерлари таркибига кўшилишига рози бўлди.

Узаро манфаатли ва кулай бетарафликни таъминлагач, Россия ва Британия Афгонистонга нисбатан дипломатик демаршларни амалга оширди. 1873 сентябрида Симлада Афгонистон вакиллари иштирокида ўтаётган конференцияда Ҳиндистон вице-кироли Британия резидентларини афгон шаҳарларига киритишни талаб килди. Бу мамлакатнинг шимолий чегараларида Британия таянч нукталарини яратиш ҳамда унинг ички ҳаёти устидан назорат урнатиш учун жуда муҳим эди. Россия эса узига Туркистонда эркин ҳаракатланиш имкониятини таъминлади[24]. 1887 йил 10 (22) июлида ҳамда 1895 йил 27 февралида (11 мартида) Буюк Британия ва Россия уз мулклари ва таъсир доиралари чегараларини кайтадан аниклаштириб олди. Россия империяси вакили Британия билан келишув имзолаб, унга кура Россия Хива хонлигини босиб олмаслигига, Хива хонининг мамлакат ички бошкарувидаги чекланмаган сиёсий ҳокимиятга булган хукукини саклаб колишга кунди[25]. Шунга карамай, Хива хонлигини забт этиш учун Россия империяси туртта отряд - Туркистон, Манғишлоқ, Красноводск ва Оренбург отрядларини ҳозирлади. 1873 йил февралининг охири - мартининг бошида улар К. П. фон Кауфман кумондонлиги остида бир неча томондан - Жиззах, Казалинск ва Каспий сохилидан ҳамлани бошлади. Красноводск отряди белгиланган пунктга етиб бора олмади. Шунга карамай, 1873 йил майининг урталарида бошка отрядлар Хивага якинлашди. Хива хонлигининг ушбу мураккаб ва фожиали лаҳзалари Брокгауз ва Ефроннинг машхур «Энциклопедик лугати»да анчайин холис ёритилган. У ерда айтилишича, *«28 май кўни Оренбург-Манғишлоқ отряди қўшинларининг бир қисми генерал Верёвкин бошчилигида Хива шаҳрига яқинлашиб, бир уюм тепаликни эгаллади ва шаҳарга қарата ўт очди. Шаҳарда ғалаён бошланди»*.

Хива ҳукмдори Муҳаммад Раҳимхон Феруз II пойтахти бомбардимон килинганидан сунг шаҳарликларни ҳалокатдан асраб колиш максадида К.П. фон Кауфман ҳузурига парламентёрларни йуллади. Улар Хива боскинчилар олдида дарвозани очиб бершга ва каршиликни тухтатишга розилигини билдирди. Лекин шунда ҳам иш тинчлик билан якун топмади. М.Д. Скобелев Хиванинг тинч йул билан топширилишига рози булмай, шаҳар дарвозаларидан бирини укка тутишни буюрди. Сунг у йуллаган минг нафар аскар

24. Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией. 1872-1885 годов, ч. 2, СПб., 1886, Б. 5. Депеша Гренвилля от 17 октября 1872 года.

25. Уша асарда.

шаҳарда кирғин уюштирди. Буни ганиқли узбек тарихчиси Муҳаммад Юсуфбек ибн Бобожонбек Баёний узининг «Шажараи Хоразмшоҳий» асарида ҳам тасдиқлайди. У боскинчилар хонликнинг тинч аҳолисини қатлиом қилиши тафсилотларига тухталади: *«Хива Оренбург отряди қушинлари томонидан эгалланган бир пайтда бошқа томонда Кауфман Туркистон отряди ҳамда Оренбург отрядининг бир қисми бошчилигида шаҳарга Ҳазорасп дарвозаси орқали қаршиликсиз, тантанавор кириишга тайёргарлик кўраётган эди».* Бу ҳақда билган К. П. фон Кауфман қаттиқ ғазабланди, негаки Хива хони билан шаҳарнинг тинч йул билан топширилиши юзасидан келишувга эришиб булган эди. Шунга карамай, у М.Д. Скобелевни жазолашга журъат этмади - унинг отаси император билан якинлиги бунда ҳал қилувчи урин тутди. Шу тариқа, бу сафар Туркистоннинг биринчи рақамли жаллоди енгил оғаҳлантириш билан кутулиб қолди.

Муҳаммад Юсуфбек ибн Бобожонбек Баёний уша асарида Хива аёлларининг жасорати ҳақида ҳикоя қилади: *«Ҳотунлар ҳам чап қулида боласи ва унг қулида тиғ билан Русия отлиқларига ҳамла қилур эдилар. Бир миқдор уруш бўлгандан сунг Русия аскари голиб келиб, оларнинг ҳам ҳаммаларини тиғу тўфонг била қириб тамом этдилар. Баъзи заҳмдорлар улукларнинг ораларида узларини улукдек этиб ётмиш эрдилар. Русия аскарлари оларни кўриб, милтиқ уқи билан оларни уруб қатл этдилар...»*[26]

Хивадай мухим объектнинг олиниши учун ушбу аскарий операция иштирокчилари - генераллар К. П. фон Кауфман, К. П. фон дер Флит, Г. А. Колпаковский, В. Н. Верёвкин, Н. П. Ломакин, Н. Н. Головачёв, А. Н. Меллер-Закомельский ва А.П. Константинович Россиянинг олий мукофотлари билан тақдирланди. М.Д. Скобелевнинг хизматлари эса алоҳида эътироф этилди, император Александр II унга «Жасорат учун» ёзуви туширилган олтин ярог совға қилиб, учинчи ва тўртинчи даражали авлиё Георгий кукрак нишони билан тақдирлади. Шу тарика, Хива юришида узини тинч аҳоли котили сифатида намоён этган М. Д. Скобелев юксак аскарий мукофотлар соҳибига айланди.

Афсуски, Марказий Осиё хонликлари боскинчиларга қарши кучларини бирлаштириб, мустамлакачиларга биргаликда қарши туриш ва уларга зарба беришнинг уддасидан чикмади. Барча мустакил ўзбек давлатлари энди номигагина мавжуд эди. Бухоро амирлиги курол кучи билан буйсундирилиб, Россия империясининг вассалига айланди. 1873 йилги юришдан сунг Хива хонлиги ҳам Россияга итоаткорлигини тан олди. Кўкон хонлигидаги ички талотўплардан фойдаланган К. П.

---

26. Баяний М.Ю. Шажарайи хоразмшоҳий. -Тошкент: Адабиёт ва санъат,1994.

фон Кауфман бу давлатни ҳам уз назорати остига олди. Бунда Кукон хони Худоёрхоннинг узи босқинчиларга кумак берворди.

1875 йил ёзида Худоёрхон якинлари ва давлати билан ҳомийлик кидириб К. П. фон Кауфман хузурига келди, у эса, уз навбатида, хонни Оренбургга йуллади. Маҳрам қалъаси якинида куконликларни мағлуб этгач, 29 августда К. П. фон Кауфман Қуконга кириб келди. 22 сентябрь куни Худоёрхоннинг ўғли Насриддин билан сулҳ имзоланди. Унинг шартларига кура, Кукон хони узини Россия императори табааси деб тан олди; генерал-губернатор рухсатисиз ташқи алоқалар урнатмаслик ва ҳарбий ҳаракатлар олиб бормасликка рози булди. 1875 йили Кукон хонлиги уз мустақиллигини йуқотди[27].

Худоёрхоннинг Россия империяси васийлигига кириши ҳамда Кукон хонининг эркини чеклаш буйича келишувнинг имзоланиши маҳаллий аҳоли орасида исёнкор кайфиятларни келтириб чикарди. Андижон кузғолон марказига айланди. Исёнчилар Пулатхон исмини кабул килган мулла Исҳокни янги хон деб эълон килди. Пулатхон Андижон якинида турган рус отрядини мағлуб этди.

Бунга жавобан М. Д. Скобелевнинг ташаббуси билан исёнчиларга карши Андижон сари янги юриш ташкил этилди. 1876 йил 8 январида шаҳар шафкатсиз бомбаланиб, кунпаякун килинди. 20 минг андижонлик ҳалок булди. Эртаси куни М. Д. Скобелев вайрон этилган, ҳувиллаб колган Андижонга кирди. Пулатхон эса омон колган жангчилари билан Учкурғон қалъаси томон йул олди. М.Д. Скобелев отряди кочаётган куролсиз одамларни - сиёб кул булган кишлокларини тарк этаётган аёлларни, кексаларни ва болаларни куриб колганида М. Д. Скобелев уларни килич билан чопиб ташлашга буйрук берди. Унинг кул остидаги зобитлар бу буйрукни бажаришдан бош тортди. Зобитлардан бири - Наливкин *«Мен зобитман, қуроли бор ганимга қарши юзма-юз курашишга ургатилганман, тинч аҳолини ўлдириш эса қўлимдан келмайди»* деди. Шунда М.Д. Скобелев бошқа зобит - Иоповни буйруқни бажаришга мажбурлади, ва у уз аскарлари билан барчани, шу жумладан, ҳали кукракдан чиқмаган болаларни киличдан утказди. Шу воқеадан кейин М. Д. Скобелев раҳбариятга шикоят килиб, *«Наливкин ё истеъфога чиқиши, ё жазога тортилиши»* лозимлигини айтди. Натижада унинг ғайриинсоний буйруғини бажаришдан бош тортган Наливкин истеъфо беришга мажбур булди.

1876 йил 28 январига утар кечаси М.Д. Скобелев жупатган кисм Учкурғонни эгаллади, қалъа ҳимоячилари кириб ташланди. Пулатхон Марғилонда қулга тушди. Роман ва бошқа жанрлардаги халқ асарлари

27. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии. т.1. СПб., 1906, Б.373.

қаҳрамонига айланган Пулатхоннинг ҳаёти фожиали якун топди. Халқининг эрки ва мустақиллиги йўлида курашган уттиз ёшли йигит осиб ўлдирилди. Шу тарика, Пулатхон бошчилигидаги исён, оммавий чиқишларнинг энг охиргиси рус армияси томонидан шафқатсизларча бостирилди. Кейинрок, 1876 йилда Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнига Туркистон генерал-губернаторлигининг Фарғона вилояти ташкил этилди. «Қўқон хонлигининг бўйсундирилиши учун. 1875-1876 йиллар» номли мукофот медали таъсис этилди.

Пулатхон исёни бостирилганидан сўнг Туркстон ўлкаси генерал-губернатори К. П. фон Кауфман Қўқон хонлигини мустақилликдан жудо қилиш қарорига келди. Натижада 1876 йил 19 февралда бу давлат тугатилди. У император фармонига биноан Фарғона вилоятига айлантирилди, бу вилоятга ҳарбий губернатор этиб эса М. Д. Скобелев тайинланди.

Юқорида баён этилган воқеалар муносабати билан бир нарсани эсга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ғарбий Европа, айниқса Буюк Британия Туркистондаги воқеалардан норозилик билдириши мумкинлигини тушунган Санкт-Петербург Туркистоннинг мустақил давлатларини бутунлай тугатмай, уларни ўз измига солишни режалаштирган эди. Аммо маҳаллий аҳоли курсатган қуролли каршилик, айниқса Қўқон халқи кутарган исёнлар туфайли ушбу ўзбек хонлигини тугатишга карор қилинди. Энди Қўқон хонлиги ҳудудлари Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирар эди.

Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари эгаллангач, 1877-1878 йиллари навбатдаги рус-турк урушига чалғиган Россия армияси Ахалтеке воҳасидаги Қўқтепа қалъасини нишонга олди. Генераллар М.Д. Скобелев, Н.П. Ломакин, Н.Н. Головачёв, Н.И. Гродеков, А.Н. Куропаткин, К.П. фон Кауфман қўмондонлиги остидаги қисмлар Қўқтепани қамал остига олди. Бу ерда истилочилар туркман ҳимоячиларининг қатъий каршилигига дуч келди ва Кавказ томонга чекинишга мажбур бўлди. Бир йил ўтиб, 1879 йил 28 августида рус армияси яна Қўқтепа устига юрди. Янада каттарок кучларни тўплаб келган руслар олти ой давомида қалъани натижасиз қамал қилди.

Қалъанинг Бердимуродхон, Тикма Сардор, Кучар Сардор, Муродхон Сардор, Маҳтумқулихон, Нурбердихон бошчилигидаги ёвмут ва така уруғидан чиққан ҳимоячилари боскинчиларга ғалаба козониш имкониятини қолдирмади. Шунда қўмондонлик янги тактикага ўтди. Қалъа девори остига ўра қазилиб, у ерга кўп миқдорда портловчи модда ўрнатилди ва тунги пайтда ҳавога учирилди. Қалъа деворидаги ёрик орқали селдай оқиб кирган рус аскарлари ва қалъа ҳимоячилари ўртасида шиддатли қўча жанглари бошланиб кетди.

Россиялик ҳарбий тарихчилар ва маҳаллий муаррихлар, жумладан, яна уша Муҳаммад Юсуфбек ибн Бобожонбек Баёний рус аскарлари қалъа ҳимоячиларини кириб ташлаганини бирдай тасдиклайди. Қалъадаги 40 мингдан ошик тинч аҳоли вакилларидан ярми ҳалок булди, куплаб ярадор бор эди. Шундай килиб, 1881 йил 12 январида Куктепа қулади.

М.Д. Скобелевнинг буйруғига кура рус армияси уч кун давомида ғалабани нишонлади. М.Д. Скобелевнинг «ҳарбий жасорати» ва қалъа мусохарасининг даҳшатли оқибатлари қирғин иштирокчиларидан бири - Н.А.Куропаткин томонидан тасвирланган: *«Қалъа ичига назар ташлаш даҳшатли эди. Беҳисоб уликлар бир неча кундан бери уйилиб ётарди. Баъзи кулбалар мурдаларга тулиб кетганди»*[28].

Куктепа ишғол этилганидан кейин ғолиблар бутун Каспийорти улкасини талон-торож қилиб, узларидан вайроналар қолдирдилар. Америкалик журналист, воқеалар иштирокчиси Мак-Гаханнинг эсдаликларига кура, *«Эртаси куни эрталаб биз йулимиздан чиққан ҳамма нарсага ут қуйиб, ҳамма нарсани йук қилиб, йулимизда давом этдик. Биз ортимиздан тахминан уч миля кенгликдаги ян-ялаб чизиқ тортиб бораётгандик, у ерда фақат тутаб ётган кул тепаларигина қолган эди. Ут қуйиш операцияси қандай амалга оширилаётганини яқиндан куриш ниятида мен йулнинг унг томонидаги барча нарсани ёқиш буйруғини олган отряд билан бирга бордим. Бу иш, уз-узидан тушунарлики, жирканч эди, аммо, шунга қарамай, унда одамни ҳаяжонга келтирувчи қизиқарли нарса, вайронкорлик руҳига хушомад бор эдики, бу ҳис, афтидан, ҳар бир, ҳатто энг сокин ва маданий инсон қалбида яширин сақланади...*

...Биз шу тариқа йуқ қилаётган уй-жойлар суқунати ҳаракатларимиз туполони ва зуравонлиги билан кескин зиддият ҳосил қилар эди...

...Биз уйларда камдан-кам ҳоллларда бирор нарса топардик. Озроқ ошхона буюмлари, баъзан бир нечта жужа, дарвоқе, казаклар уларни шу заҳотиёқ тутиб олар эди, шошилинч қочиш ортидан ета олмаган қари қирчанги ёки ёш бузоқча...

...Бунинг бари устида рус байроғи бўй чўзиб турарди, у тутун аро элас-элас фарқланар, эринчоқлик билан ҳавода ҳилпираб, ушбу вайронкорлик саҳнаси узра қанот қоқаётган калхатни эслатарди»[29].

Илғор рус зиёлилари уша пайтда империянинг мустамлакачилик сиёсатини кескин коралаб келаётган эди. Россия ҳарбийларининг

---

28. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия боскини даврида. Андижан: «Мерос», 1995. Б.42-43.

29. Мак-Гахан Януарий Алоизий. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. Часть IV. Картина войны. М.: Университетская типография, 1875;

тинч аҳолига қарши шафқатсиз хатти-ҳаракатлари прогрессив рус интеллигенциясининг ғазабини қузитди. Буюк рус адиби, «Уруш ва тинчлик» романи муаллифи Лев Толстой М.Д. Скобелев бошчилигидаги рус армияси Куктепа ҳимоячиларига карши уюштирган куз куриб, қулоқ эшитмаган ваҳшийликлар ҳақида жирканиш ва нафрат билан ёзган эди[30], *«оқ пошшо»*нинг генерали Скобелевнинг шахсияти ва фаолиятига нисбатан кучли антипатия ҳис этар ва ҳатто Д.Д. Оболенский таклифига рад жавоби бериб, у билан танишишдан бош тортган эди[31]. Аммо Туркистонни мустамлакага айлантиришнинг тарафдорлари ҳам бор эди. Улардан бири Ф.М. Достоевский эди. Унинг ёзишича, *«Скобелевнинг галабаси бутун Осиёда, унинг энг олис бурчакларида акс-садо беради: Мана, яна бир газабнок ва маглур иймонли халқ оқ подшога бўйин сунди. Майли, акс-садо берсин. Миллионлаб халқлар, Ҳиндистонга қадар, ҳатто Ҳиндистоннинг узида ҳам, оқ подшонинг енгилмаслиги, унинг тиги тиним билмаслигига бўлган ишонч усиб-ўнмоқда. Генерал Ломакиннинг муваффакиятсизлигидан кейин ахир бутун Осиё бўйлаб тиғимизнинг енгилмаслигига бўлган шубҳа ўйғонди - русларнинг мавқеи шубҳа остида қолди. Мана шунинг учун биз бу йўлда тухтай олмаймиз. Бу халқларнинг уз хонлари ва амирлари бўлиши мумкин, ақлларида ва уйларида Англия таҳдид бўлиб туриши мумкин, унинг кучидан ҳайратда қолишлари мумкин, лекин оқ подшонинг* (Россия подшосининг) *исми хонлар ва амирлардан устун туриши, Ҳинд императори* (Буюк Британия қироличаси Виктория) *исмидан, хатто кимсан халифанинг* (Усмонли давлати султони) *исмидан юқори туриши лозим. Майли халифа бўлсин, лекин оқ подшо халифанинг ҳам подшосидир. Мана шундай ишончни қалбларда мустаҳкамлаш лозимдир! Ва у мустаҳкамланмоқда, йил сайин усиб бормоқда, ва у бизга зарурдир, зеро бу уларни келаётган воқеаларга ургатади»*[32]. Адибнинг Европада русларнинг образига берган баҳолари ҳамда Туркистонни истило этиш борасидаги мулоҳазалари қизиқиш уйғотади: *«Европада биз сиғинди ва қуллар эдик, Осиёда эса хужайинмиз. Европада биз татарлар эдик, Осиёда эса европаликмиз. Бизнинг Осиёдаги цивилизаторлик миссиямиз руҳимизни тутиб олади, бизни ҳаракат энди бошланган жойга элтиб ташлайди. Фақатгина иккита темир йул қуринг, шундан бошланг - бирини Сибирга,*

---

30. Гусев И.Н. Лев Николаевич Толстой. Материалы к биографии с 1870 по 1881 год. М., Изд-во АН СССР, 1963, с 309.

31. Оболенский Д. Д., «Отрывки» - «Международный толстовский альманах», составленный Сергеенко П., изд. «Книга». М. 1909, Б.244

32. Достоевский Ф.М. Полное собрание сочинений в тридцати томах. Изд-ва «Наука» Ленинградское отделение, Ленинград, 1984. Т. 27, Б.32-33.

иккинчисини эса Урта Осиёга, ва сиз шу заҳотиёк оқибатларини кўрасиз»[33]. Буюк рус ёзувчиси мутлақо ҳақ эди, маҳаллий халқлар ушбу «цивилизаторлик миссияси»нинг оқибатларини уз гарданида синаб курди. Туб халқларнинг ялпи қилиқдан утказилиши, миллий бойликларнинг яғмо этилиши, империалист мустамлакачилар уюштирган узбошимчалик охир-окибат фожиали окибатларга олиб келди. Туркистон истилочилари тарихий обидаларни, уларга қадар бино этилган бутун бошли шаҳарларни вайрон этар, ер билан битта қилар эди. Бой ва ниҳоятда кадимий маҳаллий маданиятнинг йук қилиниши халқ хотирасини учириш, маҳаллий аҳоли орасидаги маънавий-маърифий муҳитни йўқотиш, забт этилган ҳудуддаги ресурсларни бемалол ва қулай бошқариш учун зарур эди.

Туркистон халқининг маҳаллий маданияти ва маънавиятининг йуқ қилиниши бобида чор Россияси генерали М.Д. Скобелев уз императорига йуллаган мактубида шундай деган эди: *«Маҳаллий халқ биз ўйлаганимиздан анча маданиятли бўлиб чиқди. Биз уларни ҳеч ҳам бўйсундира олмаяпмиз... Фақат қадимда яратилган эскилик обидаларини, масжид-мадрасаларни, диний китобларни ер юзидан супуриб ташлаб, уларнинг маънавиятини учирибгина биз уларни узимизга бўйсундира оламиз...»*

Шуни билиб қуйиш керакки, моддий ва маънавий маданият соҳиби бўлмаган одамларни қуркув, дахшат ва зуравонликнинг *«илгор»*лигига ишонтириш мумкин. Бунинг учун катта ақл керак эмас, ҳарбий куч булганда заифларга барча маданиятни мустамлакачилар яратганини, маҳаллий аҳоли эса ёввойи булганини, илгари ҳеч нарса яратмаган оломон булиб яшаганини *«исботлаш»* осон. Бундай *«прогрессив цивилизаторлик сиёсати»*нинг максади маҳаллий халқлар орасида сотқинлик, хушомадгўйлик, безбетлик, чакимчилик сингари иллатлар уруғини сочиш эди. Маҳаллий аҳоли вакилларини мангу миннатдорлик, содиклик ва бўйсуниш кайфиятида яшашга мажбур этиш пафакат Россия империясининг, балки умуман хар кандай мустамлакачи давлат сиёсатининг бирламчи асосини ташкил этар эди. Деярли барча мустамлакачи давлатлар маҳаллий аҳолига қарши қуркитиш ва террор йулларидан фойдаланган.

Туркистоннинг забт этилиши Россия империяси учун катта натижа булди, чунки бу фаровон улка битмас-туганмас бойликларга, Россиянинг узида булмаган турли табиий ресурсларга эга эди. Россиянинг ривожланаётган иқтисодиёти, шу жумладан, енгил саноати хомашёга, айниқса пахтага қаттик муҳтож эди, негаки бу

33. Уша асарда. Достоевский Ф.М., Б.36-37.

хомашё империяда ҳали йуқ эди. 1861-1865 йилларда АҚШда содир булган фуқаролик уруши туфайли ушбу мамлакатдан Россияга пахта экспорти камайиб кетди. Шу боис Россия енгил саноатида Туркистон пахтасига булган эҳтиёж қиска муддатда сезиларли кутарилди. Шу билан бирга, Россияга ипак, қоракул муйнаси ва бошка арзон хом ашё керак эди[34]. Шиддатли саноат ривожи учун империяга, шунингдек, тайёр маҳсулот экспорти учун бозорлар ҳам сув ва ҳаводай зарур эди. Россия молия ва ташки ишлар вазирликлари доимий равишда петиция ва ҳисобот варакалари киритиб, «Ўрта Осиёда рус савдогарлигининг бемалол фаолият юритиши учун шароитлар яратиш»ни сўрар эди[35].

Туркистон улкаси ревизияси тўғрисидаги ҳисобот иловасида россиялик сенатор, граф К.К. Пален Туркистоннинг мустамлакага айлантирилиши хусусида шундай деган эди: *«Туркистонни босиб олишда маълум урин тутган сиёсий характердаги мотивлар инобатга олинмаса, бу улка Россияга қўшиб олинган биринчи куниданоқ рус ҳукуматида икки томонлама қизиқиш уйготди:*

1. Молиявий сиёсат нуқтаи назаридан, давлат даромадлари манбаи ҳамда ичкарида ишлаб чикарилган маҳсулотлар учун янги бозор сифатида.

2. Мустамлакачилик сиёсати нуқтаи назаридан бу губерниялардаги ортиқча аҳолини кучириш учун янги вилоятдир»[36].

Россия империяси Туркистоннинг забт этилишига биринчи даражали аҳамият каратиб келганини юкорида айтиб утдик. Империя молия вазири Вишнегородский, улканинг қулга киритилган бойликларини назарда тутаркан, *«Туркистон - чор Россияси тожидаги энг қимматбаҳо тош»* деб бежизга айтмаган эди. Лекин, бошка томондан, бунинг баридан бир лаҳзада маҳаллий аҳоли жудо булди, жисмонан жиддий талафот кўрди, уз уйларини ташлаб, нотаниш улкаларга кочишга мажбур булди. Буни уша даврнинг кўп сонли архив материалларидан, гувохларнинг ҳикояларидан, Россия ҳарбийларининг маълумотномаларидан, уша йилларда ёзилган бадиий асарлардан билиб олишимиз мумкин[37].

Таникли рус тарихчиси Н.И. Веселовский Россия империяси Туркистонни буйсундиргани ҳакида шундай сўзларни ёзган эди: *«Мана,*

---

34. Бунаков У.В. Уша асар., Б.22.

35. История Узбекской ССР, Б.80; Попов А.Л. Уша асар., Б.209.

36. Пален К.К. приложение к отчёту о ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристики народного хозяйства Туркестана.ч. I, отд. 4. СПб., 1911. Б.486.

37. «Туркестанский край. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края», т. XVII, ч. 2, Б.21-27. Донесение Черняева Дюгамелю от 8. VIII. 1864.; Южаков Ю. Д. Шестнадцатилетняя годовщина взятия Ташкента. СПб., 1881.

ҳақиқий ҳарбий бошқарув... цивилизация олиб келдик деб ўйлаймиз, биз бўйсундирганимиз Осиё халқларига тинчлик, барқарорлик, хавфсизлик совға қилдик деб ўйлаймиз... Лекин яна бир олий эзгулик бор, у буларнинг баридан юқоридир. Бу миллат, миллий туйғу... бўйсундирилган мусулмонларнинг аҳволига тушиб кўриш керак. Сиёсий улим оғир, миллий улим унданам оғир. Бизнинг ҳукмронлигимизда эса улар шахссизлашишга маҳкумдирлар. Миллийликни бирор-бир фаровонликка алмаштириб бўладими? Ҳукмронлигимизга қарши чиқ ташланиб туришидан ҳайрон қолиш керакми? ... Миллий манфаатлар бор, улар, халқнинг қорни тўқ, уст-боши бут бўлса ҳам, оч-наҳор, совуқда яланғоч бўлса ҳам, ташқарига чиқади»[38].

Россия империяси генераллари ва чоризм армияси Кавказ, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Туркистонни тўлиқ ишғол этишга муваффак бўлди. Бу кенг, аҳоли зич жойлашган, турли табиий ресурсларга бой ва геостратегик жиҳатдан муҳим минтақалар мустамлакага айлантирилди, уларнинг бойликлари славянлик ва Россия шарафига талаб кетилди. XX аср бошида Россия империяси ҳудуди 22 млн. кв. км. ни ташкил этди.

Марказий Осиё забт этилгач, маҳаллий деҳқонларнинг ишлов берилган ва ҳосилдор ерларига мустамлакачилар Россиянинг ички губернияларидан ерсиз крестьянларни кучира бошлади, улар учун катта имтиёзли шароитлар яратиб берилди[39]. Улар Еттисув, Сирдарё, Самарқанд (Зарафшон) Фарғона ва Каспийорти вилоятларининг энг ҳосилдор ерлари билан таъминланди. Шу билан бир пайтда маҳаллий аҳолининг норозилик чиқишларига қарши ўзига хос ғов қўйиш кўзланди. Шу тарика, аксинча маҳаллий аҳолининг мустамлакачиларга қарши норозилиги ошиб борди. Бу борада Ф. Хўжаев қуйидагиларни хабар қилади: *«Урта Осиёда узбеклар, қозоқлар, қирғизлар ва бошқа туб халқларнинг улкан массаси ердан узилиб қолиб, аранг тирикчилик қилади Кам ерли ва ерсиз деҳқонларнинг улкан армияси шакилланмоқда, улар кейинчалик бойларнинг, янги кўчиб келганларнинг ерларида чорикор, мардикор ва батрак сифатида ишлайди»*[40].

Қозоғистонлик муаллиф Б. Содиқова Мустафо Чўқайнинг асарларига иқтибос келтирган ҳолда узининг «Мустафо Чўқай» китобида хабар қилади: *«Туркистоннинг рус крестьянлари томонидан мустамлака этилиши унинг забт этилиши билан деярли бир пайтда бошланди. XX аср бошига*

38. ЦГАЛИ РФ, ф. 118, оп. 1, д. 1205, лл. 89-90 (Дневник научной поездки в Туркестанский край, 1885г.).

39. Паливкин В.П. Туземцы раньше и теперь... – Б.79-80.

40. О национальном размежевании Средней Азии. - М., Т.: 1934. Доклад председателя СНК Узбекской ССР тов. Файзуллы Ходжаева.Б.2-3.

келиб Туркистон ҳудудида умумий аҳолиси 248.500 кишига тенг 316 рус колониялари бор эди... Туркистоннинг деҳқончилик билан банд 5 миллион кишилик мусулмон аҳолиси қўлида 2.808.000 десятина ер бор, 300.000 кучиб келганлар ва казакларда эса 1.500.000 десятина ер бор»[41].

Туркистон аҳолисининг истибдодга карши чиқишлари маҳаллий қавмлар ўз давлатчилигини ва мустақиллигини йўқотишга осонликча кунмаганидан далолат беради, улар бу қадриятлар учун энг киммат нарсалари - жонларини аямаган эди. XIX аср охирида Туркистон Россия империясидаги миллий-озодлик ҳаракатининг марказларидан бирига айланди. Империя маъмурияти турли хил олдини олиш чоралар курганига карамай, Туркистон ғалаён ўлкасига айланиб қолди.

1872 йилда Тошкент уездида, Қорасув дарёси устида маҳаллий аҳолининг йирик чиқишлари уюштирилди. Бунга рус амалдорлари мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиши сабаб бўлди. 1876 йилда Қўқонда бўлиб ўтган Пулатхон исёни ҳақида сўз юритдик. Уша йили Фарғона водийсида Қурбонжон додхо ва Етимхонлар бошчилигидаги гуруҳлар исён кўтарди. 1885 йили бутун Фарғона халқ чиқишлари алангасида қолиб кетди. Андижон ва Марғилон уездларида деҳқонлар норозилик чиқишларини намоён қилишди. 1893 йили эса Қўқон ва Наманган уездларида бу воқеа такрорланди. Туркистондаги энг жиддий халқ ҳўзғолонларидан бири Тошкентдаги «Вабо исёни» бўлди. Тошкентда 1892 йил майида бошланиб, икки минг кишини ҳаётдан олиб кетган вабо эпидемиясини йўқ қилиш учун қурилган номақбул чора-тадбирлар бунга боис бўлди.

1898 йили Андижон навбатдаги исён марказига айланди. Тарихшуносликда халқ етакчиси Муҳаммад Али Халифанинг лақаби бўйича *«Дукчи эшон қўзғолони»* номини олди. Хўжа Асрор Халифа, Дарвешхон, Етимхон, Камчибек, Алимбек, Қорасоч эшон лақабли Муҳаммад Қосим Авлиё, Шокиржон, Азлар Эшон унинг яқин сафдошлари эди. Хўжа Асрор Халифа исёнчилар ҳаракатларини ўзаро мувофиқлаштириб, курашни умумий бошқаришни йўлга қўйишга интилди, лекин айрим раҳбарларнинг ўзбошимчаликка бўлган интилиши исёнга жиддий тўсқинлик қилди. Андижон исёни қилич ва олов билан бостирилди, унинг минглаб иштирокчилари қамоққа ташланди, ўлимга ҳукм этилди ёки Сибирга сургун қилинди.

Туб аҳолига карши жазо операциялари мустамлакачиларга тобсликка карши миллий озодлик ҳаракатини тўхтата олмади. Бир-биридан айри чиқишлар керакли самарани бермаса-да, бундай ғалаёнлар тўхтамас эди, улар Туркистоннинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида

41. Садыкова Б. «Мустафа Чокай». www.continent.kz/library/mustafa_chokay/04.html.

қайта-қайта ут олар эди. 1904-1907 йилларда Самаркандда Намоз Пиримқулов бошчилигидаги халқ қўзғолони содир бўлди. Исёнлар чўғини пасайтириш учун мустамлакачи ҳокимият уларнинг қаторига айғоқчиларини, провокаторларини ва қотилларини йўллар эди. Россия қўшинларининг мана шундай махфий жосуслари халқ қаҳрамони, исён раҳбари Намоз Пиримқуловни ўлдирди.

Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг янги босқичи 1914-1918 йиллардаги Биринчи Жаҳон уруши даврига тўғри келди. Бу уруш олис Туркистон ва унинг аҳолисига ҳам таъсир утказмай қолмади. Гап шундаки, асосий ҳарбий ҳаракатлар Россия империяси ҳудудида иккита фронт - Гарбий ва Кавказ фронтларида олиб борилди. Россия энг яхши армиялардан бирига эга эди, лекин унинг таркибига жуда кўп одам чакиришга тўғри келгани боис фронт орқасида «фронт ва ғалаба учун» зарур ишчи кучи тақчиллиги юзага келди. «Уз кучлари» етмаган метрополия фронт орқаси ишларига Кавказ, Сибирь, Туркистон ва Узоқ Шарқнинг рус ва христиан бўлмаган халкларидан одам тўплай бошлади. Бу ерлар русларнинг «узиники» бўлса ҳам, маҳаллий аҳолиси «иккинчи даражали» ҳисобланарди. Бундан ташқари, улар на христиан, на рус бўлмагани боис бундай саркаш одамларнинг қўлига қурол топширишдан хавфсирашар эди, шунинг учун улар армияга олинмасди. Аммо фронтдаги вазиятнинг мураккаблиги туфайли 1916 йил 25 июнида рус ва христиан бўлмаган халкларни фронт орқаси ишларига жалб қилиш тўғрисидаги подшо фармони эълон қилинди. Чор Россиясида бошқа имкон қолмаган эди. Подшо фармонига биноан, бир неча оиладан бир нафардан соғлом, меҳнатга лаёқатли, 19-45 ёш орасидаги эркак жалб қилинар эди[42]. Бундай оилага танлов имконияти ҳам берилар эди: руйхатга тушган эркакни фронтга юбориш ёки бирортани «мардикор» сифатида ёллаб, уни жўнатиш. «Меҳнат мажбурияти» юзасидан олиб кетилганлар ҳар доим ҳам уз ўлкасида ишламас эди, уларни Сибирга, Узоқ Шарққа ёки бепоён Россия империясининг бошқа бирор ҳудудига йўллашлари мумкин эди.

Рус ва христиан бўлмаган аҳолининг сафарбар этилиши дала ишлари авжига чиққан ҳамда мусулмонлар учун муқаддас бўлган Рамазон ойига тўғри келди. Шунинг учун улар оиласининг хатто бир аъзосини мажбурий меҳнатга жўнатса ҳам, оила қийинчиликларга дуч келарди. Бундан ташқари, амалдорлар маълум тўловни амалга ошира оладиганларни пора эвазига мажбуриятдан халос кила бошлади. Маҳаллий бойваччалар ўзларининг якинларини меҳнат мажбуриятидан шу йўл билан озод киларди. Бундай вазият Туркистон аҳолисининг сабр косасини тўлдириб юборди. 1916 йил июлида

42. Турсунов Х. Восстание 1916г. в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1962.

Хужандда мардикорликка карши ўнлаб норозилик акциялари қайд этилди. Ўша пайтнинг ўзида «мардикорлар қўзғолони» номи остида машҳур оммавий норозиликлар рўй берди. Расмий маълумотларга қараганда, июль ойида Самарқанд вилоятида 25 та, Сирдарё вилоятида 20 та, Фарғона вилоятида эса 86 та шундай вокеалар кузатилди[43]. Унинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деҳқонлар ва ҳунармандлар эди. Исёнчиларни маҳаллий интеллигенциянинг бир қисми ҳамда айрим руҳоний вакиллари қўллаб-қувватлади.

Норозиликларнинг авж нуқтаси 1916 йил 13 июлдаги Жиззах қўзғолони бўлди. Унинг бошида халқ беклари, улар сирасида мусулмонларни мустақил беклик яратишга чақирган Назрхужа турар эди. Ушбу қўзғолон чоғида темир йўл станциялари қўприкларига ўт қўйиб юборилган эди. Бунга жавобан полковник Иванов бошчилигидаги катта жазо отряди қўзғолонни шафқатсизларча бостирди. Аскарлар ва исёнчилар ўртасидаги охирги тўқнашув 1916 йил 21 июль куни Қилич қишлоғида рўй берди. Шундан сўнг минглаб исёнчилар камоққа ташланди. Улардан бир қисми қатл қилинди ёки Сибирга сургун қилинди[44].

1916 йил қўзғолони Туркистон халкларининг мустамлака йилларидаги энг шиддатли ва пухта ташкиллаштирилган чиқиши бўлди. У, бошқа исёнлар сингари, кўп жиҳатдан миллий яқдиллик, узлик ва эркинлик билан ғурурланиш туйғуларининг халқ ичида усишига олиб келди. Маҳаллий аҳолининг Россия империясининг мустамлака сиёсатига қарши қўзғолонлари бугунги кунга қадар халқ хотирасидан учгани йўқ.

Ерли аҳолининг чақирилмаган меҳмонлар, халқлар тақдири «ҳокимлари»нинг айбига кўра азоб ва қийнок кўриши кенг қуламли халқ фожиасидир. Ушбу тарихий боскич Марказий Осиё вакиллари учун шавкатли курашлар, давлатчилик ва мустақилликнинг матонатли мудофааси тарихидир. Мустамлакачиларга қарши чиқишлар Туркистон халқлари давлатчилик ва мустақиллик йўқотилганига норози эканлигини яккол кўрсатди. Исёнчилар бу йўлда қонидан, жонидан воз кечди. Буни Туркистон ўлкаси генерал-губернаторларидан бири А.Н. Куропаткин ҳам қайд қилиб ўтган эди: *«Биз 50 йил давомида маҳаллий халқни тараққиётдан, мактаблардан, рус ҳаётидан узоқ*

---

43. Ганин А.В. Последняя полуденная экспедиция Императорской России: Русская армия на подавлении туркестанского мятежа 1916-1917г. // Русский сборник. Исследования по истории России. Ред. сост. Айрапетов О.Р., Мирослав Йованович, Колеров М.А., Брюс Меннингода М., 2008. Б.152-214.

44. Sokol E.D. The Revolt of 1916 in Russian Central Asia. Baltimore: The Johns Hopkins Press, 1954.

тутдик... афсуски, биз бегоналарни императорнинг садоқатли хизматкорларига айлантира олмадик...»[45]

Россия империяси ҳамда большевиклар тарафидан Марказий Осиё давлатлари ҳудудларининг эгаллашига боис қилиб кўрсатилган мотивлар романтик жанрлар ҳавас қилса арзигулик бир тарзда эди. Таъкидланишича, гўёки осиёликлар маданиятсиз, саводсиз бўлган, шу боис Россия империясининг бу ҳудудда бўлиши «маданият улашиш» билан тушунтириларди. Ўрта асрлар сунъгида, Россия империясининг юришларига қадар Туркистон дархақиқат мисли кўрилмаган инқирозни бошдан кечираётган эди. Ўрта асрлар схоластикаси даражасидаги диний фундаментализм, консерватизм, қотиб қолган маданият, янги илмий-техник кашфиётлардан, тараққиётдан ортда қолиш - бунинг барини Туркистоннинг урта асрлардаги улуғворлиги билан тенглаштириб бўлмайди. Бошқа томондан, бу Россия империясининг тажовузкорлигини ҳам оқламайди. Чунки Россия империясининг узида ҳам ерсиз ва саводсиз крестьянлар билан боғлиқ жиддий муаммолар бор пайтда Туркистоннинг мустақил давлатлари ҳудудига бостириб кириб, узининг қуролли ҳамласини «цивилизаторлик» билан ҳаспушлашга уринди[46].

Большевиклар босқини ҳам *«Шарқни саводсизлик ва синфий душманлардан озод қиламиз»* шиори остида кечди. Моҳиятан, мустамлакачилик ва советлаштириш бир хил шиорларга ошно бўлди, яъни босқинчиликнинг бутун мазмуни маҳаллий аҳолининг қолоқлиги ва саводсизлиги, мустамлакачилар ва большевиклар эса «цивилизаторлик» миссиясини ташувчилар эканлиги асосига қурилди. Мустамлакачилар ва большевиклар илгари сурган мотивлар ростанам ҳақиқатга мос эдими? Дарвоқе, бостириб келган чор ва совет қўшинларидаги аскарлар сингари босиб олинган маҳаллий «бегона»ларнинг кўпчилиги ўқиш ва ёзишни билмас эди. Унда маҳаллий одамлар, болалар, аёллар ва кексалар саводсиз бўлганлари учун йўқ қилинган эканда, бу тарихий воқеани нима билан тушунтирамиз? Бир қарашда осон туюладиган бундай саволларга жавоблар ёзиш аслида кўп жилдли китоб саҳифаларини эгаллаши мумкин. Ёки чоризм ва большевизм замонларидаги ёлғон ғоялар ва тарғибот шиорларининг асл максадларини фош этиш билан шуғулланадиган бутун бошли тарихчилар ва ҳуқуқшунослар мактабини яратиш мумкин.

XIX аср охири - XX аср бошларида Россия империясининг

---

45. Ҳасаний Мажид. Юрт буйнидаги қилич ёки истило. - Т., 1997. Б.86.

46. Sahadeo Jeff. Russian colonial society in Tashkent, 1865 – 1923. – Bloomington: Indiana University Press, 2007. – P.8.

кишлоклари аҳолиси орасида саводхонлик ва зиё кай аҳволда эканлиги борасида жуда муфассал маълумотлар мавжуд. Рус интеллигенцияси Россия империясининг ички ҳудудларининг бу жиҳатларини уларининг буюк асарларида тавсифлаган. Крепостнойлик ҳуқуқи ҳақида ҳам жуда кўп ахборот мавжуд. Хуллас, бир ҳикматда айтилганидек, *«иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулган экан»*. Қандай илоҳий амрга биноан мустамлакачилар ва большевиклар бутун бошли халқларни қатлиом килган, очликдан силласини куритган, христиан ҳайрихоҳлар, «улдирма ва сев...» принципи тарафдорлари каерга караган? Большевикларнинг «барча халқлар тенгдир» шиорлари тарғиботчилар каерга караган? Улар ҳақиқатан цивилизаторлик миссиясига эга булган дейлик, лекин бу ҳолда зиёкор жадидлар, укитувчилар, сузвчи ва шоирларнинг отиб ташланишини қандай тушунтирамиз? Ахир улар уқимишли инсонлар эди. Бемаънилик, лекин факт.

Совет тизимининг урнатилганидан бошлаб большевикларнинг асосий ишн котилликлар, талончилик, ноқонуний судлар, Сибирга сургунлар булди, бу гувоҳларнинг эсдаликлари ва архив материаллари билан тасдиқланади. Кейинчалик, маҳаллий халқлар талон тарож қилинганидан, жадидларнинг ғоялари узлаштирилган ёки, большевиклар айтганидай, «экспроприация» килинганидан сунгина большевиклар ликбезлар - саводсизликни йуқ килиш тадбирларини утказа бошлади. Маҳаллий халкнинг фақат бойликлари эмас, ғоялари ҳам талон тарож қилинди. Луначарскийнинг саводсизликни йуқ килиш дастури 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошидан ҳаётга татбиқ этила бошланди, бунга қадар эса Туркистон халкларининг уз зиёкорлари булиб, улар болалар учун куплаб мактаблар очган эди. Мустамлакачилар кумагида очилган рус-тузем мактаблари деҳқонларнинг болаларига эмас, аслзодаларнинг урвокларига, чор ҳукумати тарафдорларига хизмат килар эди. Бу айнан россиялик ва европалик олимлар томонидан исботланган фактдир[47].

Биринчи Жаҳон уруши окопларидан тупланган каланги-касанғилар, тақдири майиб-мажруҳ этилган, қалбида ғазаб шингиллари урнашган одамлар маҳаллий «инородец»ларга зиё улашолмас эди. Биринчи тулқин большевиклари жиноятчи ва террорчилар эди, 30-йилларга қадар улар зиё таркатиш ҳақида уйламаган ҳам эди, бу факт. Қуролли жиноятчилар ва урушдан руҳияти бузилиб қайтган одамларни кулида курол билан Туркистон «инородец»ларини камситиш иули билан, болалар, аёллар ва кексаларни улдириш иули билан «маданийлаштириш», шу йул билан «маданият ва маърифат» урнатиш

47. Добросмыслов А. Учебные заведения в г. Ташкенте... Б.116-117.

«цивилизаторлик»ка мутлако ухшамайди. Ахир уллириш, осиш, кесиш, отиш маданиятми? Ҳатто энг уқимишли «маданиятшунос» ҳам бундай маданиятни тушунмаса керак.

Мустамлакачиликнинг купчилик «адвокатлари», Осиё халқларининг буйсундирилишига хайрихоҳ инсонлар ёзган эдики, *«уша давр ижтимоий муҳитида Туркистоннинг забт этилиши маҳаллий халқларнинг аслзодалар жабру зулмидан озод қилишнинг ягона мавжуд йули эди»*. Бошқалари уларга жур булишарди: *«Россия таркибига қушилиши Туркистон манфаатларига хизмат қилди»*, деб ёзарди, колганлари эса *«Туркистоннинг қудратли ва иқтисодий кучга эга Россияга қушилиши улканинг соцшал-иқтисодий тараққиётини тезлаштирди»* деб келди[48]. Уша давр Россия интеллигенциясида Туркистоннинг истило этилишига оид ҳар қандай мавзуга бериладиган баҳо империянинг Осиё халқлари маданияти ва ривожига кушган ҳиссасини эътироф этиш билан тугар эди, яъни мустамлакачиликнинг асосий мотиви «цивилизаторлик миссияси» ҳисобланар эди. Масаланинг қизик томони шундаки, бугун ҳам, уша узок йилларгаги сингари, мустамлакачилик тизимининг ашалдий тарафдорлари мавжуд.

Истило чоғида маҳаллий аҳолига нисбатан уюштирилган зулмларни оклаш максадида империалист ва шовинистлар ёлгон гапириб, асоссиз равишда *«Туркистон мустамлакага айлантирилганидан сунг улкада тараққиёт кучайди, Россия империясининг Туркистонни эгаллашдан кузлаган мақсади улкани эволюциянинг янги босқичига тортиш булди»* сингари карашларни илгари сурган. Ҳарбий тарихчи Д.Я. Фёдоров Россия империяси томонидан Туркистоннинг забт этилиши ҳакида шундай деган эди: *«Рус ҳукмронлиги Урта Осиёда улкан жозибадорлик касб этди, негаки унга маҳаллий халқларга нисбатан инсоний, меҳрибон муносабат хос булди, халқ оммасининг қалбидан урин эгаллаб, улар учун матлуб бир ҳукмронлик булди»*. Туркистон юришлари иштирокчиси, тарихчи, генерал-майор Л.Ф. Костенко ҳам Россия империясининг ролини куйидагича баҳолаган эди: *«Шуҳратпарастлик ёки бошқа гаразли ҳисоб-китоблар Россиянинг Урта Осиё томон силжишига асос булмади, фақатгина ушбу улкага тинчлик олиб кириш, унинг бунёдкор кучларига туртки бериш ҳамда Туркистон маҳсулотларини Россиянинг Европа қисмига етказишнинг энг қисқа йулларини топиш бош мақсад булди»*[49].

---

48. Pahlen K.K. Mission to Turkestan. Being the memories of Count K.K. Pahlen (1908 1909). Edit. and introd. by Richard A. Pierce. Trans. by N.J. Couriss. – London: Oxford University Press, 1964. P.13.

49. Русские военные историки XIX в. о причинах и мотивах движения России на восток (в Среднюю Азию и Южный Казахстан)

Яна бир ёлгон шундан иборат эдики, Туркистоннинг истило этилишига қадар гуёки маҳаллий халқларда миллий узлик булмаган эмиш. Бу, юмшоқ килиб айтганда, бухтон, куп асрлик ёзма тарих ва маданиятга эга халкни ҳақорат килишдан бошка нарса эмас. Ахир сир эмаски, Туркистон Россия империяси бу ерларга келишидан анча олдин куп асрлик буюк маданияти ва санъати, илм-фани ва адабиёти, меъморчилиги, етук олимлари, шоирлари, давлат арбоблари ва мафтункор шаҳарлари билан машҳур эди. Туркистон ал-Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Кошғарий, ал-Форобий, ал-Фарғоний, Улуғбек, Навоий сингари етук маданият ва фан намояндаларини жаҳонга ҳадя этди.

Узбекистон мустақиллиги тиклангунига қадар кенг оммалар Марказий Осиёнинг буюк олимлари ва мутафаккирлари жаҳон тамаддуни хазинадонига узларининг улкан ҳиссаларини қушгани маълум эмас эди. Улар умуминсоний кадриятларнинг яратилишида катнашгани, уларнинг илмий кашфиётлари бугунги кунга қадар барча мамлакат ва қитъалар олимлари томонидан қулланаётгани ошкор айтилмас эди. Бу фактлар бугун маданиятли жаҳон аҳлига яхши маълум, аммо Туркистон халқларининг узлиги юзага чикиб, кучайишига хизмат киладиган фикр ва билимлари Совет режими йилларида етти парда ортидаги сир уларок сакланар эди. Бунинг урнига *«Россия империяси Туркистонни қулдорлик тузумидан қутқаргани»* ҳақидаги «оламшумул илмий кашфиёт» тезислари тарих фанини укитиш буйича совет мактаб дастурига киритилди. Босиб олинган халқларнинг тарихи ҳақидаги ушбу тушунча ҳар қандай мустабит сиёсат ҳимоячиларига хос аргументлардир. Аслида эса мустамлакачилар ва уларнинг тарафдорлари қулликдан озод қилиш урнига маҳаллий аҳолининг куллигини расман ҳужжатлаштирди, бу билан уларнинг миллий ғурурини поймол килди.

Россия империясининг собик мустамлакаси - «Туркистон генерал-губернаторлиги» ва бир пайтлар совет ҳокимияти миллий социалистик республикалар яратиш йули билан парчалаб ташлаган миллатлар ниҳоят кишанларни парчалади, мана чорак асрдирки Марказий Осиё давлатлари уз мустақиллигини эълон килди, лекин қуллик ва эски тартиб тарафдорлари тинчлана олмаяпти. Бугунги кунга қадар айрим олимлар империя ва совет мафкуравий догмаларига содик колаётгани, улар уз тарғиботини давом эттираётгани ғалати. Мустамлакачилик ва совет тузумлари тарафдорларининг асосий «аргументлари» фантастика жанридаги асоссиз киёсларга ухшайди: *«Россия империяси Европа мустамлакачи империяларига нисбатан инсонийроқ ва прогрессивроқ бўлган»* эмиш.

Европа давлатлари асоратга солинган қавмлар олдида расман кечирим сураб булган, жаҳон ҳамжамияти мустамлакачи сиёсат ҳеч қандай шаклда прогрессив була олмаслигини тан олган бир пайтда баъзи бир сохта олимлар томонидан бундай тарғибот ҳали ҳам давом этмоқда.

Марказий Осиё халқларининг миллий озодлик урушлари ва исёнлари, советларга ва Сталин қатағонига қарши кураши - Туркистоннинг озодлик йулидаги муқаддас урушлари давридир. Куп азоб курган ерли халқларнинг ҳаёти, оиласи, турмуш тарзини сақлаб қолиш йулида олиб борган кураши Марказий Осиё эркинлиги, орномуси учун кураш тарихининг чинакам рамзига айланди. Айни пайтда бу халқларнинг тарихидаги энг қайғули ва фожиали сахифалардир. 1991 йилда мустақиллик тикланиши билан тарихимизнинг фожиаларини яшириша қаратилган сиёсатга чек қуйилди. Бироқ ҳозир ҳам алмисоқ даврида, чор Россияси пайтида истибдод остидаги халқлар гуллаб-яшнаганига, эмин-эркин яшаганига ишонувчилар бор. Истибдод «ошиқ»лари бошқаларни ишонтиришга ҳаракат қилгани етмагандай, бошқа фикр тарафдорларини бирёқламаликда айблайди. Россия империяси ҳақида гап борганда «мустамлакачи» ва «мустамлака» атамаларининг ишлатилишига норозилик билдиради. Қизиқ, истилони, давлатчиликнинг йуқ қилинишини, маҳаллий аҳолининг буйсундирилишини яна қандай атамаларда изоҳлаш мумкинг? «Цивилизаторлик» ва «цивилизация» сузлари биланми? Бугунги илғор фикрловчи ёшларни утмишдаги уйдирма баёнотлар қониқтиради деб уйламайман. Ёш инсонлар билан баҳслар натижалари купинча куйидаги саволга жавоб қидиришга бориб тақалади: *«Қурол кучи ва террор билан мустамлака ва совет ҳокимиятини урнатиш нега керак эди?»*. Куп мутахассислар биладики, истило *«Маданиятсиз халқларга маданият олиб келамиз»* шиорлари остида утган, яъни боскинчилик максади расман «цивилизаторлик» деб эълон қилинган булса-да, аслида бу шунчаки бошқа давлатларни буйсундириш, янги ҳудудларни эга. ва эди.

Чор Россиясининг бошқа халқларга нисбатан реал сиёсати куч ишлатиш ва ҳарбий жиҳатлар эътиборга олинмаган ҳолда ҳам забт этилган ҳудуд этник киёфасини узгартиришга, ёки бу ердаги сиёсий структураларни барбод қилишга - тугатиш, булиб юбориш, Россия давлати структурасига кушиб юборишга қаратилган эди. Бундай фаолият тушунтириб берилиши мумкин, лекин оқланиши мумкин эмас.

Ҳатто совет тарихчилари чоризм лаганбардорлари мисоли Туркистон аннексиясини бир овоздан оқлаб келар эди. Улар айрим императорларни яхши курсатиб, уларни сахий, бағрикенг, эртаю кеч

ўз халқи ҳақида қайғурадиган ҳукмдорлар сифатида таърифлаб келган эди. Худди ўша совет тарихчиларининг ўзи Туркистон халқлари қон тукилиши окибатида ёки босқинчилик уруши туфайли эмас, гўёки ўз ихтиёри билан Россия империясига қўшилганини уқтириб келди.

Зиёкорлардан бўлган маҳаллий интеллигенция вакиллари - Муҳад Солиҳ Тошкандий, Фозилбек, Баёний, Аҳмад Дониш, Салимий, Маҳмудхужа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавваркори Абдурашидхон, Убайдуллахужа Асадуллахужа, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чулпон ва бошқалар Туркистон қурол кучи билан забт этилгани, бу кўплаб одамларнинг улдирилишига, ёнғин ва талончиликка, ноёб моддий ва маданий обидаларнинг йўқ қилинишига олиб келганлиги борасидаги фикр-мулоҳазалар ва маълумотларни ўз асарларида ёзиб қолдирди. Бундан ташқари, тарихшуносликда даврий матбуотда чоп этилган мақолалар, Россия империяси тарихчилари ва ҳарбий солномачиларининг шоҳидликлари, шу жумладан, рус истилосининг қонли саҳналарига бевосита гувоҳ бўлган таниқли туркистонликларнинг асарлари яхши маълум. Тилга олиб ўтилган манбаларда Россия генералларининг услублари ва хатти-ҳаракатлари яхши акс эттирилган - улар шафқатсизларча яғмо этар, уйлар ва бутун бошли шаҳарларни ёқар, тарихий обидаларни портлатар ва вайрон қилар, аёллар, кексалар ва болаларни улдирар, майиб-мажруҳ қилар эди. Қўқон хонлиги, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги раҳбарлари идрок овозига ва юрак амрига қулоқ тутса, балки бунда фожиаларнинг олдини олишни иложи бўлар эди ёки камроқ қурбонлар билан балодан қутулиб қолишнинг имкони бўлар эди. Аммо, таассуфки, уларнинг ҳудудлари Россия империяси томонидан аннексия қилиниши пайтида ушбу давлатлар янги ерлар ва даромад манбалари учун бир-бирига қарши урушлар олиб бораётган эди.

ХУЛОСА

Қўқон, Хива хонликлари, Бухоро амирлиги ерларига тажовуз қилгунга қадар Россия империяси биринчи галда бу давлатларнинг ўзаро муносабатлари майдонига низо уруғини сочишга ҳаракат қилди, бу йўлда задогонларни совғалар ва ваъдалар билан ўз томонига оғдирди, шу боис рус армияси бу уч давлатни айри-айри ҳолда нисбатан осон забт эта олди. Шу тариқа, Марказий Осиё давлатларининг тақдири Россия империяси томонидан ўта қадимий «Divide et impera!» (Бўлиб ташла, ҳукмронлик қил!) принципининг амалга оширилишига яккол мисол бўла олади. Лекин бу масаланинг бир томони. Бошқа жиҳати шундан иборатки, тилга олинган давлатлар қуролли кучларининг жанговар ва техник қолоқлиги ўз сўзини айтди - уларнинг қўлида маънан эскирган

куроллар ва ўрта асрлар қўшин ташкилотчилигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Ахир яхши куролланган душман ҳужум қилди: Россия ҳарбий ҳаракатлар олиб боришнинг замонавий усулларини яхши билар, бу борада катта тажрибага эга, унинг ихтиёрида энг янги ва хилма-хил ҳарбий техника бор эди.

Туркистон истилосидан сўнг бу ўлка Россия империясининг давлат сиёсатига тўғри келмайдиган хатти-ҳаракатлари билан маълум бўлган амалдорлар юбориладиган ўзига хос сургун масканига ҳам айлантирилди. Крепостнойликдан озод қилинган қашшоқ, жудоликларга учраган, ўзига иш тополмаётган крестьянлар, озод қилиниб, ер-мулксиз қолган крестьянларнинг болалари ва набиралари, криминал йўналишдаги ижтимоий қатламлардан чиққан шахслар бу ерга кучирилиб, янги ерлар билан таъминланар эди. Туркистонга асосан диний бузғунчиликда айбланган старовер оқимидаги казаклар, Россия империясида шаклланган тартиб-қоидадан норози одамлар жунатилар эди. Улар Россия ҳукумати учун бошоғриғи эди, уларни олисларга жунатиб, шу йўл билан ташвишдан қутулиш зарур эди.

Россия империясининг Туркистонга бостириб киришига асосий сабаблардан бири хомашё ва инсоний ресурсларга эга бўлиш эди. Маҳаллий аҳоли, Россия империяси аҳлига қиёсланса, ҳуқуксиз, арзон ва ҳатто мутлақо бепул ишчи кучи эди. Россия империясининг енгил саноати хомашёга ўткир муҳтожлик ҳис этганини юқорида айтган эдик. Урушлар олиб бориш учун яна порох, ҳарбий кийим-кечак ҳам керак эди. Бу муаммолар баракатли ўлканинг қўшиб олиниши билан ҳал этилди - энди Россия империяси бу ерда пахта экишни, порох ва кийим-кечак хомашёси етказилишини кенгайтириши мумкин эди.

Марказий Осиё халқларининг мустамлакачи ҳокимиятга қаршилик кўрсатиши ва ундан сўнг юзага келган миллий озодлик ҳаракатига Россия империясининг, ундан кейин эса Совет империясининг тажовузкор сиёсати сабаб бўлди. Россия империясининг ҳокимиятига қарши курашнинг юзага келиши моҳияти шундан иборатки, босқинчиларнинг асосий мақсади инсоний ресурсларга эга бўлиш ҳамда «ҳужайин» сифатида моддий бойликларга эга чиқиш эди. Россия империясининг сиёсати нуфузининг маҳаллий аҳоли кўз ўнгида тушиб кетишига эса унинг ўлка моддий бойликларига ортиқ даражада муккасидан кетиши ва маҳаллий аҳолини расман бегоналар *«инородец»*лар деб ҳисоблаб, менсимаслик муносабатини кўрсатиши, сабаб бўлди[50].

---

50. Sahadeo Jeff. Russian colonial... – P.74-75.

1.2. СОХТА ИЛМ ВА ЗИДДИЯТЛАР

Мустамлакачи империя қаерда ҳокимиятини урнатса, биринчи навбатда барчани янги шароитларга кундириб, боскинчиликни илмий асослашга уринган. Бу йулда куп кулланадиган услублардан бири эгалланган худудлардаги халкларни бир-бирига душман гуруҳларга булиб юбориш эди. Бу чоралар буйсундирилган аҳоли орасида онг заҳарлаш йули билан амалга оширилларди, алдов, сотиб олиш йуллари билан одамлар онгида мустамлакачилик сиёсати борасида янглиш тасаввур ҳосил қилинар эди. Позик ва айёр онг манипуляцияси усуллари ёрдамида янги хужайинлар булиниб кетган қавмларни бутунлай тобе этиш режаларини тузар эди. Мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳияти мана шундан иборат.

Туркистон истило этилгач, мустақил давлатлар ҳудудига тажовуз килинишини илмий асослаш ҳамда бу ерда Россия империя кушинларининг туришини легитимлаштириш максадида чор ҳукукмати «Орийлик назарияси»дан фойдаланди. Мазкур назария бугунги кунда купчилик олимлар томонидан ғайриилмий сафсата сифатида баҳоланади, аммо у пайтларда энг илғор илмий кашфиёт уларок ардоқланарди. «Орийлик назарияси» тарафдори булмиш олимлар тадкикотчиларнинг энг илғор ва мавке баланд тсифаси ҳисобланар эди. Мустамлакачилик сиёсати ҳамда «Орийлик назарияси» принципларидан келиб чиккан ҳолда Россия империяси Тошкент шаҳрида Туркистон археология ҳаваскорлари тугарагини ташкил этди[51]. Тугаракнинг таъсис этилишига бағишланган тантанали йиғилиш янги илмий тузилманинг фахрий раиси, барон Александр Борисович Вревскийнинг дастурий маърузаси билан очилди. У Туркистон генерал-губернатори сифатида тугаракнинг улкадаги олий вазифаси сифатида «Орийлик назарияси»ни эътироф этди.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИ А.Б. ВРЕВСКИЙНИНГ АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТУГАРАГИНИНГ 1895 ЙИЛ 11 ДЕКАБРИДАГИ БИРИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ СЎЗЛАРИ:

«Бу ерда олдида муҳим илмий вазифа турган Туркистон археология ҳаваскорлари тугараги фаолиятини очиб бериш менга насиб қилганидан жуда хурсандман. Шу пайтгача тарих Туркистон ўлкасининг қадимий аҳолиси ҳақида жуда кўп маълумотга эга, ва

51. Устав Туркестанского кружка любителей археологии. Открытие Туркестанского кружка любителей археологии 11 декабря 1895г. Ташкент: Типолитография бр. Порцевых, 1895, Б.4, 7.

тугарагимизнинг вазифаси - Урта Осиё тарихининг қадимги даврини ёритиш учун имкон қадар кўпроқ материал тўплаш. Одатда Ўрта Осиё - ҳозирги Афғонистон, Балх, Марв ва бошқа қўшни жойларни назарда тутяпман - орий ирқи беланчаги бўлган деб ҳисобланади.

Маданияти ўз даври учун энг юқори савияли деб ҳисобланадиган қадимги орийлар эмин-эркин ҳает учун янги ерлар топиш учун кучишга мажбур бўлган эди. Кейинчалик ўша ерлардан Чекка Шарқ халқларининг ёввойи урдалари ўтиб, орий маданияти изларини учириб ташлади, аждодларимиз эса Европага тарқалди. Ҳозирги пайтда тақдир бизни - орийларни бир пайтлар аждодларимиз чиққан ерларга олиб келди, шу боис зиммамизда бир пайтлар қайта тиклашга ҳаракат қилаётганимиз орий маданияти гуллаб-яшнаган ерлардаги тарихий ёдгорликларни тўплаш ва сақлаб қолишдай муқаддас мажбурият бор»[52].

Россия империясининг барон А.Б. Вревский тарафидан илгари сурилган геосиёсий максад ва вазифаларини империя олимлари Туркистон халқлари тарихида «орийлар изи»ни кидиришга қаратилган ажабтовур усулга айлантириб, «Орийлик назарияси»ни ўлканинг мустамлака қилинишига сабаб ва илмий асос сифатида қуллади. Знёли жамоатни ҳаракатга келтирган империя маъмурияти секин-аста мустамлакачиликнинг кейинги дастурларини амалга ошира бошлади.

Тугаракка чет эллик олимлар ҳам таклиф этиларди. Германиялик астроном, ушбу проблематикага «Туркистон, ҳинд-герман халқлари бешиги» китобини бағишлаган Франц Шварц шулар жумласидандир. Бу олим Туркистонга генерал-губернатор К.П. фон Кауфман томонидан Тошкент обсерваториясини яратиш учун таклиф қилинган эди. Ўлкада 15 йил яшаган Ф. Шварц махсус концепция яратди. Унга кўра, Туркистон европаликларнинг тарихий ватанидир, ва айнан шу ҳудудларда узоқ утмишда ҳинд-герман халқлари шаклланган, айнан шу ердан кўп асрлар давомида «орий аҳли» Европа, Якин Шарқ ва Шимолий Ҳиндистон томон кучган. Ф. Шварц, шунингдек, Урта Осиёни германлар, кельтлар, славянлар ва бошқа халқлар маданиятининг бешиги деб санаган. Муаллиф эзининг «F. Schwarts Turkestan, die viere den indogermanischen Volker» (Freiburg, 1900) китобида Туркистон қавмлари турмуш тарзи, урф-одат ва анъаналарида Библия сюжетлари ҳамда Гомер асарларининг изларини топиш мумкин деб ёзган эди. У фақат Туркистонда Библия ва Гомер асарларининг мундарижасини чукурроқ узлаштира олганини, бу асарларни яхшироқ тушуниб, муносиб баҳолашга муваффақ булганини эзтироф этган.

Фахрий раис, Туркистон ўлкаси генерал-губернатори барон А.Б.

52. Речь барона Вревского 11 декабря 1895 года на открытии Кружка // Протоколы заседаний и сообщений Туркестанского кружка любителей археологии. Т. 1. Ташкент, 1895. Б. 1.

Вревский томонидан йўналтирилган тугарак мавжудлигининг илк босқичларида унинг геосиёсий лейтмотиви кучайиб борди. Туркистон археология ҳаваскорлари тугараги аъзоларининг 1896 йил 11 декабрь, таъсис этилганидан роппа-роса бир йил утиб ташкил этилган иккинчи умумий йиғилишида генерал-губернатор яна «Орийлик назарияси»га қайтиб, унинг олий максад булиб колаётганини кайта эълон килди[53].

ТУРКИСТОН УЛКАСИ ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРИ А. Б. ВРЕВСКИЙНИНГ АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТУГАРАГИНИНГ 1896 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАГИ ИККИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ СУЗЛАРИ:

«Энди утган йили тугаракнинг очилишида айтган нарсамни яна такрорлайман - утроқ орий нуфусининг узоқ утмишдаги маишатини аниқлашга бор кучимизни сафарбар этмогимиз лозим...

Билимларимизнинг бугунги даражасида, афсуски, нега айнан орий қабилалари, бошқалари эмас, ҳам фан соҳасида, ҳам давлат қурилиш шакллари ҳукмрон мавқега эга булганини биз аниқ тушунтириб бера олмаймиз. Бунинг боиси, табиийки, биз орийларнинг қадимги тарихини билмаслигимиздандир; биз уларнинг тарихини Европага кучишларидан бошлаб биламиз, у ерга улар кейинги маданий ривожланишга етарли даражада тайёр булиб келган эди. Олис утмиш даврларида орийлар Ҳимолай ва Ҳиндукуш ёнбағрида истиқомат қилган ва биз археологик маълумотлар асосида улар ҳаётининг шу ва шунга яқин босқичларини имкони борича ёрита олсак эди, орийларнинг кейинги тараққиётини аниқроқ тушуна ва уларнинг бугунги иқтидори сабабларини аниқлаштира олар эдик.

Шу тарика, мавзунинг фавқулодда қизиқлиги ва муҳимлиги сабабидан тугарагимиз Ўрта Осиёда орийлар утмиш ҳаёти ва турмуши изларини қидиришда давом этиш ниятини қайта такрорламасдан иложим йўқ».

1896 йили, Туркистон археология ҳаваскорлари тугарагининг иккинчи йиғилишида В.В. Бартольднинг «Ўрта Осиёда орий маданияти ҳақида сўз» номли мурожаати ўқиб эшиттирилди. Бу мурожаатда у куйидагиларни хабар қилган эди: *«Ўрта Осиё тарихини кузатишимизча, унинг утроқ аҳолиси ҳар доим орий қабилаларига, айнан орий халқларининг эрон гуруҳига мансуб бўлган. У орий қавмининг бешиги булганми, ёки орийлар у ерга бошқа бирор ўлкадан кўчиб келганми, бу масала ҳозирча баҳсли бўлиб қолмоқда».* Юнон-

53. Протокол заседания общего собрания членов Туркестанского кружка любителей археологии, состоявшегося 11 декабря 1896г. лл. 1, 2.

Бактрия давлатининг қулаш тарихини қиска баён этар экан, В.В. Бартольд асрлар мобайнида сақланиб қолган «орий маданиятининг сезиларли» излари сақланиб колганини эътироф этар, аммо, шунга карамай, Россия сиёсий давраларида хукм сурган туркларга карши умумий адоватни ҳам коралар эди: *«Орийларнинг маданий ҳиссаси ва туркларнинг ёввойилиги ҳақидаги қупиртирилган тасаввурлар Россиянинг Туркистондаги илмий вазифаларининг тушунилишида акс этмаслиги мумкин эмас эди; 1895 йили маҳаллий археология тугарагининг очилиши ўлкадаги рус ҳокимиятининг олий вакили томонидан тугарак олдига ўлканинг ёввойи турклар томонидан йўқ қилинган ва бошқа орийлар - руслар томонидан қаита тикланиши лозим булган қадимий орий маданиятини ўрганиш вазифаси қўйилди»*[54].

Туркистон археология ҳаваскорлари тугариги бошқаруви раисининг уринбосари, узининг миссионерлик фаолияти билан машхур Н.П. Остроумов таъкидлаганидек, *«тугарак ҳозирги пайтда охирги тарихий қатлам билан ишламоқда, унинг остида эса мамлакатнинг туб орий меросига эга бўлмиш турк таъсирининг излари бор, хатти-ҳаракатларимизнинг асосий мақсади шудир»*[55].

Туркистон археология ҳаваскорлари тугараги аъзоларининг 1896 йил 11 декабрдаги икккинчи умумий йиғилиши баённомасидан маълумки, тугарак аъзоси Н.А. Авинов тупланганларни Бомбай Осиё археология жамияти ҳам «орийлар»нинг энг узоқ утмиш масаласини ҳал қилиш устида ишлашни бошлаганидан бохабар этиб, у билан алокалар ўрнатишни таклиф қилди. Бомбай Осиё археология жамиятининг тилга олиниши ҳакида суз кетган экан, Ҳиндистондаги вазиятни ҳам унутмаслик лозим - у ерда Британия уз мустамлакачилик сиёсатини жорий этиш йулида бир пайтлар қудратли булган Бобурийлар давлатини бўлиб ташлаш учун манипуляция усулларини қуллаб келаётган эди.

Осиё ва Африкала булиб туришини асослаш ва легитимлаштириш максадида Европа илмий ҳамжамияти мустамлакачилик сиёсатига улкан хизмат курсатди, бунинг учун уша йиллар фанида куплаб янги гипотезалар, назариялар, атама ва оқимлар уйлаб топилди. «Орийлик назарияси», «орий халқлари», «ҳинд-европа тиллари», «ҳинд-орий халқлари», «европацентризм» сингари тушунчалар мустамлакачиликни оқлашнинг илмий постулатларига айланди.

---

54. Бартольд В. В. Задачи русского востоковедения в Туркестане // Академик В. В. Бартольд. Сочинения. Т. IX. М., 1967. Б. 529.

55. Бартольд В.В. Несколько слов об арийской культуре в Средней Азии. Сочинения. Т. II. Часть 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. М., Наука, 1964, Б.322.

Бугунги тил билан айтганда, «Орийлик назарияси» уша давр олимлари орасида урф булган, энг кенг таркалган кизикишга айланди.

Туркистон археология хаваскорлари тугараги биографи Б.В. Лунин тузилма фаолияти хакида анчайин тулик ахборот колдирган. Киевнинг Авлиё Владимир университети тарих-филология факультети декани, Россия, Сербия ва Жанубий славян фанлар академиялари мухбир аъзоси Тимофей Дмитриевич Флоринскийнинг кизикишлари хакида у куйидагиларни хабар килади: *«Шарк халкларининг узок утмишини тушунтирар экан, у узининг олимлигини яхширок ишга муносиб тиришкоклик билан хамма нарса ва хаммани орий илдизларига бориб такашга сарфлар эди»*[56].

Туркистон археология хаваскорлари тугарагининг бошка аъзоси - В.А. Мустафиннинг асарларидан маълумки, Тимофей Дмитриевич Флоринскийнинг саклар ва массагетлар славян эканлиги, Сибирь, Еттисув ва Фаргона эса славянларнинг асл ватани эканлиги, хатто Помир номи славянча этимологияга эга эканлиги хакидаги гоялари Россия империясининг геосиёсий манфаатларига накадар мос келар эди. У хатто туркларнинг тош балбалларини орий-славян маданияти ёдгорликлари сирасига кушган эди[57].

Туркистонда «Орийлик назарияси» билан, шунингдек, француз тадкикотчилар хам кизиккан эди, масалан, Ж. Кастанье Урта Осиёда свастика тасвирлари топилганини хабар килганди[58], Парижда эса 1912 йили Сорбоннада «Марказий Осиёда цивилизациялар ва тиллар кураши» докторлик диссертацияси матнини эълон килган эди[59].

Таникли турколог ва эроншунос, Самарканд тарихи буйича мутахассис И.И. Умняков хабар килган: *«Урта Осиёнинг энг диккатга сазовор ва кизик халклари сирасига, шубхасиз, мамлакатнинг бизга маълум булган энг кадимий туб ахолиси бугмиш, кадимдан утрок деккон ва орийларнинг тугридан-тугри авлодлари булган тожиклар киритилиши мумкин. Урта Осиёнинг чет кавмлар тажовузлари учун хар тамонлама очик кенгликларида бошка халклар билан у ёки бу даражада аралашганига карамай, улар тог водийларининг ичкари кисмларида, Туркистоннинг улкан тог массивларида, ассосан унинг жанубий кисмида*

---

56. Лунин Б.В. Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895-1917г.). Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958. Б.55.

57. Мустафин В.А.Каменные бабы //ПТКЛА. II. 1897-1898. Б. 17- 72.

58. Маджи С.И. Кастанье Ж.А. как историк Средней Азии //Общественные науки в Узбекистане. 1993, № 6, Б.19.

59. Kouznietsov P. Le lute des civilisations et des langues dans l' Asie Centrale, Paris, 1912, 359 p.

энг тоза бир шаклда сақланиб қолган бўлиб, Шарқий Бухоро, Бадахшонни эгаллаган, Афғонистоннинг турли ерларида учраши қолган, аммо унинг жанубий чегаралариga яқинлашган сайин камайиб боради. Туркистон ва Бухоронинг тоғли тожиклари орасида қадимги маишат шакллари, жуда қизиқ урф-одатлар сақланиб қолган бўлиб, уларнинг ўрганилиши, шубҳасиз, ҳинд-европа халкларининг этнографияси ва узоқ ўтмишига оид турли масалаларга ойдинлик киритади. Тиллари ва тили жиҳатдан улар энг тоза сақланган халқдир...» [60]

Туркистонда Россия ҳукмронлиги йиллари манбаларини ўрганиб, бир нарсага амин бўлиш мумкин. Россия империясининг асосий мақсади инсоний ва табиий ресурсларга эга чиқиш эди, Россия қўшинларининг Туркистонга кириб келишини легитимлаштириш ҳамда бу жараёнга романтик киёфа бериш мақсадида ғайриилмий «Орийлик назарияси» тезислари зўр бериб тарғиб қилинар эди. Боскинчиликка илмий ёндашиш истаган Россия зиёлиларининг бир қисми Россия мустамлакачилик сиёсатини жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида оқлаб, уни илмий асослашга, цивилизаторлик миссиясини исботлашга ўринар эди. Моҳиятан ғайриилмий «Орийлик назарияси»нинг тарғиб этилиши унинг бошланишидан бўён зиёлилар онгини манипуляция қилиш воситаси эди, лекин бу кейинроқ аниқланди.

Шуни эътиборга олиш керакки, у олис вақтларда олимлар айнан цивилизаторлик миссиясини бажараётганлигига ишонишар эди. Марказий Осиё тарихчилар ва археологлар илмий-тадқиқот мактабини ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшган олимлар силсиласи Тошкентни археолог олимлар марказига айлантирди. Бу мактабдан жаҳон микёсида машҳур қуплаб олимлар етишиб чиқди. Улар иштиёқ билан қадимги шаҳарларда қазилма ишлари олиб боришга киришганда, ўта қадимий тамаддун изларини асрий чанглардан тозалаганда соддалик қилиб, XX аср Европасида «Орийлик назарияси» инсонларни йўқ қилишнинг энг қудратли идеологиясини яратиш воситасига айланишини, бу назария жаҳон бошига минг бало солишини ўйлаб ҳам курмаган эди.

«Орийлик назарияси» негизида одамларнинг иркий фарқларини тафтиш қилиш, назария тарғиботи ҳамда унинг сиёсий мақсадлар йўлида қўлланилиши Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг «Орийлик назарияси» тушунчасининг ўзини жаҳон ҳамжамияти кўз ўнгида ер билан битта қилибгина қўймай, ушбу атаманинг ҳатто илмий мақсадларда қўлланишига ёзилмаган тақиқ қўйиб қўйди. «Орийлик назарияси» асосидаги онг манипуляциялари оқибатлари башарият

60. ЦГА Республики Узбекистан, ф 34, оп. 1, ед.хр.2104, л. 89 (об.).

учун энг аччик тажриба булди. Одамлар орасидаги уруғ-қабилавий, антропометрик, лингвистик, пигментацион ва бошқа фарклар ҳам доим, тараккиётнинг ҳар қанақа боскичида бор эди, бирок эндиликда иркчилик ва миллатпарастлик манфаатдор шахслар томонидан бошқаларнинг ерига эга чикиш, ўз худудларини кенгайтириш максадида журттага сингдирила бошланди.

Европа мустамлакачилик сиёсати шафоатида ишлаган Рихард Вагнер, Фридрих Ницше, граф Жозеф Аргур де Гобино, Людвиг Вольтман, Жорж Ваше де Лапуж, Хьюстон Стюарт Чемберлен сингари олимлар туфайли одамларнинг иркий нотенглиги ҳакидаги қарашлар таркала бошлади. Шундай қилиб, «Орийлик назарияси» бутун бошли сохта илмлар мажмуасининг гуллашига замин яратиб берди. Бугунги кунда нуфузли олимлар иркий назария иркчиликнинг ва иркий камситишнинг келиб чиқиши учун пойдевор вазифасини бажаргани исботланган[61]. Даставвал «орий ирки» деганда катта европеоид иркининг купрок «норд ирки» номи билан машхур шакли тушунилар эди. Атама Жозеф Гобино томонидан «Инсон иркларининг нотенглиги борасида тажриба» китобида илк бор ишлатилган[62].

Инсониятнинг тарихидан маълумки, айрим сиёсатчилар ўз халкларининг гўёки камситилган топталган нафсониятини «жигарранг вабо» деб аталувчи фашизм ипи билан турлашга уринган. XX аср вабоси деб аталган фашизм ҳакида жуда куп ва хуб ёзилган. Бу илмий ишлар ва тадкиқотлар натижалари тахлили битта фактни тасдиқлайди - «Орийлик назарияси» асосига курилган давлат идеологиясида фашизм билан параллеллар кузга ташланади. Бошқа ирк ёки бошқа миллатга нисбатан нафрат, айникса у иркий устунлик ғайриилмлари негизида барпо этилган булса, энг вахший ва ғайриинсоний усул булиб, у ҳар кандай иркчи ва миллатпараст сиёсатчи қулида курол булиб улгурган.

Фашизм деганда айрим содда инсонлар балки совет кинофильмларидаги Учинчи Рейх аскарини тушунар, лекин ўкимишли шахслар айнан «Орийлик назарияси» иркчилик мафкурасининг бошланмаси булгани, бу эса фашизмнинг асоси эканлигини жуда яхши билади. Кенг маълумотга эга кишилар фашизм хакида куп укиган ва яхши маълумотга эга, ушбу мафкуранинг окибатлариям купчиликка маълум. Шунга қарамай, илмий-техник тараккиёт

61. Cf. Adam Kuper, Jessica Kuper (eds.), The Social Science Encyclopedia (1996), «Ostensibly scientific»: «Racism», p. 716; Cf. Patricia Hill Collins, «Scientific racism was designed to prove the inferiority of people of color» Black feminist thought: knowledge, consciousness, and the politics of empowerment (2nd ed., 2000), Glossary, p. 300;

62. «Essai sur l'inégalite des races humaines» (Эссе о неравенстве человеческих рас, 1853, 1855).

асрида, «орийларнинг этник узига хослиги» ҳақидаги қарашлар сохта илм эканлиги исботланган бир пайтда баъзи улкаларда «Орийлик назарияси» тезисларининг тарғиб этилиши ҳануз давом этмоқда. Соғлом фикрдаги одамлар ёлғон-яшик назария бандларининг жаҳон ҳамжамиятига «буюк давлат» ва «буюк миллат» ғояларининг қайта туғилиши сифатида тақдим этилаётганини кўриб факат ачиниши ва куйиниши мумкин. Ғайриилмий «Орийлик назарияси» янги киёфа касб этган ҳолда укув юртларида ва илмий давраларда айрим ёш мустақил давлатларнинг миллий ғояси сифатида ҳам яна урганила бошлагани кишини ташвишга солмай қуймайди.

Россия империяси Марказий Осиёни буйсундиришидан илгари маҳаллий аҳоли турмуш тарзида ва сиёсий кун тартибида «миллат» тушунчасининг европача чегаралари мавжуд эмас эди, зотан бу ғоялар Европа олимларининг аклида уйғонган ва шаклланган. «Инородец» ва «туземец» ва бошқа ножоиз сифатлар билан таърифланган тобе кавмлар Россия империяси мустамлакачилик сиёсати туфайли сунъий равишда ҳар хил миллатларга булиб юборилди, ҳам маҳаллий, ҳам империя маъмурияти курсатаётган ижтимоий, этно-конфессонал потенглик ва зулм туфайли кадди букилиб колган эди. «Орийлик назарияси» тарғиботчилари бугун ҳам минтака халклари ёвларнинг кули билан сунъий равишда миллатларга булингани, бунинг бари мутс халкларни бошкариш осон кечиши учун килингани ҳакидаги тарихий ҳакиқатни менсимай келмоқда. Большевизм урнатилганидан сунг собик Россия империяси табаалари ҳудудий жиҳатдан майда миллатларга парчалаб ташланиб, «миллий хонадон»ларга кучирилди. Большевизм тизимида расман кулларга ва халклар турмаси туткунларига айлантирилган одамлар умрининг охиригача кунларини оғир ва камсамара меҳнатда утказиб, шунда ҳам вақти келиб бахтли коммунизм урнатилиши, ана ушанда барча тенг ва бахтли булишига кур-курона ишониб яшаган.

«Миллат» атамаси нисбатан якин утмишда, Европадаги конкрет тарихий вокеалар негизида юзага келди. Сиёсий ва социологик фанларда миллат тушунчасининг бир-бирини инкор этувчи концепциялари мавжуд (немис, француз ва ҳ.к.). Миллатнинг немис концепцияси немис мутафаккирлари Иоганн Гердер (XVIII а.) ва Фихте (XIX а.) номи билан боғлиқ. Уларнинг таълимотига кура, ҳар кандай миллатнинг хусусиятлари табиий муҳит, иклим, география сингари омиллар билан тушунтирилади, айнан шу омиллар одамларнинг турмуш тарзи, меҳнат куникмалари, ҳаётий кадриятлари ва ижодий мойиллигини белгилаб беради. Немис мутафаккирлари тил омилини колган барчасидан устун куйиб, тилни миллатнинг

бош белгиси деб таърифлаган. Уларнинг фикрича, тилни миллат маданиятининг энг тулиқ ифодаси деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, немис олимларинин таъкидлашича, ҳар бир миллатнинг муҳим хусусиятларини уларнинг қон ва ирқ узлиги ташкил этади. Немис тадқикотчиларининг кўз қарашлари фанда биологик ва маданий концепция номини олди.

Миллатнинг француз концепцияси Эрнест Ренан номи билан боғлик. Унинг таъкидлашича, миллат тарихий ривожланиш ҳосиласидир. Шунинг учун ҳам ирқ миллат тушунчаси билан боғланиши мумкин эмас. Ҳеч бир миллат, унинг фикрича, этник гомоген булмай, турли этнос ва гуруҳлар аралашувидан иборатдир. Тил, шубҳасиз, бирликка хизмат қилса-да, унга мажбурлай олмайди, унинг асосий шарти ҳам була олмайди. Ренанга кура, умумий география (ҳудудий бирлик) ҳам миллат шаклланишида ҳал қилувчи омил вазифасини утай олмайди, негаки чегаралар сиёсий феномен булиб, улар сиёсий марказларнинг рақобати натижасида тарихан узгариб борган. Унинг концепциясига мувофиқ, миллатлар одамларнинг тарихий ривожи ва эркин хоҳиш-иродаси билан вужудга келган руҳий бирдамликдир.

«Миллат» тушунчаси ҳамда унинг замонавий талқини унга урта асрларда берилган маъно-мазмундан бир кадар фарқланади. «Миллат-давлат» атамаси ҳамда унинг бугунги маъно нозикликлари Европада вужудга келган. Бу халқаро муносабатлар моделининг жаҳон геосиёсий структураси маркази сифатида юзага келишининг Вестфалия ва Версаль босқичлари билан боғлиқ.

Европада миллатпарастликнинг вужудга келишига замин булган субъектив сабаблардан яна бири оддий инсонлар онгига жамоат бирлашувининг мукаддам номаълум булган шакли - «миллат»нинг сингдирилиши, бунга ирқий устунлик моҳиятини касб этувчи «Орийлик назарияси»нинг асос қилиб олингани булди. Бу жамиятни уз-узидан миллатпарастликка олиб келди. Европа миллатпарастлиги жамият бошқаруви тепасидаги элита алоҳида гуруҳларнинг тарихан шаклланган тил тафовутлари ва ҳудудий айримлигини одамлар орасида адоватни келтириб чиқариш, алоҳида гуруҳларни бошка тилли этнослардан ажратиб қуйиб, ахлоқсиз, зуравонлик шаклидаги узига хосликка тиқиб қуйиш мақсадларига хизмат қилдиришда эришиб борган муваффакиятлари билан бир маромда ривожланиб борди. Миллатпарастликнинг вужудга келиши, уз миллатининг «феномен»ини ва ундан келиб чиқадиган миллатпарастликни англаш учун, объектив сабаблардан ташқари, инсон онгида ёшлигиданок «уз» миллати вакили булиш «бошка» миллат вакили булишдан

кура шарафлирок эканлиги ҳакидаги тушунчанинг мустаҳкамланиб қолиши ҳам зарур. Бу жараёнларга Европанинг тарих «дарслик»лари улкан «ҳисса» қўшди.

Миллатпарастлик мафкурасининг бош максади одамларни ёппасига акидан оздириш бўлиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Пули туланган миллатпарастлик ва шовинизм «агитпроп»и омма эътиборини уз миллатига каратиб, жамият вакилларининг купчилигини жазавасини чиқариб, ҳакоратланганлар аҳволига туширишга уриниши оқибатида одамлар узларини миллат гуллаб-яшнаши йулида ихтиёрий равишда кирганга йуллашларига ҳам рози булади. Европада одамларнинг онгига утказилган мана шундай таъсир окибатида XX асрда миллатпарастлик шиорлари остида иккита жаҳон уруши бошлаб юборилди, уларнинг давомида оддий одамлар армияга кувиб тупланиб, бир-бирини ҳеч кандай сабабсиз овдаги ҳайвонлардай кириб ташлади.

Бугунги исломчи террорчи ташкилотлар тарихидан куриш мумкинки, улар жаҳоннинг янги тарихида айнан Усмонли салтанатига карши амалда синаб курилган. Қарама-каршиликнинг асосий мотиви араб миллатпарастлигининг Усмонли салтанатининг ҳукмрон задогонларига карши кураши эди. Кизиғи шундаки, ваххобийлик ҳам Усмонлиларнинг рақиблари - британиялик «азамат»ларнинг бевосита ёрдамида яратилган. Ҳеч кимга сир эмаски, Лоуренс Арабийнинг куринмас кули рахнамолигида араб исёнлари эҳтиёткорлик билан Усмонли салтанатига карши йуналтирилар эди. Онг манипуляциялари воситасида у осонликда арабларни мафкуравий заҳар билан алангалатиб, дашт фарзандларининг юракларида усмонли туркларга карши нафратни уйгота олди. Бугун руй берастган урушлар ҳам уша пайтлардан бошланган ягона силсиланинг ҳалкаларидир.

Ҳиндистонни мустамлакага айлантириб, Бобурийлар сулоласини йуқ қилганидан сунг Британия уз навбатида Урта Осиёни мустамлакага айлантирган Россия империяси билан биргаликда Афгонистон буфер давлатини яратди. Бу давлат пайдо булганидан бери упда ички ўзаро урушлар гинган эмас. Ҳатто ҳозир, XXI асрда XIX аср геосиёсий ўйинларининг окибатлари бошқа мамлакатларнинг Афгонистоннинг ички ишларига аралашувига омил булди. Ихтилоф бугунги кунга кадар бегунох инсонларни бу ҳаётдан олиб кетмокда. Тарихи азоб тула мазкур давлат мисолида Британия ва Россия империялари авж олдирган пуштун миллатпарастлиги туфайли Хуросоннинг куп асрлик маданияти йуқ қилинганини куришимиз мумкин. XIX асрда Британия ва Россия империяларининг карама-каршилиги XX асрда АҚШ ва СССРнинг карама-каршилигига айланди. Бунинг натижаси СССР

томонидан мустақил давлатнинг босиб олиниши булди.

Совет қушини Афғонистонни тарк этгач, куп миллатли, аммо этник тожиклар рахбарлигидаги коалиция Нажибулланинг советпараст режимини қулатиб, бутун Афғонистонни қулга олди. Давлат тунтаришининг тепасида турган сиёсатчиларнинг аксарияти афғонистонлик этник тожиклар эди, ва уларнинг купчилиги «орийларнинг этник узига хослиги» ва «буюк Тожикистон» ғоялари билан касалланган эди. Ҳокимиятни эгаллагач, улар дархол бошка этносларни миллат белгисига кура сиқиштира бошлади. Этник такаббурлик ҳамда бошка этносларга нисбатан менсимай муносабатда булиниши натижасида этник тожиклар қулидан ҳокимиятни улардан кучлирок булган «Толибон» террорчи ташкилоти тортиб олди. Мазкур ташкилотнинг мафкуравий асоси, диний экстремизм билан бир каторда, пуштун миллатпарастлигига курилган эди. Ҳар кандай ҳолатда ҳам форсийзабон миллатпарастлар булсин, пуштун миллатпарастлари булсин, хар кандай томоннинг бошка бирор четлатилган миллат устидан талабаси диний ва ижтимоий сабабларга кура ички туполонларга олиб келарди. Ахир миллатпарастлик тарафдорлари барча халк, элат ва гуруҳларнинг узаро тенглигини тамоман инкор қилади, агарда буни тан олишга мажбур булган эса, демак, бу вактинчалик чора, холос, уларнинг асосий максади эса ғуёки ракобатдош этносларни, «бегона»ларни тор-мор келтиргандан сунг сохта илмий аргументлар туплаб, улар воситасида ҳокимиятининг ва хатти-ҳаракатларининг легитимлигини исботлаб беришдир.

Мутахассис тарихчилар яхши билади, бошка халкларга нисбатан адоватни тарғиб қилишга каратилган турли-гуман сохта илмий нашрлар маълум сиёсий давралар томонидан ёки уларнинг буюртмасига кура яратилади. Одамлар қалбида салбий кайфият ва туйғуларни устириш онг манипуляциялари ёрдамида амалга оширилади. ОАВ ёрдамида манфаатдор сиёсий давралар маълум ҳудудда истикомат килувчи халқлар орасидаги тарихий дўстлик муносабатларининг барқарорлигига таъсир утказишга интилади. Бунда уша гуруҳларнинг сиёсий буюртмаси асосида утказилган аллакандай ёлғон-яшиқ тадқиқотлар натижаларига тинимсиз иқтибос келтирилади.

Адольф Шикльгруберинг (Гитлер) «Менинг Курашим» китобида акс эттирилган ва тавсифланган палингенетик ультрамиллатпарастлик ёки «XX асрнинг жигарранг вабоси» деб аталадиган фашизм XXI асрда кайта ишланиб, бошкатдан кўриб чиқилиб, одамлар онгига энди «орийлар миллий ғояси» шаклида сингдирила бошланди. Буни амалга ошираётган сиёсий қаллоблар оддий халк диккатини мамлакат

иқтисодиётининг ҳамда давлатчилик асосларининг қулашига олиб келган укувсиз, нотўғри сиёсий ислоҳотлардан чалғитиш мақсадини кўзлайди - айнан шунака давлатларда «Орийлик назарияси» давлат идеологияси даражасига олиб чиқилмоқда.

Иркчилик, миллатпарастлик, бошқа миллат вакилларига нисбатан такаббурлик билан муносабатда бўлишни ҳеч нарса билан - на тарих, на буюк шоирларнинг тили билан оқлаб бўлмайди. Шунга қарамай, ўзларини «орий»ларнинг ҳақ-ҳуқуқлари курашчиси қилиб кўрсатадиган муайян гуруҳ вакиллари содда инсонларни «орий»лар оддий одамлар бўлмаганига, балки бошқалардан устун турувчи ўзига хос бир миллат ва ирқ намояндалари эканлигига, қолганлар эса «орий»ларнинг туб ерларига четдан кучиб келган сунъий халқлар эканлигига ишонтиришга уринмоқда.

Илғор фикрловчи олимлар ва давлат арбоблари ижтимоий онгнинг ахволига бирламчи аҳамият қаратиб келган. Лекин халқлар ўртасидаги адоватнинг тарғиб қилиниши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини, масалан, Тожикистондаги фуқаролик уруши мисолида кўриш мумкин. Тожикистондаги маънисиз ва сабабсиз уруш ҳақида кўплаб китоблар ёзилган. Уларни вараклаб, таҳлил қилар эканмиз, тожик миллатпарастлиги ва шовинизмининг зиёлилар томонидан қандай намойиш этилганига эътибор қаратдик. Форсийзабонларни бирлаштириш ҳамда «буюк Тожикистон»ни тиклаш хомхаёллари туфайли укимишли ва зиёли, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликни қуйлаши ва мустаҳкамлаши лозим бўлган инсонлар бошқа миллатларга нисбатан адоват руҳини авж олдирувчи ишлар билан шуғулланиб келди. Ҳеч қандай айби бўлмаган минглаб тинч аҳолининг кирилиб кетишига олиб келган сабабсиз, маънисиз уруш юзага чиқарилди. Уша йилларнинг даврий матбуотини кузатадиган бўлсак, тартибсизликлар тожик бўлмаган инсонларнинг Тожикистондан кўчиб чиқарилишидан бошланганини кўрамиз. Фуқаролик уруши оқибатида 100 минг киши ҳалок бўлди (айрим манбаларда ҳатто 150 мингдан катта рақамлар келтирилади), мамлакатни минглаб кочкинлар тарк этди. Республикада рус аҳолисининг улуши 1979 йилдаги 395 мингдан 2000 йилгача 50 минг кишигача қисқариб кетди. Бу одамларнинг кўпчилиги, ўз-ўзидан тушунарлики, ўлдириб юборилган эмас, аммо улар туғилиб ўсган ерларини, уй-жой ва бор-будини ташлаб, қуркувда кочиб кетди.

Миллатпарастлик, шовинизм ва иркчиликнинг маккорлиги, баджаҳллиги ва қасоскорлиги кўпдан буён маълум бўлса-да, қанчалар кўп одамлар кимнинг қони «тозарок»лиги, кимнинг бошқаларга нисбатан миллати «тозарок»лигини аниқлаш билан банд бўлгани, миллатпарастлик

вирусига чалинганини куриб ҳайратдан ёқангни ушлайсан. «Бир ёқадан бош чикариб» бошка миллатларни кувиб чикарган кимсалар, текислик ва тоғлик дея маҳалийчилик шиорлари остида бир-бирини улдиришга киришиб кетишган эди. Бугунги кунда ҳам уларнинг баъзи бировлари чет элларда туриб олиб миллатпарастлик ва шовинизмни иркчиликка аралаштирган ҳолда тарғиб қилишда давом этмоқда.

Миллий устунлик, бошкалардан юкори туриш мафкураси давлат даражасида тарғиб килиниши туфайли каттаю кичик, ҳатто купгина зиёли ва укимишлилар ҳам бошка миллатдагиларга нисбатан нафрат ва кек руҳида юради, уларга нисбатан узларини «туғма душман» сифатида тутади, гуёки барча кулфатларида бошка миллатдги одамлар айбдор деб ҳисоблайди. Миллатпарастлик ва шовинизм мана шундай окибатларга олиб келади.

Миллатпарастлик ва «орийлик» назариясининг бу каби салбий ва одамкуш жиҳатларига қарамай, «Орийлик назарияси» давлат мафкураси сифатида расман очикча ёки яширин турда купчилик олимлар томонидан тарғиб этиб келинмоқда. «Эртакчи»ларнинг бу килиқларини куп олимлар кескин танкид остига олди, улардан бирининг фикрларини келтирамиз: *«Сир эмаски, баъзи бир олимлар шуҳрат ва маъмурият девонлардаги лавозимлар кетидан қувиб, уз ҳужалари ҳоҳишига биноан буюртма асарлар яратиш билан бандлар. Шунинг учун охирги ун йилликда пайдо булган гуёки тарихий тадқиқотлар минтақа халқларини бирлаштириш урнига уларни узоқлаштиришга хизмат қилмоқда»*[63]. Ҳар хил жойларда утказилаётган ғайриилмий кампаниялар олимлар томонидан *«тарихий экстремизм», «миллатпарастлик оқимлари»* сифатида баҳоланади, ва бундай оқимлар олдида пантуркизм ва панэрончилик *«Миллатпарастлик кибрининг анчайин беайб куринниши»*дир[64].

Ҳозирги пайтда Марказий Осиёда этник ихтилофлар ва миллатлараро инкирозларни келтириб чиқариш мақсадида «Орийлик назарияси»нинг ғайриилмий доктриналаридан усталик билан фойдаланиб келаётган айрим кучлар ушбу ёлғон назария асосига курилган тажовузкор миллатпарастлик ва шовинизмни уз йуригига солишга уринмоқда. Тарғибот кампаниялари ижтимоий тармоқлар ва кул остида булган бошка воситалар ёрдамида утказилиб, улар Марказий Осиё давлатларининг форсийзабон фуқаролари феълида

---

63. Пирумшоев Х. О необходимости сотрудничества учёных в изучении истории Центральной Азии // Новая история Центральной Азии. Переписка истории, современные проблемы и подходы. Т., 2004. Б.120

64. Пирумшоев Х. Указ.соч. Б.121-122.

ўз халқининг ўтмишини ортиқ даражада илоҳийлаштириш асосида руҳий ҳаста бир аҳволни шакллантиришга йўналтирилгандир. Ушбу «орийлаштирувчи кампаниялар»дан кузланган мақсад одамларнинг онг остига таъсир ўтказиб, «бегона миллат»га нисбатан пода инстинктларини ва дунёқарашини шакллантиришдир. «Орийлик назарияси» билан боғлиқ ихтилофлар оқибатларини баҳолашда бошқа истилоҳ ва тавсифлар уринсиздир.

Халқ оммасининг онгини заҳарлашга қаратилган «Орийлик назарияси» «камситилган»ларнинг давлат мафкурасига айланиб улгурди - у «ўз» миллий манфаатларни гўёки «бегона» миллатдан ҳимоя қилиши лозиммиш[65]. Ранг-баранг сохта тарихчилар ва сиёсий фирибгарлар одамлар онгига таъсир ўтказиш йули билан ҳатто зиёлилар юрагига адабий ва сиёсий жиҳатдан пухта ишланган, лекин ичи буш «Орийлик назарияси»ни сингдиришга муваффақ бўлиб келмоқда. Сохта олимлар ичида «орий»ларнинг турклардан антропологик жиҳатдан фарқланишига қараб иркчилик сиёсати тарғиботини авж олдириб юборганлари ҳам бор. Уларнинг купчилиги ҳозирги кунда ҳам, гўёки туркийларнинг маданияти орийларникига нисбатан пастроқ бўлганини исботлашга уринмоқда. Узоқ йиллардан бери улар «Орийлик назарияси» доктриналаридан фойдаланган ҳолда халқ онгига ўзига хослик, такаббурлик, ҳинд-оврупа тиллиларининг бошқа халқлар ва гуруҳлардан маданият ва тил бўйича устунлиги ғоялари сингдирилмоқда, бу билан оддий одамларнинг онги манипуляция қилиниб, ижтимоий ҳаётнинг асл муаммоларидан узоққа олиб кочилмоқда. «Орий мафкурачилари» тарихидан маълумки, уларнинг қиликлари оддий одамларни ихтилоф ва зиддиятларга бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ маданият иркчилик белгиларига кўра талқин қилиниб, «юқори» ва «қуйи»га бўлинади, охири эса яна ўша маънисиз урушлар билан тугайди[66].

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида академик В.В. Струве ва кушлаб бошқа олимлар «орий» атамаси Эронда ҳам, Ҳиндистонда ҳам катта мазмун касб этмаганини, фақатгина бизнинг асримизда, айрим миллатларни бошкаларидан устун кўйиш идеологиясига хизмат килдирилиш учун кенгроқ тарқалганини таъкидлаб келган бўлсада[67], баъзи бир замонавий муаллифлар «орий миллати»нинг ўзига хослиги ҳакидаги миси чиккан ва ориб, тўкиб бўлинган тезисларни кўллашда давом этмоқда.

2006 йили Тошкентда академик Э.В. Ртвеладзе ва профессор А.С.

---

65. Масов Р. История топорного разделения. Душанбе: Ирфон,1991.

66. Негматов Н.Н. Таджикский феномен: теория и история. Душанбе,1997.

67. Струве В.В.Арийская проблема. Ташкент. 1944, Б.9.

Сагдуллаев «Марказий Осиё халқларининг узоқ утмиши ҳақидаги замонавий асотирлар» номли китобни нашрдан чиқарди. Ушбу асарда олимлар асосланган бир шаклда турли сохта тарихчиларнинг қарашларини таҳлилдан утказган. Улар, жумладан, нацист Германияси даставвал «орий устуворлиги» мафкурасини тинч оким сифатида курсаттани, лекин у «орий» узакли булмаган одамларни кенг миқёсда таъқиб этиш ва йуқ килиш билан тугаганига урғу бериб утишган. «Орийлик назарияси» ва бошқа миллатпараст қарашларнинг тарих фанидаги ўрни хусусидаги аниқ хулосалар берилган. Нуфузли олимларнинг тадқиқотларидан келиб чиққан таҳлиллар ва натижалар берилган булиб, уларга кура ғайриилмий «Орийлик назарияси»нинг асоссиз ва янглишлиги, у ҳар доим одамлар ўртасида зиддият ва келишмовчиликлар келтириб чиқаришдаги бир қурол уларок сиёсат қулида хизмат килгани айтиб утилади. Профессор А.С. Сагдуллаев асл манбаларни ҳамда тадқиқотнинг илмий усулларини четда колдираётган олимларни кескин коралади. Шу билан бирга, тарихий воқеаларнинг янглиш талқин этилиши ва тарих сабоқларини нотўғри тушуниш қандай окибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунарли тилда таърифлаб берди, зеро тарих одамларни утмишдаги хатоларни такрорламасликка чакиради. Академик Э.В. Ртвеладзе, турли муаллифларнинг асарларига батафсил кўз ташлар экан, ғайриилмий назариянинг асл моҳиятини батафсил очиб берди. «Орийлик назарияси» биродар ва қардош халқларнинг орасини бузишини яккол далиллади. Муаллифлар «Орийлик назарияси» тарафдорларининг қарашларини батафсил куриб чиқиб, укувчилар диккатига жаҳон тарихида энг қадимги даврдан бугунги кунгача булиб утган тарихий воқеаларнинг янглиш талқинлари борасидаги танқидий изоҳларини келтириб утган[68].

Таъкидлаб утиш керакки, узбек зиёлилари томонидан «Орийлик назарияси» тарафдорлари булган муаллифларнинг бир миллат ёки иркнинг бошқаларига нисбатан устунлиги ҳақидаги қарашлари танкид остига олиниши ва рад этилиши олимларнинг оддийгина бир жавоби булиб, академик доираларга хос бир ҳолатдир. Тинчликсевар Узбекистон фуқаролари сифатида биз ҳар қандай тажовузкорликни, айникса бир халкни бошқалардан устун куйиш сингари иллатларни кескин коралаймиз.

Барчага маълумки, Узбекистонга карши қаратилган ахборот урушлари Ўзбекистон Республикасининг, ҳар доим ҳар ерда сиёсий ва миллий муаммоларни тинч йул билан, ўқ отар автомат куролнинг

68. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далёком прошлом, народов Центральной Азии. Ташкент: «O'ZBEKISTON», 2006.3-49 Б.

нишони остида эмас, музокора йули билан ҳал килишни таклиф киладиган давлатнинг миллий истиклолчилик мафкурасида асосий тезислар ҳисобланмиш миллатлараро ва конфессияларарo толерантлик, бағрикенглик принциплари обруини тукиш максадида олиб борилади.

Мустамлакачилик даврида «Орийлик назарияси» Россия империяси боскинини илмий асослаш ва легитимлаштириш учун керак эди. Бугун эса ушбу мавзу айрим каллоб сиёсатчилар томонидан форсийзабонлар орасида туркийзабонларга карши узига хос ички каршилик яратиш, сохта рухоний мотивларга ишончини кузғатиш максадида тарғиб килинмокда.

Уз миллий узлигини кутариш билан машғул булган лекин билими паст даражада булган, инсонга якин пайтгача фанда ёки жамиятда «миллат» ҳакидаги замонавий тушунчалар мавжуд булмагани хабар килинса, у мазкур ҳакиқатни қабул килишда катта мушкулотга дучор булади. У авваламбор «орий ирки» намояндаси эканлигини «билган» чаласавод рухий кийнокларга учрайди. Унинг ишонишича, ҳаётидаги ягона муваффакият айнан дунёдаги энг буюк ва энг тоза «орий миллати»га мансублигидир, аммо илмий нуктаи назардан караганда «Орийлик назарияси» асосидаги миллатпарастлик гиёҳванликга ухшаш характердаги бир ҳолат булиб, назариянинг узи саводсизларни оҳанрабодай торгади. Асотирлар ва халк эртакларига, миллат номининг келиб чикиши хусусидаги уйдирма этимологияларга булган кизикиш ҳам шу билан тушунтирилади. Бундай «орийчи» жамоаларга ва уларнинг хатти-ҳаракатларига, куп миллатли фуқаролик жамияти яхлитлигига ва бағрикенглик ғояларига (толерантлик) бехурматлик сифатида караш уринли булар эди.

Иркчилик, миллатпарастлик ва диний токатсизликни миллатлараро ва конфессияларарo ихтилофларни келтириб чикариш максадида куллаётган сиёсатдонларнинг саъй-ҳаракатларини фош этиш, очик-ошкор танкид килиш, жамият нигоҳида уларнинг маккор режаларини батафсил очиб ташлаш ҳамда биродар ва кардош халқлар уртасидаги муносабатларга низо уруғини сочишга булган уриниш уларок ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий йуллар билан коралаш лозим.

Укимишли ва бохабар инсонлар биладики, «Орийлик назарияси»нинг зур бериб тарғиб килиниши муайян давлатлар ичида тартибсизликлар келтириб чикаришни максад килган «ташки кучлар»нинг гаразмаксадларига хизмат килади. Ҳакоратли муносабатда булиш, узаро адоват ва кек одамлар орасидаги муносабатларда токатсизликни келтириб чикаради ҳамда хаос учун керакли мухитни яратиб беради. Ташкаридан бошкариладиган хаос шароитида эса

ушбу ихтилофга тортилган биродар халқлар истикомат қиладиган минтақанинг табиий бойликлари ва моддий кимматликларини эгаллаб олиш осонлашади. Шунингдек, бу, илгари айтилганидек, курол сотиш бозорини ташкил этиш учун ҳам керак. Барча ёппасига курол сотиб олиши учун, табиийки, ҳарбий низо керак, жаҳл ва адоватсиз эса уруш қилиб булармиди? Уз-узидан тушунарлики, урушсиз ҳарбий саноат ҳам мавжуд була олмайди.

Миллатпарастлик, ҳар қандай куринишдаги иркчилик қандайдир ғайриилмий тарихий пойдеворга курилган булса, толерантлик ва бағрикенгликнинг умумэътроф этилган принципларини тан олмайди ва у билан муросага бормайди. «Орийлик назарияси» асосидаги миллатпарастлик ғояси журттага уюштирилган сохтакорлик ва сиёсий каллобликдан бошқа нарса булмай, айрим сиёсатчилар ёхуд сиёсий давраларнинг ғаразли максадларига хизмат қилади, ва у биринчи галда тарихий билимлари йуқ чаласавод давраларга каратилади. Яхши таълимдан мосуво инсон узини «орий»лар қаторига қушиб қуйилган бирор-бир утмиш арбоби, олим ёки буюк шоирнинг миллатдоши ёки ердоши деб ҳис этса, каттиқ ҳаяжонга тушади. Гуёки бу олим ва шоирлар буюклигининг бир булаги унга ҳам утиб қолгандай. Шунинг учун у буюк инсонлар биринчи навбатда «орий» булгани учунгина шу даражага эришганига иймон келтиради. Буюк олимлар ва шоирлар бир умр фанга ва гузалликка хизмат қилганини, одамларнинг иркий ёки миллий белгиларига кура камситилиши ёки сиқувга олинишига карши курашиб келганини эса уйлаб ҳам курмайди.

Тузук инсон учун ёмон миллатнинг узи йуқ, ҳатто ёмон инсоннинг ҳам узи йуқ, бу инсон руҳиятининг фанда яхши урганилган жиҳатларидир, аммо жиноий гуруҳлар тарғиб қилиб юрган вайронкор ғоялар ва ифлос фикрлар бор. Албатта, фикр учун ҳукм уқилмайди, лекин бу жиноий ва ифлос уйлардан келиб чиқадиган конкрет хатти-ҳаракатлар дунёнинг барча ерида қораланади. Жаҳоннинг ҳар қандай мамлакати ўз давлат тузумини, фукароларини таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқи соҳибидир, бироқ ҳар бир шахс ҳам уз фукаролик позициясидан келиб чиккан ҳолда зудлик билан ҳаракат қилишга ва имконияти булгани қадар баъзи бир нусхаларнинг уз ҳужайинларининг геосиёсий максадларига эришиш йулида қилинадиган мафкуравий ҳамлаларини ва тинч яшаётган аҳоли устида сиёсий бузғунчи технологияларни синаб куришни хоҳлаган гуруҳларнинг режаларини коралашга, фош этишга ҳақли эканлигини инобатга олиш лозим.

ХУЛОСА

Миллатпарастлик ва иркчилик умуминсоний қадриятларнинг қабул қилинган меъёр ва талабларига зид келади. Шу муносабат билан ғайриилмий чақириқлар ва сафсаталар асосида куп миллатли жамиятларнинг ички вазиятини беқарорлаштиришга қаратилган миллатлараро зиддият (этник антагонизм) яратишга булган уринишларни ОАВ оркали салбий тенденция сифатида фош этиб, миллий хавфсизликка таҳдид сифатида бартараф қилиш чораларини куриш шарт.

Узбек зеҳнияти (менталитети) этник ихтилофларни қабул қилмайди. Узбек миллий зеҳниятининг асоси фақат миллатга эмас, айнан инсонга нисбатан ғамхўрлик ва муҳаббатдан иборат. Ҳурмат ва эҳтиром учун миллат номи муҳим омил була олмайди. Гитлер туфайли немисни ёмон кўрмаймиз, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом туфайли арабнинг олдида эмакламаймиз, Умар Ҳайёмнинг шеърлари туфайли форсни илоҳийлаштирмаймиз. Оддий узбек учун ким қандай миллатга мансублигидан қатъий назар бахтда ҳам, қувончда ҳам, қайғуда ҳам бу ҳаёт йулидан у билан бирга юрадиган одам қадрли. Зотан хар бир инсон ўз ёнида дусти, руҳан якин инсони булишини истайди.

1991 йилдан эътиборан Узбекистонда яшовчи барча миллатлар бир халққа айланди. Масалан, Узбекистон Республикаси фуқароси этник жихати билан папуас, армани ёки рус булса, унинг учун Папуа-Янги Гвинея, Арманистон ва Россия Федерацияси сингари ёт давлатларнинг сиёсий позицияси қандай аҳамиятга эга булиши мумкин? Ҳеч қандай, ахир унинг Ватани - Узбекистон.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий Истиклол ғояси асоси миллатлараро ва конфессияларараро бағрикенглик принципларида бардавом турибди. Узбекистонда инсонга ҳурмат, унинг аҳамияти, инсоннинг аклу заковати ва фахму-фаросатига кура белгиланади, ирки, миллати ёки конфессионал мансублиги билан белгиланмайди. Шунинг учун Узбекистоннинг ҳар бир фуқароси, миллатидан қатъий назар, уз Ватанининг аҳолиси ҳақида «менинг халким, бизнинг халкимиз» дейишга маънан ва конуний жиҳатдан тула ҳакли. Бу ерда яшаётган барча миллат ва элатлар учун ягона Ватан принципи мутлако собитдир. Узбекистон - бу заминда истиқомат қилаётган барча учун ягона Ватан. Ушбу муборак улкада турли диний конфессиялар, 130дан ортик миллат ва элат вакиллари истикомат қилади. Анъанавий-маданий, тил узлиги ва фуқаролик тамоман бошқа-бошка тушунчалардир. Халкаро ҳуқуқ ижодкорлари ва субъектлари миллатлар эмас, давлатлар эканлигини тушуниш лозим.

1.3. ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА МАЪРИФАТПАРВАРЛИК

XIX-XX асрлар чегарасида Россия империясининг мусулмон зиёлилари халқ орасида саводсизликни йўқ қилиш ва одамларга зиё улашиш йўлида фаол маърифатпарварлик ишини амалга ошириш мақсадида фикр ҳаракатини бошлаб юборди. Россия мустамлакачилик сиёсатининг Туркистон, Волгабуйи, Қрим, Озарбайжондаги инқирози туфайли маҳаллий халқларнинг муаммоларига жавоб кидириш бошланди, қуйидагилар энг долзарб муаммога айланди:

1. Россия империяси мусулмон аҳолисининг ривожланиш ғоясини қандай мафкуравий пойдеворда шакллантириши лозим?

Октябрь ғиғтаришидан сунг яна бир муҳим савол кун тартибига қўйилди:

2. Мустамлакачилик сарқитларидан қутулиш, бунда қизил галтакмола остига тушиб қолмаслик, туб халқлар менталитетига зид коммунизм ва марксизм ғояларидан қочиш учун нима қилиш мумкин?

Туркистон зиёлилари ватанпарварлик фаолиятига асос қилиб жадидчиликни (арабча *жадид* - «янги») олди. У прогрессив миллий зиёлилар орасида туғилган муҳит ва ғоявий йўналишнинг умумий номига айланди. Ушбу мафкуравий дунёкараш XIX аср охири - XX асрнинг биринчи чорагида Қрим, Волгабуйи, Кавказ ва Туркистон мусулмон халқлари орасида тобелик ва қулликка қарши асосий ғоявий ҳаракат ва ижтимоий фикрга айланди. Унинг тарафдорлари янгиланишга, ўқитиш ва миллий тараққиётга эришишнинг янги, замонавий шаклларини яратишга интилганлар. Бу саволларга жавоб, муаммоларга ечим кидириш жадидчилик ғояларининг туғилишига бирламчи замин яратди. Мазкур ижтимоий ҳодисанинг ноёблиги жамият ҳаётининг барча томонларини камраб олишида эди, зеро жадидлар бир пайтнинг ўзида ҳам жамиятни ижтимоий томондан ислоҳ қилишни, ҳам унга маърифат улашишни исташар эди. Бу саъй-ҳаракатларда улар ўз давридан узиб кетди, негаки оддий, лекин муҳим бир ҳақиқатни биринчи бўлиб тушунди:

Ҳар кандай ўлка, мамлакат, миллат ва минтаканинг энг жиддий ва кимматли ресурси нефть, газ ёки олтин эмас, балки инсонлар, маърифатли ва зиёли фуқаролардир. Хомашё ва табиий ресурсларнинг мавжудлиги ҳеч нарсани ўзгартирмаслигини, халқлар тараққиёти кафолати бўла олмаслигини тарих кўрсатиб турибди. Айнан шу туфайли XIX аср охири - XX аср бошида Туркистон жадидлари янги усул мактабларида таълимнинг янги йўлларини топиш, биринчи университетни очиш, истеъдодли ёшларни Европага ўқишга юборишни ўзларининг миллий вазифаси деб ҳисоблади. Чунки зиёли, маърифатли инсонларгина

шахсий эркинликка, инсоний ҳуқуқларига риоя этилишига, сўз ва фикрлаш эркинлигига эриша олади, ривожланган ҳуқуқий давлат ярата олади. Жадидчилик асосчиларидан бири Маҳмудхужа Беҳбудий чет тилларни урганишга чакирар, Мунавваркори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний ва бошқалар эса куплаб ёш туркистонликлар пивохона ва чойхоналарда вактини буш утказаётгани ёхуд мардикорлар, яъни арзон ишчи кучи сифатида Россия империяси маъмуриятига содиқ задогонларга хизмат курсатаётганидан норозилик билдирар эди.

Ушбу чакириклар фақат туркистонликлар учун эмас, балки бутун инсоният учун ушанда ҳам, бугун ҳам, эртага ҳам, эртадан кейин ҳам долзарб ва мухим булиб қолаверади. Жадидчилик умуммиллий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишга қаратилгани билан шарқона маърифатпарварлик ва диний ислоҳотчиликдан тубдан фарқ килар эди. Тарихий Туркистонда жадидчилик миллий озодлик ҳаракати вазифасини бажарарди, яъни Туркистонда Россия империясига тобе этилган халклар тарихида янги саҳифа очган, маҳаллий халқлар миллий узлигининг уйғониши ва усишига қаратилган ғоявий-сиёсий тизим ўлароқ шаклланди[69].

Ҳаттоки СССР даврида ҳам Россия империясининг мустамлакачилик сиёситини ва совет мафкурасининг куролли тажовузининг салбий окибатларини оқлаш учун учун ёлғон уйдирмалар усталик билан тарғиб этиларди. Уларнинг моҳияти шунда эдики, гўёки *«маҳаллий аҳоли Россия империяси томонидан босиб олинишига қадар саводсиз эди»*. Маҳаллий ёшлар мактаб ва мадрасаларда муносиб таълим кураётгани, ҳатто кизлар ва аёллар маърифатли отинойилар қулида хат-савод урганаётгани «унутиб» қуйилар ёки инкор этилар эди. Империя статистикаси фақат ўлканинг рус-тузем мактабларида таълим олаётган болаларни инобатга олар, фақат рус тилини билганлар

69. Edward A. Allworth The modern Uzbeks: from the fourteenth century to the present: a cultural history, Hoover Institution Press, Stanford University, 1990, p. 100-105.

маълумотли хисобланарди[70]. Бошқача айтганда, туб ерли ахолининг саводхонлик даражаси ҳақидаги асл маълумотлар яширилар эди. Ҳақиқатда эса XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам Туркистоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳар бир маҳалладаги, ҳар бир овулдаги масжидларда анъанавий бошланғич мактаблар ишлаб турар эди. Бир неча маҳалладан иборат йирик қишлоқ-овулларда ва шаҳарларда эса мадрасалар, яъни уша даврнинг олий билим юртлари ишлар эди. Бундан ташқари, Туркистонда янги қурилишдаги мактаблар фаолият юритар эди, масалан, 1884 йили Тошкентда, Хивада ва Бухорода илк рус-тузем мактаблари очилди. 1892 йили улкада уларнинг сони 21 тага етди. Туркистоннинг сал кам уч миллионлик аҳолиси эҳтиёжларига 1917 йили бор-йўғи 170 рус-тузем мактаблари хизмат килар эди[71]. Қиёс учун, 1890 йили Бухоронинг узида 217 масжид ва уларнинг таркибида бошланғич мактаблар, шунингдек, 185 мадраса бор эди. Мустамлакачи маъмурият Самарканда уттиз йилдан ортик

---

70. Граменицкий С. Положение инородческого образования в Сыр - Дарьинской области. Ташкент, 1916; Наливкин В.П. Школы у туземцев Средней Азии // Сборник материалов для статистики Самаркандской области, 1887 – 1888 гг. – Самарканд, 1889. – Б.294 303; Наливкин В. Краткий обзор современного состояния и деятельности мусульманского духовенства, разного рода духовных учреждений и учебных заведений туземного населения Самаркандской области, с некоторыми указаниями на их историческое прошлое. Материалы по мусульманству. Вып. 1. Ташкент, 1898; Наливкин В.П. Что дает среднеазиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях // Туркестанский литературный сборник в пользу прокаженных. Спб.: Туркестанское окружное управление Российского Общества Красного Креста, 1900; Остроумов Н.П. Мадрасы в Туркестанском крае // ЖМНП. 1907. № 7. – Б.1 – 58; Остроумов Н.П. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае // ЖМНП. 1907. №1. – Б.113 166; Керепский Ф.М. Медресе Туркестанского края // ЖМНП. 1892. №284. – Б.18 – 52.

71. Бобровников Н.А. Русско-туземные училища, мектебы и медресы в Средней Азии // ЖМНП. 1913. №45. - Б.189 – 241; №46. Б.49 84; Граменицкий С. 25- летие учебного дела в Туркестанском крае. – Ташкент, 1901; Абдуллаев Ю. Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе. – Ташкент: Учитель,1 966; Аитмамбетов Д. Дореволюционные школы в Киргизии. – Фрунзе: Издательство АН Киргизии, 1961; Ардаширов А.Ф. Русско-туземные училища в дореволюционном Андижане // Ученые записки Андижанского госпединститута 1957. №6. – Б.81 – 130; Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865 – 1925 годы). – М.: Изд. Академии педагогических наук, 1960; Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865 – 1917 гг.). – Ташкент: Фан, 1966; Мухаммаджанов А. Школа и педагогическая мысль узбекского народа XIX – начала XX в. Ташкент: Фан, 1978; Рахимов Р.Р. Традиционное начальноеобучение детей у народов Средней Азии (конец XIX – начало XX в.) // Памятники традиционно-бытовой культуры народов Средней Азии, Казахстана и Кавказа: сборник Музея антропологии и этнографии. – Л.: Наука, 1989; Тажибаев Т.Т. Просвещение и школы Казахстана во второй половине XIX века. Алма-Ата: Казгосиздат, 1962; Урумбаев Ж.А. Очерки истории школы в Каракалпакстане (1810 1967 гг.). Нукус: Каракалпакстан, 1974.

туриб, фақат 1897 йилгагина келиб битта рус-тузем мактабини қурди. Уша пайтда Самаркандда 21 та анъанавий мадраса ва 83 та мактаб ишларди. Фақат Қуқон шаҳрининг ўзида 1917 йил 26 ноябрида 392 масжид ҳисобланган булиб, уларнинг таркибида мактаблар бор эди. Бундан ташқари, 40 мадраса фаолиятини давом эттираётган эди. XX аср бошида Хоразмда 130 мадраса, 1636 масжид ва 1500 мактаб булиб, уларда 45000 толиби илм таҳсил қурар эди[72].

Хоразмдаги ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар тарихини, у ерда жадидчиликнинг юзага келиши ҳамда Хоразм жадидларининг совет ҳокимиятига қўшилишдан бош тортиши билан боғлиқ вокеаларни батафсил ва холис ёритиб берган таникли ўзбек тарихчиси, Н.Т. Полвонов хабар қилади: Хива хонида илк рус-тузем мактаби 1884 йилда Хива хонининг қумагида очилган, дастлабки жадид мактабига эса 1904 йил 10 ноябрда асос солинган. 1906-1907 йилларда Урганчда қизлар учун мактаблар очилди. Жадидчилик ҳаракатининг шаклланиши ва янги усул мактаблари тизими ривожланишида Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз), қозикалон Салим Охун ва унинг ўғли Бобо Охун, хонлик вазири Исломхўжа, шоир, мусиқашунос ва давлат арбоби Паҳлавонниёз мирзабоши, девонбеги Комил Хоразмий, Хоразмнинг биринчи ношири, литография йули билан китоб чоп эта бошлаган Отажон Абдалов, Хонка шаҳри ҳокими Муҳаммад ва бошқа куплаб тараққийпарварлар муҳим урин тутган. Хива хони бошчилигидаги тараққийпарварлар ўз ҳисобларидан бир қатор янги усул мактабларини очди, улар учун Бобо Охун Салимов ва Бекжон Раҳмонов дарслик ва қулланмалар яратди. Хоразмда жадидчилик ҳаракати бир қадар узига хос жиҳатларга эга булиб, унинг бу шаклга эга булишида ҳам ички, ҳам ташқи омиллар роль ўйнаган. Жадидчиликнинг Хоразм мактаби яратилишида Мунис ва Огаҳий томонидан асос солинган, Баёний бошчилик қилган таржимачилик ва тарихчилик мактаблари муайян урин тутган булиб, элитанинг Хоразм ўтмишига қизиқиши ҳам бунга ёрдам берди. Шунингдек, илғор фикрловчи, олий маълумотли ва зиёли ёшлар ҳам Хива хонлигида жадидчилик ҳаракатининг шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган булиб, улар кейинчалик Паҳлавонниёз Ҳожи Юсупов (1861-1936) бошчилигида *ёш хиваликлар* ташкилотининг яратилишида иштирок этди. Бу ҳаракатда қозикалон Бобо Охун Салимов (1874-1929) муҳим ўрин тутарди. *Ёш хиваликлар* партияси секин-аста Хива хонлигининги асосий сиёсий кучига айланди, партия аъзолари мустақиллик ва тараққиёт тарафдорлари эди. Хива хонлигида жадид матбуоти йўклигига қарамай, маҳаллий зиё аҳли Усмонли

72. Edward A. Allworth. Шу асар 105-110 Б.

салтанати, Эрон ва Россияда, шунингдек, Тошкент, Самарқанд ва Бухорода чоп этилаётган жадид газета ва журналлари билан танишиш имкониятига эга эди[73]. Н.Т. Полвоновнинг бу тезислари архив ҳужжатлари ҳамда жадидчилик муаммоси билан шуғулланувчи муаллифларнинг маълумотлари билан тасдиқланади.

Туркистон улкасининг жадид зиёлилари маърифатни тарғиб қилар экан, маҳаллий аҳолининг турли қатламларини уз ғояларига қизиқтириб, уз кетидан эргаштира олди. Қуйинги, жадидлар жамоат онгида халқ бирдамлиги ва якдиллиги ҳисларини уйғотиб, мустаҳкамлай олди. Шунингдек, улар жадид мактаблари учун дарсликлар яратиб борди. Жумладан, Саидрасул Азизий 1903 йили «Устози аввал», Мунавваркори Абдурашидхон 1907 йили «Адиби аввал», Абдулла Авлоний 1912 йили «Биринчи муаллим» ва «Иккинчи муаллим» дарсликларини яратди.

Тил ургатиш тизими узига хос янгилик булди. Ҳаракат етакчиларидан бири - Махмудхужа Беҳбудий бу тизимни қуйидагича тушунтиради:

- Туркча (узбекча) - уй ва онла тили;
- Форсча - шеърият тили;
- Арабча - дин тили;
- Русча - иқтисодиёт ва саноатни ривожлантириш тили;
- Жаҳон миқёсига чиқиш учун Европа тилларидан бири - инглиз, француз ёки немис тилини билиш лозим.

Мусулмон болаларни янги усул буйича укитишни жадидлар қиска муддатларда, интенсив дастурлар асосида угказар эди. Жадидларнинг укитиш дастури ҳам дунёвий, ҳам диний таълимни уз ичига олар эди. Дастурга кура, янги усул мактабидаги таълим тизими икки боскичдан иборат эди:

- Биринчиси - бошланғич боскич, турт йил давом этади. Бу боскични тугатган шахс эски мактабда ун йил укиган тенгдошларидан анча укимишли булар эди.
- Иккинчиси - якуний боскич, унда толиби илмларга араб, форс, турк ва рус тиллари ургатилар эди.

1895 йилда Бухорода ва Самаркандда, 1898 йилда эса Қуконда илк жадид мактаби очилган эди. 1907 йилга келиб, нисбатан қиска муддат ичида жадидлар 30 та янги усул мактабларини очишга муваффак булди. У ерда 1300 болага турга тил ва замонасининг олд илмлари ургатилар

73. Полвонов Н.Т. История социальных движений и политических партий Хорезма (1900-1924) МВ и ССО РУз. Нац. Ун-т Узбекистана им. М.Улугбека. Т.: Akademnashr, 2011. Б.12-33-38-49-50.

эди. 1911 йилда Туркистонда бундай янги усул мактаблари сони 63 тага етди, уларда 4106 укувчи бор эди[74]. Талаба ва укувчиларнинг купчилиги махаллий халклар вакиллари эди.

Жадидлар урта аср даражасида котиб колган, Куръон сураларини ёдлаш ва талкин килишдангина иборат конфессионал таълимга карши чикди. Жадидларнинг асосий фаолияти маърифатпарварлик булганига карамай, юкорида тилга олинган янги усул таълимидан ташкари, улар мустабид тузум остидаги Туркистонда биринчи марта она тили ва рус тилида, шунингдек, бошка чет тилларида укитиш усулларини куллади, шунингдек, болаларни дунёвий фанларга, жумладан, адабиёт, математика, тарих ва география илмларига ургата бошлади.

Туркистон жадидларининг халкаро алокалари ва мулокоти нихоятда кенг эди. Улар Россия, Туркия, Мисрдаги жадид харакатлари дастурлари билан таниш эди. Шунинг учун хам совет хукумати жадидчиликка карши шафкатсиз кураш олиб борди. Жадидчилик гоялари хукмрон мафкурага хамда тоталитар тузумнинг руслаштириш, Туркистоннинг рус булмаган унсурларини ассимиляция килиб, секин-аста йукотишга асосланган «совет миллати» назариясини амалга оширишга булган уринишига зид келар эди. Бундай сикувда булган жадидчилик уз салохиятидан факат кисман фойдалана олди.

Айнан жадидлар, хусусан, Абдурауф Фитрат Марказий Осиё халклари тарихида биринчи марта манифест шаклида конституция кабул килиш таклифини илгари сурди. Бу тадбир мусулмон оламида мукобилларига эга булмай, у, шунингдек, мусулмон давлатларининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий хаётида барча халклар ва конфессияларни тенг хукукли деб эълон килган эди.

Америкалик машхур тарихчи, Карлтон Коллеж (АКШ) профессори, жадидчилик буйича мутахассис Адиб Холиднинг фикрича, Абдурауф Фитратнинг ишлари узбек халкининг тарихи билан шугулланадиган тадкикотчиларга илмий манба булиб хизмат килди. Жумладан, тарихчи ва шаркшунос, СССР ФА мухбир аъзоси А.Ю. Якубовскийнинг[75] (1886-1953) гоялари А. Фитратнинг тезисларини такрорлайди, бу эса бизни энг янги тараккийпарварлик мактабининг Туркистон тарихида тутган урнига бошкача куз билан каранга мажбур килади. А. Холиднинг фикрича, *«А. Фитрат хамда унинг хаммаслаклари пантуркизм нукгаи назаридан эмас, балки купрок барча мусулмонлар ва номусулмонларни ягона Туркистон Республикасида бирлаштириш позициясидан туриб*

74. Bazarbayev K.; Ashimkhanova, A.Z. Jadids Movement in Central Asia in the Late 19th and the Early 20th Centuries. Asian Social Science, Vol. 8, No. 8; July 2012, p. 225-237

75. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1941.

гапирар эди. Кейинчалик А. Фитрат ҳатто Туркистон Республикаси қулаганидан сунг ҳам ягона Туркистон гояларини тарғиб қилиб борган эди». Яна уша А. Холиднинг, шунингдек, таниқли америкалик тарихчи Эдвард Олвортнинг фикрига кўра, жадидчилик Туркистон аҳолиси миллий ҳуқуқларини англашнинг икки боскичидан ўтди. Даставвал жадидлар «ягона Туркистон» учун курашган бўлса, кейинчалик улар Туркистоннинг ҳар бир этноси ўзлигини ва тақдирини мустақил белгилашга ҳақли эканлигини тан олди. Пантюркизмга келсак, Россия империясининг ушбу пропаганда тамғаси Усмонли ва Россия империяларининг қарама-қаршилиги йилларига бориб тақалади. Атоқли тарихчи ва филолог, жадидчилик бўйича мутахассис, швециялик профессор Фр. Веннбергнинг фикрича, *«пантюркизм панэрончилик ва панславизмга нисбатан камроқ реалликка оид нарсадир»*76.

Шу муносабат билан Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Бехбудий, Фитрат, Тавалло, Абдулла Қодирий, Айний, Чулпон, Ҳожи Муин сингари етук маданият арбоблари томонидан яратилган, маҳаллий аҳолига зиё улашиш муаммоларига бағишланган асарлардан иборат кенг миқёсли бадиий адабиёт жадидчилик адабиёти деб аталар эди. Уларнинг асарларида эътибор берилган бош мавзулар Ватан, халқ, дин, фан, маърифат, мустабид тузумни ва мутаасиб руҳониятни танкид қилиш эди. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, жадидлар биринчи аҳамиятга олиб чиккан муаммолар умуминсоний аҳамиятга эгадир. Жадидларнинг ғояларига келсак, улар ўз халқининг ўзига хослигини, устунлигини, бошқа халқлардан ажралиб туришни, бир сўз билан айтганда, сохта этник танланганлик ғояларига йўғрилган учига чиккан миллатпарастликка мутлақо алоқадор эмас эди. Жадидларнинг асосий устувор карашлари интеллектуал уйғонишга интилишдан иборат эди. Жадидларнинг маданиятни, адабиётни ва тилни ривожлантиришга булган уриниши уларнинг маърифатпарвар қанотини пантюркизм ва панисломчи фиркалардан ажралиб чиқишига олиб келган ҳад бўлди.

---

76. Dudoignon Stéphane A. Qadîmiya as a Historiographical Category. The Question of Social and Ideological Cleavages Between «Reformists» and «Traditionalists» among the Muslims of Russia and Central Asia, in the early 20th century // Kocaoglu Timur (ed.). The Reform Movements and Revolutions in Turkistan (1900 – 1924). SOTA. - Haarlem, 2001. - P.159 – 178; Wennberg Franz: An Inquiry into Bukharan Qadimism. Mirza Salim-bik.– Berlin: Klaus Schwarz Verlag, 2002 (= ANOR 13). Адиб Халид. Туркестан в 1917-1922гг.: борьба за власть на окраине России // Трагедия великой державы. Национальный вопрос и распад Советского Союза, Москва, 2005. Б.189 - 226;

Туркистон жадидларининг дастури уч ғоявий принципга асосланар эди:

- Ҳуррият - Озодлик
- Мусавват - Тенглик
- Адолат - Ҳақиқат

Туркистон жадидларининг кун тартибига олиб чиқилган максадлари қуйидагилар эди:

- Туркистонда урта асрлар қолоклиги ва хурофотни енгиш;
- Умрини яшаб тугатган, *усули қадим* (эски тартиб) намояндалари булмиш улкада анъаналарнинг узгармаслиги тарафдорларига карши туриш;
- Ривожланишнинг илгор йулларига чиқиш;
- Миллий давлатни яратиш;
- Конституцион ҳокимият асосида эркин жамият тузиш;
- Маҳаллий тилларга расмий мақом бериш;
- Миллий валюта ва куролли кучларни яратиш.

Жадидлар фаолиятини даврийлаштириш ва таснифлаш:

- Биринчи Жаҳон урушига кадар жадидлар асосан маърифат таркатувчи укитувчи ва мураббийлар эди.
- Биринчи Жаҳон урушидан сунг жадидлар парламентар монархия йулида кураш олиб бора бошлади.
- 1917 йилги Февраль инқилобидан сунг Туркистон жадидларининг купчилиги кенг миқёсли сиёсий ислоҳотлар талабини илгари сурди.

Жадидлар, юкорида айтилганидек, халкнинг сиёсий ва иктисодий усиши бошланмасини маърифатда, саводсизликка карши курашда курар эди, бу уларнинг уз даврига нисбатан муҳим сиёсий чакириги булди. Жадидчилик пайдо булишининг узи маърифатпарварлик йули билан давлатчиликни кайта тиклаш йулларини кидириш узанидан борганини бугун ҳеч ким инкор килмаса керак. Уз газеталарининг саҳифаларида жадидлар уша пайтдаги мустамлакачи империялар сиёсатини фаол шарҳлаб борар, Россия мустамлакачилигини танкид остига олар, мустамлакачиликни йук килиш йулларини кидирар эди. Улар мусулмон дунёсида биринчилардан булиб парламентар демократия ғоясини таклиф килди. Улар турли фиркалар, этнос ва конфессиялар вакилларидан иборат биринчи мустакил Туркистон мухторияти ҳукуматини тузди. Айнан жадидларнинг хатти-ҳаракатлари совет пропагандаси сингдиришга уринган жадидларнинг пантуркизми ҳакидаги тезисларни инкор этади.

Тарихшуносликда Туркистонда жадидчиликнинг юзага келиши юзасидан турли тавсифлар, таснифлар ва талкинлар мавжуд, лекин уларнинг ҳеч бири ҳаракатнинг мустамлакачиликка, кейинчалик эса совет ҳукуматига қарши қаратилган маърифатпарварлик ва ғоявий-сиёсий фаолиятини инкор қилмайди[77].

Жадидчиликни холисроқ баҳолаш учун, юқорида тилга олинган принциплардан келиб чиққан ҳолда, ушбу ҳаракат эволюциясининг барча босқичларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир.

ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ЭВОЛЮЦИЯСИНИНГ БОСҚИЧЛАРИ:

1. 1885-1895 йилларда жадидчилик отаси – Исмоил Гаспринский (1851-1914) томонидан чоп этиладиган «Таржимон» газетаси таъсири остида Туркистоннинг купгина шаҳарларида янги усул мактаблари очила бошланди, улар рус-тузем мактаблари билан муваффақиятли рақобатлаша бошлади.

2. 1896-1904 йилларда, Исмоил Гаспринский 1893 йили Бухоро ва Самарқандга ташриф буюргани муносабати билан Туркистоннинг йирик шаҳарларида ҳам янги усул мактабларини тузиш ишлари фаоллашиб кетди. Бухорода Исмоил Гаспринский амир Абдулаҳадни жадид мактабини очишга кундирди. У «Музаффария» деб аталди. Гаспринский билан бирга келган озарбайжонлик ёзувчи ва маърифатпарвар Султон Мажид Муртазо Али ўғли Ғанизода (1866-1937) Самарқандда болаларни янги *«усули жадид»* усули буйича ўкита бошлади. 1887 йили Тифлисдаги Александр ўқитувчилик институтини тамомлаган Ғанизода Бокудаги рус-мусулмон мактаби директори эди. Боку губернияси халқ мактаблари инспектори лавозимида ишлар эди. Болаларни янги усул мактабларида она тилига ургатиш Туркистон учун катта янгилик бўлди. Бу жадидчиликнинг вужудга келишига туртки берди, маҳаллий интеллигенция Туркистоннинг йирик шаҳарларида янги усул мактабларини ташкил этишга киришиб кетди. 1906 йили журналист, ёзувчи ва таржимон Саид Ризо Ализода Самарқандда жадид мактабини очди. Бундан ташқари, маърифатпарвар Мирзо Муҳаммад Охунзода ўз мактабини ташкил килди.

3. Маҳаллий зиёлилар Журабой бошчилигида Бухорода янги усул жадид мактабларини оча бошлади; Самарқандда бу ишларга

77. Baldauf Ingeborg. Jadidism in Central Asia... P.73.; Khalid A. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Berkeley, 1998; Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Қосимов Б., Алимова Д., Холбоев С., Полвонов Н. бу масала ҳақида айни фикрларни билдирган.

А. Шакурий, С. Азизий, А. Мунзим, Мулла Қилич раҳбарлик қилди; Тошкентда Мунавваркори Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, Қуқонда - Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Наманганда - Ибрат, Суфизода бу ишлар бошида турди. Натижада, юқорида айтилганидек, Туркистонда 1907 йилга келиб 30 жадид мактаби бунёд бўлиб, уларда 1300 ўқувчи таълим олар эди. Янги усул таълимининг аҳамиятини камайтириш, унинг янада кенгроқ тарқалишини бартараф қилиш мақсадида Россия маъмурияти рус-тузем мактаблари сонини кўпайтириб борди.

4. 1905-1914 йиллар жадидчилик ҳаракати ривожида муҳим босқич бўлди. Улар ноширлик фаолиятини йўлга қўйди, алоҳида эътибор фан, адабиёт, маданият ва маърифат масалаларига қаратилган эди. 1906 йили Туркистонда Исмоил Обидов муҳаррирлигида «Тараққий», Мунавваркори Абдурашидхон муҳаррирлигида «Хуршид» газетаси чиқа бошлади. 1907-1908 йилларда янги газеталар дунёга келди: Абдулла Авлонийнинг «Шуҳрат», Аҳмаджон Бектемировнинг «Осиё» газеталари.

5. 1912-1915 йилларда янги тулқин устида «Самарқанд», «Садои Туркистон», «Садои Фарғона», «Бухорои шариф», «Турон» газеталари; 1917 йили «Эл байроғи», «Кенгаш», «Ҳуррият», «Улуғ Туркистон» газеталари ва «Оина» журнали чоп этила бошланди. 1912 йили маърифатпарвар озарбайжонлик Мирзо Жалол Юсуфзода Бухорода «Бухорои шариф» ва «Турон» газеталарининг илк муҳаррири бўлди.

6. 1914-1917 йилларда жадидчилик ижтимоий-сиёсий ҳаракатга айланди, жадидларнинг сиёсий партиялари яратилди. Уларнинг айримлари Россиядан бутунлай ажралиб чиқиш талабини илгари сурган бўлса, бошқалари ўз вазифаси сифатида Россия Федерацияси таркибида «миллий-ҳудудий мухторият» яратишни белгилаган эди, яна баъзи бировлари эса Россия таркибида маънавий-диний мухториятҳукуқлари кафолатланиши талаблари билан чекланган эди.

7. 1917 йилги Петроградаги Октябрь инқилобидан сўнг 1917-1918 йилларда Туркистон мухторияти мавжуд бўлди. Жадидлар ташаббусига кўра яратилган республика «Дашнакцутюн» миллатпараст партиясидан чиққан армани террорчилар томонидан большевиклар кумагида йўқ қилинди.

8. 1918-1924 йилларда «Чиғатой ғурунги» ғуруҳи фаолият юритиб, маърифатпарварлик ва ноширлик ишига бошчилик қилди.

9. 1924 йили Туркистон халклари миллий-ҳудудий бўлиниш туфайли парчалаб ташланди, жадидчилик ҳаракати энди Марказий Осиё миллий республикалари ва мухториятлари таркибида ривожлана бошлади. Уша йилларда жадидлар «Чиғатой ғурунги» ғуруҳининг маданий-маърифий, таълим ва ноширлик йўналишларидаги ғояларини

яширин амалга оширди, шунингдек, большевикларга қарши миллий озодлик ҳаракатини жонлантиришга уринишлар бўлди.

10. Туркистон жадидларининг асосий ғоявий ва назарий карашларини зиёкор ва модернистлар Маҳмудхужа Беҳбудий, Мунавваркори Абдурашидхон, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Авлонийлар томонидан шакллантирилди. Улар кўп жиҳатдан совет тизимини инкор килиб, Туркистонда халқ давлатининг яратилишини, у ўз йўлидан ривожланишини ёқлаб чиккан эди.

11. Айрим жадидлар СССР конституциясига асосланган ҳолда миллий мустақилликка эришиш йўлини тутди. С. Айний, Ҳамза, Боту, Олтой, Элбек, А. Икромов, Ф. Хужаев совет ғоялари ва қадриятларини рационал қўллашга урғу бериб, шу йул билан ўз ғояларини секин-аста ҳаётга татбик эта борди.

12. Большевиклар маҳаллий интеллигенцияни сиёсий қатағон йўли билан жисмонан йўк қилишга киришди. Жадидлар оғир жазога тортилди, жисмонан йўк қилинганидан ташқари, жадидчилик ҳаракатининг дастурлари ҳам йўк килинди[78].

Ўз ғояларини ёйиш учун жадидлар, матбуотдан ташқари, театр санъатидан ҳам фойдаланди. Туркистонда мустамлакачилар томонидан илгари ҳам спектакллар куйилган, Россия империясида машҳур муаллифларнинг гастроль сафарлари ўюштирилган бўлишига карамай, маҳаллий аҳоли театр санъатининг моҳиятини тушунмас эди. Ерли халклар рус муаллифларининг спектакль ва томошаларини кунгилочар вакт ўтказиш деб баҳоларди. Жадидчилик ҳаракатининг кузга кўринган етакчиси Мунавваркори Абдурашидхон, бу ҳакда фикр юритар экан, шундай деб ёзган эди: *«Барчамизга яхши маълумки, Туркистон тилларида бирор спектакль ўйналмаган, шунинг учун айрим одамлар театрга енгил кунгил ёзиш сифатида қарайди. Аслида театрнинг маҳмуни "Олиш" ёки "Буюклар мактаби" демакдир. Театр саҳнаси барча томондан шишаланган хонага ўхшайди, унга ким кирса, ўз гўзаллиги ва хунуклигини, камчилик ва ютуқларини кўриб, ибрат олади».*

Ўзбек драма театрининг шаклланишига Туркистонда озарбайжон ва татар театр жамоалари ўтказган гастроллар катта таъсир ўтказди. 1911 йилдан 1916 йилгача Туркистонга С. Руҳулла, Ю. Наримонов сингари артистлар етакчилигидаги Озарбайжон театри муваффакиятли гастроллар ўюштирди. Бу вокеалардан руҳланган жадидчилик ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаси, куплаб шеърий тупламлар муаллифи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Туркистоннинг энг биринчи

78. Салимов Б. Унутилмас сиймолар: жадидчилик ҳаракатининг намояндалари. Тошкент, 1999.; Косимов Б. Миллий уйғониш. - Тошкент: Маънавият, 2002.;

театр студияларидан бирини ташкил этди. 1911 йили Марғилонда унинг раҳбарлигида ҳаваскор театр ташкил этилди, «Заҳарланган ҳаёт» пьесаси эса биринчи намойиш қилинган спектаклга айланди. Бу пьеса ўзбек театри шаклланишида муҳим роль ўйнади. 1913 йили Самарқандда Махмудхўжа Беҳбудий раҳбарлигида ҳаваскор труппа ташкил этилди.

Ўзбек миллий театри ривожида йирик маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг ҳам улкан хиссаси бор. 1914 йил бошида Тошкентда Абдулла Авлоний «Туркистон» номли театрни ташкил этди, ушбу жамоа қўйган илк томоша эса Махмудхужа Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси бўлди. Самарқандда биринчи марта маҳаллий кучлари билан қўйилган «Падаркуш» спектакли режиссёри озарбайжонлик Алиаскар Аскаров бўлди. Бу драма сахнада бир неча марта қўйилди. 1915 йили театр Туркистон ўлкаси шаҳарларида улкан муваффақият билан гастроль сафарлари уюштирди. Театрларда катта ижтимоий ва ахлоқий масалаларни кўтарадиган, адолатсизлик, зулм, истибдодни фош қиладиган, томошабинларда норозилик ва эътироз туғдирадиган спектакллар намойиш этилди. Фожиаларга олиб келаётган эски урф-одат ва анъаналар танқид остига олинар эди. Аёлларнинг оиладаги камситилган мақоми қораланар эди. Кўп хотинлилик, ҳисоб-китоб асосидаги никоҳ, эркакларнинг аёлларга нисбатан зулми танқид остига олинарди. Муаллифлар аёлларнинг поймол қилинган ҳаётлари ҳақида азоб билан гапирар эди. Шу ғарика, реалистик адабиёт жанрлари Туркистонда миллий театр шаклланишига омил бўлди. Жадид театри, ўз навбатида, маҳаллий аҳолининг ўз драматурглари, актёрлари ва режиссёрлари пайдо бўлиши учун мактаб вазифасини ўтади, маҳаллий аҳоли орасида жадидларнинг маърифатпарварлик ғоялари тарқалишига кумак берди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, буюк озарбайжон бастакори Узайр Ҳожибековнинг «Гуруғли», «Лайли ва Мажнун», «Аршин молчи» сингари мусиқий пьесалари маҳаллий театрнинг ривожига туртки бўлди. Хусусан, 1913 йил 25 октябрида Бокуда, Ҳожи Зайнулобиддин Тагиев театрида «Аршин молчи» опереттасининг премьераси бўлиб ўтгани ҳамоно у Туркистонда ҳам қўйила бошланди. 1919 йили бокулик Мирзо Ҳабиб Охунзода Самарқандда театр труппасини яратиб, катта муваффақиятга эришди. 1921 йили «Аршин молчи» опереттаси Бухорода қўйилди.

1922 йил 21 апрелида «Аршин молчи» опереттаси Тошкентнинг «Роҳат» боғида ўзбек тилида Ўзбек давлат труппаси томонидан қўйилди. Кейинчалик Тошкентда «Аршин молчи» 24 сентябрда

«Турон» театри сахнасида узбек труппаси ва кавказлик мусиқачилар ҳамкорлигида қайтадан курсатилди. Спектакль режиссёри булган Маннон Уйғур 1932 йилда Узбекистон ССР халқ артисти унвонига сазовор булди. Кейинги йилларда спектакль Тошкент, Фарғона, Бухоро, Қуқон, Хоразм, Самарканд сахналарида кўп маротаба намойиш этилди. 1923 йил 31 майида «Аршин молчи» опереттаси яна Самаркандда намойиш этилди, унда бош ролни озарбайжонлик актёр Ҳусайнқули Сарабский ижро этди.

Жадидлар ҳеч қачон халкни синфларга ва миллатларга булган эмас, миллий сиёсатнинг большевик дастури эса одамларни синфларга, миллатларга булиб юборди ва бу билан Туркистон жамиятининг исломий ва миллий қадриятларига тубдан қарши чиқди. Шунга ҳам эътибор бериш керакки, жадидлар нафақат бойлар, балки камбағалларнинг ҳам инсоний иллатларини фош этарди, зеро уларни жамият эволюциясининг чукур жараёнлари қизиқтирар эди. Шунинг учун улар ватандошларининг диккатини саводсизлик, очкузлик, пиёнисталик, жинсий тенгсизлик, бузуқлик ва бошқа иллатларга каратишга уринар эди. Улар ижтимоий тузум туфайли вужудга келган мана шу иллатларни йуқ килиш имконини берадиган йулларни кидирар, халкини зиёли ва саводли, кулликдан, саводсизликдан ва миллий ёпикликдан озод, жаҳон ҳамжамиятига омухталашган ҳолда куришни исташар эди.

Империя, сунг коммунистик тизимнинг мафкуравий, рухий, сиёсий ва иқтисодий босимига карамай, узбек халки барибир миллий узига хослигини, жадидлар илгари сурган орзу-интилишлар руёбига булган умидини саклаб колди. 1991 йили СССР парчаланиб кеттани ва Узбекистон асл мустақиллигини қайта тиклаганидан кейингина жадидчилик гояларини тулиқ ҳаётга татбиқ килиш мумкин булди. Узбекистон мустақиллигининг тикланишига кадар жадидчиликка булган муносабат, унга берилган баҳолар ҳам ўзгариб турар эди. У гоҳ илғор, гоҳ ультрамиллатпараст ҳаракат деб тан олинар эди. Жадидчилик ҳақидаги ҳақиқатнинг тикланишида Узбекистон, Татаристон ва Озарбайжон тарихчилари, файласуфлари ва филологлари муаммони урганишга киришиши муҳим боскич булди. Уларнинг фаолияти урганиб чиқилгач, жадидчиликни баҳолашга социалистик мафкуравий кўпол ёндашувдан воз кечишга, унинг Шарқда маърифат ва тараққиётнинг ёркин боскичи сифатида маҳаллий маданият ривожидаги урнини холис ёритишга карор килинди. Шу билан жадидчилик пантуркизм, панисломчилик ва буржуа миллатпарастлиги билан чоғиштирилиши

мумкин эмаслиги тасдиқланди[79]. Туркистонда оддий инсоний ҳуқуқларига риоя этилмаслиги, аҳолининг камситилиши 1865-1918 йилларда, ниқобланган шаклда 1918-1991 йилларда мавжуд бўлди.

ХУЛОСА

Туркистонда жадидчилик қисқа мавжудлик вақтида маърифатпарварлик фаолияти туфайли янги усул мактаблари яратилди, маҳаллий зиёлиларнинг илғор қисми прогрессизм ва маърифатни фаол тарғиб қилди, аммо кейинчалик жадидчилик фаолиятига большевикларнинг аралашувидан сунг Туркистонда бу ҳаракат тугатилди. Жадидчиликнинг деярли барча намояндалари большевиклар тарафидан руҳан ёки жисмонан йўқ қилинди.

Халқ оммасининг камситилиши большевизм режими урнатилганидан кейин ҳам тугамади. Мустамлакачи империяни қулатган большевиклар сузда халқлар тенглигини эълон қилди, аммо ҳаётда бари тескари бўлди. Улар моҳиятан қайтадан империя яратди, эски мустамлакачилик услубларни қулланибгина қолмай, улкан халқлар камоғини ташкил этди. Маънавий-руҳий жиҳатдан бу давр машъум империя таркибига кирган барча халқлар тарихидаги энг кора ва қайғули босқич бўлди. У Марказий Осиёнинг тобе этилган халқлар тақдирида битмайдиган конли яралар қолдирди.

---

79. Алимова Д.А. XIX аср охири- XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. // Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун курош. -Тошкент: Университет, 1999.

1.4. ТАРАҚҚИЁТНИНГ КУНПАЯКУН ҚИЛИНИШИ

Биринчи Жаҳон уруши айни авж палласига чиққанида Россия империясида сиёсий инқироз бошланиб кетди. 1917 йили ҳокимият алмашиши юз берди - 27 февраль (12 март) куни Николай II ағдарилиб, Давлат Думасининг Вақтинчалик қумитаси таъсис этилди[80].

2 (15) март куни Россиянинг сўнгги императори Николай II расман тахтдан воз кечди, Давлат Думасининг Вақтинчалик қумитаси эса Вақтинчалик ҳукуматни шакллантирди. Ушбу ҳукумат 1917 йилнинг 2 (15) мартидан 25 октябрига (7 ноябрь) қадар ишлади[81].

Россиядаги давлат тунтариши унинг бошқа ҳудудларида, шу жумладан, Туркистон ўлкасида ҳам акс садо берди. Янги жамият шаклланиши жараёни бошланиб кетди. Россияда чор ҳукумати ағдариб ташланганидан сўнг уз муҳитида муносабатларини ойдинлаштириш билан машғул бўлган Туркистоннинг рус буржуазияси вазият ўзгаришига ҳеч қандай муносабат билдирмади ва маҳаллий аҳолининг чақириқларига қулоқ тутмади. Уша даврларда ўлкани чоризмнинг Туркистондаги охирги намояндаси, Ўрта Осиёга юришлар иштирокчиси, этнограф, Туркистон тадқиқотчиси, илк рус-ўзбек луғатлари муаллифи, II Давлат Думаси депутати, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қумондони В.П. Наливкин бошқараётган вақтда Тошкентда ўлка рахбариятининг ўзгаришига олиб келган ҳокимият инкирози рўй берди. Ушанда ўлкада Вақтинчалик ҳукуматнинг Туркистон қумитаси рахбари кадеть партиясидан Шченкин раислигида 9 кишидан иборат Туркистон қумитаси тузилиб, унда Мустафо Чўқай, Садри Максудий, Давлатшин ва Букейхановлар бўлган.

1917 йил сентябрида Россия Вақтинчалик ҳукумати раиси А.Ф. Керенский Тошкентга сафдоши - генерал-майор П.А. Коровиченкони йўллади. Унинг зиммасига Туркистон ўлкасидаги инкироздан сўнг издан чиққан вазиятни ўнглаш вазифаси юкланди. 24 сентябрда П.А. Коровиченко «Вақтинчалик ҳукуматнинг Туркистон ўлкасини бошқариш бўйича бош комиссари» деб эълон қилинди. Ҳокимнятини мустаҳкамлаш мақсадида П.А. Коровиченко айни пайтда Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қумондони деб ҳам эълон қилинди. Айнан унинг даврида Тошкентда ҳокимият қуролли исён йўли билан большевиклар ва сўл эсерлар коалицияси томонидан эгаллаб олинди[82]. Туркистонда ҳокимият қўлдан қўлга ўтар экан, большевиклар фаоллашган эди.

---

80. Государственная Дума Российской империи 1906-1917гг. Энциклопедия. РГЭ. М., 2008, 108 Б

81. Шу асар.109 Б.

82. Матвеев А.И. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю. Ташкент: Фан, 1977. Б.112.

Туркистон тараққийпарварлари - жадидлар эса Петроградаги Вақтинчалик ҳукумат ва унинг Туркистон қўмитаси империянинг эски мустамлакачилик сиёсатини давом эттираётганини тез орада тушунди. Туркистон рус буржуазиясининг мана шу сиёсати тез орада фаолларнинг сиёсий баёнотларида акс этди. Шу даврдан бошлаб Туркистон жадидлари учун Ватан мустақиллиги йўлидаги кураш ҳаётий аҳамиятга эга муҳим мақсадга айланди. Уткир сиёсий тўқнашувлар ва бахслар бошланди, Туркистон тарихида биринчи марта улар маҳаллий аҳолининг асл мустақилликка эришиш, қадриятлари, урф-одатлари ва турмуш тарзини ҳимоя қилишдан иборат қатъий мақсадини ошкор айтди. Бу ўлка халқлари ўз мустақиллигини тиклаши йўлидаги илк қадам бўлди[83].

Жадидлар Россия мустамлакачи сиёсатини кескин танқид остига олиш билан бирга жиддий ҳаракатга киришди ҳам. Уларнинг асосий мақсади ўлкани миллий-ҳудудий мухториятга айлантириш бўлди. 1917 йил давомида улар тўртта курултой-съезд - «Бутунтуркистон мусулмонлари курултойи» утказди. Ўлкага мухторият мақомини бериш ғояси нафақат демократик қайфиятдаги интеллигенция, балки оддий меҳнаткашлар орасида ҳам машҳур бўла бошлади.

Туркистоннинг асл мустақиллик ва бирлашиш сари йўли тарихи ҳам сиёсий ва ташкилий кутарилиш, ҳам тушиш босқичларини билади. Бошқача айтганда, бу жараёнлар ҳар доим ҳам силлиқ ривожланмаган, ҳар доим ҳам бир йўлдан бормаган. 1917 йил июнида Мунавваркори Абдурашидхон бошчилигидаги «Шурои Исломия» ташкилотидан «Шурои Уламо» жамияти ажралиб чиқди. Шундан сўнг Серали Мунайтпасович Лапин «Шурои Уламо»нинг Тошкент бўлимини яратди. Бир муддатдан сўнг «Шурои Уламо»нинг Кўкон филиали ҳам очилди. Ўз ғояларини тарғиб қилиш мақсадида ушбу жамият «ал-Изоҳ» газетасини нашр эта бошлади. Газета муҳаррири Абдумаликхўжа Набиев эди.

Серали Мунайтпасович Лапин раҳбарлигидаги Тошкент руҳонияти ўз маслакдошлари орасида тушунмовчиликлар келтириб чиқаришга беҳуда уринди. Шу сабабдан Мунавваркори Абдурашидхоннинг «Шурои Исломия» ва Серали Мунайтпасович Лапиннинг «Шурои Уламо» ташкилотлари ўзаро қарама-қаршиликда фаолият юритиб келди. Бу фаолият давомида қуплаб келишмовчиликлар юзага чиқди, улар муросага кела олмади, матбуотда ўзаро уруш бошлаб юборди.

«Шурои Уламо» ва «Шурои Исломия» ўртасидаги узоқ бахсларга қарамай, охир-оқибат улар йўлини тутди ва тил топишди. «Шурои

83. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар миллий мустақилликка қадар. -Тошкент: Эльдинур,1998.

Исломия», «Шурои Уламо» ва «Турон» сиёсий партияларининг бирлашиши негизида бутун Туркистон учун умумий булган «Иттифоки муслимин» партиясини яратишга карор килинди. Шу билан 1917 йилдаёк Туркистон жадидлари уз сиёсий гояларини амалга ошириб, мусулмон дунёсидаги биринчи парламентар демократияга асос солди. Нафакат Туркистон халклари тарихида, умуман мусулмон ва туркийлар тарихида бу конституция асосида давлат куришнинг биринчи тажрибаси булди. Шунингдек, бу мусулмон дунёсида яхудий социал-демократик ишчи партияси булмиш «Поалей Цион» (Сион ишчилари) билан парламентар коалицияда ишлаган биринчи ва охирги давлат булди. Бунакаси хали Европа тарихида хам булмаган. Бундан ташкари, мусулмон дунёси тарихида биринчи марта барча фукаролар жинси, дини, ирки, ижтимоий ахволи ва этник келиб чикишидан катъий назар хукук ва эркинликларда тенглаштирилди. Туркистон жадидларининг жамиятни кайта шакллантиришга каратилган бутун саъй-харакатлари чинакам новаторлик эди, тарихий нуктаи назардан эса бу фаолият прогрессив ва маърифий ахамият касб этарди[84].

ЖАДИДЛАРНИНГ ДАСТУРИЙ ХУЖЖАТЛАРИДА БИРИНЧИ ГАЛДА ЭЪТИБОР ЖАМИЯТНИ БОШКАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯРАТИШГА КАРАТИЛГАН ЭДИ:

- Миллий-худудий мухториятнинг асосий принципларини амалга оширишга кумак берувчи механизм;
- Мустакил ваколатларга эга улка олий хокимият органларининг фаолияти;
- Конун ижодкорлиги ва суд тизимининг ишлаб чикилиши;
- Уз давлат структураси - Туркистон Федератив Республикасини яратиш;
- Республикани халк хокимияти принциплари буйича бошкариш асослари;
- Туркистондаги турли социал ва миллий кучларнинг узаро муносабатларида тинчлик ва муросани таъминлаш йулида демократик жамиятни шакллантириш, унинг асосларини конституция билан, барча учун, жинси, келиб чикиши, диний ва миллатидан катъий назар, демократик хукук ва эркинликлар билан кафолатлаш;
- Жадидчиликнинг давлат мустакиллиги хакида гояларини

84. Косимов Б. Жадидчилик (айрим мулохазалар) ... – Б.20 – 23; Алимова Д. Жадидчилик харакатининг ижтимоий-сиёсий мохияти ва жадидлар тафаккури // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустакиллик ва таракки̇ёт учун кураш. – Тошкент: Университет, 1999. – Б.35 – 52; Абдуллаев Р. Интеграционные процессы в мусульманском мире и туркестанские джадиды // Жадидчилик: ислохот... – Б.69 – 82; Косимов Б. XX аср бошида жадид адабиёти ва тарихий ходисалар // Жадидчилик: ислохот... – Б.104 – 117.

хаётга жорий этиш[85].

1917 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида Тошкентда ва Қуконда руй берган воқеалар илғор жадидларни, Туркистон миллий озодлик ҳаракати ғоявий раҳнамоларини янги йул - асл халқ йулидан боришга ундади.

1917 йил 25 октябрида (7 ноябрида) ҳарбий тунтариш оқибатида Петроградда ҳокимият тепасига большевиклар келди. Вақтинчалик ҳукумат қулади, ушбу асрий воқеанинг акс садоси собиқ Россия империясининг энг олис чеккаларига ҳам етиб борди. Маҳаллий сиёсий кучлар, масалан, партиялар булган жойларда ҳокимият тепасига улар келди. Ҳамма ерда ва ҳар доим ҳам бу кучлар тулаконли, илғор ва тараққийпарвар эмас эди, баъзан булар эски ҳокимият вакиллари эди, улар янги қиёфага кириб, эски тартибларни сақлаб колишга уринаётган эди.

Петроградда Вақтинчалик ҳукуматни ағдаргач, большевиклар узларига керак булмаган, аммо халқ орасида катта шуҳрат қозонган Бутунроссия Таъсис мажлисига сайлов утказишга мажбур булди. 1917 йил 12 ноябрида утган ушбу сайловда большевиклар 22,9 %, унг эсерлар эса 40,4 % овоз туплади. Тарихий ҳужжатларда ҳар хил рақамлар келтирилади, аммо большевиклар кам овоз олгани факт булиб қолаверади. Кам овоз туплагани боис 1918 йил 6 январида большевиклар Таъсис мажлисини тарқатиб юбориб, Петроградда ноконуний равишда ҳокимиятни эгаллаб олди. Бутун халқ томонидан сайланган демократик мажлисни куллаб-кувватлаб утказилган намойиш укка тутилди[86]. Пролетариат диктатурасининг ҳукмронлиги бошланди, кейинчалик террор давлатнинг большевизм ҳокимиятини урнатишдаги расмий куролига айланди. Бу нарса Туркистон улкасида ҳам такрорланди.

Даставвал Марказий Россияда урнатилган совет режими Туркистонда ҳам пайдо булди ва уша пайтнинг узидаёк маҳаллий сиёсий ва демократик ҳаракатларни бостириш, «инородец»ларга тазийқ утказиш ва уларга нисбатан зуравонлик ишлатиш сингари бу мафкурага хос булган хусусиятларни намойиш эта бошлади. Шу пайтнинг узида илғор жадидларнинг Туркистон мухторияти ҳукуматидаги фаолияти, сиёсий партиялар ташкил этиш эркинлиги ҳамда уларнинг дастурлари улкада куп миллатли ҳаракатнинг кенг ёйилганидан далолат берарди. Табиийки, жадидларнинг актлари большевиклар томонидан тан олинмади. Жадидлар бошқарувни

85. Аҳмедов С., Ражабов К. Жадидчилик // УзМ.Э-Тошкент, 2002.; Холбаев С. Жадидчилик ва истибдод (Хоразм Республикаси ҳақида) // Ишонч. 1997.

86. Мельгунов С.П. Как большевики захватили власть // «Золотой немецкий ключ» к большевистской революции. М.: Айрис-пресс, 2007. Б.640 Б.16 (Белая Россия). Б.103

ишчилар, аскарлар ва деҳқонлар кенгашларига топширилишига қарши чиққан эди. Қабул қилинган резолюцияларга кўра, улар биринчи марта ва қатъиян миллий демократия ҳақида баёнотлар билан чиқа бошлади.

В. И. Ленин «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» ҳамда «Россия ва Шарқнинг барча мусулмон меҳнаткашларига» мурожаатни имзолади. Бир қарашда миллатларнинг узликни англаш ҳуқуқини кафолатловчи ушбу юридик ҳужжатларга асосланган ҳолда жадидлар Туркистон мухториятини эълон қилди ва ҳукумат тузди. Улар маҳаллий аҳолининг турли ижтимоий қатламларини уз кетидан эргаштира олди, уларнинг онгида гараққийёт йўлида бирдамлик ва Туркистон аҳлига зиё таркатиш ҳакки якдиллик ғояларини уйғота олди. Бу билан жадидчилик стук ғоявий-сиёсий ҳаракат эканлиги, яъни у зиёкорлик ҳаракатидан ғоявий-сиёсий платформага айлангани намойиш этилди. Эндиги асосий ҳаракатлар ва эътибор сиёсий йўл билан янги жамият шакллантиришга қаратилган эди. Зеро, агар илгари гап маърифат ҳакида кетган булса, эндиликда жадидчилик сифат жиҳатидан юкорирок боскичга кутарилиб, Туркистоннинг омма қуллаб-кувватлаган сиёсий кучига айланди.

1917 йил кузида Туркистон улкасининг шаҳар, вилоят ва уездларида аҳолининг ҳокимиятни советларга топшириш талаби илгари сурилган оммавий чиқишлари кузатилмади. Аксинча, жойлардан келаётган хабарлар ва телеграмаларда Вақтинчалик ҳукумат қуллаб-кувватланаётгани биллдирилар, большевиклар ва бошка экстремистик кучларнинг ҳокимиятни советларга топшириш талабидан иборат асоссиз даъволари кораланар эди. Қайд қилиб утиш лозимки, Туркистонда урнатилган «совет ҳокимияти»даги барча мансабларга руслар тайинланди, бу эса, табиийки, унинг ҳам сиёсий, ҳам миллий-шовинистик томонга йўналтирилганлигини белгилаб берди. Бошқача айтганда, у ерда маҳаллий аҳоли вакиллари умуман йўқ эди. Шунинг учун улка ерли аҳолисининг ушбу «ҳукумат»дан ва умуман совет ҳокимиятидан норозилиги секин-аста ошиб бораётганди. Ҳатто маҳаллий руслардан таркиб топган эсерлар большевикларнинг ушбу кадр сиёсатидан норози булиб, буни очиқ айтаётганди.

1917 йилнинг 26–28 ноябрь кунлари (9–11 декабрь кунлари) Қуқонда мусулмонларнинг Туртинчи фавкулодда Бутунтуркистон курултойи (съезди) утказилди. Бу маҳаллий аҳоли томонидан сайланган делегатларнинг кенг қуламли йиғилиши булди. У Туркистон тарихига мустақилликга интилиш даврини белгилаб берган муҳим воқеалардан бири сифатида кирди. Мазкур съездда асос ҳужжатлар қабул қилиниб, эркин, суверен Туркистон улкасининг сиёсий структуралари

шакллантирилди. Туркистондаги ҳокимият шакли масаласи съезд диккат марказида бўлди. Чикиш қилганларнинг кўпчилиги ўлканинг мухтор республика деб эълон қилиниши сиёсий мақсадлардан келиб чиқишини ҳамда аҳолининг ижтимоий аҳволига мувофиқ келишини таъкидлаб ўтди. Съезд Туркистонда яшовчи миллий озчиликларнинг ҳуқуқлари инобатга олинишини, сақланишини ва ҳимоя қилинишини тантанали равишда эълон қилди.

Ҳукумат газеталари - «Эл байроғи», «Бирлик туғи», «Эркин Туркистон», «Известия Временного Правительства Туркестанской автономии» ўзбек, қозоқ ва рус тилларида чиқар эди. Туркистон мухторияти яратилишидан олдин чиққан газеталардан бири - «Улуғ Туркистон» ўз саҳифаларида ҳукумат фаолиятини ёрита бошлади. О.Махмудов типографияси Туркистон мухторияти ҳукумати юрисдикциясига ўтди. Умуман, у қиска фаолияти давомида аҳолининг улкан ҳурмати ва эътирофини қозонди. Ўзбек ёзувчилари, шоирлар ва жадидлар А. Фитрат, Чулпон, Ҳамза ҳукуматга мактов шеърларини бағишлар, уни қуллаб-қувватлар ва кўкларга кутарар эди. Фитрат Туркистон мухторияти эълон қилинган 28 ноябрни «Бизнинг миллий Лайлат ул-қадр» деб атади.

Большевиклар, биринчи галда халқ оммаси манфаатлари йўлида инқилобий принципларга риоя этилишини ўлка аҳолисига ваъда қилган бўлса ҳам, аслида большевикларнинг Инқилобий қўмитаси (Ревком) қонунан сайланган Туркистон мухторияти ҳукуматидан қуролларини топширишни, ваколатларидан воз кечишни ва совет ҳокимиятини тан олишни талаб қилди. Бирок ҳукумат бу ноқонуний талабларни жавобсиз қолдирди, шунда Ревком Туркистон мухторияти ҳукумати аъзоларини ҳибсга олишга карор қилди.

Маҳаллий сиёсатчилар ва зиёлиларнинг аҳамиятини паст баҳолаб, камситиб келган совет тарихшунослиги уларнинг имкониятлари ва кобилиятини мутлако инобатга олмас, Туркистон мустақилигининг аҳамияти ва ролини арзимас провинциал лойиҳа даражасига туширар, мухторият эълон қилиниши маҳаллий буржуазиянинг «ҳорижлик интервентлар» қуллаб-қувватлаган асоссиз авантюраси эканлигини ёзиб келар эди. У Туркистон мухториятини «Қўқон мухторияти», яъни ҳеч қандай аҳамияти йўқ буш сиёсий ташаббус, бутун Туркистон ўлкасида эмас, фақат қоғозда ва битта минтақада мавжуд курук расмиятчилик деб атарди. Ваҳоланки, биринчи ва қолган барча қурултой-съездларга Туркистон ўлкасининг барча минтақаларидан делегатлар таклиф қилинган ва ташриф буюрган эди. Сиёсат оламида Туркистон мухториятининг пайдо бўлишини бутун дунёда машҳур нуфузли олимлар мусулмон оламининг кўп асрлик ва мураккаб тарихида миллий давлатчиликни ҳамда бошқарувнинг парламентар республика шаклини яратишга бўлган биринчи уриниш сифатида

баҳолаган эди[87].

Туркистонда булаётган демократик узгаришлардан, шунингдек, Туртинчи фавқулодда умуммусулмон қурултой-съезди қарорларидан ташвишга тушган большевиклар маҳаллий рус аҳолиси орасида мусулмонларга адоват уруғларини экишга уринди, шу билан бир пайтда улар Туркистондаги қонуний демократик ҳокимиятни куч билан йўқ қилиш ҳаракатларини тухтатмади, ваҳоланки Туркистондаги Рус православ черкови Туркистон мухториятини қуллаб-қувватлаб, унинг бюджетига пул ва моддий кимматликлар хайрия қилган эди. Таъкидлаб утиш жоизки, бой-бадавлат Бухоро яҳудийлари ҳам Туркистон мухторияти тарафида эди. Бу тасодиф эмас. Юқорида айтилганидек, Туркистон ҳукумати таркибига «Поалей Цион» (Сион ишчилари) Яҳудий социал-демократик ишчи партияси вакиллари ҳам кирган эди. Жумладан, уларнинг намояндаси С.А. Герцфельд молия вазири этиб тайинланган эди. Шунингдек, Туркистон ҳукуматида рус партиялари учун ҳам жой ажратилди, ок гвардиячилар - рус зобитлари энди яратилаётган Туркистон қуролли кучларининг инструкторлари сифатида ишлар эди.

Туркистон мухториятини обрусизлантириш сиёсатини давом эттирар экан, большевистик Туркистон Халқ Комиссарлар Совети (Совнарком) ушбу ҳукуматнинг тузилишига жавобан 1918 йил 19-26 январида (1-8 февраль) большевикларнинг IV Фавқулодда ишчилар, аскарлар ва крестьянлар депутатлари Советлари съездини чақирди, унинг кун гартибида асосий урин Туркистон мухториятининг йўқ қилинишига берилди ва Съезди: «Қўқон мухтор ҳукумати ва унинг аъзолари қонундан ташқари деб эълон қилиниб, ҳибсга олинсин» деган қарор қабул қилди. Большевикларнинг Халқ Комиссарлар Советида (Совнарком) у пайтда бирорта маҳаллий халқларга мансуб вакил йўқ эди шунинг учун большевиклар маҳаллий кадрларни очиқ-ойдин камситар, «улар қолоқ ва ҳокимиятни қўлга олишга қодир эмас, шунинг учун Туркистонда илғор фикрли ажнабийлар ҳукмронлик қилади» деб таъкидлар эди. Шу тарика, советлар Туркистон мухторияти ҳукуматини жисмонан йўқ қилишга киришди. Ўз сиёсий фаолияти давомида Туркистон халқ комиссарлари кенгаши «Шўрои Исломия» ва бошқа демократик ташкилотларни қонундан ташқари деб эълон қилиб, ман этгани маълум. «Шўрои Уламо» ташкилотининг Тошкент булинмаси 1918 йил 13 майида ёпилди.

Советларнинг улкада жазо тадбирлари ўтказиш учун зарур

87. Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти. Миллий-демократик давлатчилги курилиши тажрибаси. Ташкент, 2000; Туркестан в начале XX века. Б.80-112

булган қизил армия отрядларини яратиш қарори секин-аста уз қонли натижаларини бера бошлади. Бироз муддатдан сунг бу ҳарбий қушилмалар большевикларга қарши халқ чиқишларини бостиришда қулланилди. Уша пайтнинг узида Туркистонда пролетариат диктатураси жазо структуралари - Бутунросссия фавқулодда комиссияси булинмаси (ЧК) ҳамда инқилобий трибуналлар тузилди. Улар Туркистон ерли халклари чиқишларини бостиришнинг, шунингдек, эркинлик ва маърифат тарадфорлари - жадидларни йуқ қилишнинг муҳим қуролига айланди.

Россия пролетариати ва совет тузуми устуворлиги тушунчаларидан келиб чиққан ҳолда большевиклар қуйидагиларни эълон қилди:

- Ўлканинг асосий инқилобий кучларини пролетариат ва деҳқонлар ташкил этади;
- Аҳолининг колган катламлари - реакцион эксплуатацион гуруҳлар;
- Маҳаллий мулкдорлар - эксплуататор ва ситамгарлар;
- Миллий интеллигенция, халкнинг олий маълумотли ва ҳурматли вакиллари - корчалонлар ва буржуа малайлари;
- Мусулмон руҳонияти - шафкатсиз йуқ қилинишга маҳкум аксилинқилобий қатлам, дея белгиловчи тезислар асосида иш бошлаб юборишди. Аслида, большевикларнинг бу тезисларини одамкушликдан бошқача ном билан аташ мумкин эмас, зеро улар Туркистон тарихида учмас қонли из қолдирган кейинги воқеаларга олиб келган узига хос ҳукм ва ғоявий асос вазифасини бажарди.

Куп йиллар давомида совет тарихшунослигида Туркистон мусулмонлари съездлари ҳамда улар қабул қилган қарорлар совет мафкураси фойдасига талқин қилиб келинди. Совет тарихчиларининг хабарларига кўра гўёки жадидлар ахолининг фақатгина мухториятни қуллаб қувватлайдиган буржуа қисминигина саклаб колишга ҳаракат қилганмиш, жадидчилик ҳаракаги эса гўёки миллатпарастликни ва туркпарастликни ҳимоя қилган эмиш. Аслида, маҳаллий аҳолини камситиш, сиқувга олиш ва ҳуқуқларини поймол қилиш сиёсатини олиб борган большевиклар ҳукумат тепасига чиқиб олганларидан сунг авж олган дахшатли котилликлар, 1917 йил охиридан бошланган фожиали воқеалар кетма-кетлиги тарихи большевикларнинг Туркиистон ўлкасини босиб олиш ниятида ҳаракат қилганига далолат беради. Аммо жадидлар қабул қилган қарорлар бунинг мутлақо тескарисини кўрсатмоқда. Туркистон мухторияти яратувчилари, аксинча, аҳолининг барча қатламлари вакилларини ҳукумат таркибига киритишни таклиф қилиб чиққан эди. Шу муносабат билан бир нарсани қайд қилиб утиш жоиз - Туркистондаги биринчи байналмилалчилар

пролетарчилик ғояларидан фойдаланиб келган большевиклар эмас, балки айнан маҳаллий туркистонлик жадидлар эди.

Туркистон мухторияти парламент аъзолари большевикларни тан олишдан бош тортганидан сунг 1918 йил февраль ойида Куконга етиб келган куролланган большевиклар Туркистон мухторияти тарафдорларини артиллерия билан йўқ қилишга киришиб кетди. Кукон аҳолисини қириш буйича жазо операциясини утказиш чогида большевиклар билан бир каторда дашноклар муҳим роль уйнади. Большевиклар «Дашнакцутюн» партиясидан куролли талончи ва котиллар тўдаларини жалб этди. Бу тўдалар унга қадар Кавказда ва Шарқий Анатолияда ғайриинсоний террорчилик актларини содир этиб улгурган эди.

Туркистонда большевиклар томонидан совет режимининг урнатилиши маҳаллий аҳоли орасида салбий кайфиятларни уйготди ва умумхалк аксилсовет исёнига омил бўлди. Бир муддатдан сунг, 1918 йилда бошланган ва Иккинчи Жаҳон уруши йилларигача давом этган миллий озодлик уруши бошланди. Мазкур конли урушнинг келиб чикишидаги айбнинг каттагина кисми армани миллатпарастларини уз ичига олган «Дашнакцутюн» партияси зиммасидадир!

Туркистонда миллий озодлик ҳаракати юзага келиши билан боғлиқ тарихий муаммонинг бундай изоҳланиши шу билан тасдикланадики, дашноклар Жанубий Кавказда ҳам айнан шу усулларда маҳаллий аҳолини кирғин килган ва мусулмонларга карши ялпи котилликлар уюштирган эди. 1918 март-апрелида Бокуда, Шамахада, Муғонда, Губада ва Лангаронда минглаб озарбайжонлар дашноклар томонидан улдирилган, ун минглаб одамлар бошпанасиз колган ва уйларидан кувиб солинган. Айникса, дашноклар томонидан Боку ва Шамахада уюштирилган конли террор тадбирлари нихоятда дахшатли тус касб этган эди. Бокуда 30 мингга якин одам ута шафкатсизлик ва вахшийлик билан улдирилган. Шамахада дашноклар 58 кишлокни вайрон килган, 7 минг нафар тинч аҳоли вакилини, шу жумладан, 1653 аёл ва 965 болани киличдан утказган. Губа губерниясида 122 кишлокка ут куйилган, уларнинг барида мусулмон нуфуси истикомат килар эди. Корабоғнинг тоғли кисмида 150 дан ортик кишлок ер юзидан супуриб ташланди. Дашноклар томонидан ушбу кишлокларда утказилган конли акцияларнинг фожиавий кулами инсоният тарихидаги энг вахший ва шафкатсиз жиноятлар каторида курилади. Дашноклар Зангизурда ҳам шу йул билан 115 кишлокни талон-тарож килиб, сунг уларни вайрон килди ва ёкиб юборди, 7700 мусулмон улдирилди, 2500 минг нафари яраланди, 50000 киши уйларидан

хайдалди[88]. Иравон губерниясида 211 қишлоқ, Карсда 92 қишлоқ ер билан яксон қилинди[89]. Туркистон ва Жанубий Кавказ мингақаларидаги айнан мана шундай даҳшатли акциялардан сунг махаллий аҳолининг Совет ҳокимиятига қарши оммавий куролли чиқишлари фаоллашади. Умуман, большевиклар экспансияси Туркистон ва Кавказда миллионлаб инсон қурбон бўлиши билан якунланди.

Туркистон тарихида дашноқларнинг тинч аҳолига нисбатан зуравонлиги ва даҳшатли жиноятлари билан боғлиқ мисоллар жуда кўп[90]. Дашноқларнинг Туркистондаги «қаҳрамонликлари» ҳақида кўпгина тарихчи ва публицистлар ёзган. Лекин дашноқларнинг ҳарбий «жасорати» ҳақидаги гувоҳликлар нисбатан камроқ, булар асосан кичик тўқнашувлар, тасодифий вокеалардир. Масалан, дашнок отрядлари Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг куролли исёнчилари билан юзма-юз тўқнашувларга камдан-кам ҳолларда журъат қилар эди. Тўқнашувлар бўлган тақдирда ҳам, уларнинг аксарияти дашноқлар томонидан кичик қишлоқларнинг ягмо этилиши, гудаклар, аёллар ва кексаларнинг ўлдирилиши билан боғлиқ. Ҳатто исёнчиларга қарши кичик тўқнашувларда ҳам дашноқлар ё қочиб кетар, ё асирга тушар эди. Бунга терс равишда, дашноқлар тинч аҳолини қатл қилгани ҳақидаги шоҳидликлар етарли. Туркистонга етиб келгунига қадар дашноқларнинг «жасорати» ҳақида Биринчи Жаҳон урушининг Кавказ фронтидаги вокеалардан маълум. Уларга бошпана берган Россия империясига қарши ҳам дашноқлар ўз усулларини ишлатар эди.

---

88. Le Lieutenant-Colonel Chardigny. Chef de la Mission Militaire Frangais au Caucase, a Monsieur le Ministre de la Guerre (Etat-Major de l'Armee, 2 Bureau). Le 15 avril 1919// Ministere des Affaires Etrangeres de France, Archives Diplomatique, vol. 832. folio 55.

89. Claims of the Peace Delegation of the Republic of Caucasian Azerbaijan Presented to the Peace Conference in Paris. Paris. 1919. p.21; Le Lieutenant-Colonel Chardigny, Chef de la Mission Militaire Frangais au Caucase, a Monsieur Le Ministre de la Guerre (Etat-Major de l'Armee.2 Bureau). Le 15 avril 1919 // Ministere des Affaires Etrangeres de France, Archives Diplomatique, vol. 832. folio 55; Kazemzadeh F. The Struggle for Transcaucasus (1917-1921). New York. 1951. P. 131; В. Степаков и Т. Куприков - в ЦК КПСС. 25.06.1965 //РГАНИ. ф. 5. оп. 33. д. 221, л. 35; Срочная депеша председателя Совета Министров Ф.Х.Хойского руководителю азербайджанской делегации в Стамбуле М.Э.Расулзаде. 31.07.1918//АПД УДП АР. ф. 277, оп. 2. д. 7, л. 37-38; о кровавых преступлениях Дро (Д. Каняна) в Восточной Анатолии и Азербайджане см.: Архив Министерства Национальной Безопасности Азербайджанской Республики, д. 862, т. 3, часть II, л. 56-69.

90. Buttino M. Ethnicité et politique dans la guerre civile: a propos du Basmačestvo au Fergana // Cahiers du monde russe. 1997. T. 38. Б.195-222.

«БОШ ШТАБ БОШЛИҒИ В.Б. ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ А.А. НЕРАТОВҒА МАКТУБ»

«Хат № 8158.

22/9 октябрь 1915 й.

Жанобим Анатолий Анатолиевич [Нератов],

Кавказга Болгарияда бўлиб турган туркиялик кунгилли арманиларни қўйиш масаласидаги шу октябрнинг 18 [5] санасидан №1162 сонли мактуб юзасидан сиз жаноби олийларига шуни маълум қиламанки, Кавказ армияси қумондони кўрсатилган арманиларнинг Россияга киритилишини номақбул деб тан олади, негаки уларнинг бари Дашноқцутюн партияси вакиллари бўлиб, шубҳасиз, жуда қора ўтмишга эга кимсалар бўлиб қуринмоқда; жанговар нуқтаи назардан эса улар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, шу боис уларнинг борлигидан Болгария армияси ҳеч қандай наф кўрмайди.

Аксинча, бу арманилар жангдан бўйин товлаш, дезертирлик, муштумзўрлик ва сиёсатбозлик йўли билан тилга олинган армияга бузғунчилик таъсирини ўтказади. Генерал Юденичнинг муқаддам ифода этилган фикрига қўшилган ҳолда, арманиларни Россия ҳудудига киритмасликни маслаҳат берган бўлардим.

М. Беляев».

«КАВКАЗ АРМИЯСИ ШТАБИ ҚОШИДАГИ ҲАРБИЙ-СУД ҚИСМИ МУДИРИ ЁЗИШМАСИ»

«1014. 3 ва 4 армани дружиналаринининг армани кунгиллилари Мартирос Акопов, Карник Бабиноянц, Максуд Жезмажиян, Сено Аратюнян, Кероб Мануков, Айка Оганян, Саган Олигян ва Карапет Жямкочанлар иши бўйича.

Бошланди: 1916 й.

Махсус қарор.

«1916 й., сентябрнинг унинчи куни, Озарбайжон-Ван отряди қошидаги Корпус суди, тегишли таркибда, 3 ва 4 армани дружиналаринининг судланувчи кунгиллилари Сено Аратюнян, Хай (бошқа оти Гайк) Оганян ва бошқалар - жами саккиз киши ҳақидаги ишни тинглаб, уларни курд аёллари ва қизларини зўрлашда ҳамда 26 аёл ва болаларни қийноққа солиш ва жароҳатлаш йўли билан қасддан ўлдиришда айбдор деб топиб, - бу судланувчиларнинг барини: Мартирос Акопов, Карник Бабигянц, Махсуд Жезмажиян (бошқа оти Чесбадл), Сено Аратюняна, Кероб Мхитаров Мануков, Гайк (бошқа оти Хай) Оганян, Сагак Олигиан (бошқа оти Сачак Холикен) ва Карапета Жамкочянни (бошқа оти Карапетусян-Кочан) осиш орқали

улим ва барча мол-мулк ҳукуқидан маҳрум қилиш жазосига маҳкум қилади.

Суд раиси: Генерал-Майор /имзо/

Мувакқат аъзолар: Қушин Старшинаси /имзо/

Прапоршчик /имзо/»[91].

Юкоридагилардан келиб чикадиган хулоса - Биринчи Жахон уруши йилларида дашнокларнинг Усмонли империяси худудлари булмиш Шаркий Анатолияда, Совет хокимияти урнатилиши йилларида Кавказ ва Туркистондаги асосий машғулоти талончилик, зуравонлик, болалар, куролсиз кексалар ва аёлларни улдириш булган. Куркитиш тадбирлари чоғи, яъни террорчиликда дашноклар большевиклар томонидан онгли равишда қулланди. Тинч аҳолини йук килиш ва террор дашноклар учун одатий иш эди. Дашнокларнинг Фарғона водийсидаги жиноятлари ҳакида турли муаллифларнинг куплаб ишларида батафсил ҳикоя килинади. Уларнинг маколаларидан олинган парчалардан мазкур тадкикотда кенг фойдаланилди.

Дашнокларнинг Туркистондаги жиноятлари ҳакида хабар килган асосий муаллифлардан бири Мустафо Чукай[92], Иккинчи Жахон уруши бошлангунига кадар у Европада бу масалада китоб ва маколалар чикариб борди. Армани дашнокларининг Туркистондаги ғайриинсоний хатти-харакатлари келтириб чикарган окибатларнинг бевосита гувохи Турор Рискулов эди - у муфассал ҳисобот тайёрлаб, китобининг алохида булимини шу масалага бағишлади. Мазкур фожиа ҳакида Шаркий Туркистон Республикасининг биринчи президенти, ўзбеклардан чиккан биринчи маршалл - Алихонтура Соғуний «Туркистон кайғуси» китобида чукур изтироб билан ёзган[93]. Иккинчи Жахон урушидан сунг бу муаммони таникли тарихчи Боймирза Ҳайит ёритди. Ушбу фожиа тарихи шу пайтга кадар долзарблигини йуқотган эмас.

Фарғона водийси ва хусусан Қуқонда руй берган фожиали вокеалар А.Ш. Кодирбоевнинг «Туркистонда армани диаспораси ва «Дашнакцутюн»: 1917-1921 йиллар» номли китобида батафсил ёритилган. Уз китобида муаллиф дашнокларнинг Туркистондаги фаолиятидан дарак берувчи манбалар асосида батафсил таҳлил келтиради. Бу маълумотлар дашноклар содир этган жиноятларнинг

91. Международные отношения в эпоху империализма. Документы из архивов царского и временного правительства 1878-1917 годов. Серия.3, том 9, часть.1. М -Л., 1937, Б.52, 56.

92. Mustafa Chokay. «The Basmachi Movement in Turkestan», «The Asiatic Review», vol. XXIV, 1928.

93. Алихонтура Соғуний. Туркистон кайғуси. // «Ёшлик»,1992.

номаълум тарафларини курсатиб беради. Тилга олинган китобда Турор Рискулов дашнокларнинг фаолиятига алохида урғу берган - у «Дашнакцутюн» Фарғона водийсининг тинч ахолисига карши уюштирган жиноятларини биринчи булиб фош этган эди.

«Эхо» интернет ресурсида 2009 йил 25 февралида чиккан «Номаълум фожиа. Дашноклар Туркистон мухториятининг йуқ килинишида ҳал қилувчи роль уйнади» номли мақолада дашноқларнинг Туркистондаги жиноятларига баҳоли қудрат баҳо берилган. Озарбайжон муаллифи М.З. Содихлининг «Сенга жавобни тарих беражак...» китобида Турор Рисқуловнинг «Инқилоб ва Туркистоннинг туб ахолиси» (1925 йил, Тошкент) номли китобидаги «Дашноқлар Фарғонада нима иш килган эди» булимида келтирилган тарихий фактларга иктибос келтирилиб, ушбу воқеалар юзасидан хабарлар таҳлил қилинади.

Дашнокларининг Туркистондаги жиноятларининг таҳлили Турор Рискулов эсдаликларида: *«Исённи бостириш баҳонасида тўққиз кун давомида Қўқонда талончиликлар содир этилди. Ҳисоб-китобга уста дашноқлар дарҳол пул ишлаш илинжига тушди, ва шаҳар бафуржа "тозалаш"дан утказилди. Жумладан, Қўқонда дашноқлар келганидан сунг арманиларнинг савдогар қатламлари ҳам тусатдан ашаддий "инқилобчи"лар булиб чиқди ва, отряд таркибига қушилиб, шаҳарни вайрон қилишга киришиб кетишди. Барча дуконлар кунпаякун қилинди, озгина қиймати булган ҳамма нарса омборхоналарга ташиб кетилди, қолгани ёқиб юборилди. Оммавий қотилликлар содир этилди. Андижонда исёндан сунг "яна уша дашноқлардан иборат гарнизон бутун эски шаҳарни айбдор қилди", у ерда тинтув утказишга қарор қилинди. Тинтув бир ҳафта давом этди, унинг давомида талончилик, қотиллик ва зуравонликлар тинмади».* Англиялик тадқиқотчиларнинг қайд килиб утишича, қиличдан утказилган ахолининг аниқ адади маълум эмас, аммо бу сон, шубҳасиз, жуда катта. 1897 йили Қуқон ахолиси 120.000 кишини ташкил қилар эди, 1926 йили эса бу курсаткич 69.300 гача қискариб кетди. Шаҳар вайрон этилди ва ёқиб юборилди. Содихлининг курсатишича, «большевикларнинг бу иттифоқчилари узларини Туркистон қашшоқ қатламлари кўз унгида шу қадар обрусизлантирдики, Фарғона коммунистлари утинчига биноан Туркистон ҳукумати «Дашнакцутюн» партияси билан алоқани узишга карор килди, зеро фактлар «Дашнакцутюн» армани миллатпараст партиясининг моҳиятини узил-кесил фош этади»[94].

Большевиклар ва дашноқларга карши биринчи жангда, Туркистон мухторияти миллий қуролли кучлари билан бир қаторда,

94. http://www.centrasia.ru/newsA.php?st=1235549160

Қуқоннинг оддий аҳолиси вакиллари ҳам иштирок этди. Болталар, чопқилар ва таёқлар билан қуролланган авом, ҳеч нарсага карамай, жангчилар билан елкама-елка туриб уч кун давомида большевиклар ва дашноқларнинг ҳужумларини қайтариб турди. Қуқон шаҳри артиллериядан ўққа тутилди, шундан сунг аксарияти дашноқлар булган талончилар Қуқоннинг эски шаҳар кисмига бостириб кирди ҳамда шаҳар ва атрофдаги қишлоқларни талон-тарож қилиб, тинч аҳолини ёппасига ўлдиришга киришиб кетди. Бир неча минг бегунох инсон ҳалок булди[95].

1918 йил 9 февралида (22 феврали) Қуқон шаҳридаги Рус-Осиё банки биносида большевиклар тарафидан тайёрланган томонлар ўртасидаги келишув имзоланди. Бу гўёки «Сулҳ келишуви» эди. Унинг шартларига биноан, Миллий қушиннинг соғ колган кисми Кичик Эргаш қурбони раҳнамолигида Қуқонни тарк этди.

Кавказда ва Кичик Осиёда булганидек, Туркистонда ҳам дашноқлар ўзларини мусулмон аҳолисига нисбатан босқинчилар, қотиллар, каллакесар ва талончилар сифатида тутди. Дашноқлар большевиклар билан ҳамкорликда бутун бошли Қуқон шаҳрини кунпаякун қилиб, тинч аҳолини қирғин килди. Уша қуркинчли кунлар шоҳидларининг дараклари кура, «Қуқон уликлар шаҳрига айланди». Шифохона беморлар ва персонали билан биргаликда ёқиб юборилди. Қуқон пахта тозалаш заводининг 50 нафар ишчиси оила аъзолари билан бирга суйиб ташланди[96]. Қуқоннинг ун маҳалласида бутун аҳоли қириб ташланди. Бундан ташқари, қиска вакт ичида Қуқоннинг 10 минг нафар тинч аҳолиси ўлдирилди. Дашноқлар аёлларни зурлаб, гудак болаларни тириклайин жодидан утказиб қийноқлар билан ўлдирарди[97].

Ҳокимиятни эгаллаб олгач, большевиклар Туркистон мухторияти ҳукуматини тугатди. Илгари айтилганидек, мазкур ҳукуматда турли миллатга мансуб ерли аҳоли вакиллари бор эди. Келажакда улар ҳам улка бошқарувига жалб этилиши ваъда этилди. Шу билан большевиклар жадидлар бошлаган халқ-демократик мақсадларни амалга ошириш жараёнини узиб қуйди. Эндиликда «совет бошқарув шакли» аталмиш ҳилқат амалга кирган булиб, у бошқарувда жазолашнинг

---

95. Адиб Халид. Туркестан в 1917-1922гг.: борьба за власть на окраине России // Трагедия великой державы. Национальный вопрос и распад Советского Союза, Москва, 2005. Б.189 - 226

96. Doniyorov Sh. Muxtoriyat qismati «Sharq yulduzi» jurnali, 1991 yil, 12-son со ссылкой на архивные данные КПСС МК кошидаги Марксизм-ленинизм институтининг ҳужжаттоҳи. 61-фонд, 1-изоҳнома, 124-иш, 119-варак.

97. Шамаъдиев Ш.А. «Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине». Ташкент. 1961г. Б.54.

ҳар хил қуринишларига асосий урин берар эди. Бу тасодиф эмасди: большевикларнинг узлари мутлақ камчиликни ташкил этадиган улкадаги иқтидорини фақат мутлақ қупчилик аҳолини ташкил этувчи мусулмонлар устидан зуравонлик йули билангина сақлаб туриш мумкин эди[98].

1918 йил бошида Қуқон Кенгаши раиси, армани халқига мансуб Сааков бошчилигида дашноқлар пулемётлар ва артиллерия қуроллари билан Бачкир қишлоғига яқинлашди. Бу Туркистон миллий озодлик ҳаракатининг биринчи етакчиси, қурбоши Кичик Эргашнинг қишлоғи эди. Қишлоққа ут қуйилди. Йул-йулакай ушбу жазо отряди, тирик колган гувоҳларнинг билдиришича, «айбсиз, бемадад деҳқонларни отиб ташлар, қиз ва аёлларни камситар, уларнинг уй буюмларини тортиб олар эди». Дашноқлар отряди Қуқон тинч аҳолиси билан тўқнашувдан сўнг Сўзоқ қишлоғини эгаллаб, унинг аҳолисини отиб ташлади. Қизил армиянинг таркибида дашноқлар булган бошқа бир отряди Бозорқўрғон халқ исёнчилари билан жангга кирди, аммо чекинишга мажбур бўлди. Чекинар экан, улар йўлларида учраган кишлоклик тинч аҳолини укка тутар ва йўк килар эди. 20 кун давомида шу атрофдаги барча кишлоклар ҳужумга дучор бўлди, у ердаги мусулмон эркаклар, ёшидан катъий назар, ёппасига кириб ташланди. Тирик колиб, мархумларни дафн этганлар ҳам кейинчалик ўлдириб юборилди. Дашноқлар қайта-қайта пайдо булар, омон колган одамларни, ҳатто қишлоқдошларининг янги қазилган қабрлари устида жаноза ўқиётганларни ҳам ўлдирар эди[99].

1917 йил 28 ноябридан (11 декабрь) 1918 йил 9 февралига (22 февраль) қадар мавжуд бўлган Туркистон мухторияти ҳукумати йўк килинганидан сўнг мустақиллик тарафдорлари - жадидлар ва уларнинг ҳаммаслаклари дашноқларнинг фаол иштирокида таъқиб килинди. Бу ишда Россия империяси даврида Туркистон генерал-губернаторлиги даврида пайдо бўлган, яъни «Дашнакцутюн» партияси ва большевиклардан олдин минтақага кириб келган арманилар айникса жиддий фаоллик курсатди. Улар дашнокларнинг куролли отрядларига кўшилиб, Фарғона водийси армани жамоасининг деярли барча вакиллари - «бакқоллар», «майфурушлар», «сартарошлар», «қассоблар» ва бошқа «савдо қатламлари» дархол большевикка айланиб колди[100].

---

98. Chokaev M. The Basmaji Movementin Turkestan // AsiaticReview. 1928. April. Vol. 24.P. 273-288; Chokaev M. Turkestan and the Soviet Regime // Journal of the Royal Central Asiatic Society. 1931. Vol. 18. P. 403-420; Tchokaieff M. Fifteen Years of Bolshevik Rule in Turkestan // Journal of the Royal Central Asiatic Society. 1933. Vol. 20. P. 351-359.

99. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Раздел «Что делали дашнаки в Ферганс» Т., 1925. Б.107-109.

100. РГВА. Фонд 25898. Оп. 1. Д. 2. Лл. 64-65.

«Дашнакцутюн» ўз манфаатлари йўлида нафақат Туркистон мусулмонларига қарши жазо акциялари ўтказар, балки қизил армиянинг жанговар қисмларини шакллантиришда ҳам фаол иштирок этган эди. Дашноқлар лойиҳасига биноан, Кавказда жойлаштирилган «инқилобий» армани қисмларини қизил армияга жалб этиш кўзланган эди, бунда улар армия таркибида ҳам ташкилий ва ахлоқий масалаларда маълум мустақилликка эга бўлиши режалаштирилган эди. Бу конкрет лойиха бўлиб, бу ҳақда Туркистон АССР Совнаркоми аъзоси, ҳарбий комиссар К. Осипов бу ҳақда очик-ошкор баёнот берди[101]. Айнан шу прапоршчик К. Осипов Туркистонга эшелонларда келган армани дашноқларининг хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириб борди; кейинчалик у 1919 йил 19-21 январида Тошкентда аксилсовет ғалаёнини ташкил этди. Исёнчилар бошлиғи К. Осипов кечки пайтда телефон орқали Туркистон АССР раҳбариятини исёнчи 2-Сибирь полки хузурига чақириб, уларни вахшийларча ўлдириб юборди. Аммо К. Осипов ташаббуси билан бошланган аксилсовет исёни муваффақиятсиз якунланди - уни большевиклар отиб ташлади.

Дашноқлар ва большевиклар ўртасида ҳарбий кўмак масаласида қизғин музокаралар олиб борилди. Дашноқлар ҳарбий отрядларини қурол билан таъминлашда С.Г. Шаумян воситачилик қилгани кузатилмоқда. Дашноқларнинг бош етакчиси Сталинга илтимос билан мурожаат қилди: *«Дашноқлар учун қурол масаласида ишни шундай тузишни сўрайманки, масаланинг узил-кесил ечими менга боғлиқ бўлсин. Конъюнктурага қараб барини шу ерда ҳал қиламиз. Мен уларнинг сиёсатида бирор ўзгариш бўлишини кутмаяпман, лекин улар бизга жойида боғлиқ бўлганлари яхши»*[102].

1918 йил мартида РСФСР миллий туманларининг кўпгина маҳаллий газеталарида РСФСР миллатлар ишлари бўйича халқ комиссари И.В. Сталин имзоси остида *«армани инқилобий ташкилотлари армани кўнгилли отрядларини эркин шакллантириш ҳуқуқига эга»*[103]лиги юзасидан тушунтириш эълон қилинди. Шундан кейин Кукон фуқаролик ва ҳарбий маъмуриятидаги барча муҳим амаллар ва мансаблар арманиларга - «Дашнакцутюн» миллатпараст-шовинистик партияси аъзоларига тақдим этилди. Табиийки, улар «бир ёқадан бош чиқариб» ўз гуруҳ манфаатларини ҳимоя қилар, бунда ҳеч нарсадан тап тортмас эди. Уларнинг иштирокидаги ҳокимият қурол кучи асосига қурилган бўлиб, дашноқлар ўз қавмдошларини қуроллантирар, арманичилик

101. РГВА. Ф. 25898. Оп. 1, Д. 78. Л. 207.

102. Шаумян С.Г. Ибранные произведения, том 2. М., 1972, Б.326-327.

103. Сталин И.В. Сочинения в 13 томах. М., 1946-1951. Т. 4. Б.24.

манфаатларига эришиш йулида узига хос ёпик армани «инкилобий» габақасини шакллантирар эди. Ушбу «элитар» гурухга бегоналарни киритишмас эди. 1918 йил июнида большевиклар дашноклар билан биргаликда Уш шахрига хамла килди. Уша йилнинг декабрида улар Фарғона водийсининг шимолий кисмидаги Жалолобод шахрига якинлашди. Дашнок отрядлари кишлокларга хужум килар, мусулмон аёлларни тутиб, «улжа» сифатида Андижон катъасига олиб кетар эди[104].

Фарғона водийсида нафакат Туркистон мухторияти химоячиларининг асосий кисмини ташкил килувчи узбеклар ёппа кирғин килинди, балки Кукондаги бир канча кичик жамоалар аъзолари хам улдирилди. Асосий котиллар ва талончилар булмиш дашноклар, форслар, яхудийлар ва хатто русларни хам Туркистон мухторияти тарафдорлари сифатида айблаб, жинси ва ёшидан катъий назар, кирғин килар эди. Кейинчалик узини оклаш максадида Куконда дашноклар жамоаси вакиллари - кирғин ва талончиликнинг фаол иштирокчилари уларни зуравонликка мусулмонлар томонидан эълон килинган жиход бошлаганини айтган эди[105]. *Аммо бу ёлгон эди. Улар дашнокларни хизматга олган большевиклар белгилаган вазифаларни бажарган эди.*

Шу билан бир пайтда, жиход хавфи хакидаги баёнотлар ута риёкор харакат эди, негаки Туркистонда арманилар яшаган даврда махаллий мусулмонлар уларга нисбатан мехмондуст муносабатда булган эди. Уларни багрини кенг очиб кутиб олган улка ахолисига нисбатан адоват ва салбий муносабат большевик сиёсати хамда дашнокларнинг феъли билан тушунтирилади - улар хар доим хар качон уз манфаатини кидирар, тинч ахоли моли ва хаётига рахна солишдан тап тортмас эди.

Шу тарика, 1918 йил январь-февраль ойларида Кукон хамда атрофдаги кишлоклар тинч ахолисини кирғин килиш бошланиб, бутун Фарғона водийсида мислсиз шафкатсизлик ва конхурлик билан давом эттирилди. Дашноклар террор йулида учраган барча мусулмонларни улдирар, уларнинг уйлари хамда бозорлардаги расталарини талон-торож киларди. Махалла ва кишлокларга ут куйилди, талаб олинган улкан улжа эса темир йул орқали Кавказга олиб кетиш осон булиши учун вокзалда тупланар эди.

Петроградаги 1917 йилги октябрь тунтариши, Андижонда большевикларнинг «инкилобий диктатураси» урнатилиши (у ерда 1919 йилга кадар дашноклар етакчилик килди) дашноклар учун Туркистоннинг бойликлари ва турли-туман ресурслари томон йулни

---

104. Буттино Марко. Революция наоборот. Средняя Азия между падением царской империи и образованием СССР. М., 2007. Б.285.

105. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. «Что делали дашнаки в Фергане» Т., 1925. Б.107.

очди. Шу билан бир каторда, большевиклар ва дашноклар хукмронлиги уларга махаллий аҳолини хеч кандай оқибатларсиз талон килиш ва улдириш имкониятини очди. Махаллий аҳолидан озик-овкат ва мол-мулк тортиб олинди[106].

Андижондан Туркистон Совнаркомига 1918 йил охирида юборилган ҳисоботларда «Дашнакцутюн» совет ҳокимияти ва мусулмонлар уртасида ихтилоф келтириб чиқариш учун жавобгар эканлиги таъкидланади. Ҳужжатларда таъкидланишича, ушбу шаҳардаги «миллий» сиёсат учун жавобгар дашноклар етакчиси эса бойвачча, виночилик корхонаси, кинотеатр ва бир нечта уйлар эгасидир[107]. Бу вактга келиб Марказга махаллий комиссарлар мусулмонларни талон-тарож килиб, шахсий бойлик орттираётгани хакида маълумотлар етиб кела бошлади. Кейинчалик Кобозев Ленинга «комиссарлар навбатма-навбат "тинчлантириш" максадида ҳужумларга олиб чиккан» Тошкент-Перовск отряди «бошида соф инкилобий булгани... аммо жуда тез айнигани» хакида хисобот берган эди. Унинг ёзишича, «Кукон ва Бухоро хамлаларидан улар бир туда аёллар, узлаштирилган пул, гилам, от ва бошка буюмлар билан кайтди. Уларнинг бир кисми расман газначилик ва республика хукуматига топширилди, лекин куп кисмини яширди»[108].

Туркистон Компартиясининг биринчи съездида дашнокларга «Туркистон ўлкасидаги инкилобий харакатдаги иштироки, большевикларга махаллий ҳокимиятни йўк килишда курсатилган фаол ёрдами, жангларда қатнашганлик ва махаллий мусулмон аҳолисига карши жазо акцияларини амалга оширганлиги учун» расман миннатдорлик билдирилди. Жавоб сўзида «Дашнакцутюн»нинг ушбу съезддаги миннатдор вакили «арманилар ҳар доим совет ҳокимиятига ёрдамга келишга тайёр»лигини билдирди. У съезд минбаридан туриб хитоб килди: *«Қийин пайтларда биз сизларга ишонамиз, сизлар эса бизга ўзингизга ишонгандай ишонишингиз мумкин!»* Туркистон Компартияси съезди билан бир пайтда «Дашнакцутюн» партия йиғини утаётган эди. Унда хам куйидагича баёнот берилди: *«Арманилар ҳар доим совет ҳокимияти тарафда булади!»* Алохида кайд этилдики, *«биз фақат шу йўл билан Туркистондаги армани жамоасини ва ўз ватанимиз Арманистонни бизга душман бўлмиш мусулмонлардан*

---

106. Буттино Марко. Революция наоборот. Средняя Азия между падением царской империи и образованием СССР. М., 2007. Б.276; Цит. по: Хасанов М. Фергана после кокандских событий, февраль 1918, март 1919гг. Машинописный текст, 1993. Неопубликованное исследование по материалам КГБ Узбекской ССР.

107. РГВА. Ф. 25859. Оп.2. Д. 11. Лл.82-85 об.

108. РГАСПИ. Ф. 5. Оп. 1. Д. 2920. Л. 4-4 об. Наша газета. 1918. 25 сентября.

ҳимоя қила оламиз!»[109]

Лекин, бунда дашноқлар айнан кайси «Арманистон»ни назарда тутгани аниқлаштирмаган. Гап шундаки, арманилар ҳеч қачон маълум бир ҳудудда истиқомат қилмаган. Ҳар сафар кандайдир виртуал «ҳудудни» Олд Осиёда маълум «Арманистон» деб эълон қиларди. Бундан ташқари, рус символизми асосичиси ва рус шеърияти «кумуш асри»нинг етук намояндаларидан бири Валерий Брюсов арманиларга 35-рақамли «Гуржистон Арманистони» атамасини совға қилди[110]. Бундай «Арманистон»лар сони 35 тага етказилган: *Биринчи, Иккинчи, Учинчи, Тўртинчи, Аршакий Арманистони, Буюк Арманистон, Византия Арманистони, Ички Арманистон, Шарқий, Баланд, Чуқур, Юнон Арманистони, Ғарбий Арманистон, Кавказ Арманистони, Киликия Арманистони, Кичик Арманистон, Месопотамия Арманистони, Нахарар Арманистони, Форсарманистон, Сатрапия Арманистони, Шимолий, Шимоли-Шарқий, Туркия Арманистони, Жануби-Ғарбий, Жанубий, Юстиниан Арманистони, яна — шунчаки Арманистон, Армани Месопотамияси, Армяни вилояти, Арманистон ташқарисидаги Арманистон, Армениак, Армина, Буюк Арманистоннинг катта қисми, Буюк Арманистоннинг бир қисми*[111].

Шунинг учун бу 35 «Арманистон» орасида миллатпарастлар ҳар сафар кераклисини топиб олиши талаб этилади. Бошқача айтганда, terra incognita (номалум ер) булмиш ҳудуд ҳакида суз очилади. Мазкур ҳайратланарли феномен - куплаб «Арманистонлар» билан «денгиздан денгизгача Буюк Арманистон» мифологемаси билан боғлиқ. Унга кура, «Урта Ер денгизи -- Кора денгиз – Каспий денгизи» оралиғидаги улкан ҳудуд Туркия Республикаси, Шимолий ва Жанубий Озарбайжон, Грузияни қамраб оладиган ер, яъни оз эмас, куп эмас, *1,265,188 квадрат километр ҳудуд арманиларга тегишли эканлиги иддао қилинмоқда.*

1919 йил февралида Туркистон миллий озодлик харакатининг

---

109. «Наша газета». (Ташкент, 1917-1919). 1918, 12-22-24 и 25 июня.

110. Брюсов В.Я. Летопись исторических судеб армянского народа. М., 1918, глава IX.

111. История армянского народа. Ереван, 1980; Тревер К.В. Очерки по истории культуры древней Армении (II век до н.э.-IV век н.э.). М.-Л., 1953; Саркисян Г.Х., Худавердян К.С., Юзбашян К.Н. Потомки Хайка. Очерк истории и культуры Армении с древнейших времён до становления Третьей республики. Ереван, 1988; Юзбашян К.Н. Армянские государства эпохи Багратидов и Византия IX-XI веков. М., 1988; Арутюнова-Фиданян В.А. Повествование о делах армянских. VII век. Источник и время. М., 2004; Еремян С.Т. Армения по «Ашхарацуйц»у (армянской географии VIIв.). Минск, 1961; Айвазян С. Исторические карты Армении. Ереван, 2003; Даниелян А.П. Армения. Исторический атлас. М., 2003; Hewsen R.H. Armenia. A Historical Atlas. Chicago-London, 2001; Hovhannisyan R. Atlas Armenian History.Yerevan, 2007.

жанговар қисмлари Андижонда ҳарбий ҳаракатларни бошлаб юборди. Асосан арманилардан иборат маҳаллий гарнизон Андижон эски шаҳар аҳолиси зиммасига бунинг учун жавобгарликни юклади. Ушбу ёлғон баёнотдан сўнг бир ҳафта давомида арманилар жазо отрядлари маҳаллий аҳоли уйларида тинтувлар утказиб, унинг давомида қотиллик, талончилик ва зуравонликка қул урди. Эски шаҳардан жуда кўп ёш қизлар олиб чиқилиб, араваларда Андижон қалъасига олиб кетилди[112]. Шунга қарамай, Фарғонада большевиклар ва дашноклар узаро ҳамкорликни гухтатмади. 1919 йил мартида Туркистон советлари фавқулодда съездида мусулмон делегатлари резолюция таклиф қилди. Унда «Дашнок отрядларини дарҳол қуролсизлантириш ва тарқатиб юбориш, Қизил гвардияни жиноий унсурдан тозалаш» талаби қатъиян ифодаланган эди[113]. Вазият «Дашнакцутюн» фойдасига узгармаётган эди.

Туркистон Марказий Ижрокум (ТуркЦИК) Фарғона комиссияси аъзоси Турор Рискулов Туркистондаги дашноклларнинг асосий кучлари жойлашган Андижонга етиб келди. У Андижондан туриб Тошкентга дашноклар мусулмонларга нисбатан курсатаётган зуравонликлар юзасидан ҳисоботлар йуллади. Аникланишича, Андижоннинг армани жамоаси қиска вакт ичида совет ҳокимиятидан курол-ярог олган экан. Жамоа вакилларининг сузларига караганда, унинг ҳар бир аъзосида бештадан милтик, револьверлар, ук-дори ва ҳатто гранаталар булган. Коммунист мусулмонлар Туркистон Компартияси Мусулмон бюроси йиғилишида совет ҳокимиятининг «Дашнакцутюн» билан ҳамкорлигини кескин коралаб, Фарғонадаги зуравонликларни зудлик билан тухтатиш зарурлигини, мусулмон аҳолини коммунистлар томонига утказиш учун «қизил армия сафларини армани провокаторларидан тозалаш» зарурлигини уктирди[114].

ЦК РКП(б) Россия Коммунистлар Партияси Марказий Кумитаси ҳам Туркистон рус коммунистларининг хатти-ҳаракатларини «мустамлакачиликка мойиллиги» ва маҳаллий мусулмонларнинг сиқувгаолинишитуфайлитанқидостигаолди. Туркистон коммунистлари Мусулмон бюроси конференциясида «Дашнакцутюн» партиясига аъзо булган большевиклар арманиларнинг хатти-ҳаракатлари мухокама қилинганидан сунг Турор Рискулов, Саъдулла Турсунхужаев ва Низомиддин Хужаевларнинг ташаббуси ва талабига кура 1919 йил 16

112. РГВА. Ф. 25898. Оп. 1. Лл.1283; Ф. 100. Оп.3. Д. 923. Л. 158 об.

113. Назаров М.Х. Коммунистическая партия Туркестана во главе защиты Октябрьской революции. 1918-1920г. Ташкент, 1969. Б.123.

114. Мусульманское бюро РКП(б) в Туркестане: 1, 2 и 3 Туркестанские краевые конференции РКП, 1919-1920г. Ташкент. 1919-1920. Б.67-68.

июнида уларни куролсизлантиришга буйруқ берилди[115]. Бир пайтнинг узида, дашноклар каршилик кўрсатиш учун вақт козонмасликлари учун Туркистон Марказий Ижрокуми Комиссияси Фарғона водийси армани жамоасига куролларни топшириш талабини етказди. Қизил армиячи дашноклар уз кавмдошларини куроллантиришнинг олдини олиш максадида Туркистондаги кизил армия кумондонлигига уларни уз сафларидан чикариб юбориш топширилди[116]. Шу тарика, ЦК РКП(б) ва коммунист мусулмонлар босими остида Туркистондаги совет хокимияти биринчи марта дашнок отрядларини куролсизлантириш ниятини изхор этди. Бирок дашноклар куролларини топширишдан бош тортар, мудофаа режаларини тузар эди. Шу билан бирга, уларнинг айримлари Туркистонни тарк этишга тайёргарлик кура бошлади.

Туркистон Марказий Ижрокуми назорати остида дашнокларни куролсизлантириш буйруғи ижро этилди. Айғок маълумотларидан Фарғона водийсидаги армани жамоаси вакилларида катта миқдорда курол-яроғ ва ук-дори борлиги маълум эди. Кизил армиянинг фаол иштирокида «Дашнакцутюн» аъзолари ҳамда армани жамоаси вакилларининг уйларида тинтув утказилди. Қаршилик курсатган ва курол топширишдан бош тортганлар харбий трибуналга топширилиб, суд хукмига кура отиб ташланди. Бу воксалардан кейин Туркистон Компартияси Мусулмон бюроси съездида «Дашнакцутюн» тудаларининг асосий кисми урнашган Андижон, Кукон ва Скобелевда куролсизлантириш якунлангани маълум килинди[117]. Дашноклар фаолияти улкада тугатилгач, маҳаллий арманиларга «Армани биродарлиги» ташкилотини тузишга рухсат берилди. Расман бу янги ва бошка структура булишига карамай, амалда у уз фаолиятини Кавказга кучириб, террор эпицентрини у срда урнатишга улгурган «Дашнакцутюн» партияси билан алокадорликда айблаб булмаслиги учун гузилган эди. Туркистон коммунист мусулмонлари янги армани ташкилотлари фаолиятини назардан кочирмас ва кузатиб борар эди. Бир йилдан сунг кизил армиянинг Туркистон фронти кумондони М.В. Фрунзега берган хисоботида унинг саркардаларидан бири - 2-Туркистон укчи дивизияси командири уринбосари «Армани биродарлиги» «Дашнакцутюн»дан мутлако фарк килмаслигини тан

115. «Узбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти. Т., 2002, 3-том бет.216.; Узбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Узбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов Қ. К., Мустакил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Туркестан в начале XXв.: к истории истоков национальной независимости [Коллектив авторов], Т.,2000.

116. РГВА. Ф. 25859. Оп. 2, Д. 11. Л. 82-85 об.

117. Мусульманское бюро РКП(б) в Туркестане, Ь.10.

олиб, уни ҳам тугатишга чақирган эди[118].

1918 йил 28 февралида Туркистон мухторияти тор-мор келтирилгач, Туркистон Совнаркоми махсус декретига кўра ҳар қаердаги, ҳар қандай шаклдаги пахта мусодара қилиниб, Туркистон ўлкаси ишчи-крестьян ҳукумати мулки деб эълон қилина бошлади. Декретни эълон килган большевиклар эндиликда ўзлари тинч аҳолини талон-торож кила бошлади. Бир сўз билан айтганда, бу декрет большевикларни маҳаллий аҳоли кўзи олдида янада обрусизлантирди. Большевиклар озодлик улашувчилар никоби остида яна ўша максад - талончилик мақсадида келгани маълум бўлди. «Ҳарбий коммунизм» режимининг ўрнатилиши қишлоқ хўжалигини бутунлай яксон қилган вайронкор тенденцияларни келтириб чикарди, бу эса, Россия каби, Туркистонни ҳам оммавий очарчилик камраб олишига сабаб бўлди[119].

1919 йили Туркистонда нон такчиллиги карийб 100 миллион пудни ташкил килди. Туркистон буғдойзорларининг шиддат билан кисқариши хамда Россиядан пахта эвазига келадиган дон ҳажмининг камайиб кетиши бунинг сабаби эди. 1916 йили Россия ички губернияларидан Туркистон пахтаси эвазига 22 миллон пуд дон етказилган бўлса, 1917 йили бу кўрсаткич 1,9 миллионни ташкил этди, 1919 йилда эса хеч нарса олиб келинмади. Туркистоннинг ўзида ўша йили факат 5,3 миллион пуд нон тайёрлаб кўйилган эди. Йил ҳисобида бир кишига бир неча килограмм нон тўғри келарди, холос[120]. Натижада Туркистонни мисли кўрилмаган очарчилик камраб олди, 1,2 миллион киши унинг курбони бўлди121.

Қишлоқ аҳолиси бўйнига оғир юк бўлиб Қизил армияни боқиш мажбурияти тушди. Туркистоннинг ўзидагина 100 минг кизил армия аскари бор эди. Кўп ҳолларда қизил армия ва босмачилар ургасидаги ҳарбий тўқнашувлар чоғида экинлар таг-туби билан йўк килинар эди. ТуркЦИК фавкулодда комиссияси текшируви натижаларига кўра, 1921 йили сентябрь- октябрь ойларида 80029 хўжалик хонавайрон бўлди, оч колаётган одамлар сони 227059 кишини ташкил этди, 64336 киши очликдан ҳалок бўлди, 159959 киши эса очарчилик таҳдиди остонасида турган эди. 1919 йил биринчи ярмида Каспийорти фронтининг ўзида 198 цистерна ўсимлик ёғи ёкилғи сифатида ишлатилди. Туркистон темир йўллари паровозлари учун бундай ёғнинг 53 цистернаси ишлатилди. Аҳоли эхтиёжларига эса

118. РГВА. Ф. 100. Оп.3. Д. 923. Л. 158 об.

119. Туркестан в начале XXв.: к истории истоков национальной независимости. Ташкент, 2000. Б.48

120. История народного хозяйства Узбекистана. Ташкент, Т. 1. 1962. Б.50-51.

121. Тилеукулов С. Туркестан на историческом повороте 1917-1920г. // Тилеукулов С., Голованов А.А., Оразымбетов Ш., Касанбаев С. Б.144.

63 цистерна ёғ ажратилди. Умуман олганда, 1919 йил февралига келиб ёқилғи сифатида 600 минг пуд усимлик ёғи ишлатилди. Утин ва кумир етишмовчилиги туфайли ёқилғи сифатида бошқа турдаги озиқ-овқат махсулотлари ҳам қулланди. Масалан, Орол денгизи участкасида курук балиқ ва қунжара ёқилғи вазифасини бажарди[122].

1919 йили Туркстон Компартиясининг 3-съездида Совнарком раиси К.Е. Сорокин шундай деди: *«Фарғонада совет ҳокимияти йуқ, фақат рус аҳоли яшайдиган шаҳарлар бундан мустасно. Аммо мусулмон қишлоғида совет ҳокимияти мавжуд эмас»*. Съездда чикиш килган бошка бир ногикнинг шохидлик беришича, *«партия ташкилотларида полициянинг собиқ амалдорлари, жандармалар ва куплаб бошқа жиноий унсурлари урнашиб олгани ҳолатлари кузатилди. Бунинг натижасида куплаб маъсул мансабларга безорилар, порахурлар ва пиёнисталар, мансаб спекулянтлари урнашиб олиб, улар аҳолини талон-тарож килган, уни қатағон қилиб, бу билан совет ҳокимиятига душман орттирган»*[123]. Уша йиллар хужжатларида кайд килинишича, 1921 йил бахоридан Россия ички губернияларидан келган оч-нахор одамларнинг улкан тулкини «Оренбург даштларини шиддат билан гулдириб, Туркистон марказига етиб борди ва катта партиялар билан Тошкентда урнашди»[124].

1921-1922 йилларда, очарчилик зарбаси остида колган Россия губернияларидан келган кочкинлардан ташкари, Туркистон 500 минг кишини бокимандаликка кабул килди. Туркистонга келганларнинг асосий кисми кишлок туманларига юборилди[125].

Туркистонда «Волгабуйи ва Уралбуйида оч колаётганларга ёрдам» жамғармасига маблағ ва озиқ-овқат тупланг акциялари кенг кулам касб этди. Июль ойининг охирида Оренбургга 10 вагон нон ва 6 вагон балик юборилди - бу махсулотлар Тошкент ва Тошкент уезди аҳолиси томонидан тупланган эди. Шу билан бир каторда, 31 июлда Пом.Гол Марказкуми (ЦК Помощь голодающим) Егисув вилоятидан 24 вагон озиқ-овқат юкланган йуналишли поезд йуллади. 1 август куни уша ердан яна 25 вагон йулланди. Хуллас, 1921 йил кузининг бошига келиб

---

122. Народное хозяйство Туркестана. 1919. № 3. Б.20. № 6. Б.2.

123. Труды 3-го съезда Коммунистической партии Туркестанской республики Российской Советской Федерации, 1-15 июня 1919г. Ташкент, 1919. Б.73, 104.

124. Котюкова Т.В. канд. ист. наук учёного секретаря Всероссийского научно-исследовательского института документоведения и архивного дела. Гражданская война в разрезе региональной истории: голод в Туркестане 1918-1920-х г. со ссылкой на ЦГА РУз. Ф. 17. Оп. 1. Д. 1197а. Л. 19-21. ЦГА РУз. Ф. 41. Оп. 1. Д. 32. Л. 68. ЦГА РУз. Ф. 17. Оп. 1. Д. 296. Л. 536.

125. Макарова Г.П. Нар.Ком. по делам национальностей РСФСР (1917-1923г.). Исторический очерк. М., 1987. Б.126.

Туркистон аҳолиси ёрдамида Россияда оч қолаётган одамларга 600 минг пуд нон юборилди. Бундан ташқари, Туркистон республикаси ҳукумати 1922 йил 1 январидан Пом.Гол Марказқуми ихтиёрига келиб тушувчи «очлик солиғи»ни жорий этди. Натижада 1922 йил 1 январидан 1 декабрига қадар Пом.Гол Марказкумига Туркистондан 24,5 миллион рубль пул ва хайрия, 69 минг пуд озиқ-овқат ва 14,4 минг кийим-кечак буюми келиб тушди[126].

1922 йили Туркистонда махсус вазифа бажараётган Серго Оржоникидзе вазиятга ичкаридан баҳо берди ва И.В. Джугашвилига (Сталин) 1922 йил 13 майида йулланган мактубида қуйидагиларни хабар қилди: *«Туркистон патриархал-қабилавий турмушини мажбурий табақалаштиришга уринишдан иборат муваффақиятсиз сиёсат, шариатга қарши уқувсиз ва маъсулиятсиз кураш, жазо отрядларининг ҳудди шунақа феъл-атвори ва бошқа бир қатор сабаблар чинакам фожиага олиб келди. ...Босмачилик гўёки аҳолидан узилиб қолган, унинг томонидан таъқиб этиладиган талончилик тўдаси эканлигига ишонмайман. Туркистондаги сиёсатимизни тўбдан қайта кўриб чиқиш, ҳар қандай коммунистик экспериментлардан қатъиян воз кечиш зарур... Мусулмон зиёлиларини жалб қилиш, сўл коммунистларнинг ўйинларини йиғиштириш...»*[127]. Григорий Константинович Оржоникидзе (Серго) 1937 йили қатағон қилинган ва отиб ташланган эди.

1926 йил сентябрида марказий матбуотда Россия коммунистик қизил армияси бошлиғи М.Н. Тухачевский чиқиш қилди (дарвоқе, у ҳам 1937 йили қатағонга учраб, отиб ташланган эди). Большевикларнинг Туркистондаги фаолияти ҳақида у қуйидагиларни езди: *«Фарғонанинг деярли бутун аҳолиси пахта етиштиришга боғлиқ эди. Фарғонада нон етишмас эди, уни бошқа ердан етказиш талаб қилинар эди. Шу тариқа, Фарғонанинг тўб аҳолиси мавжудлигининг ягона манбаи - пахта конфискацияси факти олдида лол қолди, ва шу билан бир қаторда уша пайти бошланган ва секин-аста кучайиб бораётган очарчилик билан юзма-юз қолдирилди.*

Бу сиёсатнинг натижаси шу бўлдики, аҳоли унга пахтачиликнинг тезкор ва қатъий қисқартирилиши билан жавоб берди. Очлик яна нон экинларига утишга мажбур қилди. Пахта нонга нисбатан қупроқ ишчи кучи талаб қилиши муносабати билан шундан сўнг улкан ишсизлик келиб чиқди, у бир неча юз минг кишидан тез орада 700

---

126. Туркестан в начале XXв. Б.491. Б.492., ЦГА РУз. Ф. 25. Оп. 1. Д. 483. Л. 567., ЦГА РУз. Ф. 22. Оп. 1. Д. 54. Л. 15-16.

127. РГАСПИ. Ф. 2, оп. 1, д. 23181, л. 6.

минг кишига етди. Кучайиб бораётган очлик шундан кейин бошланиб кетган совет ҳокимиятига қарши курашда босмачи отрядлари учун тўйиниш манбаига айланиб қолди»[128].

Маълумки, 1920-йиллар ўртасида, Тошкент «нон шаҳри» шуҳратини қозонганида минтақа серҳосил улка рамзига айланди. 1921 йил давомида Туркистон дарҳақиқат Волгабуйидан очларни қабул килди. Туркистондаги очарчилик, гувоҳларнинг билдиришича. «микёсига кура *1920-1921 йиллари Волгада руй берган очарчиликдан қолишмас эди. Фақат бу ерда мамлакатнинг фаровон ҳудудларига ташкилий эвакуация ҳам, халқаро ташкилотлар ёрдами ҳам бўлмади»*[129].

Большевиклар ҳукмронлигининг дастлабки йилларидан уларнинг ҳокимияти зуравонликка, маҳаллий аҳоли миллий ғурурини топташ ва уни куркитиш асосланди. Бу билан Туркистонни янгича шаклда мустамлакага айлантириш бошланди. Бу ҳақда уша даврнинг даврий матбуотида ҳам ёзилган эди: *«Чор режими томонидан Туркистоннинг раҳбар ва имтиёзли синфида, яъни русларда шакллантирилган менталитет ҳали-ҳамон сақланмоқда. Ҳатто бугун ҳам ўзларини коммунист деб атаётган кимсаларнинг туб аҳолига нисбатан илтифотсизлиги, одамларга қўлдардай муносабатда бўлиши ҳайрон қолдиради. Фарғона вилоятида совет ҳокимияти талончилик ва ўғриликка қарши ҳеч нарса қилмаганига яраша, унга ўқ очиб ҳам берянти»*[130].

Совет тузуми тарафдорлари, Совнарком бошчилигидаги большевиклар ва дашноқлар Туркистонда улка туб аҳолисига нисбатан мустамлакачилик сиёсатини кайта ишга туширибгина колмай, Россия мустамлакачилик тизимини такомиллаштирди ва Туркистонни янгича усулдаги мустамлакага айлантирди. Фақат номлар узгарди: Россия империяси Туркистон генерал-губернаторлигидан улка РСФСР даврида «Совет Социалистик Туркистон»га айланди, аммо унинг мохияти, аввалгидай, мустамлакачилик булиб колаверди. Купол куч ва зуравонликка асосланган бундай тузум ҳам собик Россия империяси ҳукмдор тоифаларига, ҳам янги ҳокимиятни қабул килмаётган улка маҳаллий аҳолисига бирдай таҳдид соларди.

Большевикларнинг миллий сиёсати ҳакида Туркистон мухторияти тадкикотчиси П. Алексеенков куйидагиларни хабар килади: *«Туркистонда ишчи кучининг рус сектори Туркистон инқилобида шубҳасиз етакчи*

---

128. Тухачевский М.Н. Борьба с контрреволюционными восстаниями // Война и революция. 1926, кн. 9, Б.6-7.

129. Семенюта В. Голод в Туркестане в 1917-1920гг. // Человек и политика. 1991. Декабрь.Б.72. См. также: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент, 2000. Б.269-284.

130. Газета «Известия» 7 июн 1919 й.

ўрин тутади, лекин у инқилобга қадар ҳам маълум даражада имтиёзли вазиятда эди. Корхоналарда рус ишчилари бир қанча истисноллардан ташқари ҳолатларда асосан малакали ва шу боис юқори ҳақ туланадиган ишчи ўрнини эгаллар эди. Чор ҳукумати ва рус буржуазияси бор кучи билан тарқатган миллатпарастлик оғуси маълум даражада ишчиларга ҳам тегишли таъсир ўтказар эди, шу боис улар секин-аста ўз биродари - ишчи ўзбек, туркман ёки қирғизга маълум даражада юқоридан қараб бошлади»[131]. Большевикларнинг бундай укувсиз сиёсатидан нафакат Туркистон аҳолиси азият чекди. Россия империясининг барча халкларига мисли кўрилмаган талафот етказилди. Бу тарихий босқични Ўзбекистоннинг расмий тарихшунослиги «Совет мустамлакачилиги даври» сифатида баҳолайди[132].

Ўзбек олимлари ва публицистлари ўзларининг тизимли тадқиқотларида большевикларнинг Туркистондаги сиёсати оқибатлари юзасидан архив материалларни кенг камровли жалб қилмоқда. Улар ўз тадқиқотлари якунларига кўра большевик-дашноқлар ҳамда уларнинг Туркистондаги жиноятлари билан боғлиқ воқеаларга холис баҳо беради. Ўзбек тарихчиси Ш.А. Шамагдиевнинг маҳаллий зиёлилар томонидан чоп этилган «Улуғ Туркистон» газетасига асосланиб билдиришича, 1918–1919 йиллар давомида дашноқлар тинч аҳолини кириш билан бир қаторда Фарғона водийсидаги деярли барча шаҳарларни ва 180 кишлокни вайронага айлантиришди. Қўқон шаҳрининг ўзида уч кунда 10 минг киши, Марғилонда - 7 минг, Андижонда - 6 минг, Наманганда - 2 минг, Бозорқўрғон ва Қўқон ўртасидаги ерларда - 4,5 минг нафар тинч аҳоли вакилларини кириб юборди[133]. Айрим қишлоқлар аҳолиси бутунлай кириб ташлангани ҳақида хабарлар бор. Профессор К.К. Ражабовнинг сўзларига қараганда, Уш эски шаҳрида 2 минг киши ўлдирилиб, болаларнинг таналари парчалаб ташланди. Чуст шаҳрида 1,5 минг тинч аҳоли вакили кириб ташланди[134].

Ёзувчилар, публицистлар, мустақил муаллифлар, Ўзбекистоннинг тарихчи тадқиқотчилари Туркистон тарихида руй берган воқеаларни синчиклаб ўрганганидан сўнг ўз ишларида дашноқлар ва большевиклар билан боғлиқ воқеаларни ёритар экан, ун минглаб маҳаллий

---

131. Алексеенков П. Кокандская автономия. Ташкент: Узгиз. 1931. 74 стр.

132. Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Ташкент, 2000; Узбекистоннинг янги тарихи. Т. 2. Узбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Ташкент, 2000.

133. Ш. Шамаъдиев. Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине. Т., 1961. Б.54-60

134. Ражабов Қ.К. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). Yangi Nashr T., 2015. Б.44-45, 91-92.,

аҳоли вакиллари кириб ташланганини аниклади. Туркистонда большевиклар топширигига кура дашноқлар томонидан ижро этилган «дашнок-большевик террори» қурбонлари ҳақидаги маълумотлар архив материаллари билан тасдикланади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида чоп этилган дастлабки ҳисоб-китобларга караганда, уч ой ичида дашноқлар Фарғона водийсида 35 минг нафар тинч аҳоли вакилларини - аёлларни, кексаларни ва болаларни йўқ килди[135]. Бу ракам - дашнокларнинг уч ойлик террори натижаси. «Дашнакцутюн» йил давомида жиноятлар содир этди, кейин эса унинг вакиллари большевиклар сафларига сингиб кетиб, совет режими тўлиқ ўрнатилгунига қадар маҳаллий халқларнинг миллий озодлик ҳаракатини йўқ қилишда иштирок этди.

1923 йилда Арарат Республикасининг биринчи бош вазири Ов. Качазнуни ўз сафдошлари. «Дашнакцутюн» партияси аъзоларини большевиклардан миннатдор булишга чақириб, қуйидагиларни ёзган эди: *«Биз большевиклардан миннатдор булишимиз лозим. Бизни қулатиб, улар, агар қутқарди демасак, ҳарқалай мерос қолган ишни ишончли рельсларга солди дейишимиз керак. Улар бизнинг ўзимиз иш юки остида азият чекаётганимизда бизнинг ўрнимизга эгаллаш учун келди... Большевик арманилар моҳиятан дашноқлар, бугуннинг ягона дашноқларидир»*[136]. Бу баёноти билан террор туфайли таъқибга учраб, Европага қочиб кетган бош дашнок Ов. Качазнуни большевик сиёсатига ошкор симпатиясини кўрсатиш билан бирга, армани большевиклар айни пайтда дашноклар эканлигини, яъни бу иккиси ҳам бир киши эканлигини таъкидлайди. Бу баёнот большевик арманиларнинг бутун моҳиятини бор буй-бастича очиб беради - улар СССР ҳудудида «Дашнакцутюн» партияси фаолияти такикланганидан кейин ҳам совет ҳукуматига хизмат қилишда давом этаверганини бемалол тушунса булади.

XX асрда дашнокларнинг туркларга ва исломга нисбатан адовати нафакат Жанубий Кавказ тинч аҳолисига нисбатан зуравонликларда ўзини кўрсатди, балки Туркистоннинг Фарғона водийсида ҳам 1918 й. террорчилик ҳаракатларида яккол кузга ташланади. Таъкидлаб ўтиш жоизки, армани-турк адоватининг ўзига хос жиҳати тарихий зиддиятлардан иборат эди, у ўзида даҳшатли ва жирканч жиноятларга

---

135. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». Давлат илмий нашриёти, Т., 2002, 3-том, Б.216. Қ.Ражабов; Узбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов К.К., Мустакил Туркистон фикри учун мужодалалар, Т., 2000; Туркестан в начале XXв.: к истории истоков национальной независимости [Коллектив авторов], Т.,2000.

136. Качазнуни Ов. Дашнакцутюн больше нечего делать! Бухарест, 1923, Б.63, 74.

олиб келган ёркин зиддиятни намоён килар эди.

Архив манбаларидаги хужжатлар хамда вокеа гувохларининг баёнотлари билан тасдикланадиган фактлардан келиб чиккан холда шуни кайд килиб утиш мумкинки, совет хокимиятининг урнатилиши йилларида дашнокларнинг асосий диккат-эътибори Кавказ ва Туркистон мусулмонларига каратилган эди. Киргиннинг марказида турган объект турк-мусулмонлар эди, шу боис куп холларда жабрланувчи ё узбек, ё озарбайжон, ё Туркистон ва Кавказнинг бошка бирор мусулмон халки вакили булиб чикар эди. Шу муносабат билан, ушбу туркий этносларга карши жиноятларнинг тасдикланган фактлари асосида дашнокларнинг хатти-харакатларини Туркистон ва Жанубий Кавказ туб ахолисига карши каратилган этник террорчилик деб баҳолаш мумкин.

Аммо дашноклар террори факат Шаркий Анатолия, Жанубий Кавказ ва Туркистоннинг тюркийзабон ахолисига карши йуналтирилмай, армани халкининг утмишида булиб утган вокеаларга хеч кандай алокаси булмаган бошка гурухларга хам карши амалга оширилар эди. Дашнокларнинг жиноятлари аввал бошидан Шаркий Анатолия туркларига карши эди, кейинчалик улар Жанубий Кавказ озарбайжонлари ва Фарғона водийси ахолисини нишонга олди, яна бироз муддатдан сунг эса бошка жамоалар хам террор курбони булди. Курдлар, форслар, татарлар, киргизлар, козоклар, кумуклар ва бошка мусулмон этнослар хам киргинга учради. Бундан ташкари, руслар, яхудийлар, гуржилар ва хатто гуржлар билан кушничиликда яшаб, миллатпарастларни куллаб-кувватламаган арманилар хам оилалари билан биргаликда кириб ташланганлиги тарихдан маълум. Шундай экан, дашноклар томонидан большевиклар билан тил бириктириб Туркистон, Кавказ ва Шаркий Анатолияда содир этилган жиноятларни нафакат туркий мусулмон жамоаларига карши жиноятлар сифатида баҳоланиши керак, балки тарихчилар, сиёсатчилар ва хукукшунослар тарафидан инсониятга карши оммавий жиноятлар, террорчилик актлари сифатида баҳоланиши лозим.

«Дашнакцутюн»нинг баёнотларига кура, бу жиноятларнинг мотиви 1915 йилда Шаркий Анатолияда руй берган вокеалар учун интиком эмиш, аммо архив хужжатлари ва гувохларнинг шохидликларига караганда, жиноятларнинг асл максади талончилик ва террор хисобидан бойлик орттиришдан бошка нарса эмас эди. Анатолия туркларининг минг йилча олдин Марказий Осиёдан кучиб кетган кардош халкдир. Тарихий кариндошликни инобатга олмаганда, Биринчи Жахон урушига хам, Шаркий Анатолиядаги вокеаларга хам Жанубий

Кавказ озарбайжонлари ва Туркистон аҳолиси мутлако алоқадор эмас.

Дашнокларнинг қолган дунё билан узаро муносабатлари муаммосига Россия империяси ва совет-большевик сиёсати ҳамда XIX-XX асрнинг кўп киёфали кўринишлари нуктаи назаридан каралса, армани миллатпарастлик ҳаракатининг бош вектори турк ва мусулмон дунёсига каратилгани, улар мазкур жамоани 1-рақамли душмани деб санаши маълум булади. Шунинг учун армани миллатпарастлигининг деярли барча максадлари асосан мусулмон туркийларнинг асосий кисми истикомат киладиган Марказий Осиё, Жанубий Кавказ ва Кичик Осиё билан боғлиқ эди.

Тинч аҳолига қарши ғайриинсоний ва дахшатли террор ҳаракатлари нафақат Фарғонада, балки бутун Марказий Осиёда, ҳокимият большевиклар кулига утган ҳудудларда амалга оширилди. Туб аҳолига нисбатан этник тозалаш актлари узоқ йиллар мобайнида тизимли равишда амалга ошириб келинди. Архив маълумотлари ва гувоҳларнинг сузларига таянадиган булсак, собик Россия империясининг чет ҳудудларида совет ҳокимиятининг урнатилиши ростанам дахшатли окибатларга олиб келди. Очарчилик ва ҳарбий ҳаракатлар курбони булган тинч аҳолидан ташкари кўпчилик инсонлар уз юртини ташлаб кетишга мажбур килинди.

Ун йил ичида Туркистонда маҳаллий аҳоли вакилларидан миллионларча киши ялдирилди. Узбекистонлик тарихчи Мансурхўжа Хўжаевнинг даракларига кўра, совет ҳокимияти Туркистон миллий озодлик ҳаракатини бостириш мақсадида Фарғона водийсида мунтазам армиянинг охирги стандартлар буйича куролланган 260-270 минг аскаридан фойдаланган. Исён ҳаракатлари бостирилгач, 1935 йилдан 1939 йилга кадар ун минглаб тинч аҳоли вакиллари отиб ташланди, зиёлиларнинг колган-кутган кисми Сибирга, Узок Шарққа ҳамда Россиянинг бошка шимолий минтакаларига бадарга килинди. Тарихчиларнинг фикрига кўра, Урта Осиёда совет ҳокимияти урнатилган йиллари курбонларнинг умумий сони 5-6 миллион кишини ташкил килди[137]. Большевиклар террори курбонлари ҳакидаги гадкиқотларда ҳам деярли шунака рақамлар келтирилади. Масалан, М.Буттинонинг синчиклаб утказилган статистик ҳисоб-китоблари Туркистон фожиасининг бутун микёсини яккол курсатиб берди: *«1915 йилдан 1920 йилгача булган даврда у ерда ишлов берилган ер майдони қисқариб кетди, ўй чорваси миқдори 7,5 фоизга тушиб кетди, пахта етиштириш эса амалда тўхтади. Лекин турли ижтимоий гуруҳларнинг йўқотишлари узаро тенг эмас эди ва, агарда*

137. Хўжаев М. Шермуҳаммадбек курбоши. Тошкент: «ШАРҚ», 2008. б.3.

рус крестьянларида ишлов берилган ер ҳажми 28 фоизга, уй чорваси миқдори 6,5 фоизга қисқарган бўлса, ўтроқ маҳаллий аҳолида бу курсаткичлар тегишлича 39 ва 48 фоизни, кўчманчиларда эса 46 ва 63,4 фоизни ташкил этди. Ўлка аҳолиси сони уша беш йиллик давр ичида 25 фоизга, қишлоқ аҳолиси 30 фоизга камайди»[138]

Большевикларнинг уқтиришича, совет тузуми даврида гуёки Туркистоннинг бутун аҳолиси, келиб чикиши, миллати, диний мансубияти ва бошқа жиҳатларидан қатъий назар, ўзаро тенг ва эркин эди. Ўзаро тенглик ҳақидаги ушбу большевистик «хужакурсин»ни амалга ошириш йўлида ҳатто хужакурсинга «эркин» республикалар ҳам ташкил этилди. Аслида эса маҳаллий аҳоли ҳам, улар мавжудлигининг янги сиёсий шакли ҳам асл мустақилликдан тамомила айрилган эди. Улар ҳеч кандай сиёсий эркинликларга эга эмасди, халкаро ҳуқуқ субъектлари ҳисобланмасди, шунчаки большевик лойиҳасининг ҳукуксиз парчалари бўлиб, янгича усулдаги мустамлакачилик концепциясининг янги ва даҳшатли ифодаси эди.

Дашноклар тарафидан большевиклар кўмагида Фарғона водийси тинч аҳолисининг кирғин қилиниши маҳаллий аҳолининг жавоб хатти-ҳаракатларини келтириб чиқарди. Бунинг натижаси 1918 йил баҳорида дастлаб Фарғона водийсида бошланиб, сўнг Туркистоннинг барча минтақаларига таркалган кенг миқёсли миллий озодлик уруши бўлди. Дашноклар ва большевикларнинг кенг миқёсли ва даҳшатли кўпорувчилик ҳаракатлари халқ норозилигининг портлашига олиб келди, эндиликда ушбу ҳаракат Туркистон миллий озодлик ҳаракатидан большевикларга қарши чинакам ғоявий сиёсий, ҳарбий курашга айланиб кетди. Яъни Туркистон мухториятининг йўқ қилиниши ва маҳаллий аҳолининг дашноклар томонидан кирғин қилинишига жавобан маҳаллий аҳоли орасида миллий озодлик руҳидаги партизанлик ҳаракати кенг кулоч ёзди. Бу жараён совет тарихшунослигида босмачилик деб аталади. У совет ҳокимияти томонидан факат 30-йиллар ўрталарида тугатилди[139].

Петроградда 1917 йил октябридаги большевик тўнтариши, ундан кейин Туркистон ўлкаси, хусусан, Тошкентда ва Кўконда октябрь-ноябрь ойларида бўлиб ўтган воқеалар маҳаллий зиёлиларни ўз фаолиятини бошка йўналишга қаратишга мажбур килди. Агар фаолиятининг бошида жадиллар газета сахифалари ва зиёлилар йиғилишларида Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига карши фаол чиқишлар килиб

138. Buttino M. Study of the Economic Crisis and Depopulation in Turkestan, 1917-1920 // Central Asian Survey. 1990. Vol. 9/4. P.61-69.

139. Алексеенков П. Кокандская автономия. Ташкент: Узгиз. 1931. 74 стр.

келган булса, эндиликда улар қулида қурол билан большевикларнинг дахшатли ҳукмронлигига, дашноқларнинг талончилиги ва советларнинг мустамлакачилигига қарши мукаддас уруш эълон қила бошладилар. Жадидлар - собиқ укитувчи ва зиёкорларнинг Россия империяси мустамлакачилик сиёсатига қарши илғор модернизм усули билан қарши курашиш фаолияти секин-аста дашноқлар ва большевикларга қарши ҳарбий конфронтация ва партизанлик урушига айланиб кетди. Жадидлар Туркистон зиёлиларининг асосини ташкил қилар эди. Улар большевиклар террорига қарши маҳаллий аҳолининг озодлик курашига бошчилик қилди.

Совет-большевик ва дашнок отрядларининг қаттиккуллиги ва шафқатсизлиги интиқом утини алангалатди. Туркистон миллий озодлик харакат отрядларининг ҳарбий дала командирлари - курбошилар халкни дашноклар ва большевикларга карши газотга чакирди. Шиддатли уруш ва тукнашувлар тинмади, майда кескинликлар, ҳужумлар ва актлар эса 40-йилларга кадар давом этди. Бу харакат яккол аксилдашнок, аксилбольшевик ва аксилсовет хусусиятларини намоён килар эди. Бу Ватаннинг миллий мустакиллиги ва эркинлиги йулидаги кураш эди.

1918 йилдан 1919 йилга кадар «инқилобий диктатура» ва Андижондаги большевистик ҳокимият дашноклар назорати остида бўлди. Туркистонда очарчилик ҳукмронлик қилаётган иктисодий инкироз шарт-шароитларида ҳокимлик ресурсидан фойдаланган ҳолда дашноклардан тузилган қизил армия отрядлари босмачиларга карши кураш баҳонасида мусулмон қишлоқларига ҳужумлар уюштирар, «инқилиб ҳаққи» уларни талон-тарож қилар ва мол-мулкларини узлаштирар эди[140].

Расман Россия империясининг колониал тузуми кулатилган булса-да, большевиклар ҳукмронлиги даврида мустамлакачилик сиёсати тухтамади, балки такомиллашиб, янгича шаклда амалга оширилишда давом этди. Большевиклар мустамлакачиларнинг «муносиб» ворислари бўлди[141]. Туркистон ахли янги мустамлакачилик сиёсатига жон-жаҳди билан каршилик курсатди, большевиклар ва дашноклар ёрдамида қишлокларни вайрон қилаётган, оддий аҳоли қулидаги барча нарсани узлаштириб, мусодара қилаётган ушбу ҳокимиятни ҳеч ким кабул килмади. Юкорида саналган дахшатли вокеалардан сунг Фарғона водийсидаги эркакларнинг купчилик қисми Туркистон миллий озодлик

---

140. Революция и национальный вопрос. Документы и материалы по истории национального вопроса в России и СССР в XX веке. Под ред. Диманштейна С.М. Т.3. 1917. Февраль - Октябрь. М., 1930. Б.354-359.; Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент, 1926. Б.41-53; Гудович А. На помощь // Война в песках. Гражданская война в Средней Азии. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Под редакцией Горького М., Иванова В., Минца И., Колесова Ф. М.: ОГИЗ, 1935. Б.276-289.

141. Усманов К., Садиков М. История Узбекистана, (1917-1991гг.). Учебник для учащихся 1 курса академических лицеев и профессиональных колледжей. Ташкент: «Шарк», 2007.Б.20-25.

ҳаракати сафларига қушилиб кетди. Бу ерда улар совет мафкурачилари ва партия ишчилари ёмонотлиқ қилиш мақсадида «бандит» ва «босмачи» деб атаган қунгиллилар отрядларини тулдириб бордилар.

Раҳбар лавозимларни эгаллаган айрим туркистонлик жадидлар давлатчиликни тиклашда иштирок этиб, мустақилликни сақлаб колишга уринди, лекин улар ташиган миллий мустақиллик ғоялари большевик сиёсати тарафидан йуқ қилинди. Бундай вазиятда жадидларнинг радикал қисми, мустамлакачилик режими ва совет диктатурасидан норозилар Туркистонни тарк этишга мажбур булди. Жадидларнинг бир қисми эса Ватанни тажовузкор совет ҳокимиятидан ҳимоя қилиш мақсадида қулига қурол олиб, миллий истиқлолчилик ҳаракати сафларига қушилиб кетди.

1918 йилнинг январь-февралидаги вокеалардан сунг «Иттиҳоди тараккий» («Илгор бирдамлик», 1917-1920 йиллар), «Миллий иттиҳод» («Миллий бирдамлик», 1920-1925 йиллар), «Миллий қутулиш» (1925-1929 йиллар) ва «Туркистон миллий бирлиги» (1921-1923 йиллар, етакчиси - Аҳмад Закий Валидий Тугон) махфий ташкилотлари Туркистонда ҳокимиятни қулга олиш йулидага фаолиятни бошлаб юборди[142].

Миллий озодлик йулидаги аксилбольшевик уруш ҳаракати шаклланишининг дастлабки боскичи Кичик Эргаш (1885-1918 йиллар) ва Катта Эргаш (1880-1921 йиллар) исмлари билан боғлиқ. 1918 йил 27 февралида дашноклар ва большевикларга карши Қукон якинида, Бачкир кишлоғида руй берган тукнашувлардан бирида Кичик Эргаш шаҳид булди. Унинг ўрнини Катта Эргаш (унинг яна бир номи Мулла Эргаш эди) эгаллаб, Фарғона водийсида большевиклар мустамлакачилик режимидан озод булиш йулида кураш яловини кутарди. Уз ери озодлиги йулидаги курашларда кунгиллилар, уларга қарши янгидан янги совет кушинлари ташланишига қарамай, мардонавор ва муваффақиятли кураш олиб борди. 1918 йил мартининг охирига келиб Катта Эргаш номи Фарғона водийсининг бутун аҳолиси орасида тилга тушди. Ватанпарварлар булмиш кунгиллилар мустақилликка эришиш максадига етишиш осон булмаслигини жуда яхши тушунар эдилар. Шу боисдан мустақиллик курашчилари бирдам булиб қуролланди ва Туркистонда «Дашнакцутюн» партияси томонидан ташкил этилган армани зуравонлиги ҳамда қизил армия большевикларининг бебошликларига карши ҳарбий операцияларда тап тортмай иштирок этиб келди. Аммо бу пайтга келиб Туркистон мухториятини қулатган ва ўлкада яккаҳокимлигини ўрнатган дашноклар зўравонлик ва қурол

142. Paksoy H.B. Basmachi Movement from with in: Account of Zeki Velidi Togan // Nationalities Papers. 1995. Vol. 23. No 2. P.373-399.

кучи билан улкада совет бошқарувини жорий этишда давом этди. Маълумотларга қараганда, Катта Эргаш 1921 йилги жанглардан бирида ҳалок булган. Холхужа исмли курбоши ҳам 1919 йил 22 августида уз жангчилари билан Мадаминбек қушинлари сафига кирди[143].

1919 йил 22 октябрида Помирнинг Эргаштом кишлоғида утган курбошилар курултойида Фарғона мувакқат мухторият ҳукумати ташкил этилди. Унинг таркибига олти нафар мусулмон ва саккиз нафар рус кирди. Фарғона водийсида ташкил этилган крестьян армияси вакили К.И. Монстров ҳукумат раҳбарига айланди, курбоши Мадаминбек эса унинг қушинларига олий бош қумондон этиб тайинланди. Совет тарихчилигида мазкур ҳукуматнинг ташкил этилишини Британия разведкасининг иши сифатида курсатилади[144].

Уша йиллардаги вокеаларга гувоҳ булган шахслар қолдирган дарақларга, шунингдек, тарихий манбаларга ишонадиган булсак, совет режими Туркистон мустақиллиги тарафдорларига карши кураш йўлида ҳар қандай усуллардан фойдаланиб келган. Хусусан, дашноқлар зарарсизлантирилганидан сунг Марказий Россиядан Туркистон улкасига мунтазам равишда қизил армиянинг янгидан янги булинмалари юбориб турилган. Натижада 1920 январь ойининг урталарига келиб улкадаги қушинлар ададн шу даражага етдики, харбий ташаббус большевиклар тарафига утди. Шундан кейин Туркистон Марказий Ижроқуминнг Туркистон миллий истиқлолчилик ҳаракати вакиллари билан музокаралари курбоши Мадаминбек билан сулҳ шартномасининг имзоланиши билан якунланди.

1920 йил 6 мартида Фарғонада 2-Туркистон укчи дивизияси командири Николай Андреевич Верёвкин-Рахальский ҳамда мустақиллик курашчиларининг олий бош қумондони Мадаминбек уртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Мадаминбек билан бирга унга буйсунувчи унлаб курбошилар ва минглаб йигитлар куролини топширди[145]. Аммо бунинг бари Мадаминбек учун тайёрланган тузоқ булиб чиқди. Бир муддатдан сунг совет ҳарбий қумондонлиги Мадаминбек ва бир гурух курбошиларни исёнчилар билан музокаралар утказиш учун юборди.

1920 йил 14 майида Қоровул қишлоғи якинида олий бош қумондон хоинларча ўлдирилди. Туркиялик тарихчи Али Бодомчининг хабарига кура, большевиклар курсатмасига биноан Сойиб кори

---

143. Хайит Б. Туркестан в XX веке. Дармштадт, 1956 (на нем.яз). Б.101.

144. Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. М.: Советская энциклопедия, 1983. Б.123.

145. Веревкин-Рахальский Н.А. Мои 90 лет. Воспоминания. -М. Триада, ЛТД, 2000

ва Лутфулла Махдум Мадаминбекни ўлдириб, Бухорога кочди. Бу ҳакда котилларнинг ўзлари узок йиллар давомида очик айтиб келди[146]. Бу Туркистон миллий озодлик ҳаракати етакчисини йўк килиш учун тузилган ва олдиндан пухта ўйланган режа эди. Бу хоинона котиллик муносабати билан большевик комиссарлари халк орасида Мадаминбекни курбоши Шермуҳаммадбек ўлдиргани ҳакида мишмишлар тарката бошлади. Бу билан улар курбошилар сафларида низо келтириб чикариб, миллий озодлик харакатини бўлиб юборишга, уларни ҳатто бир-бири билан тўкнаштиришни режалаштирган эди. Аслида эса Мадаминбек ва Шермуҳаммадбек курбошилар якин дустлар эди. Шермуҳаммадбек умрининг охирига кадар жаҳон матбуотига ва уз фарзандларига Мадаминбекни кай даражада ҳурмат килганини айтиб келди. Биринчи набирасига у якин дусти ва сафдошининг шарафига Мадаминбек исмини берган[147].

1920 йил ёзида ва кузида Туркистонда миллий озодлик кураши янги боскичга кирди. Мадаминбек хоинларча ўлдирилгач, мустакиллик харакатига Шермуҳаммадбек бошчилик кила бошлади. Унинг ташаббусига кура 1920 йил 3 майида Туркистон турк мустакил ислом жумҳурияти тузилди[148].

Энди, Туркистон мустакиллиги эълон килинганидан сунг карама-каршилик ортик муроса билан якунланиши мумкин эмас эди, демакки, у муросасиз боскичга утди. Ватан озодлиги йўлидаги мукаддас урушга Фарғона водийси ва Самарканд вилоятидан сунг Хоразм ва Бухоро Республикаси исёнчилари ҳам кушилди. Шермуҳаммадбек Фарғона водийсида миллий озодлик курашининг дастлабки боскичиданок большевикларга карши курашиб келаётган эди. У энг кўзга куринган курбошилардан бири бўлиб, Катта Эргаш ва Мадаминбекнинг изидан бораётган эди. Энди у Фарғона водийси курбошилари кушилмаларининг олий бош кўмондонига айланди. Мадаминбек курбошилар орасида энг кучлиси бўлса, Шермуҳаммадбек, шубҳасиз, улар орасида энг хавфлиси эди. Туркистон озодлиги курашчилари «Туркистон - туркистонликлар Ватани. Бошка ҳеч ким унга эгалик килишга ҳукукли эмас!» шиори остида жанглар олиб борди. Шунинг учун Ватанни большевиклар ва дашноклардан озод килиш максади асосий ўринга куйилганидан шубҳаланмасак ҳам бўлади. Ўзларининг узок давом этган муросасиз кураши билан истиклолчилар Туркистон

146. Ali Bademci, 1917-1934 Türkıstan Milli İstiklal Hareketi Enver Paşa 1-2 Cilt. Ötüken Neşriyat. Istanbul, 2008

147. «Ватандош» газетасидан 22.11.2011й. http://vatandosh.uz/news/2011/11/3722/

148. Раджабов К.К. Истиклолчилик харакати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1924г.): Автореф. дисс. канд. ист. наук. - Т., 1995. -Б.24.

тарихига ёркин саҳифаларни ёзиб қолдирди.

1920 йил 8 августида 2-Туркистон укчи дивизияси командири Ф.Д. Карпов М.В. Фрунзега қуйидагиларни исботлашга уринган эди: *«Фарғонадаги қураш безориларга қарши қураш эмас, бу ерда қураш маҳаллий аҳолининг совет ҳокимиятига қарши пухта ташкил этилган исёнига қарши олиб борилмоқда. Босмачилар утган операцияда улкан йуқотишларга учради, ҳозирги пайтда уларнинг сафлари қайтадан тулдирилди, ҳатто илгаригидан зиёда бўлди, ҳам бир винтовкага беш нафардан номзод борлиги маълум».* Мазкур ҳисобот Туркистон улкаси генерал-губернатори А.Н. Куропаткининг капитанлик мансабида, Кукон хонлигида 1876 йилда авжига минган Пулатхон кузғолонини бостиришда фаол иштирок этган кезларида ёзган бир ҳисоботини гуёки айнан такрорлайди. 1876 йилда олий қумондонлик учун тайёрлаган уз ҳисоботида А.Н. Куропаткин, 1920 йили Ф.Д. Карпов ёзганидек, қуйидагиларни ифода этган эди: *«Қураш хонга қарши эмас, халқ ҳаракатига қарши олиб борилди, уни эса бостириш осон эмас, маҳаллий аҳолига қарши қураш маҳаллий мустабидларга қарши курашишга нисбатан анча қийиндир».* Бу ҳисоботларга таққослаб қаралса большевик сиёсатининг мустамлакачилик руҳида эканлигини яна бир бор тасдиклананди, улар ҳам, чоризм аскарлари сингари, маҳаллий ахолини куч билан буйсундириш йулидан борган ва бу йулда халқ қаршилигига учрагани маълум булади. 1920 йил бошига келиб Туркистон миллий озодлик ҳаракатига қарши кизил армиянинг ута жиддий кучлари тупланди. Ушинг адади карийб 100 минг аскарни ташкил этарди. Ўша кезларда бу кучга қарши 60 минг исёнчи курашаётган эди, шулардан 26 минг нафари Фарғона водийсида ҳаракатланар эди[149].

1920 йил 25 августида М.В. Фрунзе Бухорони эгаллашга курсатма берди. Қамал икки кун давом этди, аммо хеч кандай натижага олиб келмади. 31 август куни Фрунзе қуйидагиларни ёзган эди: «Бухородаги ишлар унча яхши кетмаяпти. 1-армиядан жиддий ёрдам етиб келганига карамай, шаҳар ҳалигача эгалланмади... Охирги заҳираларимни урушга ташлаяпман». 11 та бомбардимончи самолёт ва артиллерия 31 август куни Бухорони ўққа тута бошлади. Шаҳарга 200 та бомба ташланди. Бу вокеага қадар Бухородаги ёдгорликлар руйхати тузилган булиб, унга 3 мингдан ортиқ бино киритилган эди. Бугун ушбу тарихий бойликлардан фақат 300 таси сақланиб қолган. Бомбаланган шаҳарда *«мисли кўрилмаган кучга эга ёнғин»* бошланди, *«саройлар, энг муҳим бозорлар, энг муҳим омборлар ёнди, нон ва озиқ-овқат заҳиралари, юз минглаб*

149. Раджабов К.К. Кўрсатилган автореферат. б.18.

нуд шакар, чой, буёқ, гилам, ипак бошқа нарсаларнинг улкан миқдори нобуд бўлди». Тинч аҳоли орасидаги қурбонлар сони 5–6 минг кишини ташкил килди[150]. Қиска муддат ичида Бухоронинг пойтахт минтақасида шу кадар куп мустакиллик курашчилари тупландики, большевикларга карши жанговар харакатларни бошлаш имконияти туғилди[151].

Бомба ва артиллерия зарбалари окибатида меъморчилик обидалари вайрон килинди, хеч кандай гунохи йўк куплаб шаҳарликлар ҳалок булди. Бахоро маркази, Регистон майдони ва кадимий Арк вайрон килиниб, ёкиб юборилди. Большевиклар Аркнинг бой омборлари ва ертулаларини талон-торож килиб, у ердан олтин, кумуш ва олмосларни ташиб кетди. 1920 йил сентябрининг бошида Бухоро амирлиги бойликлари ва бошка кимматликлар ортилган бир нечта эшелон Самарқанд ва Тошкент орқали Москвага йўлланди. Муросасиз курашдан сунг кизил армия Шаркнинг энг кадимий шаҳарларидан бири - Бухорони вайрон килди. У «Қуббат ул-ислом» ва «мукаддас шаҳар» хисобланишини эслатиш ортикча. Бухоро амири Саид Олимхон тахтни ташлаб кочишга мажбур килинади.

Большевикларнинг Бухородаги террори, Ферғона водийсида булганидек, яна тинч аҳолига карши каратилган эди, бу эса мазкур худудда хам большевикларга карши халқ харакатининг авж олишига замин яратди. Бухоро курбошилари орасида энг кўзга курингани Иброхимбек Лакай эди. Бухоро амири ғаддариб ташланганидан сунг айнан у мустакиллик хамда совет хокимиятини бартараф килиш йўлидаги курашга бошчилик килди.

1921 йил сентябрида Бухоро курбошилар курултойида Иброхимбек «Ислом саркардаси» рутбасига сазовор булиб, миллий озодлик кураши жангчиларининг олий бош кўмондони этиб сайланди. Иброхимбекни маҳаллий аҳоли, асосан унинг узи мансуб булган лакай кабиласи вакиллари куллаб-кувватлади[152].

---

150. Фрунзе М.В. на фронтах гражданской войны: Сборник документов. М., 1941, Б.330.

151. Заки Валиди Тоган. Воспоминания. Борьба мусульман Туркестана и других восточных тюрок за национальное существование и культуру. Туркчадан таржима - Москва, 1997, б.482.

152. Khalid A. Society and Politics in Bukhara // Central Asian Survey. 2000. Vol. 19. P. 367-396; Искандеров Б.И. Бухара в 1978-1920гг. Ликвидация Бухарского эмирата - очага английской интервенции и российский контрреволюции в Средней Азии // Труды Академии наук Таджикской СССР, том XIX. 1954. Б.3-67-13-17.; Колесов Ф., Бобунов А. Восстание в Бухаре // Война в песках. Гражданская война в Средней Азии. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Под редакцией Горького М., Иванова В., Минца И., Колесова Ф. М.: ОГИЗ, 1935. Б.231-275.; Куц И. Ф. Годы в седле. -М., Воениздат, 1964.

Совет ҳукумати раисининг ўринбосарларидан бири, Бухоронинг ёппасига талон-торож қилинишига бевосита гувоҳ бўлган Г. Сафаров шундай ёзган эди: *«Бухорога кирган қизил армия биринчи галда талончилик билан шуғулланди. Аскарлар ҳаммани ва ҳамма нарсани талон-тарож қилди. Умуман олганда, қизиллар Бухорони талон-тарож қилишга келган эди»*[153].

1921 йили куролли тўқнашувларнинг бутун даврида туркистонликларнинг йўқотишлари 700 минг кишини ташкил қилди[154]. Совет куролли кучлари бу йилга келиб 250 минг нафар қизил армия зобитлари ва аскарларини йўқотган эди[155].

Комиссар К.Сорокин ёзади: *«Мусулмонларда нима бўлса, у эгаллаб олинмоқда. Шунчаки эгаллаб ҳам олинмаяпти. Уларни ўлдиришяпти. Ҳимояни таъминлаш ўрнига бизнинг аскарларимиз талон-торож қилади, ўлдиради... аҳоли террордан қочмоқда... Лекин кимдир эътироз билдириб, бу партия эмас, қизил армия ўзаровонликка қўл уряпти, дейиши мумкин. Лекин партия бошқарадиқу... партия биродарлари вазиятни яхшилаш йўлида ҳеч қандай чоралар кўрмаяпти... ичкиликбозлик ва жазосизлик гуллаб-яшнамоқда, партия эса, албатта, бари учун айбдордир. Мусулмон пролетариати руслардан ёрдам кутмоқда, лекин улар мусулмонларга ишонмаймиз деб жавоб беряпти. Мусулмонлар таъқиб қилинмоқда, улар ҳатто отиб ташланмоқда. Мусулмон қашшоқлари суриштириб ўтирмасдан уларнинг мулкини йўқ қилаётган, уларнинг рафиқалари ва болаларини ўлдираётган аскарларимиз бебошлигидан азият чекмоқда, шунинг учун ҳам улар бизга нисбатан зиҳор дустона муносабатда бўлмаётгани ниҳоятда тушунарлидир, зеро улар бу қадар узбошимчаликларнинг гувоҳи ва қурбони бўлмоқда. Бизнинг ўзимиз уларни миллатпарастларга айлантирмоқдамиз»*[156].

1921 йил октябрида Шарқий Бухорога Усмонли салтанатининг собиқ мудофаа вазири Анвар пошшо етиб келиб, аксилсовет ҳаракатига қўшилди. Бунинг натижасида большевик ҳокимиятига нисбатан таҳдид даражаси кескин ошиб кетди. Айнан ўша кезларда, 1922 йил мартида

---

153. Сафаров Г. Колониальная революция. Опыт Туркестана. М., 1921.

154. Ражабов Қ.К. Фарғона водийсидаги истиклолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). Yangi Nashr T., 2015. иқтибос Хайит Б. б.201-202.

155. Раджабов К.К. курсатилган асар б.211. иқтибос ЦГАРУз, ф. 17, оп. 1, д.336, л. 342-344.

156. Kalpana Sahni «Crucifying the Orient - Russian Orientalism and the Colonization of Caucasus and Central Asia» - White Orchard Press, Bangkok, Thailand; The Institute for Comparative Research in Human Culture, Oslo, first published 1997. P 138.

Фарғона ва Самарқанд вилоятларидан тортиб Шарқий Бухорогача булган улкан худудларда мустақиллик учун курашнинг ягона жабҳаси шаклланди. Бу воқеалар Туркистон халкининг мустақиллик йулидаги кураши тарихидаги бурилиш паллаларидан бири сифатида муҳим аҳамият қозонади.

Анвар пошшо ҳаёти ва фаолияти ҳалигача миллатпараст иғвочиларга тинчлик бермайди[157]. Аллақандай Геворг Памбукчян 1985 йил 4 февралида Канаданинг L'Horizon газетасида Анвар пошшога қарши яна бир ифлос туҳматни чоп этди. Бунда у гуёки 1958 йили аллақандай Гайк Айрапетяндан олинган гувоҳликларга асосланади. Ёзилишича, Айрапетянга уз хотираларини Акоп Мелкумян деган шахс гапириб берганмиш.

Г. Памбукчян, Г. Айрапетяннинг маълумотларига асосланиб, А.Мелкумян кизил армия командири сифатида уз қуллари билан яккама-якка курашда Анвар пошшони чопиб ташлагани ва гуёки «1915 йилдаги армани геноциди»нинг асосий иштирокчи ва идеологларидан биридан шу йул билан интиқом олганини ёзади. Бу уйдирмага кура, кизил командир, миллати армани булган Яков Мелкумов (Мелкумян Акоп Аршакович) гуёки Анвар пошшони улдиргани ҳакидаги гаплар тарқатилди. Кушимча тарзда у «Гнчак» террорчи партияси жангарилари билан дуст булгани хабар килинади.

Аммо шунча йил ЧКда ишлаб, Сталин лагерларида, 1937 йилдан 1954 йилга қадар, 17 йил давомида Колимада ГУЛАГнинг турли ерларида жазо муддатини утаб, утириб чиққан эски маҳбус (зек) Мелкумян Акоп Аршакович биринчи учраб колган, кечагина танишган одамига, ҳатто у миллатдоши булса ҳам, бу кадар махфий ва хавфли ахборотни етказиши мумкинлиги шубҳа остида.

Арманиларнинг «Гнчак» ва «Дашнакцутюн» миллатпараст-шовинистик партиялари совет давлат тизими ҳукмронлиги урнатилган пайтда совет ҳокимияти ва большевик мафкураси томонидан террорчи ташкилот деб ҳисобланганини НКВД зобити булган Мелкумян жуда яхши билар эди. Чунки совет ҳокимияти 20-йилларда «Гнчак» ва «Дашнакцутюн» партияларини террорчи, миллатпараст-шовинистлар ташкилоти деб тан олган эди. Чекистларнинг бундай ташкилотлар билан алоқаси учун улар шунчаки қамалиб колмасдан, балки отилиб кетиши ҳам мумкин эди. У қавмдош булса ҳам, биринчи учраб колган одамга гнчакчи жангарилар орасида дустлари ва якин инсонлари

157. Israel W. Charny. Encyclopedia of genocide, A-H, p. 213 «Ismail Enver Pasha (1881-1922) was an instigator of the Armenian Genocide»; Richard G. Hovannisian. The Armenian genocide in perspective, p.33.

борлигини гапириш - буни Сталин лагерларидан чиккан одам гапиришига ишониб булмайди, буни факат армани черков эртакчилар ёки улар яратган тукима, бадиий асарларидаги кахрамонлар гапира олади. Агар, ростдан хам собик сиёсий махбус шу маълумотларни отказган булса, демак, у бежизга 1937 йилда «РККАдаги харбий-фашистик фитна»да иштирок этгани учун мол-мулки мусодара килиниб, 15 йиллик камокка хукм килинмаган экан.

Шунингдек, Анвар пошшонинг улдирилишини яна бир армани миллатига мансуб булган, собик чекист - Георгий Сергеевич Агабеков (Арутюнов, Арутюнян) узига нисбат беради[158]. Дашнокларнинг хеч кандай асосга эга булмаган бу икки хабари туфайли Анвар пошшони армани улдириб, ганасини хакорат килгани, боши ва кулини чопиб ташлаб, «Немезис» отли террорчилик тадбирлари доирасида «1915 йилги армани геноцида» учун касос олган, деб хисоблаш одатий тусга кирди.

Совет манбаларидан маълумки, Г.С. Агабеков совет разведкасининг Туркиядаги агенти эди. У Истанбулда инглиз тили муаллимаси билан ишкий муносабатлардан сунг 1930 йили Францияга кочишга мажбур булди. Аникроги, у Британия разведкаси томонидан ёлланди, лекин тез орада фош булди ва Европага кочиб кетди. Бу кочишдан куп утмай у инглиз тилида OGPU: The Russian Secret Terror номли китобни нашрдан чикарди. Бу Эронда хамда Якин Шаркнинг бошка мамлакатларида юзлаб совет агентларининг хибсга олинишига, СССРнинг Эрон шохи Ризо Пахлавий билан муносабатларининг кескинлашиб кетишига олиб келди. Шу боис Г. Агабеков ИНО НКВД махсус гурухи томонидан Францияда топилиб, 1937 йил августида улдирилди. Павел Судоплатовнинг ахборотига кура, Агабековнинг улдирилиши НКВД ходими, кейинчалик КГБ генерали булган ташки разведка бошлиги А.М.Коротков томонидан турк жангариси кумагида ташкил этилган. Борис Бажанов баён этган версияга кура, НКВД Агабековни Испанияда уғирланган кимматликларни кайта сотишда иштирок этишга кундирган, ва у НКВД махсус гурухи тарафидан Испания-Франция чегарасида мазкур ноконуний операцияни амалга ошираётганида йук килинган. Агабековнинг жасади шу билан хеч качон топилмади[159].

1931 йил 23 июнида курбоши Иброхимбек Лакай уз йигитлари

---

158. Агабеков Г. ОГПУ Записки чекиста. Берлин, 1930. Б.55; Георгий Агабеков ЧК за работой Глава VI. Убийство Энвер-паши - Приложение к журналу «Отечественные архивы». Выпуск 1. Москва - 1992.

159. Судоплатов П.А. Спецоперации. Лубянка и Кремль 1930-1950гг. Гл. 2. Ликвидация троцкистов за рубежом; Бортневский В.Г. Опричнина. Невозвращенец Григорий Агабеков и секретная служба Сталина // Собеседник 1989. № 34 август. Б.12-13.

билан совет ҳукуматига таслим булди. Уша йилнинг 10 июлидан 26 июлига кадар Тошкентда Иброҳимбекни Урта Осий ҳарбий округи Махсус булинмаси (контрразведкаси) 3-булими бошлиғи Високинский таржимон Муртазин орқали САВО штаби IV булинмаси (разведкаси) бошлиғи Батманов Константин Александрович иштирокида сурок килди. Сурок баённомалари Россия давлат ҳарбий архивида сақланади. Тошкент ЧКдаги тергов чоғида Иброҳимбек Лақайнинг қайноғаси Абдуқаюм Парвоначи берган гувоҳликка кура, *«Анвар пошшонинг охирги жанги Қурбон байрам динй тантаналарига тугри келди. Ушанда Анвар ва Давлатмандбий Епда (Давлатмандбийнинг она қишлоғи) узлари билан 30 йигитни қолдириб, қолганларни байрам қилишга кўйиб юборди. Бу вақтга - 4 августга келиб қишлоққа большевиклар яқинлашди, ва бошланиб кетган жангда Анвар ва Давлатмандбий ўлдирилдилар»*. Бу жанг шарт-шароитлари тилдан тилга утиб, муҳожирлар хотирасида сақланиб қолди. Уз ихтиёрича таслим булган кунгиллиларнинг бари ОГПУ Коллегияси қарори билан 1932 йил 13 апрелида отишга ҳукм килинди. Йигитлар уша йилнинг 10 августида отиб ташланди. Курбоши Иброҳимбек Лақайни эса уч ҳафтадан сунг, 31 августда отиб ташлашди[160].

Анвар пошшонинг ҳалокати шарт-шароитларини таниқли тожик тарихчиси Камол Абдуллаев узининг «Шарқнинг учар голланди ҳалок булган кун» номли очеркида баён этади, бунда кулоблик муҳожирнинг ўгли Башир Боғлонийдан 1991 йил февралида Душанбеда олинган интервьюга таянади. Боғлоний 1980-йилларда Бабрак Қармал ҳукуматида адлия вазири булган[161]. Шунингдек, муаллифнинг очеркида япон тарихчиси Масаюк Ямаучи[162], яна Олаф Кэроу ва Закий Валидий Туғоннинг фикрлари ва ахборотлари келтирилади. Улар ҳам Анвар пошшонинг охирги жанги шарт-шароитлари ҳақида етарлича маълумот қолдирган[163]. «Анвар пошшо васияти» китобида таниқли узбек муаллифи, Анвар пошшо ҳаёти ва фаолияти тадқиқотчиси Набижон Бокий уша вокеалар гувоҳларининг тилидан маълумотлар келтиради[164].

Советларнинг расмий версиясига кура, Анвар пошшонинг

---

160. Абдуллаева К. «Смерть Летучего Голландца Востока» Протоколы допроса см.: Дело № 25895, оп. 1, д. 870, л. 141-171.

161. Интервью Б. Баглани. Февраль 1991, Душанбе.

162. Masayuki Yamauchi. The Green Crescent under the Red Star: Enver Pasha in Soviet Russia 1919-1922, Tokyo University of Foreign Studies, 1991.

163. Olaf Caroe, Soviet Empire, the Turks of Central Asia and Stalinism. London, 1953,p125.

164. Набижон Бокий «Чингиз афандига мактублар» 2004; Набижон Бокий «Анвар пошонинг васияти» Истанбул, 2006.

ўлдирилиши хизмати 8-Бошқирд кавалерия бригадаси 16-полки 3-эскадронининг М. Никитин кумондонлиги остидаги унг колоннасига тегишлидир. Истеъфодаги генерал-лейтенант В.И. Урановнинг бу воқеалар ҳақидаги эсдаликлари «Ленинчи» газетасининг 19.09.1967 йилги №152 (5821) сонида чоп этилган эди[165]. Унда айтилишича, Шермуҳаммадбек, Жунайдхон (Қурбонмамед Сардор) ҳамда Туркистон миллий озодлик ҳаракати иштирокчилари булмиш бошқа курбошилар билан алокада булиб турган Анвар пошшо 1922 йил 4 августида Балжувон яқинидаги тўқнашувда кахрамонларча ҳалок булган[166]. Бу хабар бутун Туркистонда яшин тезлигида ёйила бошлади[167]. Бу кайғули воқеа акс таъсир бериб, озодлик курашчиларини янада жипслаштирди. Уларнинг чиқишлари янада шафқатсиз ва муросасиз киёфа касб этиб, Бухоронинг марказий ва ғарбий вилоятларига ҳам тарқалди.

1995 йил сентябрида Туркия Республикаси президенти Сулаймон Демирел Тожикистон Республикасига давлат ташрифи билан етиб келди. Ушанда Анвар пошшонинг қолдиқларини Ватанига олиб кетиш борасида келишувга эришилди. Бунинг учун махсус қушма археологик экспедиция сафарбар этилди. Унинг таркибига Туркиядан ҳамда Тожикистон Республикаси Фанлар Академияси Аҳмад Дониш номидаги Тарих, археология ва этнография институтидан малакали мутахассислар кирди. Улар орасида археологлар, антропологлар, рассомлар, суратқашлар, шунингдек, икки давлат телевидениелари вакиллари ҳамда Туркиянинг Тожикистондаги элчихонаси вакиллари кирди.

Маҳаллий аҳоли вакилларининг курсатмалари асосида 1996 йил 30 июлида Тожикистоннинг Хатлон вилояти Ховалинг туманидаги Чағон деган жойда экспедиция иштирокчилари Анвар пошшонинг кабрини аниқлади. Қабр очилганидан сунг у ерда топилган инсон қолдиқлари синчиклаб урганиб чиқилди. Туркиялик тиббий экспертларнинг утказилган таҳлиллар ҳамда сакланиб колган тиббий карталар асосида қилган хулосасига биноан бу қолдиқлар Анвар пошшога тегишли эканлиги аниқланди. Бундан ташқари, Германиядан РСФСРга йул олишдан бир муддат олдин Анвар пошшо стоматологда булиб, платинадан тиш қуйдиргани маълум булди. Жасад бошининг пастки жағ қисмида сакланиб колган мазкур платинали тишлар топилган қолдиқлар ростанам XX аср 20-йилларида Бухоро Республикаси

165. Газета «Ленинец» №152 (5821) от 19.09.1967г.; Агабеков Г. ГПУ Записки чекиста. Берлин, 1930.

166. Зевелев А. И., Поляков Ю. А., Чугунов А. И. Басмачество: возникновение, сущность, крах / Гл. ред. восточной литературы. - М.: Наука, 1981, Б.244.

167. Khalid A. Tashkent 1917: Muslim Politics in Revolutionary Turkestan // Slavic Review. 1996. Vol. 55. P. 270-296.

ҳудудида Туркистон миллий озодлик ҳаракати раҳнамоси Анвар пошшога тегишли эканлигини узил-кесил гасдиклади.

Агар Анвар пошшони ўлдиргани даъво қилинаётган А. Мелкумян, Г. Айрапетяна и Г. Памбукчян айтганларидай, ростанам жасадни ҳакорат қилган бўлса, демак, у Ватан мустақиллиги йўлида курашган бошқа бир азаматнинг танасига нисбатан шундай шаккоклик қилган. Армани миллатпарастлари ҳаётга берилишни яхши кўришига қарамай, Анвар пошшо ва А. Мелкумян ўртасида яккама-якка кураш ҳам, қаҳрамон жасадининг камситилиши ҳам, унинг боши ва қули чопиб ташланиши ҳам ўз тасдиғини топмади. Бунинг бари армани эртакчиларининг уйдирмаси бўлиб чиқди. Анвар пошшо душманнинг беш ўқига учиб ҳалок бўлди. Ўқларнинг бари унинг кўксига теккан эди. Бу Анвар пошшонинг жасади қазиб олиниб, Ватанида қайтадан дафн қилингунига қадар ўтказилган текширувларда аниқ исботини топди.

Туркия Республикаси президентининг давлат маслаҳатчиси Муниф Исломўғли бошчилигидаги давлат делегацияси Анвар пошшонинг хокини Ватанига олиб кетди. 1996 йил 3 августида у Гумушсую ҳарбий госпиталига жойланди. Эртасига эрталаб, 4 августда - Анвар пошшо ҳалок бўлган кунда Шишли Жомеъда жаноза намози адо этилди, Анвар пошшонинг хоки ҳарбий эҳтиром билан Истанбулдаги Обидаи Ҳуррият қабристонига дафн этилди[168].

Халқ хотирасидан минглаб жасур, ватан озодлиги йўлида босқинчиларга қарши аёвсиз курашларда беайб ўлдирилган миллий қаҳрамонлар ҳақидаги ном-нишонни ўчириб ташлаш мақсадида большевикларнинг ҳужжатларида 1918 йилдан бошлаб 1919 йил ўрталарига қадар Ватан озодлиги курашчилари «безорилар», «тўдалар», «бандитлар», «босқинчилар» ва «босмачилар» деб аталади[169]. Халқининг озодлиги ва мустақиллиги йўлида курашган, шарафига романлар яратилган, халқ ривоятлари тўқилган халқ қаҳрамонларини большевиклар камситиб «босмачи» деб атар эди. «Босмачи» ва «босмачилик» атамалари, «бандитизм» ва «босқинчлик» атамалари сингари, шовинистлар томонидан ўйлаб топилиб, ҳеч қандай асоссиз Туркистон миллий озодлик ҳаракати иштирокчиларига нисбатан қўлланилганини тан олиш пайти келди. Бу маҳаллий аҳолининг Россия империясига, кейинроқ эса большевиклар диктатурасига қарши, расман эълон қилинган «Қизил террор» ва ғайриинсоний сиёсатга зид гапирган барчани йўқ қилиш мафкурасига қарши маҳаллий аҳолининг адолатли ғалаёнларининг аҳамиятини тушириш ва камситиш

---

168. Yalçın Soner, Osmanlı'nın Anıtkabiri Abide-i Hurriyet'di, Hürriyet Gazetesi, 29.04.2007.

169. «Совершенно секретно»: Лубянка - Сталину о положении в стране (1922-1934г.). Т. 1. 1922-1923г. Ч. 1-2. М., 2001; Т. 2. 1924г. М., 2001; Т. 3. 1925г. Ч. 1-2. М., 2002; Т. 4. 1926г. Ч. 1-2. М., 2001; Т. 6. 1928г. М., 2002.

мақсадида қулланган мафкуравий восита булди[170].

Ўзбекистон тарихий Туркистоннинг тўғридан-тўғри вориси саналади. Балки шунинг учундир, бугунги кунда Туркистон миллий истиқлолчилик ҳаракатини ёритаётган энг сермаҳсул олимлар Ўзбекистон вакилларидир. Ўзбекистон тарихий муаммоларини ўрганувчи тадқиқотчилар Туркистон миллий истиқлолчилик ҳаракати фаолияти Фарғона водийсида дашноқлар томонидан большевикларнинг фаол қуллаб-қувватлашида амалга оширилган қуплаб этник тозалаш фактлари билан тўқнаш келади.

Ўзбек тарихчиси, «Фарғона водийсидаги фуқаролик уруши тарихи очерклари» китоби муаллифи Ш.А. Шомагдиев ўзининг тилга олинган, совет ҳокимияти айни куч-қудратга тулган 1961 йили Тошкентда чоп этилган асарида дашноқларнинг Фарғона водийсида Туркистон мухториятининг йўқ қилинишида амалга оширган жиноятларини фош қилиб ташлаган.

Таникли ўзбек тарихчиси М. Ҳасанов ўзининг 1990 йили, Совет империяси парчаланишидан бир муддат илгари чоп этилган «Қўқон мухторияти ва унинг айрим дарслари» номли китобида Туркистон бўйлаб совет ҳокимияти ўрнатилиши йилларида дашноқлар амалга оширган барча жиноятларни батафсил таснифлаб, улар ҳақида хабарларни келтиради. Ушбу муаллифнинг барча ишларида асл ватанпарварлик рухи кузатилади, у дашноқларнинг Туркистондаги жиноятларини кескин қоралайди.

Ўзбекистонлик публицист Шониёз Донийеров 1991 йили оммабоп «Шарқ Юлдузи» журналининг 12-сонида «Мухторият қисмати» мақоласини чоп эттирди. Унда дашноқларнинг Туркистон мухториятининг тугатилишида амалга оширган жиноятлари ҳақида батафсил ҳикоя қилинади, бунда Туркистон даврий матбуотининг 1918 йилги сонларига иқтибос келтирилади. Ўзбекистоннинг қуплаб интернет нашрлари бугунги кунга қадар ушбу мақолани қайта-қайта нашр этиб келмоқда. Бу қуриб чиқилаётган тарихий воқелар XXI асрда ҳам долзарблигини йўқотмаганини кўрсатади.

Ўзбекистонлик тарихчи С. Аҳзамхўжаев 1996 йили Тошкентда чоп этилган «Туркистон мухторияти» номли китобида Фарғона водийсида большевикларнинг дашноқлар билан тил бириктириб амалга оширган ишларидан ҳикоя қилади.

Ўзбекистон тарихи тадқиқотчилари жамоаси томонидан Туркистон миллий озодлик ҳаракатини ўрганишнинг янги концепцияси ишлаб

170. Hayit B. "Basmatschi": Nationaler Kampf Turkestans in den Jahren 1917 bis 1934. Koln, 1992; Fraser G. Basmachi // Central Asian Survey. 1987. Vol. 6. №. 1. p. 1-73; №. 2. p. 7-42; Гинзбург С. Басмачество в Фергане // Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей. М., 1926. Б.134.

чиқилди. Унга кўра, ҳаракат раҳбарларининг моҳияти, ҳаракатнинг табиати, сабаблари, йўналтирувчи кучлари, пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи янгича талқин қилинмоқда.

2015 йили профессор К.К. Ражабовнинг «Фарғона водийсида мустақиллик учун ҳаракат: моҳияти ва ривожланишининг асосий босқичлари» номли китоби ўзбек тилида чоп этилди. Китобни ёзишда муаллиф Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони архиви, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоят архивларидан тупланган ҳужжатлардан кенг фойдаланди. Китобда юқорида санаб ўтилган манбаларга таянилган ҳолда дашноқлар ва большевикларнинг Ўзбекистон ҳудудида амалга оширган жиноятларининг батафсил баёни келтирилади. Шунингдек, китобда большевикларга қарши курашда миллий истиқлолчилик ҳаракатига бошчилик қилган дала командирлари - қўрбошилар ҳақида қимматли маълумотлар тупланган. Архив ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан келиб чиққан ҳолда профессор К.К. Ражабов қизиқ хулосаларга келади. Унинг хабарига кўра, дашноқлар Фарғона водийсининг тинч аҳолисига қарши 1918 йил февралида ваҳшийликлар қилишга ундаган сабаб ва мотивлар ҳақида гапирар экан, қуйидагиларни таъкидлаган экан: *«Биз бу кунни қимматбаҳо олмос мисоли йигирма ой кутдик»*[171]. Фарғонада дашноқлар тинч аҳолини шу қадар шафқатсизлик билан ўлдирардики, улар гўёки қандайдир айб қилиб, қасос қурбонига айланаётгандек эди гўё. Дашноқларнинг ўзлари бу кунларни кутишни «қимматбаҳо олмос орзусига»га менгзаганини тан олган. Бу қонли интиқомга ишора эмас, балки уни тан олишдир.

1918 йил февралида Фарғонадаги қонли воқеалар руй беришидан йигирма ой муқаддам нима бўлган экан, қизиқ? Дашноқларнинг бу баёнотларини ўрганиш ва таҳлилдан ўтказиш диққатга сазовор хулосаларни беради. Ҳисоб-китобларга қараганда, 1918 йил февралидан йигирма ой муқаддам, бу эса 1916 йил июн-июль ойларидир, Туркистонда маҳаллий аҳолининг Россия империясига қарши кенг миқёсли қўзғолонлари давом этаётган эди. Тарихдан маълумки, Биринчи Жаҳон уруши фронтларидаги мураккаб вазият туфайли 1916 йил 25 июнида Николай II нинг «инородец»ларни фронт орқаси ишларига жалб қилиш юзасидан шоҳона фармони эълон қилинган эди. Бунинг натижасида Марказий Осиёда исён келиб чиқиб, ўн минглаб ва ҳатто юз минглаб одамлар қурбон бўлди ёки уз уйларини ташлаб кетди.

---

171. Раджабов К.К. Шу асар. Б.92. Со ссылкой на архив Аппарата Президента Республики Узбекистана Ф-60, Оп-1, Д-98, Л-72.

Уз-узидан, савол туғилади: Фарғона водийси тинч аҳолиси 1916 йил ёзида арманиларга карши нима гуноҳ килган эканки, дашнокларнинг ақлларида касос илинжи узок кутилган орзуга айланиб кетди? Кавказдан Туркистонга 1918 йили стиб келган «Дашнакцутюн» партияси жангариларининг уша олис вокеаларга кандай алокаси булиши мумкин? Маълумки, 1918 йилга кадар Туркистонда «Дашнакцутюн» партиясининг булинмалари йук эди ва унга кадар бу ердаги арманилар муваффакиятли савдогарлар саналар эди, ерли ахоли эса рус мустамлакачилари билан бирга келиб, шахарларда судхўр, баккол, савдогар, этикдуз, сартарош сифатида ишлаётган арманилар билан хеч бир зиддиятга бормаган эди. Нега унда дашноклар Туркистон ерли ахолисига мана шундай конли тарзда «миннатдорлик» билдирди? Шу билан бир пайтда, канчалар ғалати туюлмасин, бу саволларга жавоб топиш бир томондан осон булиб куринганн билан аслида жуда мураккаб тадикикотлар натижасига кура хулоса чикаришга ундайди. Сабаби бу саволларга топиладиган жавоблар миллатпараст ва террорчилар булмиш дашнокларнинг Туркистон, Жанубий Кавказ ва Шаркий Анатолия тинч аҳолиси тақдирида уйнаган ифлос ва конли ролини янада яхширок тушунишга имконият яратиб беради.

1918 йил февралида Туркистонда дашноклар ва большевиклар узбекларни, бир ой утиб эса, 1918 йил мартида Жанубий Кавказда озарбайжонларни ёппасига кирғин килди. Бу конхурликларнинг бари большевиклар, И.В. Сталин раҳнамолигига суянган С.Г. Шаумян ва А. Микоян раҳбарлиги остида ижро этилди. «Дашнакцутюн» партияси аъзоларининг Туркистондаги дахшатли жиноятлари натижалари билан танишиб чикар эканмиз, улар Жанубий Кавказ ва Шаркий Анатолияда хам параллель равишда мана шундай жиноятларни амалга оширганини тушунамиз. Армани муаллифларининг узлари хабар килган вокеа ва фактлардан маълум буладики, Шаркий Анатолия, Жанубий Кавказ ва Фарғона водийсидаги конли вокеалар уртасида маълум параллеллар мавжуд ва буни инкор қилиб булмайди. Фактларга ишонадиган булсак, бу минтақаларнинг барида дашноклар тинч турк-мусулмон аҳолисига карши бир хилда жиноятлар содир этган[172].

1918 йил февралида Туркистонда булиб утган вокеаларга кадар

172. Percy Sykes. The British Flag on the Caspian: A Side-Show of the Great War. Foreign Affairs, Vol. 2, No. 2 (Dec. 15, 1923), pp. 282-294; Kazemzadeh Firuz. Struggle For Transcaucasia (1917-1921), New York Philosophical Library, 1951, Б.130-131; ЗубовА. Политическое будущее Кавказа: опыт ретроспективно-сравнительного анализа, журнал «Знамя», 2000, № 4; Исмайлов Э.Р. Степан Шаумян - обречённый на забвение. Портрет «легендарного коммунара» без ретуши. Баку, 2012.

арманиларнинг Усмонли салтанатидаги куп йиллик фаровонлиги эвазига дашноқлар Кичик Осиё ва Жанубий Кавказ туркларига «миннатдорлик» билдириб булган эди. Бу ҳақда ХХ аср бошида армани тарихчиси А.А. Лалаян шундай ёзган эди: *«Кунгилли ҳаракати («Дашнакцутюн») шу билан тавсифланадики, қонхур хмбапетлар*[173] *(Андраник пошшо, Амазасп ва бошқалар) бошчилигидаги дашноқ отрядлари турк аёллари ва болалари, кексалар ва хасталарни қириб ташлаш ишида максимал даражада "жасорат" курсатар эди (Усмонли салтанатига қарашли Шарқий Анатолияда). Дашноқ отрядлари эгаллаган турк қишлоқлар тирик одамлардан озод қилинар ва афт-турқи бузиб ташланган жасадларга тула вайроналарга айлантирилар эди. Шу тариқа, дашноқ кунгилли ҳаракатининг якунларидан бири ун мингдаб меҳнаткаш туркларнинг йуқ қилиниши булди»*[174].

Таникли армани тарихчиси А.А. Лалаяннинг бошка бир китобида эса мана бу хабар келтирилади: *«Контринқилобий «Дашнакцутюн» диктатураси даврида (1918-1920 йиллар) армани булмаган бутун аҳоли қонундан ташқари ҳисобланарди. «Дашнакцутюн»нинг Арманистон ҳудудида истиқомат қилувчи озарбайжон ва курд аҳолисини қириб ташлаш йули билан мамлакатни арманилаштириш гояси, бошка этник озчиликларнинг таъқиб остига олиниши мамлакатда миллатлараро ихтилофларни авжига чиқараётган эди. Икки ярим йиллик ҳукмронлик даврида «Дашнакцутюн» Арманистон ҳудудида истиқомат қилувчи озарбайжонларга қарши қуролли уруш олиб бориб, тинч аҳолини суриштириб ўтирмасдан талон қилар ва ўлдириб юборар, тинч қишлоқ ва ўйларни ер билан битта қиларди* («Жанубий Кавказда большевизм ўрнатилиши давридаги вокелар»).

1918-1919 йилларда дашноқ ҳукумати озарбайжон ва курд қишлоқларининг тинч аҳолисини "давлат талабларини бажармаслик" баҳонасида бомбалади (армани қишлоқлари ҳам бомбаланди). 1920 йилда эса Арманистон ишчи ва крестьянларининг май ойидаги қаҳрамонона ва ёзини бостиргач, «Дашнакцутюн» озарбайжон ва курд қишлоқларини яна бомбаларди ва "Мусулмонлар – душманларимиз" шиори остида бу қишлоқлар аҳлини ёппа қирди»[175].

Тадеуш Свейтеховскийнинг маълумотига кура, Боку шаҳрида мусулмон аҳолиси кирғин қилинди: *«Дашноқларнинг қуролли қушилмалари шаҳарнинг мусулмон маҳаллаларида талончиликлар, ўт*

---

173. Хмбапет – туда бошлиги.

174. Лалаян А.А. Контрреволюционный «Дашнакцутюн» и империалистическая война 1914-1918гг. РВ, М., 1936, Б.92-93.

175. Лалаян А.А. Контрреволюционная деятельность партии Дашнакцутюн. ИЗ, М., 1928, № 2, Б.99.

қўйишлар ва қотилликлар уюштирди»[176].

Британиялик тадқиқотчи Питер Хопкиркка кура, *«Арманилар, уларнинг эски душманлари қочаётганини кўриб, энди интиқом олишжига тушди. Шунинг учун жанглар шаҳарнинг деярли бутун мусулмон шуфузи қувилмагунча ёки қириб битирилмагунча давом этди. Бешинчи куни шаҳарнинг катта қисми ҳали ҳам алангга ичида бўлишига қарамай, қаршилик тухтатилди, кучалар уликлар ва ярадорларга тўлиб-тошиб кетди, уларнинг барчаси мусулмонлар эди»*[177].

Бокудаги Британия вице-консули, майор Макдоннелнинг сўзларига караганда *«шаҳарда бирор бир обрули мусулмон қолмади»*[178]. Бокуда вокеалар билан бир пайтда дашноқ куролли тўдаларининг Шамахага ҳужумлари бошланиб кетди. Шаҳар вайрон этилди ва ёқиб юборилди, минглаб тинч аҳоли вакиллари ўлдирилди. 1918 йил майида шундай вокеалар Губа уездида ҳам бўлиб ўтди. У ерга Бокудан С.Г. Шаумян тарафидан йўлланган Амазасп бошчилигидаги дашноқлар отряди етиб келди. Озарбайжон Демократик Республика ҳукумати томонидан шакллантирилган тергов комиссияси маълумотларига караганда, Амазасп отряди Губа шаҳрини ҳамда Губа уездидаги 122 мусулмон қишлоқни ёқиб юборган[179]. Куриниб турибдки, советлар Туркистонда ҳам, Кавказда ҳам divide et impera (бўлиб ташла, ҳукмронлик кил) принципидан усталик билан фойдаланиб, маҳаллий аҳолини арманилар билан сунмас адоват гирдобига ташлади, ўзлари эса совет олимпидан вокеаларни кузатиб, «ҳосил» тўплади.

Дашноқларнинг Туркистондаги хатти-ҳаракатлари усуллари, ўзига хос «дастҳати» Кавказда ҳам акс садо беради. Қонли ижро усулларининг бир хиллиги болаларни, аёлларни, кексаларни ўлдиришга асосий ўрғу берилишида яккол кўринади. Аёлларнинг кўракларини кесиб ташлаш, кичик қизчаларни зўрлаб, кўзларини ўйиш, жасадларни камситиш, тирик одамларни парчалаш, қўл ва оёқларни чопиб ташлаш мана шундай усуллар сирасига киради. Дашноқларнинг бу ваҳший хатти-ҳаракатлари маҳаллий аҳолининг большевикларга қарши урушига сабаб бўлди. Маҳаллий халқларнинг миллий истиқлолчилик курашига хос умумий жиҳат шу бўлдики, Туркистонда ҳам, Кавказда ҳам маҳаллий аҳоли

---

176. Tadeusz Swietochowski. Russian Azerbaijan, 1905-1920: The Shaping of a National Identity in a Muslim Community. Cambridge University Press, 2004. pp 116-118.

177. Peter Hopkirk. Like hidden fire. The plot to bring down the British Empire. Kodansha Globe, New York, 1994.

178. Audrey L. Altstadt. The Azerbaijani Turks: power and identity under Russian rule. - Hoover Press, 1992. 331 p. - (Studies of nationalities). Б.86

179. Michael G. Smith. Anatomy of a Rumour: Murder Scandal, the Musavat Party and Narratives of the Russian Revolution in Baku, 1917-20. Journal of Contemporary History, Vol. 36, No. 2. (Apr., 2001), p. 227

бирдай ҳам большевикларга карши, ҳам «Дашнакцутюн» партияси жангариларига карши кураш олиб борди. «Дашнакцутюн» партиясининг фаолиятига А.А. Лалаян адолатли баҳо берди: *«Контринқилобий армани буржуазиясининг манфаатларини ҳимоя қилар экан, «Дашнакцутюн» миллатпарастлик ва ижтимоий сафсата билан 40 йилдан ошиқ давр мобайнида армани халқини алдаб келди»*[180].

Хуллас, «Дашнакцутюн» миллатпараст шовинистик партияси томонидан авж олдирилган куп йиллик уруш натижасида Туркистонда миллионлаб маҳаллий аҳоли вакиллари кирилиб кетди. Уларнинг мутлақ кўпчилик қисми, табиийки, ҳеч қандай гуноҳи йўқ тинч аҳоли вакиллари эди. Соғлом фикрли одамда саволлар туғилиши мумкин: икки турли минтакада бир пайтнинг ўзида, 1918 йил февралида ва мартида бир хил услубларда кирғин қилинган Туркистон ва Кавказ аҳолиси нима гуноҳ иш қилган эди? Биринчи Жаҳон уруши йилларида олис Шарқий Анатолияда руй берган воқеаларга кавказликларнинг, қўйингки, туркистонликларнинг нима дахли бор? Дашноклар 1918 йили аламини олган Туркистон узбеклари ва Кавказ озарбайжонларининг у воқеаларга қандай алоқаси бўлиши мумкин? Ахир бу икки гуркийзабон халқ Биринчи Жаҳон уруши йилларида Шарқий Анатолияда бўлганмиди?

Большевиклар томонидан Туркистон ва Кавказ тинч аҳолисига карши террор тадбирларини амалга оширишда дашноклардан фойдаланиши Россия империяси ва большевикларнинг умумий фаолияти ва сиёсати, бир пайтнинг ўзида армани миллатпарастлари уларнинг Туркистон ва Кавказдаги иттифокчи-гумаштасига айлангани билан боғлиқдир. Бунинг мохияти шундаки, Россия империясида ҳар қандай хатарни бартараф этишнинг йўлга солинган ишончли тизими мавжуд эди, лекин большевикларда эса даставвал бундай тизим мавжуд эмас эди. Шунинг учун улар тайёр террорчи тузилма - «Дашнакцутюн»га ишонч билдирди. Охир-окибат СССРнинг ўз кудратли жазо аппарати, халқ оммасини босиб турувчи тизим шакллантирилди, шундан сўнг дашноқларга бўлган эҳтиёж ҳам битди ва «Дашнакцутюн» партиясининг бу ҳудуддаги фаолиятига чек қўйилди. Шундан сўнг партия фаоллари ва аъзолари чет элга кучиб ўтиб, ўша ердан туриб ҳаракат қила бошлади. Бир маколда айтилганидек, *«эшагим сувдан ўтгунча»* кабилида иш кўрилди.

1991 йили СССР парчаланиб кетгач, «Дашнакцутюн» яна Кавказга, Арманистон Республикасига қайтди ва у ердаги энг нуфузли

---

180. Лалаян А.А. Контрреволюционная роль партии дашнакцутюн. «Исторические записки», т.2, М., 1938, с 79

сиёсий кучлардан бирига айланди[181]. Бугун «Дашнакцутюн» армани миллатпарастлиги ва шовинизмининг бош жангариси булиб колмокда, унинг асосий ва доимий максади эса яна уша-уша: Озарбайжон, Грузия, Туркия ва Россия (Шимолий Кавказ) ерлари хисобига «Денгиздан денгизгача Буюк Арманистон»ни тиклаш йулидаги idee fixe (хиракаскоп гоя). Унинг дастурида бугунги кунга кадар куйидаги сузлар туради: *«Бирлашган Арманистон таркибига Севр шартномасида курсатилган армани ерлари, шунингдек, Нахчивон, Ахалқалақ ва Қорабоғ вилоятлари кириши лозим»*[182].

Дашнокларнинг большевиклар билан хамкорлигида бу икки сиёсий харакатнинг узаро гоявий якинлиги хам мухим ахамият касб этди. Большевиклар томонидан дашнокларга хомийлик курсатилиши хамда улар уртасидаги ишбирлиги шу билан тушунтириладики, большевиклар хам, дашноклар хам уз максадларига эришиш йулидаги асосий курол уларок террорни курар эди. Бу хам большевиклар, хам дашноклар учун анъанавий восита эди. Обрули америкалик тарихчи, Thou Shalt Kill: Revolutionary Terrorism in Russia, 1894-1917 (Princeton University Press. 1995) китоби муаллифи, профессор А. Гейфманнинг нуктаи назарича, россиялик инкилобчилар мохиятан «ахлокий рухдаги мулохазалар огирлигига дучор булмаган радикал ва жиноятчининг узига хос симбиози» эди. Большевикларнинг террорчилик фаолиятини тахлил килар экан, Анна Гейфман большевиклар учун террор ута самарали куролга айланганини, инкилобий иерархиянинг турли погоналарида кулланганини хулоса тарикасида айтиб утади хамда XX аср бошида Россияда авж олган инкилобий харакатга бериладиган анъанавий бахони «афсоналар ва романтикадан мосуво килиш» максадини уз олдига куяди[183].

Россияда инсонларнинг синфий белгига кура касддан йук килишга каратилган террор ва куркитиш актлари «Оклар террори»дан анча олдин бошланиб, чор Россиясининг давлат аппаратидаги маълум амалдорлар ва конкрет шахсларга карши курашган классик сул террордан тубдан фарк килади. Большевиклар терроридан кочиб кутулиб булмайди, большевиклар зуравонлиги амалдаги каршилик харакати ёки конкрет шахсларга эмас, аholининг бутун бошли катламларига карши каратилган эди. Большевиклар уз гоявий мулохазаларидан

181. Раззаков Ф.И. Бандиты времён социализма. Хроника российской преступности 1917-1991 годов. М., 1997.; Раззаков Ф.И. Бандиты времён капитализма. Хроника российской преступности 1992-1995 годов. М., 1997.

182. Программа армянской революционной федерации «Дашнакцутюн». Ереван, 1992, Б.18.

183. Гейфман А. Революционный террор в России. 1894-1917. / Пер. с англ. Е. Дорман. - М.: КРОН-ПРЕСС, 1997

келиб чиққан ҳолда дворянлар, помешчиклар, зобитлар, руҳонийлар, қулоқлар, казаклар, олимлар, саноатчилар ва бошқалар коммунизмнинг синфий душманлари эканлигини эътироф этарди. Жамиятнинг бу табақалари вакиллари большевиклар томонидан қонундан ташқари деб эълон қилинди. Уларга карши террор қонуний асосда амалга оширилди. Синфий кураш мафкурасида террор большевизм вужудга келган пайтданок бор эди. Уз фаолиятининг бошида большевиклар давлат микёсида расман террорни қонунийлаштирди 1918 йил 5 сентябрида РСФСР СНК «Қизил террор тўғрисида»ги қарор кабул қилинди. «Қизил террор»[184] уз ичига совет ҳокимиятининг бутун катаҳон сиёсатини олар эди, бу 1917 йил октябридаги узбошимча дала судларидан бошланган эди. Большевикларнинг таъкидлашича, «кизил террор» октябрь инкилобининг мантиқий давомидир. Шундан келиб чиққан ҳолда большевикларни инсоният тарихидаги илк террорчи давлат ижодкорлари сифатида баҳолаш мумкин, зеро бу давлат узининг сиёсий дастурида террорни расман қонуний хатти-ҳаракат деб эълон килди. Дастлаб большевикларнинг деярли барча партия раҳбарлари террор тарафдорлари эди ва уларнинг кўплари расман тан олинган террорчилар бўлиб, чор ҳукуматига қарши айнан террор воситасида курашиб келган эди[185].

Россия империяси арманиларни уз ҳудудида асосан «тинч йуллар»да, этикдўзлар, савдогарлар, судхўрлар, майфурушлар сифатида ишлатишга урингани яхши маълум. Усмонли салтанатида эса улар аксилҳукумат чикишларида «бешинчи колонна» вазифасини бажариб берар эди. Россия империяси Усмонли салтанати ҳудудида, Шаркий Анатолияда, шунингдек, Россиянинг узига тегишли бўлган Кавказда арманиларнинг террорчи ташкилотларини кўллаб-кувватлаб келар эди. Совет империяси бу тажрибани муваффакият билан узлаштирди ва «ҳар томонлама қулай бўлган» ҳамкор-гумашта омилидан унумли фойдалана бош ади. Ҳатто бугун ҳам, орадан қарийб икки аср ўтган

184. Мельгунов С.П. Красный террор в России. 1918-1922. Берлин, 1924 (современное издание - М., 1990); Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов исторических наук Фельштинского Ю.Г. и Чернявского Г.И. / London, 1992.

185. Литвин Л.А. Красный и белый террор в России 1918-1922гг. Казань, 1995, Б.63.; Голуб П.А. Белый террор в России (1918-1920гг.). М.: Патриот, 2006. Б.479; Архипов Ю.С., Хайкин Я.З. Логика истории и практика марксизма в России // Философские исследования, № 3, 2007, Б.47-57; Рабинович А.Е. Моисей Урицкий: Робеспьер революционного Петрограда? (рус.) // Отечественная история: Журнал. 2003. № 1. Б.3-23.; Ланцов С.А. Террор и террористы: Словарь. - СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2004. - 187 Б.

булишига қарамай, бу геосиёсий уйинларнинг оқибатлари Жанубий Кавказдаги ҳарбий-сиёсий, социал-иқтисодий, этник-демографик, ҳудудий, ахборий, маданий, конфессионал ва ахлоқий вазиятга уз салбий таъсирини утказишда давом этмоқда. Россияда курол кучи билан ҳокимиятни эгаллаб олган большевикларга миллатпарастларнинг, уларнинг айнан «Дашнакцутюн» партиясига хайрихоҳ қисми ёхуд шу тузилма аъзолари террорчи ва жазо отрядларини осон тайёрлаш учун керак эди. Уларни биринчи навбатда Туркистон ва Жанубий Кавказдаги туркийзабон мусулмон аҳолига карши кайраш кузда тутилди. Армани миллатпарастлари навбатдаги хужайинининг бу чакиригига осонликча лаббай деб жавоб берди, бунда «ким ҳаккини туласа, уша мусиқа буюради» маколига риоя килинганидек таассурот уйгонади. Уз навбатида, партия дастурида террор воситаси очик-ойдин курсатилган дашноклар большевиклар хизматига осонликча утда ва узлари учун одатий булиб колган ролга кирди. Бунинг окибатида Туркистон ва Кавказда уч турдаги зиддиятлар келиб чикди - армани-туркистон, армани-озарбайжон ва армани-гуржи. Шу муносабат билан Кавказда ҳам, Туркистонда ҳам маҳаллий сиёсий кучлар ва аҳоли «советлар-большевиклар-дашноклар» киёфасидаги кудратли ва гажовузкор кучга карши курашишга мажбур булганлигини алохида кайд килиб утмоқ жоиз. Бундай зиддиятларнинг вужудга келиши ва мавжудлиги бутунлай Россия империяси ҳамда унинг вориси булмиш СССРнинг «хизмати»дир. Айнан улар тилга олинган минтақалардаги сезиларли геосиёсий, этник-демографи, этник-ҳудудий ва конфессионал узгаришларнинг бош ижрочилари эди. Туркистон ва Жанубий Кавказ халкларининг тарихидан олинган ухшаш ва параллель воқеаларни киёслаб, замонавий геосиёсат уйинчиларининг максадларини ҳам тушуниш кийин эмас.

Дашнокларнинг Кавказ ва Туркистонга тинч аҳолини жисмонан йуқ килиш учун юборилиши Биринчи Жаҳон урушидан сунг маълум булиб булган эди. Усмонли салтанати ҳудудидаги армани террорчи ташкилотлари ҳомийси - Россия империяси уз урнини большевикларга, яъни янги ҳукуматга бушатиб берди. Бунда салтанат Шаркий Анатолиянинг арманиларнинг купчилик қисми истикомат киладиган Карс вилоятидан маҳрум булди[186]. Шу воқеа муносабати билан Биринчи Жаҳон уруши йилларида, 1914-1918 йилларда ярим миллионга яқин Усмонли арманилари Кавказга, Туркистонга ва Россия империясининг бошка минтақаларига кочиб кетди. Фақатгани

186. Имранлы К. Создание армянского государства на Кавказе. Истоки и последствия. Москва-Ладомир.2005г. с85.

1916 йил июнида 160,000 армани Игдир-Нахчивон орқали Жанубий Кавказга кириб келди. Кейинрок, 1917 йили яна 300,000 дан ортқи армани Кичик Осиёдан чекинаётган рус армияси билан бирга у ерларни тарк этди. XX аср бошига келиб Россияда арманилар сони 3 миллиондан ошиб кетди[187].

Россиянинг янги ҳужайинлари - большевиклар ўз диктатураси тонгида Россия империяси сиёсати изидан бориб, дашноқлардан ўз ҳамкорлари сифатида ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда фойдаланди. Ушбу сиёсат принципларидан келиб чиккан ҳолда, Туркистонда ҳам, Кавказда ҳам большевикларнинг асосий мақсади дашноқларни бу ўлкаларнинг буйсунмас халқларини тинчитиб қуйиш ва дашноқларни бу ерларнинг «ҳужайин»ларига айлантириш бўлди. Советлар дашноқлар ишончли ва шафқатсиз «қуриқчи итлар»га айланишини, улар ҳеч қачон маҳаллий мусулмонлар, айниқса гуркийлар билан якинлашмаслигини жуда яхши билар эди.

Россияда ноконуний йўл билан ҳокимиятни эгаллаб олган большевиклар 1917 йил 8 ноябрида (25-26 октябрь) Петроградда утган II Бутунроссия советлари съездида «Тинчлик тўғрисидаги декрет»ни қабул қилди. Унда советлар барча урушаётган халқлар ва уларнинг ҳукуматларига тинчлик борасида музокаралар бошлашни таклиф қилган эди. Чет эл харбий миссиялари бошликлари ўз ҳукуматларининг тоширигига биноан 23 ноябрда Россия, Англия ва Франция ўртасида 1914 йил 5 сентябрида имзоланган келишув ҳолатлари бузилганлиги юзасидан эътироз билдирди. Ушбу келишувга биноан, иттифоқчилар сепарат сулҳ тузиши мумкин эмас эди. Бу эътирозга Британия, Франция, Япония, Италия, Руминия ва АҚШ қушилди. Тинчлик музокаралари 1917 йил 3 декабрида Брест-Литовскда очилди, 15 декабрда эса 28 кунлик сулҳ имзоланди, аммо бу муҳлат тугагач, Германиянинг советларга карши харбий ҳаракатлари бошланди. Ленин Германия шартлари асосида сулҳ тузишга мажбур бўлди. Совет Россияси ва Антанта мамлакатлари ўртасида Брест-Литовск сулҳ келишуви имзоланиб, 1918 йил 14 мартида большевиклар томонидан, 17 мартда эса Германия томонидан ратификация қилинди. Шундан сўнг шартнома кучга кирди[188].

Большевиклар Россияда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, улар «армани масаласи»ни яна кузгади. Ким билан «ўйин» кетаётганига қараб, мазкур масалага турли томонлардан ёндошилди.

---

187. Вердиева Х.Ю. Переселенческая политика Российской империи в Северном Азербайджане. XIX-XX века. Баку, 1999, Б.140.

188. Внешняя политика СССР. 1917-1944гг. Сборник документов. М., 1944, Б.27-28.

1. РСФСР, илгари Россия империяси хоҳлаганидек, Усмонли салтанатининг собиқ Карс вилоятида «Турк Арманистони»ни тузишни режалаштирган эди. Шунинг учун 1917 йили РСФСРнинг Усмонли салтанатига нисбатан «Турк Арманистони» юзасидан расмий эътирозлари билдирилди. Бу ғоя реализацияси учун РСФСР Халқ комиссарлари кенгаши (СНК) 1917 йил 29 декабрида (1918 йил 11 январида) «Турк Арманистони тўғрисида»ги декретни қабул қилди[189].

2. Москва собиқ Карс вилоятини қайтариб олишдан манфаатдор эди. Бу пайти Жанубий Кавказда ҳали мустақил маҳаллий ҳукумат мавжуд эди. Шунга қарамай, Россия империясининг тажовузкор сиёсатини давом эттирган РСФСР Усмонли арманилари тақдиридан «қайғуриш»ни баҳона қилиб, Шарқий Анатолияга қайтишни режалаштирди. Декрет маҳаллий арманиларнинг «ўзлигини эркин белгилаш» ҳуқуқини ифода этган булса-да бошқа нарса - Карс вилоятини Россия «бағри»га қайтариш муҳим эди. «Турк Арманистони тўғрисида»ги декрет ижроси Кавказ ишлари буйича фавқулодда комиссар, С.Г. Шаумянга топширилгани диккатга сазовор[190].

3. «Турк Арманистони тўғрисида»ги декретдан сўнг 1918 йилда, яъни ҳали совет ҳокимияти Жанубий Кавказда урнатилмаган бир пайтда раҳбари И.В. Сталин булган РСФСР миллатлар ишлари буйича Халқ комиссариати ҳузурида «Арманистон ишлари буйича комиссариат» тузилди. Унинг объекти Шарқий Анатолия эди. Бу билан РСФСР Карс вилоятига булган даъвосини яна бир бор тасдиклади. Комиссариат тепасига, «Дашнакцутюн»нинг собиқ аъзоси В. Аванесов келди, В. Терян унинг уринбосарига айланди. Комиссариат фаолияти доирасидга собиқ Россия империясининг арманилар истиқомат киладиган минтакалари, хусусан, Кавказ ва Туркистон киритилди. Жойларда армани мактаблари, кутубхоналари, театрлари, музейлари очилди, газеталар чоп этила бошланди. Бу комиссариат 1921 йил охирига қадар мавжуд булди, аммо, «Турк Арманистони тўғрисида»ги декрет каби, РСФСРга ҳеч қандай ижобий натижалар бермади. Москвадаги армани миллатпарастларининг босимига қарамай, бу лойиҳалардан ҳеч бири кутилган натижаларга олиб келмади. Ўтмишда булгани каби XXI асрда ҳам буюк ҳокимиятлар ва йирик минтақавий давлатлар манфаатларини илгари сурувчи кўпгина ташкилотлар гўёки «армани масаласи»ни ҳал қилиш баҳонасида ўз геосиёсий ўйинларида кунгилчан армани миллатпарастлиги ва шовинизмидан фойдаланиб келади.

---

189. Декреты Советской власти. Том I. 25 октября 1917г.-16 марта 1918г. М., 1957.

190. Документы внешней политики СССР, Государственное издательство политической литературы. М.,1962, Т.6, док.83, Б.166.

ХУЛОСА

1918 йилдан 1935 йилга қадар Туркистоннинг туб аҳолиси «босмачилар» сифатида қиличдан ўтказилди. Маҳаллий интеллигенция Сталин қатағони йилларида 1953 йилга қадар контринқилобчилар ва «пантуркчилар» сифатида йўқ қилиб келинди. Буларга 1941-1945 йилларда, Иккинчи Жаҳон урушида миллий кадрлар орасидаги йўқотишлар қўшилди. 1917 йил октябридаги тўнтаришдан сўнг Туркистонда рўй берган барча воқеаларни таҳлил қилиб, бир нарсани узил-кесил қатъий этироф этиш мумкин - большевиклар ҳамда уларнинг елкадошлари - дашноқларнинг Туркистондаги миллий сиёсати кўпроқ 1933-1945 йиллар Германиясидаги нацистлар сиёсатини эслатар эди.

Коммунистик ғоя эгардан тушмай келган совет даврида «хўжакурсин»лик асосий омиллардан бирига айланган эди. «бир фикрлилик»дан иборат қаттиққўл ва қатағонга мойил режим шарт-шароитларида коммунистларнинг давлат тузуми миллий ўзликдан мосуво авлодни яратишга уринди. Бунинг бари ёш авлод манқуртлар мисоли миллий ғурурга бефарқ бўлиб ўсиши учун қилинди. Ўз навбатида бу вазият ўтмиш ҳақида, ҳам Россия империяси даврида, ҳам совет тузуми йилларида мустамлакачиларга қарши курашган халқ қаҳрамонлари ҳақида мавжуд барча хотираларни ижтимоий онгдан йўқ қилиш, учириб ташлаш бўлган совет сиёсий мафкураси ҳукмронлигининг кутилган самараси эди.

Қардош элатлар ўтмишида рўй берган тарихий воқеаларни ўрганиш бугунги муаммоларни чуқуррок англашга кўмак беради. XVIII аср биринчи ярмидан бошлаб XX аср охирига қадар ташқи кучларнинг Туркистон ва Кавказ халқлари ички ишига мунтазам равишда аралашувининг салбий оқибатлари ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Даставвал барча мустамлакачилик босқинларининг етакчилари колониал метрополиялар эди. Энди эса, XXI асрда мустамлакачилик йўқлигига қарамай, «нимадир» ҳали-ҳамон қолмоқда, «кандайдир кучлар» ҳали-ҳамон мавжуд ва улар ўз геосиёсий максадларига эришиш, ўз таъсир доираларини сақлаб қолиш максадида халқлар ўртасида этник ва конфессионал талотўплар келтириб чиқаришга уринмоқда.

1.5. МУНОЗОРА ЭҲТИРОСЛАРИ

Чорак аср муқаддам СССР маҳв булганидан сунг айрим *«уртоқ»*лар онгида совет даври унсурларига булган муҳаббат утмишни эслашнинг носоғлом тусига кирди. Улик СССРга булган «жавобсиз севги» айрим инсонлар шуурида *«онгий некрофилия»*ни туғдириши билан жамиятда муайян тенденцияларни келтириб чиқаришга ҳаракат киладиган носоғлом иштиёкни ҳам юзага чиқаради. Албатта, орзуга айб йўқ, лекин *«ошиқлар»*нинг купи чунтагида тош тутганча баҳсга киришишни хуш куради, иштиёк-ла уз *«муҳаббат»*ини ҳимоя килар экан, ҳатто буйрук охангида *«СССРга тегинма»* дея талаб килади. Мустамлакачилик, зуравонлик билан советлаштириш тарихи ҳакида ёзсангиз ёки гапирсангиз улардан ана шундай жавоб-талаб оласиз. Бундай оппонентлар большевиклар ва дашноқларнинг курқинчли жиноятларини кўрсатувчи фактлар баёнини хуш курмайди ва норозилик билан *«большевиклар мавзуси ва дашноқлар масаласи бирёқламалик билан ёритилган»* деб туриб олади, яъни *«ижобий томонларни ҳам ёритиш керак»* деб ҳисоблайди. Баҳс асносида улар уз нигоҳларини ҳам ифода этиб, кулоқ тутишга чақиради: *«арманилар ва большевиклар томонидан ҳам муаммога куз ташлаб кўриш керак»*, бунинг сабаби сифатида *«арманилар ва руслар нотўғри тушуниб, хафа булиши мумкин»*лигини келтиради, шу билан пардалар туширилади, баҳс тугайди. Уз нуктаи назарига асос келтириш урнига бунда *«тарафдор»лар* бир бурчакка тикилиб олганча ҳаммаслаклари билан *«Совет Иттифоқида қандай ажойиб ҳаёт яшагани»* ҳакида пичирлашишади. Мубоҳаса ниҳоясида эса *«СССРга тегинма»* шиори яна такрорланади. Мустамлакачилар ва СССР *«ошиқ»*ларининг бу назокатли ҳис-туйғулари соғлом фикрли инсонларда дахшатли фильмлар сюжетларига уйғун таассурот колдиради. Масаланинг кизик томони шулки, инсонларни ёппасига кириш механизмини қандай килиб севиш ва ҳурмат килиш мумкин?

Замонавий тарихшуносликда далилий база тупланиб колганига карамай, кунглида большевизм даврида руй берган ваҳшийликларни оклашга ҳаракат киладиган эски коммунистик мафкурага меҳр кўйган инсонлар яшайдиганини яшаб, ейдиганини еб булган. Энди уларга факат *«шифохона»* мададкор. Бундай инсонларга тарихчи *«мамиқ»* чайнаши керак эмас, унга шифокор зарур, унинг руҳида бир гап бор, лекин ҳакиқат бунда эмас, бошқа ерда.

Юмшоккунгиллик, инсонпарварлик, тарбиялилик ва совет даврининг эски идеалларига садоқат кимларнингдир фикрига кура, балки мактовга сазовордир, бирок, афсуски, айрим шахсларнинг

мустамлакачилик ва большевизмнинг ижобий томонларини таҳлил этиш ниятлари ва таклифларини рад этишга туғри келади. *«Қора мушукни қоронғу хонадан топиб бўлмайди, айниқса бу хонада мушук бўлмаса»* - Хитой донишмандларининг ушбу ҳикматли калимаси кўрилаётган вазиятга тамоман мос келади. Қирғиннинг ижобий томонини қидириш? Мустамлакачилик босқинини ва маҳаллий халқларга нисбатан қилинган ҳурматсизликларни *«қутаринкилик»* ила *«ёрқин рангларда»* тасвирлаш? Узр, афв этгайсиз...

Кўпгина китобхонлар нафақат Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати, дашноқлар ва большевикларга қизиқади, аксар ҳаваскорлар эл-улусларнинг зўрлик билан бўйсундирилиши ҳамда бунинг оқибатларини ўрганишга ҳам зарурат сифатида қарайди. Шу муносабат билан гажовузга ундовчи вайронкор ғояларининг келиб чиқиш сабаблари билан боғлиқ масалаларни, зўравонликни оқлаш учун тўқиб чиқарилган ғайриилмий аргументларни мустамлакачилик ва большевик иқтидори қандай оқибатларга олиб келганини инсоф кўзгусида кўриш ва таҳлил қилдирилан ўтказиш лозим. Айнан Россия империяси ва большевизм замонларида совет тузумига қўшилган ҳар қандай мухитнинг истисносиз барча халқлари буюк йўқотишлар, фожиа ва даҳшатларни бошидан кечирди. Бу масалани тушуниб етиш учун биз Бирмадаги миллий озодлик уруши ёки Мексикадаги Панчо Вилли ҳаракатини тавсифламаймиз-ку. Биз буни ўрнак қилиб кўрсатмаймиз ҳам. Таъкидлаш жоизки, чор ҳукумати сиёсатининг тўлабавор ғояларидан ҳамда большевизм жазавасидан айнан руслар ва арманилар бошқа халқларга нисбатан кўпроқ талафот кўрди. Биз тарихий воқеаларни ёдда сақлашга, уларнинг оқибатларини тан олишга мажбурмиз, биз бефарқ бўлишимизга ҳаққимиз йўқ, жаҳонда бугун бўлаётган воқеаларга эътиборсиз бўлишимиз мумкин эмас. Айнан ўз Ватанимиз ва қардошларимиз тарихида бўлган воқеаларни мисол тарикасида ўрганиш Миллий онг ва Миллий ўзликни англашга васила бўлади.

Ақли-ҳуши жойида бўлган одам жуда яхши тушунадики, оддий армани ёки рус, ёҳуд эски «коммунарлар гвардияси»нинг тинчлик ва аҳил-тотув қўшничилик муносабатларини маслак қилиб олган намояндаси тарихда бўлиб ўтган воқеалар учун жавобгар эмас. Шунингдек, улар большевикларнинг ёвузлик империясига, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига, айниқса, «Дашнакцутюн» партиясига, Арманистон Республикасининг тинч аҳоли қирғинига олиб келган босқинчилик сиёсатига мутлақо алоқадор эмас.

Ҳатто бир кишининг ҳалокатига олиб келган жиноят ҳам «яроксизлик муддати»га эга эмас. Этник тозалаш доирасида айбсиз инсонларни ёппасига қириш ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Шуни инобатга олиш лозимки, бундай жиноятлар халкаро ҳуқуқда инсониятга карши жиноят сифатида баҳоланади. Бу фактни тасдиқлаш ёки рад этишдан гашкари, ушбу масалада яна қандай ижобий хислатлар булиши мумкин? Бу уринда факат иккита жавоб булиши мумкин - «булган» ёки «булмаган».

Кушгина манбаларда мустамлакачилик ҳамда совет даврларида Туркистон тинч аҳолисининг қатл этилиши билан боғлик фактлар келтирилган. Агар буни инкор килувчи аргументлар булса, ҳис-туйғулар торини чалишга урингандан кура, ушаларни келтириш уринли. Бу масалада ҳис-туйғуга урин йук, фақат ҳис-туйғусиз, қуруқ фактларга урин бор. *«Фарғона водийсида дашноқлар уюштирган қирғин, мустамлакачилик ва большевик армиялари аскарлари томонидан тинч аҳолини қатл этилиши»*да қанака ижобий жиҳат топиш мумкин? Давлатчиликнинг йуқотилишида кандай ижобий ҳикмат булиши мумкин? Куролли аскарлар террорчилар билан *«бир ёқадан бош чиқариб»*, тинч аҳолини улдирса, бу ижобийми ташаббусми? Тинч аҳолининг катлиом килиниши - фантастик силсила чупчаклари эмас. Бу муаллифларнинг фантазияси, хаёлоти ҳам эмас, бир қанча манбалар билан тасдикланган ҳаққоний тарихий вокеалардир.

«Мустамлакачилик боскини», «большевик-дашноқ кушалоклиги», «армани масаласи» каби муаммоларни мухокама килишда халклар уртасидаги узаро муносабатлар иликлиги, ижобий туйғулар ва узаро мехрибонлик ортикча ёки уринсиз эмаслигини, бири бошкасини инкор этмаслигини унутмаслик муҳим. Аммо халкаро ҳуқуқ, халкаро ва этник терроризм мохиятини тушунишда, бу борада бахс юритишда ушбу муаммоларга ҳис-туйғусиз, у ёки бу этносга холис ёндашиш максадга мувофик. Бундай муаммолар таҳлилида миллий ва этник мансубият хеч қандай уринга соҳиб эмас, умуминсоний кадриятларгина бош улчагич бўла олади, холос.

Қандайдир «билағон» большевиклар ва дашнокларнинг жиноятлари ҳакида сўз юритган муаллифни кимдандир эшитиб ёки бу хусусда унинг қаердадир ёзганларини укиб олиб бу ҳақда уз фикрини маълум килган муаллифнинг шахсини ҳакоратлаш, миллатпарастликда, руслар ва арманиларни ҳакорат қилишда, уларнинг ҳуқукларини поймол этишда айблаши оддий фитна ва иғвогарликдан бошка нарса эмас. Бундай ишни террорни қуллаб-кувватлайдиган ва айбсиз инсонлар улдирилишини окловчи ғоялар тарафдорлари қилади. Инсониятга карши жиноятлар, юқорида айтганимиздек, яроксизлик муддатига эга эмас, то заминда инсоният бор экан, бу жиноят ва ғайринсонийлик хисобланади.

Узини ва халкини террорчи ва зуравонлар, котиллар билан тенглаштирадиган инсонлар даволаниши керак. Соғлом фикрдаги руслар ва арманилар, тинч ҳаёт ва қардошликни ёқловчи, халқлар ўртасидаги дустлик ва оддий инсоний меҳр-окибат тарафдорлари булган укитувчилар, муҳандислар, меҳнаткашлар чор мустамлакачилари эмас, большевиклар эмас, дашноқ террорчилари эмас, улар ҳақиқий инсонлардир. Бундай инсонларга инсон сифатида хурмат, муҳаббат ва яхшилик улашиш ҳам қарз, ҳам фарздир. *Тарихда ғайриинсоний ҳаракатларни амалга оширган жиноятчиларни узига ва уз миллатига омухталаштириш нотўғри, агар бу инсоннинг узи мазкур гояларнинг бугуни тарафдорлари билан жиноий тил бириктирмаган булса, табиийки.*

Одамлар ўртасидаги тушунмовчилик ва зиддиятлар эски *«большевизм-ленинизм»* курасида тобланган алоҳида шахс, армани ёки рус миллатига мансуб алоҳида шахс узини ва халкини Скобелев, Черняев, Ленин, Сталин, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига, дашноклар ёки халқлар турмаси булмиш давлатни барпо килган большевикларга тенглаштира бошлаганида юзага келади. Кимлардир узини ва уз халкини саналганларга нисбат бериб, тарихий жиноятларни оқлай бошлаганида баҳслар бозорга айланиб кетади. Рус халки фақатгина большевиклар ва мустамлакачилардан иборат эмаслигини, «Дашнакцутюн» террорчи ташкилоти ва большевиклар тизими бутун армани ёки рус халкини тамсил этолмаслигини, бу нарсалар узаро боғлик эмаслигини тушунадиган пайт келди. *«Инсон учун унинг нафсонияти - унинг ор-номусидир, у номусини йўқотса, демак, инсон нафсониятини йўқотади. Халқлар эмас, инсонлар номусини йўқотиши мумкин».*

«Қизил террор» даврининг Ленин имзоси билан тасдикланган ҳужжатлари, Сталин катағони йилларида тинч аҳоли ва айрича зиёлиларнинг қатл этилиши баҳс мавзусига айланган айрим сухбатларда соғлом фикрдаги кишилар тарихнинг ушбу масалалари буйича турли кўз қарашларни ифода этади, бирок уларнинг аксарияти у йиллар фожиасига холис баҳо бериб, жиноятларни коралайди. Афсуски, большевизм заҳридан нафас олган бирор эски *«ленинчи»* коммунар, эски совет мафкураси иштиёқманди бундай баҳсларда қатнаша олмайди; амалиёт бир неча карра курсатганидай, бундайларнинг асаби баҳса дош бермайди. *«Ленин-Сталин»* ва *«Брежнев»* даврлари пионери, комсомолчиси ва коммунари сифатида яшаш ва фаолият юритиш асл руҳоният эканлигига ишончи комил булган бу инсонлар фақат *«махфий большевик»* сифатида иш юрита олади. Совет сарқитлари тарафдорларининг барча белгилари ва

ҳийлалари руйхати барчага кундан бери маълум ва машҳур, бугун ҳам уларнинг усуллари совет даврида идан айтарли фарқ қилмайди. Улар учун замонлар алмашинуви таҳдид эмас, уларнинг найранглари фақат айёрлашиб боради, лекин узгармайди. Эски имзо ва умрини утаб булган усуллар: *«безбетлик», «ғийбат ва туҳмат», «аниқ-равшан фактларни бузиб, совет иқтидорини оқлашга булган уриниш», «айёрлик», «лаганбардорлик», «имкон булса - тамагирлик»*. Санаб утилган ноинсоний иллатлар бошига асосий иллат булмиш *«ҳасад»* тожи кийдирилган, улардан одатий, маълум ва машҳур совет даври усуллари келиб чиқади. Бу иллатлар соҳиблари ҳамкасбига булган ҳасад сабаби билан туҳмат қилиб (узидан юқоридаги буйрукбознинг қулоғига пичирлаб) турли ярамасликларни амалга ошириши мумкин.

Эски совет даври тарафдорлари бизнинг замонамизда баъзан узбекона тарбия курган инсонлар даврасида эски советча тушунчаларга иштиёкини курсатиши билан бирга большевиклар жиноятларини тасдикловчи фактларнинг сокин мухокамасига шамолдай ёпирилиб кириши ҳам мумкин. Совет даврига булган мехрини яшириб келган айрим нусхалар баҳсда туйғуларига эрк беради, бу билан моҳиятини куз-куз қилиб куяди, ичидаги мафкуравий моилликлар юзага чиқиб колади. Уз моҳиятини очиб қуйган *«лениҳчи»* Хитойдаги Мао маданий инкилоби давридаги *«ҳунвейбин»*чи сингари рақибларига *«пантуркчи», «миллатпараст»* ёрликларини ёпиштириб бошлаши мумкин, Туркистонда совет ҳокимиятининг урнатилиши йилларида тинч аҳолига қарши содир этилган жиноятлар хусусида суз олган маърузачини эса тамоман *«русофоб»*ликда айблаб бошлаши ҳам мумкин. Худога шукур, ленинизм, сталинизм, брежневизмнинг бундай апологетларига энди хеч ким кулок тутмайди ва уларга эътибор берилмай колган даврда яшамоқдамиз. Нима ҳам қилиш мумкин, бу уларнинг моҳияти, доно халқ айтганидай, «букрини гур гузатади». Замонида кучадаги ғийбатчи аёлларнинг туҳматига қолиб буюк олимлар ва генераллар отилиб кетган, Сибирга ёки ок айиклар дийдорига - Кутб ортига, тундра кенгликларини узлаштиришга юборилган. Буни билиш ва ёдда тутиш узини инсон деб ҳисоблаган ҳар биримизнинг умуминсоний бурчимиздир. Бунинг бари булиб утган вокеалар, уларни унутишга ҳаккимиз йук.

Совет саркитларини ташувчилар билан баҳслар мавзу мустамлакачилик ва совет боскинчиларига келиб тақалганида кизикарли тус олади. Аргументлар урнига мустамлакачилик ва совет даврини киёсий йул билан оқлашга булган чиранишлар бошланади. Айтайлик, «ҳиндулар купрок қатлиом килинган эди», «Австралия

аборигенлари кўпрок улдирилган эди» ва ҳоказо ва ҳоказо. Санаб утилган бир колипдаги аргументлардан сунг, нихоят, бахс авжига чикади - «Афгонистонга бир каранг, агар Россия империяси ёки СССР булмаса, биз (ёки сиз) Афгонистондаги каби ящардик (яшардингиз)». Бу энг оммабоп аргумент. Совет саркити ташувчиларида бундай *«аргумент»* энг кучли ва якуний зарба ҳисобланади. Аслида, айнан Россия империяси Британия билан шерикликда бузғунчиликлар ва инсонлар бахтсизлигига олиб келган *«оралиқ-тампон»* Афгонистон давлатини яратганлиги эса унутилади. Айнан СССРнинг Афгонистон ички ишларига аралашувидан сунг конли ички уруш бошланди ва у ҳозирга кадар давом этмокда.

Эски тартиб тарафдорлари ва иштиёкмандлари билан борадиган баҳслар характери кўпрок Совук уруш йилларидаги завод партия йиғинларига ухшайди - уларда совет ишчи-коммунистларининг барча чикишлари «СССР Афгонистонга конунан кирган, у ҳакли эди», «Анжела Дэвиса озодлик», «Луис Корвалан - биродаримиз», «Куба бизники, Фидель Кастро рус» ва бошка шиорларнинг такроридан иборат булар эди. Ваҳоланки, ушал «доруломон» замонларда jeans шимларида юриш, ресторанларга кириш мода, обру ва маданият белгиси ҳисобланар эди. Ғарбда jeans шимлари кундалик ишчи кийими эканлигини эса ҳеч ким уйлаб ҳам кўрмас, ҳаттоки оддийгина сакич хам ҳашаматли ҳаёт белгиси ҳисобланар, ресторанларда алюминий буюмлардан фойдаланиш совет давлатининг одатий белгиси эди, шунга карамай, «совет одами» озик-овкат маҳсулотлари сотиб олиш учун навбатда турганича Америка ва Ғарбни калака килар, *«буржуй»*ларнинг юмшок табиатлилигини оғзидан бол томиб тасвирлар эди. *«Совет одами»* фақат нон учун эмас, ҳатто гугурт учун ҳам навбатда турар эди. Бир кути гугурт 1 тийин тургани майли, озик-овкат дуконида зарбдор социалистик меҳнатга алокадор юзлаб совет фукаролари вино ски арок учун улкан навбатлар ҳосил килганида гугурт учун навбатни бузиш *«советча»* тартибга мос килик эмас эди. Пиво, арок, гўшт учун навбатда туриш, умуман, ҳар кандай товар, ҳатто «калла-поча колбасаси» (ливерная колбаса) учун навбатда туриш оддий ҳолат эди, бирок Ангола, Куба ва Мозамбик, кейинчалик Афгонистонга миллиардлаб сўм сарфлаш коммунистик ҳушёрлик ҳисобланарди.

Балки ким учундир мустамлака ва советлар даври кувончли ва бахтли утгандир, ахир унинг авж палласида бир кило гўшт 1 сўм 62 тийин, арок эса 4 сўм турар эди, аммо умуминсоний меъёрлар, инсонийлик тушунчалари борлигини ҳам инобатга олиш керак. Айбсиз улдирилган гўдаклар, аёллар ва кексалар кони эвазига эришилган арзон арок ва гўшт, ҳатто илмий-техник ва кишлок хўжалиги

ютуклари инсониятга карши амалга оширилган жиноятларни оклаш учун хизмат кила олмайди. Уз вактида куп одамлар мустамлакачилик сикуви ва большевик зуравонлиги йилларида «бегоналар», «махаллий халклар» ва «аборигенлар» учун тайёрлаб куйилган тенглик, бахт ва фаровонликни уз бошидан утказди, уларнинг баъзилари бугунги кунга кадар бундай «бахт»дан узига кела олмаяпти. Дарвоке, одамларнинг айнан шундай ахволи замонавий ахборот урушларининг вайронкор фаолияти мевасидир, зеро уларнинг аснсида ракибнинг гоявий-рухий асосларини барбод килишга каратилган ёлгон гоялардан фойдаланилади. Кайд килиб утиш жизки, уз геосиёсий уйинларида тарих фанини курол сифатида куллашга уринаётган маълум доиралар бор. Биздан узокда утириб, мустакил давлатлар фукаролари онгини захарлашда турли сиёсий технологиялардан фойдаланиб, улар фукароларимиз онгига халк фожиасини бахт ва кувонч сифатида сингдиришга уринади.

Бир нарса кувонтиради - *«Россия империяси мустамлакачилиги даври» ва «1918 йилдан бошланган большевикларнинг зуравонлиги»*, буйича турли куз карашлар мавжуд, аммо, масала турли доираларда турлича тушунилишига карамай, факт фактлигича колмокда. Зеро фактлар куплаб муаллифлар томонидан гувохлар хамда архив хужжатлари шохидлиги асосида тасдикланганидан сунг кадр киймати ва хакконий факт эканлиги хакидаги фикр янада кучаяди.

Вокеалар кандай талкин килинишидан катъий назар, фактнинг мохияти узгармайди. Мутахассисларга яхши аёнки, тарихий вокеалар факт уларок ким уларни качон ва каерда кандай хикоя килгани, улар хакида нима ёзганига боглик эмас. Тарихий вокеалар хакидаги бутун жахон хамжамиятига машхур, нуфузли олимларнинг асарларидан келтирилган фактлар, уларнинг иктибослари, тезислари, констатациялари, фикрлари, баёнотлари ва бахолари, аксинча, вокеага булган кизикишни орттиради, одамлар тарихдан ўхшаш вокеаларни хамда уларни тасдикловчи янада бошка фактларни кидиришда давом этади. Хозирги одамлар ташки кучлар нега ва кандай вазиятларда мустакил давлатчиликни йўк килиши мумкинлигини яхшилаб урганиши лозим. Одамнинг номаълум нарсаларни очиш ва урганишга булган интилиши бунда кул келади.

Утмишни эслаш (ностальгия), табиийки, у кадар куркинчли туйғу эмас, лекин масаланинг кизик томони шундаки, жамиятимизда эски совет бошболдоклиги ва хурофотлари занжиридан онгини халос кила олмаган одамлар халигача бор. Мустамлакачилик ва большевизм утмишда колди, бугунги ахволга уларнинг нима дахли бор? Балки

биз архаизмлар, эскилик сарқитлари ташувчиларини қоралашга ҳақли эмасдирмиз, бирок «эски мода» иштиёкмандларининг қараш-лари ва фикрлари кишини ҳайратга солади - улар узларининг империализмни ва совет тизимини қайтариш ҳақидаги шахсий ва беҳуда орзулари билан бировларнинг калбига кул солишга уринади, бунда эса енгилтакларча беҳаёлик билан бошқаларга узининг мазкур ният-хоҳишларини сингдиришга ҳаракат килади.

Тарихий вокеаларни урганар эканмиз, ёвузлик инсоният душманларининг кирдикорларидан бошқа нарса эмаслигини аниқ англашимиз шарт. Жаҳоннинг барча динлари ушбу ҳақиқатни минг йиллардан буен такрорлайди. Евузликни ҳеч нарса билан оқлаб булмайди. Инсоният тарихи ҳеч нарсани унутмайди, хатто минг йил утиб ҳам гайриинсонийлик кораланади. Шу туфайли биз битта-ёлгизгина ҳақиқатни кабул қилишимиз, англашимиз лозим: *«Миллати ва динидан қатъий назар, инсонга Яратувчи атаган бурч бу фоний дунёда яхшиликка, муҳаббатга ва билимга интилишдир. Айнан ушбу инкор этиб булмас ҳақиқат умум башариятга мулжаллангандир, қолгани эса дунёвий булиб, шубҳа остига олиниши, баҳога сабаб булиши, танқид қилиниши, хатолари топилиши мумкин, зеро қолгани инсоний эҳтиросдир».*

Миллатидан қатъий назар, маълумотли инсонлар чор Россияси ҳокимияти йилларида ҳам, совет ҳукумати пайтида ҳам Кавказ ва Туркистон халкларининг маънавий моддий бойликлари талон-торож килинганини билишлари лозим. *«Аборигенлар»*атамаси билан номланган маҳаллий халқ эса совет ҳокимияти урнатилаётган йилларда ўз ерида пайдо булиб колган, рус кишлокларидан кучиб келган миллионлаб оч-нахор одамларни боккан, кейинчалик эса Иккинчи Жаҳон уруши йилларида бутун Иттифоқдан тупланган болаларни едириб-ичирган, кийинтирган. Бунинг учун ҳеч ким миннатдорчилик талаб килган эмас, зеро бу оддий инсоний меҳр-оқибатдир. Қалбида яхшилик ва миннатдорлик туйғулари ўрнашган инсонлар узбек халкининг бағ кенглиги ва меҳрибонлиги ҳакида жуда яхши билади, буни ёдда тутади, ахир аждодлари уларга бу ҳақда сўзлаб берган. Айнан москвалик ва ленинградлик бағри кенг ва ўкимишли инсонлар Узбекистон халкининг меҳрибонлиги ва ажойиб хислатлари ҳакида шеърлар тўкиган, романлар ёзган. Унутмаслик керакки, большевиклар русларни ҳам фуқаролик уруши йилларида ёппасига отишган, колхозлаштириш пайтида эса оч колдириб, силласини куритишган. Қатағонлар, советлар узбилармонлиги, ўрмон кесишлар, урушлар, ўлим лагерларидан СССРнинг бутун аҳолиси ўтган. Инсон, агар инсон булса, буни билиши ва тўғри баҳолаши лозим.

Ўз еримизда руй берган, ўз тарихимиздан ўрин олган фожиали ҳодисотлар Ватанини севувчи ҳар бир инсонни ўйлантирмай қуймайди. Эл равнаки билан Ватан тақдири ҳамиша ва ҳар дойим олимлар, шоирлар, ёзувчиларни илҳомлантирувчи омил сифатида хизмат килиши лозим. Зеро ҳар бир инсон учун халкининг фожиаси руҳий кийнок, азоб, кайғу ва мунгдир. Мамлакатнинг ҳар бир фукароси ўз тарихи ва маданиятини, халкининг анъана ва кадриятларини билиши жамият тараккиётининг гаровидир. Жамият эволюциясидаги ҳар бир тарихий боскич инсоннинг Ватанининг ўтмишига булган шахсий ёндашувини кайта куриб чикишидан бошланади.

Тараккиётта, умуминсоний кадриятларга нисбатан ҳурматга ойга парвоз килиш билан эришилмайди. ГУЛАГлар, болалар, кексалар, аёлларни буюк ғоя учун, концентрацион ўлим лагерларида ўлдириш, Америка ҳиндуларини, Австралия аборигенларини кирғин килиш ёки Жаҳон урушида козонилган зафар билан буюклик намойиш этилмайди, аксинча мехнатсеварлик ва инсонларга нисбатан меҳр-оқибат билан халкнинг буюклиги тасдикланади ва исботини топади. Жаҳонда бугунги кунга кадар ўз халкининг буюклигини мехнатсеварлик ва эзгулик улашиш йўли билан исботлаётган оддий инсонлар жуда кўп, ва уларни бахтли инсонлар дея оламиз, зеро бахтсизликнинг йўклигиёки бахт деса булади.

Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига, деганларидай, кимдир фазога биринчи итни юборган миллатни дунёда энг буюк деб билади, кимдир эса уруш пайтлари душманининг минглаб аёллари, болалари ва кексаларини, ҳарбий ҳолат ва тарихий ракобатга карамай, ўлим ва жудоликлардан ҳимоя килишга тайёр миллатни буюк деб билади. Ким учундир ўз тўклиги ва шухратпарастлиги йўлида ўз халкини ҳам, бошка халкларни ҳам талон-тарож килган одам буюк булса, яна кимлар учундир ўз дастурхонидан ҳеч бўлмаганда бир нафар оч-наҳор инсоннинг корнини тўйдирган киши буюкдир. Ҳар бир шахснинг буюклик ҳакида ўз тасаввури бор. Дид ҳакида баҳслашмайдилар.

«Халқлар ва миллатларни қаерда истасанг ва қандай истасанг алқа, лекин бошқаларни ерга урма ва камситма, бундан сенинг миллатинг буюк бўлиб қолмайди!»

Инсоннинг буюклиги унинг иркий ва миллий устунлик ғояларига йўғрилган, ўзи каби инсонларни кирғин килишга чакирувчи мафкураларга эмас, балки эзгу ғояларга ошуфталигида, нафакат ўз миллатига, балки бутун инсониятга ва тирикликка мехрида кўринади. Қизил байрок остида барча халқлар тенглигини эълон килиб, амалда эса одамларни миллатига қараб ўлдиришни тарғиб қилган, таъбир жоиз бўлса, шунга мажбурлаган давлат тизими кимга ва нега керак?

Бутун дунёда «умумий қашшоқлик»ни урнатиш йулида уруш қилишни ғарғиб этувчи ҳар қандай ғоя жамиятни муҳаққак ҳалокатга келтиради.

Узбек халқи уз аждодларининг ғоявий-маънавий кадриятларига садоқатли булиб қолаверади ва уз илдизларида мустаҳкам туравераді. Узбек давлатчилигининг куп асрлик тарихи ва миллий мустақиллик ғояси Туркистон халқларининг минг йиллик бой маънавий қадриятларига асосланган миллий узлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Большевизм диктатурасининг урнатилишига қарши Туркистон миллий истиқлолчилик ҳаракати тарихига булган қизиқиш бугунги жамиятимизда жуда катта булиб, у бошқа тарихий мавзуларга булган қизиқиш ва иштилишдан кура анча кенг микёс касб этган. Ёш одамларнинг билимга чанқоқлиги миллий озодлик ҳаракати мавзуидаги суҳбатларда яққол куринади - бу мавзу муҳокама қилинганида кўплар жонланади ва қизиқ саволлар бера бошлайди. Уларнинг кўпчилиги шижоат билан, илмий атамаларни қулламасдан, оддий халқ тилида муаммони қандай куришини ифодалашга уринади, бунда тортинмасдан, конкрет равишда ва ғурур билан совет тарихчилигида «босмачи» деб эълон қилинганлар боболаримиз эканлигини, улар Ватан мустақиллиги курашчилари булганлигини айтади. Уларни тинглар эканмиз, Рыбаковнинг «Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача СССР тарихи»ни урганишга тўғри келган талабалик йилларини эсга оламиз. У китобда бизнинг тарихимиз ҳақида бор-йуғи уч ёки турт варақ маълумот ёзилган эди. Сал кам уч минг йиллик давлатчилик тарихига бор-йуғи уч-турт варақ ажратилиши, лекин бир неча ой давомида номигагина подшо булган Лжедмитрийга йигирма ёки уттиз саҳифа ажратилиши жуда ғалати эди. Қушимча тарзда яна бошқа дарс ҳам бор эди - жанубий ва ғарбий славянлар тарихини урганар эдик. Шундай экан, барибир биз ҳозирги ёшлар уз тарихи ҳақида, совет даврида таълим олганлардан кура кўпроқ нарса билишини тан олишга мажбурмиз. Мустақил Узбекистон ёшлари уз халқининг тарихи ҳақида мутлақо бошқа китобларни ўқийди, биз эса уларнинг ёшида бу китоблардан тамомила бехабар эдик.

Узбекистон Республикасида мустақиллик ғиқланганидан сунг яқин утмишда яшаган миллий қаҳрамонларни ҳурмат қилиш ва уларга эҳтиром кўрсатиш билан бир қаторда Ватан мустақиллиги йулида курашиб, бу йулда жонини берган азаматлар хотираси расман қайта тикланди. "Шаҳидлар хотираси" мажмуи ва музейи, Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотирасига аталган ҳар бир шаҳарда мажмуалар яратилди. Унча узоқ бўлмаган утмишда исмларига «бандит», «босқинчи», «босмачи» ёрлиқлари ёпиштирилган боболар

ва оталарнинг номлари қайта тикланди ва оқланди. Бу тарихий шахсларнинг асл киёфаси академик тадқиқотларда ҳам, тарих дарсликларида ҳам Ватан мустақиллиги курашчилари сифатида ҳаққоний гавдалантирилган. Эндиликда нашрларда ва таълим жараёнларида улар нигоҳимиз ўнгида ҳақиқий қаҳрамонлар, Ватани ва халқига садоқатли тарихий шахслар сифатида гавдаланади. Таълим тизими ва тарих тадқиқотчиларига тасанно айтиш керакки, улар халқимиз фожиали утмишидаги тарихий ҳақиқатларни академик усулларда тафтиш килиб келмоқда.

ХУЛОСА

Узбекистон миллий мустақиллиги ғоясининг шаклланиши айнан узбек жамиятининг шаклланишидан, унинг илдизларидан тортиб бугунги тараккиётигача булган омилларга бевосита боғлиқдир. Бунда ҳам тарихий жараённинг узи, ҳам авлодлар ворисийлиги куринади, зеро бу вокеаларнинг бари она еримизда - узбек халкининг тарихий Ватанида руй берган ва бермоқда. Айнан она заминда ва факат унда миллий узлик шаклланиши мумкин эди. Бу - инсоний тафаккур асосларининг асоси, миллий давлат доирасидаги жамият эволюциясининг бош ҳаракатлантирувчи кучи. Айнан ҳар бир фукаронинг уз халки тақдиридаги вокеаларга берган дадил ва холис баҳосидан сунг бутун жамиятнинг рухий узгариши бошланади.

Миллатпарастлик ва токатсизлик кайфиятларининг усишига, одамларнинг халкаро хукукий актларда курсатилган ҳамда мустаҳкамлаб қуйилган асосий ҳак-ҳуқуқларининг бузилишига, асл умуминсоний кадриятларнинг бузиб курсатилиши ёки кадрсизлантирилишига булган уринишларга самарали равишда карши туришда расмий ва ҳаққоний мустакил булган, бошқа мамлакатлар хукуматларининг манфаатлари ва иродасига боғлиқ булмаган узимизнинг мамлакатимизнинг сиёсий-иктисодий позицияларини тарғиб этиш ишларини фаоллаштириш ута муҳимдир. Қардош халқлар тақдиридан урин олган тарихий вокеаларни, фактларни батафсил ва мукаммал мисоллар ёрдамида ўхшаш вокеаларни киёслаб ўрганиш пировардида тарихий ва замонавий бузғунчиларнинг ниятларини ҳамда уларнинг учинчи кучлар томонидан геосиёсий уйинларда қандай максадда ишлатилишини тушунишга олиб келади.

ИККИНЧИ КИТОБ
ЖАНУБИЙ КАВКАЗ ФОЖИЛСИ

«Енгилмаслик ҳар кимнинг узида, ғалаба имконияти эса душманга боғлиқ»
Сунь Цзи[191]

КИРИШ

Ишончли манбалардан яхши маълумки, инсониятнинг энг узок утмишидан бошлаб Марказий Осиё халқлари Кавказ ахолиси билан яқиндан алока қилиб келган. Тарихан Туркистон ва Кавказ ургасидаги этно-конфессионал, ижтимоий-маданий ва иктисодий алоқалар ҳеч качон тухтамаган. Шу боис ушбу минтакаларда руй берган тарихий вокеалар узаро ухшашликка, бир хилликларга эгадир. Туркистон ва Кавказда руй берган параллель тарихий вокеаларни тахлиллан утказар эканмиз, Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатининг ҳамда Советларнинг большевистик сиёсатининг моҳиятини гушунгандай буламиз. Тарихий вокеаларни ургганда ташқи кучлар томонидан сунъий равишда юзага келтирилган этник зиддиятларга алохида ахамият каратиш лозим булади.

XXI асрда, Кавказ ва Марказий Осиёда мустақил давлатлар шаклланганига қарамай, бу минтақалар геосиёсий уйинчилар манфаатлар зоналарида колаётгани боис баъзи сиёсатчиларга уйку бермаяпти. Бундай контекстда Тоғли Қорабоғ муаммоси ута долзарблигича қолмоқда, зеро у шунчаки Арманистон ва Озарбайжоннинг ракобат худуди эмас. Ушбу ихтилофда янада йирикрок, жиддийрок кучларнинг манфаатлари тукнашган булиб, бу худуд уларнинг геосиёсий уйинларида мухим урин тутади.

Шу лаҳзалаода кардош Озарбайжон халки худудлари ишғол килинишининг оғир окибатларини бошдан кечирмоқда. Кавказдаги бугунги армани озарбайжон кескинлиги балки келажакда ушбу минтакага турли ташки кучларнинг кириши учун кулай замин яратар, зеро улар ҳар доим ҳам яхши ният билан келмайди. Шу муносабат билан мазкур тадқиқотда Озарбайжонда СССРнинг парчаланиб кетиши арафасида юзага келган Тоғли Қорабоғ этник ихтилофи тарихидаги асосий вокеаларга алохида диккат-эътибор каратилган. Дарҳакикат, Тоғли Қорабоғ ихтилофи *трансшарқий* ахамият касб этади. Бир пайтнинг узида у *куп векторли* хам булиб, бу Марказий

191. М.ав. IV-V асрларда яшаган хитойлик ҳарбий стратег

Осиё, Кавказ ва Кичик Осиёда руй бераётган вокеаларнинг ташки ижрочилари булмиш йирик хокимиятлар, кучли махаллий давлатлар унга каратаётган эътиборига боглик. Кардош халклар такдирида кузатилган тарихий вокеалар тахлили, уйлашимизча, муаммо мохиятини кенгрок очиш имконини беради.

Купгина узбекистонликлар Тогли Корабог муаммосига кизикиш намоён этади, бу кизикишларини эса кардошлик туйгулари билан тушунтиради. Узбеклар ва озарбайжонлар учун кардошлик туйгулар гарбияси хамда усиб борастган авлоднинг маънавий камолоти хар доим долзарб мавзу булиб колган. Озарбайжон миллий зехнияти ва этник маданияти узбеклардаги инсонпарварлик, мехрибонлик, багрикенглик ва биродарона куйинчаклик билан нихоятда мувофик келади. Биз Шарк халкларимиз, узбеклар ва озарбайжонлар кадимий ва умумий илдизга эгадир - улар кардош халклардир, ва бизда кардошлик ришталари мукаддас саналади, бизнинг маиший хаётимизда кариндош такдирига булган кизикиш меъёрдаги феъл-атвор хисобланади, бундай туйгуларнинг йуклиги эса, аксинча, фожиа сифатида баходаниб, уз маданиятимиз ва маънавиятимизнинг йуколишига олиб келувчи омил деб курилади. Бу эса Туркистон ва Кавказ халклари кийин тарихий шароитга карамай, кейинги авлодларига миллий узлиги ва миллий гурури билан боглик хис-туйгуларни етказа олган аждодларининг муносиб авлодлари эканлигини тасдиклайди. Бизнинг миллий узлигимиз ва миллий гururимиз бошка халклар миллий ор-номусини инкор килиш ёки хакоратлаб оёк ости килиш эвазига яшаб тургани йук. Ушбу принципларга асосланган холда расмий Узбекистон хар доим давлатлараро бахсли масалаларни куролли йул билан хал этиб булмаслигини таъкидлайди ва жахон хамжамиятига буни етказишга интилади, шунингдек, хар кандай мамлакатнинг худудий яхлитлиги юзасидан уз нуктаи назарини очик-равшан ифода этади. Бу Узбекистон ташки сиёсатининг асосий мохияти, туб илдизи тинчликсеварлик позицияси эканлиги билан бевосита богликдир.

Тогли Корабог можаросини урганишга булган кизикиш шу билан хам тушунтириладики, бу постсовет мухитидаги этник урушга айланиб кетган биринчи этник можора хамдир. Ихтилоф айни авжига чиккани хар куни Узбекистон телеканалларидан Тогли Корабог можаросининг охирги янгиликларини билиб туриш мумкин эди. Тогли Корабог муаммосини сиёсий хал килиш хамда ишгол остидаги Озарбайжон худудларининг асл эгасига кайтарилиши учун шарт-шароитлар аниклангунига кадар, 1994 йилдан эътиборан ут очиш тухтатилганидан сунг узбек тарихчилари, публицистлари ва сиёсатчиларининг асосий

диққат-эътибори уз маҳаллий муаммоларига қаратилган эди. Негаки мустақиллик тонгида, Озарбайжонда бўлгани каби, Узбекистонда ҳам турли ички ва ташқи таҳдидлар давлатчиликнинг тикланишига тўсқинлик қилаётган эди. Қушни мамлакатларда рўй берган ва бераётган воқеалар эса айни дамда ҳам иқтисодиёт ва маданият соҳаларидаги минтақавий ҳамкорликка жиддий таҳдид тўғдирмоқда. Масалан, қушни Афғонистондаги қуп йиллик ихтилоф, диний экстремизм, Афғонистон ва Тожикистон орқали Россияга ва Европага ўтадиган ноқонуний гиёҳванд моддалар трафиги бугунги кунга қадар Ўзбекистонга террорчилар ва гиёҳванд моддалар кириши таҳдидини уйғотиб турибди.

Утган аср охирида, СССР қулашида ҳамда XXI аср бошларида Узбекистоннинг Фарғона водийсида ҳамда Жанубий Қирғизистонда учинчи кучлар «қуллари» билан сунъий яратилган конли этник тўқнашувлар ҳамда диний-экстремистик гурухларнинг фаоллашуви, қушни Тожикистондаги фукаролик уруши, Тошкентдаги давлат объектларига уюштирилган террорчилик ҳужумларининг окибатлари - шу ва шу каби бошқа қуплаб воқеа-ҳодисалар минтақавий ахамиятга молик энг долзарб масалалар эди. Табиийки, бу воқеалар узбекистонликлар ва узбек публицистларининг асосий эътиборини қаратиб келмоқда. Таъкидлаб утиш жоизки, қизғин ташқи сиёсий кучлар кун тартибига карамай, Узбекистон Республикаси ҳар доим Озарбайжон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини ҳамда озарбайжон халқининг уз ҳудудига бўлган ҳак-ҳуқуқларини расман қуллаб-қувватлаб келган ва бугун ҳам қуллашда давом этмоқда. Бу масалада Узбекистоннинг расмий позицияси қатъий ва узгармас бўлиб колмоқда, ва ушбу позиция жаҳон ҳамжамияти олдида бир неча маротаба очик-ойдин тасдиқланган. Узбекистонликлар ва озарбайжонликлар буни доимо эсда тутишлари лозим, зеро, доно халқимиз айтганидек, «Дуст қулфатда билинади».

Оммавий телбаликнинг юзага келиши ҳамда унинг окибати бўлмиш зуравонлик, тинч аҳоли вакилларининг қатлиоми сабабларини аниқлаштиришга утишдан олдин жиноят ижрочиларини ҳаракатга келтирган ғоялар мазмун-моҳиятига эътибор каратмоқ лозим. Иркчилик, миллатпарастлик, террорчилик ва оммавий кирғинга (геноцидга) хайрихоҳларда инсониятга карши жиноятлар содир этиш маслаги маънавий қашшоқлик окибатидир. Гузал ва умуминсоний эзгулик ғояларига соҳиб булмагандан сунг маънавий қашшоқ инсонлар қозонда борини чумичга чикаради-да, яъни ичида турган ёвузлик, инсонларга нисбатан нафратни юзага олиб чиқади. Маниакал тушкунлик, шизофрения, паранойя, турли фобиялар ва инсон руҳиятида

салбий жиҳатларни келтириб чиқарувчи бошқа хасталиклар клиник масала бўлиб, уларга ташхис қўйиш тиббиёт ходимларининг касбий жавобгарлиги доирасига киради. Шу боис мутахассис руҳшунос ва психиатр-невропотологлар бу оғишларнинг моҳиятини тарихчилардан кўра яхшироқ билади. Тарихчилар эса жиноят ижрочиларининг хасталикларини эмас, балки улар нормал инсонларга қарши содир этган конкрет жиноятлар, уруш ва террорчилик актлари чоғида тинч аҳоли вакилларини кирғин қилишини урганади:

- Бугунги дунёда инсоннинг руҳий оламини вайрон этиш мақсадида ёлғон ғоялар тарғиботи учун онг захарлашнинг қандай усуллари, қандай сиёсий технологиялар қўлланилади ва бу нега керак, дахшатли, ғайриинсоний жиноятлар қандай ғайриилмий назариялар ва сиёсий омиллар билан хаспушланади?
- Турли этник-конфессионал гуруҳ намояндаларини ғайриинсоний хатти-ҳаракатларга, бир-бирига қарши жиноятларга ундайдиган этник зиддиятларнинг юзага келишида ташқи омилнинг, аниқроғи, учинчи кучларнинг ўрни қандай?
- Боскинчилик, зўравонлик, миллатпарастлик жазаваси, тинч фуқароларга қарши террор актлари ҳамда геноцидлар тарихда қандай мақсадда ижро этилган эди, бундай хатти-ҳаракатлар қандай оқибатларга олиб келади, бунинг бари жаҳондаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазиятга қандай таъсир утказади?

Моҳиятан, бу саволларга жавоб қидириш нафақат тарихчилар, ҳуқуқшунослар ва сиёсатчилар, балки замонамизнинг ҳар бир кишиси учун бир тадқиқот майдонидир, умуман, жаҳон сиёсати тарихига бўлган қизиқиш шу тавр саволларга жавоб қидириш билан боғлиқдир. Ҳар қандай ихтилоф, шу жумладан, этник ихтилофнинг ҳам табиати ҳар доим мураккаб ва зиддиятлидир, негаки у сабаблар ва ихтилофий омиллар мажмуига боғлиқ, улар эса, ўз навбатида, томонларнинг ботиний ва зоҳирий манфаатларига ришта улайди, сўнг ушбу конструкция маълум ривожланиш боскичларини ва қарама-қаршилик шаклларини бошдан кечиради.

ХХ асрнинг охирги ўн йилликларида ўткирлашиб кетган этник ихтилофларнинг ҳар томонлама таҳлили, уларнинг турлари, муаммонинг сабаблари ва манбаини ўрганиш жамиятнинг социал-маиший ҳаётида бевосита акс этадиган салбий оқибатларни тушунишга ҳамда янги ихтилофларнинг олдини олишга ёрдам беради.

2.1. КУЛФАТНИНГ БОШЛАНИШИ

Ҳар кандай империя ресурсларни эгаллаб олиш ва халқларни буйсундириш ҳаракатида, мустамлакачилик сиёсатида, уруш ва ихтилофларда оддий одамлардан фойдаланиб келган ва шу йул билан, бошкариш осон булсин учун, уларни бир-бирининг ракибларига айлантирган.

Сунъий равишда яратилган зиддият озарбайжонлар ва арманилар орасида бир неча марогаба чинакам фожиани келтириб чикарди. Аслида армани-турк ихтилофи бир асрлик тарихга эга булиб, Британия, Франция ва Россия империяларининг тажовузкор сиёсати окибатидир.

XIX асрга кадар Кавказга даъво килмаган армани миллатпарастлари, асосан Шаркий Анатолия ва Эронда истикомат килар эди. Россия империясининг Эрон ва Усмонли салтанати билан урушларидан сунг Жанубий Кавказ (рус манбаларида Кавказорти деб аталади) Россия таркибига кушилди ва шу билан ушбу минтакадаги вазият узгара бошлади.

Усмонли салтанати ва Эронга юришлари чогида Россия империяси ушбу мамлакатлар фукаролари булмиш арманилардан душман худудининг ичкарисида «бешинчи колонна» сифатида фойдаланган ва шу йул билан тилга олинган давлатлардаги баркарорлик ва бирдамликни ичдан емирган. Худди шу максадларда мустамлакачилик сиёсатининг мазмунига айланган "армани омили" Жанубий Кавказда хам кулланила бошланди.

XIX асрнинг биринчи ярмидан Жанубий Кавказдаги Озарбайжон хонликларининг Россия империясига кушиб олинган худудларига Эрондан ва Усмонли давлатидан арманилар кучирила бошланди. Мана шу вокеалардан сунг махаллий халкларнинг туб ерларига булган даъволар кун тартибига кела бошлади. Якинда кучириб келинган арманиларнинг ерли халк билан муносабати Кавказ туркларн ва мусулмонларига карши куролли тажовузга айланиб кетди. Жанубий Кавказга кучирилиб келиши хакида армани муаллифларининг хабарига кура: «Арманиларнинг Эрон ва Туркиядан Шимолий Озарбайжонга (Жанубий Кавказ) кучирилиб келишидан бурун арманиларнинг Еревандаги микдори жуда кам эди. Айнан кучириш сиёсати амалга оширилганидан сунг, 1850 йилга келиб арманиларнинг бу ердаги умумий улуши 8 фоизга, 1879 йили эса 9 фоизга, 1897 йилда 10 фоизга етди»[192].

XIX аср охирида миллатпараст арманиларнинг «тарихий

192. Парсамян В.А., Погосян С.А., Арутюнян Н.Р. История армянского народа. Армучпедгиз, 1961, Б. 131,158.

буюклиги»ни асослаш интилишида Кавказда улкан армани давлати кадимдан мавжудлигини кўрсатувчи черков афсоналари ишга тушди. Бунинг оқибатида авж олган вокеалар эса ҳам якинда кучиб утган арманилар, ҳам Кавказнинг маҳаллий халқлари учун чинакам фожиага айланди. Ташки кучлар томонидан яратилган ғоявий тафовутлар ва келишмовчиликлар туфайли арманилар ва озарбайжонлар ортасидаги этник зиддиятнинг қонли натижаси булмиш воқеа-ҳодисаларга бошланма берилди. Утмишда ҳам, бугун ҳам минтақада купчиликни ташкил этувчи туркий ва мусулмон аҳолига карши чикиш. Шаркий Анатолия ва Жанубий Кавказнинг туб аҳолиси арманилар эканлигини гуёки исботловчи эртак ва ривоятлар билан тинч аҳоли кирғинини оқлашга булган уринишлар аввал бошидан уткир ихтилофлардан кочиб булмайдиган бир вазиятни тугдирган эди, бу эса буюк ҳокимиятларга оддий армани халкидан уз геосиёсий уйинлари йулида «романтик курбон» ясаш учун зарур эди. Яна бир муҳим тарихий фактни ҳам ёддан чиқармаслик керак. Айнан армани халқи вакиллари буюк ҳокимиятларнинг ҳамда уз қавмдошлари ва етакчилари томонидан «бегона»ларни ўлдириш ва йўқ қилишга илҳомлантирилган асосий курбонига айлантирилди.

ХХ аср бошида, ҳар доимгидай, «жабрдийда» армани халқи яна буюк ҳокимиятларнинг кўзланган геостратегик максадларга эришиш йулидаги сиёсий уйинларда қуролга ёки воситага айланган эди. Россия империясининг укувсиз мустамлакачилик сиёсати, кейинчалик эса большевикларнинг тоталитар режими туфайли оддий арманиларнинг онгига этник кеккайиш, Кавказнинг бошқа халкларига нисбатан ҳакоратли муносабатда булиш, уларга паст назар билан караш сингари иллатлар сингдирилди. Масаланинг диккатга сазовор томони шулки армани ватанпарварлиги моҳиятан аввал ҳам, ҳозир ҳам Россияга булган муҳаббат, турк ва мусулмонларга булган нафратдан иборатдир. Ҳатто руспарастликнинг сабабини кучли кўшнилар олдидаги ёлғизликнинг окибатидир, дейиш ҳам мумкин. Тарихдан маълумки Кавказ ерларини тулиқ эгаллашига кўзлари етмаган миллатпарастлар тегишли «тарихий» хариталар силсиласини чоп эта бошлаган эди[193], бу билан «Денгиздан

193. Арутюнова-Фиданян В.А. Повествование о делах армянских. VII век. Источник и время. М., 2004, карта форзацев; Еремян С.Т. Армения по «Ашхарацуйц»у (армянской географии VII века). (Опыт реконструкции армянской карты VII века на современной картографической основе). Минск, 1961; Айвазян С. Исторические карты Армении. Ереван, 2003; Даниелян А.И. Армения. Исторический атлас. М., 2003; Hewsen R.H. Armenia. A Historical Atlas. Chicago-London, 2001; Hovhannisyan R. Atlas Armenian History.Yerevan, 2007.

денгизгача булган Буюк Арманистон»га илк даъволар ошкор этилди[194]. Мазкур мафкуравий эртак, ҳар қандай армани тарихий баёни сингари, бир қатор «оригинал» даврларни уз ичига олади.

Россия империяси кулаганидан сунг 1918-1920 йиллар Жанубий Кавказда мустақил Озарбайжон Демократик Республикаси, Гуржистон Демократик Республикаси, Арарат Республикаси мавжудлиги даври булди[195]. Шунингдек, Карс ва Ороз Турк Республикалари, Озодистон Республикаси, Гилон Совет Республикаси яратилди. 1920-1921 йилларда улар тугатилди. Озарбайжон ССР, Гуржистон ССР, Арманистон ССР яратилди, улар, уз навбатида, 1936 йили СССР таркибига киритилди. Карс Республикаси Туркия таркибига кушилиб, тугатилди ва элларга (вилоятларга) булинди - Агри, Ардахан, Ардвин, Ван, Иғдир, Карс. Озодистон ва Гилон Республикалари тугатилиб, Эрон монархиясининг Ардабил, Астара, Гилон, Шаркий Озарбайжон, Занжон, Ғарбий Озарбайжон, Қазвин, Сова, Ҳамадон остонларига булиб ташланди. 1945-1946 йилларда Эронда, шунингдек, Жанубий Озарбайжон миллий ҳукумати тузилди ва фаолият юритди, аммо мамлакат куролли кучлари томонидан у ҳам тугатилди[196]. Озарбайжонларнинг собиқ Правон хонлиги худудида «Дашнакцутюн» партияси стакчилигидаги Арарат Республикаси тузилди; 1936 йили унинг урнини СССР таркибидаги Арманистон ССР эгаллади, 1991 йили эса, СССР парчалангач, мустақил Арманистон Республикаси пайдо булди[197]. Худуди 25,654 квадрат вёрстни = 29,194 квадрат километрни ташкил этган Россия империясининг Эривань губернияси охир-оқибат бугунга Арманистон Республикасига айланди, майдони

---

194. Арутюнова-Фиданян В.А. Повествование о делах армянских. VII век. Источник и время. М., 2004, карта форзацев; Еремян С.Т. Армения по «Ашхарацуйц»у (армянской географии VII века). (Опыт реконструкции армянской карты VII века на современной картографической основе). Минск, 1961; Айвазян С. Исторические карты Армении. Ереван, 2003; Даниелян А.П. Армения. Исторический атлас. М., 2003; Hewsen R.H. Armenia. A Historical Atlas. Chicago-London, 2001; Hovhannisyan R. Atlas Armenian History.Yerevan, 2007.

195. Гусейнов Р.А., Вердиева Х.Ю. Шу асар., Б.136-142; Silogava V. Shengelia K. History of Georgia.Tbilisi, 2007, chapter IX; СаркисянГ.Х. и др. Шу асар., глава XVIII.

196. Тагиева Ш. Демократические республики Юго-Восточного Кавказа (Азадистан и Гилянская Советская Республика). Баку, 2005; Гаджиев А. Демократические республики Юго-Западного Кавказа (Карсская и Араз-Тюркская республики). Баку, 2004; Tağıyeva Ş. Rəhimli Ə. Bayramzadə S. Güney Azərbaycan. Bakı, 2000.

197. Саркисян Г.Х., Худавердян К.С., Юзбашян К.Н. Потомки Хайка. Очерк истории и культуры Армении с древнейших времён до становления Третьей республики. Ереван, 1998, главы XVIII, XIX, XXII.

эса деярли узгаришсиз қолди - 29,800 квадрат километр[198].

Армани манбаларига ишонадиган бўлсак, 1921 йилдан 1936 йилга қадар Арманистонга 42000 армани кучиб келди. Иккинчи Жаҳон урушининг охирида совет раҳбарияти СССР ҳудудини Туркия ҳисобига кенгайтиришга қарор қилиб, 1945 йил мартида у билан 1925 йил 17 декабрида тузилган дўстлик тўғрисидаги шартномани бир томонлама тартибда бекор қилди. Шу тарика, 1945 йил 21 ноябрида Сталин имзоси билан хорижлик арманиларнинг совет Арманистонига иммиграцияси ҳақидаги қарор чиқарилди. 1946 йили Арманистон бошқа мамлакатлардан келган 50 мингдан ортиқ, 1947 йили 47 минг, 1948 йили 10 минг арманини қабул қилди. 1961 йилгача Арманистонга Сурия, Ливан, Франция, АҚШ, Миср, Болгария, Руминия ва бошқа мамлакатлардан 100 мингга яқин армани кучиб келди[199].

Арманистон ССР раҳбариятининг Тоғли Қорабоққа бўлган даъволари 1945 йил ноябрида Арманистон ССР КП МК котиби Г. Арутюновнинг ВКП(б) МК котиби Г. Маленковга телеграмма йўлланишига сабаб бўлди. Унда Г. Арутюнов ТҚМВ (Тоғли-Қорабоғ Мухтор Вилояти) Арманистон ССРга қўшиб берилиш таклифини мухторият халкининг хоҳиш-иродаси билан тушунтиришга, шунингдек, минтақа ривожланиш учун яхшироқ шарт-шароитларга эга бўлиши билан тушунтиришга уриниб кўрди. Озарбайжон раҳбари М.Д. Багиров 1945 йил 10 декабрида Г. Маленковга кенгайтирилган жавоб йўллаб, унда аксилтаклиф илгари сурди. Ушбу таклифга кўра, у Озарбайжон ССРга Арманистон ССРнинг озарбайжонлар истикомат қиладиган Азизбеков, Веди ва Қорабоғлар туманларининг қўшиб берилиши эвазига ТҚМВни (Тоғли-Қорабоғ Мухтор Вилояти), озарбайжонлар яшайдиган Шуша туманидан ташқари, Арманистон ССР таркибига топшириш рози бўлди. Мазкур жавобга Қорабоғнинг сиёсий тарихи юзасидан қисқа маълумотнома ҳам илова қилинди. Ушбу жавобдан сўнг масала кун тартибидан олиб ташланди, лекин Арманистон томони Озарбайжон ҳудудини аннексия қилиш режаларидан воз кечмади[200].

1947 йил 23 декабрида СССР Вазирлар Кенгаши *«Колхозчилар ҳамда бошқа озарбайжон аҳолисини Арманистон ССРдан Озарбайжон ССРнинг Кура-Аракс пасттекисликларига кучириш тўғрисида»*ги №4083 сонли қарорни чиқарди. Озарбайжон ССР

198. СССР Административно-территориальное деление союзных республик на 1 января 1987г. М., 1987, Б.517.

199. История армянского народа. Ереван, 1980, Б. 336.

200. «Карабахский вопрос. Истоки и сущность в документах и фактах». Степанакерт, 1991.

етакчиси М.Д. Багировнинг каттик позицияси туфайли жараён тухтатиб қуйилди, аммо у хам охир-окибат озарбайжонларнинг Кура дарёси водийсининг пасттекислик кисмига кучирилишига кунишга мажбур булди. 1948 йилдан 1953 йилга кадар 150000 озарбайжон кучирилди. Улар уз тарихий ерларидан - бугунги Арманистоннинг тоғли туманларидан уша пайти хали сувсиз какраб ётган Муғон даштига ва Мил текислигига мажбуран кучирилди. Озарбайжонлар келган янги ерлар улар юритадиган тоғ-яйлов чорвачилиги фаолияти билан шуғулланиш учун мослашмаган эди. 1961 йил урталарига келиб Арманистоннинг озарбайжонлар кувилган ерларига чет элдан 200 минг армани кучиб келди[201], 1962 йилдан 1973 йилга кадар келган кучкинлар сони эса 26100 кишини ташкил килди[202]. Кучиб келган арманилар, гуё озарбайжонларнинг «уз ихтиёрига кура» кучирилган кишлокларга жойлаштирилди.

И.В. Сталиннинг вафотидан сунг СССРда «илиш» даври бошланиб, армани харакатининг узок ва якин кушниларига булган худудий даъволари кайтадан кун тартибига чикди. Бу жараённинг фаоллашишидаги дастлабки боскич 1956 йили арманиларнинг «Ватанпарварлар иттифоки» хамда 1963 йилда «Армани ёшлари иттифоки» ташкилотларининг тузилишига тўғри келди. Улар уз максадлари сифатида «армани давлатчилигини тулик хажмда кайта тиклаш»ни, яъни «Денгиздан денгизгача булган Буюк Арманистон» мифологема-идеологемасини жонлантиришни курсатди. 1956 йил апрелида Арманистон КП МКнинг янги биринчи котиби С. Товмасян Москвага хабар йуллаб, унда Ереван университетининг партия йиғилишида хамда Арманистон ёзувчилар иттифоки мажлисида Озарбайжон ССР чегараларини кайта куриб чикиб, Тоғли Корабоғ ва Нахчивонни Арманистон ССРга кушиб беришга булган чакириклар янграганини маълум килди[203]. ТҚМВнинг (Тоғли-Корабоғ Мухтор Вилояти) Озарбайжон ССРдан ажратилиб, Арманистон ССР таркибига кушиб берилиши масаласи яна бир бора А.И. Микоян ташаббусига кура кутарилди. Никита Хрушчёв бунга кескин карши чикди хамда ТҚМВ арманиларини Арманистонга кучириш таклифини билдирди. Бу хакда Юрий Помпеев «Корабоғнинг конли гирдоби» китобида ёзади: «... А. Микоян СССР Олий Кенгаши Президиуми раиси булгач, 1964 йил бошида Н. С. Хрушчёвга ТҚМВни Арманистонга кушиб беришни таклиф килди, бунда ун йил мукаддам Крим Украинага муваффакиятли тарзда утказилганини мисол килиб курсатди. Хакконий маълумотларга

201. Документы внешней политики СССР (Москва, государственное издательство «Политическая литература», 1962 год), том 6, примечание 33, Б. 611.

202. История армянского народа. Ереван, 1980, Б. 418

203. Həsənli C. Azərbaycanda Milli məsələ: siyasi rəhbərlik və ziyalılar (1954-1959). Bakı. Б. 108-109

кура, Н. С. Хрушчёв аччиқланиб жавоб берди: *ТҚМВ арманиларини бир сутка давомида Арманистонга кучириш учун 12 минг ҳарбий юк машинаси тақдим этишга тайёрман»*[204].

Совет режими миллий тарихга, алоҳида халқ маданиятига булган илиқ муносабат ва мухаббат ифодасига карши булиб, буни коралар ҳамда «миллатпарастлик» деб, бундай караш тарафдорларини эса «миллатпарастлар» деб эълон қилар, кейинчалик эса тегишлича жазо чораларини курар эди, лекин, шу билан бир каторда, совет миллий сиёсатида арманиларга булган тушунарсиз ва ғалати мехр-муҳаббат кузга ташланарди. 1965 йилдан Арманистон ССРда аксилтурк кайфиятларининг авж олиши расман рағбатлантирила бошланди. Арманилар ва озарбайжонлар уртасидаги ихтилоф алангаланиб, Арманистондаги озарбайжонларнинг сиқувга олинишига сабаб булган бош омиллардан бири 1965 йили республика миқёсида «армани геноциди» 50 йиллигининг нишонланиши булди.

Бу вокеалар Туркиянинг НАТОга кушилиши ҳамда расмий Москванинг чегарадош армани аҳолиси орасида эътироз руҳини кутаришга булган интилиши билан боғликлиги шубҳасиз. Бу ишлар армани диаспораси таъсири остида, совет раҳбариятининг ёрдами билан амалга оширилди. Совет иттифокидаги энг йирик армани лоббичиси. 1918 йил 31 мартида Бокуда уюштирилган озарбайжонлар кирғинининг иштирокчиларидан бири, кейинчалик СССРдаги давозимларда вертикаль ва горизонталь буйича арманиларни жойлаштирган (улар бу позицияларни бугунги Россия Федерациясида ҳам ушлаб турибди) А.И. Микоян ҳам бу жараёнларда маълум урин тутди. Армани кадрларининг СССР ҳокимиятининг юқори эшелонларига жойлаштирилиши купчиликка яхши маълум булган нарсадир.

Маълумот:

Рус сиёсатшунослари В.А. Торчинов ва А.М. Леонтюк И.В. Сталин куршовига кирган ва бир катор ноҳуш акцияларда «ном қозонган» армани сиёсий, давлат ва ҳарбий арбобларига муфассал тавсиф берганлар[205]. Бу В.Г. Деканозов - Бериянинг дусти ва Сталиннинг ишонган кишиси, СССР НКВД ходими: ака-ука Кабуловлар, генераллар, ГПУ-НКВД СССР ходимлари, совет разведкасининг Берлиндаги резидентлари; В.Н. Меркулов, армия генерали, МГБ СССР

---

204. Помпеев Ю. А. Кровавый омут Карабаха (Карабахский дневник). — М. : «Канон +» РООИ «Реабилитация», 2007. Б. 416

205. Торчинов В.А., Леонтюк А.М. Вокруг Сталина. Историко-биографический справочник. СПб., 2000.

раҳбари, «Берияниинг акли»; С.А. Тер-Петросян, партиядаги лақаби - Камо, Кавказдаги «инкилобий кураш»да Сталиннинг елкадоши. У Ленининнинг шахсий топшириғига кура Европада курол сотиб олар, шунингдек, Россия давлат банкининг Тифлис бўлимига уюштирилган талончилик хужумида қатнашган эди; С.Г. Шаумян, Сталиннинг сафдоши, Бокудаги совет ҳокимияти раҳбари, 1918 йил февралида туркистонликларнинг, 1918 йил 31 мартида озарбайжонликларнинг қирғин қилиниши ташкилотчиси ва ижрочиси. СССРнинг барча туркий тилли республикаларида арманилар муҳим лавозимларни эгаллаб келар эди. 1964-1965 йилларда СССР Олий Кенгаши Президиуми раиси, яъни расман мамлакат президенти бўлган А.И. Микояннинг саъй-ҳаракатлари билан Совет иттифоқининг кўпгина масъулиятли мансабларини унинг кавмдошлари эгаллади. Табиийки, у Биринчи Жаҳон уруши пайтида 1915 йили Шарқий Анатолияда рўй берган воқеаларни армани халқининг фожиаси сифатида СССРда умумдавлат миқёсига кутаришга ҳаракат қилди. Бугунги Россия Федерациясида ҳам арманилар «хафа қилинмаган». Аксинча, арманиликка зид келувчи ҳар қандай нарса қаттиқ таъқиб остига олинади. Мисол тариқасида қуйидагини келтирамиз. Таниқли рус ёзувчиси, шоир ва публицист, профессор, филология фанлари доктори Ю.А. Помпеев Қорабоғ муаммоси бўйича қатор жиддий тадқиқотларини нашр қилдирган[206]. Шу туфайли РФ Маданият вазирлиги Фан ва таълим департаменти директори А.О. Аракелова (Арекелян) узининг раҳбарлик лавозимидан фойдаланган ҳолда нуфузли олимнинг ишдан ҳайдалишига эришди.

Умуман олганда, СССР даврида Кавказнинг арманилаштирилиши Россия империясида XIX асрда бошланган жараённинг мантиқий давоми бўлди. Совет даврида бу жараён бир неча босқични босиб ўтди:

«Биринчи босқич - 1923 йили Озарбайжон ССР таркибида ТҚМВ ташкил этилди, амалда бу Озарбайжон еридаги иккинчи армани давлати эди.

Иккинчи босқич - 1942 йили Иккинчи Жаҳон уруши чоғида И.Сталин Озарбайжон ССРни тугатиб, унинг ҳудудини Арманистон ССР, Гуржистон ССР ва Доғистон ўртасида тақсимлашни, озарбайжонларнинг ўзини эса ёппасига Марказий Осиёга депортация қилишни режалаштирган эди. Фақатгина Озарбайжон етакчиси М.Д.Багировнинг қатъий позицияси озарбайжонларни миллий фожиадан сақлаб қолди[207].

---

206. Помпеев Ю.А. Кровавый омут Карабаха. Баку, 1992.

207. Исмаилов Э.Р. Власть и народ. Послевоенный сталинизм в Азербайджане. 1945-1953гг. Баку, 2003, Б.62.

Учинчи босқич - 1945 йили Ереван Москвага яна бир маротаба ТҚМВни Озарбайжон ССР таркибидан чиқариб, Арманистон ССРга қушиб бериш талаби билан мурожаат қилди. Бунга М.Д. Багиров кунди, лекин бунинг эвазига Арманистон ССР ва Гуржистон ССР, шунингдек, Дағистон Озарбайжонга унинг тарихий ерларини қайтариб берини шартини қуйди[208].

Тўртинчи босқич - 1947-1952 йилларда Арманистон ССРга армани диаспорасидан 80 минг киши - «ахпер»лар (биродарлар) кучирилди. Шу муносабат билан 50 минг нафар маҳаллий озарбайжон миллати вакиллари Озарбайжон ССР ҳудудига мажбурий кучирилди.

Бешинчи босқич - М. Горбачёв даврида, 1988 йили Ереван Озарбайжонга қарши эълон қилинмаган уруш очди, «уз» озарбайжонларини ёппасига қувғин қилди, Озарбайжоннинг етти туманини ишғол қилди[209].

Шу тарика, Кавказга етиб келиб, арманилар кавказликларга айланди. Миллатпараст-шовинистлар, мутахассисларнинг академик тадқиқотлари натижаларини инобатга олмай, нуфузли олимларнинг нуктаи назарини четда қолдириб, уз сиёсий уйинлари ва ғараз мақсадлари йулида уйдирилган черков ҳикояларини мунтазам равишда сиёсийлаштириб келади, бунинг натижасида *«Арманистон ҳудудида шаклланган биринчи ва ягона халқ арманилар эди»* сингари иддаолар туғилади[210].

Қарийб 100 йилдан буён Кавказда учинчи томоннинг иштирокида «совук» ва «иссик» вазиятлари алмашиб турадиган уруш давом этмокда. Шу муносабат билан Рауф А. Ҳусайнзоданинг 2014 йили Бокуда дунё юзини курган «Кавказ ва арманилар» китобидан киска тарихий маълумот келтирамиз[211].

«Россия империяси XIX асрнинг биринчи 30 йиллигида субминтақани эгаллаши билан Жанубий Кавказ геосиёсий манзараларида бошланган туб узгаришлар динамикаси бир қанча модификацияларни бошдан кечирди:

Бу уринда 1919-1920 ва 1988-1994 йилларда Ереван Озарбайжонга қарши тўртта эълон қилинмаган уруш утказганини қайд қилиб утиш кифоя. Уларнинг бари Озарбайжонга нисбатан ноқонуний асосга эга

---

208. Гасанлы Дж. СССР-Турция: полигон холодной войны. Баку, 2005, Б.62.

209. Постановления Совета министров СССР от 23 декабря 1947г. «О переселении колхозников и другого азербайджанского населения из Армянской ССР в Кура-Араксинскую низменность Азербайджанской ССР» и от 10 марта 1948г. «О мероприятиях по переселению колхозников и другого азербайджанского населения из Армянской ССР в Кура-Араксинскую низменность Азербайджанской ССР».

210. Шнирельман В. А. Войны памяти: мифы, идентичность и политика в Закавказье / Рецензент: Л. Б. Алаев. - М.: Академкнига, 2003. Б.592.

211. Гусейнзаде А.Рауф. «Кавказ и армяне». «Апострофф», Баку. 2014

булмаган ҳудудий даъволар туфайли келиб чиқди. Дастлабки уч урушни Россия империяси томонидан тугатилган озарбайжон Иравон хонлиги ҳудудида ташкил этилган арманиларнинг Арарат Республикаси 1919-1920 йилларда Озарбайжон Демократик Республикасига қарши амалга оширган булса, туртинчисини 1988 йили Арманистон ССР "биродар" Озарбайжон ССРга қарши очди, урушлар руйхатини эса 1994 йили Арманистон Республикаси Озарбайжон Республикасининг Тоғли-Қорабоғ мухтор вилоятини ноқонуний босиб олган қуйи битирди».

1920 йили Жанубий Кавказ XI кизил армия томонидан ишғол қилинганидан сунг арманилар яшамаган купгина ҳудудлар Арманистон ССР таркибига кушиб берилди. Бундан ташқари, Нахчивон ва Тоғли Қорабоғ Озарбайжон ССР таркибидаги мухториятларга айлантирилди.

1919-1920 йилларда аралаш аҳоли яшайдиган ҳудудлар: Нахчиван, Зангизур, Тоғли Қорабоғдаги қуролли тўқнашувлар тулақонли уруш ҳаракатларига айланиб кетди[212]. *Биринчи уруш 1919 йил май-августида, иккинчиси 1920 йил март-августида, учинчиси 1920 йил сентябрь-ноябрида олиб борилди. Туртинчи уруш анча кейин - 1988-1994 йилларда юз берди. Унинг натижаларига кура Тоғли Қорабоғ ва етти маъмурий туман, яъни Озарбайжон ҳудудининг 20 фоизи босиб олинди. «Қорабоғ» сузи собик СССР ҳудудидаги ҳар қандай қуролли ихтилофга таъриф беришда қулланадиган рамзий ифодага айланиб қолди. Шу боис «Қорабоғ можароси» сўз бирикмаси маълум даражада ташхисга ҳам айланди. Ухшаш можароларга таъриф берувчи «Қорабоғ синдроми» ташхиси юзага келди*[213].

Қорабоғда армани айирмачилиги 1988 йил февралида фаоллашганига қарамай, бутун дунё арманиларининг, айниқса Франция ва АҚШдаги кудратли ва бой диаспораларнинг фаолияти можародан анча олдин бошланган эди. Армани лоббичилари фақат СССР, кейинчалик эса постсовет майдони билангина чекланиб қолмади. Масалан, 1945 йили «АҚШ арманиларининг миллий кенгаши» ташқилоти Арманистон ССРга «Туркия ноқонуний эгаллаб олган ҳудудлар»ни қайтариш талабини илгари сурди[214]. 1965 йил 20 апрелида, 1915 йил воқеаларининг 50 йиллиги арафасида армани лоббиси олис Лотин Америкасида, Уругвайда №13.326 сон ҳужжатнинг қабул қилинишига эришди. Унда мана бундай сўзлар бор:

«Келаётган 24 апрель 1915 йилнинг уша куни ўлдирилганларнинг

---

212. Армяно-азербайджанские вооружённые конфликты 1919-1920гг.http://www.hrono.ru/organ/ukazatel/index.php/

213. Гусейнзаде А.Рауф. «Кавказ и армяне». «Апострофф», Баку. 2014. Б.386-387.

214. Шнирельман В.А. Войны памяти. Мифы, идентичность и политика в Закавказье. М., 2003, Б.60.

хотираси ҳаққи ҳурмати "Армани жафокашлари хотираси куни" деб эълон қилинсин. Давлат радиохизмати станциялари бу куни уз дастурининг бир қисмини армани халқи шарафига қанта куриб чиқиши лозим. Жамоат хизматида булган армани фуқаролари курсатилган куни ишга келмасликка ҳақли. Монтевидео минтақасининг 156-мактаби "Арманистон мактаби" деб аталсин.

Сенат раиси - Мартин Эхегойен.

Котиб - Хосе Пастор Салванач».

СССРда коммунистик рахбарият «1915 йилдаги армани курбонлари хотирасига» тадбирлар утказиб, шу йул билан умумиттифоқ микёсида ушбу воқеага қизиқиш уйғотди. Совет режимининг олдинги йилларида бу воқеалар иттифок таркибидаги бирорта республикада маълум эмас эди. Бир йил давомида - қарор чиққан кундан бошлаб 1965 йил 24 апрелига қадар ОАВ ва нашриётлар бир йуналишдаги фаолият билан - аксилтурк, аксилозарбайжон тарғиботи, провокация ва таҳдидлар билан машғул булди. Узоқ йиллар давомида яширин фаолият юритган «Дашнакцутюн» партияси айнан шу йилларда очиқ ҳаракатга утди. 1965 йилда дашноқлар фаолиятининг кенгайишига баҳона «армани геноциди»нинг 50 йиллиги нишонланиши булди. 1965 йил 23 апрелида Ереванда геноциднинг 50 йиллиги муносабати билан утказилган 400 минг кишилик митинг, унинг иштирокчилари қулида кутариб юрган плакатлар миллатпарастлик руҳи қай даражага етиб борганини яққол курсатди. Плакатларда акс этган ёзувлар диққатга сазовор: «Ғарбий Арманистон (Анатолия) Арманистон таркибида булиши лозим», «Тогли Қорабоғ бизники», «Нахчивон - Арманистон ери», «Арманилар, 1915 йил учун қасос вақти келди, бирлашинг!» ва ҳ.к.

«Армани геноциди»нинг 50 йиллиги дашноқ партиясининг аъзоларидан бири, озарбайжон халқининг ашаддий душмани ва жаллоди Андраник туғилган сананинг 100. йиллигига туғри келди. Озарбайжон халкининг тарихий хотирасида Андраникнинг номи бу ҳудудларда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши йилларида озарбайжон болалари, кексалари ва аёлларини ўлдирган шафқатсиз жаллод киёфасини гавдалантирида. Шунга қарамай, Арманистон рахбарияти, мазкур кайфиятлар ва тарихий фактларни бир четга суриб қуйиб, яна уша А. Микояннинг кумагида Андраникнинг юбилейини нишонлашга рухсат олишга муваффақ булди. Республикадаги барча газеталар, шу жумладан, озарбайжон тилида чиқадиган «Совет Арманистони» ҳам «армани халки каҳрамони» Андраникнинг юбилейини нишонлади.

1966 йили МК мурожаатларини ҳамда Арманистон ССР Вазирлар Кенгашининг 1966 йил 21 февралдаги қарорини куриб

чиқиш якунларига биноан СССР Вазирлар Кенгашининг 1966 йил 9 августдаги қарор қабул қилинди. Ушбу қарор билан чет эллардан арманиларни йилига 5 минг киши миқдорида репатриация қилишга рухсат берилди. Бу жараённинг харажатлари СССР Молия вазирлиги маблағлари ҳисобидан қопланар эди.

1967 йили Ереванда «Миллий бирлашиш партияси» пайдо булиб, у дархол «'Турк' ва 'Кавказ' Арманистонини, шу жумладан, Нахчивон, Тоғли Қорабоғ, Борчали ва Самцхе-Жавахетини бирлаштирадиган армани давлатчилигини» қайта тиклаш заруратини уз мақсади деб эълон қилди. Кейинчалик бу руйхатга Шимолий Кавказдаги «рус субъектлари» - Краснодар ва Ставрополье улкалари, Астрахань ва Ростов вилоятлари, Армавир, Катта Сочи, Нахчивон-Дон шаҳарлари кушилди[215]. Пировардида «Қора Каспий – Урта Ер денгизлари» учбурчаги ичидаги ҳудудий орзу тасвири чизилди. Кейинги сафар ТҚМВни Арманистон ССРга кушиб бериш масаласи 1972 йили кутарилди. КПСС мафкурачиси М. Суслов ва бош котиб Л.И. Брежнев мавзу буйича хужжатларни Ереванга қайтариб юборди. Умуман, совет йилларида Ереван Москвага мурожааг қилиб, ТҚМВни Арманистон ССРга кушиб бериш таклифини жами 16 марта, «ТҚМВнинг Арманистон ССР таркибига утиш ҳукуки»ни эса 45 марта таклиф килган эди[216].

ХУЛОСА

Усмонли салтанати мусулмонлари билан эски асрий зиддиятларнинг чуқур тарихий илдизлари аслида турк этносидан «армани халқининг азалий ва асрий душмани» образини яратиш туфайли юзага чиққан эди. Шу йул билан миллатпарастлар узларининг барча туркларга карши олиб борган ишларини қонунлаштиришга каратилган эртаклар ва «оқлов сузи» яратишга ҳам хизмат қилди. Афсонавий характерига қарамай, бундай образ шу пайтга қадар арманиларни озарбайжонларга карши этник нуктаи назардан сафарбар қилишнинг кудратли куроли булиб колмокда, шунингдек, арманиликнинг христиан динига асосланган маънавий маданиятини бузиб, касосни, котилликларни, мусулмонлик ва туркийлик рамзи булган ҳамма нарсани йуқ қилишни тарғиб этмокда. Бунгунги кунга қадар купгина сиёсатчилар уз ҳаракатлари билан анчагина сиёсий даромадларга ҳам эга булиш максадида миллатпарастлик сафсатасини куллаб

215. Ракачев В.Н., Логина М. Миграция и мигранты Ставрополья: Минасян С. Социально-экономическая ситуация в Джавахети. ЦАК, Лулеа, Швеция, 2005, № 3; Шнирельман В.А. Шу асар., Б.48;

216. Шевякин А.П. Загадка гибели СССР. История заговоров и предательств. М., 2004, Б. 30.

келади. Ҳатто ихтилофга хамиртуруш буладиган, аксилозарбайжон иддаоларини гушунтирувчи омил бўлиб хизмат қилувчи, «тарихий жароҳат» образига ҳам мурожаат этади, жаҳон ҳамжамиятига хитоб қилиб, ундан кумак сурашга асос сифатида "тарих фани" кулланилиб келинмоқда.

Оиг захарлашлар ёрдамида сунъий яратилган ва ишлаб чикилган, афсоналаштирилган тарихий хотира оддий арманиларга уз таъсирини утказмай колмаяпти. Армани халқи, унинг тарихи ва тарихий ватани ҳакида сунъий яратилган тарихий асотирларга зид келадиган ҳар қандай ҳолат тўлалигича рад этилади. Оддий халқ томонидан ҳаётий ҳакиқатнинг руҳий қабул қилиниши боши берк кучага кириб колгандек, миллатпараст нусхалар шовинизм занжирларидан халос була олиши жуда кийин. Зомбилаштириш қурбонига айланган инсонларнинг купчилиги уз халкининг олис утмишини кийшик кузгуда куради гуё. Бунинг окибати уларок Арманистон тарихшунослиги лоббичилар ва сиёсатдонлар «хизмати» билан оддий арманилар онгида эртакдаги кахрамон аждодлар ҳакидаги гузал хикояга айлантирилмоқда. Уз халкининг утмишидаги тарихий вокеликларни англаш нияти эса четда колиб кетмоқда.

2.2. ТАЖОВУЗ ВА ИШҒОЛ

СССРда ҳокимият тепасига М.С. Горбачёв келганидан сунг «Ошкоралик» ва «Қайта қуриш» сиёсати эълон килинди. Илгари сукут сақланган, аммо бутун Совет Иттифоқида маълум булган социал-иктисодий муаммолар кенг жамоатчилик олдида ошкор муҳокама қилина бошлади. 1987 йили Тоғли Қорабоғда маҳаллий армани аҳолиси узининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан норозилик билдира бошлади. Тоғли Қорабоғ ва Еревандаги армани миллатпараст ташкилотлари аҳолининг ижтимоий ва маиший муаммолар ҳамда иқтисодий инқироздан аҳолининг норозилиги туфайли келиб чиққан митинглардан усталик билан фойдаланиб қолди. Омма диққати қушни Озарбайжонга нисбатан ҳудудий даъволарга йуналтирилди, бу кайфиятлар ТҚМВни Арманистон таркибига қушиб беришга булган кескин чақириклар билан яна аланга олдирилди. Озарбайжон ССР раҳбарияти минтакани иқтисодий қолоқлик шароитида қолдирастганликда, Озарбайжондаги армани озчилигининг ҳақ-ҳукукларини, маданияти ва узлигини поймол килишда айбланди.

1987 йил ноябрида СССР президенти Михаил Горбачёвнинг иқтисодий масалалар буйича маслаҳатчиси Абель Аганбекян Францияга гашриф буюриб, Intercontinental мехмонхонасида бир гуруҳ франциялик арманилар билан учрашув утказди[217]. Учрашувдаги чиқишида у, хусусан, совет етакчиси М.С. Горбачёв гуёки Тоғли Қорабоғнинг Арманистон таркибига қушилишига рози эканлиги ҳақида баёнот берди. Абель Аганбекяннинг Франциянинг кундалик коммунистик газетаси - L'Humanité'да чоп этилган нутки кун шовшувига айланиб, куп сонли хорижий газеталар ва радиоканалларда муҳокаманинг бош мавзуси булди[218].

1987 йил охирида АҚШ навбатдаги президент сайловига тайёргарлик кураётган эди. Табиийки, армани лоббиси ушбу кампаниядан фойдаланиб қолиш имкониятини қулдан бой бериши мумкин эмас эди. Нью-Орлеан Республикачилари конгрессида арманилар кун тартибига «уз тақдирини белгилашни истаётган совет халқлари» ҳақидаги масаланинг киритилишини қатъий талаб килди. Бу масала кундаликка киритилди ва арманиликнинг режаларини қуллаб-кувватловчи резолюция қабул килинди. СССР таркалиб кетиши арафасида Ғарб ва Якин Шарқнинг айрим мамлакатларидаги армани жамоалари «Крунк», «Миацум» армани айирмачи ташкилотларига,

217. Помпеев Ю. Кровавый омут Карабаха. Баку, 1992. Б. 20.

218. События вокруг НКАО в кривом зеркале фальсификаторов/Сборник материалов. Баку, 1989. Б. 7.

шунингдек, Тоғли Қорабоғ ва Арманистонда махфий фаолият юритастган «Қорабоғ» қумитасига курсатилаётган ғашкилий ва моддий ёрдамни купайтирди.

1988 йил 18 февралида М.С. Горбачёв СССРда миллий масалани қайта куриб чиқиш заруратини кун тартибига куйгани Арманистон рахбариятини янада илхомлантириб юборди. 1988 йил 20 февралида бошланган ТҚМВ халқ депуттатлари Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси иштирокчилари (140 депутатнинг 110 нафари арманилар эди), залга кам сонли озарбайжон депутатларини киритмай[219], ТҚМВни Арманистон ССР таркибига кушиб бериш чакириғи ифодаланган Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР Олий Кенгашларига мурожаатни кабул қилди. Арманистон ССР Олий Кенгаши 1988 йил 15 июнида бунга розилик билдирди. 1988 йил 12 июлида Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти йигирманчи чакирик делегатларининг саккизинчи сессияси ТҚМВнинг Озарбайжондан ажралиб чиқиши туғрисидаги карорни кабул қилди. Тоғли Қорабоғнинг бир томонлама ажралиб чиқиш туғрисидаги карори уша куннинг узидаёқ рад этилди[220]. 1988 йил 18 июлида СССР Олий Кенгаши Президиуми «Арманистон ССР ва Озарбайжон ССР Олий Кенгашларининг Тоғли Қорабоғ масаласи буйича қарорлари туғрисида»ги карор билан Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти Озарбайжон ССРнинг таркибий қисми эканлигини яна бир карра тасдиқлади[221].

1988 йил 21 февралида КПСС МК «Тоғли Қорабоғдаги воқелар туғрисида»ги карорни кабул қилди[222]. Унда минтақада кузатилаётган хатти-харакатлар ҳамда вилоят миллий-ҳудудий тузилишини узгартиришга каратилган талаблар миллатлараро муносабатларга зарар келтираётган ҳамда конституцион нуқтаи назардан қонунга зид эканлиги қайд этилди. Озарбайжон КП МК бюроси ҳам бу карорни муҳокамадан утказиб, вазиятни меъёрга солишга каратилган чора-

---

219. Чаладзе Т. Карабахский геноцид: обреченный Ходжалы. Документальная хроника. Баку. 2009. Б. 19.

220. Қаранг: Ведомости Верховного Совета Азербайджанской ССР, 1988 год, №№ 13-14, Б. 14-15, и Ведомости Верховного Совета Азербайджанской ССР, 1989 год, №№ 15-16, Б. 21-22.

221. Қаранг: Ведомости Верховного Совета Азербайджанской ССР, 1988 год, №№ 13-14, Б. 14-15.

222. Постановление ЦК КПСС от 21 февраля 1988 года о событиях в Нагорном Карабахе. Совершенно секретно. — Архив Политических Документов при управлении Делами Президента Азербайджанской Республики (АПД УДП АР), ф. 1, оп. 83, папка 5. д. 83, л. 9-10.

тадбирлар дастурини тайёрлашга киришиб кетди[223].

22 февралда Ағдам-Хонкенди шоссеси буйида жойлашган Аскарон қишлоғида илк қон тукилди. Озарбайжондан ажралиб чикишни истамай, тинч намойишга чиккан озарбайжонларга карши қуролли хужум уюштирилди, бунинг окибатида икки ёш йигит халок булди. Хориждаги армани жамоаси бу вокеларни «арманиларга қарши зуравонлик» сифатида курсатишга уринишларини бошлаб юборди. Борис Геворков йул куйган хатолари туфайли ТҚМВ партия обкоми биринчи котиби лавозимидан четлаштирилди[224].

Армани жангарилари озарбайжон нуфуси истикомат киладиган аҳоли пунктларига кириб олиб, зуравонлик актларини амалга ошира бошлади. Шу каби тукнашувлар окибатида ТҚМВдан кочкин озарбайжонлар окими кела бошлади. Уз навбатида, Озарбайжонда Арманистоннинг узидан кочиб келаётган этник озарбайжонлар сони ҳам орта бошлади. Озарбайжон ССР КГБси раиси Зиё Юсуфзоданинг бир мактубидан маълум булишича, Арманистоннинг 20 туманидан Сумғаитнинг узигагина 18.330 киши (3030 оила) етиб келди. Бунинг бари СССР ҳукук-тартибот органларининг ҳамда ҳокимият ва бошқарув идораларининг жим караб туриши окибатида юз берди. 1988 йил 26-28 февралида провокация туфайли Сумғаитда оммавий тартибсизликлар келиб чиқди. Уларда 32 киши - 24 армани ва 5 озарбайжон ҳалок булди. Ушбу провокация ташкилотчилари ҳам, асосий курбонлари ҳам арманилар булди. Тергов натижалари шуни курсатдики, Сумғаитдаги вокеалар бир гуруҳ армани провокаторлари томонидан режалаштирилган ва ижро этилган эди. Улар армани миллатпараст ташкилотларига улпон тулашдан бош тортган бир неча арманини уз курбони сифатида танлаган эди. Хусусан, тергов материалларида провокация ташкилотчиси Эдуард Григоряннинг курсатмалари бор. Унинг кулида арманиларнинг руйхатлари ва манзиллари булгани маълум. У уч нафар бошка армани шериклари билан бирга эркакларни улдирган, аёлларни зурлаган ва озарбайжонларни арманилардан касос олишга чакирган эди. Бундан ташкари, маҳаллий аҳоли вакиллари булмаган катор шахслар кирғин ва талончиликка жалб этилган эди[225].

1988 йил 29 февралида Сумғаит вокеалари КПСС МК сиёсий

---

223. Заседание бюро ЦК КП Азербайджана. О событиях в Нагорном Карабахе. 22 февраля 1988 года. Совершенно секретно. - АПД УДП АР. ф. 1, оп. 83, папка 5. д. 83, л. 10-12.

224. Заседание бюро ЦК КП Азербайджана. О т.т. Погосяне ГА, и Кеворкове Б.С. 25 февраля 1988 года. - АПД УДП АР. ф. 1, оп. 83. папка 5. д.83.л. 13.

225. Председатель КГБ Азербайджанской ССР З. М. Юсифзаде. - ЦК КП Азербайджана. 7 марта 1988 года. Секретно. - Архив Министерства Национальной Безопасности Азербайджанской Республики (АМНБАР) 10/192 л. 22-24.

бюроси йиғилишида муҳокама қилинди[226]. 7 май куни Сумғаит воқеалари Озарбайжон КП МК бюросида кўриб чиқилди[227]. Қизғин баҳслардан сунг зарур карорлар кабул килинди[228].

Озарбайжон расмийлари партиявий ва маъмурий усуллар билан вазиятни баркарорлаштиришга уринар экан, Арманистон Озарбайжоннинг ички ишларига кўпол тарзда аралашишни тухтатмас эди. Арманистондан ТҚМВга миллатпарастлик рухидаги ташвикотчилар келиб, хонадон-хонадон вилоятнинг Арманистон таркибига кушилиши юзасидан Марказга мурожаат учун имзо туплади[229]. Озарбайжон ССР ва Арманистон ССР конун ва конуности ҳужжатлар чикаришдан иборат «коғоз уруши»ни бошлаб юборди.

1988 йил 9 мартида Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги ихтилоф яна КПСС МКда муҳокама қилинди. Муаммони ҳар тарафлама ўрганиб чикиш карори қабул қилинди[230]. Бундан ташкари, СССР КГБ экстремистларга курол етказиш йуллари ва усуллари ҳакида ахборот туплаш курсатмасини олди[231]. 1988 йил 23 мартида СССР Олий Кенгаши Президиумининг қарори билан Озарбайжоннинг узвий кисми бўлмиш Тоғли Қорабоғ мухтор вилоятини Арманистон ССРга утказиш таклифи рад этилди.

Озарбайжонлар Арманистон ва ТҚМВдан оммавий тарзда кувила бошланди. 1988 йил 28 июлида Тоғли Қорабоғда фавкулодда вазият жорий этилди. 1988 йил 1 августи ҳолатига кўра, Арманистондан озарбайжон миллатига мансуб 15165 киши кувилган бўлиб, улар Озарбайжоннинг 45 та шаҳар ва туманларига жойлаштирилди.

---

226. Заседание Политбюро ЦК КПСС. 29 февраля 1988 года. О дополнительных мерах в связи с событиями в Азербайджанской и Армянской ССР. Совершенно секретно. - Российский Государственный Архив Новейшей Истории (РГАНИ). ф. 89, оп. 42. д. 18. л. 1-11.

227. Протокол №74 заседания бюро ЦК КП Азербайджана. 7 мая 1988 года. Совершенно секретно. - АПД УДП АР, ф. 1, оп. 83, д. 56, л. 1.

228. Решение бюро ЦК КП Азербайджана. Об отчете правительственной комиссии по нормализации обстановки в г. Сумгаите. Протокол №74 заседания бюро ЦК КП Азербайджана. 7 мая 1988 года. Совершенно секретно. - АПД УДП АР, ф. 1. оп. 83, д. 56, л. 2: Решение бюро ЦК КП Азербайджана. О принципах, повлекших за собой трагические события в г. Сумгаите 27-29 февраля 1988 года. Протокол №74 заседания бюро ЦК КП Азербайджана. 7 мая 1988 года. Совершенно секретно. - АПД УДП АР, ф. 1.оп. 83 д. 56. л. 3.

229. Председатель КГБ Азербайджанской ССР - ЦК КП Азербайджана. 7 марта 1988 г. Секретно. - АМНБ АР. 10/192. л. 22-25.

230. Совещание в ЦК КПСС. - АПД УДП АР. ф. 1. оп. 83. п. 5; д. 32. л. 1-2.

231. Заседание Политбюро ЦК КПСС. 21 марта 1988 года. О некоторых неотложных мерах по нормализации обстановки в Азербайджане и Армении в связи с событиями вокруг Нагорного Карабаха. Совершенно секретно. - РГАНИ. ф. 89, оп. 42, д. 19. л. 1-8.

1988 йил 21 сентябрида Москва ТҚМВ ҳудудида фавқулодда вазият эълон қилди. Бу қарор вилоятнинг Озарбайжон назорати остидан чиқишига олиб келган илк янглиш қадам бўлди. 19 октябрга келиб Арманистондан келган қочқинлар сони 28 225 кишини ташкил қилди. Степанакерт, Аскарон, Мартуни ва Ғадрутдан ўлим таҳдиди остида қолган 3069 озарбайжон қочиб, Шуша, Ағдам ва бошқа туманларга ўрнашди. ТҚМВни шиддат билан арманилаштириш бошланди. Бундан кўзланган мақсад унинг Арманистон таркибига қўшилиши учун розилик олиш эди[232]. 1988 йил 7 декабрига келиб Арманистондан келган қочқинлар сони 110 минг кишини ташкил этди[233]. Арманистон ва ТҚМВдан озарбайжонларнинг қувилаётгани ҳақидаги хабарлар арманиларни Озарбайжондан қочишга ундади. Дастлабки пайтларда улар ТҚМВда ўрнашди, бу эса вилоят демографиясини жиддий тарзда ўзгартириб юборди. 1988 йил охирига келиб ТҚМВдаги арманилар сони ошаётган, озарбайжонлар сони эса камайиб бораётган эди[234].

1989 йил 12 январида СССР Олий Кенгаши Президиуми Қорабоғда ТҚМВни махсус бошқариш қўмитасини ташкил этиш тўғрисидаги №10025 сонли қарорни қабул қилди. Қўмитага А.И. Вольский бошчилигида саккиз киши кирди. Қарорда айтилишича, ТҚМВ ҳудудидаги барча корхоналар, бошқарма, ташкилотлар, уларнинг филиаллари ва бошқа бўлинмалари Озарбайжон ССР Вазирлар Кенгашига жавобгарлиги инобатга олинган ҳолда СССР Вазирлар Кенгаши белгилаган қўмитага бўйсуниши талаб этилади. Бу қарор СССР конституциясига, унинг тегишли пунктларига зид келар эди. СССР конституциясига мувофиқ, мухтор вилоят бошқарувини бевосита иттифоқнинг олий ҳокимият ва бошқарув органлари назоратига ўтишига йўл қўйилмайди. СССР конституциясида кўрсатилишича, мухтор вилоятлар ва республикалар тегишли республикалар таркибига киради ва шу боис вақтинчалик ёки абадийга унинг бошқарувидан чиқарилиши мумкин эмас (86-модда). Шу тариқа, А.И.Вольский бошчилигидаги бевосита Москвага бўйсунадиган ТҚМВни махсус бошқариш қўмитаси иш бошлади, ТҚМВда Озарбайжон ССРнинг

---

232. Председатель КГБ Азербайджанской ССР - ЦК КП Азербайджана. Об обстановке в республике. 2 октября 1988 года. Секретно. - АМНБ АР, 10/966, л. 150.

233. Председатель КГБ Азербайджанской ССР - ЦК КП Азербайджана. Об обстановке в республике. 7 декабря 1988 года. Секретно. - АМНБ АР, 10/1089, л. 233.

234. Гасанов Г. О платформе деятельности правительства республики. Выступление на заседании президиума Совета Министров Азербайджанской ССР. 9 февраля 1990 года. - Из личного архива Г. Гасанова.

барча давлат ва жамоат органлари ваколатлари тўхтатиб қўйилди[235].

А.И. Вольский мансабда турган давр мобайнида Хонкендидан (Степанакерт) 12 минг озарбайжон қувилди, СССР Вазирлар Кенгашининг 1989 йил 6 майидаги қарори асосида 3 кун муҳлат ичида ТҚМВдаги барча корхоналар Арманистоннинг тегишли вазирликлари ихтиёрига топширилди. Барча туман партия қўмиталари Арманистон КП таркибига қўшила бошлади. Озарбайжон байроғи, герби, бланки ва бошқа белгилари бекор қилинди. ТҚМВ ҳудуди узра Арманистон байроғи ва герби кўтарилди. Тоғли Қорабоғнинг Арманистонга қўшилиши шарафига «Арцах» медали таъсис этилди. 1989 йил 13 июлидан ТҚМВни махсус бошқариш қўмитаси яратиб берган шароит ва имкониятлар билан озарбайжонлар яшайдиган аҳоли пунктлари блокадаси бошланди. А.И. Вольский, мансаб ваколатларидан пухталик билан фойдаланиб ҳамда Озарбайжон ССР конституцияси ҳолатларини бузиб, Тоғли Қорабоғни амалда Озарбайжон ССР ихтиёридан чиқарди, у билан алоқаларни узди, республиканинг барча етакчи партия ва совет органларини ТҚМВ масалаларини ҳал қилишдан четлатди. 1989 йил 28 ноябрида СССР Олий Кенгаши ТҚМВни махсус бошқариш қўмитасини тугатди. Вилоят бошқаруви Озарбайжон ССР Ташкилий қўмитасига СССР Олий Кенгаши Махсус қўмитаси назорати остида топширилди[236].

1989 йил 19 июлида АҚШ Сенати «АҚШнинг Совет Арманистони халқи хоҳиш-иродасига биноан Тоғли Қорабоғ атрофидаги баҳсни тинч йўл билан ҳал қилишга кўмак бериш тўғрисида»ги резолюцияни қабул қилди. 1989 йил 19 ноябрида АҚШ Сенати «Совет Иттифоқи билан икки томонлама маслаҳатлашувлар давомида Тоғли Қорабоғ атрофидаги ихтилофни адолатли бартараф этишга ва ушбу вилоят аҳолиси нуқтаи назарини акс эттирадиган қарор қабул қилишга кўмак бериш» ниятини билдирди.

Илгарирок ТҚМВнинг ажралиб чиқиш тўғрисидаги 1989 йил 16 августидаги қарори ўша йилнинг 26 августидан Озарбайжон тарафидан рад этилган эди. Аммо раҳбарият томонидан ҳеч қандай жиддий чоралар кўрилмагани туфайли арманилар яна иғво ва фитнани бошлаб юборди, бунинг натижасида 1989 йил 1 декабрида Арманистон ССР Олий Кенгаши «Тоғли Қорабоғни Арманистон ССР таркибига қўшиб олиш тўғрисида»ги қарорни қабул қилди. 1990 йил 10 январида СССР Олий Кенгаши Президиуми «Арманистон ССР Олий

---

235. Қаранг: Ведомости Верховного Совета СССР. М., 1990. №3. Б. 38. О несоответствии конституции СССР актов по Нагорному Карабаху. Постановление Президиума Верховного Совета СССР от 10 января 1990 г.

236. Қаранг: «Nagorno-Karabagh: Legal Aspects», op.cit., pp. 9-10, и вербальную ноту, op.cit., p. 5.

Кенгашининг Тоғли Қорабоғ ҳақидаги 1989 йил 1 декабри ва 1990 йил 9 январидаги актлари СССР Конституциясига мувофиқ келмаслиги тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда кўрсатилишича, Арманистон ССР Олий Кенгашининг 1989 йил 7 декабридаги «Арманистон ССР ва Тоғли Қорабоғнинг бирлашиши тўғрисида»ги ҳамда 1990 йил 9 январидаги «ТҚМВни ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий режасини Арманистон ССРнинг 1990 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиши давлат режасига киритиш тўғрисида»ги қарорлари СССР конституциясига зид келиб, шу конституциянинг 74-моддасига мувофиқ республика ҳудудида кучга кириши мумкин эмас[237].

Арманилар томонидан жазосиз хатти-ҳаракатларнинг фаоллаштирилиши, озарбайжон аҳолисининг ТҚМВ ва Арманистон ССР ҳудудидан қувиб чиқарилиши 1980-йиллар охирида ўз авж палласига мониб, озарбайжон халқига қарши қуролли ҳужумлар ва ҳудудий даъвога айланиб кетди. Қорабоғ синдроми 1990 йил январида Озарбайжон ССР ҳудудида келиб чиққан тартибсизликлар сабаби бўлибгина қолмай, бошқа айримчилик жараёнларга ҳам бошланма берди ва пировардида қуролли этник ихтилофни юзага келтирди. Озарбайжондаги беқарорлик ва кескинлик палласи биринчи навбатда Тоғли Қорабоғ туфайли Арманистон билан келиб чиққан ҳудудий бахслар билан боғлиқэди. Оммавий ғазаб, ҳимоясиз озарбайжонларнинг қалтакланиши, уйларининг ёқилиши Озарбайжон ССР жамиятининг энг фаол қатламлари орасида бошқариб бўлмайдиган жавоб реакциясини келтириб чиқарди. Улар озарбайжон аҳолисини ҳимоя қилиш мақсадида жамоат тузилмаларини шакллантира бошлади. Шу тарика Озарбайжон Халқ Фронти (ОХФ) ташкил топди. У Озарбайжон мутасаддиларидан озарбайжон халқининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш буйича қатъий қадамлар ташлашни талаб қилди.

Кремлнинг Тоғли Қорабоғ можаросини ҳал қилишдаги кучсизлиги ҳамда партия раҳбари ходимларининг Арманистон ва ТҚМВда арманиларнинг озарбайжон халқига қарши бебошликларига жавобан сукут сақлаши ОХФнинг энг радикал қисмини республиканинг бир қатор туманларида ҳокимиятни эгаллаб олишга ундади. Маҳаллий ҳокимият органлари халқ ғазаби олдида кучсиз эди. ОХФ Озарбайжон миллий озодлик ҳаракати ғоясининг асосий ташувчисига айланди. Суверенитет ва мустақилликка бўлган интилиш жамоат онгида устунлик касб этиб, вазиятнинг кескинлашишига навбатдаги туртки бўлди.

---

237. Қаранг: Ведомости Верховного Совета Азербайджанской ССР, 1989 год, №№ 15-16, Б. 21-22. и Ведомости Верховного Совета СССР. М., 1990. №3. Б. 38. О несоответствии конституции СССР актов по Нагорному Карабаху. Постановление Президиума Верховного Совета СССР от 10 января 1990 г.

1990 йил 13 январида Бокуда Озарбайжон ССР МҚ биринчи котиби А. Вазировнинг истеъфосини талаб қилиб митинг уюштирилди. У Тоғли Қорабоғ ва унинг атрофида озарбайжон аҳолисининг хавфсизлигини таъминлаб бера олмаганликда айбланди[238]. Митингда Миллий мудофаа кенгашининг (ММК) ташкил этилиши эълон қилинди[239].

1990 йил 15 январида СССР президенти М.С. Горбачёв СССР Олий Кенгаши Президиумининг «Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти ва якин атрофдаги туманларда фавқулодда вазиятни эълон қилиш тўғрисида»ги фармонини имзолади. Мазкур ҳужжатга кўра, ҒҚМВ ҳамда Озарбайжон ССРнинг унга якин туманларида, шунингдек, Арманистон ССРнинг Горус туманида, Озарбайжон ССРнинг СССР давлат чегарасига ёндош зоналарида фавқулодда вазият жорий этилди. Мураккаб вазият туфайли Бокуда КПСС МҚ котиби Андрей Гиренко, Президент кенгаши аъзоси Евгений Примаков, СССР мудофаа вазири, Совет Иттифоқи маршали Дмитрий Язов, қуруқлик қўшинлари бош қўмондони, армия генерали Валентин Варенников ва бошқа бир қатор олий мартабали амалдорлар етиб келди[240].

19 январь куни Озарбайжон КП МҚ биноси олдида кўп минг кишилик митинг ўтаётган эди, унинг иштирокчилари СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1990 йил 15 январдаги Озарбайжон ССРнинг бир қатор туманларида фавқулодда вазият эълон қилиш тўғрисидаги фармонини амалга киритмасликни талаб қилаётган эди. СССР Олий Кенгаши Президиуми гомонидан бундай фармоннинг қабул қилиниши ноқонуний ҳаракат бўлиб, СССРнинг амалдаги қонунчилигига зид келар эди, зеро, ҳужжатларга кўра, фавқулодда холатнинг жорий этилиши фақатгина Озарбайжон ССР Олий Кенгашининг СССР марказий рахбариятига мурожаатидан сўнг амалга оширилиши мумкин эди, Озарбайжон ССР Олий Кенгаши ва КП МҚ эса марказга бундай илтимос билан мурожаат қилмаган эди. Ўлган устига гепган қилиб, 19 январь куни СССР Олий Кенгаши Президиуми СССР президенти М.С. Горбачёв имзолаган «Боку ҳамда Озарбайжон ССРнинг бошқа бир қатор аҳоли яшаш пунктларида фавқулодда вазият эълон қилиш тўғрисида»ги фармонни қабул қилди.

19 январдн 20 январга ўтар кечаси Бокуга СССР мудофаа вазири Дмитрий Язовнинг буйруғига биноан қўшинлар киритилди. Мазкур жиноий операция окибатида 134 тинч фуқаро ўлдирилди, 744 киши яраланди, 400 киши бедарак йўқолди. Боку тинч аҳолисини ўлдиришда

238. Черный январь. Баку - 1990: Документы и материалы. - Б.: Азернешр, 1990, Б. 287.

239. Баку: Хроника событий, Журнал «Власть» (29.01.1990).

240. Ввод советских войск в Баку в ночь с 19 на 20 января 1990 года (рус.), РИА Новости (17.01.2011)

СССР куруклик, ҳарбий-денгиз, ҳарбий-ҳаво ва ҳаво-десант кучлари қўшилмалари, шунингдек, СССР КГБ ва ИИВ махсус мўлжал қўшинлари иштирок этди.

1990 йил 22 январида Озарбайжон ССР Олий Кенгашининг фавқулодда сессияси бўлиб ўтди. Унда 20 январь воқеаларига сиёсий баҳо берилди. Парламент «Бокуда фавқулодда вазиятни бекор қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қонли воқеаларни тафтиш қилиш бўйича депутатлик комиссияси тузилди. Озарбайжон ССР Олий Кенгаши қошидаги Бокуда 1990 йил 19-20 январида бўлиб ўтган воқеаларни тафтиш қилиш бўйича комиссиянинг баёнотида шундай дейилади: «Иттифоқ ҳокимият органлари, мамлакат конунлари ҳамда халқаро ҳуқуқий меъёрларни четга суриб қўйиб, Озарбайжон ССР суверен ҳуқуқларини менсимай, СССРни тузиш тўғрисидаги Шартнома, СССР Конституцияси ҳамда Озарбайжон ССР Конституцияси шартларини кўпол тарзда бузиб, республика олий давлат ҳокимияти органлари розилигисиз, фавқулодда вазиятни белгиловчи конунчилик акти йўк бўлган бир шароитда, Озарбайжон Совет Социалистик Республикасига ноконуний равишда қўшин олиб кириб, унинг пойтахти Бокуда фавқулодда вазият эълон қилди». Бокудаги фожиали воқеалар Озарбайжон тарихига «Қора январь» сифатида кирди, 20 январь эса совет режимининг ваҳший ва ғайриинсоний қилғиликлари рамзи уларок мотам кунига айланди.

Армани-озарбайжон ихтилофини бартараф қилиш максадида 1991 йил 21 сентябрида Россия ва Қозоғистон президентлари Б.Н. Ельцин ва Н А. Назарбоев воситачилик миссияси билан Бокуга етиб келди. Ташриф якунларига кўра Озарбайжон ва Арманистон ўртасида Железноводскда (Россия) музокаралар утказиш шартлари муҳокама килиниб, президентлар Тоғли Қорабоғда (Хонкендида), сўнг Ереванда бўлди. Музокаралардан икки кун сўнг - 1991 йил 23 сентябрида Железноводск шаҳрида Б.Н. Ельцин ва Н.А. Назарбоев воситачилигида Озарбайжон раҳбари А. Муталлибовнинг Арманистон етакчиси Л. Тер-Петросян билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Тоғли Қорабоғ армани ва озарбайжон жамоалари вакиллари ҳам қатнашди. Ушбу учрашув натижасида ихтилофни тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича декларация имзоланди, лекин Арманистон томони унда кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармади. Озарбайжон ва Арманистон раҳбарияти Железноводскда тинчлик декларациясини имзолаганидан ўн кун ўтиб, 4 октябрь куни армани куролли қўшилмалари Тоғли Қорабоғ мухтор вилоятининг озарбайжонлар истиқомат киладиган Хожаванд (собиқ Мартуни) ва Гадрут пунктларига навбатдаги ҳужумларни уюштирди.

Озарбайжон қишлоқларига уюштирилган куролли ҳамлалар натижасида икки ой ичида 30 та аҳоли яшаш пунктларида этник тозалашлар амалга оширилди. Бу декларация шартларининг бузилиши эканлигига қарамай, Озарбайжон ССР Олий Кенгаши Президиуми ишчи таклиф ва тавсияларни тайёрлади ҳамда 7 октябрь куни тегишли қарор қабул қилди[241]. Армани куролли айирмачилари жанговар ҳаракатларни бир лаҳзага ҳам тухтатмади. Озарбайжонларнинг Арманистондан қувиб чиқарилиши, озарбайжон аҳоли пунктларига куролли ҳамлалар, қотилликлар 1994 йилга қадар давом этди, фронт чизиғи буйлаб истиқомат қилувчи озарбайжон аҳолисига қарши куролли иғво ва фитналар эса бугунги кунгача тингани йўқ.

1991 йил 20 ноябрида Тоғли Қорабоғнинг Хожаванд тумани Қоракент қишлоғи якинида ракета билан МИ-8 фукаролик вертолёти уриб туширилди. Экипаж аъзолари ҳамда тинчликпарвар миссия билан Тоғли Қорабоққа йўл олган озарбайжонлик ва чет эллик давлат арбоблари, журналистлар ҳалок бўлди. Бунга жавобан Озарбайжон Олий Кенгаши томонидан 1991 йил 26 ноябрида қабул қилинган қарорга мувофиқ Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти миллий-ҳудудий тузилма сифатида тугатилди.

1991 йил 8 декабрида Вискулида (Брест якинида, Беловежская Пуща агрофида) Россия, Украина ва Беларусь «Совет Социалистик Республикалар Иттифоки халқаро ҳуқуқ субъекти ва геосиёсий реаллик сифатида тугатилган»ини расман эълон қилди[243]. Юридик ҳужжат - «Мустақил Давлатлар Ҳамдустлигини тузиши тўғрисида»ги келишув имзоланди. Мазкур келишув халқаро-ҳуқуқий доктрина ҳисобланади. Келишувнинг 5-моддасига мувофиқ, «Келишаётган Олий Томонлар Ҳамдустлик доирасида бир-бирининг ҳудудий яхлитлигини ҳамда мавжуд чегаралар дахлсизлигини тан олади ва ҳурмат қилади»[244]. Бу ёндашув 1991 йил 21 декабрида 11 та собиқ иттифоқчи республика, шу жумладан, Озарбайжон ва Арманистон томонидан имзоланган Олмаота декларацияси билан ҳам мустаҳкамлаб қўйилган[245].

Озарбайжон ва Арманистон аъзолари бўлган Мустақил Давлатлар

---

241. Постановление Президиума Верховного Совета Азербайджанской Республики по предложениям Президиума Верховного Совета Азербайджанской Республики для реализации официального совместного коммюнике о результатах посреднической миссии Президента РСФСР Б.Н. Ельцина и Президента Казахстана Н.А. Назарбаева. 7 октября 1991. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1991.

242. Закон Азербайджанской Республики «Об упразднении Нагорно-Карабахской автономной области Азербайджанской Республики 26 ноября 1991г. Ведомости Верховного Совета Азербайджанской Республики, 1991, №24, Б.77-78.

243. Минское соглашение (Minsk Agreement, 1991, 31 International Legal Materials 143, id. (1992)).

244. Minsk Agreement, 1991, 31 International Legal Materials 143, id. (1992). Минское Соглашение «О создании Содружества Независимых Государств», Б.7.

245. Alma Ata Declaration, 1991, 31 International Legal Materials 147, 148 (1992). Алма-Атинская декларация, 21 декабря 1991г. Сборник документов СНГ, 1991, №1, Б.15-16.

Ҳамдустлигининг (МДҲ) 1993 йили парчаланиб кетган СССР вайроналарида ташкил топган янги мустақил давлатлар томонидан қабул қилинган йўрикномасининг 3-моддасида давлат чегараларининг дахлсизлиги, мавжуд чегараларнинг тан олиниши ҳамда қонунга зид ҳудудий истилолардан воз кечиш принциплари эътироф этилади[246]. МДҲга кирувчи янги мустақил давлатлар томонидан СССР парчаланиб кетганидан сўнг илгариги маъмурий чегараларини давлат чегаралари сифатида сақлаб қолиниш юзасидан эгалланган қатъий позиция жаҳон ҳамжамияти тарафидан илиқ қабул қилинди[247]. Бу халқаро ҳуқуқ принципларига зид келмас эди, зеро «мустақилликка эришилганидан сўнг мавжуд чегаралар халқаро ҳуқуқ билан ҳимоя қилинади ва ҳар қандай ўзгаришлар куч таҳдиди ёки куч қўлланишисиз амалга оширилиши лозим»[248]. Халқаро баҳсларни тинч йўллар ва воситалар билан ҳал қилиш мажбурияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўрикномасининг 2(3) моддасида белгилаб қўйилган: «Бирлашган Миллат Ташкилотининг барча Аъзолари халқаро хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қўймаслик учун ўзларининг халқаро баҳсларини тинч йўллар билан ҳал қилади»[249]. Совет Иттифоқидаги ағдар-тўнтарлар унинг турли ҳудудларида бирдан аланга олган ўткир этник ва ижтимоий инқирозлар билан бирга кузатилди. Мана шундай ўткир ихтилофлардан бири Тоғли Қорабоғ этник можаросига айланиб кетган армани-озарбайжон қарама-каршилиги бўлди.

1991 йил 30 августида Озарбайжон ССР Олий Кенгаши «Озарбайжон Республикаси давлат мустақиллигини тиклаш тўғрисида»ги декларацияни қабул қилди. 1991 йил 18 октябрида Озарбайжон ССР «Озарбайжон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги конституцион актни ҳам қабул қилди[250]. 1991 йили Озарбайжон ва Арманистоннинг мустақиллиги эълон қилинганидан сўнг Тоғли Қорабоғ можароси халқаро этник ихтилоф деб ҳисобланади. Шу тарика, чет элдаги диаспоралар ҳамда Арманистон ССР раҳбариятининг қўллаб-қувватлашида ТҚМВ айирмачилари томонидан сунъий тарзда яратилган Тоғли Қорабоғ муаммоси қуролли этник можарога айланиб кетди, расмий Озарбайжон ва Арманистон узаро муносабатларида

---

246. Устав Содружества Независимых Государств, 1993, 34 International Legal Materials 1279, 1283 (1995).

247. Қаранг: S.R. Ratner, "Drawing a Better Line: Uti Possidetis and the Borders of New States", 90 American Journal of International Law 590, 597 (1996).

248. R. Mullerson, "The Continuity and Succession of States, by Reference to the Former USSR and Yugoslavia", 42 International and Comparative Law Quarterly 473, 486 (1993).

249. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўрикномаси, 1-ҳавола, at 332.

250. Конституционный акт о государственный независимости Азербайджанской Республики. 18 октября 1991 г. - Известия Верховного Совета Азербайджанской Республики. 31 октября 1991 г. Баку. 1992. №19-20 (848-849). Б. 26.

бугунги кунга қадар тўқнашув ва баҳслар келтириб чиқараётган уткир кескинликни яратди.

Буюк ҳокимиятлар ҳамда бугунги кунда фаолият юритаётган, миллатпарастлик руҳида иш курувчи ва, шубҳасиз, айрим кучлар томонидан қуғирчоқ сифатида ишлатилаётган армани етакчиларининг сиёсий уйинларидаги асосий курбонга биринчи навбатда армани халкининг узи айланди. Армани жамиятининг ичидаги бундай вазият ҳақида жамиятшунос Г. Погосян ёзган, бунда замонавий армани жамиятидаги узгаришлар алоҳида эътибор қаратган эди: *«Бу - булинган жамият, унинг учун ижтимоий онгнинг икки ҳолати хосдир. Армани жамияти бугун бирдам ва яхлит деб айтиб булмайди. Ижтимоий онгнинг иккиланиши мамлакатининг, халқининг яқин утмишига, бугунига ва келиши мумкин булган келажагига баҳо беришга муносабатда муаммоларнинг кенг доирасини қамраб олувчи муайян дихотомик қатор буйича утмоқда.*

1991/92 йилларда келган қаҳратон қиш пайласида бошланган кенг қулочли миграция жамиятни иккига булиб юборди: кетган ёки кетишни мақсад қилганлар ва мамлакатни тарк этишни ният қилмаганлар. Кетаётганларнинг сони камроқ эди, лекин потенциал миграция курсаткичлари, ижтимоий суровлар маълумотларига қараганда, жуда юқори эди. Одамларнинг онгида, қалбида ва ижтимоий онгда назарий булиниш чизиги ватанпарварлик ва космополитизм концепциялари уртасидан утар эди.

Ижтимоий онгдаги булинишнинг яна бир чизиги "давлатчилар" ва "бозорчилар" уртасида утади. Ижтимоий онгнинг иккиланиши, шунингдек, геосиёсий қарашлар соҳасини ҳам ажратади. Ижтимоий онгдаги яна бир булиниш чизиги Арманистон мустақиллиги тарафдорлари билан унинг бирор-бир иттифоққа қушилишига хайрихоҳларни ажратади.

Ижтимоий онгдаги яна бир булиниш арманиларнинг миллий ва этник узлигининг психологик схемаларини иккига ажратади. Купгина бошқа, шу жумладан, ҳаётий аҳамиятга молик масалалар буйича замонавий армани жамияти булиниб кетади. Утган асрнинг сунгги декадаси Арманистон учун, Жанубий Кавказнинг бошқа мамлакатлари учун ҳам булганидек, тарихий қуламга эга уч йирик воқеа билан диққатга сазовордир. Булар - депопуляция, моноэтнизация ва жамиятнинг маргиналлашуви. Депопуляция (аҳолининг камайиши) ниҳоятда жиддий характерга эга, негаки гап, биринчи галда, мамлакат аҳолисининг тахминан учдан бири кучиб кетиши ҳақида бормоқда. Арменистонда моэтнизация жараёни армани жамияти аввал

бошидан этник жиҳатдан юқори гомоген бўлгани боис бу қадар улкан ҳажм касб этди. Ҳокимият тепасига янги этноцентрик элита келди. Армани жамиятидаги маргинал қатламларнинг улуши кескин ортиб кетди»[251].

1991 йилда СССР парчаланиб кетганидан сўнг Арманистондан гуржилар, курдлар, озарбайжонлар ва бошқа мусулмонлар кувиб солинди, шундан буен Арманистон Республикаси моноэтник мамлакат бўлиб колмоқда. Замонавий тарихдаги ноёб ходиса! Арманистон Миллий Фанлар Академияси Фалсафа, жамиятшунослик ва ҳуқуқ институти директори, Арманистон жамиятшунослик уюшмаси асосчиси Геворк Погосяннинг фикрича, *«Бир томондан, мамлакат моноэтник эканлиги, миллий озчиликлар муаммосининг, ички ихтилофларнинг йўқлиги яхши. Аммо бу мен ички ксенофобия деб атайдиган ҳолатни келтириб чиқаради. Яъни арманиларнинг ўзлари бир-бирини бўлишга киришиб кетади: ереванликлар, корабоғликлар, гумриликлар, ахпарларга бўлинади. Енингда "бегона" бўлмаса, уни ўзингникилардан топасан»*[252].

Арманистон ССРдан армани бўлмаганларни, шу жумладан ва биринчи навбатда озарбайжонларни рухий сикувга олиш куп йиллар давом этган эди. Бу урушда армани омили мусулмон кўшниларига карши ишлатилди. Расмий Ереваннинг арманиларнинг курол кучи билан Озарбайжон ерларига бўлган «тарихий ҳак-ҳуқуқлари» борасидаги баёнотларидан энди сиёсатнинг эмас, тиббиётнинг хавоси келмоқда. Балки арманиларни зомбилаштириш учун психиатрик таъсир утказилгани туфайли бугун армани этноси ҳаётида, Арманистон Республикаси Сўғлиқни сақлаш вазирлиги бош психиатри Самвел Торосяннинг сўзларига караганда, қуйидагилар кузатилаётгандир: *«Бугун ҳар тўртинчи армани стрессга, турли руҳий бузилишларга ёки у ё бу даражадаги ақлий етишмовчиликка йўлиқкан. Кўчаларда ҳеч бири махсус ҳисобда турмайдиган ўн минглаб ақли ноқисларни учратиш мумкин»*[253].

БМТнинг Еревандаги ваколатхонаси эълон қилган ҳисоботда шунга якин баҳолар келтирилади: *«Республика фуқаролари орасида руҳий хасталар сонининг фожиали тарзда усиб бориши асосан қўйидагилар билан тушунтирилади: ута паст турмуш даражаси билан, Тоғли Корабоғ муаммосининг ҳал этилмагани билан, шунингдек, псевдомиллий императивлар билан»*[254].

ХХ юзйилликнинг таникли армани кинорежиссёр С.И. Паражанов шовинизмнинг рухий босими курбонига айланган кавмдошларига куйидагича тавсиф беради: *«Мен армани халқини икки категорияга бўлган булар эдим. Биринчиси ўзи намояндаси бўлган халқ маданиятини*

---

251. Погосян Г.А. Современное армянское общество: особенности трансформации. М., 2005, Б.254-257, 260, 262, 264, 266, 313-314, 318.

252. Журнал «Анив», 2009, № 3 (24), Б.33, Б.82.

253. Цит. из газеты. «Право выбора», 2005, № 1.

254. Уша манба. «Право выбора», 2005, № 1.

сақлаш миссияси масъулиятига лиммо-лим булиб, Довуд Сосуний анъаналарини эъзозлаб келади. Иккинчи категория эса сувлиқсиз бир оломон булиб, афсуски, бугун уз иллатларини куз-куз қилмоқда. Уйлайманки, ҳаракатнинг бошқа, инсонпарвар усулларини қидириш ва топиш, инсоний қурбонлардан қочиш лозим - уларни дабдаба билан дафн этишни яхши кўришади, лекин ушбу дафн маросимлари Баланчин балетига ухшаб кетади»[255].

Замонавий армани-озарбайжон ихтилофи совет сиёсатининг сунъий «миллат қурувчилик» ҳаракати ҳамда коммунизм ғояларининг бир қатор ўзига хос жиҳатларига бевосита боғлиқдир. Совет амалдорлари ва олимлари томонидан яратилган «социалистик миллатлар этник ўзлиги» моҳиятан совет мафкурачиларининг ғайриилмий «ноу-хау»си эди. Жанубий Кавказда армани этносининг шакллантирилиш жараёни, армани миллий ғояси ва миллий ҳаракатларининг пайдо булиши бевосита армани-турк зиддиятларига алоқадордир, негаки у арманиликнинг этник бирдамлиги ва бирлашуви учун замин хозарлар, бошка томондан эса карама-каршиликни кучайтирар ва турклар қиёфасида душман образини гавдалантирар эди.

Армани халқи орасида бундай муаммоларнинг келиб чиқишига ҳамда арманиларнинг бошка халқлар билан муносабатлари бузилишига туртки булган сабаб фактгина ўзаро муносабатлардаги ечимини топмаётган ижтимоий-маданий ва маиший муаммолар эмаслигини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Балки куп йиллар давомида мусулмонлар ва, хусусан, туркларга қарша нафрат ва адоватнинг тарғиб қилиниши этник урушнинг бошланишига, тинч аҳоли миллий белгиларига кўра кирғин қилинишига олиб келди. Минтака тинч ахолисининг СССР кулаши вактида вужудга келган, аммо, умуман олганда, ҳал қилса буладиган ижтимоий ва маиший муаммолари арманиларнинг чет элдаги диаспоралари аралашуви билан, фитна ва иғволар таъсири остида армани маданият ва жамоат арбобларининг турк дунёсига нисбатан даъволари ва тажовузкор хатти-ҳаракатларига айлантириб юборилди, бу эса, охир-окибат, турфа хилли жанжалларга сабаб булди.

1992 йил 13 январида Озарбайжон БМТга мурожаат қилиб, Арманистоннинг 1988 йилдан буён давом этаётган тажовузини, Тоғли Қорабоғда ноқонуний ҳукумат яратишга ҳамда давлат террорчилик характеридаги хатти-ҳаракатлари билан Озарбайжон Республикаси

255. Газета «Либерасьон», 8 ноября 1988.

ҳудудларини тортиб олишга булган уринишларини қоралашни суради[256].

Тоғли Қорабоғ ихтилофи айни авжига чиккан паллада, 1992 йилнинг 30 январида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХҲТ) Кенгаши Вазирлар маҳкамасининг Прагада утаётган йиғилишида Озарбайжон Хавфсизлик Кенгаши аъзосига айланди, уша йилнинг 8 июлида эса ЕХҲТнинг Хельсинкидаги саммитида унинг барча ҳужжатларини имзолади.

1992 йил 6 февралида ЕХҲТ Тоғли Қорабоғ ихтилофи ечимларини кидириб, минтакага уз миссиясини йуллашга карор қилди[257]. 1992 февралида Озарбайжонга ЕХҲТнинг биринчи миссияси армани-озарбайжон ихтилофи ва Тоғли Қорабоғ можароси буйича ҳисобот тайёрлаш максадида етиб келди. 1992 йил 12–18 февралида минтакада булган ЕХҲТ комиссияси ҳисобот тайёрлаб, унда 1987 йилдан бошланган воқеаларни батафсил баён қилди ва зарур чора-тадбирлар куриш буйича тавсиялар берди. ЕХҲТнинг Олий мансабдор шахслар кумитасининг 1992 йил 27–28 февралида Прагада булиб утган 7-йиғилишида можаро ҳудудларига ташриф буюрган махсус комиссиянинг ҳисоботи тингланди. Йиғилишда Тоғли Қорабоғ Озарбайжон Республикасининг ҳудуди эканлиги расман тасдикланди. Кумита ихтилофни тинч йуллар билан ҳал қилиш муҳимлигини алоҳида қайд килиб утди. Аммо, афсуски, бу Тоғли Қорабоғда тинчлик ўрнатишга қаратилган бефойда халкаро ташаббус булиб колаверди[258].

Россия ҳам фаоллашди. 20 февралда Озарбайжон ва Арманистон ташқи ишлар вазирлари Москвага таклиф қилинди, аммо қотиллик ва тажовузларни бир кунга булса-да тўхтатмаган Арманистон муҳокамага Тоғли Қорабоғ

---

256. Обращение Национального Совета Верховного Совета Азербайджанской Республики к Совету Безопасности ООН. 13 января 1992 г. – Материалы архива МИД Азербайджанской Республики, 1992; Известия Верховного Совета Азербайджанской Республики. 15 февраля 1992 г. Баку. 1992, №3(856). Б. 7-8.

257. CSCE Communication № 65. Prague, 6 February 1992. To the Points of Contact CSCE Rapporteur Mission to Armenia, Azerbaijan and Nagorno-Karabakh. The attached Memorandum, dated 6 February 1992, rom the Chairman in-Office of the Committee of Senior Officials concerning the above-mentioned Mission, is circulated for the information of participating states. - CSCE Archive in Prague. Communication 1992 a.

258. CSCE Communication № 79. Prague, 24 February 1992. To the Points of Contact Interim report on the situation in Nagorno-Karabakh. The attached interim report on the situation in Nagorno-Karabakh, submitted by the CSCE Rapporteur Mission to Armenia, Azerbaijan and Nagorno-Karabakh, is circulated for the information of participating states in view of the Seventh Meeting of the Committee of Senior Officials to be held on 27-28 February 1992. - CSCE Archive in Prague. Communication 1992 a.

армянилари диаспораси вакиллари ҳам киритилишини талаб қилди[259].

Айнан шу кунларда, минтақада ЕХҲТ комиссияси ишлаётган, Россия ташқи ишлар вазирликлари даражасидаги учрашувлар ташаббусини илгари сурган бир кезда армани миллатпарастларининг ва чет эллик ёлланма жангариларнинг қуролли гуруҳлари ҳамда МДҲ 366-мотоўқчи полки 1992 йил 14–17 февраль кунлари Хужаванд туманидаги Қорадоғли қишлоғига ҳамла қилди. Ушбу қишлоқнинг қўлга олиниши жараёнида бу ерда истикомат қилувчи тинч озарбайжон аҳолисига нисбатан ўта оғир ва шафқатсиз жиноятлар содир этилди.

Озарбайжон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, ИИВ ва Миллий мудофаа вазирлиги қўшма тезкор тергов гуруҳи материалларидан:

«Армани оккупантлари Қорадоғли қамали чоғида қишлоқ вакилларидан 119 кишини асирга олди. 67 киши, шу жумладан, 9 ёш бола, 10 аёл, 14 кекса ва 34 ёш одамлар шафқатсизларча ёки қийнаб ўлдирилди. Шунингдек, 5 киши бедарак йўқолди. 37 нафар қорадоғли яшовчиси турли даража оғирликдаги тан жароҳатларини олиб, ногиронларга айланди. Қорадоғли қишлоғида икки оила тўрт нафардан аъзосини йўқотди, 42 оила оталаридан ва эрларидан айрилди, 140 қа якин болалар эса етим бўлиб қолди. Қишлоқда жами 91 киши, яъни ҳар ўн кишидан бири ўлдирилди. Дашноқлар қишлоқни эгаллаши оқибатида бу ерда 200 уй, маданият уйи, 320 ўринли ўрта мактаб биноси, 25 ўринли шифохона биноси ҳамда ижтимоий аҳамиятга молик яна бир қатор бошқа объектлар вайрон қилинди».

Прогрессив инсоният яхши биладики, Тоғли Қорабоғ можароси давомида ҳам Арманистон ССР ҳудудида, ҳам ишғол остидаги Озарбайжон ерларида армани миллатига мансуб бўлмаган тинч аҳолига нисбатан этник тозалашлар амалга оширилди. Мазкур жиноятлар қоғозда қолиб кетмасдан, замонавий халқаро ҳуқуқ қонунларига биноан озарбайжонларга қарши геноцид сифатида қораланиши лозим.

1992 йил 26–27 февралида армани жиноий тўдалари МДҲ 366-мотоўқчи полки қўмагида Хужали шаҳрига ҳужум қилди. Тоғли Қорабоғ можаросининг энг фожиали воқеаси Хужали номли озарбайжон шаҳрида уюштирилган қонли қирғин бўлди. Ушбу фожиа Прагада ўтаётган ЕХҲТ Олий мансабдор шахслар қўмитаси йиғилишида Тоғли Қорабоғ ихтилофи бўйича махсус комиссия ҳисоботи тингланаётган кунларда юз берди.

---

259. CSCE Communication No. 82. Prague, 26 February 1992. To the Points of Contact Communique of Meeting of Ministers of Foreign Affairs of Azerbaijan. Armenia and Russia The enclosed Communique of the Meeting of Ministers of Foreign Affairs of Azerbaijan, Armenia and Russia in Moscow on 20 February 1992, is circulated at the request of the Russian Federation. - OSCE Archive in Prague. Communication 1992 a.

Хужали шаҳридаги қуролли террор окибатида озарбайжон миллатига мансуб 613 киши ўлдирилди; ўлдирилганларнинг 106 нафари аёллар, 63 нафари болалар ва 70 нафари кекса ёшдагилардир. 1275 нафар одам асирга олинди, 487 нафар киши майиб-мажруҳ қилинди, шулардан 76 нафари бир ёшга тўлмаган гўдаклар эди, уларнинг кўпчилиги олинган жароҳатлар окибатида оламдан ўтди. Саккиз оила бутунлай йўқ қилинди, 26 бола иккала ота-онасидан, 130 нафари эса отаси ёки онасидан айрилди. 56 киши алоҳида шафқатсизлик билан тириклайин ёқиб юборилди, бош териси шилиб олинди, боши узиб ташланди, кўзлари ўйиб олинди, ҳомиладор аёлларнинг қорни ёрилди. Бугунги кунда АҚШнинг 20 штатида ва жаҳоннинг 12 мамлакатида 1992 йил 26 февраль воқеалари тинч озарбайжон аҳолисига нисбатан Хужали геноциди деб ган олинган.

Кейинчалик ўша пайтлари Арманистон Республикаси мудофаа вазири бўлган, бугунги кунда мазкур мамлакат президенти сифатида фаолият юритаётган Серж Саргсян, Хужали қатлиоми ҳақида гапирар экан, 2000 йил 15 декабрида британиялик публицистга болалар, аёллар ва кексаларнинг ёппасига қиргин қилиниши ҳақида қуйидагича изоҳ берди: *«Биз бу ҳақда овоз чиқариб гапирмасликни маъқул кўрамиз»*. Шу билан бирга, шаҳар эгалланганидан кейинги воқеалар ҳақида Серж Саргсян очиқроқ гапирди: *«Ўйлашимча, асосий масала барибир бошқа ёқда эди. Хужалига қадар озарбайжонлар биз билан ҳазиллашса бўлади деб ўйлашарди, улар ўйлардики, арманилар тинч фуқароларга қўл кўтаришга қодир эмас деб ўйларди. Биз бу стереотипни синдиришга муваффақ бўлдик. Мана шунақа бўлди»*[260]. Серж Саргсяннинг ушбу баснотини геноцид амалга оширилганлигининг ган олиниши деб ҳисобласа ҳам бўлади. Тинч озарбайжон аҳолисининг қиргин қилиниши гашкилотчиларидан бирининг бундай баёнот бериши Хужали шаҳрининг эгалланиши ва унинг аҳолисига нисбатан қиргин уюштирилиши ғасддан уюштирилган қўрқитиш акти, яъни террор бўлганлигини ва бир бор кўрсатади. Афсуски, тинч инсонларга карши ҳеч қандай жазо ва окибатларсиз террор уюштирилиши Серж Саргсянга хизмат зиналаридан Арманистон Республикаси президенти мансабига қадар кўтарилиш имкониятини яратиб берди. ва, афсуски, бундай жазосизлик Тоғли Қорабоғнинг ишғол остидаги бошқа худудларида ҳам тинч аҳолининг ёппасига қиргин қилинишига олиб келди.

---

260. CSCE Communication No. 82. Prague, 26 February 1992. To the Points of Contact Communique of Meeting of Ministers of Foreign Affairs of Azerbaijan, Armenia and Russia. The enclosed Communique of the Meeting of Ministers of Foreign Affairs of Azerbaijan, Armenia and Russia in Moscow on 20 February 1992, is circulated at the request of the Russian Federation. - OSCE Archive in Prague. Communication 1992 a.

Кўплаб материаллар, кенг миқёсли исбот-далил базаси, Қорадоғли ва Хўжали воқеаларидан омон қолган гирик гувоҳларнинг бевосита шоҳидлигига асосланган кўрсатмалар Озарбайжон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, ИИВ ва Миллий мудофаа вазирилиги қўшма тезкор тергов гуруҳи томонидан бир ерга тўпланди. МДҲ 366-мотоўқчи полки зобитлари ва ҳарбий хизматчиларининг, шунингдек, армани ёлланмаларининг Қорадоғли, Хўжали, Мешали, Баганис-Айрим, Агдабан ҳамда Озарбайжоннинг бошқа аҳоли яшаш пунктларида озарбайжон нуфусига қарши геноцид ва инсониятга қарши жиноятларнинг қайта-қайта амалга оширилишини исботловчи материалларни тўплаш бўйича тезкор тергов гадбирлари ўтказилди. Бу ҳарбий жиноятчилар Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига мувофиқ ўта оғир жиноятларни содир этишда айбланиб, халқаро каналлар орқали қидирувга берилган. Улар тинч фуқароларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлишда, асирлар ва туткунларни кийноққа солиш ва азобли ўлимга дучор этиш, тинч аҳоли геноциди, маҳаллий озарбайжонларни мажбурий кўчириш ва ўзларининг қонуний яшаш жойларидан депортация қилишда айбланади.

Терговчиларнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати шарофати билан қонли фожианинг бутун манзарасини қайта тиклашга, руйхатларни тузишга, асосий жиноятчиларнинг - Қорадоғли ва Хўжалида тинч аҳолининг ўлдирилишида иштирок этган армани ёлланма жангарилари ҳамда МДҲ 366-мотоўқчи полки ҳарбийларининг исм-шарифларини аниқлашга муваффақ бўлинди. Республика Ҳарбий прокуратураси, ИИВ ва Миллий мудофаа вазирлиги қўшма тезкор тергов гуруҳи гумондор 286 кишини инсониятга қарши жиноятларда айбдор деб топиб, уларни Озарбайжон ҳудудида содир этилган жиноятлари туфайли жавобгарликка тортишга қарор қилди. Уларга нисбатан суд инстанциялари томонидан сиртқи ҳибс ҳақидаги қарорлар чиқарилиб, шулар асосида тегишли мурожаатлар Интерполнинг Озарбайжон миллий бюросига йўлланди ҳамда тилга олинган шахслар халқаро қидирувга берилди.

Озарбайжонларга қарши жиноятларда 366-полк ҳарбий хизматчилари айбдор эканлиги исботлаб бўлинди, бу шасхларга нисбатан амалдаги қонунга мувофиқ қидирув тадбирлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон прокуратураларига керакли юридик ёрдам кўрсатиш илтимоси билан тегишли аризалар киритилди. Тезкор тергов гуруҳи Қорадоғлида тинч аҳолининг қатл этилиши ҳақидаги иш юзасидан олти кишини, Хўжали геноциди ҳақидаги юз юзасидан эса 38 кишини жавобгарликка тортиш қарори қабул қилинди, бу шахслар ҳам халқаро қидирувга берилди.

1992 йил 2 мартида Озарбайжон Республикаси БМТ аъзосига айланди. 13 март куни Озарбайжон БМТ Хавфсизлик Кенгашига мурожаат қилиб, Арманистон тажовузининг тўхталиши учун таъсирчан чоралар кўришни сўради. Бу мурожаатга жавобан БМТ бош котиби минтақага АҚШнинг собик давлат котиби Сайрус Вэнс бошчилигидаги махсус комиссияни йўллади.

13–14 март кунлари ЕХҲТ Олий мансабдор шахслар қўмитасининг Хельсинкидаги 8-йиғилишида ихтилофнинг бориши ҳамда вазиятни тинч йўллар билан изга солиш масаласи кўриб чиқилди. Учрашувдан сўнг қўмита раиси Ян Кубиш (Чехословакия) бошчилигидаги делегация 19–23 март кунлари ихтилоф зонасига қайтадан ташриф буюрди.

1992 йил 23-24 мартида ЕХҲТ Олий мансабдор шахслар қўмитасининг Хельсинкидаги 9-йиғилишида делегациянинг навбатдаги ҳисоботи тингланди ва йиғилиш иштирокчилари яна бир бор томониларни ихтилоф зонасида дарҳол ўт очишни тўхтатишга чақириш билан чекланди. 1992 йил 24 мартида ЕИ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг Хельсинкидаги биринчи қўшимча учрашувида мавжуд вазият ихтилофни тинч йўллар билан ҳал қилиш мақсадида яна бир бор кўриб чиқилди. ЕХҲТ Олий мансабдор шахслар қўмитаси кафиллигида Озарбайжон, Арманистон, қабул қилувчи томон - Беларусь, шунингдек, Чехословакия (1993 йилдан Чехия ва Словакия), Туркия, Германия, Италия, Франция, Россия, Швейцария ва АҚШ вакиллари иштирокида Тоғли Қорабоғ бўйича тинчлик конференцияси ўтказишга қарор қилинди. Шу тарика Минск жараёнининг пойдевори қўйилди. Кейинчалик Минск конференцияси чақирилмай қолиб кетди, лекин Минск воситачи гуруҳи шакллантирилди, эндиликда у Қорабоғ муаммосини тинч йўллар билан ҳал қилишнинг самарадор механизмларини топиш билан шуғулланмоқда[261].

1992 йил 1 майида ЕХҲТ Олий мансабдор шахслар қўмитасининг яна Хельсинки шаҳрида ўтган 10-йиғилишида Тоғли Қорабоғ бўйича анжуманни ташкил этиш, уни ўтказишнинг шарт-шароитлари, раиснинг ваколатлари сингари масалалар кўриб чиқилди. Тинч конференция ғоясини амалга ошириш мақсадида тузилган Минск гуруҳи ихтилофни бартараф этиш йўналишида фаолият юритиши, кейин эса, мамлакатнинг ҳолислиги ҳамда минтақадаги муаммоларга бетарафлиги инобатга олинган ҳолда томонларни якуний ҳужжатни имзолаш учун Минскда тўплаши лозим эди. 7 май куни минтақага Минск

261. CSCE First Additional Meeting of the Council. Helsinki. 24 March. 1992.- Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1992. Summary First Additional Meeting of the Council. Helsinki. 24 March. 1992.- CSCE Archive in Prague. File: Nagorno-Karabakh. Minsk. 1992 B-1993. ll. № 652.

конференциясининг биринчи раиси Марио Раффаэлли ташриф буюрди.

ЕХҲТнинг Тоғли Қорабоғ можаросини тинч йуллар билан ҳал килиш буйича тинчлик конференциясининг тайёрланиши ихтилофнинг ҳар икки томони билан куруқлик чегараларига эга булган Эроннинг фаоллашиши билан бир пайтда руй берди. Расмий Техрон Озарбайжон ва Арманистон президентлари билан гуғридан-гуғри музокаралар олиб бориш ташаббусини илгари сурди. Шу муносабат билан 1992 йил 7-8 майида Техронда Озарбайжон раҳбари Ёкуб Мамедовнинг Арманистон етакчиси Левон Тер-Петросян билан учрашуви булиб ўтди. Музокаралар якунларига кура Тоғли Қорабоғ можаросини тинч йул билан ҳал қилиш буйича қушма резолюция қабул килинди. Аммо Техрон музокаралари давом этаётган бир пайтда Арманистон куролли кучлари Шушага ҳужум қилди, Техрон резолюцияси имзоланган куннинг эртасига эса шаҳарни эгаллади. 1992 йил ёзида Тоғли Қорабоғдаги жанглар яшада шиддатли тус олди. Озарбайжондаги ички галаёнлардан фойдаланиб, 17 май куни Арманистон Тоғли Қорабоғ маъмурий чегараларидан ташкарида булган Лочин туманини ишғол килди.

Маълумот учун:

Лочин тумани (Арманистон Республикаси ҳамда Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ минтақаси билан чегарадош): ишғол санаси - 1992 йил 17 майи, майдони - 1 875 кв. км. Аҳолиси - 59 500 киши; жами аҳоли яшаш пунктлари - 123 та; шулардан ишғол остидагилари - 123 таси (Лочин шаҳри билан биргаликда 100 фоиз); уйларидан қувиб чиқарилган шахслар - 59 500 киши.

1992 йил 18-19 майида вазиятнинг кескинлашиши муносабати билан Хельсинкида ОБСЕ Олий мансабдор шахслар қумитасининг 11-йиғилиши булиб ўтди. АҚШ делегацияси Тоғли Қорабоғ муаммосини ҳал килиш буйича ўз тавсиялари лойиҳасини тақдим этди, аммо Арманистоннинг лойиҳага қушилмаслиги туфайли у қабул килинмай қолиб кетди. 1992 йил 22 майида Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Тоғли Қорабоғ буйича баёнот қабул килиб, унда минтақада ҳарбий ҳаракатлар жадаллашганидан чуқур ташвишдалигини билдирди ҳамда барча томонларни ЕХҲТнинг Тоғли Қорабоғ буйича тинчлик конференциясини энг киска муддатларда ўтказиш буйича ишларни фаоллаштиришга чақирди. Шунингдек, баёнот муаллифлари кескин тарзда куч қулланилишини танкид остига олиб, Арманистон ва Озарбайжон ЕХҲТга аъзо булишда зиммасига олган мажбуриятларни эслатиб ўтди.

1992 йил 1–7 июн кунлари Рим шаҳрида Минск гуруҳи доирасидаги

музокараларнинг биринчи боскичи Озарбайжон ва Арманистон вакиллари иштирокида булиб утди. Ушбу музокараларнинг бирламчи максади тинчлик конференциясининг 23 июн куни булиб утадиган очилишига тайёргарлик куриш булди[262]. Озарбайжон томони ут очиш режимини хамда халқаро назоратни урнатиш таклифи билан чикди[263], аммо хужжат яна кабул килинмади. Тоғли Корабоғ армани жамоати вакиллари учрашувга келмади[264].

15 20 июн кунлари Римда Минск гуруҳи конференциясига тайёргарликнинг иккинчи боскичида Арманистон томони Шуша ва Лочин ишғоли хакидаги олдинги хужжатга Оқдарани хам кушишни талаб килди[265]. Озарбайжон томони жаҳон хамжамиятини Шуша ва Лочин ишғоли фактларидан, Арманистоннинг тажовузидан бохабар килди. 1992 йил 18 июнида Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар Тоғли Корабоғ буйича баёнотда Римдаги биринчи фавкулодда учрашув доирасидаги саъй-харакатлардан натижа чиқаришга хамда I.ХҲТ шафелигида Минск конференциясини тезрок утказиш буйича ишларни фаоллаштиришга яна бир бор чакирди. Шунингдек, 1992 йил 18 июнида АКШ харбий харакатларни тухтатиб, музокараларни бошлашга чакирди[266].

29 июндан 7 июлга кадар Римда музокараларнинг учинчи раунди булиб утди[267]. Минск гуруҳи 60 кунга ут очишни тухтатишга чакирди[268]. 31 июлдан 4 августгача давом этган тўртинчи раундда эса Озарбайжон томони охирги таклифларни Минск гуруҳи мандатини четга чикиш сифатида баҳолади[269]. Қозоғистон президенти Н.А. Назарбоевнинг ташаббусига кўра 27 август куни Озарбайжон, Арманистон ва Қозоғистон

---

262. 1 June to 7 July (Rome) - Emergency Preliminary Meeting of the Minsk Group of the CSCE. - OSCE Archive in Prague. Decisions, adopted texts and background documents on the [Nagorno Karabach] conflict dealt with by the CSCE/OSCE Minsk Conference. 1992-2008. P. 12.

263. Proposal of Azerbaijan. 3 June 1992. - OSCE Archive in Prague. Roma, 1992. 1,2 session.

264. Report on the Preliminary Emergency Meeting of the Minsk Grooup. 12 June 1992. - OSCE Archive in Prague. Minsk Conference. File N:809.

265. Rome, 19 June 1992. Emergency Preliminary Meeting of the Minsk Group of the CSCE. Rome. 1992.Proposal of the Azerbaijan Delegation. - OSCE Archive in Prague. File: Roma. 1992. 1. 2 session.

266. U.S. Department of State Office of the Assistant Secretary / Spokesman For Immediate Release. June 18, 1992. Statement by Margaret Tutwiler / Spokesman. - OSCE Archive in Prague. File: Roma 1992. 1.2 session.

267. Journal Emergency Preliminary Meeting of the Minsk Group of the CSCE. Rome. Villa Madama. 29, 30 June, 1, 2, 3, 4, 6 July 1992. Third session. - OSCE Archive in Prague. CSCE.

268. Appeal by the Minsk Group of the CSCE for an Interruption of military activities. - OSCE Archive in Prague. File: Roma. August, 1992. Minsk Group.

269. Azerbaijan. 2 August 1992. - OSCE Archive in Prague. CSCE.

вакиллари Олмаота меморандумини имзолади[270]. Томонлар 60 кунга ут очишни тухтатишга рози булди. Келишувда курсатилган шартларнинг бажарилиши учун 3 сентябрь куни тегишли баённома имзоланди. Аммо Арманистон мазкур баённомани бузди. Ишгол килинган худудлардан тинч озарбайжон ахолисининг кувиб чикарилиши ва котилликлар давом этди. 1992 йил 7-10 сентябрида ЕХҲТ Минск гуруҳи музокараларининг бешинчи раунди булиб утди. 1992 йил июнидан сентябригача Римда бешта учрашув ташкил этилди, лекин уларнинг хеч бири самара бермади. Учрашувдаги мухокамаларнинг асосий мавзуси Тоғли Қорабоғ жамоаси вакилларининг Минск гуруҳидаги макоми масаласи булди. Шу бугунга кадар турли дипломатик тадбирларда, хамраисларнинг реал дипломатик харакатлардан узок чикишларида Тоғли Қорабоғ армани жамоасининг ноконуний, тан олинмаган тузилмаларини Озарбайжон Республикаси билан бир каторда музокара жараёнлари субъектига айлантириш нияти куринади. ЕХҲК–ЕХҲТ учрашувларида музокара жараёнларининг энг бошидан Россия хам айнан мана шундай тушунарсиз ва куракда турмайдиган нуктаи назарни ҳимоя килиб келмокда.

СССР таркалиб кетгач, АҚШ Конгресси 1992 йил 24 октябрида «Россияда эркинлик, Евросиёда демократия ва эркин бозорни куллаб-кувватлаш туғрисидаги Акт»ни кабул килди. 1990-йиллар бошида Арманистон Озарбайжон худудига кенг фронт буйлаб хужумлар уюштираётган бир пайтда армани диаспораси ва унинг Ғарб мамлакатларидаги лоббичилари ахборий урушда хам сезиларли ютукларга эришдилар. Мазкур уруш бугунги кунга кадар Озарбайжонни жахон хамжамияти куз ўнгида агрессор сифатида курсатиш мақсадида бугунги кунга кадар давом эттирилмокда. Арманиларнинг чет эл давлатларида Озарбайжонга карши олиб бораётган ахборот урушининг меваларидан бири уша пайтдаги сенатор Жон Керрининг (Массачустетс штатидан) таклифи булди. 1992 йил декабрида Конгресс унинг таклифини кабул килиб, «Эркинликни куллаб-кувватлаш акти»га 907-узгартишни киритди. Ушбу узгартишга мувофик, Озарбайжонга хар кандай ёрдам курсатиш такиқланар ёки чекланар эди. Уз-узидан, бу армани лоббичилари саъй-харакатининг туғридан-туғри натижаси эди. Ўзгартиришда айтилишича, «Президент Озарбайжон хукумати Арманистон ва Тоғли Қорабокка карши барча

270. CSCE Communication No. 264. Prague. 8 September 1992. To the Points of Contact Memorandum of the Foreign Ministers of Azerbaijan, Armenia and Kazakhstan the Attached Memorandum of the Ministers for Foreign Affairs of the Republic of Azerbaijan, the Republic of Armenia and the Republic of Kazakhstan concerning their Meeting in Alma-Ata on 27 August 1992, is circulated at the request of the Chairman in-Office. - OSCE Archive in Prague. Communication. 1992 a.

блокадалар ва бошқа тажовузкор куч ишлатишларни тўхтатиш борасида намойишкорона қадамлар ташлаганини аниқлаб, Конгрессга бунинг юзасидан ҳисобот бермагунига қадар АҚШнинг мазкур Акт ёки бошқа бирор ҳужжатга мувофиқ ёрдами... Озарбайжон ҳукуматига курсатилиши мумкин эмас». Бу АҚШ сиёсатдонларининг мустакил Озарбайжон олдидаги биринчи «хизмати» эмасди.

2001 йил 11 сентябрида АҚШда рўй берган фожиали террорчилик актидан сунг халкаро сиёсий вазият ўзгаришларга учради, ва АҚШ президенти Кичик Жорж Буш Террорчиликка карши халкаро коалиция аъзоси бўлган Озарбайжонга нисбатан 907-ўзгартиришнинг бекор қилиниши масаласини кутарди. Бунинг натижасида 2012 йил январида «Эркинликни қўллаб-кувватлаш Акти»га киритилган 907-ўзгартириш бекор қилинди.

Минск халкаро конференциясининг биринчи раиси Марио Рафаэлли 1993 йил 10 январидан Минск конференцияси очиладиган 9 мартга қадар уруш ҳаракатларини тўхтатиш чора-тадбирлари лойиҳасини тайёрлади[271]. 23 февралдан 1 мартга қадар Минск гуруҳига аъзо давлатлар вакиллари М. Рафаэлли раислиги остида қуйидагича келишувга эришди:

- Ўт очиш тўхтатилиши ҳамоно минтақага ЕХҲК кузатувчилари юборилиши лозим;
- У ерга миссияни тайёрлаш учун ЕХҲК экспертлари гуруҳини йўллаш керак;
- Апрель ойида Минск гуруҳининг яна бир учрашуви бўлиб ўтиб, унда ўт очишни тўхтатиш, кузатувчилар миссияси ишининг бошланиши, Минск халқаро конференциясининг расмий очилиши ҳамда тинчлик жараёнининг конкрет ҳужжатлари бўйича келишувга эришилиши муддатлари аниқланиши лозим[272].

16 март куни Россия ва Франция президентлари кўшма баёнот билан чиқиб, ихтилофни тинч услубларда, мулокот йўли билан ҳал этишга чақирди[273]. Бундай мурожаатларга қарамай, Арманистон қурол

---

271. Календарь мероприятий по приостановке военных действий с 10 января 1993 г. и открытию Минской конференции 9 марта 1993 г. – Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1993. Документы по Карабахской проблеме. Управление конфликтных проблем. Часть I. Папка №22, л. 21-30.

272. Детальное состояние переговоров по Нагорному Карабаху. Текст заявление посла Мереска. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1993. Документы по Карабахской проблеме. Управление конфликтных проблем. Часть I. Папка №20. л. 1.

273. Совместное заявление президента Российской Федерации и президента Французской Республики. Москва. 16 марта 1993 года. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1993. Документы по Карабахской проблеме. Управление конфликтных проблем. Часть II. Папка № 22, л. 64.

кучи билан Тоғли Корабоғ атрофидаги ҳудудларни эгаллашда давом этди. 1 апрель куни Озарбайжон Республикаси жаҳон мамлакатлари парламентларига, Европарламентга, ЕХҲК ва БМТга мурожаат қилиб, Арманистоннинг очик-ошкор интервенционистик сиёсатига эътибор каратишга ва агрессорга баҳо беришга чакирди[274].

Армани қуролли тудалари Варденис туманидаги марралардан ҳамлага утиб, 1993 йил 2 апрелида Келбажар тумани ҳудудини босиб олди. Юзлаб одамлар бедарак йуқолди ёки асирга олинди. Туманнинг тинч аҳолиси мажбурий кучган шахсларга айланди. Улар орасида, озарбайжонлардан ташкари, руслар, украиналиклар, яҳудийлар ва бошка халклар вакиллари бор эди[275].

Маълумот учун:

Келбажар тумани (Арманистон Республикаси ва Озарбайжоннинг Тоғли Корабоғ минтақаси билан чегарадош): ишгол санаси - 1993 йил 2 апрели, майдони - 1 936 кв. км., аҳолиси - 62 000 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 150 та; 150 таси ишгол қилинди (Келбажар шаҳри билан бирга 100 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 62 000 киши, улар орасида, озарбайжонлардан ташқари, руслар, украиналиклар, яҳудийлар ва бошқа халқлар вакиллари бор эди.

3 апрель куни Озарбайжон БМТ Хавфсизлик Кенгаши раисига мурожаат килди ва гажовузкорлик хатти-харакатларини исботловчи материалларни такдим этди[276]. 6 апрелда БМТ Хавфсизлик Кенгаши раисининг баёноти кабул қилиниб[277], унда Озарбайжон ва Арманистон уртасидаги муносабатларнинг ёмонлашиб, очик душманлик боскичига утиши, Арманистон кучларининг Озарбайжон Республикасининг Келбажар гуманига бостириб кириши муносабати билан хавотир билдирилди. Баёнотда, шунингдек, у ердан минтақадаги тинчлик ва хавфсизликка тахдид солувчи оккупацион кучларни зудлик

---

274. Об агрессии Армении против Азербайджанской Республики. Парламентам стран мира, Европарламенту, ОБСЕ и ООН. - Обращение Национального Совета Азербайджанской Республики. 1 апреля 1993 г. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1993.

275. Statistic information on the results of the occupation of the Kelbajar region. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики 2002. Секретариат. Постоянное представительство Азербайджанской Республики при ООН. Папка №S. л. 97-103.

276. Идентичные письма Президента Азербайджана на имя Генерального секретаря и председателя Совета Безопасности. 3 апреля 1993 года; Заявление Министерства Иностранных Дел Азербайджанской Республики. 4 апреля 1993 года; - Гасанов Г. Письмо в Совет безопасности ООН. 1992-1993. Б. 78. 82.

277. Заявление председателя Совета Безопасности. - Гасанов Г. Письмо в Совет Безопасности ООН. 1992-1993. Баку. 2004. Б. 89.

билан олиб чиқиб кетиш талаби ифода этилди, минтакадаги барча мамлакатларнинг суверенлиги, ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлиги яна бир бор тасдикланди, ЕХҲК доирасида тинчлик жараёни қўллаб-қувватланишига, Минск конференцияси тез орада чақирилишига умид билдирилди, ниҳоят, тинч аҳолининг азобларини камайтириш учун тусиқларсиз халкаро гуманитар ёрдамни ташкил этиш тавсия этилди.

1993 йил 7 апрелида Брюссель шаҳрида Европа Ҳамдўстлиги ва аъзо давлатлар Тоғли Қорабоғ буйича баёнот кабул килди. Унда яна бир карра Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги муносабатлар кескин равишда ёмонлашганидан ташвишдалигини билдирган давлатлар, шунингдек, ҳарбий харакатлар Озарбайжоннинг Келбажар ва Фузулий туманларига ҳам таркалганидан афсусда эканлигини қайд килиб утди. Ҳамдўстлик ва аъзо давлатлар Арманистон ҳукуматини кескин оҳангларда Тоғли Қорабоғ куролли гурухларига таъсиридан фойдаланган ҳолда ут очишни дарҳол тўхтатилишига ва Озарбайжоннинг барча ерларидан қўшинларини олиб чиқиб кетишга эришишга чақирди. Ихтилоф томонлари ЕХҲК Минск гурухи доирасидаги музокараларни ташлаб кетмасликка чақирди.

Россия кумагида 1993 йил 8 апрелида Сочида Россия мудофаа вазири Павел Грачёв Озарбайжон ва Арманистон вакиллари билан учрашди. Озарбайжон томони армани оккупацион кучларига Келбажарни тарк этишни тавсия этди. Арманилар рад жавобини берди, бунга асос сифатида блокада эканликларини пеш килди. Улар қўшинларнинг олиб кирилишини Мегрига йул очиш эҳтиёжи билан тушунтирди. Сочи учрашуви ҳам натижа бермай якунланди[278].

1993 йил 11 апрелида Озарбайжон Республикаси яна БМТ бош котибига мурожаат килиб, армани тажовузларини тушовлашни суради[279]. 1993 йил 30 апрелида Озарбайжон томонининг кистовига кура тупланган БМТ ХК мажлиси Келбажарнинг армани куролли гурухлари томонидан эгаллаб олинишини мухокама килди. 3205-йиғилишида Д. Маркер (Покистон) раислигидаги БМТ Хавфсизлик Кенгаши №822 рақамли резолюцияни қабул килди[280]. Унда барча ҳарбий ҳаракатларни

---

278. Запись переговоров в Сочи. 08.04. 1993. - Материалы архива МИД АР. 1993. Управление конфликтных проблем. Документы по Карабахской проблеме. Часть II. Папка № 22, л. 109-112.

279. Письмо Президента Азербайджанской Республики от 11 апреля 1993 года на имя Генерального Секретаря. - Гасанов Г. Письмо в Совет Безопасности ООН. 1992-1993. Б. 100.

280. Официальный документ СБ ООН. S/RES/822 (1993). 30Апрl 1993. Резолюция на основании ссылок на заявления Председателя СБ ООН от 29января 1993г.(S25199), от 6 апреля 1993г. (S25539) и заявление Генерального секретаря от 14 апреля 1993г. (S25600)

дарҳол тухтатиш ва оккупацион кучларни зудлик билан Келбажар туманидан ҳамда Озарбайжоннинг бошқа забт этилган ҳудудларидан олиб чиқиб кетиш талаби ифодаланди[281]. Ушбу резолюцияда БМТ ХК раисининг 1993 йил 29 январи ва 6 апрелидаги баёнотлари ҳамда БМТ бош котибининг 14 апрелдаги ҳисоботида курсатилган фактлар асосида уларнинг хулоса ва тавсиялари такрорланди.

1993 йил 29-30 апрелида АҚШ, Россия ва Туркия кушма ташаббус билан чиқиб, тинчлик ташаббуси тартибида янги тавсиялар режасини ишлаб чиқишди. 3 май кунги уч томонлама маслаҳатлашувларнинг натижаси уларок кушма лойиха дунё юзини курди[282]. Ушбу графикка мувофиқ, 9 май куни Арманистон томони уз кушинларини Келбажар туманидан олиб чиқишни бошлаши керак, барча кучлар 27 мартда кайд этилган ҳолатга кайтиши лозим. Низо томонлари 12 майдан 60 кунга ут очишни тухтатиш тартибини эълон килиши, 14 майда эса армани кушинларининг Келбажардан олиб чиқилиши якупланиши, кузатувчилар армани кушинларининг олиб чиқиб кетилганлигини тасдиклаши лозим. 17 май куни маслаҳатлашувларни «5+1» формуласи буйича давом эттириш, 24–25 май кунлари эса Римда ЕХҲК Минск гуруҳи доирасидаги музокараларнинг янги раунди булиб утиши режалаштирилган эди. Кечиктириб булмас уч томонлама тадбирлар графики Озарбайжон ва Арманистонга йулланди. Озарбайжон ушбу таклифларга кушилди, лекин уч мамлакатнинг тавсияларини Арманистон ва корабоғлик айирмачилар рад этди.

26 май куни Левон Тер-Петросян баёнот билан чиқиб, «Тоғли Қорабоғ халқи» ҳақ-ҳукуклари ва хавфсизлиги учун кафолатлар талаб килди ҳамда Озарбайжон масалани ҳарбий йул билан ҳал килишдан воз кечганига ишонмаслигини таъкидлади[283]. 3-4 июнда ЕХҲК вакиллари Римда учрашиб, 15 июн куни Арманистон куролли кучлари Келбажардан чиқишни бошлаши ва 20 июнга кадар ушбу тумандан эвакуацияни якунлаши ҳакидаги ҳужжатни муддатидан илгари тайёрлади. Унга кура, эвакуация якунлангач, ЕХҲКнинг 50 нафар кузатувчиси бу ерга келиши лозим эди. Бундан ташқари, Минск конференцияси энг

281. Resolution 822(1993) Adopted by the Security Council at its 3205th Meet ing on 30 Aprel 1993. - Aggression of the Republic of Armenia Against the Azerbaijan Republic. Information Bulletin. 1994. The Ministry of Foreign Affairs of the Azerbaijan Republic. Baku, 1994. P. 13-14.

282. U. S. Hores for Acceptance of Nagorno Karabakh plan. State Depatment Report. 3 May 1993. - United States Information Service.

283. Заявление президента Республики Армения от 26 мая 1993 года. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики 1993. Переписка с постоянным представительством Азербайджанской Республики при ООН. Управление конфликтных проблем. Папка № 22, л. 4-5.

кечи билан 7 августда уз ишини бошлаши назарда тутилган эди. Аммо июнда Озарбайжондаги вазият кескинлашиб кетди, Армани кучларининг Окдара, Агдам, Фузулий, Жаброил йуналишларидаги кенг микёсли хамласи бошланди ва Агдамнинг ишголи билан якунланди.

Ерларнинг кулдан кетиши, харбий муваффакиятсизликлар Озарбайжон Республикасида ички инкирозни келтириб чикарди. Озарбайжондаги вазият кун сайин ёмонлашар, лекин мамлакатнинг сиёсий элитаси ва халки ушбу инкироздан имкон кадар тезрок чикиб кетишни истар эди. 1993 йил 15 июнида давлат ва сиёсат арбоби Хайдар Алиев Озарбайжон Республикаси Олий Кенгашининг раиси этиб сайланди. 25 июнда парламент Хайдар Алиевга президент ваколатларини такдим этди. Озарбайжон ЕХХК Минск гурухи билан хамкорликни давом эттирди[284]. Умумхалк сайлаган президент Хайдар Алиев кенг ишончга сазовор булиб, улкан халкаро нуфузга эга эди. Шу муносабат билан минтакага М. Раффаэлли ташриф буюриб, ишгол остидаги туманларни озод килиш буйича уз таклифини берди[285]. Минск конференцияси раиси Марио Рафаэлли кетганидан сунг узининг харбий харакатлар томони ёки иштирокчиси эканлигини рад этиб келган Арманистон БМТ ХК резолюцияси хамда Минск гурухи томонидан тайёрланган кечиктириб булмас тадбирлар графигини бажаришдан бош тортди, бунга терс равишда, 1993 йил 23 июлида армани куролли кушилмалари Агдам туманини эгаллади.

Маълумот учун:

Агдам тумани (Арманистон Республикаси ва Озарбайжоннинг Тогли Корабог минтакаси билан чегарадош): ишгол санаси - 1993 йил 23 июли, майдони - 1 154 кв. км., аҳолиси - 160 000 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 120 та; 96 таси ишгол қилинди (Агдам шаҳри билан бирга 80 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 123 400 киши.

Озарбайжон Республикаси рахбари Хайдар Алиев дархол БТМ ХК раисига мактуб йуллаб, агрессорни камал остига олишни талаб килди, Арманистон жахон хамжамияти олдида уз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаётганини, Озарбайжон ерларини озод килиш

284. Обращение Г. Алиева - Председателя Верховного Совета Азербайджанской Республики, исполняющего обязанности президента Азербайджанской Республики. - 5 июля 1993 г. - Наша независимость вечна. Кн. I. Баку. 1997. Б. 19-21.

285. Совместное заявление на пресс-конференции исполняющего обязанности президента Г. Алиева и председателя Минской конференции ОБСЕ Марио Рафаэли. 14 июля 1993 г. - Наша независимость вечна. Кн. I. Баку. 1997. Б. 32-42.

учун кечиктириб булмас чораларни куллаш вакти келганини кайд килди[286].

1993 йил 24 июнида Брюсселда Европа Ҳамдустлиги ва аъзо давлатлар Тоғли Қорабоғ буйича навбатдаги баёнотда ихтилофнинг барча томонлари жаноб М. Рафаэлли томонидан тақдим этилган ЕХҲК режасини қабул килганлигидан мамнунлигини билдирди ҳамда томонларни ушбу режани тулалигича куллаб-кувватлашга чакирди, зеро у ЕХҲК кузатувчилар миссияси жойлашишининг биринчи боскичини енгиллаштиради. БМТ ХК 1993 йил 30 апрелидаги №822 ракамли резолюциясининг амалга оширилиши ҳамда Тоғли Қорабоғ можароси тинч йул билан ҳал этилиши учун улар икки томон ҳам ишгол остидаги ҳудудлардан кушинларини олиб чикиши ҳамда минтакада ЕХҲК кузатувчилари жойлашиши билан уларнинг хавфсизлиги таъминланиши лозимлиги таъкидланди.

Озарбайжон талабига кура 1993 йил 29 июлида тупланган БМТ Хавфсизлик Кенгаши узининг Д.Ханней (Буюк Британия) раислигидаги 3259-йиғилишида №822 ракамли резолюцияни яна бир бор тасдиқловчи №853 ракамли янги резолюцияни кабул килди[287]. Ушбу ҳужжатда БМТ Хавфсизлик Кенгаши барча ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тухтатишни қайтадан талаб килди. Ихтилофда иштирок этаётган оккупацион кучларнинг тула ҳажмда, зудлик билан ва ҳеч қандай эътирозларсиз Агдам гуманидан ва Озарбайжон Республикасининг бошка ишгол килинган худудларидан олиб чикиб кетилиши шарти илгари сурилди[288].

9 августда Римда Минск гурухининг Арманистон ва Озарбайжон вакиллари билан маслаҳатлашувлари булиб утди. Унда армани куролли кучларини Озарбайжоннинг ишгол остидаги ерларидан олиб чикиб кетиш буйича кечиктириб булмас тадбирлар графиги мухокама килинди. Арманистон томони мазкур графикка уз эътирозини билдирди.

1993 йил 18 августида Озарбайжон яна БМТ ХК раисига мурожаат килди ҳамда Арманистон томони илгари кабул килинган резолюцияларда белгиланган мажбуриятларни бажармаётганини, Фузулий, Жаброил, Губодли туманлари йуналишидаги тажовузкорона

---

286. Письмо осуществляющего полномочия Президента Азербайджанской Республики от 24 июля 1993 года на имя Председателя Совета Безопасности. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1993.

287. Резолюция СБ ООН. S/RES/853 (1993). 29 July 1993 Резолюция на основании рассмотренного доклада Минской группы Совещания по безопасности и сотрудничеству в Европе от 27 июля 1993г. (S26184)

288. U.N. Resolution 853 (1993) Regarding the Armenia/Azerbaijan Conflict United Nations Security Council Juli 29. 1993. - Aggression of the Republic of Armenia Against the Azerbaijan Republic. Information Bulletin. 1994. The Ministry of Foreign Affairs of the Azerbaijan Republic. P. 15-19.

ҳаракатларини давом эттираётганини эслатиб ўтиб[289], БМТ ХКнинг яна бир йиғилишини тўплашни талаб қилди[290]. Хавфсизлик Кенгаши номидан унинг раиси 18 августдаги 3264-йиғилишда баёнот бериб[291], Озарбайжон ва Арманистон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашиб бораётганидан ташвишдалигини билдирди. Ушбу баёнотда Фузулий тумани томонга юриш қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги тан олинди, ишғол остидаги туманларнинг бўшатиб қўйилиши чақириғи қайтадан янгради. Озарбайжон Республикаси ҳамда минтақанинг бошқа давлатлари суверенитети ва ҳудудий бўлинмаслиги тақрорланди. Ушбу баёнотларга қарамай, 1993 йил 20–23 августида армани қуролли қисмлари Фузулий ва Жаброил туманларини эгаллаб олди. Ушбу туманларнинг тинч аҳоли мажбурий кўчган шахсларга айланди.

Маълумот учун:

Фузулий тумани (Арманистон Республикаси ва Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ минтақаси билан чегарадош): ишғол санаси - 1993 йил 23 августи, майдони - 1 386 кв. км., аҳолиси - 114 000 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 77 та; 77 таси ишғол қилинди (Фузулий шаҳри билан бирга 100 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 114 000 киши.

Жаброил тумани (Арманистон Республикаси ва Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ минтақаси билан чегарадош): ишғол санаси - 1993 йил 23 августи, майдони - 1 056 кв. км., аҳолиси - 52 000 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 97 та; 97 таси ишғол қилинди (Жаброил шаҳри билан бирга 100 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 52 000 киши.

Ушбу фожиали воқеалардан сўнг 1993 йил 23 ва 30 август кунлари Озарбайжон яна икки карра БМТ ХКга мурожаат қилди[292], лекин БМТ мавжуд вазиятга ўз муносабатини билдириб улгурмасдан армани оккупацион кучлари 1 сентябрь куни Губодлини эгаллади.

---

289. Алиев Г.А. Председателю Совета Безопасности ООН. Копия Генеральному секретарю ООН. 18 августа 1993 г. - Наша независимость вечна. Кн. 1. Баку, 1997. Б. 89.

290. Письмо Осуществляющего полномочия Президента Азербайджанской Республики. Председателя Верховного Совета Азербайджанской Республики Гейдара Алиева на имя Председателя Совета Безопасности. – Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1993.

291. Заявление председателя Совета Безопасности ООН. 18 августа 1993 года. - Материалы архива МИД Азербайджанской Республики. 1993.

292. Письмо постоянного представителя Азербайджана от 30 августа 1993 года на имя председателя Совета Безопасности. - Гасанов Г. Письма в Совет Безопасности ООН 1992-1993. Б. 267-269; 73 Агрессия Республики Армения против Азербайджанской Республики. Папка № 9, л. 36.

Маълумот учун:

Губодли тумани (Арманистон Республикаси ва Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ минтақаси билан чегарадош): ишгол санаси - 1993 йил 31 августи, майдони - 826 кв. км., аҳолиси - 30 300 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 95 та; 95 таси ишгол қилинди (Губодли шаҳри билан бирга 100 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 30 300 киши.

1993 йил 3 сентябрида Брюсселда Европа Ҳамдустлиги ва аъзо давлатлар яна бир резолюция кабул килиб, Озарбайжоннинг ҳудудига борган сари ичкари кираётган Арманистон қушинларининг ҳужумларини коралади. Минтақа давлатларининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги дахлсиз эканлигини яна бир такрорланди, шунингдек, Ҳамдустлик ЕХҲК Минск гурухи доирасидаги саъй-ҳаракатларни куллаб-кувватлади. Ҳамдустлик ва аъзо давлатлар ихтилоф томонларининг бирор-бир шаклда кушимча мулокот олиб боришга чакирди, зеробу июнойидаузил-кесилкелишилгантрафикнинг ижро этилишига имкон туғдириб бериши лозим. Шунингдек, Тоғли Қорабоғнинг махаллий куролли кучлари БМТ ХКнинг 822 ва 853 рақамли қарорларига ҳурмат курсатиб, Келбажар, Ағдам, Фузулий ва Жаброил туманларини тарк этишига умид билдирилди. Резолюцияда кайд килинишича, Ҳамдустлик давлатлари Озарбайжон томонидан бу йуналишда кенг микёсли ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилгани ёки шундай имконият борлиги ҳакида ҳеч кандай маълумотга ва фактларга эга эмас. ЕҲ Арманистонни узининг Тоғли Қорабоғ арманиларга кучли таъсиридан фойдаланган ҳолда БМТ ХКнинг №822 ва №853 рақамли резолюцияларининг ҳамда ЕХҲК Минск гурухи таклифларининг амалга оширилишини таъминлашга чакирди. Арманистонга мурожаат қилар экан, халкаро ташкилот уни Озарбайжон ҳудудига ҳужумларни амалга ошираётган махаллий армани куролли тўдаларига моддий ёрдам курсатмасликка, бу билан ҳужумлар микёси янада кенгайишига сабабчи бўлиб колмасликка чакирди.

Минск гурухи томонидан 1993 йил 28 сентябрида мухокамага олиб чиқилган кечиктириб бўлмас тадбирларнинг янги графиги Озарбайжон томонидан рад этилди. Арманистон БМТ ХКнинг 822, 853 рақамли резолюциялари ҳамда БМТ ХК раисининг 18 августдаги баёноти билан ҳисоблашмаётгани, шунингдек, графикда арманилар эгалланган ерларни кай тарзда бушатиб қуйиши курсатилмагани рад жавобининг асосий мотиви сифатида тасдикланади.

Озарбайжон талабига кура тупланган БМТ Хавфсизлик Кенгаши 1993 йил 14 октябрида Р. Сарденберг (Бразилия) раислигида утган 3292-йиғилишида №822 ва №853 рақамли резолюцияларини қуллаб-

қувватлаб, №874 рақамли резолюцияни қабул қилди[293]. Ушбу ҳужжатда БМТ ХК яна бир карра ут очишни тухтатиш тартибига амал қилишга чақирди, Минск гурихининг саъй-ҳаракатларини қуллаб-қувватлашини биллирди, №822 ва №853 рақамли резолюцияларни амалга ошириш буйича кечиктириб булмас чораларнинг янги графигини маъқуллади. Шунингдек, ХК томонларни ушбу графикка риоя этишга, қиска муддатларда Минск конференциясини туплашга, қуролли кучларни ишғол остидаги ҳудудлардан олиб чиқишга, коммуникация ва транспорт олдидаги барча ғовларни олиб ташлашга, минтака ишларига аралашувнинг ҳар қандай шаклларидан воз кечишга, бу билан адоват руҳининг умуман ихтилофнинг кенгайиб кетишига сабабчи булиб қолмасликка, минтакадаги тинчлик ва баркарорликни бузмасликка қайта бор чақирди. Шунингдек, барча ҳарбий ҳаракатларни зудлик билан тухтатиш, Губолли тумани, Озарбайжон Республикасининг яқинда эгалланган барча ҳудудларини бушатиб қуйиш талаблари илгари сурилди[294].

Айни пайтда Арманистон Зангилон туманини ишғол қилди. БМТ ХК резолюцияларини писанд қилмай, илгари берилган расмий баёнотлар, Арманистоннинг ҳарбий операцияларига якун ясаш талабларини инобатга олмаган Арманистон томони бу сафар Озарбайжон ишғол остидаги ҳудудларини озод қилиш буйича Швеция ташқи ишлар вазири, ЕХҲКнинг амалдаги раиси Маргарет аф Углас бошчилигида минтакага 1993 йил 30 октябрида келган тинчликпарвар миссияга ҳам эътибор каратмади.

Маълумотнома:

Зангилон тумани (Арманистон Республикаси ва Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ минтақаси билан чегарадош): ишғол санаси - 1993 йил 30 октябри, майдони - 707 кв. км., аҳолиси - 40 000 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 83 та; 83 таси ишғол қилинди (Зангилон шаҳри билан бирга 100 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 40 000 киши.

Зангилон туманини эгаллагач, армани қуролли гуруҳлари шу тариқа Озарбайжон Республикасининг Тоғли Қорабоғни ураб турган барча етти туманини уз назорати остига олди. Бундан ташқари, Қозоқ тумани ҳамда Нахчивон Мухтор Республикаси ҳудудларининг бир қисми эгалланди.

---

293. Резолюция СБ ООН. S/RES/874 (1993). 14 October 1993 Резолюция на основании рассмотренного доклада Председателя СБ ООН от 18 августа 1993г. (S26326) и письмо Председателя Минской конференция от 1октября 1993г. (S26522) на имя Председателя СБ ООН.

294. Resolution 874 (1993) Adopted by the Security Council at its 3292 nd Meeting on 14 October 1993. - Aggression of the Republic of Armenia Against the Azerbaijan Republic. Information Bulletin. Baku, The Ministry of Foreign Affairs of the Azerbaijan Republic. 1994. P. 20-22.

Маълумотнома:

Қозоқ тумани (Арманистон Республикаси билан чегарадош): майдони - 699 кв. км., аҳолиси - 78 000 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 75 та; олтитаси ишғол қилинди (8 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 6 500 киши (барчаси - озарбайжонлар).

Нахчивон Мухтор Республикаси (Арманистон Республикаси билан чегарадош): майдони - 5 386 кв. км., аҳолиси - 323 900 киши; аҳоли яшаш пунктлари - 221 та; биттаси, шунингдек, Садар қишлоғи яқинидаги участка ишғол қилинди (0,5 фоиз); қувиб чиқарилган шахслар сони - 347 киши.

1993 йил 9 ноябрида Брюсселда Европа Иттифоқи Тоғли Қорабоғ буйича яна бир баёнот қабул қилиб, унда барча кучларни яқинда забт этилган ҳудудларни тарк этишга чақиради. Европа Иттифоқи ЕХҲК принципларига мувофиқ яна бир бор Озарбайжон Республикаси суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги муҳимлигини қайд этиб ўтди. ЕИ айниқса ҳарбий ҳаракатлар оқибатида қочқинга айланган одамлар тақдиридан хавотирдалигини билдириб, бутун жаҳон ҳамжамиятини қочқинлар хавфсизлигини таъминлашга чақирди. ЕИ бундан кейин ҳам ёрдам кўрсатиш нияти борлигини тасдиклаб, минтақа давлатларини ушбу ёрдамни етказиш жараёнини тезлаштиришга чақирди. ЕИ яна бир карра ЕХҲК Минск гуруҳининг Тоғли Қорабоғ сиёсий можаросининг узоқ истикболли бартараф этилиши йўлидаги саъй-харакатларини қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Уз ҳудудларининг зўравонлик билан тортиб олинишига карши конуний чоралар кўрилишини талаб қилиб Озарбайжон Республикаси БМТ бош котибига ҳамда БТМ Хавфсизлик Кенгаши раисига муаммони ҳуқуқий ҳал этиш талаби билан мурожаат қилди. 1993 йил 12 ноябрида тупланган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Ж.-Л. Жесус (Кабо-Верде) ва Д. Ханней (Буюк Британия) раислигидаги навбатдаги йиғилиши №822, №853 ва №874 рақамли резолюцияларини қўллаб-қувватлаш мақсадида №884 рақамли резолюцияни қабул қилди[295]. Ушбу ҳужжатда БМТ Хавфсизлик Кенгаши барча ҳарбий ҳаракатларни дарҳол тўхтатиб, Зангилон туманини, Ғорадиз шаҳрини ҳамда Озарбайжон Республикасининг барча ишғол қилинган ҳудудларини тарк этишга чақирди[296].

1994 йил 17 январида Европа Иттифоқи 1993 йил декабрида Тоғли

295. Resolution 874 (1993) Adopted by the Security Council at its 3292 nd Meeting on 14 October 1993. - Aggression of the Republic of Armenia Against the Azerbaijan Republic. Information Bulletin. Baku, The Ministry of Foreign Affairs of the Azerbaijan Republic. 1994. P. 20-22.

296. Security Council. Resolution 884. - Aggression of the Republic of Armenia Against the Azerbaijani Republic. Information Bulletin. Baku. The Ministry of Foreign Affairs of the Azerbaijan Republic, 1994. P. 23-25: Compilation of the UN documents on the Armenia-Azerbaijan Nagorno Karabakh conflict. Baku, 2009. P. 55-57.

Қорабоғда кенг микёсли ҳарбий ҳаракатлар қайтадан бошланганидан ташвишга тушиб, Брюссель ва Афинада Озарбайжондаги вазиятюзасидан коммюникте таркатди. Европа Иттифоки ушбу ҳужжатда томонларни сабр-токат курсатиб, ихтилоф натижасида зарар курган гинч аҳолини қайтадан қийноқлар оғушига ташламасликка чақирди. Шунингдек, ташкилот яна бир бора Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини бутунлай қуллаб-кувватлашини билдириб, карама-карши томонларни ут очишни тухтатишга ҳамда БМТ ХКнинг тегишли резолюцияларини амалга оширишга, энг киска муддатларда ЕХҲК Минск гуруҳи билан тинчлик музокараларини қайтадан бошлашга чақирди.

1994 йилнинг 18 январидан 18 февралига қадар бир ой давомида Москвада Озарбайжон, Россия ва Арманистон ташки ишлар вазирлари музокаралар олиб борди. Уч томонлама учрашувда Россия томонидан тайёрланган 16 пунктлик режа муҳокама қилинди. Унда озод қилиниши кузланган Озарбайжон ҳудудлари курсатилган, халқаро ажратувчи куч сифатида эса асосий қисми россиялик ҳарбий хизматчилардан иборат буладиган МДҲ қуролли кучларининг Бирлашган штаби таклиф этилган эди[297]. Режада озод қилиниши лозим ҳудудлар сирасига Шуша ва Лочин киритилмаган эди, шу боис Озарбайжон томони ушбу режани қабул қилмади. Шунингдек, 1994 йил 14–15 апрелида Минск гуруҳи аъзоларининг Прагадаги норасмий учрашувида узаро ишончни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Мазкур учрашувда Россиянинг режаси маъқуллашмади.

Қирғизистон пойтахти Бишкекда 1994 йил 4 майида утган МДҲ парламентлараро Ассамблеяси йиғилиши доирасида Қорабоғ можаросида ут очишни тухтатиш буйича музокаралар бошланди. Россия воситачилигидаги музокараларда Озарбайжондан спикер уринбосари Афиядлин Жалилов, Арманистондан эса парламент раиси Бабкен Араркся иштирок этди. Россиянинг Минск гуруҳидаги вакили Владимир Казимиров томонидан тайёрланган ут очишни тухтатиш туғрисидаги келишувда Тоғли Қорабоғ армани жамоаси ихтилофнинг алоҳида тарафи сифатида курсатилган, аммо Тоғли Қорабоғ озарбайжонлари жамоаси ихтилоф томони сифатидан эътироф этилмаган эди. Шу боис Озарбайжон томони ушбу ҳужжатни имзолашдан бош тортди.

1994 йил 8 майида Россиянинг Минск гуруҳидаги вакили Владимир Казимиров Бокуга тузатилган «Бишкек баённомаси»ни олиб келди.

297. Martin Sieff. Armenia Armed by Russia for battles with Azerbaijan. - The Washington Times. 1997. 10 April. 78 14-15 April (Prague) Informal Meeting of the Minsk Group. - OSCE Archive in Prague. Decisions, adopted texts and background documents on the [Nagorno Karabach] conflict dealt with by the CSCE/OSCE Minsk Conference. 1992-2008. P. 21.

Баённоманинг 5-хатбошисида «эгалланган ҳудудлар» жумласи «ишғол қилинган ҳудудлар» деб ўзгартирилган эди. Шунингдек, сулҳдан сўнг фронт чизиғида «халкаро тинчликпарвар миссия» жойлашиши белгиланган эди. Ҳужжатга мувофиқ, томонлар халкаро ҳамжамият воситачилигида якин вақт ичида «Тинчлик ҳақида катта келишув» имзолаши лозим эди. 1994 йил 9 майида Озарбайжон томонидан келишувга иккита қўшимча имзо қўйиб, факс оркали ўз розилигини билдирди. Шундан сўнг ҳужжат 1994 йил 10 майида Арманистон томонидан, 1994 йил 11 майида эса Тоғли Қорабоғ армани жамоаси томонидан имзоланди. 1994 йил 12 майида ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги келишув кучга кирди.

Ўт очишни тўхтатиш тартиби эълон қилинганидан сўнг Минск гуруҳи фаолияти уч йўналишда давом этди:

- Ўт очишни тўхтатиш тартибини мустаҳкамлаш;
- Ҳарбий катта сиёсий келишув тузиш максадида музокаралар жараёнини давом эттириш;
- Гуманитар масалаларни ҳал қилиш.

ЕХҲТ Минск гуруҳи учрашувларида армани қўшинларини Озарбайжон Республикасининг ишғолга учраган ҳудудларидан олиб чиқиш масаласи кўп бора кўтарилди, аммо Арманистон томони ҳар сафар ушбу талабаларни рад этар, шу боис учрашувлар муваффақиятсиз якунланар эди.

1994 йилнинг 7-8 июли ва 17 октябрида Минск гуруҳининг Венадаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Россиянинг 16 пунктдан иборат юқорида тилга олинган режаси бир ой давомида 1994 йил 18 январидан 18 февралига қадар Россия, Озарбайжон ва Арманистон вакилларининг учрашувида муҳокама қилинган, аммо расмий Боку томонидан рад этилган эди. Лекин тинчликпарвар кучларни тузиб, минтакага жўнатиш масаласи кейинроқ Б. Ельцин ва Б. Клинтон томонидан муҳокама қилинди. Ельцин Россия тинчликпарвар кучларда 70 фоизлик улушга эга бўлиши кераклигини айтди. Клинтон эса Россияга 50 фоизлик улуш ҳам етарли бўлишини маълум қилди.

1994 йил 5-6 декабрида ЕХҲК давлат ва ҳукумат раҳбарларининг Будапештдаги саммитида Тоғли Қорабоғ ихтилофи биринчи марта алоҳида пункт сифатида кун тартибига киритилди[298]. Озарбайжон Республикаси президенти Ҳайдар Алиев ўзининг саммитдаги чиқишида Озарбайжон томони учун қуйидаги меъёр принциплар шаксшубҳасиз эканлигини таъкидлаб ўтди:

298. Conference on Security and Cooperation in Europe. Budapest summit. 1994. Journal No:2. - OSCE Archive in Prague. OSCE Budapest summit. 1994. File No:210. 281.

- Чегаралар дахлсизлиги;
- Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлиги;
- Армани қуролли отрядларининг ишғол остидаги туманлардан олиб чиқиб кетилиши;
- Барча кочқинларнинг уз ерларига қайтиши[299].

Саммит давомида ЕХҲТнинг ташкилий жиҳатдан янгиланиши ҳамда ташкилотни 1995 йил 1 январидан Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) деб номлаш ҳақида карор қабул қилинди. Ҳужжатда ихтилоф зонасига кўп миллатли тинчликпарвар кучлари контингентининг жўнатилиши муҳимлиги таъкидланди, бирок тинчликпарвар кучларнинг турли мамлакатлар армияларидан тузилиши расмий Москванинг саъй-харакатларига мувофик келмаётган эди. Музокаралар жараёнининг энг бошидан расмий Москва Тоғли Қорабоғ масаласини бир ўзи ҳал қилишга урингани ва тинчликпарвар кучлари деярли тулалигича Россия кўшинларидан иборат булишига харакат килаётгани маълум эди. Бу Россиянинг империалистик макомини кутариш ҳамда минтақадаги таъсирини оширишга булган интилиши билан тушунтирилади.

Арманистон–Озарбайжон ихтилофи муҳокамаси якунларига кура ЕХҲТнинг қуйидаги йўналишларда фаоллашиши ҳақида карор кабул қилинди:

- Тоғли Қорабоққа кўп миллатли тинчликпарвар кучлар контингентини йуллаш;
- Минск конференциясида ҳамраислар институтини таъсис этиш;
- Ут очмаслик тартибининг узок давом этишини таъминлаш;
- Куролли зиддиятнинг тугаши буйича сиёсий келишувни имзолаш мақсадида интенсив учрашувларни ташкил килиш[300].

Будапешт саммитидан сунг Россияга Минск гуруҳи ҳамраиси ваколати топширилди[301], лекин кўп миллатли тинчликпарвар кучлар контингенти шу билан минтақага олиб кирилмади.

ЕХҲТнинг 1996 йил 2–3 декабрида Лиссабонда булиб утган саммитида учта муҳим ҳужжат қабул қилиниши кузда тутилган эди:

---

299. Statement Heydar Aliyev. President of the Azerbaijan Republic. – OSCE Archive in Prague. Conference on Security and Cooperation in Europe. Budapest summit. 1994. Journal No:2. - OSCE Archive in Prague. OSCE Budapest summit 1994. File No: 217.

300. 6 December (Budapest) Budapest Summit Document - Extract from chapter II devoted to Regional Issues Intensification of CSCE action in relation to the Nagorno Karabakh conflict. - OSCE Archive in Prague. Decisions, adopted texts and background documents on the [Nagorno Karabach] conflict dealt with by the CSCE/OSCE Minsk Conference. 1992-2008. P. 23-24.

301. CSCE. Budapest Document 1994. Towards a Genuine Partnership in a new era. Budapest. 1994. P. 1-4.

1. ЕХҲТга аъзо давлатларнинг олий даражадаги учрашуви декларацияси;

2. «XXI аср Европасида умумий ва тула камровли хавфсизлик модели тугрисида»ги декларация;

3. Европада оддий куролли кучларни чеклаш жараёнини камраб олувчи зона параметрлари гугрисидаги хужжат.

ЕХҲТ Минск гуруҳи ҳамраислари ҳамда ЕХҲТнинг амалдаги раиси Тоғли Қорабоғ можароси ҳал килинишида асос булиб хизмат киладиган принципларни тавсия килди. ЕХҲТ раиси баёнот билан чикиб, унда ушбу принципларни тулаконли акс эттирди. Ушбу принциплар Минск гуруҳига аъзо барча давлатлар томонидан ҳимоя килинади[302]. Булар:

- Озарбайжон Республика ва Арманистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги;
- Тоғли Қорабоғнинг ҳукукий макоми Озарбайжон таркибида уз-узини бошқаришнинг энг олий даражасини тақдим этувчи узликни англаш, уз тақдирини ўзи белгилаш принципларига асосланади;
- Тоғли Қорабоғ ва унинг аҳолиси хавфсизлиги, шу жумладан, томонларнинг масалани ҳал этиш буйича таъкидларнинг бажарилиши мажбуриятлари.

Аммо Арманистон ушбу принципларни яна қабул килмади ва ЕХҲТнинг 54 аъзоси ичида таклифга карши овоз берган ягона давлат булди.

1992 йилдан Минск конференциясига Италия (1992 1993), Швеция (1994), Россия (1995) ва Финляндия (1995-1996) раислик килди. 1997 йилги Лиссабон саммитидан сунг Франция, Россия ва АҚШни уз ичига оладиган ҳамраислар институти яратилди.

Мунтазам тукнашувлар ва бир-бирига карата ўт очиш билан боғлик стратегик аҳамияти йўк ҳолатлар кузатилишига карамай, «тинчлик ҳам, уруш ҳам йўк» вазияти карор топди. Умуман олганда, эришилган сулҳга 2016 йил апрелига кадар риоя этилди. Ўша кунларда Озарбайжон куролли кучлари ишгол остидаги ҳудудларнинг стратегик нуқтаи назардан муҳим тепаликлари ҳисобига 2 минг гектарлик участкасини қайтариб олди.

---

302. ОБСЕ. Встреча на высшем уровне. Лиссабон, 2-3 декабря 1996г. Лиссабонский документ 1996г. Приложение 1; Заявление ДП ОБСЕ, 13.

ХУЛОСА

Куп йиллик натижасиз музокаралар, адоғи йуқ декларациялар ва узаро бир-бирини айблашлар Тоғли Қорабоғ можаросини бартараф қилишда ҳеч кандай аҳамиятли ёки ижобий натижа келтирмади. Бугунги кунга кадар Арманистон Республикаси узининг Озарбайжон Республикаси ички ишларига аралашувини, суверен мамлакатнинг худудий яхлитлигини вайрон қилишдаги иштирокини инкор этиб келади, шу билан бирга, Тоғли Қорабоғ муаммоларини ҳал килиш буйича деструктив позицияда туришни ҳеч куймади.

Шу пайтга кадар расмий Ереван Тоғли Қорабоғ можаросининг келиб чиқишини Озарбайжонда этник арманилар ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилганлиги билан тушунтиради: *«Маъмурий, миллий-маданий, социал-иқтисодий ва демографик сиёсат нуқтаи назаридан Озарбайжоннинг ва озарбайжонларнинг этник арманиларга муносабати адолатсиз эди»*, гуёки *«Озарбайжон арманилари куп йиллар давом этган доимий ва шиддатли дискриминация объекти булганлиги туфайли Тоғли Қорабоғ арманилари халқларнинг уз тақдирини узи белгилаш ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда Озарбайжон таркибидан чиқиш истагини билдирди»*. Ҳақиқатанам шундайми?

2.3. ИККИЮЗЛАМА СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАР АСПЕКТИ

Мутахассисларга маълумки, БМТ ташкил топиб, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини эълон қилинганидан сўнг икки негиз меъёр - халқларнинг узлигини англаш ҳуқуқи ҳамда давлатнинг ҳудудий яхлитлиги узаро жиддий зиддиятга киришиб келади. Айнан шу халқаро ҳуқуқ принципларининг ҳилма-хил талқин қилиниши жаҳоннинг қатор минтақаларида фожиали оқибатларга олиб келди ҳамда Тоғли Қорабоғ, Днестрбўйи можароларининг келиб чиқишига, Югославия, Абхазия, Украина давлатларининг барбод бўлишига олиб келди.

Замонавий халқаро амалиётда халқларнинг узини англаш ҳуқуқи ҳамда давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, мавҳум фалсафий категориялар ёки сиёсий қарашлардан фарқли равишда, конкрет маъно-мазмунга эга, лекин ихтилофдаги томонлар ҳамда этник-сиёсий можароларга аралашган учинчи кучлар бу принципларни уз геосиёсий ва дипломатик манфаатлари йулида узича талқин қилади. Халқаро ҳуқуқ ички давлат ҳуқуқи назорат қилмайдиган ва қила олмайдиган муносабатларни тартибга солиши талаб этилади, негаки халқаро ҳуқуқ субъектлари бошқа давлатларга ва уларнинг қонунчилигига буйсунмайди. Демак, халқаро-ҳуқуқий бошқарув объекти сифатида биринчи навбатда давлатлараро муносабатларни куриш жоиз.

Халқаро ҳуқуқ уз субъекти ҳамда халқаро муносабатларнинг иштирокчиси сифатида алоҳида миллатни эмас, умуман давлатни кўради. Халқаро ҳуқуқ субъекти деганда халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг халқаро ҳуқуқ меъёрлари ёрдамида субъектив ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятларга эга бўлган томонлари тушунилади. Эътиборга олайликки, дунёдаги ҳеч қайси миллат бундай ҳуқуқларга эга эмас, фақатгина давлатлар, янада аниқроқ айтганда, миллат эмас, балки халқаро муносабатлар иштирокчиси бўлган давлат халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади. Айнан давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида, жамоавий тузилма тарикасида, халқаро ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси ва томони бўлиши мумкин. Давлатнинг халқаро ва ҳуқуқий мақоми асосини турли халқаро-ҳуқуқий манбалар ва меъёрларда санаб ўтилган ҳуқуқлар белгилаб беради. Давлатнинг ваколатли мансабдор шахслари томонидан содир этилган барча халқаро-ҳуқуқий аҳамиятга молик хатти-ҳаракатлар давлат номидан содир этилган деб ҳисобланади.

Халқаро ҳуқуқ, халқаро-ҳуқуқий меъёрлар ва курсатмалар жамланмаси ва тизими уларок, Тоғли Қорабоғ можаросида халқаро муносабатларнинг бош регуляторига айланиши лозим. Озарбайжон

Республикаси, азият чеккан давлат сифатида, Арманистон Республикасига нисбатан амалдаги халқаро қонунчиликка мувофиқ хатти-ҳаракатларни амалга оширишга ҳуқуқли:

- Озарбайжон давлатига қарши тажовуз ҳамда унинг ҳудудларини ишғол қилгани учун, БМТнинг 1974 йилдаги «Тажовуз тушунчаси тўғрисида»ги резолюциясига мувофиқ;
- Озарбайжоннинг ишғол остидаги ҳудудларидан тинч аҳолини депортация қилгани учун, 1949 йилги «Тинч аҳолини ҳимоя қилиш тўғриисда»ги Женева конвенцияси ҳамда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрида қабул қилинган Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясига мувофиқ;
- Ҳарбий асирларга нисбатан шафқатсиз муносабат, уларнинг ўлдирилгани ва қийнокка солингани учун, 1949 йилги «Ҳарбий асирларга муносабат тўғрисида»ги Женева конвенциясига кўра;
- Ҳарбий ихтилоф чоғида ярадор ва хасталар билан шафқатсиз муносабатда бўлингани, уларнинг устида тиббий экспериментларнинг ўтказилгани учун, 1977 йилги «Қуруқликдаги урушлар пайтида беморлар ва ярадорларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Женева конвенцияси ва I қўшимча баённомага мувофиқ;
- Ҳужалида озарбайжонларга нисбатан геноциднинг амалга оширилгани учун, БМТ Бош Ассамблеясининг 1948 йил 9 декабрдаги № 260 А (III) рақамли «Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисида»ги конвенцияси 6-моддаси, Халқаро жиноий суд мақоми 103-моддаси, Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси ҳамда Озарбайжон Республикаси президентининг 1998 йил 26 мартдаги «Озарбайжонларга қарши геноцид тўғрисида»ги фармонига мувофиқ;
- Озарбайжонларнинг ўз ватанида эркин ҳаракатланишини чеклаганлик, уларнинг ўз мол-мулкини тасарруф қилиш ҳуқуқини бузганлик учун, 1950 йилги «Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Европа конвенциясига мувофиқ;
- Армани ҳарбийлари томонидан амалга оширилган халқаро жиноятларнинг олдини олмагани, бу жиноятларни содир этган шахсларни жавобгарликка тортмагани учун, 1977 йилги Женева конвенциясининг I қўшимча баённомаси 91-моддасига мувофиқ;
- Армани ҳарбий гуруҳларининг хатти-ҳаракатлари БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1974 йил 14 декабрида қабул қилинган фавқулодда вазиятлар ва ҳарбий ихтилофлар чоғида болалар ва аёлларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ;

- Шунингдек, юқорида санаб утилган барча жиноятлар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрида қабул килинган Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларациясига мувофиқ жиноят деб топилиши мумкин.
- 2-модда. Ҳар бир инсон, миллати, тили ва диний мансубиятидан қатъий назар, мазкур декларация билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга эга булиши шарт;
- 3-модда. Ҳар бир киши яшаш, эркинликка ва дахлсизлик ҳуқукларига эгадир;
- 5-модда. Инсон кадр-кимматини камситувчи, шафқатсиз, инсонийликдан чикувчи ҳар кандай хатти-ҳаракатлар такикланган;
- 9-модда. Узбошимчалик билан ҳибсга олиш, ушлаб колиш ва қувиб чикариш такикланади;
- 17-модда. Ҳар бир инсон мол-мулк ҳуқукига эга. Инсонни унинг мол-мулкидан узбошимчалик билан махрум килиш такикланади.

Арманистон Республикаси 1993 йил 7 июнида Туртинчи Женева конвенцияси ва I қушимча баённома иштирокчисига айланди. Арманистон Республикаси, жавобгар сифатида, Озарбайжон билан узаро муносабатларида унинг халкаро мажбуриятлари бузилмаган деб ҳисоблаши мумкин, лекин Арманистон ва Озарбайжон уртасида юзага келган халкаро бахс халкаро ҳуқукдан келиб чикилган ҳолда бартараф этилиши шарт, бу ҳолда эса жавобгар давлатнинг халкаро ҳуқукий меъёрларга зид хатти-ҳаракатлари охир-оқибат аникланади. Бунда учинчи давлатларнинг жиддий сиёсий манфаатларига ҳам дахл этилиши мумкин ва бу тарика кун тартибига чиккан масала қушимча гафтишга эҳтиёжманд булади.

Арманистоннинг Озарбайжонга Тоғли Қорабоғнинг тегишлилига юридик нуктаи назардан эътироз билдиришга булган уринишлари куп карра жаҳон ҳамжамияти эътиборига турли боскич ва даражаларда тақдим этилди, лекин халкаро ҳамжамият вакиллари Арманистоннинг мазкур эътирозларини қабул килмади. Ҳатто Арманистоннинг узи ҳам Тоғли Қорабоғни расман тан олмади ва алохида давлат сифатида тан ололмайди ҳам. Тоғли Қорабоғ Озарбайжоннинг таркибий кисмидир ва шундай булиб колаверади, бу факт нуфузли халкаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, ЕХҲТ[303], Европа Кенгаши, Европарламент, ОИК, НАТО, ГУАМ, давлатлар парламентлари ва раҳбарлари томонидан тан олинган. Барча резолюциялар, декларациялар ҳамда бошка халкаро ҳуқукий ҳужжатларда Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлиги тасдикланади ҳамда қуролли гуруҳларни Озарбайжоннинг ишгол

303. 1995 йил 1 январига кадар ЕХҲК

қилинган ҳудудларидан олиб чиқиш талаби ифода этилади.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Европада тинчликни сақлаш ҳамда давлатлараро муносабатларни кенгайтириш йўналишига хизмат қилувчи ташкилоти сифатида бугунги кунга қадар Тоғли Қорабоғдаги Арманистон-Озарбайжон ихтилофини ҳал қилишда воситачи ролини уйнамоқда, лекин ҳеч қандай конкрет натижага эриша олгани йўқ. ЕХҲТнинг ихтилоф ҳал этилишини тезлаштиришга қодир конкрет механизмлари мавжуд эмаслигига қарамай, бир фактни тан олиш керакки. ЕХҲТ оккупант мамлакатга маълум босим утказиш ҳамда жаҳон ҳамжамияти эътиборини мазкур жараёнларга қаратиш имкониятларига эгадир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши (ЕХҲК) 1975 йил 1 августида Хельсинки якуний акти қабул қилинган бўлиб, у ўз ичига оладиган декларацияда давлатлар ўртасидаги узаро муносабатларнинг асосий қоида ва мезёрларини белгиловчи 10 принцип курсатилган. Булар:

I. Суверен тенглик, суверенитетга хос ҳуқуқларни ҳурмат қилиш;

Иштирокчи давлатлар «бир-бирининг суверен тенглигини ва узига хослигини, шунингдек, уларнинг суверенитетига хос ва у томонидан қамраб олувчи ҳуқуқларни ҳурмат қилиши шарт, бундай ҳуқуқлар сирасига, хусусан, ҳар бир давлатнинг юридик тенгликка, ҳудудий яхлитликка, эркинликка ва сиёсий мустақилликка булган ҳуқуқлари киради».

II. Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

Иштирокчи давлатлар «узаро муносабатларда ҳам, умуман халқаро муносабатларда ҳам ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлигига ва сиёсий мустақиллигига, ҳам Бирлашган Миллатларнинг ҳамда мазкур декларациянинг мақсадларига зид булган бошқа ҳар қандай шаклда куч ишлатишдан ёки куч билан таҳдид қилишдан тийилади. Ҳеч қандай сабаблар куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатишни мазкур принципни бузган ҳолда мурожаат этилишини асослаш учун асос сифатида курсатилиши мумкин эмас».

III. Чегаралар дахлсизлиги;

Иштирокчи давлатлар «бир-бирининг ҳамда Европадаги барча давлатларнинг барча чегараларини узгармас ва бузилмас деб ҳисоблайди, шу туфайли улар ҳозир ва келажакда бу чегараларга дахл қилишга булган ҳар қандай уринишлардан тийилади. Шунингдек, улар, тегишли равишда, ҳар қандай иштирокчи давлат ҳудудини ёхуд унинг бир қисмини босиб олиш ва узурпация қилишга қаратилган талаб ва хатти-ҳаракатлардан тийилади».

IV. Давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги;

Иштирокчи давлатлар «ҳар бир иштирокчи давлатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилади. Шунга мувофиқ тарзда улар ҳар қандай иштирокчи давлатнинг ҳудудий яхлитлиги, сиёсий мустақиллиги ёки бирлигига қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Йўриқномаси мақсадлари ва принципларига зид келувчи ҳар қанақа хатти-ҳаракатлардан, хусусан, куч ишлатилиши ва куч билан таҳдид қилишдан иборат булган бундай ҳаракатлардан тийилади.

Иштирокчи давлатлар тенг равишда бир-бирининг ҳудудини ҳарбий ишгол объектига айлантириш ёки халқаро ҳуқуқ меъёрларини бузган ҳолда бошқа бевосита ва билвосита куч ишлатиш, бундай чоралар ёрдамида уларни ишгол этиш ёки ишгол таҳдиди объектига айлантириш чораларидан тийилади. Ҳеч қандай ишгол ёки ишгол қонуний деб тан олиниши мумкин эмас».

V. Баҳсларни халқаро миқёсда ҳал этиш;

Иштирокчи давлатлар «ўзаро баҳсларни тинч йўллар билан, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни таҳдид остига қуймаган ҳолда ҳал этади. Улар виждонан ва ҳамкорлик руҳида қисқа муддатда халқаро ҳуқуққа асосланган адолатли қарорга келиш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Шу мақсадларда улар музокара, текширув, воситачилик, яраштириш, ҳакамлик, суд эшитуви ёки бошқа тинч воситалардан, шу жумладан, улар томонлари булмиш баҳслар келиб чиққунига қадар келишилган назорат процедураларидан ўз танловига кўра фойдаланади. Агар баҳс томонлари юқорида тилга олинган воситалардан биттаси ёки бир нечтаси ёрдамида баҳснинг ҳал этилишига эриша олмаса, улар баҳсни тинчлик йули билан ҳал этишнинг узаро келишилган йўлларини қидиришда давом этади.

Узаро баҳс томонлари булмиш иштирокчи давлатлар, бошқа иштирокчи давлатлар сингари, вазиятнинг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш таҳдид остига қўйиладиган даражада ёмонлашувига ҳамда баҳснинг тинч йул билан ҳал этилиши қийинлашувига олиб келиши мумкин булган ҳар қандай ҳаракатлардан тийилади».

VI. Ички ишларга аралашмаслик;

Иштирокчи давлатлар «бошқа иштирокчи давлатнинг ички компетенцияси доирасига кирувчи ички ва ташқи ишларига, уларнинг ўзаро муносабатларидан қатъий назар, ҳар қандай бевосита ёки билвосита, индивидуал ёки жамоавий аралашувдан тийилади. Улар тегишли равишда бошқа иштирокчи давлатга қарши қуролли аралашув ёки бундай аралашув таҳдидидан ҳам тийилади. Улар худди шу тарзда ҳар қандай вазиятда ҳам бошқа иштирокчи давлатлар

томонидан уз суверенитетига хос ҳуқуқларнинг амалга оширилишини уз манфаатларига буйсундириш ва бу билан узига ҳар қандай шаклдаги устунликни таъминлашга қаратилган ҳарбий ёки сиёсий, иқтисодий ёки бошқа тарздаги мажбурлаш актларидан тийилади. Шу жумладан, улар, тегишли равишда, бошқа иштирокчи давлатнинг режимини зуравонлик билан агдаришга қаратилган террорчилик, қупорувчилик ёки бошқа хатти-ҳаракатларга тугридан-тугри ёки билвосита ёрдам курсатишдан тийилади».

VII. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини, шу жумладан, фикр, виждон дин ва инонч эркинлигини ҳурмат қилиш;

Иштирокчи давлатлар «инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, шу жумладан, фикрлаш, виждон, дин ва ишонч эркинлигини барча учун, ирқи, жинси, тили ва динидан қатъий назар, ҳурмат қилади. Улар инсон шахсиятига хос қадр-қимматдан келиб чиқадиган ҳамда уларнинг эркин ва тулиқ ривожи учун муҳим булган фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали амалга оширилишини рағбатлантиради ва ривожлантиради. Бу доирада иштирокчи давлатлар шахснинг дин ёки ишончга уз виждони амрига кура ҳаракат қилган ҳолда ёлгиз ёки жамоавий топиниш эркинлигини тан олади ва ҳурмат қилади.

Ҳудудида миллий озчиликлар мавжуд булган иштирокчи давлатлар бундай озчиликларга мансуб шахсларнинг қонун олдида тенглик ҳуқуқини ҳурмат қилади, уларга инсоннинг ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан амалда фойдаланиш учун тулиқ имкониятлар яратиб беради ҳамда шу йул билан уларнинг мазкур соҳадаги қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Иштирокчи давлатлар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг умумий аҳамиятини, уларга булган ҳурмат ҳам улар ўртасида, ҳам давлатлар ўртасида дустона алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлаш учун зарур бўлмиш тинчлик, адолат ва фаровонликнинг асосий омиллари эканлигини тан олади. Улар доимий равишда ўзаро муносабатларда мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни ҳурмат қилади ҳамда биргаликда ёки мустақил равишда, шу жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда уларни умумий ва самарадор ҳурмат қилинишига ёрдам беришда ўз саъй-ҳаракатларини аямайди. Улар шахсларнинг бу соҳадаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиш ҳамда уларга мувофиқ иш тутиш ҳуқуқини тасдиқлайди. Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари соҳасида иштирокчи давлатлар БМТ йўриқномаси ҳамда Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси мақсад ва принципларига мувофиқ тарзда

ҳаракат қилади. Шунингдек, улар узларининг бу соҳадаги халқаро декларациялар ва келишувларда, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактларда, агарда улар билан боғлиқ масала булса, урнатилган мажбуриятларини бажаради».

VIII. Узаро тенглик хамда халқларнинг уз тақдирини белгилаш ҳуқуқи;

Иштирокчи давлатлар «узаро тенгликни ҳамда халқларнинг уз тақдирини белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиб, доимий равишда БМТ йўриқномаси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг тегишли меъёрлари, шу жумладан, давлатларнинг ҳудудий яхлитлигига оид меъёрларга кузда тутилган мақсад ва принципларга мувофиқ ҳаракат қилади. Ўзаро тенглик ва халқларнинг уз тақдирини белгилаш ҳуқуқи принципларидан келиб чиққан ҳолда барча халқлар ҳар доим тулиқ эркинлик шароитларида, узлари қачон ва қандай хоҳласа, ташқаридан аралашувсиз узларининг ички ва ташқи сиёсий мақомини белгилаш ҳамда уз ихтиёрига кура уз сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Иштирокчи давлатлар узаро тенглик ва халқларнинг уз тақдирини белгилаш ҳуқуқининг уларнинг уртасидаги ва давлатлар уртасидаги дустона муносабатларнинг ривожланиши, ҳурмат қилиниши ва самарали амалга оширилишининг муҳим аҳамиятини тасдиқлайди; улар, шунингдек, мазкур принцип бузилишининг ҳар қандай шаклини истисно қилиш муҳимлигини эсда тутади».

IX. Давлатлар уртасидаги ҳамкорлик;

Иштирокчи давлатлар «бир-бири билан ҳамда бошқа давлатлар билан барча соҳалардаги узаро ҳамкорликни БМТ йўриқномаси мақсад ва принципларига мувофиқ равишда ривожлантириб боради. Ҳамкорликни ривожлантирар экан, иштирокчи давлатлар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши доирасида белгиланган соҳаларга алоҳида эътибор қаратади, бунда уларнинг ҳар бири тулиқ тенглик шароитларида уз ҳиссасини қуши лозим.

Улар узаро тенг ҳамкорлигини ривожлантиришда узаро англашув ва ишончга, бир-бири билан дустона ва аҳил-иноқ муносабатларга, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатга кумак бершига ҳаракат қилади.

Улар узаро ҳамкорликни ривожлантирар экан, тенглик шароитларида халқларнинг фаровонлигини оширишга, хусусан, кенгайиб бораётган узаро танишиш, тажриба алмашиш ва уларнинг тараққиётидан, иқтисодий, илмий, техник, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалардаги ютуқларидан келиб чиқадиган манфаатлардан кенг фойдаланган ҳолда уларнинг орзу-мақсадларини ҳаётга татбиқ

этишга уриниб келади.

Улар бу манфаатлар барчага тегишли бўлишига имкон яратувчи шароитларни шакллантиришга кўмак бериш бўйича қадамлар ташлайди; улар иқтисодий ривожланиш даражаларидаги тафовутни қисқартиришда барчанинг ва, хусусан, бутун дунёдаги ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларини инобатга олади.

Улар ҳукуматлар, муассасалар, ташкилотлар ва одамлар узаро ҳамкорликнинг мазкур мақсадларига эришишга кўмак беришда тегишли ва ижобий роль ўйнаши мумкинлигини тасдиқлайди.

Улар, узаро ҳамкорликни кенгайтирар экан, юқорида белгиланганидек, узаро янада яқинроқ муносабатларни халқлар фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамроқ асосда ривожлантиришга уриниб келади».

X. Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни виждонан бажариш;

Иштирокчи давлатлар «Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларини, ҳам халқаро ҳуқуқнинг умумқабул қилинган принцип ва меъёрларидан келиб чиқадиган мажбуриятларини, ҳам узлари иштирокчиси бўлган халқаро ҳуқуққа оид шартнома ва бошқа келишувлардан келиб чиқадиган мажбуриятларини виждонан бажаради. Уз суверен ҳуқуқларини, шу жумладан, уз қонунлари ва маъмурий қоидаларини ўрнатиш ҳуқуқини амалга ошириш чоғида улар узларининг ҳуқуқ бўйича юридик мажбуриятларини инобатга олиб иш тутади; бундан ташқари, улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгашининг Якуний акти ҳолатларини тегишли тартибда инобатга олади.

Иштирокчи давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларининг мажбуриятлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўриқномаси бўйича уларнинг бошқа бирор шартнома ёки бошқа халқаро келишув бўйича мажбуриятларига зид келган тақдирда БМТ йўриқномасининг 103-моддасига мувофиқ устуворлик йўриқнома бўйича мажбуриятларга берилишини тасдиқлади. Юқорида тавсиф этилган барча принциплар биринчи даражали аҳамиятга эга ва, демакки, ҳар бирини бошқаларига кўра талқин қилишда бир хил ва сузсиз амалга оширилади.

Иштирокчи давлатлар бу принципларни, улар мазкур декларацияда қандай баён этилган бўлса, шу ҳолича узаро муносабатларининг ва ҳамкорликнинг барча соҳаларида тўлиқ ҳурмат қилиш ва уларни қўллашда, бу билан ҳар бир иштирокчи давлат учун бу принциплар барча томонидан ҳурмат қилиниши ва қўлланишидан келиб чиқадиган устунликларни таъминлашда қатъийлигини билдиради.

Иштирокчи давлатлар, юқорида келтирилган принциплар ва, хусусан, унинчи принцип – "Халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни

виждонан бажарии"нинг биринчи жумласини тегишлича инобатга олган ҳолда қайд этадики, мазкур декларация уларнинг бошқа келишув ва бошқа турдаги шартномаларда кузда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларига дахл қилмайди. Иштирокчи давлатлар ушбу принципларга бўлган ҳурмат нормал ва дўстона муносабатларнинг ривожланишига ҳамда улар ўртасидаги барча соҳалардаги ҳамкорликнинг тараққиётига кўмак беришига ишонч билдиради. Шунингдек, улар мазкур принципларга бўлган ҳурмат улар ўртасидаги сиёсий алоқаларнинг ривожланишига кўмак беришига, бу эса, уз навбатида, ёндашув ва нуқтаи назарларни узаро яхшироқ тушунишга ёрдам беришига ишонч билдиради.

Иштирокчи давлатлар бошқа давлатлар билан муносабатларини мазкур декларацияда келтирилган принциплар руҳида амалга ошириш ниятини ифода этади».

Озарбайжонга қарши ишгол сиёсатини амалга оширган Арманистон Хельсинки якуний актининг юқорида санаб ўтилган барча принципларига нисбатан беҳурматлик кўрсатди. Халқаро ҳуқуқнинг мавжуд принциплари академик ишлаб чиқилмагани ҳамда агрессорга ҳуқуқий таъсир ўтказиш усулларнинг амалий фойдасизлиги Тоғли Қорабоғ можароси ҳал этилмаётганининг асосий сабабларидан биридир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йили тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган. БМТ йўрикномасининг 1-моддаси 1-қисмида айтилади: «Халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва шу мақсадда тинчликка таҳдидларни бартараф этиш ҳамда тажовуз актлари ва тинчлик бузилишининг бошқа шаклларини бостириш мақсадида самарадор жамоавий қарорлар қабул қилиш, тинч йўллар билан, адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ равишда халқаро баҳслар ҳамда тинчлик бузилишига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни ҳал этиш».

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўрикномасида халқаро баҳслар ва вазиятларнинг ҳал этилиши тинч йўллар билан, адолат ва халқаро ҳуқуқ принципларига мувофиқ равишда амалга оширилиши, халқаро муносабатлар субъектларининг халқаро мажбуриятлари улар томонидан виждонан бажарилиши кераклиги таъкидланган, яъни бунда халқаро ахлоқ-одоб халқаро муносабатларни назорат қилишда жуда муҳим роль ўйнашига урғу берилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўрикномасининг 2 (4) моддасида қуйидаги қоида ифода этилган: «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари халқаро муносабатларида ҳар кандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ёки куч

қуллашдан ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти максадларига номувофиқ бошқа йул билан аралашишдан тийилади». 1949 йилги инсон ҳуқуқлари ва давлатларнинг мажбуриятлари декларацияси лойиҳасининг 9-моддасида бу масалада айтилади: «Ҳар қандай давлат урушдан миллий сиёсат куроли сифатида фойдаланишдан ҳамда ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустакиллигига қарши куч билан таҳдид килиш ёки куч қуллашдан ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мақсадларига номувофиқ бошқа йул билан аралашишдан тийилади»[304]. Бундан ташқари, халқаро хушмуомалалик, халқаро маросимлар, дипломатик протокол меъёрлар ҳам мавжуд. Улар юридик жиҳатдан мажбурий булмаса ҳам, бундай меъёрларга нафақат қаттиқ риоя этилади, балки улар халқаро ҳуқуқий курсатмалар бажарилишига таъсир курсатади, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг прогрессив ривожланишига туртки булади.

БМТ йурикномаси билан тинчлик ва хавфсизликка таҳдид масаласида чора куриш БМТ Хавфсизлик Кенгаши компетенциясига топширилган. ХК 15 аъзодан иборат (вето ҳуқуқига эга беш нафар доимий аъзо - Россия, ХХР, АҚШ, Буюк Британия, Франция, ва ун муваққат аъзо).

Барча масалалар буйича қарорлар, туққиздан ортик овоз олинганида, БМТ йурикномасининг 27-моддасига кура қабул килинади. Хавфсизлик Кенгаши қабул киладиган қарорлар БМТга аъзо барча мамлакатлар учун мажбурий ҳисобланади. БМТ йурикномасининг 24-моддаси 1-қисмида белгиланишича, жаҳоннинг барча давлатлари «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тезкор ва самарадор хатти-ҳаракатларини тахминлаш учун унинг аъзолари Хавфсизлик Кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш буйича асосий жавобгарликни юклайди ҳамда узининг мазкур маъсулиятидан келиб чикадиган мажбуриятларини бажаришда Хавфсизлик Кенгаши уларнинг номидан ҳаракат килишига рози булади».

БМТ Хавфсизлик Кенгаши, БМТ йурикномасининг 39-моддасига кура, «тинчлик а нисбатан ҳар қандай таҳдиднинг мавжудлигини, ҳар кандай тинчликнинг бузилиши ёки тажовуз актини аниклаб, тавсиялар беради ёхуд қандай чоралар куриш кераклиги борасида қарор қабул килади». Хавфсизлик Кенгаши ҳар кандай баҳсни текшириб, уни бартараф килиш буйича чоралар тавсия килиши мумкин, бунда юридик баҳслар, одатга кура, БМТ Халқаро суди томонидан куриб чиқилиши лозимлиги инобатга олиниши лозим, аммо халқаро ҳуқуқ ижроси амалиёти шуни курсатмоқдаки, ҳатто томонлардан бирининг хатти-ҳаракатлари нолегитим ва халқаро ҳуқуққа зид деб топилса

304. 1995 йил 1 январига кадар ЕХҲК

ҳам, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясининг талаб ва тавсиялари ҳар доим ҳам амалга оширилмайди.

Тинчлик ва хавфсизликка таҳдид, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий, маданий, гуманитар муаммоларни ҳал этиш бўйича халқаро ҳамкорлик БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ҳам кўриб чиқилади, ушинг якунларига кўра эса тавсия характерига эга резолюциялар қабул қилинади.

1993 йил 20 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси «Озарбайжондаги қочқинлар ва кўчган шахсларга фавқулодда халқаро ёрдам» номли №48/114 сонли резолюция қабул қилди[305], аммо барча учрашувлар, музокаралар, 1988 йилдан буён олиб борилаётган жанговар ҳаракатларни совет қонунчилиги, кейинроқ эса халқаро ташкилотлар доирасида ҳал этишга бўлган барча уринишлар ҳеч қандай натижа бермади.

2004 йил 29 октябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 46-пленар йиғилишида «Озарбайжоннинг ишғол қилинган ҳудудларидаги вазият» масаласи кун тартибига қўйилиши белгиланди[306]. Бу банднинг кўриб чиқилиши 2004 йил 23 ноябрига, БМТ Бош Ассамблеясининг 59-сессиясига тўғри келди. 2006 йил 7 сентябрида, 60-сессияда БМТ Бош Ассамблеяси «Озарбайжоннинг ишғол қилинган ҳудудларидаги вазият» номли №60/285 сон резолюцияни қабул қилди[307]. 62-сессия 86-пленар йиғилишда кун тартибининг 20-банди остида БМТ Бош Ассамблеяси ихтилофни бартараф этиш йўлида ишлаётган барча халқаро ташкилотларни қўллаб-қувватлашини маълум қилди ҳамда илгариги резолюцияларда курсатилган талаб ва тавсияларнинг бажарилишини қайта кўриб чиқди, Озарбайжон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини тиклашга бўлган чақириқ қайтадан такрорланди. 2008 йил 14 мартида БМТ Бош Ассамблеяси «Озарбайжоннинг ишғол қилинган ҳудудларидаги вазият» номли №62/243 сон резолюцияни қабул қилиб, навбатдаги - 63-сессияда мазкур масалада БМТ ХКнинг резолюциялари ижроси юзасидан кенг миқёсли ҳисобот тайёрлашни белгилади. 2008 йил 24 декабридаги 63-сессияда кун тартибининг 13 ва 18-бандлари остидада «ГУАМ майдонидаги узоқ чўзилиб кетган ихтилофлар ҳамда уларнинг халқаро тинчлик, хавфсизлик ва ривожланиш учун оқибатлари» масаласида БМТ Бош Ассамблеяси Озарбайжон Республикаси доимий вакилининг ҳисоботини кўриб чиқди.

---

305. Резолюция ГА ООН A/RES/48/114 от 20 декабря 1993г.

306. 46-е пленарное заседание. Официальный отчет СБ ООН. A/59PV46. 29 October 2004

307. Резолюция ГА ООН A/RES/60/285/ 7 September 2006

ЖЕНЕВА КОНВЕНЦИЯЛАРИ

Қуролли ихтилофлар чоғида қўлланиладиган замонавий халқаро гуманитар ҳуқуқ асосини 1949 йили қабул қилинган тўрт Женева конвенцияси ташкил этади. «Уруш курбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциялари» Халқаро Қизил Хоч жамияти ташаббусига кўра Женева шаҳрида 1949 йил 12 августида тўпланган давлатлар конференцияси томонидан қабул қилинди.

- Конвенция I. «Фаол армиялардаги яралорлар ва хасталар тақдирини яхшилаш тўғрисида», 64 модда ва икки иловадан иборат.
- Конвенция II. «Денгизда куролли кучлар таркибидан яраланганлар, хасталар ва кема ҳалокатига учраганларнинг тақдирини яхшилаш тўғрисида», 63 моддадан иборат.
- Конвенция III. «Ҳарбий тутқунлар билан муомала қилиш тўғрисида», 143 модда ва беш иловадан иборат.
- Конвенция IV. «Уруш пайтида тинч фуқароларни ҳимоя қилиш тўғрисида», 159 модда ва уч иловадан иборат.

Конвенцияга 1949 йил 12 августидаги конференциянинг 11 тавсияси илова қилинган. Уларнинг қоидалари бугун ҳам одатий халқаро ҳуқуқ меъёрлари сифатида амал қилади. Женева конвенциялари ва баённомаларига халқаро гуманитар ҳуқуққа оид улкан миқдордаги меъёрий-ҳуқуқий материал тизимлаштирилган ва мослаштирилган. Халқаро давлатлар ҳамжамиятининг деярли барча аъзолари Женева конвенциясига қўшилган ва уни ратификация қилгандир.

Женева конвенциялари умумий характердаги кўплаб қоидаларни ўз ичига олади. Уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардир:

1. Конвенцияларга «ҳар қандай вазиятларда» ҳам риоя этилиши шарт, уларга риоя этилиши таъминланиши лозим. Бу ҳолатнинг жиддий тарзда бузилиши жиноий жавобгарликка тортилиши лозим.

2. Конвенцияларга нафақат эълон қилинган уруш ҳолатида, балки томонлардан бири ҳали уруш ҳолатини тан олмаган қуролли ихтилофларда, шунингдек, қаршилик кўрсатилмаётган ҳарбий ишғол ҳолатида ҳам амал қилиниши шарт. Келишаётган давлатлар конвенцияга аъзо бўлмаган давлатга нисбатан ҳам, агарда у улардан қандайдир конкрет ихтилофларда фойдаланиб келаётган бўлса, ушбу қоидаларга амал қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Бундан келиб чиқадики, конвенция қоидаларининг инсонпарварликка қаратилган айрим томонлари фуқаролик уруши ҳолатида ҳам қўлланилиши лозим.

3. Кўрсатилган конвенциялар билан ҳомий шахсларга улар воз кеча олмайдиган ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилади. Бундай шахслар

ҳомий давлатдан ёрдам сураш ҳуқуқига ҳам соҳибдирлар. Бундайлар бўлмаган тақдирда гуманитар мақсадларга йўналтирилган бирор ташкилот, масалан, Халқаро Қизил Ҳоч қўмитаси, ҳомий сифатида кўрсатилиши керак. Бу қоидалардан ҳарбий воқеалар натижасида ҳаракат эркинлигидан жудо бўлган давлат билан келишув тузилиши йўли билан мазкур қоидалардан чекинилишига йўл қўйилмайди.

4. Конвенцияларга ҳомий давлат ёки унинг ўрнини босадиган, гуманитар мақсадларга қаратилган ташкилот назорати остида ва ҳамкорлигида амал қилиниши шарт.

5. Конвенциялар билан тартибга солинмаган ҳар қандай ишлар ушбу конвенцияларнинг умумий қоидаларига кўра ҳал этилиши лозим.

6. Конвенцияларга кўра ҳомийлик остидаги шахслар ёки объектларга нисбатан қасос чоралари тақиқланади.

7. Ҳомийлик остидаги шахсларни ўз ҳудудида қабул қилган бетараф давлатлар конвенциялардан ақлга кўра фойдаланиши лозим.

8. Конвенцияни талқин этиш ва қўллашда ихтилофлар келиб чиққан ҳолда ҳомий давлат ёки унинг ўрнини босувчи гуманитар йўналишда ишловчи ташкилот ўз хизматларини таклиф этиши лозим. Улар томонлар вакилларининг учрашувини таклиф этиши мумкин. Томонлардан бирининг талабига кўра конвенция қоидаларининг бузилиши тахмин қилинаётган ҳар қандай масала юзасидан текширув ўтказилиши шарт. Томонлар орасида бундай текширувни ўтказиш юзасидан келишувга эришилмаса, томонлар жараённи ҳал қилиб берадиган ҳакамлик судьясини белгилаши лозим.

Умуман олганда, конвенцияларда томонлар жараён ҳақида ҳам, ҳакамлик судьясини белгилаш тўғрисида ҳам келишувга эриша олмаган ҳолатларни ҳал этиш тартибини белгиловчи бирор тартиб йўқ. Конференция фақатгина давлатларга бундай баҳсларни Халқаро суд ихтиёрига топшириши тавсия қилган.

Шуни қайд этиш лозимки, 1977 йили 1949 йилги «Уруш курбонларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Женева конвенциялари»га икки қўшимча баённома қабул қилинди: Баённома I, «Халқаро куролли ихтилофлар курбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида», ва Баённома II, «Халқаро характерга эга бўлмаган куролли ихтилофлар курбонларини ҳимоя қилиш тўғрисида». Бу баённомаларнинг асосий мақсади 1949 йилги Женева конвенциялари меъёрларига мақсадга мувофиқ аниқликлар ва қўшимчалар киритишдир.

Гуманитар ҳуқуқнинг умумий характердаги принципиал меъёрлари Баённома I да (35-модда) қуйидагича ифодаланган:

1. Ҳар қандай қуролли ихтилоф чоғида ихтилофдаги томонларнинг

уруш олиб бориш усул ва воситаларини танлаш ҳуқуқи чекланганлиги.

2. Ортиқ даражада зарар ёки ортиқ даражада қийноқ етказиши мумкин булган қурол, снарядлар, моддалар ҳамда уруш ҳаракатлари олиб бориш усулларини қуллаш тақиқланади.

3. Мақсади табиий муҳитга кенг миқёсдаги, узоқ муддатли ва жиддий зарар етказиш булган ёки етказилиши кутилаётган уруш ҳаракатларини олиб бориш усул ва воситаларини қуллаш тақиқланади.

Ҳарбий ҳаракатларнинг қонуний иштирокчилари комбатантлар (уруш қилаётган) деб аталадиган шахслардир. Уларнинг умумий тавсифи, Баённома I га кура, қуйидагичадир:

«Ихтилофга кирган томоннинг қуролли кучларини ташкил этилган барча қуролли кучлар, бу томон олдида табааларининг феъл-атвори учун жавобгар булган шахснинг қумондонлиги остидаги гуруҳ ва булинмалардан таркиб топади. Бундай қуролли кучлар қуролли ихтилофлар ҳолатида қулланиладиган халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилинишини таъминлайдиган ички дисциплинар тизимга буйсунади».

Арманистон Республикаси томонидан Мецамор атом электр станциясининг чиқиндиларидан минтақани радиоактив ифлослантирилиши таҳдиди мавжудлиги муносабати билан гуманитар ҳуқуқнинг энг муҳим қисмларидан бири I Баённоманинг 36-моддаси ҳисобланади, чунки у янги турдаги қуроллар ҳамда уруш ҳаракатлари олиб бориш услубларини ишлаб чиқаётган томон унинг хатти-ҳаракатлари Баённома ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа меъёрларига мувофиқ тегишли қурол ва уруш олиб бориш услубларини ишлаб чиқиш юзасидан тақиқ остига тушиш-тушмаслигини олдиндан аниқлаштириб олиниши талаб этилади.

Халқаро характерга эга булмаган қушимча II баённоманинг асосий мақсади эса 1949 йилги Женева конвенциялари ҳолатларини аниқлаштириш ва ривожлантириш, барча турт конвенцияга хос мундарижани тулдиришдир. Бу конвенциялар 3-моддалари кириш қисмларида шундай дейилади:

«Халқаро характерга эга булмаган ҳамда Келишаётган Олий мартабали томонлардан бирининг ҳудудида келиб чиқадиган куролли ихтилоф ҳолатида ихтилофдаги томонларнинг ҳар бири энг камида куйидаги қоидаларига риоя этиши талаб қилинади».

Курсатилган минимум куйидаги қоидалардан иборатдир:

1. Ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этмайдиган шахслар, шу жумладан, қуролли кучлар таркибида булган, қуролини топширган шахслар, шунингдек, ҳарбий ҳаракатларда касаллик, ярадорлик, тутқунлик ёки ҳар қандай бошқа сабабга кура иштирок этишни

тухтатганлар ҳар қандай шароитда ҳам инсонпарвар мулоқот объекти бўлишлари, ирқи, терисининг ранги, дини, иймони, жинси, келиб чиқиши, мулкий аҳволи ёки ҳар қандай бошқа критерийларга кўра сиқувга олинмаслиги керак.

Шу мақсадларда тилга олинган шахсларга нисбатан қуйидагилар тақиқланган ва ҳар доим ҳамма ерда тақиқлаб келинади:

а) ҳаёт ва жисмоний дахлсизликка дахл қилиш, хусусан, қотиллик, яралаш, шафқатсиз муносабатда бўлиш, қийноқ ва исканжанинг ҳар қандай турлари;

б) гаровга олиш;

в) инсон нафсониятига дахл қилиш, хусусан, ҳақоратли ва камситувчи муносабатда бўлиш;

г) таъсис этилган суд томонидан тегишли тартибда чиқарилган суд қарорисиз судлаш ва жазо қўллаш, зарурий маданиятли миллатлар томонидан тан олинган суд кафолатларининг мавжудлиги.

2. Ярадорлар ва хасталар тўпланиб, уларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

II Баённомада кўрсатилишича, унинг қоидалари Женева конвенцияларининг 3-моддаси ҳолатларини ривожлантириш ва тўлдириш ўларок қўлланади. Хусусан, у мустамлакачилик ҳукмронлигига ёки чет эл ишғолига карши, иркчи режимларга карши кураш ҳолатлари, халкларнинг БМТ йўрикномаси ҳамда 1970 йилги «Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида»ги декларацияга мувофик ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқукини амалга ошириш, давлат ҳудудида унинг қуролли кучлари ҳамда мамлакат ҳудудининг бир қисмини ўз назорати остида ушлаб турган ҳукуматга карши қуролли кучлар ўртасидаги ихтилофларда амал қилади. Бундай вазиятда уларга узлуксиз ва келишилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ҳамда мазкур баённомани қўллаш рухсат этилади, аммо бу жамоат тартибининг бузилиши, ички тартибсизликлар, алоҳида зўравонлик актлари ҳолатларида қўлланмайди, негаки булар куролли ихтилофлар ҳисобланмайди.

Шунингдек, II Баённомада қайд этиб утиладики, унинг конун-коидалари давлат суверенитети ёки ҳукуматнинг мамлакатда ҳукуқ-тартиботни таъминлаш, миллий бирдамлик ва мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларига дахл килмайди. Унинг тартиб-қоидалари мамлакатнинг ички ишларига ёки мамлакатдаги куролли ихтилофга аралашув сифатида талқин қилиниши мумкин эмас.

II Баённома преамбуласидаги коидалардан бирида ёзилишича, «амалдаги ҳуқукий меъёрларда кўзда тутилмаган ҳолатларда инсон шахси инсонпарварлик принциплари ҳамда ижтимоий онг талаблари

ҳимояси остида булиб колаверади».

БМТга аъзо мамлакатларнинг миллий жиноий қонунчилигида тажовуз жиноятн учун жавобгарлик ҳам кузда тутилгандир. Озарбайжон Республикаси ҳукук-тартибот органлари бугунги кунга қадар Озарбайжон фуқароларига қарши тажовуз ва геноцид жиноятларини содир этишда айбдор шахслари жиноий жавобгарликка тортиш устида ишламоқда, аммо ушбу жиноятчиларни жавобгарликка тортиш учун юридик кучга эга халқаро келишув булиши, унда тажовузнинг таърифи ёхуд БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Арманистон Республикаси ҳамда қуролли армани айирмачи гурухларини тажовузкор деб тан олингани ҳақидаги карори булиши лозим.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан Арманистон ҳамда қуролли армани айирмачи қушилмаларининг конкрет тажовузкор/агрессор атамаси билан таърифланиши ҳам тажовузкор давлатнинг узи учун, ҳам унинг мансабдор шахслари учун ниҳоятда оғир оқибатларни олиб келади. Агрессия/тажовуз тушунчаси БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йил 14 декабридаги №3314 сон резолюциясида берилган:

- 1-модда *«Агрессия деганда бир давлат томонидан бошқа давлатга, унинг суверенитети, ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллиги қуролли кучнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўриқномасига номувофиқ тарзда қулланиши тушунилади».*

- 2-модда *«Бир давлат томонидан йўриқнома ҳолатларини бузган ҳолда қуролли кучнинг қулланиши prima facie*[308] *агрессия акти далили ҳисобланади, Хавфсизлик Кенгаши йўриқномага мувофиқ тарзда агрессия акти содир этилгани ҳақидаги хулосани қилиши мумкин, бу бошқа вазиятлар инобатга олинган ҳолда оқланмайди, агарда тегишли актлар ва уларнинг оқибатлари жиддий характерга эга булмаса».*

- 3-моддада агрессия тушунчаси таркибига кирувчи ҳаракатлар тавсиф этилади 3-модда «б» бандининг узи етарли булади: *«бир давлат қуролли кучлари томонидан бошқа давлат ҳудудининг бомбардимон қилиниши ёки бошка давлат ҳудудига қарши қурол қулланиши».*

Озарбайжон Республикаси ҳудудининг ишгол қилиниши Арманистоннинг ишгол чоғидаги жанговар операцияларда иштирок этиши йули билан амалга оширилганини бутун дунё билади ва бунинг исбот-далиллари мавжуд. Ҳеч қандай хаспушлаш ва ҳеч қандай сабаблар суверен давлат ҳудудини ишгол қилиш мақсадида куролли куч ишлатиш усулларидан фойдаланилишини оклай олмайди. Халқаро ҳуқуқ томонидан ҳужум амалга оширилишининг мотивлари оқловчи сабаб сифатида қабул қилинмайди:

---

308. Prima facie – юридик маънода бунинг мазмуни шуки, қандайдир воқеа руй берган, ва агар у рад этилмаса, қонунан қабул қилинса булади.

- 5-модда 1-кисм: *«Ҳар қандай характердаги ҳеч қандай сабаблар, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ёки бошқа характерда бўлмасин, агрессияни оқловчи сабаб бўлиши мумкин эмас».*

Озарбайжон ҳудудини ишғол килиш максадида амалга оширилган жанговар операциялар мавжуд халкаро сиёсий хужжатлар асосида, шу жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг №3314 сонли резолюцияси билан де-факто агрессия деб кабул килинади, аммо Арманистон томонидан Озарбайжон ҳудудининг ишғол килиниши бошланганидан бери бугунги кунга кадар БМТнинг тегишли органи - Хавфсизлик Кенгаши харбий операцияларда иштирок этган Арманистон кучлари ҳамда армани айирмачи гуруҳларининг агрессияда иштирок этганини, Озарбайжон Республикасининг тинч ахолисини кирғин килганини аниклаш масаласи агрессия атамаси остида юритилмаган ва тегишли резолюция кабул килинмаган. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг хатти-харакатлари ва карорлари Арманистон ҳамда армани куролли айирмачи гуруҳлари томонидан Озарбайжон Республикаси ҳудудларининг ишғоли амалга оширилган пайтда ҳам, ут очишни тухтатиш тартиби урнатилганидан сунг ҳам самарадор бўлмайди, БМТ амалда тавсия шаклидаги резолюциялар билан чекланди. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳеч кандай санкциялари, 1969 ва 1986 йиллардаги халкаро келишувлар ҳукуки тўғрисидаги Вена конвенциялари асосидаги халкаро келишувлар бўйича санкциялар, Арманистон ҳамда армани куролли айирмачи гуруҳлари етакчилари ва олий мансабдор шахсларини Женева конвенциялари асосида жиноий жавобгарликка тортиш талаби асосидаги санкциялар жорий этилмади. Бугунги кунга кадар Арманистон ҳамда армани куролли айирмачи гуруҳларини конкрет «агрессор» атамаси остида тажовузкор томон деб тан олиш бўйича ҳеч бир халкаро ҳукукий хужжат шу пайтга кадар кабул килинмади. Тоғли Қорабоғ можаросини бартараф этиш бўйича Қабул килинган резолюциялар, баёнотлар, конвенция ва декларациялар ижро этилмаяпти. Арманистоннинг хатти-харакатларини Озарбайжон Республикасига карши билвосита эмас, бевосита агрессия сифатида баҳолаш мумкинлигига карамай, бу ҳолат давом этмокда.

БМТ Бош Ассамблеяси №3314 сонли резолюциясига мувофик, Арманистон Республикаси ҳамда армани куролли айирмачи ташкилотларининг Озарбайжон Республикаси ҳудудларини ишғол килиш бўйича жанговар операцияларни утказиш чоғида хатти-харакатлари агрессия сифатида баҳоланиши мумкин, аммо №3314 сонли резолюцияни кўллаш учун унинг юридик кучини урнатиш талаб этилади. БМТ йўрикномасининг 10–14-моддасига биноан (Функциялар

ва ваколатлар), БМТ Бош Ассамблеяси йўриқнома доирасида тавсиялар бериши мумкин. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинадиган резолюциялар, мажбурий характерга ва юридик кучга эга эмас. БМТ Бош Ассамблеяси резолюцияси халқаро келишув юридик ҳуқукига соҳиб бўлиши учун унинг белгиланган тартибда давлат томонидан ратификация қилиниши, қабул қилиниши, давлатнинг унга қўшилиши талаб этилади, лекин шу пайтга қадар бирорта давлат БМТ Бош Ассамблеясининг «Агрессия тавсифи» тавсия этилган №3314 сонли резолюциясига тегишли тартибда қўшилмади, уни қабул қилмади ва ратификация этмади.

Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси (ПАСЕ) 2005 йил 25 январидаги «ЕХҲТнинг Минск конференцияси ҳал этиш билан шуғулланаётган Тоғли Қорабоғ минтақасидаги ихтилоф тўғрисида»ги №1416 сонли резолюциянинг 7-пунктида эслатиб ўтади: «Озарбайжон ва Арманистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўриқномасини имзолаган бўлиб, ушбу йўриқноманинг 93-моддаси 1-бандига кўра Халқаро Суд Статути ipso facto[309] иштирокчилари ҳисобланади. Тегишли равишда Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси Озарбайжонга ва Арманистонга Минск гуруҳи ҳамраислари шафелигидаги музокаралар муваффақиятсиз якунланган тақдирда Халқаро Суд Статути 36-моддаси 1-бандига мувофиқ БМТ Халқаро Судига мурожаат қилишни тавсия этади».

БМТ Халқаро суди - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бош суд органи бўлиб, 1945 йили Иккинчи Жаҳон урушига қадар Миллатлар Лигаси ҳузурида ишлаган Халқаро адлия доимий палатаси ўрнида ташкил этилган. БМТ Халқаро суди БМТ йўриқномасининг ажралмас қисми бўлмиш ўз Статутига мувофиқ равишда шакллантирилади ва ишлайди. Халқаро суд статути 1945 йил 26 июнида имзоланиб, 1945 йил 24 октябрида кучга кирган. Судга унинг статути иштирокчилари мурожаат қилиши мумкин, иштирокчилар сонига автоматик тарзда БМТнинг барча аъзолари киради.

Халқаро ҳуқуқ аввал бошидан унинг қўрсатмалари халқаро ҳуқуқ субъектлари - улар йўналтирилган давлатлар томонидан амал қилиниши асосига қурилган. Халқаро ҳуқуқ қўрсатмаларига ростдан ҳам риоя этилиши лозим, негаки халқаро ҳуқуқ ўзининг юридик жиҳатдан мажбурий қўрсатмаларига риоя этилишига мажбурлаш имкониятини ҳам кўзда тутади, ўз феъл-атвори билан зиммасидаги халқаро мажбуриятни бузган давлатлар эса халқаро ҳуқуққа зид иш содир этган ҳисобланади.

---

309. Лотинчасига факт бўйича; шу билан; келиш тартибига кўра

Давлатни агрессор деб тан олиш ҳамда унинг тажовузкор сиёсатини БМТ Халқаро суди ва Халқаро жиноят судида кўриб чиқилишининг мураккаблиги ҳатто халқаро ҳукукий меъёрларда ҳам икки хил стандартларнинг мавжудлиги билан тушунтирилади. Бу ҳукук бир карашда юридик кучга ва мақомга эга, аммо белгиланган халқаро ҳукук нормаларида, судларнинг ишлаш тартиби ҳамда халқаро юриспруденция структураларида карор қабул қилиш механизмларида икки хил стандартлар мавжуддир. Шу муносабат билан ҳатто давлатнинг хатти-ҳаракатларини агрессия сифатида юридик тавсифланиши учун №3314 сонли резолюциясининг қулланилиши имконсиздир, зеро БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган мазкур резолюциядаги «Агрессиянинг таърифи» юридик кучга эга бўлмай, шунчаки халқаро сиёсий ҳужжат ҳисобланади. Давлат фақатгина БМТ Хавфсизлик Кенгаши карорига кура, давлатлар ўртасидаги баҳсларда - БМТ Халқаро суди карорига кура агрессор деб тан олиниши мумкин, агрессияни олиб боришда айбдор деб топилган мансабдор шахслар эса Халқаро жиноий суд қарори асосида айбдор деб топилиши мумкин, бирок Халқаро жиноий суднинг Рим статутида шу пайтга қадар агрессор атамасининг таърифи қабул қилинмаган. Давлат суд органлари миллий жиноий қонунчилик асосида ушбу жиноятларни содир этган давлатлар эмас, шахслар айбдор деб топилиши мумкин.

Халқаро жиноят суди 1998 йили, Римда БМТга аъзо бўлган 120 давлат Рим статутини қабул қилганидан сўнг тузилган. Суд БМТдан мустакил орган ҳисобланади. Адолат ижро этилишига асос булиб хизмат қилувчи Рим статути 2002 йил 1 июлида кучга кирган, уни 60 давлат ратификация қилган.

Халқаро жиноят суди Рим статути 1-моддасида суд юрисдикцияси белгиланган - «жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солувчи, мазкур статутда курсатилган энг жиддий жиноятлар учун жавобгар шахсларга нисбатан юрисдикцияни амалга ошириш, жиноий адлиянинг миллий тизимларини тулдириши. Суд юрисдикцияси ва фаолияти мазкур статут қоидаларига биноан назорат қилинади».

Рим статутининг 5-моддасига мувофиқ, суд қуйидаги жиноятларга нисбатан юрисдикцияга эга:

a) геноцид жинояти;

b) инсониятга карши жиноятлар;

c) ҳарбий жиноятлар;

d) агрессия жиноятлари.

5-модданинг d) банди Халқаро жиноят судига агрессия жиноятини кўриб чиқиш ҳукукини беради, аммо 5-модданинг 2-қисми d) бандини

агрессия атамасининг таърифи қабул қилинмагани муносабати билан амалдан тухтатиб туради. «Суд 121 ва 123-моддаларга биноан агрессия жиноятининг таърифи келтирилган ҳамда суд мазкур жиноятга нисбатан юрисдикцияни амалга ошириши шартлари ифодаланган йўрикнома қабул қилиниши билан суд агрессия жиноятига нисбатан юрисдикцияни амалга ошира бошлайди. Бундай ҳолат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўрикномасининг тегишли қоидалари билан мувофиқ келади». Аммо Рим статутига агрессия атамаси юзасидан таклиф қилинган узгартишлар шу пайтгача қабул қилинмади, демакки, агрессор давлатнинг мансабдор шахслари Рим статутига узгартиш киритилмагунига қадар жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари, фақат Халқаро жиноят суди Рим статутини ратификация қилган мамлакатлар агрессор давлатни ёки ҳарбий жиноятчиларни жазолаш талаби билан судга мурожаат қилиши мумкин, аммо Рим статуи 12-моддаси (юрисдикция амалга оширилиши шартлари) 3-бандига кура, «Агарда 2-бандга мувофиқ мазкур статут иштирокчиси булмаган давлат томонидан юрисдикциянинг тан олиниши талаб этилса, бу давлат котибга таклиф этилган баёнот воситасида суд томонидан ушбу жиноятга нисбатан юрисдикция амалга оширилишини тан олиши мумкин булади. Тан олаётган давлат 9-кисмга мувофиқ тарзда суд билан ҳеч қандай кечикишларсиз ёки истисноларсиз ҳамкорлик қилади».

Озарбайжон Республикаси 12-молданинг юқорида келтирилган 3-бандига таянган ҳолда Халқаро жиноят судига мурожаат қилолган тақдирда ҳам иштирокчилари орасида Арманистон Республикасининг амалдаги мансабдор шахслари булган армани қуролли айирмачи ташкилотлари томонидан содир этилган жиноятлар Халқаро жиноят суди эътиборидан ташқарида қолади. Рим статутининг 11-моддаси (ratione temporis юрисдикцияси) 1-бандида айтилишича, «Суд фақатгина ушбу стату амалга кирганидан сунг содир этилган жиноятларга нисбатан юрисдикция ҳуқуқига эгадир», 11-модда 2-бандда таъкидланишича эса, «Агарда бирор-бир давлат мазкур статут кучга кирганидан сунг унинг иштирокчисига айланса, суд уз юрисдикциясини фақат мазкур статут ушбу давлатга нисбатан кучга кирганидан сунг содир этилган жиноятларга нисбатан амалга ошира олади, агарда ушбу давлат 12-модда 3-бандига мувофиқ баёнот бермаса».

1970 йил 24 октябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган «Давлатлар ўртасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўрикномасига мувофиқ дустона муносабатлар ва ҳамкорликка оид халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида»ги декларацияси миллатлар

эмас, давлатларнинг мажбуриятларини санаб утади: *«Уз халқаро муносабатларида бошқа хар қандай давлатнинг сиёсий мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига қаратилган ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ёки бошка бирор шаклдаги босим утказишдан тийилиш, барча давлатлар уз халқаро муносабатларида ҳар қандай давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигига қарши Бирлашган Миллатлар Ташкилотига уйғун булмаган у ёки бу шаклда куч билан таҳдид қилиш ёки уни ишлатишдан тийилишини ута муҳим деб ҳисоблаш, шу боисдан бошқа давлат ёки мамлакатнинг миллий бирдамлиги ёхуд ҳудудий яхлитлигини, уларнинг сиёсий мустақиллигини қисман ёки тулиқ вайрон қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат йуриқнома мақсадларига мувофиқ келмаслигига ишониш».*

Декларацияга кура:

a) давлатлар юридик жиҳатдан тенгдирлар;

b) ҳар бир давлат тула суверенитетга хос ҳукуқлардан фойдаланади;

c) ҳар қандай давлат бошқа давлатларнинг тенг субъективлигини ҳурмат қилишга мажбур;

d) давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир;

e) ҳар бир давлат уз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин танлаш ва ривожлантириш ҳукуқига эга;

f) ҳар бир давлат уз халқаро мажбуриятларини тула шаклда ва сидқидилдан бажариши ҳамда бошқа давлатлар билан тинч-тотувликда яшашга мажбурдир[310].

Ушбу принциплардан келиб чиққан ҳолда яна бир жиҳат қайд этиб утилади: *«Юқоридаги бандларда келтирилган ҳеч нарса уз ҳаракатларида тенглик ва халқларнинг уз тақдирини узи белгилаш принципларига бу принцип юқорида ифода этилган шаклда риоя этувчи, ирқи, дини, тери рангидан қатъий назар ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи бутун халқ вакили булган ҳукуматларга эга суверен ва мустақил давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги ёки сиёсий бирдамлиги қисман ёки тулиқ бузилишига, давлатнинг булиниб кетишига олиб келиши мумкин булган ҳаракатларга рухсат берувчи ёки уларни рағбатлантирувчи ишора сифатида талқин қилиниши мумкин эмас»*[311].

1993 йили БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган №822, №853, №874, №884 сонли турт резолюция, БМТ Бош Ассамблеясида қабул қилинган №48/114, №62/243, №60/285 сонли уч резолюцияси, Ислом Конференцияси ташкилотининг 1993 йил 25–29 апрелдаги №12/21-Р сонли, 1994 йил 10–12 декабридаги №16/22-Е

310. Декларация о принципах международного права, 1970 год, резолюция 2625 (XXV) Генеральной Ассамблеи.

311. 1993 йилдаги "Бирлашган Миллатлар Ташкилоти инсон ҳукуқлари буйича бутунжаҳон конференцияси" Вена декларациясининг тегишли бандига каранг.

сонли, 2003 йил 28–30 майидаги №10/30-С сонли резолюциялари, Европа хамдустлиги томонидан 1993 йил 3 сентябрида қабул қилинган резолюция, Европа Парламенти томонидан 2010 йил 20 майида қабул қилинган №2216 сонли резолюция, Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси (ПАСЕ) томонидан 1995 йил 15 мартида қабул қилинган №1059 сонли, 1997 йил 22 апрелида қабул қилинган №1119 сонли ва 2005 йил 25 январида қабул қилинган №1416 сонли резолюциялар жаҳон ҳамжамияти кўз олдида Озарбайжон Республикаси суверенитети ва ҳудудий дахлсизлигини, халқаро чегараларнинг бузилмаслигини ҳамда ҳудудларни ноқонуний ишғол қилиш учун куч ишлатилишига йол қўйиб бўлмаслигини тасдиқлади. Афсуски, барча резолюцияларда Озарбайжоннинг ҳудудий бутунлиги ва олинган ва ҳарбий ҳаракатларнинг тўхтатилиши, армани оккупацион кучларининг Озарбайжон ҳудудидан тўлиқ ва зўлик билан олиб чиқиб кетилиши талаблари бўлганига қарамай, бугунги кунга қадар армани томони халқаро ҳуқуқ нормаларини четга суриб қўйган ҳолда турли халқаро ташкилотлари, биринчи навбатда БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияларда курсатилган талабаларни бажармаяпти. БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари юридик жиҳатдан мажбурий ҳисобланади, улар БМТга аъзо бўлган барча давлатлар учун мажбурийдир, улар узил-кесил характерга эга бўлиб, шикоятга урин қолдирилмайди, аммо реал халқаро вазият ва реалликда бундай ҳуқуқий тартиб қайта-қайта бузилади, бунинг исботи эса жаҳонда руй бераётган ўнлаб давлатлараро қуролли ихтилофлардир.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши фаолиятининг старли даражада самарадор эмаслигининг бирламчи сабаби унинг бир қатор ҳолатларда ўз резолюцияларини ижро этишга қобил эмаслиги билан тушунтирилади. Бу замонавий дунёда халқаро ҳуқуқ нормаларининг ижро этилиши кузга куринмас лоббичилар фойдасига сиёсийлаштирилгани билан боғлиқдир. Планетар миқёсда ўз гаразли манфаатларидан келиб чиқадиган, трансмиллий корпорациялар манфаатларини тарғиб қилувчилар ўз режаларини тузиб, халқлар тақдири билан ўйин ўйнайди. Бунда жаҳон ҳокимиятлари икки хил стандартлар сиёсати қуролларидан фойдаланган ҳолда уларга кўмак беради, ихтилофдаги давлатлар ўзаро муносабатларида тинчлик ўрнатилгани ҳақида янглиш тасаввур ҳосил қилади. Шу муносабат билан турли давлатлараро баҳслар ва ихтилофларнинг БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциялари асосида ҳал этилиши жараёни ниҳоятда қийиндир.

Қоғоздаги турли резолюциялар, тавсиялар ва декларациялар, таъсир

ўтказиш пишанглари тортилмаса, этник-конфессионал ихтилофларни баратарф этишда бефойда ва самарасиз бўлиб қолаверади. Бунга яққол мисол - Қорабоғ можароси, Афғонистон уруши, Ирок ихтилофи, Сурия инкирози, Украина ва Днестрбўйидаги ихтилофлар, шунингдек, Африка китъасидаги ихтилофлар, Бирма ва Фаластиндаги конфессияларарo ихтилофлар.

Тоғли Қорабоғ можаросини ҳал қилишда зарур бўлган халқаро ҳуқуқ механизмларининг ижро сифатларидаги юқорида санаб ўтилган камчиликлар ҳамда халқаро юриспруденция принципларининг назарий-академик номувофиқлигига қарамай, мавжуд нормаларнинг, халқаро ҳуқуқ курсатмалари ва моддаларининг бузилиши билан боғлиқ амалий ва фактик вазият бугунги кунда узгаришсиз қолмоқда. Арманистон Республкиаси ҳамда Озарбайжон Республикаси ҳудудида ноқонуний ташкил этилган Тоғли Қорабоғ армани куролли гурухларининг содир этган жиноятлари жазосиз қолаётгани факт бўлиб турибди ҳамда ҳуқуқбузарликлар, суверен давлат ҳудудининг ноқонуний босиб олиниши бугунги кунга қадар бартараф этилган эмас.

Амалда Тоғли Қорабоғ ихтилофи окибатида Озарбайжон ҳарбий хизматчилари ва тинч фуқароларидан 20 минг киши ўлдирилган, 200 минг киши яраланган ва майиб-мажруҳ қилингандир. Бомбардимонлар ва артиллерия зарбалари окибатида қувилган ва мажбурий кучган шахслар сони, Арманистондан келган коҳкинлар билан бирга, Озарбайжоннинг Козок, Ағдам, Ағжабедин, Дошкесан, Тоуз, Акстафинск, Кедабек, Тертер, Геранбой туманлари ҳамда Нахчивон мухториятидан кучган аҳоли билан бирга 1 миллиондан купроқ одамни ташкил килди312. Озарбайжон Республикасининг 20 фоизга якин худуди, шу жумладан, армани кучларининг ут очувчи марралари томонидан тулиқ назорат килингани боис маҳаллий аҳоли тарк этган фронт туманлари майдонининг бир кисми, жами 946 аҳоли яшаш пунктлари эгаллаб олинган[313]. Халқаро ташкилотлар томонидан тасдикланган статистик маълумотларни маълумот урнида қабул килгайсиз[314].

---

312. Из отчёта за июнь 1994г. Британской гуманитарной организации «MERLIN» и делегации американской «Женской Комиссии по беженцам - женщинам и детям». См. подробно: Zamanov I. From aggression to aggression or original face of Armenian racialism. Baku: Gartal, 2001. p.160-185.

313. Маълумотлар расман 1994 йил 14 июльда «Foreign Report» бюллетенида чоп этилган эди. Бюллетень Лондонда «The Newspaper Limited» компанияси томонидан нашр этилади.

314. От Майендорфа до Астаны: принципиальные аспекты армяно-азербайджанского нагорно-карабахского конфликта / Под ред. Г.М. Алексеева (доктор исторических наук, профессор МГУ им. М.В.Ломоносова). - М.: 2010. Статья М.Дж. Гасымлы Агрессия Армении против Азербайджана. Дипломатические усилия по решению армяно-азербайджанского нагорно-карабахского конфликта (1987-2009). с 218-221.; Гасанов Т. Тяжёлые социально-экономические последствия оккупации Арменией территорий Азербайджана. Баку: Чашыоглы, 2004.

АРМАНИСТОН ТОМОНИДАН ОЗАРБАЙЖОНГА ҚАРШИ БОШЛАНГАН ҚУРОЛЛИ АГРЕССИЯНИНГ УМУМИЙ ЯКУНИ (1988 ЙИЛ ФЕВРАЛИДАН 1994 ЙИЛ МАЙИГА ҚАДАР БУЛГАН ДАВР)[315]:

Арманистон Республикаси Озарбайжон ҳудудига бостириб кириш йули билан 946 аҳоли яшаш пунктлари, шу жумладан, 11 шаҳар, 12 қурғон, 848 қишлоқни эгаллаб олди. Умумий майдони 9 млн. кв. км. га тенг 113? аҳоли яшовчи хоналар, 7 000 жамоат бинолари вайрон қилинди, турт техникум, 4680 минг уринли 11 касб-ҳунар укув юртлари ҳамда 34 мактабдан ташқари муассасалар ишлашдан тухтади. 799 умумтаълим мактаби, 288 болалар боғчалари, 787 клуб, 695 тиббиёт объекти, 800 км. автомобил йуллари, 160 куприк, 2 300 км. сув қувурлари, 15 минг км. электр узатиш линиялари, 464 тарихий ёдгорлик ва музейлар ишдан чиқди. Озарбайжон 260 минг гектар ўрмон ерлари, 200 минг гектар экин майдонларидан жудо булди. Ишгол остида туманларда 310 дан ортиқ саноат ва қурилиш объектлари, турт аэропорт, Боку–Агдам ва Горадиз–Урдубод темир йул линиялари, Боку–Хонкенди–Нахчивон газ қувурлари қолиб кетди. Агрессор қулида симоб, обсидиан ва перлитнинг бутун захиралари, қурилиш ва қоплаш материалларининг 35–60 фоизи, ўрмон фондининг 23,8 фоизи, сув захираларининг 7,8 фоизи, икки қурқхона, уч тақиқ зонаси, уч йирик сув омбори қолиб кетди.

Ҳарбий тажовуз йули билан Озарбайжоннинг 20 фоиз ҳудудларини эгаллаган армани қуролли қушинмалари миллий ва маданий ёдгорликларни энг ваҳшиёна бир шаклда нест-нобуд қилди. Айни пайтда ибтидоий одамларнинг энг қадимий манзилгоҳлари булган Азих ва Таглар ғорлари, шунингдек, ибтидоий одамлар манзилгоҳлари сифатида маҳқурликка эриган Қоракўпак ва Узерликтепа қурғонлари ҳарбий мақсадларда қулланмоқда ва қасддан вайрон қилинмоқда. Хужали, Агдам, Оқдара, Фузулий ва Жаброил туманларининг қурғонлари билан бир қаторда Шуша, Лочин, Келбажар, Гу ̆одли, Фузулий ва Зангилон туманларидаги қадимий қабристонлар ва қабртошлар, масжидлар, ибодатхоналар ҳамда Кавказ Албанияси ёдгорликлари йўқ қилинмоқда.

Шуша меъморчилик қурқхонаси ҳудудида агрессорлар Қуйи ва Юқори Гавҳар оға, Кўчарли, Мардинли масжидларини, бутун дунёга машҳур бастакор Узайр Ҳожибеков ҳамда профессонал вокал санъат асосчиси Булбулнинг музейини, Хуршидбону Нотавон сарой

---

315. Материалы архива Министерства Иностранных дел Азербайджанской Республики (МИД АР), из доклада по фактам агрессии, представленный в международные организации. Баку, май 1994г. «Агрессия Республики Армения против Азербайджанской Республики».; «The Newspaper Limited»14 July 1994 «ForeignReport»

мажмуасини, Фаридунбек Қучарли ва Зуҳроббековлар дала ҳовлисини, рассом ва олим Мир Мавсус Наввобнинг уйини, шунингдек, Шарқ меъморчилигининг узига хосликларини акс эттирувчи уй-жойларни, қадимги қабристон ва қабрларни, буюк озарбайжон шоири, Қорабоғ хони вазири Воқиф мақбарасини, Агдамда - Паноҳалихон Қорабоғий масжидини, Лочин туманида - Ҳамза Султон ва Султон Аҳмад саройларини, масжидлар, ибодатхоналар, қўрғонлар, жаҳон маданий мероси таркибига кирувчи тош ёдгорликлар ва иншоотларни тагтуби билан вайрон этиб, талон-торож қилишди.

Тарихий ва моддий қимматга эга объектлар талон-торож қилиниб, улардаги бойликлар Арманистон Республикасига кучирилди. Келбажар туманидаги бой олтин конлари агрессор томонидан эксплуатация қилинмоқда. Ишгол остидаги зоналарда бугунги кунга қадар Озарбайжон моддий-маданий меросини йўқ қилиш ва талаш давом этмоқда. Босқинчилар археологик қазилмалар олиб бормоқда, қўрғонларни вайрон қилиб, ўгирланган нарсаларни олиб кетмоқда.

Армани босқинчилар томонидан ишгол қилинган ҳудудларда жаҳон аҳамиятига молик 13 ёдгорлик (олти меъморчилик, етти археологик ёдгорлик), 292 республика миқёсида аҳамиятли ёдгорлик (119 меъморий ва 173 археологик обида) ҳамда маҳаллий аҳамиятга молик 330 ёдгорлик (270 меъморчилик, 22 археологик обида, 23 боғ ва хиёбон, 15 нақкошлик санъати намунаси) қолиб кетди. 927 кутубхона, 464 тарихий ёдгорлик ва музей, олти давлат театри ва концерт студиялари талон-торож қилинди.

Музейлардан 40 мингдан ортиқ қимматли ва ноёб экспонатлар ўгирланди. Жумладан, Келабажар ўлкашунослик музейи вайрон қилинганидан сўнг ноёб олтин ва кумуш буюмлар, қадимий гиламлар Ереванга олиб кетилди. Шуша тарих музейи, Агдам нон музейи, Зангилон тош ёдгорликлар музейи ҳам худди шундай кўпларни бошдан кечирди. Ўгирланган ёки йўқ қилинган маданий-тарихий артефактларнинг қийматини белгилаб бўлмайди.

Бир сўз билан айтганда, Арманистон Республикаси ўзи имзолаган «Ҳарбий ихтилофлар вақтида маданий қимматликларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Гаага конвенцияси ҳамда «Маданий қимматликларнинг ноконуний савдоси тўғрисида»ги Париж конвенциясини қўпол тарзда бузиб, Озарбайжоннинг моддий ва маданий бойликларини талон-торож қилди.

Бугунги дунёда миллатпарастлик, террор ва геноцид яратиш учун ғоявий пропаганданинг турли усулларини қўллайдиган ташкилотлар мавжуд. Бу ҳолатларнинг энг ҳожиали оқибатларидан бири СССР парчаланиши арафасида одамлар онгига солинган ғавғо оқибатида юзага келган Тоғли Қорабоғ ихтилофи бўлди.

Маълумот:

1989 йил июлидан 1992 ноябрига қадар армани террорчилари поездлар ва фуқаролик объектларига қарши 100 дан ортиқ диверсиялар содир этди, Озарбайжоннинг тинч фуқароларига ҳамда фуқаролик объектларига қарши 32 террорчилик акти ташкил этилди, бугунги кунга қадар содир этилган жами 338 террорчилик актлари натижасида 881 киши ҳалок бўлди, 1239 киши яраланди[316]. Озарбайжон томони бу ҳолатлар бўйича ҳисоботларни ҳамда Озарбайжон Республикасининг ишғол остидаги ҳудудларидаги вазият юзасидан статистик маълумотларни БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблеясида тақдим этган.

Террорчилик актлари ва журналистларнинг ўлдирилиши[317]:

- 1984 йил августида ота-уғил Вартанянлар Бокудаги 106-йўналиш автобусида қўлбола бомба портлатди.
- 1985 йил кузида қасддан ўт қўйилиши оқибатида Бокуда яқиндагина капитал таъмирдан чиқарилган ва реставрация қилинган опера ва балет театри ҳамда жамоат биноси ёниб кул бўлди.
- 1988 йил 11 декабрида Ереван яқинида тушунарсиз вазиятда бортида 74 нафар озарбайжонлик қуткарувчи ҳамда Арманистондаги зилзиладан азият чекканларга гуманитар ёрдам ортилган ҳарбий-транспорт самолёти ҳалокатга учради. Икки республика ўртасида уша пайтда юзага келган мураккабликларга қарамай, қутқарувчилар отряди ва гуманитар ёрдам Арманистон халкига ёрдамга юборилган эди.
- 1988 йили Келабажар туманидаги Канали қишлоғидаги шахсий уйда ва Хужаванд туманида бомба портлатилди.
- 1989 йили Тбилиси–Ағдам шаҳарлараро йўловчи автобуси портлатилди. Икки йилдан сўнг ушбу актни ижро этган террорчилар - Татевосов ва Аванесян кулга олиниб, ҳар бирига 15 йилдан қамоқ жазоси белгиланди.
- Уша йилнинг узида Тбилиси–Боку шаҳарлараро йўловчи автобуси порт. этилди, бунинг окибатида беш киши ҳалок бўлди, 27 киши яраланди; бундан ташқари, Шуша–Ағдам йўлидаги кўприк портлатилди, Каркижаҳон, Арафса, Сейтас, Туғ, Қорадоғли қишлоқлари одамлари ўлдирилди.

---

316. Материалы архива Министерства Иностранных дел Азербайджанской Республики, из доклада по фактам агрессии, представленный в международные организации. Баку, май 1994г. «Агрессия Республики Армения против Азербайджанской Республики». Папка №9, л. 41-52.; Севдималиев Р. Международный терроризм - глобальная проблема современности. Баку, 2004. Б.269.

317. Заманов И. От агрессии к агрессии или подлинное лицо армянского шовинизма. Баку: «Гартал» 2001. Б.326-340.

- Уша йили Симферополь- Боку поезди портлатилди, бу Россия Озарбайжон темир йулларидаги диверсиялар силсиласининг биринчи ҳалқаси булди.
- 1989 йил 16 сентябрида Тбилиси–Боку йуналишида қатновчи шаҳарлараро йуловчи автобуси портлатилди.
- 1989 йил 7 октябрь куни Хонкенди яқинидаги куприк портлатилди.
- 1990 йил 16 февралида Шуша–Боку шаҳарлараро йуловчи автобусида портлаш амалга оширилди.
- 1990 йил 4 мартида Шуша шаҳрини ичимлик суви билан таъминлайдиган Набиёр–Шуша сув қувури йуналиши портлатилди. Уша пайтнинг узида Озарбайжоннинг Оқдара туманидаги Иморат-Ҳирванд қишлоғидаги электр станцияси портлатилди.
- 1990 йил 24 мартида «Норашен–Боку» темир йулининг 364-километрида амалга оширилган портлаш оқибатида тепловоз ва учта вагон ишдан чиқди, 150 метрдан ортиқ темир йул участкаси яроқсиз ҳолга келди.
- 1990 йил 1 апрелида Озарбайжоннинг Дозулар қишлоғидан 4 километрлар нарида Қушчи Армавир қишлоғига элтувчи куприк портлатилди.
- 1990 йил 10 июнида Келбажар туманида автоколоннага ҳужум уюштирилди.
- 1990 йил 10 августида Тбилиси-Ағдам йуналишида қатновчи шаҳарлараро йуловчи автобуси портлатилди.
- 1991 йил 9 январида Лочин–Шуша йулида автомобиль ичида «Озарбайжон ёшлари» газетаси мухбири С. Аскарова ва Совет армиясининг уч зобити отиб ташланди.
- 1991 йил 30 майида Доғистон Республикасининг Хасавюрт станцияси яқинида Москва–Боку йуловчи поезди портлатилди. 11 киши ҳалок булди, 22 киши яраланди.
- 1991 йил 31 июлида Доғистон Республикасининг Хасавюрт станцияси яқинида Москва–Боку йуловчи поезди портлатилди. 16 киши ҳалок булди, 20 киши оғир яраланди.
- 1991 йил 20 ноябрида Тоғли Қорабоғдаги Ҳужаванд туманининг Қоракент қишлоғи яқинида Ми-8 фуқаролик вертолёти иссиклик ракетаси билан уриб туширилди. Тоғли Қорабоққа тинчликпарвар миссия билан кетаётган озарбайжонлик ва чет эллик олий мартабали шахслар ҳалок булди:
- Озарбайжон Республикаси парламенти депутати, давлат котиби Т.К. Исмоилов;

- Озарбайжон Республикаси бош вазири ўринбосари, депутат З.С. Ҳожиев;
- Озарбайжон Республикаси президенти маслаҳатчиси, депутат М.Н. Асадов;
- Озарбайжон Республикаси бош прокурори И.И. Ғоибов;
- депутатлар В.Д. Жаъфаров ва В.Т. Мамедов;
- Озарбайжон Республикаси президенти девони булим бошлиғи О.М. Мирзоев;
- Мелиорация ва сув хужалиги вазирининг биринчи ўринбосари Г.Г. Намозалиев;
- Озарбайжон Республикаси Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти прокурори И.А. Плавский;
- Озарбайжон Республикаси миллий хавфсизлик вазирлиги Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти буйича булим бошлиғи С.С. Иванов;
- Озарбайжон Республикаси Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти ИИБ бошлиғи генерал-майор В.В. Ковалёв;
- Озарбайжон Республикаси Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти туман фавкулодда вазиятлар коменданти Н.В. Жилкин;
- Озарбайжон Республикаси давлат котиби ёрдамчиси Р.М. Мамедов;
- Озарбайжон давлат телерадиокомпанияси ходимлари А.М. Мустафоев, А.И. Ҳусайнзода ва Ф.И. Шаҳбозов;
- Россия Федерациясидан кузатувчилар генерал-майор И.Д. Лукашов ва подполковник В.М. Кочаров;
- Қозоғистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С.Д. Сериков;

Шу вокеадан икки ой утиб, Шуша шаҳри осмонида аҳолини олиб кетаётган яна бир озарбайжон вертолёти уриб туширилди. Бортда 30 дан ортик тинч фукаро, асосан аёллар ва болалар бор эди, уларнинг бари ҳалок булди.

- 1992 йил 8 январида Боку денгиз портида «Советская Калмикия» денгиз паромида бомба портлатилди.
- 1992 йил 28 январида Қорабоғ осмонида «ер-ҳаво» ракетаси билан Ағдам–Шуша йуналишида учаётган фуқаролик вертолёти уриб туширилди.
- 1993 йил 28 февралида Чеченистон Республикаси ҳудудида Гудермес станцияси яқинида Кисловодск–Боку поезди портлатилди, 11 киши ҳалок булди, 18 киши яраланди.
- 1993 йил 2 июнида Боку темир йул вокзалининг ҳаҳира йулида турган йуловчи вагони портлатилди. Ҳалок булганлар ва ярадорлар йук. Жиноятни содир этган Хатковский Игорь Анатольевич Озарбайжон

Республикаси ҳарбий суди қарори билан 8 йилга озодликдан жудо этилди, кейинроқ афв этилиб, Россияга депортация қилинди.

- 1993 йил кузида Тбилиси–Боку поездига мина урнатишга ҳаракат қилган ЗакВО контрразведка ходими Сосо Ароян қўлга олинди. Хатковский ва Ароян курсатма берди, бу ҳақда Москва бохабар этилди. Ишга Россия махсус хизматлари қўшилди. Ишни тергов қилган РФ бош ҳарбий прокуратураси уларнинг Озарбайжондаги поезд портлашига ҳамда биттаси Россия ҳудудида содир этилган икки портлатишга булган уринишга алоқадорлигини исботлай олди.
- 1994 йил 1 февралида Боку темир йўл вокзалида Кисловодск Боку поездида теракт содир этилди. Уч киши ҳалок булди, 20 киши яраланди.
- 1994 йил 9 февралида Худат станцияси якинидаги заҳира йулида гурган вагон портлатиб юборилди.
- 1994 йил 18 мартида Хонкенди шаҳри ҳудудидаги халқаро ҳаво коридорида Эрон ҳарбий-ҳаво кучларининг Москвадан Техронга учаётган, бортида дипломатлар ва уларнинг оила аъзолари булган «Геркулес» самолёти уриб туширилди.
- 1994 йил 19 мартида Боку метрополитенининг «20 январь» бекатида портлаш содир этилди. 14 киши ҳалок булди, 49 киши яраланди.
- 1994 йил 13 апрелида Дағистон Республикасининг Дагестанские огни бекати якинида Москва–Боку йуловчи поезди портлатилди, уч киши ҳалок булди, уч киши яраланди.
- 1994 йил майида РФ ФСБ ходимлари Москвада теракт ташкилотчилари гуруҳини қўлга олди. Чекистларнинг ҳайратига, қўлга олинганларнинг барчаси махсус хизматлар ходимлари булиб чикди. Гуруҳга Арманистон миллий хавфсизлик давлат бошқармаси душман ҳудудида разведка-диверсия операциялари утказиш бўлими бошлиғи, подполковник Жаан Оганесян бошчилик қилаётган эди. Иккинчи гумондор унинг ходими - подполковник Ашот Галоян булиб чикди. Учинчи банди - майор Борис Симонян Россия ФСК террорга карши кураш бошкармасида ишлар эди. Уларнинг учовига нисбатан ҳам террорчилик, контрабанда ҳамда ноқонуний равишда курол-ярог ва портловчи моддалар сақлаш айбловлари илгари сурилди.
- 1994 йил 3 июлида Бокудаги «28 май» ва «Ганжлик» метро бекатларидаги диверсия оқибатида 13 киши ҳалок булди, 42 киши яраланди. Террорчилик актига айбдор Азер Асланов Москвада қўлга олинди.

1984 1994 йиллар орасида «1915 йилги армани геноциди учун замонавий касоскорлар» 29 та йирик теракт содир этди, шу жумладан, 14 фукаролик вертолёти ва икки самолётни уриб туширди, бир неча йуловчи автобусини портлатди, куприкларга ҳужум килди, бир канча

йўловчи поездларини портлатди. Шу 10 йил ичида 1 200 дан кўпроқ одам ҳалок бўлди, 2 400 киши жабр кўрди.

Журналистлар - террор қурбонлари.

- 1991 йил 9 январида Қорабоғда «Озарбайжон ёшлари» газетаси мухбири Салотин Аскаров ўлдирилди.
- 1991 йил 20 ноябрида Қоракенд қишлоғи устида вертолётнинг ўққа тутилиши оқибатида «АзТВ» ходимлари - журналист Али Мустафоев, оператор Фахриддин Шаҳбозов ва Ориф Ҳусайновлар ўлдирилди.
- 1992 йил 15 июлида Қорабоғда навбатдаги репортажини тайёрлаш пайтида тележурналист Чингиз Мустафоев ўлдирилди.
- 1991 йил 13 августида Қорабоғда Россиянинг «Милостивие государи» газетаси (Пермь) Валерий Дементьев ўлдирилди.
- 1991 йил 27 декабрида Каркижаҳон қишлоғи яқинида Россиянинг «Маяк» радиостанцияси махсус мухбири Леонид Лазарев ўлдирилди.
- 1991 йил 20 сентябрида «Озарбайжонфильм» режиссери Элхон Алиев арманилар оломони томонидан калтакланди, сўнг улар томонидан асирга олинди. Қийноқлар оқибатида у ногирон бўлиб қолди. Ўша пайтда Туркиянинг «Замон» газетаси мухбири Йилмаз Пўлад ва «АзТВ» мухбири Надежда Исмаилова калтакланди ва турли йўллар билан камситилди.

Тоғли Қорабоғда бўлган, ушбу профессионал ва фуқаролик бурчини бажараётган озарбайжонлик ва чет эллик давлат структуралари вакиллари ҳамда журналистларнинг террор йўли билан ўлдирилиши халқаро гуманитар ҳуқуқ ҳамда бутун маданятли дунёда шаксиз қабул қилинган умуминсоний ахлоқ-одоб меъёрларининг қўпол тарзда бузилишидир.

ХУЛОСА

Тоғли Қорабоғ можаросини Озарбайжон давлатчилигининг тарихий ривожи контекстида кўриб чиқиш лозим. Тоғли Қорабоғ тарихан de jure ва de facto озарбайжонларнинг ватани бўлишига қарамай, 1988 йил февралида армани айирмачилиги фаол боскича утди, бу Хонкендида Тоғли Қорабоғнинг Озарбайжон ССРдан ажралиб, Арманистон ССР таркибига кириши ғўрисидаги талаблари билан бошланди. Бу акцияларнинг барчаси озарбайжонларга ҳужумлар ҳамда Арманистон ҳудудидан озарбайжонларнинг депортация қилиниши билан давом этди.

Душман тарафнинг турли ёлғон эртакларига қарамай, нуфузли сиёсатчилар ва жаҳон ҳамжамияти Озарбайжон Республикасининг бу урушдаги хатти-ҳаракатлари уз ҳудудини ва халқини ҳимоя қилиш йўлидаги мажбурий ҳаракатлар уларок Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йўрикномаси 51-моддасига биноан узини қонуний ҳимоя қилиш сифатида баҳоланади.

Тоғли Қорабоғ можаросига аралашган армани айирмачи гуруҳлари ҳамда Арманистон Республикаси раҳбарларининг фаолиятини таҳлил килар эканмиз, бир нарсани таъкидлаб утиш мумкин. Айнан уларнинг курсатмаси ва идеологияси, хусусан, сиёсий дивидентларга эришиш мақсадида армани миллатпарастлиги шаклларидан фойдаланилиши ҳамда янги армани узлигини шакллантиришга қаратилган турли уринишлари Тоғли Қорабоғ этник можаросининг келиб чиқишига сабаб бўлди. Бундан келиб чиккан ҳолда минтақада қуролли этнослараро ихтилоф келтириб чикаришга уз хиссасини кўшган армани сиёсий арбобларининг бутун фаолияти халқаро ҳамжамият томонидан салбий баҳоланади. Армани давлатчилигининг кайта тиклашга бўлган уриниш, армани халқининг мустақилликка бўлган интилиши эмас, айнан бировларнинг ҳудудига эга чиқиш ҳамда ҳокимиятга ташна сиёсатдонларнинг этник манфаат ҳудудларини кенгайтиришга бўлган уриниши Тоғли Қорабоғ этнослараро можаросини келтириб чикарди. Бу, уз навбатида, ҳисобсиз фожиали воқеалар бошланиши ҳамда Озарбайжон Республикаси ҳудудларининг 20 фоизи ишғол қилиниши сабаби бўлди.

Дарвоке, замонавий халқаро ҳуқуқий назорат объектлари бўлиб давлатларнинг халқаро муносабатлари эмас, балки назорат этилишига эҳтиёж туғилган ва бу тушунилган муносабатларнинг бир қисми хизмат килади. Бундан ташқари, таъкидлаб утиш мумкинки, реал халқаро ҳуқуқий назорат бир катор сабабларга кўра, хусусан, халқаро конун ижодкорлиги жараёнларининг мураккаблиги ва узоклиги туфайли ҳақиқий эҳтиёжлардан ортда қолмоқда. Уз-узидан тушунарлики,

давлатлар ва индивидларнинг халқаро характердаги жиноятларига қарши кураш учун халқаро ҳамжамиятнинг янги универсал халқаро келишувларнинг тайёрланиши ва имзоланиши ёки мавжуд халқаро конвенцияларни қўшимча қоидалар билан тўлдириш йўлидаги янги саъй-харакатлари талаб этилади, зеро жиноятчилик турли шаклларда борган сайин халқаро микёсда кенг тарқалмоқда.

Жаҳон сиёсатида аввал бошидан турли масалалар мавжуд. Уларнинг айримлари ҳақиқий, айримлари эса уйлаб топилгандир. Улар «қаҳрамон»ларнинг узлари ёхуд улардан ёки масаланинг узидан геосиёсий манфаатлари йўлида фойдаланадиган буюк ҳокимиятлар томонидан умумжаҳон назарига ташланган. Бунда «масала»ни пайдо қилган, этнос, мамлакат ёки муаммо четга суриб қўйилади. Бирламчи мақсад манфаатдор ҳокимиятларнинг ундан фойдаланиб қолиши бўлади. Натижада даставвал халқаро муносабатларнинг бирор бир субъекти бўлган бундай масала кейинчалик объектга, яъни айирбош тангасига, ёхуд жаҳон шахмат тахтасининг оддий пиёдасига айланади. Жаҳон шахмат тахтасига ташланган «армани масаласи» эса «Шарқ масаласи»нинг бир кисми сифатида оддий арманилар ҳамда уларнинг қўшнилари ҳаётини туганмас фожиага айлантирди.

2.4. ЭТНИК ЗИДДИЯТЛАР МАНБАИ

1676 йилдан 1917 йилга кадар 12 та рус–усмонли уруши булиб утди. Уларнинг фақат биттасида Россия мағлуб булди. Шунингдек, иккита рус-форс уруши булди[318]. Буларнинг натижасида Усмонли салтанати Кавказ ва Шаркий Анатолияни қулдан чиқарди - улар Россия империясининг Кавказ ноиблигига айлантирилди. Уз навбатида, 1804–1813 ва 1826–1828 йиллардаги иккита рус-форс уруши натижасида Россия Кавказда Доғистонни, Шаркий Гуржистонни ва озарбайжон хонликларини қулга киритди. 1803 йили Россия армияси Гуржистондан Шимолий Озарбайжонга бостириб кириб, Россия тарихидаги энг узун Кавказ урушига бошланма берди. У 69 йил - 1803 йилдан 1872 йилга кадар давом этиб, Россия империясининг Кавказ халқларига қарши олиб борган биринчи уруши булди.

XIX аср бошида Ғарбий Европадаги вазият ута мураккаб эди. Бу муваффакиятли юришларни амалга ошираётган Франция императори Наполеон Бонапартнинг (1804–1815 йиллар) фаол ташки сиёсати билан боғлиқ эди. XIX аср жахон тарихидаги энг муҳим воқеа Наполеона I Бонапартнинг 1812–1814 йилларда Россияга юриши булди. Ушанда Россиянинг узи босиб олиниш хавфи остида қолиб кетди. Бошка томондан, Россиянинг узи Усмонли салтанати ва Эронга қарши боскинчилик урушларини, шунингдек, Кавказ халқларига қарши узок ва конли урушлар олиб бораётган эди. 1853-1856 йилларда Россия ва Усмонли салтанати ўртасида Крим уруши булиб утди. Россиянинг қули баланд келаётгани маълум булганидан сунг Британия ва Франция Истанбулнинг томонида туриб урушга аралашди. Бунинг натижасида расмий Санкт-Петербург ютқизди. Бошқа томондан, уша пайтнинг узида Кавказ уруши доирасида Имом Шомил Россияга карши чикди. У 25 йил давомида - 1834–1859 йилларда муваффакиятли халқ озодлик курашига бошчилик қилиб келди[319].

---

318 Смирнов Н.А. Политика России на Кавказе в XVI-XVII веках. М., 1958; Широкорад А.Б. Русско-турецкие войны. 1676-1918гг. Минск-М., 2000; Шишов А.В. Схватка за Кавказ. XVI-XX века. М., 2005; Baddley J.F. The Russian Conquest of the Caucasus.London, 1908.; История народов Северного Кавказа, главы XV и XVI; История народов Северного Кавказа. Конец XVIII века-1917 год, главы I/1 и 4, V/1 и 2, XV; Фадеев Р.А. Шу асар.; Широкорад А.Б. Шу асар.; Тарле Е.В. Крымская война. М.-Л., 1941; Русско-турецкая война 1877-1878 годов. М., 1977; Зайончковский А.М. Восточная война 1853-1856 годов. Тома 1-2. СПб., 2002; Ибрагимбейли Х.М. Кавказ в Крымской войне 1853-1856 годов и международные отношения. М., 1971; Мещеряков Г.П. Русско-турецкие войны. СИЭ, том 12. М., 1969, стлб. 374-390; Ливен Д. Российская империя и её враги с XVI века до наших дней. Пер. с англ. М., 2007.

319. Гаммер М. Мусульманское сопротивление царизму. Завоевание Чечни и Дагестана. Пер.с англ. М., 1998; История народов Северного Кавказа. Конец XVIII-1917 год. М., 1988, Б.136-161,194-196.

Арманишунослларнинг фикрича, Россия императори Пётр I (1682-1725) *«Россиянинг юқори маслаги - христиан халқларини озод қилишни биринчи бўлиб тушунди ва биринчи бўлиб ушбу христиан халқларини Россия билан бирлаштирувчи ахлоқий ришталарнинг устунлигига баҳо берди»*[320].

1714 йил ноябрида вардапет Минас арманилар номидан Пётр I дан Каспий денгизи буйича ибодатхона қуришни суради. Унинг ёзишича, уруш ҳаракатлари бардавом булган даврда ибодатхона Россиянинг Сафавийлар давлатига карши булажак урушида мустахкамланган қалъа сифатида наф беришини қайд қилиб утди ва Пётр I ни «мусулмон тазйиқидан куткаришга ва рус табаалигига қабул қилиш»га чақирди[321].

1722-1723 йилларда Россия императорининг узи бошчилик қилган Биринчи Каспий юришида Каспийнинг ғарбий соҳилбуйининг шимолда Дарбантдан жанубда Астарагача булган ҳудудини Пётр I уз давлатининг Каспий вилоятига айлантирди ва бу ерга христианларни кучиришга курсатма берди. Афтидан, вардапет Минаснинг таклифи уни бефарқ қолдирмаган куринади[322]. Пётр I 1724 йил 24 сентябрида Истанбулга йулланган А. Румянцевга Усмонли арманиларини қуркмасдан Россия импариясининг Каспий вилоятига кучиб утишга кундириш юзасидан курсатма берди. Уларга маҳаллий аҳоли вакиллари (яъни озарбайжонлар) «кучирилишини, уларга, арманиларга эса, уларнинг ерлари берилиши»ни отказиш тайинланган эди[323].

Пётр I нинг улимидан сунг Россия империяси Сибирь, Қора денгиз буйича ва Марказий Осиё давлатларини куч билан босиб олиш сиёсатини давом эттирди ва турил баҳоналар билан Шарқ мамлакатларига, биринчи галда Афғонистонга, Ҳиндистонга, Хитойга, Усмонли салтанатига, Эронга, Марказий Осиё ва Кавказ минтакаларига яқинлашишга ҳаракат килди. Россия курол кучи билан Қрим хонлигини эгаллаб олди. Кавказ учун урушлар билан бир қаторда Россиянинг Қора денгизга, Азов, Каспий денгизларига ҳамда Марказий Осиё йуналишига чиқиш учун олиб борган урушлари маълум[324]. Император Екатерина II даврида (1762–1796) боскинчилик сиёсати давом эттирилди, бунинг учун ҳатто мусохара режаси

---

320. Эзов Г.А. Сношения Петра Великого с армянским народом. Документы, СПб. 1898, Б.2.

321. ГИА РФ, ф.880, оп.5, д.387, л.6; Аннинский А. История армянской церкви (до XIX века). СПб., 1898, Б.300-301.

322. Лысцов В.П. Персидский поход Петра I. 1722-1723. М., 1951.; 107 История народов Северного Кавказа, Б.412-418; История Азербайджана, том I, Б.299-305; История Дагестана, том I, Б.344-351.

323. Мустафазаде Т.Т. Азербайджан и русско-турецкие отношения в первой трети XVIII века Баку, 1993, Б.142

324. Костомаров Н.И. Русская история в жизнеописаниях её главнейших деятелей. М., 1991, Б.330.

тузилди: «Биринчи вазиятда Дарбантда урнашиш, Шамаха ва Ганжани эгаллаш, шунда Қорабоғ ва Сиғноқдан, етарли миқдорда қушин туплаб, осонликча Эриванни эгаллаш мумкин»[325]. 1796 йил апрелида генерал граф В.А. Зубов раҳбарлигида Иккинчи Каспий юриши амалга оширилди. Аммо император ойимнинг вафоти ҳамда Павел I нинг (1796–1801) иқтидорга келиши уруш кампаниясини узиб қуйди[326].

XVIII иккинчи ярми - XIX аср биринчи ярмида Жанубий Кавказда, собиқ Сафавийлар давлати ҳудудида 20 та озарбайжон хонлиги бор эди: Ардабил, Боку, Гилон, Ганжа, Дарбант, Жавод, Қорабоғ, Қорадоғ, Губа, Маки, Мароға, Нахчивон, Сароб, Табриз, Толиш, Урмия, Хой, Шеки, Ширвон, Иравон[327].

«Туркпар ва арманилар. Армани масаласи буйича қулланма» китоби муаллифлари Жастин ва Кэролайн Маккартига кура, *«Руслар Усмонли салтанати ва Эроннинг ичкарисига кирганида кўп арманилар христиан ҳукмдор қули остида бўлиш улар учун яхшироқ эканлигини ҳис этиб, уларнинг сафларига қўшилди. Айримлар ҳатто подшо охир-оқибат ҳеч бўлмаса армани мухторияти фикрини қўллаб-қувватлашига умид билдирди... [Шимолий Озарбайжонга] рус қўшинлари бостириб кирганида, арманилар - хоннинг табаалари айғоқчилар ролини бажара бошлади. Армани қуролли отряднари мусулмон хонликларининг боси олинишида руслар томонида туриб олишди. Армани архиепископи Аргутинский-Долгоруков XVIII аср 90-йилларида ўз ваъзларида унинг асосий илинжи Россия забт этилган барча ҳудудларда арманилар устидан мусулмон ҳокимлигига чек қўйиши эканлигини такрорлаб келди. Архиепископнинг нияти амалга ошди...»* [328].

Россия империяси томонидан арманиларнинг Шарқий Анатолия ва Эрондан Жанубий Кавказ ва Туркистонга кучирилишининг ташкил этилиши ўрта асрлар якунида реалликка айланди. Россиялик тарихчи ва сиёсатчиларнинг хабарларига кура, арманиларнинг Кавказга кучиши XIX аср биринчи ярмида бошланган эди. 1803 йил Россиянинг Гуржистондаги бош қумондони генерал князь П.Д. Цицианов Шимолий Озарбайжонга юриш қилди. Бу 1803–1872 йилларда давом этган Кавказ

---

325. Собрание актов, относящихся к обозрению истории армянского народа. Часть II. М., 1838, Б.69.

326. История Азербайджана, том I, Б.376-380; История народов Северного Кавказа, Б.461.

327. Абасов Ф.М. Карабагское ханство. Баку, 2007; Əliyev F.M., Əliyev V. Naxçıvan xanlığı. Bakı, 1996; Əliyev F.M., Həsənov U. İrəvan xanlığı. Bakı, 1997; İsmayıl M.Ə., Bağırova M. Şəki xanlığı. Bakı, 1997; Mustafayeva N.Ç. Cənubi Azərbaycan xanlıqları. Bakı, 1995; Мустафаев Дж.М. Северные ханства Азербайджана и Россия. Баку, 1989.

328. Маккарти Дж., Маккарти К. Тюрки и армяне. Руководство по армянскому вопросу. Пер. с англ. Баку, 1996, Б.13, 18, 24,

урушининг бошланмаси булди. Айнан шу даврда Озхрбайжонда Жар-Белокан эркин жамоати ва Ганжа хонлиги тугатилди. П.Д. Цицианов усмонли ва эронлик арманиларни Шимолий Озарбайжонга кучира бошлади. Ушбу кампания катнашчилари рус харбий хизматидаги олий мартабали арманилар эди. Улар бутун XIX аср давомида арманиларнинг Кавказга кучирилишига кумак бериб келди. Булар: генераллар А. Тормасов, В. Бебутов, М. Ва Д. Аргутинский-Долгоруковлар, А. Тер-Гукасов, И. Лазарев, М. Лорис-Меликов, С. Кишмишев, Корабоғ нохияси раҳбари В. Мадатов, Эрон арманиларининг Шимолий Озарбайжонга, шу жумладан, Тоғли Корабокка кучирилишининг бевосита ташкилотчиси ва ижрочиси Х. Лазарев. Шу билан бирга, ушбу куч жараёнига Эчмиадзин католикослари Овсеп, Давид V, Даниэл I, Епрем I, Ованес VIII, Нерсес V, Маттеос I, Геворк IV, Нерсес Константинопольский, Макар I, Мкртич I Хримян, Маттеос II, Геворк V лар ҳам кушилди[329].

1826-1828 йиллардаги рус-форс урушидан сунг Николай I (1825-1855) 1828 йил 21 мартидан фармон чикариб, Сенатга буйрук берди: *«Эрон билан 1828 йил 10 февралида тузилган сулҳ трактати кучи билан Россияга кушиб олинган Эриван хонлиги ва Нахчивон хонлигини барча ишларда бундан буен Армани вилояти деб аташни буюрамиз»*[330]. Мохиятан, Туркманчой келишуви ва Николай I нинг фармони озарбайжон давлатчилик тузилмалари - Эривань ва Нахчивон хонликларини тугатди. Кейинчалик II та шимолий озарбайжон хонликлари ерлари Россия империясининг Кавказ ноиблиги таркибидаги Боку, Эривань ва Елизаветполь губернияларига айлантирилди[331]. Россия империяси Озарбайжон худудига Эрон ва Усмонли арманиларини жадаллик билан кучиришга киришиб кетди[332].

Арманиларнинг Эрондан кучиб келишининг биринчи боскичига Кавказдаги бош кумондон, Эривань графи, генерал-фельдмаршал И.Ф. Паскевичнинг топшириғига кура рус харбий хизматидаги

329. Асадов Ю.А. Армянские офицеры - на царской службе. М., 1999; Он же. 1000 офицерских имен в армянской истории. Историко-биографические очерки. Пятигорск. 2004; Аветисян Г.А. Генералы-армяне в Российской империи. Ереван, 2007.; ПЭ, том III. М., 2001, Б.353.; Парсамян В.А. История армянского народа. 1801-1900гг. Книга первая. Ереван, 1972, Б.30.

330. ГИА РФ, ф. 880, оп. 5, д. 389, л. 18об.

331. История Азербайджана. Том 2. Баку, 1960, гл. 12.

332. Глинка С.Н. Описание переселения армян аддербиджанских в пределы России. М., 1831; Шавров Н.Н. Новая угроза русскому делу в Закавказье: предстоящая распродажа Мугани инородцам. СПб., 1911, Б.63-69; Величко В.Л. Кавказ. Русское дело и междплеменные вопросы. СПб., 1904, Б.66, 69, 81, 82, 84, 87; Канадеев И.Н. Очерки Закавказской жизни. СПб., 1902, Б.3-33.

арманилар - Х. Лазарев ва М. Аргутинский-Долгорукий жалб этилдилар. Эрон арманиларини Жанубий Кавказга кучириш буйича хатто махсус кумита тузилди. Х. Лазарев уларни айникса Қорабоғ хонлиги худудига йуллашга уринарди. Кучиб келувчиларга ҳар бир оиласи ҳисобига кумуш билан 10 рубль, шунингдек, йул харажатлари учун пул берилди, уларни казаклардан иборат конвой кузатиб борди. Х. Лазарев кучиб келаётган арманиларга мурожаатини армани тилида таркатиб, унда, хусусан, куйидагиларни айтди: *«(Озарбайжон ерларига) кучиб келишни истаганларга багрикенг Россия монархи Эриванда, Нахчивонда ва Қорабоғда ишончли, тинч ва бахтли бошпана бермоқда. Ҳосилдор ердан истаганингизча олинг. Сиз олти йил давомида ҳар қандай улпонлар тулашдан озод қилинасиз»*[333].

Озарбайжонларнинг Иравон, Қорабоғ ва Нахчивон хонликлари ерларининг режали асосда арманилаштирилиши уларнинг этник ва конфессионал киёфасини узгартириб юборди. Шу уринда бир нарсани кайд килиб утишнинг узи кифоя, назаримизда. 1828 йили Туркманчой тинчлик келишуви имзоланганидан кейинги икки йил ичида «Армани вилояти»даги арманилар сони 81 610 кишига етди[334]. Бу генерал Н. Дубровинга куйидагиларни қайд килиб утиш учун асос берди: *«Армани вилоятининг аҳолиси Эрон ва Туркиядан Россияга турли давларда ва айниқса урушдан сунг 1828 ва 1829 йилларда кучган арманилар ҳисобига тулдирилди»*[335].

Эрон ва Усмонли салтанатидан арманиларнинг кучирилиши натижасида вазият шу даражада узгардики, XVIII аср биринчи ярмида бутун Россия империясида 10 мингдан ошик армани йук эди, XIX аср бошида Кавказга арманилар оммавий тарзда кучирила бошланди, шундан сунг арманилар томонидан Шимолий Озарбайжон ерларининг узлаштирилиши бошланди. Натижада 1828 йилдан сунг бу ердаги этно-демографик ва конфессионал вазият тубдан узгарди. 1823 йили Россия империяси Қорабоғ аҳолиси ҳакида статистик маълумотлар тайёрлаган эди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, 1823 йили Қорабоғ вилоятида 20 095 оила истиқомат қилиб, уларнинг 15729 таси мусулмон оила, 4

333. Глинка С.Н. Шу асар., Б.36,44, 48, 64,87, 91, 103,106-107, 111.

334. Шопен И.И. Новые заметки на древнюю историю Кавказа и его обитателей. СПб., 1896, Б.639.

335. Дубровин Н. История войны и владычества русских на Кавказе. Том 1. книга 2. СПб., 1871, Б.405.

366 таси (21,7 фоизи) армани оиласи эди[336]. 1832 йил аҳоли қайдига кўра, Қорабоғдаги оилалар сони 20456 тага етди, шулардан 1190 таси беклар оиласи эди, армани оилаларининг сони эса ўн йил ичида 31,6 фоизга етди[337]. Қорабоғ маркази хисобланган Шушада 1823 йили 1532 оиладан 1111 таси (72,5 фоиз) мусулмон оиласи, 421 таси (27,5 фоиз) армани оиласи эди. Аммо 1832 йилга келиб янги кўчиб келган арманилар ҳисобига бу кўрсаткич 44.9 фоизга етди[338].

1886 йил аҳоли қайдига кўра, Жанубий Кавказнинг 4 186 000 кишилик аҳолисидан 962 000 киши армани, 1 139 659 киши озарбайжон эди. Россия империяси аҳолисининг 1897 йилдаги биринчи умумий ҳисоб-китоби маълумотларига кўра, XIX аср якунида Жанубий Кавказда армани нуфуси 1 100 138 кишини ташкил этди, бутун Кавказда эса уларнинг сони 1 124 948 кишига борди[339]. XX аср бошида кавказшунос Н.Н. Шавров хабар қилганди: *«Кўчиб келувчиларнинг энг катта улуши арманиларга тўғри келади: бугун Кавказортида истиқомат қилаётган 1 300 000 арманидан 1 000 000 дан ортиғи ўлканинг маҳаллий аҳолиси сирасига кирмайди ва биз томонимиздан кучирилган»*[340].

XIX асрда Эрон ва Усмонли салтанати ерларидаги «бешинчи колонна» уларок иш юритган арманилар чор Россияси даври сиёсатчиларининг кумагида озарбайжон хонликларига кучирилди. Рус кавказшуноси С.Н. Глинка XIX аср биринчи чорагида ёзган эди: *«Инсон қалбининг ҳар бир ҳаракатига ҳужум қилишга қобил суллоҳлик ва чақимчилик холис ниятли арманиларнинг кўнгилларига ҳам ўз нишларини суқиб булган эди... Арманиларнинг кўчиб келиши юзасидан қуйидаги умумлашмалар қилиш керак булади: Туркия табаалари булмиш арманилар ва Эрон табаалари булмиш арманилар орасида, турли манбалардан яхши маълумки, сезиларли фарқ бор»*[341].

---

336. Каранг: Описание Карабахской провинции, составленное в 1823 году, по распоряжению главноуправляющего в Грузии Ермолова, действительным статским советником Могилевским и полковником Ермоловым 2-м. Тифлис, 1866.; Гражданское Управление Закавказьем от присоединения Грузии до наместничества Великого Князя Михаила Николаевича. Исторический очерк. Составитель по поручению Военно-Исторического отдела В.Н.Иваненко. Тифлис. 1901; Потто В.А. Кавказская война. Персидская война 1826-1828 гг. Т. 3. Тифлис. 1901; Шавров Н.И. Новая угроза русскому делу в Закавказье: предстоящая распродажа Мугани инородцам. СПб., 1911.

337. Гражданское Управление Закавказьем от присоединения Грузии до наместничества Великого Князя Михаила Николаевича. Исторический очерк. Б. 146.

338. Кочарли Т. Карабах: Ложь и правда. Баку. 1898. Б. 100.

339. Кавказский календарь на 1903 г. Тифлис. 1902. Б. 250-253.

340. Шавров Н.Н. Новая угроза русскому делу в Закавказье: предстоящая распродажа Мугани инородцам. СПб,.1911, Б.64.

341. Глинка С.Н. Описание переселения армян азербайджанских в пределы России. М., 1831, Б.52, 140-141.

XIX аср охирига келиб Россия империяси томонидан Туркистон забт этилиб, у томонларда ҳам армани куч тулкини ер олди. Арманиларнинг Туркистонга миграцияси учун бош сабаб Кавказ ва Кичик Осиёдаги мураккаб ижтимоий-сиёсий вазият эди. Россия империяси аҳолисининг 1897 йилдаги биринчи умумий ҳисоб-китоби маълумотларига кура, Каспийорти вилоятида 4 мингдан ортикроқ армани яшаган. Булар асосан савдогарлар, ҳунармандлар ва нефтчилар эди. Бундан ташкари, булар бир пайтлар Россия империяси томонидан Эрон ва Шаркий Анатолиядан Озарбайжон ерларига кучирилган арманиларнинг вакиллари эди. Туркистонда арманилар Россия империясига савдогарлар, судхурлар, сартарошлар, этикдузлар, иславотлар ва маишатхоналар соҳиблари сифатида керак булди. Мустамлакачилар маҳаллий аҳолига ишонмаслиги турган гап, маҳаллий аҳоли вакилларининг мутлак купчилиги бундай ишлар билан шуғулланишни ва мустамлакачиларга хизмат қилишни хохламасди. Ўз навбатида, арманилар йукотадиган нарсалари бўлмагани учун бундай шартларга кунди. Аксинча, улар ҳудуд, таъсир ва даромад шаклида дивидентлар олишни кузлаган эди.

ХУЛОСА

Қорни тук ва моддий таъминланган армани сиёсатдон ва лоббичиларидан фарқли равишда, Арманистон Республикасининг оддий армани фукаролари Тоғли Қорабоғдаги вазиятнинг нихоятда мураккаблигини балки яхши тушунади. Тузук инсонлар кушнилар билан адоват вирусли хасталик эканини, у содда инсонларни хали куп дардга йулиқтиришини яхши билади.

Расмий Ереван турли ғайриилмий даъволарга харажат килишдан маълум манфаат кўради, зеро уларнинг негизида ташки кучлар оддий арманилардан террорчиларни ясаш буйича турли сиёсий технологияларни ишлаб чиқишда давом этади. Қизиғи, бунинг авжи Туркия, Озарбайжон ва Гуржистонга нисбатан эртаклар асосида ҳудудий даъволар илгари сурилиши булмоқда. Бу жараёнлар билан бир маромда адоватга, ғазабга, жаҳоннинг барча туркларига нисбатан нафрат тарғиботига гула ғайриилмий даъволар давом этмоқда.

Арманистон иқтисодиётини чок-чокидан сукилиб кетаётган бир пайтда 1988 йилдан бугунги кунга кадар давлат хориждаги армани диаспораси хайрия килган пулларни маънисиз урушга сарфламоқда. Бутун жаҳонда миллиардлаб доллар сарфланиб, онг манипуляцияси ёрдамида оддий, тинч арманилар онгига ушбу миллатнинг алоҳидалиги ва ғайритабиийлиги ҳақидаги асоссиз ғоялар сингдирилмоқда. Булар Арманистоннинг оддий халқи Ереван кучаларига чиқиб, ижтимоий муаммолардан чиқиш имкониятлари колмагани боис юзага келган эътирозларни ифодалаётган бир пайтда содир булмоқда. Жаҳонда қанчадан-қанча миллионер ва миллиардер арманилар борлигида, армани миллатининг ўзига хослиги ҳақида шунча нарса ёзилганида бу воқеалар эриш туюлади. Ўз-ўзидан савол туғилади: улар ҳозир қаерда? Еки улар фақат арманиларнинг «ўзига хослиги» йулидаги котилликларни кўллаб-кувватлайдими, фақат вайрон килиш ва бировнинг ҳудудини эгаллаб олишга ярайдгина шу ишларни молиялаштирадими?

2.5. «АРМАНИ МАСАЛАСИ»

Ташки ўйинчиларнинг типч армани аҳолиси тақдирига аралашиши келтириб чиқарган окибатлар билан танишар эканмиз, жаҳоннинг етакчи сиёсий ўйинчилари доимо, мунтазам равишда «армани масаласи»ни ўз манфаати йўлида ишлатганига, аммо буни «арманилар учун», «арманилар манфаатлари йўлида» деб курсатишга одатланганига амин бўлишимиз мумкин. Ушбу констатациядан келиб чиққан ҳолда ўқувчилар диққат-эътиборига бугунги кунга қадар йирик ҳокимиятларнинг геосиёсий ўйинларида восита бўлиб хизмат қилаётган «армани масаласи»нинг унча узоқ илдизларга бориб тақалмайдиган ўтмишига қиска тарихий экскурсни таклиф киламиз.

1877–1878 йиллардаги «музаффар» ўнинчи рус-усмонли уруши 1878 йили Сан-Стефано тинчлик сулҳининг имзоланиши билан якунланди[342]. Унинг шартларига мувофиқ, усмонли арманиларининг кўпчилиги истиқомат қилиб келган Шарқий Анатолия Россия сарҳадлари ичига киритилди. Россия қурол кучи билан Усмонли салтанатининг ушбу ерларини эгаллади. Забт этилган ҳудуд Россия империяси Кавказ ноиблигининг Карс вилоятига айлантирилди.

1878 йилга қадар Россия империяси маҳаллий халқларга қарши шафқатсиз мустамлакачилик урушларини олиб бораётгани Кавказ ва Туркистонга Усмонли салтанатининг таъсиридан чўчиб, «армани масаласи»ни усмонларга қарши зот қарта сифатида ишлатиб келган эди. Портлаш таҳдидига эга ушбу ғоя армани сиёсатдонларига ташланганида, улар «ҳўрак»ни осонликча ютди ва жаҳон сиёсат тахтасида ўйналаётган буюк шахмат партиясида айирбош тангаси ёки пиёда тоши вазифасини бажара бошлади. Ўйин ниҳоясида эса армани халқи буюк ҳокимиятларнинг сиёсий ўйинларидаги «романтик курбон»га айланди. Шунга қарамай, армани элитаси эса ҳўжайинларининг асоссиз даражада буюк даъволарининг окибатларини англай олмади. Бу ўйиндан кўзланган мақсад Кавказ ва Туркистонда Усмонли таъсирига чек қўйиш эди, бу ўйинда арманилар куролга айлантирилиб, Россия империясига Усмонли салтанатидаги ички вазиятни издан чиқаришда қўлланилди. Шунинг учун XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошида Россия империясининг Болқон ярим оролидаги ташки сиёсий фаоллиги муносабати билан Қора денгиз бўғозлари атрофида, Кавказ ва Туркистонда «армани масаласи» Россия империяси қўлидаги ўта самарадор «ёрдам таёқчаси»га айланди[343].

---

342. Сан-Стефанский прелиминарный мирный договор, 19 февраля/3марта 1878г. Сборник договоров России с другими государствами. 1856-1917 (Москва: Государственное издательство политической литературы, 1952), Б.159-175.

343. Гурко-Кряжин В. История революции в Турции. М., 1923, Б.77.

Россия империяси ҳам «армани масаласи»ни ҳал қилар, аммо бунда ўз манфаатларидан келиб чиқар, узича ёндашар эди. Шу билан бирга, бу қанчалик зиддиятли туюлмасин, «армани масаласи»нинг пайдо бўлишидан бошлаб мазкур масаланинг ҳал этилиши туркий тилли дунё билан боғлиқ эди. Бу шу билан тушунтириладики, Жанубий - Усмонли, Кавказ ҳамда Шарқий - Туркистон йўналишларида экспансия олиб борар экан, Россия айнан туркий этнослар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиши лозим эди, ва бунда унинг рус армияси ва дипломатиясидан кейинги энг биринчи ва ишончли ёрдамчиси арманилар бўлди. Арманилар Россиянинг ракиблари - Усмонли салтанати ва Эрон давлатининг фуқаролари бўлиб, Россиянинг Шарқдаги душманлари ичдан яхши билар, заиф ва устун томонларини фарклай олар эди. Шу боис ўзининг жанубий - Кавказ ва шарқий - Туркистон йўналишидаги ҳаракатини ва вазиятини осонлаштириш максадида ишончли саттелит омил кидираётган Россия империяси ўз эътиборини Усмонли салтанати арманиларига қаратди. Арманилар усмонлиларнинг давлат структурасида ҳам узига яраша урин эгалларди, яъни Россиянинг «бешинчи колоннаси» вазифасини муваффакият билан уддалай олар эди. Шунинг учун ҳам кўзга куринган россиялик сиёсат арбоби, кадет П.Н. Милюков қайд қилган эдики, *«арманилар Россия ва Туркия ўртасидаги чорраҳани ишғол этди»*. Шунингдек, унинг фикрича, *«армани масаласи Биринчи Жаҳон уруши арафасида Россия учун марказий ўрин эгаллар эди»*.

Россия империяси Усмонли салтанати ҳудудида истиқомат қилган арманиларни ҳар доим ўз иттифокчиси ва «бешинчи колоннаси» деб билар эди. Улар армани масаласини «армани миллий ғояси» даражасига олиб чиқишга интилар эди. Россия империяси билан бир қаторда бошка буюк ҳокимиятлар ҳам армани саттелит омилига эътибор қаратди. Жаҳон ҳокимиятларининг дипломатик ва ҳарбий-сиёсий стратегиясида у турк-мусулмон ўзлигига босим утказиш инструменти ўлароқ аниқ шаклга олиб сайқалланди. Бу омил Британия, Франция ва Россияни - геосиёсий уйинда ракобатлашиб келган собиқ сиёсий душманларни яқинлаштирди ва ҳатто маълум маънода бирлаштирди. Айнан Россия империясининг усмонлиларга карши хатти-ҳаракатлари Буюк Британия ва Франциянинг манфаатлари билан туғри келиб колди, бунинг натижасида «армани масаласи» «халқаро» муаммо даражасига кўтарилди. Ушбу масалада улар Усмонли салтанатига, кейинчалик эса бутун турк-мусулмон дунёсига карши иттифокчи ва ҳаммаслакка айланди.

Россия империяси ва Европа давлатларининг Усмонли салтанати

ички ишларига аралашуви унинг ҳудудида четдан молиялаштирилувчи террорчи гузилмаларининг вужудга келишига олиб келди. Улар маҳаллий арманиларнинг бошини айлантириб, усмонлиларга қарши купорувчилик олиб бориш максадида террорчилар тупланишига ва укитилишига кумак берди. Бу структуралар ғайриилмий догмалардан фойдаланган ҳолда, усмонлиларга карши тарғибот ёрдамида арманилар орасида Усмонли салтанатига карши адоватни алангалатар эди. Оддий халқонгига армани миллатининг «узига хослиги» ғоялари сингдирилар, армани мафкуравий коцепциясининг узи ҳам «Денгиздан денгизгача Буюк Арманистонни қайта тиклаш» шиорлари негизига қурилар эди. Антанта ҳарбий иттифоки аъзолари - Россия, Буюк Британия ва Франциянинг саъй-ҳаракатлари билан Усмонли салтанатининг давлат тизимини вайрон қилиш мафкуравий концепцияси, уни ички эътироз салоҳияти ёрдамида йуқ қилиш буйича узига хос сиёсий технология ишлаб чиқилди. Ушбу салоҳиятни юзага чиқаришдаги қулай ва арзон омил биринчи галда усмонли арманилари булиб чикди.

Усмонли арманилари билан ишлаган Европа ва АҚШ сиёсатчилари, журналистлари ва миссионерлари Европа жамияти онгида аксилусмонли, аксилмусулмон ва аксилтурк стереотипларининг шаклланишига узларининг каттагина ҳиссасини қушди. Европалик христианлар миссионерлари, анъанавий ортодоксияни католицизм ёки протестанлик билан алмаштириш ҳақида суз кетганда, арманилар бошка динга утказилган художуй инсонлар сифатида курар эди. Янги диний жамоасига ачиниш ҳис-туйғулари туфайли улар Ғарб дунёсида арманилар оммавий тарзда улдирилаётгани ҳақидаги ёлғон вокеаларнинг таркалишига замин яратди.

Европа сиёсатчилари ва армани лоббичилари иштирокида усмонлилар ва исломга карши адоват яратилди ва бунга асос урга асрлар черков дарақларидан кидирилди. Кейинчалик бу эртаклар усмонлиларнинг нореал ва фантастик ёвузликларининг ифодали пропагандасига айлантириб юборилди. Бу мотивлардан армани черкови ҳам, армани диаспораси ҳам кенг фойдалана бошлади. Шу боис Ғарб фақат арманиларнинг ёрдам чақирикларини эшитиб, усмонлиларнинг узлари бошдан кечираётган қийинчиликларга ҳамда салтанатнинг ҳаётий манфаатларини четда колдириб келди.

Шу билан бирга, армани халкининг узига хос тарихи ва тақдири, унинг зиммасида узгача миссия гургани ҳафидаги афсона уйлаб топилди. Арманишунослар мияларида туғилган бу ғоя Усмонли салтанатининг сиёсий ракиблари томонидан ғаразли мақсадларда ушлаб олинди. Натижада бундай онг уйинлари оддий арманиларнинг

хаётини мутлақ беъманилик ва абсурдга олиб келди, тарихий хотира эса «афсонавий ва буюк арманилар» ҳақидаги эртакка айланди. Моҳиятан, «армани масаласи» ҳамда унинг окибати уларок «армани-турк карама-каршилиги» пайдо булишининг бирламчи сабаби армани тарихий хотирасининг ортик даражасида афсонавийлаштирилиши булди, бу ҳолатнинг тамал тошини эса Усмонли салтанатининг душмани булган европалик сиёсатчилар XIX аср ургаларида куйган эди. Россиялик сиёсатшунос С.В. Лурьенинг фикрича, *«'Сиёсий мифология' деб аталиши мумкин булган ҳолат мавжуд. Гап афсона ҳақида, халқнинг журттага уйлаб топилган, конкрет муаллифлари бор, халқнинг замонага, биринчи навбатда сиёсатга муносабатини белгилайдиган уйдирма тарихи ҳақида кетмокда. Арманиларда бунақа афсона XIX аср охирида шаклланди. Унинг муаллифлари - ёзувчи ва публицистлар Григор Арцруни, Раффи, Лео, Мкртич Хримян булиб, улар армани тарихини фаол тарғиб қилар, бунда унинг қаҳрамонлик жиҳатларига алоҳида эътибор қаратар эди. Улар тарихга рамз уларок конкрет, аммо анчайин афсонавийлаштирилган мундарижа бағишлади, негаки, ушбу ёзувчиларнинг асарларига кура хулоса қиладиган булсак, армани тарихи бошдан-оёқ қаҳрамонлик васфидан, жуда гузал рицарлик афсоналари силсиласига ухшаш ҳикоялардан иборат... Арманилар сиёсий онгининг энг характерли махсусиятларидан бири арманиларни бошқа халқлардан фарқлаб турувчи уз мавжудлигининг ташқи омилларини доимий равишда таҳлил қилиб бориш ҳамда шунинг асосида гуёки уз географик харитасини яратиб боришдир. Замонавий сиёсий мифология уз ичига бу минтақа учун доимий булган, арманилар учун улкан фожиага айланган геосиёсий катаклизмлар даври булмиш охирги юз йиллик Арманистонининг тажрибасини олди. Шу туфайли сиёсий тафаккурнинг арманича услуби максимал даражада геосиёсий моҳиятга эгадир. Ташқи алоқаларнинг ҳар бир тажрибаси муносабат ва изоҳга сазовор булар, талқин этилар ва бу умумий мифологемага киритилар эди. Шу боис арманиларнинг сиёсий онги - бу жаҳоннинг узига хос геосиёсий харитасидир»*[344].

Армани черкови яратган армани халқининг узига хос ва ягоналиги ҳақидаги ёлғон ва ғайриилмий догма кўп йиллар давомида оддий арманиларда бошқа этнос ва миллатлар билан ижтимоий ягоналик ҳисларини йуққа чиқарди. У миллатлараро муносабатларни ёмонлаштирди. Армани миллатпарастлиги ҳамда арманиларнинг узига хослигига булган ёлғон ишонч халклар ўртасидаги тенгликни инкор

344. Лурье С.В. Армянская политическая мифология; Его же. Историческая этнология. М., 2004, Б.459.

килади, миллий узликнинг реал тарихий асосларини учириб юборади ва миллий белгига кура ижтимоий адолатсизликнинг юзага келишига сабаб булади, шу билан бир каторда, бугун хам буюк хокимиятлар ва минтакий давлатларга хизмат килиб келаётган армани жамиятининг хар томонлама ривожига тускинлик килади.

1895 йили Россиянинг Усмонли салтанатининг Ван ва Арзирум вилоятларидаги консули сифатида ишлаган В. Маевский дашнокларнинг жиноятлари ва уйдирилган «армани масаласи» хакида куйидагиларни хабар килган эди: *«Мен бу ерда бир фикрни айтиб утибгина колмай, кайд килиб хам утмокчи эдим. Армани масаласи буйича ёлгон ва уйдирмаларнинг таркатилиши бутун армани миллатини ёлгон йулга олиб чикди, балки унинг энг яхши вакиллари онгларини захарлади, юзлаб арманиларни адаштирди, минглаб кулларни фойдали ишлардан узоклаштириб, анархияга - Осиё Туркиясининг куйларида истикомат килган арманилар бошидан кечирган туганмас балоларни яратишга каратди ва бундан кейинчалик Кавказорти арманилари хам азият чекди»*[345].

1915 йил вокеалари руй берган срларда хеч качон яшамаган замонавий арманилар бу вокеалар хакида бевосита катта авлод тилидан эшитган, уз навбатида, катта авлоднинг ушбу хикоячилари бу фантастик эртакларни Россия империясига ва большевикларга хизмат килган «инкилобчи» дашноклардан эшитган. Натижада уйлаб топилган эртак кахрамонларининг хиссиёт билан кабул килинган хатти-харакатлари тор фикрли кишилар онгида «Денгиздан денгизча булган Буюк Арманистонни кайта тиклаш» утопик сиёсий орзусига дунди. Ушбу «Буюк Арманистон» идеологемаси муносабати билан рус тарихчиси В.А. Шнирельманнинг сузларини келтирамиз. Унинг кайд килиб утишича, *«Армани тарихининг абадий дарди шу фактдан иборатки, урта асрлар даврининг катта кисми давомида хамда 1918 йилга кадар арманиларнинг амалда уз мустакил давлати булмаган»*[346]. Дархакикат, хали аклини йукотиб улгурмаган армани тарихчилари армани давлатчилиги узилишлар билан, факат Кичик Осиёда ва факат XIV асргача мавжуд булганлигини тан олади. У мавжуд булган саналар - 64–387, 482–591, 875–1045 ва 1080-1375 йиллар[347]. Хайлар, яъни арманилар ушбу курсатилган охирги санадан 500 йилдан купрок вакт утиб Кавказда - озарбайжонларнинг Иравон хонлиги худудида

---

345. Маевский В. Ф. Армяно-татарская смута на Кавказе как один из фазисов армянского вопроса. Тифлис. 1915. Б. 36-38.

346. Шнирельман В. а. Войны памяти. Мифы, идентичность и политика в Закавказье. Москва, 2003, Б.98.

347. История армянского народа. Ереван, 1951, Б.80, 100, 152, 203; История армянского народа. Ереван, 1980, Б.95, 150; Саркисян Г.Х. и др. Шу асар., Б.69, 78, 90, 112; Микаэлян Г. Шу асар., глава XII; Сукиасян А.Г. Шу асар., Б.93-94.

пайдо булди. Бу ерга улар Эрон ва Шарқий Анатолиядан куч қилган христиан-григорианлар сифатида келди. Россия империяси кўмагида XIX асрда уларга озарбайжон хонликларининг ерлари тортиб олинди.

Усмонли салтанатининг душманлари - Европа давлатлари ва Россия империяси ёрдамида, армани черкови, диаспораси ва партиялари рахбарлиги остида миллатпарастлик ва миллий адоват руҳига содик арманилар ақлларида «Денгиздан денгизгача булган Буюк Арманистон» авантюраси туғилди. Армани миллатпараст ва шовинистлар усмонлилар ҳудудида эртакнамо «Буюк Арманистон»ни «кайта тиклаш»ни орзу қилар, бу армани этносини илҳомлантиришидан умид қилар эди. Урта Ер–Қора–Каспий денгизлари учбурчагида бир пайтлар «денгиздан денгизгача» ягона давлат мавжуд булганлиги ҳақидаги ғоялар бугунги кунга қадар ҳам арманилар, ҳам бошқа халклар онгига сингдириб келинмоқда.

XIX асрнинг охирги чорагида рус генерали, кавказшунос Р.А. Фадеев ёзган эди: «*Армани қабиласи жанговар эмас, савдогар (ёки, тўғрироқ айтганда - турли йуллар билан пул топишни билади) ва уддабуродир, шунинг учун бой арманиларнинг сони бугун усиб бормоқда, улар манфаатли ишларни эгаллаб олмоқда, уз пуллари билан [Кавказ] маъмуриятига таъсир ўтказмоқда... Арманилар ўзларини кўп сонли халқ деб ҳисоблайди, айримларига эса бу ҳатто сиёсий ўзгирлик ҳақидаги орзуларни бахш этади. Мен Константинополда ҳарир румолларга тушириган булажак армани салтанати харитасини кўрдим. У уз ичига Астранахань ва Кримни олади. Тушунарлики, арманиларнинг бу орзулари ҳатто энг кичик ўлчамларида хам алаҳлашдан бошқа нарса эмас: жаҳонда армани нуфуси аҳолининг учдан биридан кўпроқ булган ва улар жанговар булмагани боис қолган 2/3 улуш аҳоли - мусулмонлар устидан рус найзаларига таянмасдан ҳукмронлик қила оладиган бирор ер йўқ*»[348].

Уша йиллар вокеалари таҳлилида бошқа реалиялар ҳам кўзга ташланади. Армани террорчилари ва миллатпараст-шовинистларининг ҳўжайинлари - Россия империяси ва Антанта аъзоларининг асосий мақсади армани давлатининг яратилиши эмас, балки Усмонли салтанатининг йўқ этилиши эди. Бошқача айтганда, усмонлиларга қарши сиёсий технологияларнинг ҳам Ғарбдаги, ҳам Россиядаги яратгувчилари ўзлари ўйлаб топган «армани масаласи»ни ўз манфаатлари йўлида ишлатди, аммо армани давлатчилигини қайта тиклаш ҳақида ўйламади ҳам. Шу муносабат билан Германия «темир» канцлери Отто фон Бисмаркнинг 1878 йилги Берлин конгрессидаги

---

348. История армянского народа. Ереван, 1951, Б.80, 100, 152, 203; История армянского народа. Ереван, 1980, Б.95, 150; Саркисян Г.Х. и др. Шу асар., Б.69, 78, 90, 112; Микаэлян Г. Шу асар., глава XII; Сукиасян А.Г. Шу асар., Б.93-94.

чикиши диккатга сазовор. У айтган эдики: *«Армани давлатчилиги немис солдатининг бир томчи қонига ҳам арзимайди!»*[349].

Арманипараст давраларнинг чиқишлари ва матнларида «армани масаласи» бирёклама тақдим этилади. Булар одатда буюртма тадқиқотларнинг натижалари бўлиб, улар масаладан бехабар ўқувчиларни бошқа ёққа олиб кетиб қолади, айрим мутахассисларни эса адаштириб юборади ва қутилмаган, ғайриилмий хулосаларга олиб келади. Холис тадқиқотчиларнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, бирёклама асарлар муаллифлари «армани масаласи»ни муфассал илмий кўриб чиқишдан бош тортиб, мураккаб масалани соддалаштиради ва моҳиятини бузиб кўрсатади. Шу билан бирга, яна бир диккатга сазовор жиҳатга эътибор қаратмоқ жоиз. «Армани масаласи» тарихи ҳақида маълум нарсаларни ўрганиш асносида қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Ҳатто XXI асрда жаҳон матбуотида, ОАВда айрим сиёсатчилар баъзан эскириб кетган «армани масаласи» тезисларини Россия ва Туркия сиёсий муносабатларидаги долзарб ва ўта муҳим вазифа сифатида кўрсатишга уринади.

2. «Армани масаласи» батафсил ўрганиб чиқилганида унинг Усмонли салтанатини, кейинчалик Туркия Республикасини бўлиб олиш бўйича режалар тузган кучларнинг геосиёсий максадлари йўлида ушбу мавзуни кўпиртириб тақдим этаётганларга боғлиқлиги кўзда ташланади. Учинчи рейх, фашист Германияси пропаганда вазири Геббельснинг қуйидаги сўзларини унутмаслик керак: *«Агар сиз катта ёлғонни тилга олиб, уни такрорлайверсангиз, одамлар охир-оқибат унга ишонади»*.

3. «Армани масаласи» юзага келиши тарихининг аввал бошида у жаҳоннинг йирик ҳокимиятлари геосиёсий ўйинлари билан бевосита боғлиқдир, зеро улар ушбу масалани ўз «карта» ўйинларида қўллаб келган эди. Ушбу «масала»ни ҳар бир давлат ўз манфаати йўлида ҳал қилишга уринар, ҳеч ким арманилар манфаати йўлидаги ечимларни кидирмас эди. Аксинча, онг манипуляциялар ёрдамида арманилар ва турклар ўртасида адоват уруғи сепилар эди.

4. Ташқи ўйинчилар қандайдир сунъий муаммолар яратиб, ушбу ёлғон муаммолар асосида арманиларни кўшни халклар билан зиддиятларга бошлар эди. Улар атрофдагилар арманиларни конхўр газандалар сифатида қабул қилишига эришди.

Россия империяси ва Европа давлатлари «армани масаласи»ни турли вариантларда, лекин ҳар доим бир мақсадда - арманилар яшаб келаётган давлатни бўлиб ташлаш йўлида ишлатиб келган. Оддий арманилар «зот карта»га ёки «шохмот пиёдаси»га, «айирбош тангаси»га айланар эди.

---

349. Огенесян Э.В. «Век борьбы». Мюнхен-Москва, 1991, т.1, Б.52; Кегамян. «Освободительное движение армян». Баку,1915, Б.353-354.

ХУЛОСА

Ҳозирги армани халқи жаҳон элатлари тақдири «ҳал қилувчилари» - «буюк уйинчилар», йирик жаҳон ҳокимиятлари бугунги кунга қадар тарихда куп азоб курган армани халкига замонавий «буюк шохмот тахтаси»да пиёда ролини ажратади. Бу эски «Divide et impera!» қоидасига асосланган навбатдаги сиёсий уйин булиб, ҳозирги шакл ва технологияларга мувофиқ ишлатилмоқда. Ниҳоят, бу шунчаки янгидан-янги арманиларни иагки кучлар томонидан армани халкининг бахти учун эмас, фақатгина уз ғаразли мақсадлари йулида олиб борилаётган урушга бошлаш воситасидир. Бундай хулосани ҳам Шарқий Анатолия, ҳам Жанубий Кавказ учун умумий деб ҳисоблаш мумкин. Зеро ютуқ ва дивидентлар, ҳар доимгидай, «кордебалет» ва «статист»ларга эмас, режиссёр ва дирижёрларга насиб қилади.

2.6. «ИСТИБДОД» ОСТИДАГИ ФАРОҒАТ

Тарихий манбалардан ва замонавий тадқиқотлардан яхши маълумки, ҳар қандай ўлкада ҳам арманиларни илик қабул қилишган ва қабул қилишмоқда. Шунга қарамай, ташқи кучлар арманиларни миллатпарастлик урушларида ишлатиб, уларни яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтаришга мажбур қилиб келган. Масаланинг моҳияти мана шунда. Ташқи кучлар армани омилининг ҳар қандай турк-мусулмон муҳитида ўз мақсадига, геосиёсий режаларига етишиш воситаси сифатида қўллай билади. Бу фақат Шаркий Анатолия, Кавказ ва Туркистондагина кузатилган эмас. Улар бир вақтлар маҳаллий халқлар томонидан яшаш учун қабул қилинганлари Жанубий Кавказда ўзларини шундай тутди ва тутишда давом этмоқда.

1878 йил 3 мартида Сан-Стефанода рус-Усмонли тинчлик сулҳининг имзоланиши ҳамда 1878 йил июлидаги буюк ҳокимиятлар Бирлин конгрессига қадар жаҳон сиёсатида «армани масаласи» мавжуд эмас эди[350]. Биринчи марта «арманилар ва Арманистон» атамалари халқаро сиёсий-ҳуқуқий амалиётда улар Сан-Стефано шартномасининг 16-моддасига киритилганидан сўнг қўлланила бошланди. Бу масала юзасидан дашноқлар ҳаракати идеологларидан бири, францияли халқаро ҳуқуқ профессори Роллен-Жекмен шундай ёзган эди: *«... бу трактатнинг шони ва ҳизмати шундаки, у биринчи марта Арманистонни халқаро шартномага киритди»*[351]. XIX аср бошига келиб арманиларнинг асосий қисми Усмонли салтанатида истиқомат қилар, бу шартномалар, трактатлар ва конгрессларгача ушбу мамлакатда «армани масаласи» ҳам, армани ташкилотлари ҳам йўқ эди. Уларга зарурат йўқ эди, негаки арманилар, салтанатдаги бошқа расмий «миллат»лар сингари, Усмонли салтанати парламенти, ҳукумати ва иктисодиётида намояндаларига эга эди.

Мусулмон султонлари ҳукмронлиги остида арманилар, бошқа «миллат»лар сингари, оптимал даражадаги шароитларга соҳиб эди. Арманилар ҳамма ерда яхши яшагани, ерли халқлар уларни иликлик билан кутиб олгани ҳақида армани муаллифларининг ўзлари ёзади. Усмонли салтанати арманилари ахлоқий-маънавий ва ижтимоий-маиший аҳволига чизгилар масаласида XVII аср армани муаллифи Симеон Лецахининг бир канча лавҳалари диққатга сазовор. У 1608 йилдан бошлаб 12 йил давомида Усмонли салтанатида сайр қилган

350. Берлинский трактат, 1/13 июля 1878г. Сборник договоров России с другими государствами. 1856-1917 (Москва: Государственное издательство политической литературы, 1952), Б.181-206.

351. Роллен-Жекмен. Армения, армяне и трактаты. - Всб. «Положение армян в Турции до вмешательства держав в 1895г.», М. тип. «Рассвет»,1896, Б.38

эди. У уз кавмдошлари яшаган фароғатли хаётни батафсил тасвирлаб, кавмдошлари - христиан бўлмиш арманилар мусулмон султонлари ҳукмронлиги остида эмин-эркин ва бой-бадавлат яшаётганига, уз черков ва ибодатхоналарига эркин катнаганига, этник ва конфессионал белгиларига кура сикув остига олинмаганига амин булди. Улар уз уйларига эга эди, Усмонли салтанатининг бутун худуди буйлаб эркин харакатланарди, баланд мартабаларни эгаллай оларди[352].

XVII аср армани сайёҳи Симеон Лехацининг «Йул қайдлари»ни рус тилига таржима килган М.О. Дарбинян кириш сузида куйидагиларни таъкидлайди:

«Унинг самимий баёни, кузатувчанлиги, келтирилаётган фактларнинг ҳаққонийлиги ва халқ оммаси ҳаётига нисбатан хайрихоҳ муносабатда булиши Симеоннинг 'Йул қайдлари'га хос шубҳасиз ютуқлардандир»[353].

1. Пойтахт Истанбулда бешта армани черкови, беш вардапет, уч епископ, иноклардан ташқари 100 ортиқ роҳиб бор эди. Истанбулдаги сарой кошида ярим франкларга (европаликларга), ярми арманиларга мослашган черков ишлаб турар эди. Галата оролида (Истанбул) жуда чиройли ва гумбазли армани черкови булиб, армани черкови асосчиси Григорий Лусаворич шарафига номланган эди. Истанбулда 10 минг уй армани бор эди. Шу ернинг узида Константинополь католикосининг қароргоҳи жойлашган.

2. Армани ҳужа Петик, ҳалаблик савдогар ва ижарадор, нуфузли ва кузга куринган киши пошшолар каби 30 40 нафар кузатувчи билан бирга кезиб юради, яничарлар ва сипоҳийларга эга. У 24 та сотиб олинган иш соҳибидир. У Ҳалабга икки укаси билан ок араб отига минган куйи етиб келди. Отининг тилла суви юритилган эгар-жабдуғи ва қимматбаҳо тошлар ва марваридлар билан безатилган. Уни пошшо сингари куплаб кул ва хизматчилар, отлик ва яничарлар кузатиб борди;

3. Кичик Осиёнинг деярли барча шаҳарларида ва кугина кишлокларида арманилар истиқомат қилади, бу ерларда уларнинг черковлари, ибодатхоналари, роҳиблари, иноклари, юзлаб армани уйлари булиб, бу уйларда улар ҳашаматли ҳаёт кечиради: уларнинг айримлари савдогар ва ҳунармандлар, сотувчи ва уй соҳиблари; бошқа бир қисми эса давлат хизматида.

4. Симеон Лехаци мусулмон Усмонли салтанатида 13 100 уй

---

352. Симеон Лехаци. Путевые заметки. Перевод с армянского, предисловие и комментарии М.О. Дарбинян. М. 1965, Б.35-37, 47-49, 52-58, 148-152, 156-162, 168, 189-192, 201, 231-240.

353. М.О.Дарбинян сузбошиси. Китоб: Симеон Лехаци. Путевые заметки. Перевод с армянского, предисловие и комментарии Дарбинян М.О. М., 1965, Б.17, 22.

армани, 2 000 армани оиласи, 50 та черкови, 14 ибодагхонаси, 135 дин хизматчилари, унлаб армани кишлокларини санади. Симеон Лехаци узининг бу сузларини бир қанча мухим пассажлар билан тулдиради[354]:

«Мусулмон қавми шу даражада меҳрибон ва хайрихоҳки, (Истанбулнинг) ҳар бир кучасининг бошида булоқ бино этилган, ширин ва ёқимли ичимликлар тулдирилган идишлар жойлаштирилган, яна у ерга уткинчилар ичиб, лаззат олсин учун муз қўйилади. Худди шу каби, кунгина сувсиз ва одам йўк ерларда йўлчилар учун совуқ сув қўйилган. Баъзилари эса сувни эшакларда олиб юради, ҳамма ерда елкасида кутариб юриб, баланд овозда қичкиради: 'Аллоҳ ишки ҳаққи, совуқ сувдан ичинг! ва ҳеч кимни - арманиларни ҳам, гайрларни ҳам ажратмайдилар».

«Малаьядаги мусулмонлар еқимтой, инсонсевар, меҳрибон кишилардир, улар ҳатто бирор марта ҳам гайр, христиан, Исонинг хизматчиси деб атамади, улар халқимизни жуда ҳурмат қилади ва яхши кураді».

«Билмадим, нима билан бунга муносиб булдик, лекин юнонлардан бошка барча халқлар, диндонлар ва дини иуқлар, бизни яхши кураді. Юнонлар - арманиларнинг азалий рақиблари; юнонлар ҳукмронлиги даврида бирорта армани Истанбулга кучиб келиш тугул бирорта армани савдогари ҳам киритилмас эди. Лекин Истанбулни турклар эгаллагач, улар таклифлар ва илтимослар билан куп вилоятлардан арманиларни кучириб келди. Худди шу йул билан турклар юнонларнинг катта ва мухташам черковларини тортиб олиб, арманиларга топширди. Худога шукур!».

Замонавий немис ёзувчиси Э. Файгл кайд этади: *«Исботланганки, айнан туркларнинг арманилар билан биргаликда тинч-тотув яшаши ажойиб натижалар берди. Усмонли султон ва халифалари арманиларга нисбатан илиқ туйғулар туйиб, уларни ўзларининг 'садокатли табаалари' деб атар эди. Салжуқийлар ва Усмонлилар ҳукмронлиги даври - XI–XIV асрлар арманилар учун энг бахтли ҳаёт кунлари, чинакам олтин аср бўлди.*

Бугун 'армани масаласи' деб аталадиган нарсани руслар билан 1878 йили тузилган Сан-Стефано шартномаси келтириб чиқарди. Илгари Истанбулнинг армани аҳолиси бир-биридан сезиларли фарқ қиладиган турт гуруҳга булинар эди. Истанбул ва Измирда 'амирай'лар - бой ва жуда яхши таълим олган арманилар яшар эди. Усмонли салтанатида армани патриархати ҳокимлиги қироллик ҳокимияти билан тенглаштирилар эди. Салтанатдаги барча монофизит христианлар ва лўлилар унинг юрисдикцияси остида эди. Анатолияда 'каваранжан лар ҳам яшар эди. Улар бой-бадавлат

---

354. Симеон Лехаци, Б.49, 145-146.

савдогар ва ҳунармандлар булиб, уларнинг таъсири шаҳарларда сезилар эди. Одатга кўра, армани деҳқонлари ўзларининг мусулмон ватандошларидан ҳеч нарсаси билан фарқ қилмас эди. Ниҳоят, тогликлар бор эди, улар армани миллати ичида айрим имтиёзлардан ва ҳатто ўзига хос эркинликлардан фойдаланишга ҳақли эди. Уларнинг мақомини ярим мустақиллик деб тушунтириш мумкин. Марказий усмонли ҳукумати уларни безовта қилмас эди.

[Султон] Сулаймон Муҳташам (1520-1566) Родос оролини, Озарбайжонни ва бутун Кавказни, шунингдек, Икки даре оралиғини ва Венгрияни ишғол этди. 1529 йили Вена унинг Ғарбга ҳаракатини тўхтатди. Арманилар учун ушбу экспансия ростанам бахтли имконият эди: доимий равишда музаффар қўшин ортидан бориб, улар Шарқий Анатолиядаги анъанавий истиқомат ҳудудларидан юз баробар каттароқ ҳудудларда ўз ҳунармандчилиги ва савдо-сотиғини йўлга қўйиб олар эди.

Армани–усмонли симбиозининг олтин асри: XV–XIX асрлар оралиғида арманилар 'султоннинг энг садоқатли миллати' бўлди. Истанбулдаги армани патриархати султоннинг ўзи тарафидан таъсиси этилган эди[355]*. Истанбул забт этилганидан саккиз йил ўтиб султон Меҳмет Фотиҳ (1444-1481) православ арманилар архиепископи Овакимни Бурсадан Истанбулга чақириБ, унинг патриарх этиб тайинлади. Патриарх Оваким Усмонли салтанатининг барча фуқаролари диний (баъзи жиҳатларига кўра эса ҳатто дунёвий) ҳукмдорига айланди. Унинг ҳокимияти Эчмиадзин ёки Сисдаги арманилар католикосининг ҳокимиятидан анча устун тарар эди. Армани халқи тарихида ҳали бирор армани патриарх Оваким ва унинг ворислари XIX асрга қадар эга бўлган қудратга соҳиб бўлмаган эди. Аввал бошидан арманилар усмонлилар султони билан юнонларга нисбатан яхшироқ келиша бошлади. Усмонлилар билан музокараларнинг энг бошида арманилар керакли оҳангларни топиб олди, ва уларнинг ҳокимияти мустаҳкамланишда давом этди. Айнан арманилар империя буйлаб танга зарб этилишини таъминлаб берар эди. Ҳатто Истанбулдаги салтанат ғазнаси бухгалтерияси армани тилида олиб борилар эди.*

Константинополнинг султон Меҳмет Фотиҳ томонидан 1453 йили босиб олиниши ва армани православ архиепископининг Бурсадан Константинополь патриархиясига кўчирилиши Усмонли салтанати арманилари учун олтин давр бошланганини айнғлатар эди.

Бир қатор дабдабали қурилиш режалари арманилар томонидан

---

355. Арманиларнинг биринчи Константинополь католикоси Оваким I (1461-1478гг.).

усмонли ҳукмдорлар учун амалга оширилди. Усмонли салтанатида "садоқатли армани миллати" тушунчаси тўрғун бирикмага айланди»[356].

Қайд қилиб ўтайликки, Усмонли салтанати армани жамоаси давлат иерархиясининг энг юқори поғоналарида ҳам ўз вакилларига эга эди. Жумладан, Газазян Акоп пошшо молия вазири эди. Парламент депупталари сирасига Бояжян Акоп, Серенгулян Ованес, Пастермажян Армен, Тер-Дани элян Степан кирар эди. Арутюн Дадьян пошшо ташқи ишлар вазирлигининг мансабдор ходими эди[357].

Усмонли салтанатида армани Погос Нубар пошшо (1825–1899) улкан обрўга ва таъсир кучига эга бўлди. У Миср нинг йирик давлат арбоби ҳисобланади. Швейцария ва Франция да таҳсил кўрган Нубар пошшо усмонлиларнинг Лондон ва Венадаги дипломатик топшириқларини бажарар эди. Усмонли салтанатининг пошшолиқларидан бири ҳисобланмиш Миср да ҳукмронлик қилган Саид пошшо (1854–1863) Нубар пошшо зиммасига темир йўл қуришга раҳбарлик қилишни топширди. Исмоил пошшо даврида (1863–1879) у Истанбулдан Сувайш каналини қуришга рухсат олди. Унинг ўзи Парижда музокаралар олиб борди ва Сувайш кампанияси билан боғлиқ баҳсли масалаларни ҳал қилар эди. 1866 йили у жамоат ишлари вазири этиб, кейинроқ ташқи ишлар вазири этиб тайинланди. 1867 йили Нубар пошшо Истанбулга етиб келиб, Миср волийси унвонини ҳадив унвонига алмаштирди, 1875 йили эса Европадан Мисрдаги консуллик кемаларининг аралаш кемалар билан алмаштирилишига эришди. 1878, 1884–1888, 1894–1895 йилларда Нубар пошшо Усмонли салтанати таркибидаги Миср ҳукумати раҳбари бўлди[358].

Армани халқи тарихидан юқорида келтирилган барча исботдалилга қарамай, армани миллатпараст-шовинистлари Буюк Британия, Франция ва Россиянинг Усмонли салтанатига нисбатан адоватига ишонч билдириб, «буюк Арманистон» яратиш буйича эртакнамо режалар ижросига киришиб кетади.

---

356. Арманиларнинг биринчи Константинополь католикоси Оваким I (1461-1478гг.).

357. Armenian House. ORG; http://armenianhouse.org/kirakosyan/youngturks-ru/annotation.html

358. НЭС, том 28. Петроград, 1916, стлб. 915.

ХУЛОСА

Геосиёсий ва геостратегик модуллар жуда узгарувчандир. Бундан жахон микёсидаги халкаро муносабатларнинг куп асрлик тарихи далолат беради. Шу боис бирор бир «Х» кунида кисмат чархпалаги катта шиддат туплаб, геосиёсий уйинлар иштирокчилари манфаатлари траекторияларини узгартириб юбориши эхтимолдан холи эмас. Ушанда Арманистон Республикаси жахондаги ва Жанубий Кавказдаги такдирлар «ижрочилари» жахон шохмот тахтасидаги пиёда тошларда булгани каби бундай кизикишни йукотади. Бундай уйинда армани халки хам узининг артистлардай кизишиб кетган сиёсий элитаси, хам унинг чет элдаги хомийлари булмиш «эртакчилар» томонидан шафкатсизларча такдир совуклари олдида ташлаб кетилади. Ва яна яка-ёлгиз, Кавказ халклари билан юзма-юз булиб колади. Бу ахволда армани давлатининг Жанубий Кавказдаги такдири ута коронгудир.

XXI асрда этник ва диний характердаги халкаро террорчилик узгача мохият касб этиб, ута хавфли палласига кутарилди. Халкаро террорга карши кураш янада муваффакиятли булиши учун унинг гугилиши ва мавжудлиги сабабларини кидириб куриш талаб этилади. Бугунги кунда Марказий Осиё республикаларида ва Кавказда «армани масаласи» ёки «армани-турк зиддияти» билан боглик ижтимоий-сиёсий уйинлар йук эканлигига карамай, шуни эътиборга олиш керакки, ушбу муаммонинг келиб чикиш сабаблари ва омиллари хакида тасаввурга эга булиш зарур. «Армани масаласи»ни тафтиш килиш учинчи кучлар томонидан бошка этник гурухлар орасида этник адават уругининг устирилиши тактикаси ва услубларига ойдинлик киритади. Бунинг барини синчиклаб урганиб чикиш этнослараро муаммолар турлари уртасидаги параллелларни анилкаш учун зарурдир.

2.7. ТЕРРОРНИНГ ТУРФА ҚИЁФАСИ

Этник террорнинг ёркин куриниши булиб армани террорчилиги хизмат қилиши мумкин. Даставвал озодлик йулидаги курашни, кейин эса Шарқий Анатолиядаги 1915 йил воқеаларини мотив қилиб олган армани террорчилиги биринчи навбатда аксилтурк моҳнятига эга эди[359]. Армани миллатпарастларининг хатти-ҳаракатлари инобатга олиниб, уларнинг илк террорчилик актлари мотивлари этник террорчилик мисоли сифатида баҳоланган ва таснифланган эди, лекин кейинчалик бу феномен «армани террорчилиги» уларок конкрет номга эга булди. Ушбу атама илк бор АҚШда, Давлат департаментининг ойлик бюллетинида 1982 йил августида тилга қулланган эди[360].

Армани миллатпараст-шовинист партиялари XIX аср охирида пайдо булди. Уларнинг кузлаган асосий максади хар кандай воситалар ёрдами, ҳамма ерда армани давлатчилигини тиклаш эди[361]. Ушбу давлатчилик турт марта йукотилган, бу йукотишларнинг охиргиси эса 500 йил мукаддам рўй берган эди. 1878 йил Швейцарияда Катта Якин Шаркда Европа манфаатлари реализацияси максадида арманиларнинг «Гнчак» («Қунғирок») партияси ташкил этилди. Унинг дастурида асосий максад сифатида «Туркия Арманистонининг озод қилиниши» ҳамда у ерда армани давлатини яратиш курсатилган эди, бунда террорчилик усуллари «ўз-узини мудофаа қилиш, инқилобий ташвикот ва хукуматнинг зарарли ҳаракатларига қарши кураш воситаси» деб эълон қилинди. Партия дастурининг IV пунктида шундай дейилган:

---

359. Michael Gunter. «Pursuing the just cause of their people»: a study of contemporary Armenian terrorism. - Greenwood Press, 1986. p.30; Henze, Paul, Goal: Destablization Soviet Agitational Propaganda, Instability and Terrorism in NATO South, (Marina Del Ray, California, American Institute for Security Research, 1981); Hoffman, Bruce, Terrorism in the United States During 1985, Rand Paper P-7194, (Santa Monica, California 1985); Michael Szaz. Armenian Terrorists and the East-West Conflict - Journal of Social, Political and Economic Studies (Winter 1983) - pp.387-394; Wilkinson, Paul, Armenian Terrorism, World Today V.39 (September 1983), pp.344-350; National Library of Australia: «Armenian terrorism: a menace to the international community» / S.R. Sonyel; Francis P. Hyland. Armenian terrorism: the past, the present, the prospects. - Westview Press, 1991; David J. Whittaker.Terrorists and terrorism in the contemporary world. Routledge, 2004.p. 56.

360. Corsun, Andrew, Armenian Terrorism: A Profile, U.S. Department of State Bulletin, No. 82, (Washington, D C., August 1982), pp.31-35.

361. Каранг: История армянского народа. Часть первая. Под редакцией Б.Н.Аракеляна и А.Р.Иоаннисяна. Ереван, 1951, Б.80, 100, 152, 203; История армянского народа. С древнейших времён до наших дней. Под редакцией профессора М.Г.Нерсисяна. Ереван, 1980, Б.95, 150; Саркисян Г.Х., Худавердян К.С., Юзбашян К.Н. Потомки Хайка. Очерк истории и культуры Армении с древнейших времён до становления Третьей республики. Ереван, 1998, Б.69, 78, 90, 112; Микаэлян Г.Г. История Киликийского армянского государства Ереван, 1952, глава XII; Сукиасян А.Г. История Киликийского армянского государства и права. Ереван, 1969, Б.93-94.

«Кузланган мақсадга етишиш учун пропагандистик, ташвикий, террорчи ва вайронкор ташкилотнинг яратилиши услуби танланиши лозим». 1903 йил 14 октябрида улар Кавказдаги рус қушинлари бош қумондони, армани черкови мол-мулкининг мусодара этилишининг асосий сабабчиси ҳисобланган князь Голицинга суикасд уюштирди. Ҳужумни кутган Голицин совут билан юрарди, шунинг учун у енгил жароҳатланди, холос. 1908 йилга келиб «Гнчак» партияси етакчилари ваколатини суиистеъмол килгани туфайли уз нуфузи йукотди, бу эса ташкилот ичида зиддиятлар келтириб чиқарди. Марказий органлар назорати заифлашиб, аъзоларнинг жиноий фаолияти микёси кенгайди[362].

Шунингдек, «Арменакан» («арманичилар») партияси мавжуд эди - у 1885 йили ташкил топган эди. Эрон ва Россияда истиқомат киладиган арманилар билан ҳамкор киладиган партия Шарқий Анатолияда террорчилик актлари ва куролли тукнашувларни амалга оширар эди. Унинг дастури ҳам барчани баррикадаларга - арманилар ҳак-ҳукуқлари учун курашга чакирар эди. Мақсадга етишиш воситаси сифатида «куролли қаршилик» тавсия қилинган эди. Партия курол-яроғ ва ук-дори сотиб олиш учун катта маблағ туплар эди. «Арменакан» аъзоларига партизанлик уруши олиб бориш ургатилар, улар «умумий исён»га тайёрланар эди. 1896 йили партия 1 000 жангарини куроллантирди. Ушбу ташкилотнинг асосий фаолияти конли тўқнашувлар ташкил этиш ҳамда Кичик Осиёнинг турк ва курд аҳолисига карши Ванда, Мушда, Битлисда, Трабзонда, Истанбулда террорчилик актларини уюштириш, шунингдек, Эрон ва Россия арманилари билан ҳамкорлик килиш эди[363].

1890 йил Россия империяси Жанубий Кавказда - Кавказ ноиблиги пойтахти Тифлисда ўз геосиёсий мақсадлари йулида «Дашнакцутюн» («Иттифок») партиясини яратди. Ушбу партиянинг аъзолари сони 1907 йили 165 минг кишини ташкил этарди[364]. Ушбу партияни айнан Усмонли салтанатининг чегарасида - Жанубий Кавказда яратар экан, Россия ундан а силусмонли сиёсатида фойдаланишни режалаштирган эди. Бошка томондан, шу билан Россия бир пайтнинг узида дашнокларга ён берди, улар ўзининг асосий мақсади сифатида «Туркия Арманистонида эркин демократияни урнатиш»ни эълон килди. Бу ғояни амалга ошириш учун хар қандай усуллардан фойдаланиш

362. Geifman Anna. Thou Shalt Kill: Revolutionary Terrorism in Russia, 1894-1917. Princeton University Press, 1995. Б.24

363. Файгл Э. Правда о терроре. Армянский терроризм - истоки и причины. Пер. с нем. Баку, 2000, Б.38.

364. Багирова И.С. Политические партии и организации Азербайджана в начале XXв. Баку, 1997, Б.202-212-232-238

имконияти сақланиб қолган эди. Масалан, гнчакчилар ва дашноқлар оддий арманиларга хитоб қилар эди: *«Бу қураш арманиларнинг умумий исёни билан бошланиши лозим, террор билан, қуролли отрядлар тузилиши билан, алоҳида ташкилий тузилмалар таъсис этилиши билан давом этиши лозим»*[365]. Арманистон давлатини қайта тиклаш ғояларини ҳаётга татбиқ қилишнинг асосий воситалари *«қуролли исён, инқилобий тарғибот, террор, жангари гуруҳлар шакллантириш. Усмонли салтанати ҳукумат муассасаларини талон ва хонавайрон қилиш»* эди[366].

1892 йили Женевада булиб утган I съездда дашноқлар партиявий дастурида *«нафақат армани халқининг, балки Туркия Арманистонининг барча истибдод остидаги халқларини исён йули билан озод қилиш»* хусусида суз борди. Уша пайтнинг узида Женевада дашнокларнинг «Дрошак» («Байроқ») газетаси чоп этила бошланди. У Россия империясида, Усмонли салтанатида ва Эрон худудида таркатилиши тақиқланган эди. 1892 йилги съезд делегатлари куйидаги асосий бандлар ишлаб чикилди, уларга кура, партиянинг узил-кесил максади эркин ҳокимиятга эга демократик республика ташкил этиш эди, бунга эришишнинг йуллари эса:

- Куролли исён, у жуда пухта тайёрланиши лозим;
- Нафақат арманилар, балки истибдод остидаги барча халқларни жадал инкилобчилаштириш;
- Арманиларни куроллантириш ва гуруҳий ташкил этиш;
- Ҳукумат вакилларига карши террор, хукумат муассасаларини хонавайрон қилиш.

«Дашнакцутюн» дастурининг биринчи таҳририда (1894) «Воситалар» булимининг 8 ва 11-бандларида *«ҳокимият вакилларини, хоинларни, сотқинларни, судхурларни ва ҳар хил шаклдаги эксплуататорларни террорга йуликтириш, ҳукумат муассасаларини бузиш ва хонавайрон қилиш»* курсатилган эди. Бу билан «Дашнакцутюн» армани миллатпараст-шовинизми ва аксилтурк террорчилигининг мумтоз шаклига айланиб қолди[367]. Истанбулда халқаро Усмонли банки гурух жангарилари тарафидан кулга олинди. Банк Армен Гаро ва Бабкен Сюни (операция чоғида ҳалок булди) бошчилигидаги 26 дашнок томонидан 1896 йил 14/26 августида кулга олинди. Банкнинг

---

365. British Documents on Ottoman Armenians. Volume III (1891-1895)/ №220 pp/ 321-322.

366. Richard G. Hovannisian. The Armenian Question in the Ottoman Empire, 1876-1914 // Richard G. Hovannisian. The Armenian People from Ancient to Modern Times. - Palgrave Macmillan, 1997. - Vol. II. Foreign Dominion to Statehood: The Fifteenth Century to the Twentieth Century. - pp. 203-238-493.

367. Из архивов департамента полиции Министерства внутренних дел России, созданный в 1880г - ЦГАОР СССР, ф. 102, оп. 253, ед. хр. 280, лл.1 - 12 об.

150 хизматчисини асирга олган гурух, агарда йирик ҳокимиятлар Туркияни ислоҳотлар утказишга мажбур этмаса, банкни портлатиб юбориш билан таҳдид қилди. 15/27 август эрталабки соатларида дашноклар рус элчиси Максимовнинг барча ҳокимиятлар номидан берилган кафолати остида Усмонли банкини тарк этди. Улар Франция пароходи билан Марселга етказилди[368].

«1915 йилги армани фожиаси» китоби муаллифи Жорж де Малевилнинг хабарларига кура, *«Дашноқцаканларнинг Истанбулдаги Усмонли банкига 1896 йил 26 августида уюштирган ҳужуми - замонавий тарихдаги биринчи оддий фуқароларни асирга олиш билан амалга оширилган ҳужумдир. 1975 йил октябрида Туркиянинг Париждаги элчиси Венадаги ҳамкасби ўлдирилганидан 48 соат утиб, уз машинасида ўлдирилди. Бу ўлимлар узун силсиланинг бошланиши бўлди: шундан буён 21 туркиялик дипломат ўлдирилди. Уларнинг барчаси Ғарб мамлакатларида ўлдирилди»*[369].

1898 йилги II съездда дашноклар партия йўрикномасини қабул қилди. Унда «инкилобий курашда террорни кенг қуллаш» хусусида сўз борган эди. Шунингдек, ҳарбий йўрикнома қабул қилиниб,у «Яшил гвардия» сингари булажик террорчи структуралар тузилишга асос булиб хизмат қилди. III съездда (1903) яна бир структура - «Дели» тузилди. «Террорчилик қўмитаси», «Қуркитиш ташкилоти», «Немесиз» тузилмалари ташкил этди. Бошқача айтганда, «Дашнакцутюн» сиёсий партия киёфасидаги террорчи «махсус қушилма» эди. «Дашнакцутюн» сингари армани ташкилотлари асосий саъй-ҳаракатларини Туркия мутасаддиларига карши каратган булса ҳам, улар Россияда ҳам уз фаолияти учун маблағ туплашда террор ва тамагирликдан кенг фойдаланишни макбул услуб деб ҳисоблар эди[370].

Шу тарика, армани «сиёсий партиялари» буюк ҳокимиятлар қулидаги куролга айланиб, аксилусмонли, кейинчалик эса аксилтурк акцияларида куп бора қулланди. Натижада «армани масаласи» Россия империяси учун долзарб ҳолатга айланди, зеро арманилар унинг «турк-мусулмон омили»ни йўк қилиш борасидаги «христианларча» мурожаатларга бажонудил жавоб берар эди. Бу ўзига яраша оқибатларга, айнан армани-турк карама-каршилигига олиб келди. Мазкур ҳолат Усмонли меросига кўз олайтираётган буюк ҳокимиятларга кул келди. Шу боисдан деярли барча ҳолларда

---

368. Оганесян Эдвард. Вск борьбы. Москва-Мюнхен, 1991, т.1, Б.86

369. Малевиль Ж, дё. Армянская трагедия 1915г. Пер. с франц. Баку, 1990, Б.7-8, 9-10,

370. Geifman Anna. Thou Shalt Kill: Revolutionary Terrorism in Russia, 1894-1917. Princeton University Press, 1995, p 245

«армани масаласи»дан фойдаланилди. Ташқи акторлар ҳаракаглари жамланмасини империалистик ва мустамлакачилик усуллари сифатида баҳолаш мумкин, зеро улар учун ўз мустамлакачилик манфаатларини ҳимоя қилиш бирламчи аҳамият козонар эди.

1903 йил 12 июнида дашноқлар бошчилигидаги армани миллатпараст кучларининг иқтисодий негизига зарба берган армани черкови мол-мулкини мусодара қилиш туғрисидаги конун қабул килинганидан сунг партия рахбарияти жанговар аксилроссия ёндашивуни намойиш эта бошлади. Ўз максадлари ижросига халақит берган шахсларни жисмонан йуқ килишдан ташқари, дашноқлар бой одамлардан ўлпон ундирар эди[371].

Дашноқлар томонидан амалга оширилган терактлар орасида 1905 йил 11 майида Дро Канаян томонидан Боку губернатори князь Михаил Накашидзега қарата бомба улоқтирилишини келтириш мумкин. У ўша йил февралида Бокуда арманиларга қарши зуравонлик уюштирилишининг асосий ташкилотчиларидан бири эди. Худди шу айблов билан бокулик полиция амалдорлари - Меҳмедбеков, Микеладзе, Шахтахтиновлар ўлдирилди372. 1905 йил июлида дашноқлар Усмонли салтанати султони Абдулҳамидга қарши суиқасд кўзлаб, унинг аравасини минералаштирди[373].

Аммо Россия империяси ҳисоб-китобларида адашди, негаки дашноқлар ўз террорини фақат усмонлиларга эмас, балки уларни қабул килиб олган христиан Россиясига карши ҳам каратди. Бошқача айтганда, «Дашнакцутюн» империя назоратидан чиқиб кетиб, Россия империяси тинч аҳолисини ўлдиришнинг қуркинчли интрукментига айланди. Армани олими С. Заварянинг хабарига кура, 1905 йили озарбайжонларнинг кирғин килиниши чоғида Шушада 12, Жавоншер туманида 15, Жаброилда беш, Зангизурда 43, жами 75 мусулмон турк қишлоқлари ёқиб юборили ва йуқ килинди[374].

Дашноқларнинг 1907 йили Венада бўлиб ўтган навбатдан ташқари 4-съездида Столипиндан бошлаб Россия империяси амал-

371. Ўша манба. Б.24

372. Оганесян Эдвард. Век борьбы. Москва-Мюнхен, 1991, т.1, Б.86-156; Баберовски Иорг. Цивилизаторская миссия и национализм в Закавказье: 1828-1914гг. // Новая имперская история постсоветского пространства: Сборник статей (Библиотека журнала «Ab Imperio») / Под ред. Герасимова И.В., С. В. Глебова. Каплуновского Л.П., Могильнер М.Б., Семёнова Л.М. - Казань: Центр Исследований Национализма и Империи, 2004. - Б.307-352-652

373. Жаринов К.В.Терроризм и террористы: Ист. справочник/ Под общ.ред. Тараса А.Е. - Мн.: Харвест, 1999. - Б.606

374. С. Заварян. Экономические условия Карабаха и голод 1905-1907 гг. Перевод с армянского, Санкт Петербург (СПб), 1907, Б. 61.

дорларини йулдан олиб ташлаш карори кабул килинди. Уша йилнинг 3 июлида Александрополда дашнок террорчилари томонидан «татар генерали» лакаби билан машхур, 1905 йил ёзида Эривань губерниясини «тинчлантириш» учун юборилган генерал Максуд Алихонов-Аварский улдирилди. Уша йиллардаги Россия газеталарида уктирилишича, у гуёки очикчасига «татарларга» (империя тарихчилиги озарбайжонларни шундай деб атар эди), айникса уз кариндошлари - Нахчивон хонларига арманилар киргинида кумак берган эди. У билан бирга генерал-лейтенант Глебовнинг рафикаси ва извошчи - обоз аскари улдирилди. «Дрошак» газетасининг 1910 йил 5 ва 6-сонида Алихоновнинг улдирилиши учун дашнок котилларига мактовлар чоп этилди[375]. Тарихчи, Кембриждаги Зорьян институти директори Жерард Либаридяннинг хабарларига караганда, уч йил ичида (1904-1906) армани террорчилари 105 котилликни амалга оширди[376].

1908 йилда Кохирада ёзувчи ва инкилобчи, кайта тузилган «Гнчак» партиясининг кузга куринган фаолларидан бири, замонавий армани адабиётида реалистик йуналиш асосчиси Арпиар Арпиарян улдирилди. У уз кавмдошларининг жиноий фаолияти хакидаги маълумотларни чоп эттиргани учун айбдор деб топилган эди[377]. 1907 йил бошига келиб зуравонлик куллашдаги бетартиблик туфайли дашнокларнинг машхурлиги тушиб кетди, лекин, шунга карамай, улар энг камида 1909 йилга кадар Кавказда террорни куллаб-кувватлашда асосий роль уйнади[378].

Шу боис 1912 йили 159 нафар дашнок террорчилари Россия империяси Сенатининг алохида судига тортилди. Улар «Дашнакцутюн» махфий инкилобий жамиятига мансубликда ва террорчилик актларини амалга оширишда айбдор деб топилди[379].

Биринчи Жахон уруши арафасида Эчмиадзин черкови ташаббусига

---

375. Иванов Р.Н. Генерал Максуд Алиханов: триумф и трагедия. Документальное повествование. - ИД Эпоха, 2003. - Б.626-661- 695-696.

376. Доклад «Истоки политического насилия в современной армянской истории», представленный Джерардом Либаридяном на XVIII ежегодном съезде ассоциации по изучению Ближнего Востока, проводимого в Чикаго, штат Иллинойс, 3-6 ноября 1983г.

377. Мери Кочар. Армяно-турецкие общественно-политические отношения и армянский вопрос в конце XIX - начале XX веков; Geifman Anna. Thou Shalt Kill: Revolutionary Terrorism in Russia, 1894-1917. Princeton University Press, 1995. p. 111-112; Agop Jack Hacikyan, Gabriel Basmajian, EdwardS. Franchuk, Nourhan Ouzounian. The Heritage of Armenian Literature: From the eighteenth century to modern times. Wayne State University Press, 2005.p 453;

378. Geifman Anna. Thou Shalt Kill: Revolutionary Terrorism in Russia, 1894-1917. Princeton University Press, 1995. p 24

379. НЭС, том 15. СПб., 1912, Б.633.

кура Антанта мамлакатлари назорати остидаги «Дашнакцутюн» ва «Гнчак» ташкилотлари конгресс утказиб, унда усмонлиларга карши карорлар кабул килди[380], жумладан:

- Усмонли салтанатига хизмат килаётган арманилар хеч канакасига куролларини топширмаслиги керак;
- Шарқий Анатолияга Россия армияси яқинлашганида улар куролни Усмонли армиясига карши каратади;
- Ҳар қандай йуллар билан Усмонли салтанатининг кутилаётган (Биринчи Жаҳон) урушида мағлубиятига эришиш.

Армани муаллифларининг ишларида қайд қилинишича, дашнок етакчиларининг Шарқий Анатолия кишлокларига қадар таркатилган курсатмаларида қуйидаги чакириклар асосий ҳолатлар булган:

- Ҳар бир армани, у ким бўлишидан қатъий назар, ундан бирор керакли нарсани сотиш талаб этилса ҳам, куролланиши шарт.
- Сафарбарлик эълон қилинганида куролланишга чакирилган арманилар бу чакириқларга учмайди ва маҳаллий халқларнинг, жумладан, мусулмонларнинг армияга жалб этилишига тусқинлик қилмайди.
- Сафарбар этилган армани аскарлар имкон қадар тезрок армиядан кочиб, армани бандалари ёки эркин бирлашмаларига кушилиши лозим.
- Рус қушинлари чегарани кесиб утиши билан қумитачилар, дезертирлар ва бандалар рус армиясига кушилиб, Усмонли армиясига ҳужумларни бошлаб юборади.
- Усмонли туркларининг таъминот йуллари ва телеграф линияларини узиб, турк разведкаси ва маишатининг бутунлай инкирозга учрашини таъминлайди.
- Фронт оркасида икки ёшдан каттарок ҳар қандай мусулмон билан учрашганда уларни ўлдиришнинг ҳар қандай имкониятидан фойдаланиш лозим (шунга карамай, арманилар икки кирмаган гўдакларни ва ҳатто хомиладор аёлларни ўлдиргани ҳолатлари кузатилди).
- Улар мусулмонлардан озиқ-овкат, чорва ва мол-мулкни тортиб олади ёки ёкиб юборади.
- Улар ўзлари тарк этаётган уйлари, экин майдонлари, черков ва хайрия ташкилотларини ёкиб юбориб, бу ишни мусулмонлар қилганини тарғиб қилади.
- Улар расмий давлат давраларини қасддан гижгижлайди, турк зобитлар ва жандармларини пистирмага тушириб, ўлдиради.

---

380. Документы внешней политики СССР, Гос.издат. политической литературы. М., 1961, Т.4. док. №264. Б.428

- Уйга кайтган ярадор усмонли аскарларни улдиради.
- Шаҳарлар, қишлоқ ва қуйларда исён кутариб, инқилоб уюштиради.
- Мусулмон аскарлари ва тинч аҳолисининг руҳий аҳволини бузиб, уларни кучишга мажбур қилади.
- Курол ва бомба ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва импорт қилиш билан шуғулланиб, барча арманиларни курол билан таъминлайди.
- Мусулмонларни арманилар уюштираётган исёнлар, инқилоблар, оммавий котилликларда айблаб, бу маълумотларни маҳаллий ва хорижий матбуотда чоп этиб боради.
- Иттифоқчи давлатлар фойдасига айғоқчилик ва бошқа йуналтирилган фаолият билан шуғулланиб боради[381].

Султон Меҳмет Ришод V ва унинг аъёнлари, саркарда Жамол пошшо, ҳарбий вазир Анвар пошшо ва ички ишлар вазир Талъат пошшо бу қарорлардан бохабар қилинган эди. Шунга қарамай, Россия ва Усмонли ўртасидаги машҳур Сарикамиш урушида, 1914 йил декабрида ҳамда 1915 йил январининг охирида Усмонли армияси таркибидаги армани аскарларининг хоинлиги, руслар томонига утиб кетгани аниқ-равшан исботланди[382]. Антанта буйича иттифоқдошлар 1915 йил 18 мартида рус ҳукуматига Чаноққалъа операцияси муваффақиятли тугаган тақдирда Константинополь ва Қора денгиз буғозлари Россияга топширилишини маълум қилди[383]. Шу вазият ва келишув муносабати биланvvv Усмонли империяси раҳбарияти 1915 йил 24 апрелида саботаж айбдорлари, «Гнчак» ва «Дашнакцутюн» фаолларини ҳибсга олиш қарорини қабул қилди. Бу вақти армани миллатпарастлари Шарқий Анатолияда ташқи кучлар кумагида Усмонли қушинлари ортида террор ва диверсиялар уюштириш учун қуролли отрядлар тайёрлай бошлади. Бунинг натижаси уларок Усмонли ҳукумати исёнчи арманиларни Кавказ фронтидаги уруш зонасидан кучириш қарорини қабул қилди. Бу акция 1915 йил 27 майида бошланди. Арманиларни кучиришда Усмонли ҳукумати қуйидаги масалаларга жиддий эътибор каратди:

- Кучаётганларнинг барча мол-мулки уларнинг эгаларига қайтарилиши лозим (Усмонли халифатининг «Кучганлар мол-мулкини

---

381. Papzian K.S. a.g.e. p. 37-38, Aram Turabian. Les Volontaries Armeniens sous les Drapaux Francais, Marseilles 1917, p6. Georges de Malville, a.g.e. p. 34-35.

382. Никольский В.П. Сарыкамышская операция: 12-24 декабря 1914г. София, 1933г.; Корсун Н.Г. Сарыкамышская операция. - М.: Воениздат НКО СССР, 1937. - Б.146; Мартиросян Д.Г. Саракамышская операция (12-24 декабря 1914г.) // Военно-исторические исследования в Поволжье. Выпуск 7. Саратов, 2006. Б.55-65

383. Шацилло В.К. Первая мировая война 1914-1918: факты, документы. Москва, 2003. Б.107.

қайтариш тўғрисида»ги қонуни);

- Кучаётганларни жиноий тўдалар ҳужумларидан ҳимоя қилиш («Муҳожироат асослари тўғрисида»ги қонун).

Кўчирилаётганлар ҳақида қайғурар экан, султон махсус фармон билан уларга ўзларининг кўчириш мумкин бўлган мулкларини олишга рухсат этди. Уларни олиб кетиш учун транспорт тақдим этилди. Мол-мулк эса баҳоланиб, унинг нархи арманиларга тўлаб берилди, лекин келажакда улар ўз жойларига қайтишни истаса, уларнинг кўчмас мулки ҳам қайтарилиши мумкинлиги эътироф этилди. Аскарлардан бирови кўчирилаётганларга зиён етказган тақдирда, у ҳарбий грибуналга тортилиб, оғир жазога дучор бўлиши белгиланди.

1915 йил воқеаларини армани миллатпарастларининг ўзи келтириб чиқарганини таъкидловчи муаллифлар ҳам кам эмас. Биринчи марта провокация тезиси Уильям Лангернинг «Империализм дипломатияси» («The Diplomacy of Imperialism») китобида кўрсатиб ўтилди: *«Арманиларнинг инқилобий етакчилари уларнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиққан армани халқининг қулфатлари армани масаласига диққатни қаратади деб ўйлар эди»*[384].

Англиялик тарихчи Уолтер Лакернинг хабарига кўра, *«Армани террорчилари 1914 йилгача бўлган даврда Туркиянинг шарқий қисмида Биринчи Жаҳон уруши йилларида халқининг бошига тушган фожиага сабабчи бўлди»*[385]. Уолтер Лакер «Террорчилик даври» китобида қайд қилиб ўтади: *«1880 ва 1890-йилларда армани инқилобчилари уларнинг туркларга ҳужумлари шафқатсиз қасосга олиб келишига, бу эса, ўз навбатида армани халқининг радикаллашувига ва Ғарб мамлакатларининг интервенциясига сабаб бўлишига умид боғлар эди»*[386]. Провокация тезиси 1977 йили Стенфорд Шоунинг ишида ҳам такрорланди: *«Қиргин арманиларнинг провокациясига, гнчакчилар Анатолиянинг олти вилоятида социалистик армани республикасини тузишни, у ердаги барча мусулмонларни депортация қилиш ёки ўлдиришни режалаштирганига жавоб эди»*[387].

«Дашнакцутюн» масаласида Англия журналистлари 1919 йили хабар қилган эди: *«Бу террорчи ташкилот бўлиб, у кўп йиллардан буён арманиларни мусулмонларга ҳужум қилишга чорлаб келади.*

---

384. Langer, William L., The Diplomacy of Imperialism, 1890-1902 (New York: Alfred A.Knopf, 1951).

385. Walter Laqueur. The New Terrorism: Fanaticism and the Arms of Mass Destruction. Oxford University Press US, 2000, Б.47

386. Walter Laqueur, Arnaud Blin, Edward Schneider, Kathryn Pulver, Jesse Browner. The history of terrorism: from antiquity to al Qaeda. University of California Press, 2007. p.50

387. Stanford J. Shaw, Ezel Kural Shaw. History of the Ottoman Empire and Modern Turkey. - Cambridge University Press, 1977. - Vol. 2. Reform, Revolution, and Republic: The Rise of Modern Turkey 1808-1975. - p.548

Мусулмонлардан муносиб қасосга дучор булган, улар бу хақда дунёга бонг урар ва жаҳон эътиборини 'бечора арманилар'га қаратишга интилар эди»[388].

1919 йил октябрида «Дашнакцутюн» партиясининг IX съездида 650 жиноятчидан иборат руйхат куриб чиқилиб, улардан 41 нафари саралаб олинди. Бу шахслар арманиларнинг тан олинган биринчи рақамли душманлари сифатида улдирилиши лозим эди. Террорчилик акциялари серияси «Немезис» операцияси деб аталди[389].

«НЕМЕЗИС» ОПЕРАЦИЯСИ ДАВОМИДА 1920-1922 ЙИЛЛАРДА ҚУЙИДАГИ ШАХСЛАР УЛДИРИЛДИ:

1920 йил 19 июнида Тифлисда Озарбайжоннинг собиқ бош вазири Фаталихон Хойий улдирилди. У билан бир пайтда Озарбайжоннинг собиқ адлия вазири Ҳалилбек Хасмамедов ҳамда террочилардан бири яраланди. 1920 йил 19 июлида Тифлисда Озарбайжон миллий парламенти раисининг уринбосари Ҳасанбек Оғаев улдирилди.

1921 йил 15 мартида Берлинда Туркиянинг собиқ ташқи ишлар вазири, қора руйхатда биринчи уринда турган Талъат пошшо улдирилди.

1921 йил 5 декабрида Римда отлиқ сайр чоғида Ёш туркларнинг биринчи маҳкамасидаги собиқ буюк вазир (бош вазир) Саид Ҳалим пошшо улдирилди.

1922 йил 17 апрелида Берлинда оилавий сайр чоғида Трапезунднинг собиқ волийси Жамол Азмий улдирилди.

1921 йил 19 июлида Истанбулда Озарбайжоннинг собиқ ички ишлар вазири Бехбудхон Жавоншер Бокуда армани қирғинини уюштиргани учун улдирилди.

1922 йил 25 июлида Тифлисда Туркиянинг собиқ ҳарбий-денгиз кучлари вазири Жамол пошшо улдирилди.

Юқорида тилга олинган шахслардан ташқари, 1920 йили Истанбулда туркларнинг ҳамтовоқлари ҳисобланган бир неча армани улдирилди, жумладан:

Мкртич Арутюнян, А. Ширакяннинг сузларига қараганда, «садист ва Туркия махфий полицияси сиёсий булими аъзоси»;

Ваге Ихсан (Есаян), 1915 йил апрелида депортация учун кузга куринган арманилар руйхатини тузишга ёрдамлашгани учун;

Амаяк Арамянц, «Гнчак» партиясининг собиқ аъзоси, 1914 йили Талъатнинг ҳаётига суиқасд уюштириш режаларини сотгани ва Туркия полицияси билан ҳамкорлик қилгани учун;

Террорчилик актларини уюштирган операция иштирокчилари

---

388. Скотланд-Лиддел. Война с мусульманами. Армяне опять нападают. Тифлис, 30 января 1919г. Министерство иностранных дел, дело № 205, связка §14.

389. Қадимги Юнонистоннинг қасос маъбудаси Немезида номида.

улар 1919 йили арманиларнинг душманларини катлга ҳукм килган Константинополь судининг карорини ижро этганини иддаоқ илиб келди. Бу дахшатли акциялар 1915 йили Усмонли салтанатида, Шаркий Анатолияда руй берган воқеалар учун интиком сифатида кўрсатилди[390].

Биринчи Жаҳон урушининг асосий якуни янги жаҳон тизимининг, шундан буён барча давлатлараро ва умуман халқаро муносабатларда амал килиши лозим булган Версиль тизимининг ташкил топиши булди. Бу тизимнинг бош принциплари ва шартлари 1919 йил 28 июнида Версаль саройида тасдикланди. 1922–1923 йиллардаги Лозанна тинчлик конференциясида Туркия Республикасининг, собиқ Антанта мамлакатларининг янги чегаралари аникланди, шунингдек, бир катор бошка масалалар, масалан, аҳоли алмашиш юзасидан бир тухтамга келинди. Мазкур келишув халкаро муносабатлар тизимида «Шарк масаласи»нинг тугатилишига олиб келди, лекин «армани масаласи», «Шарк масаласи»нинг бир кисми булишига карамай[391], шу пайтга кадар халкаро сиёсатда чузиб келинади.

Россия империяси ҳатто Биринчи Жаҳон уруши пайтида арманиларга давлат яратиб беришга ҳаракат қилмаган эди. Шунинг учун ҳам Арарат Республикасининг биринчи бош вазири Ов. Качазнуни келтирган куйидаги фикрлар диккатга сазовордир: *«Ҳеч қандай асосга эга булмай туриб, биз чор ҳукумати садоқатимиз, саъй-ҳаракатларимиз ва ёрдамимиз учун бизга Туркиянинг озод қилинган вилоятларидан ва Кавказорти Арманистонидан таркиб топадиган Арманистон мухториятини тортиқ қилишига амин эдик»*[392]. Россия империяси ёрдамида давлатчиликни тиклаш орзу ва интилишлари окланмади. Шу боис дашноқлар террори эндиликда Россия империясининг узига карши каратилди.

---

390. Cleveland, William. A History of the Modern Middle East. Boulder: Westview Press, 2004. «World War I and the End of the Ottoman Order», p. 146-167.; Jacques Derogy. Resistance and revenge: The Armenian assassination of the Turkish leaders responsible for the 1915 massacres and deportations. Transaction Publishers, 1990, p. 121; Operation Nemesis - The Armenian Avengers; Добаев И.П., Немчина В.И. Новый терроризм в мире и на Юге России: сущность, эволюция, опыт противодействия (Ростовн/Д., 2005)

391. Cleveland, William. A History of the Modern Middle East. Boulder: Westview Press, 2004. «World War I and the End of the Ottoman Order», p. 146-167.; Jacques Derogy. Resistance and revenge: The Armenian assassination of the Turkish leaders responsible for the 1915 massacres and deportations. Transaction Publishers, 1990, p. 121; Operation Nemesis - The Armenian Avengers; Добаев И.П., Немчина В.И. Новый терроризм в мире и на Юге России: сущность, эволюция, опыт противодействия (Ростовн/Д., 2005)

392. Качазнуни Ов. Дашнакцутюн больше нечего делать. Бухарест, 1923, Б.12.

ХУЛОСА

Кавказ халклари ўзаро муносабатлари тарихидан кўринниб турибдики, ўз тарихи ва кўшни халклар тарихига сараловчи ёндашувда бўлиш армани миллатпарастларини реакцион хулосаларга олиб келди, уларнинг негизида эса Кавказ ерли ахолиси билан куролли карама-каршиликни окловчи турли ғайриилмий фальсификациялар вужудга келди. Инсонларнинг курбон булиши хар кандай урушнинг кочиб бўлмайдиган окибатидир. Қонли урушларда нафакат аскарлар ҳалок бўлади, куролли шахслардан ташқари, айбсиз болалар, аёллар ва кексалар ҳам уруш курбонига айланади. Лекин бир нарсани инобатга олиш лозим, у ҳам бўлса ҳеч кандай тарихий кулёзмалар, кадимги тангалар, тошбитиклар ва эртаклар тинч аҳоли ҳалокатини оқлай олмайди.

Албатта, эртак ҳикоя қилиш ва афсоналар тўқиш бир қарашда айбсиз, хавфсиз иш, лекин бу эртак ва афсоналар қоғозга туширилиб, имзоланган расмий сиёсий, миллий ва ҳудудий даъвога айланса, бу ҳолда ушбу коғоз уруш ҳаракатлари бошланишининг декларацияси бўлади. Пировардида эртаклар ва ғайриилмий сохталиклар асосида тузилган бу декларация окибатида хеч кандай гуноҳи йўк, тирик ва реал одамлар, асосан ҳимоясиз ва заиф болалар, аёллар ва кексалар ҳалок бўлади. Бу оддий ҳақиқат исбот талаб қилмайди, урушлар тарихини ўрганиш кифоя, окибатлар эса тилсиз гапиради.

2.8. ШУНЧАКИ ЁЛҒОН ВА РЕВИЗИОНИЗМ

Ўн йил ёки камрок муддат эмас, юз йилдан буен турли даражаларда 1915 йили Усмонли салтанатида арманиларнинг ёппасига қирғин қилинишининг исбот-далили сифатида Усмонли салтанати ички ишлар вазири Мехмет Талъат пошшонинг гуёки 1913–1917 йилларга оид қалбаки телеграммалари келтирилади. Уларда вазир гуёки «арманиларни йўқ қилишга буйруқ берган»и иддао этилади. Гуёки армани иммигранти, Усмонли салтанатининг собиқ давлат амалдори Арам Андонян мазкур телеграммаларни топиб олган. Арам Андонян уларни 1919 йили *«Наимбекнинг хотиралари. Арманиларнинг қўчирилиши ва қатлиом этилиши ҳақида Туркиянинг расмий ҳужжатлари»* (*The Memoirs of Naim Bey: Turkish Official Documents Relating to the Deportation and the Massacres of Armenians. London, 1919*) китобида чоп этди[393]. Кейинги йили эса у қалбаки ҳужжатларни Парижда, француз тилида *«Арманилар қатлиоми юзасидан расмий ҳужжатлар»(Documents Officiels Concernantles Massacres Armenienns. Paris, 1920)* номи остида эълон қилди. АҚШда бу ҳужжатлар *«Оғир жиноят, арманилар қатлиоми ва Талъат пошшо қизолаган ҳужжатлар»* деган сарлавҳа билан нашр этилди. Кейинчалик бу сохта телеграммалар Ғарб ОАВда пайдо бўлди, арманипарастлар ва ёлланма журналистлар томонидан кенг тарғиб этилди. Аммо бу телеграммалар айни пайтда мутахассисларда шубҳа-гумон ҳам уйғотди. Шунинг учун Ғарбда бир неча Усмонли амалдори судланганда трибунал Андонян материалларини далил сифатида қабул қилмади. Ҳатто Британия ташқи ишлар вазирлиги мазкур масалада ўз текширувини ўтказиб, телеграммалар қаблаки эканлигини аниқлади. Берлин криминалистика бюроси ҳам худди шундай хулосага келди. Хулосада таъкидланишича, *«тақдим этилган ҳужжатлар ёзилган қоғоз ҳам, у ёзилган тил ус губи ҳам Усмонли салтанатига хос деб топилиши мумкин эмас»*.

Фальсификациянинг исботи сифатида Андонян Талъат пошшо телеграммаларининг оригиналини бирор марта ҳам намойиш этмаганини ҳам кўрсатиш мумкин, бу эса унинг қўлида турганлари эътироф этилган 50 телеграмма ва икки мактубдир. 1937 йил улар ғайриқабиий равишда бутунлай ҳавога учиб кетди: Андонян ҳужжатлар йўқолганини иддао қилди (?!). Шунга қарамай, арманипарастлар бугунги кунга қадар Андонян сохтакашлигини оғиз кўпиртириб эсга олади, мазкур «телеграмма»ларда бир олам хато ва фактик ноаниқликлар борлиги

---

393. Маълумот учун эслатиб ўтамиз, Усмонли салтанатида "турк" дефинициясн расмий ҳужжатларда ишлатилмас эди. "Турк" деб қишлоқ халқи, "мусулмон" деб эса шаҳарликлар аталарди. Усмонли булмаганлар, шу жумладан, арманилар "миллат" деб аталган.

уларни ташвишга солмайди. Криминалистлар уларни аниқлади, булар:

- Матн услуби ва саналари;
- Мусулмон анъаналарини билмаслик. Масалан, телеграммаларда «Бисмиллоҳ» калимаси нотўғри ёзилган;
- Усмонли салтанатида истеъмолда булган таквимни билмаслик ёки яхши билмаслик.

Бу ва яна бир катор бошка сохталиклар Андонянинг узининг бошида калтак булиб синди. Масалан, телеграммалардан бирини Талъат пошшо гуёки Ҳалаб волийси Мустафо Абдулҳоликка жунатгани айтилади. Кизиги, телеграммада курсатилган санадан келиб чиқиб каралса, у пайти Ҳалаб волийси бошка амалдор - Бакир Сами булгани аниқланади. Бу опус Европада ишлатилган тақвим билан Усмонли салтанатида истеъмолда булган таквим орасида тафовутни билмасликдан келиб чиққан хато.

Андонян материаллари ҳакида гап кетган, туркиялик олимлар Шиноси Ураль ва Сурайё Южанинг «The Talat Pasha 'Telegrams': Historical Fact or Armenian Fiction?» («Талъат пошшо 'телеграммалари': тарихий фактми ёки сохталик?») номли тадкикотига эътибор каратиш зарур. Улар Андонян материалларини урганиш натижасида британиялик ва германиялик мутахассисларнинг хулосаларини такрорлади.

Андонян фальсификацияси австриялик ёзувчи, Усмонли салтанатидаги арманилар тарихига бағишланган «Мусодоғнинг қирк куни» романининг муаллифи Франц Верфелни ҳам адаштириб юборди. Арманиларнинг чўпчаклари ишонувчан австриялик адибнинг шубҳа-гумонларини уйғотмади.

1933 йили нашрдан чиққан Ф. Верфелнинг китоби катта шуҳрат козониб, жаҳоннинг 34 тилига таржима қилинди. Афсуски, бу Ғарб жамоатчилигига ташланган навбатдаги хўрак эди. Орадан йиллар утиб, холис тадқиқотлар Мусодоғда содир булган реал фактларни очиқлади. Ф. Верфелнинг «Мусодоғнинг қирк куни» китобида тасвирланган воқеалар унга Венада ишонган дусти, армани епископи ҳикоя қилиб берган уйдирма булиб чиқди. Ҳатто арманипарастлар ҳам буни инкор қилмади. Китоб муаллифи узи ёзган масалани махсус урганмаган, уни йулдан оздирган ахборот берувчига ишониб қуйган эди, холос. Барчага маълумки, агар биров idee fixe ҳимоячисига айланса, у исботлаб булмайдиган нарсани исботлаш, бошқаларни бунга ишонтириш учун ҳамма нарсага тайёр.

Шу боис армани миллатпарастлари, шунингдек, уларни қуллаб-кувватлайдиган бир катор Ғарб мамлакатлари «1915 йилги армани геноцидини тан олиш» мавзусини тарғиб қилиш мақсадида уша

йиллар архив хужжатларидан иборат «Мовий китоб»ни чоп этди[394]. Факсимиле шаклидаги бу нашр матн транслитерацияси ва инглиз тилига таржимасидан иборатдир. Китоб «армани геноциди»ни исботлашга қаратилган бўлса ҳам, унда келтирилган купгина материаллар, аксинча, 1915 йилги воқеаларнинг армани талкинини инкор этади. Дарвоке, бу китоб ҳам бир неча бор чоп этилди ва айрим олимлар ва публицистлар томонидан фальсификат сифатида баҳоланди.

Дашноклар таъсис этган Арарат Республикаси узоқ ҳукм сурмай, «Дашнакцутюн»дан чиккан миллатпараст шовинистлар мухитига хос булган турли сиёсий фитналар ва ҳийла-найранглар туфайли ҳалок булди. Шуни кайд этиш мухимки, «Дашнакцутюн» фаолияти ҳакидаги тарихий ҳакикат академик даражада исботланган бугунги кунда миллатпарастлар бунинг тескарисини исботлашга уринмайди, балки тахдидлар билан ҳакикатни ҳикоя килишга йул куймайди, шунинг учун ҳам Ф. Верфель умрининг охирига қадар хаётидан кўркиб, уни Мусодоғдаги воқеалар юзасидан алдашганини очик айтишга журъат этмади.

Биринчи Жаҳон уруши воқеалари юз минглаб, миллионлаб инсонларнинг ҳалокатига олиб келди. Ахир бу шафқатсиз уруш эди. Курбонлар ҳар кандай урушнинг энг аянчли окибатларидан биридир, аммо бошка нарса ҳайратланарли. Мислсиз иштиёк ила «геноцид» ҳакидаги маколаларини чоп этаётган муаллифлар нахотки бу атарма каердан ва кандай пайдо булганини билмаса?

Юридик нуктан назардан «геноцид» атамасининг ўзини 1915 йил воқеаларига нисбатан қуллаш нотўғридир, негаки «геноцид» истилоҳи 1943 йили яҳудий аслли польшалик юрист Рафаэль Лемкин томонидан ишлатилган эди.

Маълумот учун.

«Геноцид» атамаси расмий халқаро юридик макомга Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, 1948 йил декабрида *«Геноцид жиноятининг олдини олиш ва унинг учун жазолаш тўғрисидаги конвенция»* билан эга бўлди. Бу инсониятга карши энг оғир жиноятни билдирувчи тушунча ва детерменативга айланди. Шунинг учун юридик ва мантиқий нуктаи назардан ушбу атаманинг 1915 йилга воқеаларга нисбатан кулланилиши унчалик тўғри бўлмайди назаримизда.

Юкорида тилга олинган конвенция атаманинг регроактив кулланилишини назарда тутувчи бандларга эга эмас. Аксинча,

---

394. James Bryce (Author), Arnold Joseph Toynbee (Author), Ara Sarafian (Editor). The Treatment of Armenians in the Ottoman Empire, 1915-1916: Documents Presented to Viscount Grey of Falloden by Viscount Bryce «The Blue Book» Taderon Pr; Uncensored edition 2000.

конвенция унинг максади *«мажбуриятларни фақатгина шундай жиноят иштирокчиларига ва фақат келажакда, конвенция амалга киритилганидан сўнг юклаш»*дан келиб чиқади. Шу туфайли ҳам «геноцид» атамасининг ретроактив қўлланилиши, яъни уруш йиллари, Биринчи Жаҳон уруши айни авж палласида эканлигида рўй берган воқеаларга таъриф бериш учун ишлатилиши ҳуқуқий жиҳатдан тўғри ҳисобланмайди. Зеро бу воқеалар конвенция кучга киришидан мукаддам содир бўлган. Мазкур ҳуқуқий нуқтаи назарнинг мазмуни жаҳон юриспруденцияси амалиётидаги қўплаб ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Одатда қонуннинг терс кучи қўлланиши қонунийлик принципларига мувофиқ ҳисобланмайди, ҳатто ҳуқуқий давлат юриспруденциясида ҳам, халқаро ҳуқуқшуносликнинг жаҳон тажрибасини-ку айтмай қўяқолайлик.

Демакки, Биринчи Жаҳон уруши йилларида Усмонли салтанати табаалари ўртасидаги муносабатларда юзага келган ички низоларнинг оқибатлари «армани геноциди» деб тан олиш ва бунинг оқибати ўлароқ узоқ 1915 йилда рўй берган воқеалар учун жавобгарликни Туркия Республикаси зиммасига юклаш (у пайти замонавий Туркия Республикаси ҳали йўқ эди) нафақат ҳуқуққа, балки мантиққа ҳам зиддир.

Замонавий туркиялик тарихчилар, публицистлар ва жамоат вакилларининг мақола ва китобларидан, шунингдек, Туркия Республикаси ҳукуматининг расмий баёнотларидан тушунарлики, расмий Анқара 1915 йилги воқеаларда бегуноҳ инсонлар ёппасига кирғин бўлганини инкор этмайди, лекин провокацион тўқнашувлар уюштирувчиси ва айбдорлари ким эканлигини тафтиш йўли билан аниқлаштиришга чақириб келади. Аммо бугунги кунга қадар расмий Ереван тескари йўналишда ҳаракат қилмоқда. Бу демаршга халқаро ташкилотлар ва Ғарб мамлакатлари ёрдам бермоқда, улар ўз манфаатлари йўлида форумлар ва конференциялар ўтказиб, уларнинг қарорларида Туркия Республикасидан 1915 йилги воқеаларни «армани геноциди» сифатида тан олишни талаб қилади.

Расмий Анқарани Туркия Республикасини «1915 йилги армани геноциди» учун, яъни 100 йил олдин, ҳали замонавий Туркия Республикаси мавжуд бўлмаган бир вақтларда Усмонли салтанатида рўй берган воқеалар учун айбдор деб тан олишга чақирувчи аксилтурк кампанияси айрим кучлар илгаригидай аксилтурк истериясини қўпиртиришга қайта-қайта уринаётганини курсатади. Шу билан бирга, аллакачонок мавжудлигини битирган Усмонли салтанатига нисбатан айбловларнинг ошкор айтилиши ва замонавий Туркия Республикасига йўналтирилиши бугунги туркий тилли халқлар ва давлатларга нисбатан

адоват оловини ёқиши ва унга ёғ сепиб туриши кузда тутилгани эҳтимолдан узоқ эмас. Айниқса сиёсийлашган тарихчиларнинг ва армани миллатпараст шовинистларининг Тоғли Қорабоғ можароси туфайли бошлаб юборган аксилозарбайжон фаолияти ёлғон ва фактлар ва ғайриилмий даъволар билан қуллаб-қувватланиши айбсиз бир хато булмай, тизимли ва куркинчли характерга эгадир. Ёркин аксилтурк тарғиботидан иборат бундай фаолият нафақат Туркия ва Озарбайжон туркларига карши қаратилган, балки глобал микёсга эга ва махсус адабиётларда купгина жаҳон мамлакатларида қайд этилади[395]. Афсуски, миллатпараст шовинистларнинг бу айбловлари гирдоби нафақат Туркия ва Озарбайжонни, балки Қозоғистон, Узбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ҳамда Россия Федерацияси кули остидаги турк мухториятлари - Крим, Татаристон, Бошкирдистон, Болқор, Қорачой, Нугой, Тува, Саха-Екутистонни ҳам уз ичига тортиб кетмоқда. Санаб утилган этносиёсий тузилмаларда асосан туркийлар истиқомат қилиши ҳаммага яхши маълум. Қайд этиб утиш керакки, замонавий дунёда купгина туркий халқлар Туркия ёки Озарбайжонда эмас, балки узларининг мустақил ёки мухтор давлат ва тузилмаларида истиқомат қилиб келади. Тарихий ва этник нуқтаи назардан туркий халқлар ягона илдизга бориб тақалишига қарамай, халқаро муносабатларда уларнинг ҳар бири замонавий сиёсатнинг у ёки бу масалалари бўйича уз нуқтаи назарига эгадир.

Бир нарсани эслатиб утмай иложимиз йук. Усмонли салтанатининг Чаноккалъа жангида Антанта давлатлари устидан козонган галабасининг 2015 йил 25 апрелида кенг нишонланиши туфайли бу вокеага нисбатан салбий муносабатдаги айрим замонавий сиёсатчилар кора ҳасад билан буғилиб колди ҳамда ушбу вокеанинг самараси

---

395. Қаранг: Величко В.Л. Кавказ. Русское дело и междуплеменные вопросы. СПб.1904; Шавров Н.Н. Новая угроза русскому делу в Закавказье: предстоящая распродажа Мугани инородцам. СПб,.1911; Раззаков Ф.И. Бандиты времён социализма. Хроника российской преступности. 1917-1991. М.,1997; Он же. Бандиты времён капитализма. Хроника российской преступности. 1992-1995. М.,1997; Кузнецов О.Ю. История транснационального армянского терроризма в XX столетии: Историко-криминологическое исследование: Баку, 2014; Лурье С.В. Армянская политическая мифология и её влияние на формирование внешней политики Армении и Нагорного Карабаха. // http:// etnopsyhology.narod.ru/; Маккарти Дж., Маккарти К. Тюрки и армяне. Руководство по армянскому вопросу. Пер. с англ. Баку, 1996; Файгл Э. Правда о терроре. Армянский терроризм - истоки и причины. Пер. с нем. Баку, 2000; Ришардо Ж.-П. Армяне, чего бы это ни стоило. Пер.с франц. М., 2008; Кошитерс Б. Федерализм и конфликт на Кавказе. «Московский центр Карнеги», М., 2002, № 2; Каземзаде Ф. Борьба за Закавказье (1917-1921). Пер.с англ. Стокгольм, 2010; Гусейн-заде Р.А. Кавказ и армяне. Баку, 2014; Он же. Коллизии на Кавказе. Исторические очерки. Баку, 2013; Вердиева Х.Ю., Гусейн-заде Р.А. «Родословная» армян и их миграция на Кавказ с Балкан. Баку, 2013.

ва тарихий қийматини туширишга булган харакатлар бошланиб кетди. Шу муносабат билан, Туркия Республикасини 1915 йилги вокеаларда айбдор деб курсатиш максадида ушбу вокеаларни армани халкининг мотами сифатида кенг микёсда нишонлашга каратилган улкан кампания бошлаб юборилди. Уларнинг фикрича, гуёки факат армани миллатига мансуб одамлар ёпнасига катлиомга дучор этилган. «Армани геноциди» 1915 йил 24 апрелида бошлангани ҳақидаги тезис айнан Чаноккалъа жангининг жаҳон тарихида тутган урнини пасайтириб курсатиш учун ҳам эълон килинган. Тарихдан маълумки, 1915 йил 24 апрелида бирорта ҳам армани улдирилмаган эди. У куни Биринчи Жаҳон уруши авжида Усмонли кушинлари орқасида саботаж уюштиришда айбдор деб топилган «Гинчак» ва «Дашнакцутюн» террорчи ташкилотлари фаолларини ҳибс этиш тўғрисидаги фармон чикарилган эди, холос.

1915 йил 25 апрелдаги Чаноккалъа галабасининг нишонланиши инсониятнинг барча иштирокчилари улкан ва маънисиз йуқотишларга учраган Биринчи Жаҳон уруши тарихи ҳакидаги тарихий хотирасини сақлашга хизмат килади. Биринчи Жаҳон урушидан урин олган ушбу операция давомида Буюк Британиянинг йўкотишлари, ҳалок булганлар, ярадорлар ва бедарак йуқолганлар билан бирга, 119,7 минг кишини, Франциянинг йўкотишлари эса 26,5 кишини ташкил килди. Усмонли салтанати эса 186 минг кишисидан айрилди. Туркия Республикасининг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк Британия аскарларига ёдгорликнинг очилиш маросимида айтган эди: *«Улар шу заминда уз ҳаётларини қурбон қилганларидан сунг улар бизнинг фарзандларимизга айланди».*

Туркия Республикасидан 1915 йилги вокеаларда узини айбдор деб тан олишнинг талаб килиниши замонавий давлатлар узок сиёсий салафлари амалга оширган ишлари учун айбдор деб топиши билан баробардир. Масалан, агар шу нуктаи назардан ёндашадиган булсак, Франция узини «гугенот урушлари»да, Германия - гитлерчиларнинг вахшийликларида, Италия - Бенито Муссолини фашизмида, Испания - Лотин Америкасининг конкистадорлар томонидан босиб олиниши ва инквизициянинг килмишлари, Буюк Британия - қиролича Елизавета I ёки Оливер Кромвелнинг вахшийликлари, Япония - Пирл-Харборнинг бомбаланиши, Россия Федерацияси - Финляндияга карши тажовуз, Сибирь, Кавказ ва Туркистоннинг босиб олиниши, Мугулистон - Чингизхон истилоларининг оқибатлари, АҚШ - мустамлакачилар томонидан ҳиндуларнинг кириб ташланиши учун жавобгарликни уз зиммасига олиши лозим.

Табиийки, Шарқий Анатолиядаги 1915 йил воқеаларида қотиллик ва талончиликлар қузатилган эди. Икки томондан ҳаракат қилган қотил ва зўравонларни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Ўз-ўзидан, бу воқеаларни «геноцид» деб тан олиб, фақат бир томонни айбдор, бошқа томонни эса жабрланувчи курбон қилиб кўрсатиш, бунда исбот-далил тарихасида сохта ҳужжатларни кўрсатиш аклга тўғри келмайди, бу ғайриинсоний акт, инсофсизлик, ёлғон ва провокацион хатти-ҳаракатдир. Бу жаҳон ҳамжамиятининг катта қисми Биринчи Жаҳон уруши пайтида ихтилофда бўлган томонлардан фақат бирини руҳий ёки сиёсий қўллаб-қувватлаши, ўз сиёсий мақсадларига эришиш йўлида уни этник-конфессионал адолатсизликнинг «романтик курбони» қилиб кўрсатиши учун аргумент бўлиб хизмат қила олмайди.

Бу каби провокацион кампаниялар Европа тарихида яхши маълум. Улар амалда ўз ғаразли мақсадларини биринчи ўринга қўювчи учинчи кучлар манфаатига хизмат қилувчи антагонистларни амалда яратишни ўргатувчи ўзига хос тўғарак вазифасини бажаради. Бундай кампанияларнинг айёрона амалёти шуни тасдиқлайдики, ташқи кучларнинг арманилар ҳаётига, уларнинг ички дунёсига аралашувидан келиб чиқадиган вайронкор моҳиятни йўқ қилиш зарурдир. Зеро бундай провокациялар ихтилофнинг ҳал этилишига эмас, балки унинг турли этник-конфессионал гуруҳларга мансуб инсонлар истиқомат қилаётган муайян бир минтақада уни янада авж олишига олиб келади ва, улар қаерда яшашидан қатъий назар, арманиларнинг руҳий дунёсини йўққа чиқаради.

Таниқли француз тарихчиси ва жамиятшуноси Марк Ферро арманилар ва уларнинг «қаҳрамонлик»лари ҳақида қуйидагиларни ёзган: *«Арманипарастлар томонидан армани ўтмиши тарихни жуда содда ва тоза қўриш мисоли ўлароқ чизилган: унда яхши ва ёмон одамлар, хоинлар ва қаҳрамонлар фаолият юритади. Кўп бора мағлубиятга учраган Арманистон ўз тарихини бажонудил кўкларга кутариб алқайди, унга жафокашнинг табаррук қиёфасини бахшида этади. Парчалаб ташланган, хонавайрон қилинган, дастлаб турклар қўли билан қувғинга учраган, давлатлар қаторида чиқарилган Арманистон ўз тарихини олтий афсона чегарасида бино этмоқда. Унда гигантлар ва баҳодирлар бор, улар арслонларнинг суякларини тўйиб ташлайди, қутосларнинг қовурғаларини синдиради. Бундай миллат мағлубиятга учраши ва давлатчилигини йўқотиши мумкинлигини тасаввур қилиш жуда қийин. Дарвоқеа, Бенедикт дарслигида [ғап 1979 йили Венецияда армани бенедиктчи роҳиблари томонидан чоп этилган болалар учун армани тарихи бўйича қўлланма*

ҳақида кетмоқда] арманиларнинг бошига тушган қулфатлар моҳирлик ва дилкашлик билан тасвирланганки, охир оқибат, Арманистон қачон дарҳақиқат мустақил бўлганини, қачон эса бегоналар асоратида қолганини тушунмай қоласан. Бу китобда афсоналар ҳақиқат билан уйғунлашиб кетади, ҳатто гап фанда яхши маълум даврлар ҳақида кетса ҳам, бу ҳолат кузатилади»[396].

Мифик, поэтик черков эртаклари ва бу эртаклар каҳрамонларининг афсонавий жасоратлари социумдаги руҳий муҳитга ўз таъсирини утказмай колмади. Армани мифологиясининг черков томонидан қуллаб-қувватлаб ўрилган асосий таркибий қисмлари арманиларнинг халқ сифатида ўта кадимийлиги, ўёки Нуҳдан келиб чиккани ҳакидаги ёлғон маълумотлар, шунингдек, бир пайтлар, босқинчилар келишига кадар арманилар ўёки яшаб келган «Буюк Арманистон» мавзуси эди. Бу жараён ва вокеаларнинг муболағали курсатилиши армани давлати мавжуд бўлмаган бир шароитда армани черкови ва «олғаватан» руҳида ижод қилувчи муаллифлар кумагида амалга ошириб борилди. XIX асрнинг охирги чорагида арманилар ҳақида рус генерали Н. Дубровин шундай деб ёзган эди: *«Турли давлатлар табаалигида бўлган, бутун Ер курраси бўйлаб сочилиб кетган армани қабиласи турли иқлим, ҳаёт тарзи ва машғулотлар таъсирига тушиб, ўзининг умумий хислигини йўқотди»*[397].

Миллатпарастлар «Буюк Арманистон» ҳакида гап бошласа, улар муҳаккак ғайриилмий баёнотларни келтиришга киришиб кетади. Уларнинг фикрича, Ўрта Ер–Қора–Каспий денгизлари орасидаги ҳудуд *«бирлашган армани давлати ҳамда армани халқи ва маданиятининг асосий учоғига айланди»*[398]. Бу ҳудудда бугун озарбайжонлар, гуржилар, турклар, славянлар ва бошқа халқлар истикомат қилади, лекин арманилар бу ҳудудни фақат ўзларинин Ватани деб ҳисоблашда давом этади. Ҳудудий даъволар билан чиқаётган «кутубхона миллатпарастлари» балки бу халқлар аллақандай черков кулёзмаларига эътибор каратар ва ушбу ҳудудларда «жасоратли» хайларга бўшатиб беради деб ўйласа ажаб эмас[399].

Миллатпарастларнинг бу тавр баёнотлари жараён уларок XX

---

396. Ферро М. Как рассказывают историю детям в разных странах. Пер. с франц. М., 1992.

397. Дубровин Н. История войны и владычества русских на Кавказе. Том I, книга 2, СПб., 1871, Б.406.

398. История армянского народа. Ереван, 1951, Б.33; История армянского народа. Ереван, 1980, Б.43.

399. Мецроп Маштоц яратгани иддао килинадиган арман алифбоси аслида кадимги гезз тилига асосланган эфиоп алифбоси эканлиги айтилади. Гезз хати Жанубий Арабистон хатидан келиб чиккан. Жанубий Арабистон ёзувининг энг кадимий намуналари милоддан аввалги IX асрга мансуб.

аср иккинчи ярмида, мактаб таълими ва ноширлиги барча дахл кила оладиган соҳаларга айланганидан сунг фаоллашди. «Маданий устунлик» ва «бегона ҳудудларга алоҳида ҳуқуқлар» ғоялари ялпи тарғиб этила бошланди, бу ғоялар армани муҳитида оммавий тусга эга булди. Шу муносабат билан «арманишунослик» номли махсус фан бўлими юзага келди. Бу ишда айнан армани черкови Европа ҳокимиятлари манфаатларига хизмат килиб келди, яъни армин черкови бу халкнинг менталитетини, тарихини, узлигини давлатчилик мавжуд булмаган куп асрлик даврда сақлаб кола олган институт сифатида намоён этила бошланди. Унинг каноти остида армани черков ходимлари халкнинг узига хос тарихини яратиб боргани бежизга эмас. Зеро давлат мавжуд бўлмаган бир шароитда фақат армани черкови жамоанинг руҳини кутариши ва у утмишни унутмаслиги саъй-ҳаракатини килиши мумкин эди[400].

Маълум ва машҳур черков тарихчилари:

- V аср тарихчиси Мовсэс Хоренаци, «армани тарихчилиги отаси», епископ эди;
- V аср тарихчиси Егише Вардапет (олим ва роҳиб), ибодатхонада ижод килган;
- Тарихчи Лазарь Парпеци ҳам роҳиб эди;
- VII аср тарихчиси Себеос епископ эди;
- VIII аср тарихчиси Гевонд вардапет эди;
- IX аср тарихчиси Иоанн V Драсханакертци католикос эди;
- X аср тарихчиси Ухтанэс епархия бошлиғи эди;
- Тарихчи Товма Арцруни вардапет эди;
- XI аср тарихчиси Асохик вардапет эди;
- XII аср тарихчиси Маттеос Урхаеци роҳиб эди;
- XIII аср тарихчиси Вардан архимандрит эди;
- Армани тарихини 1701 йилда Рим папаси шафелигида ташкил этилган армани мхитаристлари католик конгрегациясида ҳам ишлаб чиқилган эди.

Гўёки армани тарихчилари томонидан ёзилган кулёзмаларни урганган айрим олимларнинг тахминларига кура, бу хабарлар XVIII асрга оиддир - айнан шу даврда мхитаристлар Албания черков адибларининг кулёзмаларини оммавий тарзда сохталаштирган ва тахриридан утказган эди. Арманиларининг асл ватани Кавказда, ҳатто Кичик Осиёда эмаслиги; хайлар, яъни арманилар Кавказда аллохтон, яъни келгинди халқ эканлиги; уларнинг тили урарт тилига мутлақо

400. Абегян М.Х. История древнеармянской литературы. Ереван, 1975, Б.94-96, 135-190, 218-225, 252-255, 289-291, 370-376.

алоқадор эмаслиги ҳақидаги маълумотлар бекитилган. Кузга куринган рус олими, профессор, тарих фанлари доктори И.М. Дьяконов ёзади: *«Қадимги армани тилининг лингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш асосида у, аввалгамбор, ҳинд-европа оиласига мансублиги аниқлаштирилади. Бу билан қадимги армани тилининг тахминий урарт иккитабиатлилиги ҳақидаги масала кун тартибидан олиб ташланади. Қадимги армани тилининг аждоди - праармани тили фақат ҳин-европа тили булиши мумкин эди, хуррит-урарт тилларига ҳам, хатт тилига ҳам, замонавий Кавказ тилларига ҳам, семит тилларига ҳам қариндош булиши мумкин эмас эди...*

Қадимги армани тили Арманистон тоғ ёнбагрининг туб аҳолиси - хурритлар, урартларнинг тилларига қариндош эмас экан, у бу ерга бошқа жойдан олиб кирилган шубҳасиздир... Қадимги армани тили Осиёда милоддан аввалги XII аср билан саналанувчи фригия тилидир. Скифлар тажовузига қадар арманилар фригияликларнинг бир қисми эди, скифларнинг юришларидан сунг эса улар бошқа жойга кучиб, шарққа кучди ва милоддан аввалги VIII асрга қадар Арманистон тоғ ёнбагрига урнашди»[401].

Бу ерда бир муҳим тафсилотни қайд қилиб утиш муҳим. Арманилар узларини «хай» деб атайди, яъни бу уларнинг этнонимидир. Негаки хай халқи арманилар сифатида шуҳрат топди? Бу этноним ё узини аташ номи эмас, бу бошқа халқнинг номи. Масаланинг моҳияти мана бунда. *«Хайлар Болқон ярим оролидан Кичик Осиёга кучганидан сунг улар минтақанинг шарқий қисмига қадар етиб борди. Бу ерда уларга қушни булган мидияликлар ва форслар бир қанча маҳаллий ва келгинди қабилалар ва иттифоқлар қоришувидан ташкил топган ушбу халқни уларнинг эски хужайини, Хайаса иттифоқи билан қушилиб кетган арменлар номи билан армани, ҳудуднинг узини эса Арманистон деб атади. Янги халқ ва у эгаллаган ҳудудларни юнонлар ва римликлар ҳам шундай деб атай бошлади, улар орқали эса бу номлар - 'армани' этнонимия ва 'Арманистон' хоронимия кенг тарқалди. Шу тариқа, арманиларнинг аждодлари утмишда Европа қитъасида истиқомат қилиб, у ердан Осиёга кучган. Арманиларнинг асл ватани Болқондир, арманилар этнос сифатида шаклланган ҳудуд эса Кичик Осиёдир; арманилар ватани, улар пайдо булган ва алоҳида, бошқа халқлардан фарқли халқ сифатида шаклланган ҳудуд- Арманистон пасттекислиги»*[402].

---

401. Дьяконов И.М. Предыстория армянского народа. Ереван, 1968, Б.202-203-208.

402. Саркисян Г.Х., Худавердян К.С., Юзбашян К.Н. Потомки Хайка. Очерк истории и культуры Армении с древнейших времён до становления Третьей республики. Ереван, 1998, Б.7.

Аммо XIX-XX асрлар чегарасида арманишунослик оталаридан бири, профессор Н.Г. Адонц қуйидаги ҳолатга эътибор қаратди: *«Арманиларнинг пайдо бўлиши. Урарту давлати, хатт давлатлари сингари, киммерийлар юриши ҳамда у билан бирга давом этган милоддан аввалги VIII–VII асрлардаги халқларнинг буюк кучиши асносида йўқ қилинди. VIII асрда уларни шарқдан сиқиб чиқараётган скифлар ёки саклар босими остида киммерийлар гарбга, Дунай соҳилларига йўл олди, Фракиядан ўтди ва, ўзлари билан фракия қабилаларини олиб (улар орасида фриглар ва арманилар бор эди), Кичик Осиёга йўл олди. Геродот арманиларни Фригия асллилар деб ҳисоблайди. Бу гувоҳликлардан келиб чиққан ҳолда олимлар арманилар даставвал Фракияда истиқомат қилган фриг қабилалари сирасига киришини тан олади. Тахмин қилинишича, у ердан улар киммерийлар ҳаракатига қўшилиб, Кичик Осиёга кўчиб ўтди сўнг, фригиялик қабиладошларидан ажралиб чиқиб, янада олги силжиди ва Фротнинг ўнг соҳили бўйлиб, Алиса дарёси юқори оқимида урнашди»*[403].

Арманиларнинг Ғарбдаги ҳимоячиларидан бири, британиялик кавказшунос, профессор Д. Лэнг қайд этади: *«Арманиларнинг келиб чиқишиваирқийўзигахослигисирлигичақолмоқда.Геродотарманиларни Фригиядан чиққан деб ҳисоблар эди. Страбон арманиларни Фессалия - Юнонистон шимолиоаги вилоят билан боғлайди. У фессалиялик Арменус бу мамлакатга аргонавт Язон билан бирга боргани ва унга уз номини берганини қушимча қилиб айтиб утади. Бу ярим афсонавий хабарлар диққатга сазовордир, негаки арманиларнинг аждодларини милоддан аввалги 12 000 йилларда Кичик Осиёдан уруш билан утган сирли 'денгиз халқлари' билан боғлиш имконини беради»*[404].

Арманишунослик асосчиларидан бири, академик М.Х. Абегян ёзади: *«Арманиларнинг аждодлари эрамиздан анча олдин Европада, юнонлар ва фригияликлар билан қушничиликда истиқомат қилар эди. У ердан улар Кичик Осиёга кўчиб ўтди... Геродот даврида - милоддан аввалги V асрда арманилар ўз мамлакатига ғарбдан келганини ҳали ҳамма яхши тушунар эди»*[405].

Бугун миллатпараст шовинистлар арманиларнинг асл ватани Болкон ярим ороли, Фракия эканлигини, уларнинг аждодлари милоддан аввалги VIII асрда у ердан «денгиз халқлари» билан бирга Кичик Осиёга кўчиб ўтганини бутунлай инкор қилади[406]. Арманиларнинг ўтмиши ҳақида гапирар экан, XIX аср рус шарқшуноси И.И. Шопен қайд қилиб ўтади: *«Арманилар мохиятан келгиндилардир. Бу фригияликлар ва ионияликлар авлоди бўлиб, Анатолия тоғларининг*

---

403. Адонц Н.Г. Армения. НЭС, том 3. СПб., 1912, Б.601-602.

404. Лэнг Д. Армяне. Народ-созидатель. Пер. с англ. М., 2004, Б.23-27, 31.

405. Абегян М.Х. История древнеармянской литературы. Ереван, 1975. Б.12.

406. Қадимги мисрликлар Шимолий Африкага Болқон ярим оролидан милоддан аввалги VIII асрда бостириб келган қабилаларни шундай атар эди.

шимолий водийларига кўчиб утгандир»[407].

Армани миллатпарастлари фақат ўтмишда эмас, балки бугун ҳам хай номли халқнинг давлатчилик тарихини сунъий равишда узайтиришга, қадимийлаштиришга ҳаракат қилиб келади. Худди шу йўллар билан улар хайларнинг этник тарихини «кенгайтиради» ҳамда антик шаҳарлар ва халклар номлари, ҳукмдорларнинг исмларида армани илдизларини топишга уриниб келади. Жаҳоннинг нуфузли олимлари армани тарихига миллатпарастлик нуқтаи назаридан ёндашиш тарафдори булмиш арманипарастларнинг кўпчилик назария ва концепцияларини «армани тарихчилигидаги ревизионистик концепциялар» сифатида баҳолаб булган. Бир қатор муаллифларнинг фикрга кура, ревизионистларнинг дастхати бу *«бир томондан, арманиларнинг Арманистон пасттекислигида (Кичик Осиё шарқида ва Кавказортида) туб халқ эканлигини исботлашга қаратилган тарихий концепциялар булиб, улар қўшни давлатлар билан ҳудудий даъволарга асос сифатида қўлланади, иккинчи томондан эса, ушбу ҳудудда туб халқ эмасликдир»*. Арманистон тарихидаги ревизионистик талқинлар танқиди бир қатор хорижлик ва айрим арманистонлик мутахассислар томонидан амалга оширилган[408].

Таниқли тарихчи В.А. Шнирельманнинг таъкидлашича, Арманистондаги ревизионистик концепциялар популистик характерга эга эди: *«Шу билан бирга, ревизионистик концепция ҳатто ленинградлик олим Дьяконовдан кура кўпроқ совет мафкураси билан муросага борган боис узларини ёмонотлиқ қилган етакчи армани тарихчиларига қарши каратилган эди. Ревизионистларнинг уйлашича, 1980-йиллар охирида армани тарихчилиги фанида узи учун жой тозалаш учун қулай фурсат келди деб ҳисоблар эди. Бунинг учун улар яқинлашаётган туб сиёсий узгаришлардан унумли фойдаланар, армани миллий харакатида ҳамда Тогли Қорабог учун курашда фаол қатнашар эди. Уларнинг ишлари Арманистоннинг янги аксилсовет ҳукуматига ёқ ;алиш олган оммабоп журналларда чоп этиларди. Бу орада академик "Тарихий-филологик журнал" 1989–1990 йилларда етакчи армани олимларининг ревизионистларга қарши каратилган мақолаларини мунтазам равишда чоп этиб борар эди. Хусусан, армани археологлари*

---

407. Шопен И.И. Новые заметки на древнюю историю Кавказа и его обитателей. СПб., 1896, Б.26.

408. Philip L. Kohl (англ.), Clare P. Fawcett. Nationalism, politics, and the practice of archaeology. - Cambridge: Cambridge University Press, 1995. Hewsen R.H. Ethno-history and the Armenian influence upon the Caucasian Albanians. Classical Armenian culture: Influence and creativity, Scholars press, Philadelphia, 1982. Аракелян Б.Н., Джаукян Г., Саркисян Г.К. К вопросу Урарту-Армения // Историко-филологическийжурнал, Ереван, № 1, 1987.

Ишханянни армани халқи этногенезига булган содда, археологик манбаларни бутунлай четга суриб қўювчи ёндашув учун танқид остига олар эди. Улар унга арманиларнинг лисоний аждодлари урартлар билан яқин алоқада булиб, қушилиб кетгани ҳақида ёзган Б.Б. Пиотровский ва И.М. Дьяконов сингари етук мутахассисларнинг ёндашувини қарши қўяр эди[409]. *Етакчи армани тарихчиларининг академик журналлардаги мақолалари мунтазам равишда ревизионистик назарияларни танқид остига олиб келар эди»*[410].

Армани олимларининг тарихга булган ревизионистик ёндашувини Арманистон ФА академиклари Б.Н. Аракелян, Г.Б. Жаукян ва Г.Х. Саркисянлар кескин танқид килган эди. Ревизионистларнинг урарт тили ва урарт давлати мавжуд булмагани, урартлар арманилар эканлиги ҳақидаги иддаоларига жавобан улар ревизионистларнинг мазкур тезисларини қатъиян рад этди: *«Тарихий ҳақиқатни қупол тарзда бузиб қурсатувчи бу сингари ҳолатлар охирги йилларда республикамизнинг оммабоп матбуотида тарих фанининг бу соҳаси буйича мутахассис булмаган бир қатор дилетант ҳаваскорлар томонидан кенг тарқатилмоқда»*[411].

Ревизионистлар қадимги Урарту, Хайаса сингари давлатларни «армани халқи бешиги» деб эълон қилиб келмоқда (урартларнинг армани асллиги ҳақидаги концепцияларни қаранг). Жаҳоннинг машҳур олимлари, улар орасида этник арманилар ҳам бор, айтган: *«Замонавий фанда арманиларнинг этногенези буйича умумқабул қилинган, протоарман қабилалари ҳинд-европа қабилаларининг Кичик Осиёга кучиб, маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган фрак-фриг шохобчасига мансублиги ҳақидаги концепцияга хилоф уларок, ревизионистлар арманилар гўёки минтақанинг туб аҳолиси эканлигини, Урарту ва Хайаса эса этник арман давлатлари эканлигини таъкидлаб келади»*[412].

Миллатпарастлик амбицияларини тасдиқловчи илмий тадқиқотларнинг хаққоний академик натижаларига эга бумаган айрим илмий интеллигеция давралари мифологига, черков эртакларига жиддий ва расмий бир тарзда ҳавола келтириб, қуйидагича баёнотлар беради: *«Арманиларнинг биринчи давлатчилик тузилмалари янги*

---

409. Тирацян, Арешян, 1990; Арешян, 1992. P. 26-27.

410. Шнирельман В. А. Войны памяти: мифы, идентичность и политика в Закавказье// Рецензент: Л. Б. Алаев. - М.: Академкнига, 2003. Б.592.

411. Аракелян Б. Н., Джаукян Г., Саркисян Г. К. К вопросу Урарту-Армения // Историко-филологический журнал, Ереван, № 1, 1987

412. Ronald Grigor Suny. Constructing Primordialism: Old Histories for New Nations (англ.) // The Journal of Modern History. Chicago: The University of Chicago Press, 2001. Vol. 73. № 4.P. 862896.

эрадан олдинроқ пайдо булган эди». Айрим ҳолларда масала янада чукурлашади: *«Армани давлат тузилмалари милоддан аввалги V-II асрларда пайдо булди»*. Яна бир даракда *«Арманистон сатраплиги»* ёки *«Аҳамонийлар салтанатининг 13 ва 14-сатрапликлари»* хусусида суз боради. Учинчи ҳолатда арманилар яшаган у ёки бу сиёсий структура тилга олинади. Тўртинчи ҳолатда эса айтилади: *«Армани давлатчилиги ҳақидаги батафсил маълумотлар бизга м.ав. V-IV асрлар юнон тарихчиси Ксенофонтнинг 'Киропедия' тарихий-дидактик асарида сақланган ривоят орқали етиб келган»*. Албатта, «маълумотлар сакланиб қолгани» яхши, лекин бу ҳақиқат уларок кабул қилиниши мумкин эмас. Бу давлат тузилмалари ҳақида кам маълумот бор, уша пайтларда уларнинг ҳудудида яшаган нуфуснинг этник мансубиятини аниқлаш ҳам анчайин қийиндир.

Бугунги кунда миллатпараст олимларнинг энг муҳим баёнотларидан бири қуйидагидир: *«Арманистон ҳудудида шаклланган биринчи ва ягон халқ бу армани халқидир!»*. Қайд қилиб утиш жоизки, барча арманишунослар ҳам Урартуни уз давлати деб эълон қилмайди. Ревизионистларнинг мухолифлари бўлмиш олимлар таъкидлайдики: *«Урарту империя эди, ва Олд Осиё учун хос булган ушбу деспотик давлатнинг барча белгилари ҳам армани давлатчилиги томонидан мерос қилиб олинмаган эди»*.

Урарт шаҳри очувчиси[413], жаҳонда пом козонган россиялик олим, «Армани халкининг келиб чикиши тўғрисидаги» (Ереван, 1946), «Кармир-Блур. 1–3-жилдлар» (Ереван, 1950–1955), «Ван подшолиги» (Москва, 1959), «М.ав. VIII-VI асрларда Урарту санъати» (Ленинград, 1962) сингари китоблар муаллифи, академик Б.Б.Пиотровский арманишунослар археологик артефактлар ва ёзма манбаларни сохталаштираётгани ҳақида куп бора огоҳлантирган эди. Шу муносабат билан 1971 йилда «Арманистон ССР ФА тарихий-филологик журнали»да (№3, Б. 302–303) унинг ушбу «илмий орган»га нисбатан эътироз мактуби эълон қилинган эди:

«Шу йилнинг 24 мартидаги Арманистон ССР Фанлар Академияси Президиуми йиғилишидаги уз чиқишимда мен Академия нашрларида ҳамда бир қатор журналларда Арманистоннинг қадимий иероглифик ёзуви ҳақидаги мақолалари чоп этилганига, уларда муаллифлар араб хатларини м ав. XIX-XVII асрларга оид Хайаса ёзуви қилиб кўрсатишга уринганига эътибор қаратгандим.

Ушанда мен фақат оғзаки хабар билан чекланиш мумкин деб

---

413. Древний город государства Урарту, развалины которого расположены на холме Арин-Берд, на окраине современного Еревана.

уйлагандим, лекин С. Айвазян томонидан турли инстанцияларга, жумладан, Арманистон ССР Фанлар Академияси Президиумига йулланган мактублар шуни курсатдики, у менинг Президиумдаги чиқишни нотўгри деб ҳисоблар экан. Шу боисдан мен сизлардан менинг изоҳларимни чоп этишингизни сўрайман.

Бир қатор мақолаларида С. Айвазян унинг томонидан очилган м.ав. XIX асрга оид иероглифик хат ҳақида хабар беради ва, Мецамо қояларидаги белгиларни ўз вақтида Н. Эмин томонидан чоп этилган ('Н О. Эминнинг тадқиқот ва мақолалари'. Москва, 1896, Б. 204) армани қўлёзмаларида сақланиб қолган белгилар билан таққослаб, ҳеч қандай қийинчиликсиз бу ёзувларнинг таржимасини беради.

Арманистон ССР Фанлар Академияси ахборотномасида (Ер ҳақидаги фанлар, XVII, 6. Ереван. 1964, Б. 73–81) 'қадимги армани (гиксос) иероглифик алифбоси бошланмаси бўлган', С. Айвазян дадил таржима қилаётган Хайасса иероглифлари туширилган бронзадан ишланган 'шахсий ишонч белгиси' ва тангалар эълон қилинди (Б. 78).

Б. Мкртчяннинг инглиз тилида (The Mystery of Metsamor) Чехословакиянинг 'New Orient' журналида чоп этилган (VI, 1967, №3, Б. 76) мақоласида, 'м.ав. XIX асрга оид Хайасса тангалари'нинг чизмаларидан ташқари, уларнинг фотосуратлари ҳам жойлаштирилди (Бундай фантастик солномалар битишдан аввал нумизматиканинг умумқабул қилинган гарихи билан танишиб чиқиш жоиз эди. Унга кўра, м.ав. XIX асрда афсонавий 'Арманистон' эмас, антик даврда Кичик Осиёда реал мавжуд бўлган Лидия давлати - танганинг ватани. Айнан Лидияда м.ав. VII асрда ёки сал эртарок инсонят тарихидаги илк тангалар зарб этилиши бошланган)[414].

Бу тангалар Арманистон Тарих музейи нумизматика бўлимига жунатилганида, қуйидагича хулоса олинди: 'New Orient' журналида тасвирланган мис тангалар м.ав. XIX аср пул бирликлари сифатида мутлақо нотўгри талқин этилган (С.М. Айвазян бошланишини м.ав. XIX асрга бориб тақагани армани нумизматикасига мил. XII-XIII асрлардаги Озарбайжон отабеклари - Элденизийлар зарб этган тангаларни нисбат берди. Отабекларнинг мулклари қаторига бугунги Арманистон Республикаси ҳудуди ҳам киргани учун у ердан Озарбайжон ҳукмдорларининг тангалари кўп миқдорда топилган[415]). *Аслида бу тангалар (ёзувлари ўчиб кетган) эрамизнинг XII–XIII асрларига мансуб бўлиб, Элденизийлар сулоласидан чиққан*

---

414. СИЭ, том 8, стлб. 677.

415. Пахомов Е.А. Монетные клады Азербайджана и других республик, краёв и областей Кавказа, вып. I-IX. Баку, 1926-1965.

Озарбайжон отабеклари томонидан сўқилгандир. Улар ўрта асрлар Арманистони ҳамда Кавказортининг қўшни вилоятларида кенг истеъмолда эди (Бу тангалар Элденизийларга тегишлилиги ҳақида таниқли армани тангашуноси, тарих фанлари доктори, профессор Х.А.Мушегян ёзади. Унинг қайд қилишича, XII асрда Кавказ Арманистонида Элденизийлар сулоласидан чиққан Озарбайжон отабекларининг тангалари истеъмолда бўлган. Шунингдек, у мазкур тангалар Элденизийлар ҳукмронлиги остидаги армани шаҳарларида зарб этилганини тасдиқлайди[416]).

Кўриб турибмизки, С. Айвазян тарафидан чоп этилган ва Б. Мкртчянинг мақоласида қайта чиқарилган фальсификациялар реалликка мутлақо алоқадор эмас, муаллиф қилиб ёлгон чизмаларни жўрттага чоп этишга қандай жўръат этганидан ҳайрон бўлиш мумкин, холос.

Меҷамор тошлари ва қояларидаги 'Хайаса ёзувлари' (м.ав. XVII аср) билан боғлиқ вазият бундан яхши эмас. Жўмладан, юқорида иқтибос келтирилган мақолада (Изв. АН Арм.ССР, Науки о Земле. XVII. 6, Б. 80) 'Меҷамор петроглифи' келтирилиб, унга ҳатто матн таржимаси илова қилинган: 'Бундай кейин олов уйи (бой хонадон). Икки маротаба табаррук Акоп, (унга) булоқли ер абадийга тегишлидир'. Аслида эса, Арманистон ССР ФА Тарих институти арабшуносларининг хулосасига кўра, тош араб хатидаги ёзувнинг нотўғри кўчирилган нусхасидир: 'Али... Қосимхон Албатта, бу ёзув, С. Айвазян ўйлагандай, чапдан унга эмас, тескри йўналишда, унгдан чапга ўқилади.

Шунингдек, С. Айвазян куфий хати билан ёзилган Муҳаммад, Ҳасан ва Али исмларини Хайасса иероглифлари деб ўйлаган, бунда тамғасифат белгилар, куфий ёзуви ва петроглифлардан (шохдор жонивор тасвири) у тўлиқ ёзув тузиб чиқиб, уни чапдан унга қарата ўқиган ва қуйидагича таржима қилган: 'Ёзги дала... уткинчи кумуш иштиёқманди, (бу) асосий бой (бойитувчи) хонадон... Шохдор жонивор (қурбонликка келтирилди)... Бой хонадонга йўл барчага (тақиқланган)... Жаҳаннам...' (қаранг: Известия Академии наук Арм. ССР, Науки о Земле, XVII, №2, 1964, стр.73; С.Айвазян. К некоторым вопросам истории и металлургии древнейшей Армении. Ереван-Москва, 1967. Производственно-издательский комбинат ВИНИТИ. Люберцы, стр.84-86). Арабча Али исми эса қўлёзмалардаги 'бой хонадон', 'олов уйи' (?) белгиси билан, Ҳасан исми эса 'бой' белгиси билан таққосланган. Аммо араб хати билан озми, кўпми таниш ҳар қандай одам бу ерда исмларнинг

---

416. Мушегян Х.А. Денежное обращение в античной и средневековой Армении по нумизматическим данным (V век до н.э.-XIV век н.э.). Автореф.докт. дисс. Ереван,1975, Б.44-45.

куфий хатида ёзилишини дарров пайқайди. Келтирилган мақолада 'айрим археологлар Мецамор тош ёзувларини арабча деб ҳисоблагани' (Б. 71) тилга олиниши янада қайратланарли, наҳотки бу фикрни арабшунослар ёрдамида текширувдан утказиш қийин эди?

С. Айвазяннинг нусхалар ноаниқ ва уларга кура араб ёзувларининг характери ва вақти ҳақида бир нима деб булмайди, аммо улардан бирининг Б.Мкртчяннинг инглиз тилли мақоласида келтирилган фотосурати асосида проф. В.А.Крачковская қуйидаги хулосага келди: Мецамор ёзувларида араб куфий хатининг тажрибасиз қулда ижро этилган белгилари бор, улар унгдан чапга қуйидагича уқилади: Али ва Ҳасан. Белгиларнинг шаклига қараганда, улар урта асрларга оид булиши мумкин эмас, м.ав. XIX асрга боғлаш эса мутлақо имконсиздир. Мецамор тепалиги яқинида бир пайтлар Зейва номли озарбайжон қишлоғи жойлашганини эслаш уринли (Мецамор тепалигидаги озарбайжонларнинг Зейва қишлоғи ҳақида. Д.Д. Пагиревга кура, Эривань губернияси XX аср бошида шу ном остидаги унга озарбайжон кишлоғи қайд қилинган[417]).

Шу тарика, Мецаморнинг Хайасса иероглифлари ҳақидаги кенг реклама қилинган асотирлар фош этилди, улар ҳақидаги маълумотлар нуфузли журналларга тушиб қолгани эса ачинарлидир (Anatolian Studies, XVIII, 1968, стр.200-202). Ахир Мецамор петроглифлари 'дешифровкаси' асосида жаҳон алифболарининг м.ав. XVIII асрга оид Мецамор-гиксос-қадимги алифбосидан келиб чиққанлиги ҳақидаги масъулиятли хулосалар қилинган эди (қаранг: С. Айвазян. К некоторым вопросам истории и металлургии древнейшей Армении, стр.102). унинг жадвалида Мецамор алифбосидан қуйидагилар олиб чиқилади: Маштоцнинг армани алифбоси (V аср), Финикия алифбоси (м.ав. VIII–VII асрлар), ҳинд алифбоси (м.ав. XV асрлар) ва ҳоказолар: жанубий семит, юнон алифболари, Осиё, Африка, Европанинг барча алифболари (Фанда алифбонинг пайдо булиши м.ав. II мингйиллик охирига - финикия харфли хатига бориб тақалиши қатъий исботини топган[418]).

Айвазян гипотезаларининг кенглигигагина эмас, саводсизлиги қуламига кура дахшатли булган бу жадвал "Комсомолец" ёшлар газетасида (1968 йил 15 ноябри) қайта чоп этилгани, Хайасса хати назарияси эса 'Гарун' журнали томонидан қуллаб-қувватланганига (1969, №1) ҳайрон қолса арзийди. С. Айвазяннинг ўзи ёзган эди: 'Ниҳоят, биз томонимиздан геологлар гуруҳи билан биргаликда очилган Мецамор Хайасса археологик объекти, унинг ривожланган

417. Пагирев Д.Д. Алфавитный указатель к пяти вёрстной карте Кавказского края. и здания Кавказского Военно-Топографического Отдела. Тифлис, 1913, стлб. 97.

418. Фридрих И. История письма. Перевод с нем. Москва, 1979, гл. III.

тоғ-металлургия ишлаб чиқариши, иероглифик хат тизими Хайасанинг Арманистоннинг Арарат вилоятида жойлаштириш борасида ҳеч қандай шубҳа қолдирмади. Мецамор бошқа бирор халқ эмас, айнан Хайаса (яъни қадимги армани) маданияти ёдгорлиги эканлигининг исботи бу ерда Арманистон бўйича биринчи марта аниқланган иероглифик хатлардир. Муаллиф томонидан уларнинг Матенадараннинг урта асрларга оид айрим қўлёзмаларида сақланган армани иероглифик белгилари билан корреляцияси асосида дешифрокаси амалга оширилди. Шу тарика юз йиллик тушунмовчилик - Урарту давлат концепцияси мавжудлигини битирди. С. Айвазян бу 'концепцияни' қуйидаги асосда маглуб этилган деб ҳисоблайди: 1) Мовсес Хоренаци Урарту ҳақида ҳеч нарса демайди; 2) Хайаса мамлакати, Мецамор иероглифларига кура, урартларга тегишли деб ҳисобланган барча ҳудудни эгаллаган булиб чиқади, ва 3) Вандан топилган миҳхатни арманичасига уқиш керак. Охирги масалага С. Айвазяннинг 'Армани миҳхатининг уқилиш' китоби бағишланган (Ереван, 1953). У ерда кўп ҳолларда урарт ва армани сўзларининг бир-биридан узоқ ва ноаниқ қиёслари тилларнинг фонетик мувофиқлиги ва уларнинг тузилиши инобатга олинмаган ҳолда келтирилади (урарт сўзларининг армани тилига ўзлашгани ўз вақтида Г.А. Капанцян ва Гр. Ачарян томонидан исботланган эди).

Урарт миҳхати армани тилидаги хат эканлигини исботлаш учун армани-урарт мувофиқликларини териб олар экан, С. Айвазян улар нафақат урарт, балки оссурия миҳхатларини ҳам армани тилидан таржима қилган А.Мордтманнинг фикрларини такрорлаётганини билмаган ҳам (Zeitschriftder Deutschen Morgen lendisch engesell schaft, XXVI, 1827). Бу фикр юз йил олдин айтилиб, аллақачон фан томонидан рад этилгандир.

Менинг Арманистон ССР Фанлар Академияси Президиуми йиғилишида армани тарихий фанига зарар етказаётган ва, афсуски, оммабоп адабиётга кириб улгурган савдосиз 'назариялар' оқимини тўхтатиш айтиб утган изоҳларим мана шулардан иборат эди.

Академик

Б. ПИОТРОВСКИЙ (Ленинград)».

Юқорида келтирилган маълумотларга қушимча равишда яна бир нарсани қайд килиб утамиз. Б.Б.Пиотровскийнинг «Арманистон ССР ФА тарихий-филологик журнали»да чоп этилган эътироз хати арманипарастларнинг бир катор навбатдаги уйдирмаларини узил-кесил фош этади. Шу билан бирга, С. Айвазяннинг ишидаги жаҳон тарихи ва Озарбайжонга алокадор айрим лаҳзаларга эътибор қаратмоқчи эдик.

Бошка нарса ҳайратланарли. Миллатпараст олимлар тадқиқотчилар сифатидагичиқишларидатизимлиравишдам.ав.VIасрдаги Арманистон таркибига оз эмас, кўп эмас, *«ғарбда Пиренеи ярим оролидан шарқда Марказий Осиёга, шимолда Жанубий рус даштларидан жанубда Форс қўрфазигача»* булган ерларни киритади[419]. Бу ерларнинг бари туб армани ерлари сифатида курсатилади. XIX аср охири, XX аср боши миллатпарастлари «Денгиздан денгизгача булган Буюк Арманистон» мавзусини кўп кутарар эди, лекин XX аср охири ва XXI аср боши армани миллатпарастлари «Буюк Арманистон» ерлари сирасига «океандан океангача» - Тинч океанидан Атлантика океанигача булган ҳудудни, шу жумладан, бутун Туркистон ва Кавказни тулалигича киритмоқда. Тарих фанига бу тарздаги ғайриилмий ёндашувлар, сиёсий мақсадлар йулида армани этноси тарихини кадимийлаштиришга булган ўзини окламайдиган уринишлар миллатпарастлик руҳига йўғрилган олимлар томонидан қуллаб-кувватланади, бундай усуликанинг илмий танқиди эса шахсий даражадаги ҳакоратлар билан кутиб олинади.

«Регнум» агентлиги хабарига кура, 2003 йил 15–20 сентябрида Ереванда ўтган Халқаро арманишунослар конгрессида бир гуруҳ армани тарихчилари баёнот билан чиқиб, унда, хусусан, қуйидагиларни айтган: *«Армани халқи онгидаги меросийлик феномени миллатнинг моҳиятан ягона - тарихий-маданий ботинини очиб қуяди. Бугун фронт чизиғи академик коридорлардан ҳам утади. Армани илмий элитаси бу фактни четга суриб қўйишга ҳақли эмас»*[420].

Эслатиб утамиз, ҳали XIX–XX юзйилликларда Жанубий Кавказда «Гнчак» ва «Дашнакцутюн» бошчилигидаги армани миллатпараст шовинистлари буюк ҳокимиятлар кумагида узларининг Кавказдаги мавжудлигини, тинч аҳолига қарши террорчилик актлари билан бир қаторда, аллакандай ғайриилмий баёнотлар ёрдамида асослашга ҳаракат киларди. Бу саъй-ҳаракатлар арманиларнинг кушнилари билан юзма-юз келишига сабаб булди. Бошка томондан, бу коллизиялар ўз вақтида Кавказнинг Россия империяси, сунг большевик Россияси томонидан эгалланишини осонлаштирди.

1919–1920 йилларда Жанубий Кавказда ишлаган англиялик журналист Скотланд-Лиддел қайд килади: *«Арманистон у ерда «Дашнакцутюн» партияси кучга тулгани боис бахтсиздир. Бу террорчи инқилобий ташкилот булиб, кўп йиллардан бери арманиларни мусулмонларга ҳужум қилишга қасддан ундаб келган.*

419. Айвазян С. Исторические карты Армении. Карта 27.

420. ИА REGNUM. «Интеллектуальная агрессия против армянской научной мысли финансируется Госдепом США», отмечают участники международного конгресса арменоведов

Улардан муносиб интиқомни олгач эса, улар жаҳон симпатияларини 'бечора арманилар'га қаратишга уринарди... Дашноқлар учун ҳар бир ўлдирилган армани ута қадрлидир. Агар бундай вазиятдан фойдаланиш керак булса, улар пропагандасидан кўп фойда ундира олади»[421].

Шу уринда буюк гуржи ёзувчиси ва маърифатпарвари Илья Чавчавадзенинг (1837–1907) сузларини келтириши керак: *«Миллатнинг тушиши ва ифлосланиши у, ўз бахтига қарши, тарихини унутганида бошланади. Кимлигини, қаердан ва қаерга кетаётганини билмайдиган ўйсиз дайдини ҳеч ким инсон демагандай, Ҳудони газаблантирган, ўз тарихини унутган миллат ҳам миллат деб аталишга ҳақли эмас»*[422].

1907 йили Гуржистоннинг XX аср бошидаги энг машҳур зиё аҳли вакилларидан бири Илья Чавчавадзе большевиклар тарафидан ўлдирилди[423].

Арманипарастларнинг ўз давлати тарихини қадимийлаштириш йўлидаги асоссиз баёнотлари ҳақида гапирар эканмиз, реал тарих ҳар доим ҳам замонавий сиёсатнинг ноғорасига ўйнамаслигини унутмаслик лозим. Узларининг ҳудудий ва сиссий эътирозларида тарихий даврлардан ҳам кадимийроқ мифлардан асос кидирувчи армани миллатпарастларидан фарқли равишда, туркларнинг тарихий хотираси ва улар томонидан ўз яшаш муҳитининг қабул килиниши фактларга, тирик, сунъий концептуализацияга мухтож булмаган ҳақикий анъаналарга асосланади. Масалан, 1912 йилгача Иреван уездида 42 масжид, Эчмиадзин уездида - 33 масжид, Зангизур уездида - 35 масжид бор эди[424]. Ҳозирги пайтда барча меъморчилик ёдгорликлари армани куролли гурухлари томонидан вайрон килинган. Арманистон Республикаси пойтахти - Ереван шаҳри ҳакида В.В. Бартольд ёзади: *«Эривань амир Темур даврида (XIV аср) қишлоқ сифатида пайдо булди, шаҳарга эса фақат XVI асрда, шоҳ Исмоил даврида айланди, ушанда у бугунги номини ҳам олди»*[425].

Арманипарастларнинг Озарбайжон Республикасининг босиб олинган ҳудудларига ўйлаб топилган «тарихий ҳак-ҳуқуқлари»нинг

---

421. Скотланд-Лиддел. Война с мусульманами. Армяне вновь перешли в наступление. 30.01.1920 // ГААР, ф. 894. оп. 10. д. 81, л. 9-10.

422. Иктибос: Метревели Роин. Святой Давид Строитель. Стокгольм, 2013, Б.242.

423. Гейфман А. Революционный террор в России, 1894-1917/ Пер. с англ. Е. Дорман. - М.: КРОН-ПРЕСС, 1997. Глава 3 «Социал-демократы и террор» Б.448.; Михаил Александрович Бахталзе, Мераб Вачнадзе, Вахтанг Гурули История Грузии (с древнейших времен до наших дней). ТХТ. Тбилиси: Тбилисский государственный университет, 1993.

424. Гусеинов Р. Азербайджан и армянский вопрос на Кавказе. Баку, 2015. Глава I-II. Б.28-116, 131-204.

425. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России, Изд.2., 1925, Б.101.

миллатпараст муаллифлари улар Озарбайжонга қарши урушни нега бошлаганини тушунтириб бера олиши даргумон. Улар уруш сабабларини нуқул ривоятлар, асотирлар ва черков эртакларидан қидиради. XX аср 70-йилларининг урталарида Ереваннинг илмий муассасалари ҳақиқатдан йирақ тарихий ва филология опуслар чоп этишни бошлаган эди. Уларда барча нарса бошдан оёқ терс ёзиларди. Бу фальсификациялар «Денгиздан денгизгача буюк Арманистон» концепциясини оқлаши лозим эди. Уйдирилган, ҳеч қачон мавжуд булмаган мифологик «давлат» арманишуносларнинг тарихий хаританларида Урта Ер–Кора–Каспий денгизлари учбурчагида[426] - Туркия, Озарбайжон, Гуржистон, Эрон, Ирақ, Сурия, Ливан ва ҳатто Исроил ҳудудларида тасвирланади.

Арманистоннинг сиёсатга ва миллатпарастликка муккасидан кетган тарих фани расмий Ереванга Кавказ ва Кичик Осиё туркий халқларига нисбатан тажовузкорона сиёсатдан воз кечишга йул қолдирмаяпти. Арманиларнинг афсоналаштирилган тарихи уз-узидан бутун гурк дунёсига нисбатан булган адоват ва жазавани тушунтириб бера олмасада, армани-озарбайжон этник антагонизми Жанубий Кавказ халқларини кескинлик ошишининг янги палласига ва этносиёсий муаммолар ёқасига келтириб қуйди, ва эндиликда янада кўпрок иштирокчилар ихтилофга қушилишига, Арманистон ва Озарбайжоннинг миллий суверенитетига вайронкор муносабатда булинишига ёрдам бермоқда. Шу билан боғлик равишда укувчининг диккатини бир нарсага каратмоқчи эдик: бугунги кунда - илмий-техник тараққиёт асрида Усмонли салтанатига булган нафрат армани этник террорчилигини Озарбайжон давлати ва этник озарбайжонларга қарши қайрамоқда. Бу қурук таъкид эмас. Постсовет муҳитида, Арманистон Республикаси халқаро муносабатлари сиёсий атмосферада рўй бераётган вокеаларни таҳлил қилар эканмиз, буни кўрамиз.

Маънисиз уруш ва террорни, минглаб тинч одамлар бошига кулфат келтирган ва офатларни коралаш ўрнига, армани зиёлиларининг миллатпарастлик руҳидаги қисми бегона давлат ҳудудларининг босиб олинишини оқламоқда, ҳатто арманиларнинг Жанубий Кавказ ва Усмонли салтанати туркий тилли халқлари билан узаро муносабатлари тарихидан янгидан янги тарихий эътироз ва даъволар суғуриб чиқарилмоқда. Ахвол шу даражага етдики, Арманистонда Гитлер

426. Еремян С.Т. Армения по «Ашхарацуйц» (армянской географии VIIв.) (Опыт реконструкции армянской карты VIIв. на современной картографической основе). Минск, 1961; Айвазян С. Исторические карты Армении. Ереван, 2003; Даниелян А.П. Армения. Исторический атлас. М., 2003; Hewsen R.H. Armenia. A Historical Atlas. Chicago-London, 2001; Hovhannisyan R. Atlas Armenian History. Yerevan, 2007.

Германияси нацист жиноятчилари Дро (Драстамат Канаян) ва Нжде (Гарегин Тер-Арутюнян) шарафига эсдалик тангалари сукилмоқда, фильмлар олинмоқда, Ереванда уларнинг номи билан майдон ва метро станцияси аталмоқда. Фашист жаллодлари ва инсониятга қарши жиноятчиларга таъзим қилишнинг чуккиси Арманистон президенти Серж Саргсяннинг Ереванда Нждега дабдабали ҳайкалнинг очилиш маросимида иштирок этиши бўлди. Ҳайкал Ереван марказида, ҳукумат бинолари ёнида урнатилгани диккатга сазовор.

Кўпгина фахрийлар ҳамда умуминсоний қадриятларга садоқатли одамлар фашизм устидан Ғалаба кунини Иккинчи Жаҳон урушида ҳалок бўлганларни хотирлаш ва қадрлаш куни сифатида нишонлайди. Бу уруш туфайли Ер сайёраси 60 миллион боласидан айрилди. Иккинчи Жаҳон уруши инсоният тарихидаги энг вахший ва каттол уруш ҳисобланади. Урушнинг руҳан ва жисмонан майиб-мажруҳ қилинган, аммо, нима бўлганда ҳам, тирик қолган гувоҳларига ҳурмат ва эътибор кўрсатиш ўзини инсон деб ҳисоблаган ҳар бир кишининг бурчидир.

2015 йили бутун дунё фашизм устидан козонилган ғалабанинг 70 йиллигини гантанали равишда нишонлади. Орадан бир йил ўтиб, 71 йиллик нишонланганидан бир неча кун сўнг, 2016 йил 28 майида Арманистон пойтахти Ереваннинг қоқ марказида Гарегин Нжде ёдгорлиги очилди. Инсониятга қарши жиноятлари учун судланган нацист жиноятчининг хотирасини абадийлаштириш маросимида Арманистон президенти Серж Саргсян «кўзларида ёш билан» ҳиссиётга тула маъруза қилди. Бу воқеалар Россия Федерацияси ташаббусига кура 2015 йил 17 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси «Нацизмни қаҳрамонлаштиришга, неонацизмга ҳамда иркчиликнинг, иркий камситишнинг, ксенофобия ва у билан боғлиқ тоқатсизликнинг замонавий шаклларини ангалатишга хизмат қилувчи бош амалиётларга карши курош» номли A/RES/70/139 резолюциясини қабул қилганида бўлиб ўтди.

Мазкур ҳужжатнинг 4-бандида айтилишича, БМТ БА «нацист ҳаракатининг, неонацизмнинг ҳамда ‘ВаффенСС’ ташкилотининг собик аъзоларининг ҳар қандай шаклда кўкларга кўтарилиши, шу жумладан, ҳайкаллар ёки мемориаллар қуриш йўли билан бино этиш, нацист ўтмишини, нацизм ҳаракатини ва неонацизмни мақташ максадида оммавий намойишлар ўтказиш, шунингдек, бундай аъзоларни ҳамда аксилгитлер коалициясига қарши курашган ёки нацизм ҳаракати билан ҳамкорлик килган, миллий-озодлик ҳаракатлари иштирокчиларига қарши курашган шахсларнинг қаҳрамонлаштирилишидан чўкур ташвишдалигини билдиради».

Парадокс шундаки, нацист жиноятчининг хотирасини

абадийлаштириш буйича тадбир ташкилотчилар «Нжде ғоялари бугун ҳар доимгидан ҳам долзарб булиб, замонавий жамиятда фаол тарғиб қилиниши лозим» деб ҳисоблайди. Арманилардан чиққан Гитлер легионерлар раҳбарларидан бирини тарғиб қилишда эса Россия ресурсларидан фойдаланилади. Машҳур ОАВ саҳифаларида Гарегин Нжде, нацист режимининг ҳамтовоғи, Гитлер ва Гиммлернинг дусти, қаҳрамонларга тенглаштирилади.

Таниқли россиялик актёрлар Чулпан Хаматова (Нжденинг рафикаси роли) ва Михаил Ефремов (Петко Христов ролида) «Гарегин Нжде» фильмида суратга тушди. Ушбу фильм бутун Россия буйлаб намойиш қилинди. Бундан ташқари, Москвада «Гарегин Нжде билан суҳбатлар, ёки Нжденинг 125 йиллигига эсдалик» китобининг тақдимоти булиб утди.

Тарихий маълумот:

Гарегин Нжде (ҳақиқий исми - Гарегин Тер-Арутюнян) 1886 йил 20 январида туғилди. 1902 йили Петербург университетининг юридик факультетида ўқий бошлади. 1904 йили, ўқишни ташлаб, армани миллатпараст гуруҳларига қўшилиб кетди. «Дашнакцутюн» партиясининг Эрондаги ҳарбий лагерларида машғулотлар утади. Кейинчалик, Софиядаги ҳарбий тайёргарлик мактаби курсларидан утиб, Мурад Себастаци бошчилигидаги террорчи гуруҳлардан бирининг таркибига кўшилди. 1908 йили «Дашнакцутюн» аъзосига айланди ва Нжде лакабини олди.

1909 йили году дашноқ ҳарбий отрядлари учун қурол сотиб олиш максадида Россияга келиб, камоққа тушиб қолди. 1912 йили озодликка чиқиб, Болгарияга кетди. Болкон урушида Усмонли салтанатига қарши иштирок этди.

Биринчи Жаҳон уруши йилларида Дро (Драстамат Канаян) бошчилигидаги армани кўнгилли отрядлари командири уринбосари эди. Усмонли салтанати ҳудудида дашноқ армани дружиналарини шакллантиришнинг фаол иштирокчиларидан бири эди, «инқилобий терроргa» булган муҳаббати билан алоҳида ажралиб турарди.

1918 йил сентябрида «Дашнакцутюн» Нждени озарбайжон қишлоқларида этник тозалашлар утказишга йуллади. Нахчивон, Зангизур, Водибасар, Гойча ва Қорабоғда озарбайжон аҳолисига карши шафқатсиз тозалашлари билан «шуҳрат» топди. Шарқий Анатолияда ва Жанубий Кавказда тинч аҳолининг қатлиом қилинишига бевосита раҳбарлик қилди.

1921 йили Арманистон совет давлатига айлангач, Нжде Эронга утиб кетди. Кейинчалик, ҳукмрон «Дашнакцутюн» партиясининг

бошқа аъзолари каби, Европага утиб, Болгария фуқаролигини кабул қилди, лекин 1932 йили Туркия Республикаси элчисига уюштирилажак суиқасдда иштирок этиш учун АҚШга йул олди. Германияда ҳокимият тепасига Адольф Гитлер келганидан сунг фашизм ғояларига садоқат туя бошлади. Иркчилик ғоялари асосида арманиларнинг узига хослиги ҳақидаги нацистик мафкурани тарғиб килувчи «Цехакрон» фашист ташкилотини тузгач, Нжде фашист Германияси билан алоқалар ўрнатди ҳамда вазир Альфред Розенберг билан учрашди. 1937 йили «Дашнакцутюн» партияси аъзолигидан чиқиб, 1942 йил декабрида 15 декабря Шаркий вазирлик (Osterministerium) таркибига кирувчи Армани миллий кенгашининг етти аъзосидан бири сифатида Европада истикомат килувчи арманилар орасида фашизм ғояларани тарғиб килиш буйича фаолиятини бошлади.

1942 йили Нжде Берлинда фюрер Адольф Гитлерга ҳурматини изҳор этди ва шундан сунг генерал Дро билан биргаликда «Армани легиони»ни тузди. У ерда Нжде командир ўринбосари лавозимини эгаллади. «Армани легиони» даставвал Вермахт таркибида эди, кейин эса «Ваффен СС» ихтиёрига утди. Тез вақтда легион шахсий таркиби 30 минг кишини ташкил килди. Нжде асир тушган арманилар олдида оташин тарғибот билан чиқиб, уларни Германия томонга утишга чақирар эди.

Дро ва Нжде бошчилигидаги армани нацистлари аксилпартизан операцияларида, яҳудийлар ва лулиларнинг қирғин қилинишида, шунингдек, Кавказни забт этиш буйича операцияларда фаол иштирок этди. 809-армани пиёда батальони Украина ва Польша ҳудудида ҳаракат килди. Яҳудий ва поляклари йук килишдаги алоҳида фаоллиги учун Вермахтнинг Украинадаги қумондони Гитцингер ҳамда шаркий кисмлар кўмондони генерал-майорг Ильгендан мақтовлар эшитди.

Нацист «СС армани легиони»нинг Евпатория, Алушта, Керчь ва Кримнинг бошқа ҳудудларидаг операциялари ута шафқатсизлиги билан, маҳаллий аҳоли вакиллари - мусулмон крим татарлар ва яҳудий караимларнинг ўлдирилиши билан ажралиб турар эди. «СС армани легиони»нинг ҳисоботларида Ғарбий Кримнинг узида 20 минг тинч аҳоли йук килингани айтилади.

«СС армани легиони» таркибига кирувчи «Дромедар» зондеркомандаси Шимолий Кавказ фронтида кушинлари ортида разведка ва диверсия тадбирларини ташкил этиш билан шуғулланар, йул-йулакай «унтерменш»ларни ҳам қатл килишга улгурарди. Бир сўз билан айтганда, Нжденинг Гитлер ҳукумати билан муносабатлари Бандера ва Шухевичникидан кура анча якин эди. Лекин 1944 йили фронтда Гитлернинг ишлари унча яхши кетмаётганини пайқаган

Нжде Болгарияга қайтди. Совет қушинлари Болгарияга кирганида у уруш якунига якинлашганини жуда яхши тушуниб, совет генерали Толбухинга хат билан мурожаат килди. Рахм-шафқат ва оқланиш умидида у Совет иттифоқига мазкур урушда хар қандай хизмат курсатишга тайёрлигини билдирди. Вермахтдаги хизматини Туркияга қарши уруш эълон қилиниши умидида бу ишга кўл ургани билан тушунтиришга уринди. У нацистлар билан ҳамкорлигини айнан шу билан тушунтирмоқчи бўлди.

Болгарияда Нжде кўлга олиниб, Совет Иттифоқига экстрадиция қилинди. Терговдан сўнг, 1948 йил 10 мартида Нжде Гитлер Германияси тарафида туриб урушган ҳарбий жиноятчи, шунингдек, «Дашнакцутюн» тақиқланган террорчи ташкилоти аъзоси сифатида 25 йиллик камоқ жазосига маҳкум қилинди. «Армани қаҳрамони» 1955 йил 21 декабрда Владимир қамоғида оламдан ўтди. У реабилитация қилинмади.

Бугун архивлар армани қуролли тудалари томонидан дунёнинг бир қанча бурчакларида содир этилган жиноятлар ҳақида кўплаб маълумотларни сақламоқда. Шундай жойлардан бири Болгария эди - у ерда дашноқларнинг қуролли гурухлари маҳаллий турк аҳолисини йўқ қилишда фаол иштирок этди. Нжде бошчилигидаги дашноқ қуролли отряди 1913 йил 15 ноябрида Махрамли қишлоғидаги тинч турк аҳолисига ҳужум қилиб, ўта шафқатсизлик билан аҳолини кирғин қилди.

Болгариянинг кўплаб турк қишлоқларидаги юзлаб одамларнинг қатл этилиши учун Нжде Греция ва Болгариянинг фахрий орденлари билан мукофотланди. Нжде «Цехакрон» нацист ташкилотини тузганида таниқли дашноқ Манучар Сукиасян, 1913 йилги воқеаларни эсларкан, шундай ёзган эди: *«Қаранг, армани миллати қандай кунларни бошдан кечирмоқда. Хафтасига икки-уч марта ўзини ўрлашни талаб қиладиган ва энг манфур қилиқлардан лаззат олувчи ярим эркак-ярим аёл Нжде бизни ор-номус ва инсонийликка ўргатмоқда».* Мохиятан, ҳозирги дунёда бирор кишининг ҳар қандай жинсий мойиллиги ҳеч кимни ҳайрон қолдирмайди ва қизиқтирмайди ҳам, зеро, бир мақолда айтилганидек, ҳамманинг ўзига яраша диди бор. Шундай экан, бир пассив педерастнинг иркий устунлик ҳақидаги ғоялари билан ҳеч кимнинг иши йўқ, лекин ҳарбий жиноятлари учун судланган Нжде исми атрофида Арманистонда бутун бошли культ яратилгани ҳайрон қоларлидир.

Ҳукумат ҳамда президент Серж Саргсян бошчилигидаги ҳукмрон «Арманистон республикачилар партияси» 2004 йили «Гарегин Нжде ва унинг таълимоти» китобини нашр қилдирди. Болалар ва ёш авлодга «Нждеизм» деган махсус фан ўқитилади, Арманистоннинг мактаб ва олийгоҳларида эса «Цехакрон»нинг миллатпарастлик ва иркчилик

руҳидаги тезислари Арманистон Республикасининг қайта тикланиши ғоялари сифатида тарғиб этилади. Бунинг барини Арманистоннинг айрим расмий шахслари масъулиятини унутиб, этник кибру ҳавога берилганлиги билан тушунтириш ва тегишлича баҳолаш мумкин эди, аммо фахрийларнинг ҳамда илғор аҳоли қатламларининг ҳиссиётларига булган бехурматликни ҳеч нарса билан оқлаб булмайди. Бу воқеадан ташқари, Арманистон Республикаси ҳукумати БМТ Хавфсизлик Кенгашининг, БМТ Бош Ассамблеясининг деярли барча резолюцияларини, бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг резолюция ва баёнотларини эътиборсиз колдирмоқда. Бу энди шунчаки беэътиборлик ёки этник манманлик эмас, балки жаҳон ҳамжамиятининг кўп йиллик саъй-харакатлари билан ҳали харитада Арманистон номли давлат йуқлигида яратилган халқаро тизимга ва унинг геосиёсий назоратига яккол тахдиддир.

Расмий Ереваннинг Биринчи ва Иккинчи Жаҳон урушларидан мерос булиб колган тарихий жараёнларнинг асл моҳиятини ўз сиёсатчиларининг хатти-харакатларини ҳамда ҳукмрон режимнинг коньюнктур манфаатларини ҳимоя килиш мақсадида бузишга булган интилиши, бунинг тизимли равишда халқаро ҳуқуқ тизимининг анъанавий кадриятларига зид келиши жаҳонда кўпчиликни ташвишга солмоқда. Тарихий кадриятларни қайтадан баҳолаш ксенофобия кайфиятларининг усишига олиб келади, этник арманилар истиқомат киладиган мамлакатларда экстремистик, миллатпараст шиорларнинг ҳамда туркийларга карши чақирикларнинг пайдо булишига гуртки беради.

ХУЛОСА

Ҳозирги кунда, халқлар тарихини ва маданиятини йуқ килиш буйича кудратли аппарат - СССР йуқ бир замонда умуминсоний меросни асоссиз ва ғайриилмий таксимлаш куринишидаги носоғлом тенденцияларкузатилмоқда. Ғайриилмий назариялармуаллифларининг купайиб колган эътироз ва шикоятлари шундан иборатки, гуёки туркий халқларнинг мустамлака килиниш тарихини тадқиқ этаётган ва ёзаётган тарихчилар пантуркизм ва миллатпарастлик ғояларини тарғиб килиш мақсадида "сохта тарих" уйлаб топаётган эмиш, хеч кандай мустамлака ва ҳарбий куч билан буйсиндириш булмаган эмиш. Бу йуналишдаги бугунги муаллифларнинг публицистик ва ғайриилмий мақолаларини баҳолашда халқлар ўртасида адоват тарғиб килинаётгани билан боғлиқ фактни эътибордан қочириб булмайди. Миллатпарастларнинг бундай чиқишларида бошқа миллатга нисбатан адоват ва хусуматнинг тарғиб килиниши аниқ-равшан акс этади.

Ҳозирги сохта тарихчиларнинг тактикаси осон ва тушунарли: факат ғайриилмий тезислар ёрдамида давлат ичида сунъий норозилик

салоҳиятини яратиб бўлмайди, жаҳон ҳамжамияти эътиборини тортишнику, ғанирмаса ҳам бўлади, аммо бу сохтакашлар ортида турган сиёсатчиларга сув ва ҳаводай зарур. Халқ ичида ғалаёнлар, норозиликлар чиқариш ва шунга ўхшаган мақсадларига эришиш учун, баъзи бир сиёсий технологлар биринчи навбатда умумтурк тарихи бўйича реал академик тадқиқотлар натижаларига бўлган умумий ишончни ҳамда уларнинг обрўини тушириш ёки тамомила йўқ қилиш йўлида иш олиб боришлари аниқ. Айнан панславизм, русофилия, орий назарияси, арманипарастликни жон-жаҳди билан тарғиб қилган тарихчилар ҳар доим туркийлар тарихини ўрганувчи тадқиқотларга эътироз билдириб келган, ва бу шунчаки ўтмиш акс садоси, холос. Дарвоқе, бу ҳам Россия империяси ва совет тарихчилар мактабининг эски лойиҳаси қолдиқларидир - ўшанда ҳам ҳар нарса пантуркизм ёки чет эл махсус хизматларининг қўпорувчилик фаолияти деган уйдурмага бориб тақалар эди.

Постсовет муҳитидаги сохта тарихчиларнинг ишлари тарихни афсоналаштириш сиёсий курашнинг асосий услуб ва воситаларидан бири бўлиб қолаётганидан дарак беради. Ижтимоий онгга афсонавийлаштирилган ғайриилмий тасаввурларни ҳамда тегишли мафкуравий майлларни ерлаштириш ва сингдириш устида ишлаётганлар олдида турган мақсад ва вазифалар фуқароларнинг ўз тарихи ёки бошқа давлат ёхуд тегишли сиёсий оким электротанининг дунёқарашларини издан чиқаришга қаратилган.

Айрим миллатпараст-шовинистлар ҳали-ҳамон 1915 йили Шарқий Анатолияда бўлиб ўтган воқеаларни қўпиртириб ҳикоя қилиб юрибди. Улар учун, ёлғон, туҳмат, фактларни бузиб кўрсатиш - исботлаш усулидир, зеро улар бу ишларни яхши ва олий мақсад йўлида амалга ошираётганига ишонади. ОАВда тизимли тарзда чиқаётган провокациялар уларнинг муаллифлари мавжуд аксилусмонли нафратини ўзаро қариндошликни рўкач қилиб, барча туркийларга йўналтиришга уринаётганлигини пайқаш қийин эмас. Бу эса армани ва турклар ўртасида Усмонли давридаги душманликнинг давоми эмас, балки арманилар ва барча замонавий туркий халқлар ўртасида адоватни алангалатиш йўлидаги кўп қадамли пухта ўйланган акциядир. Асоссиз мулоҳазалар ва тарихнинг бузиб талқин қилиниши, ўз навбатида, бу воқеалардан бехабар, яхши маълумотга эга бўлмаган, фақат паспортнинг бешинчи графасида қандай ёзув турганини биладиган одамларни ўзлари танимайдиган одамларга нисбатан зўравонлик ишлатишига, тарих ғилдираги юз ёки минг йил ўтиб яна ортга қайтишига олиб келади. Бундай провокациялар армани-турк

зиддиятининг ва этник антагонизмининг ҳал этилишига эмас, унинг турли этник ва конфессионал гуруҳлар яшаётган баъзи ҳудудларда янада авж олишига хизмат килади.

Бугунги кун ҳақиқатларидан келиб чиққан ҳолда, Жанубий Кавказда «Буюк Арманистон» учун «ҳаётий муҳит» яратишга бўлган уринишлар асоссиз ва маънисиз эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин. Илгор армани зиёлилари Кавказ Арманистонини буюк ҳокимиятлар айёр ташқи сиёсий манфаатлари ижрочисидан Жанубий Кавказнинг қўшнилар билан тинчлик ва фароғатда яшайдиган тинчликпарвар мамлакатига айлантиришга уриниб кўриши лозим. Бугунги мураккаб вазиятга қарамай, этник ихтилофни ҳал этиш учун можароси томонлари - Озарбайжон ва Арманистон зиёлилари ўртасида ижобий мулоқот ўрнатиш зарурати долзарблигича қолмоқда. Арманилар томонидан туркларга бўлган адоват ва кибрни унутиш, турк ва арман халклари яшаётган барча минтақаларда дўстона муносабатлар ўрнатиш учун ижобий йўлдан бориш зарур!

Прагматик мулоҳазалардан келиб чиқилса, ҳатто «1915 йилги армани геноциди» деган уйдурма ҳам расмий Ереван томонидан орка планга ўтказилиши ёки тамоман унутилиши мумкин. Агар чин дилдан чиқаётган ният бўлса, самарадор ҳамкорлик учун ижобий ҳамкорлик нуқталарини топиш мумкин. Шубҳасиз, дўстлик ва аҳил-иноқ қўшничилик жамият гуллаб-яшнашининг кафолатидир!

СЎНГ СЎЗ

Жаҳоннинг кўпгина минтакаларида этно-конфессионал руҳдаги талотўплар тинмаётган бугунги мураккаб кунда замонавий этник ихтилофлар манбаларини урганиш ҳамда сиёсий уйинларда қўлланаётган миллатпарастлик тенденциялари таҳлили тафаккурнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Ахборот урушлари жараёнида этник келиб чиқиши билан кеккайиш, бошқа халқлардан устун бўлиш орзулари, бошқа миллатни камситиш сингари иллатлар жамиятнинг алоҳида аъзолари онгига манипуляцион услубларда ўрнаштирилиши ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Кўпчиликнинг хабари бор, сунъий яратилган ғайриилмий тезислар ёрдамида оммани ёлғон ғояларга ишонтириш иши жадаллаштирилиб, янглиш қарашларнинг ҳаққоний ва асослилиги ҳақидаги фикрлар инсонлар онгига сингдиришга ҳаракат қилинади. Пировардида ёлғон ғоя ва хурофотлар негизида яратилган этник ихтилоф туфайли жиноятлар содир этувчи миллатпараст шовинистлар ушбу жиноятларни амалга оширишга, бировларни қалтаклаш ва жароҳатлашга ҳалоқан ва маънан ҳақли эканлигига ишонтирилади, чунки улар котилликларини сиёсий сабабларга кўра асосли деб ўйлайди. Телбалик авжига чиққан паллаларда турли вайронкор ғоялар тарафдорлари гуруҳларга бирикади, у ерда эса, ўз навбатида, оммавий жиноятлар кўринишидаги бўлажак тадбирларнинг сиёсий мотивлари шакллантирилади.

Қўркитиш ва қасос актлари асосан сиёсий сабабларга кўра содир этилади. Сиёсий мотивацияга эга бўлган зўравонлик хатти-ҳаракатлари террорчилик атамаси билан юритилади. Сиёсий сабабларга кўра зўравонликка қўл урган шахс эса террорчи деб аталади. Айрим мамлакатларда ҳатто сиёсий моҳиятга эга бўлмаган ҳар қандай зўравонлик ҳам террор сифатида тушунилади. Террорнинг туб мазмуни - тинч аҳоли вакиллари, қуролсиз инсонларга карши зўравонликнинг содир этилиши. Террор нафақат якка, балки оммавий котилликлар билан ҳам характерланади.

Бугунги ғоявий-сиёсий технологияларнинг мустақил постсовет мамлакатларига қарши қўлланаётган энг оддий ва камчиқим усулларидан бири улардаги ички сиёсий вазиятни издан чиқаришга, мамлакат раҳбариятини қандайдир ташқи сиёсий кучлар билан тўқнаштиришга бўлган уринишдир. Бунинг учун турли ташкилот ва тузилмалар учинчи кучлар раҳнамолигида муайян мамлакатда ҳукм сураётган давлат тузумига қарши ички норозилик кайфиятларини авж олдириш бўйича режа ва стратегиялар тайёрлайди. Бундай сиёсий технологияларнинг асосий мақсади керакли минтакаларда

миллатлараро ва конфессиялараро тенденциялар асосида бошқарилувчи туполон-хаос ҳолатини яратишдир.

Ғайри инсоний сиёсий технологиялар ишлатилишининг оқибатлари ҳозирга қадар Тоғли Қорабоғда, Катта Яқин Шарқда, Украинада кузатилмоқда - мазкур ҳудудларда қуролли ихтилофлар тутаб, ўт олиб, яна қайта алангаланиб турибди. Боши бузуқ одамларни онгсиз хатти-ҳаракатларга ундаган ва инсоний қиёфанинг йўқолишига олиб келган террорчилик актлари давлат раҳбарияти нуфузи ва обруига путур етказиш билан бошланиб, бир пайтлар гуллаб-яшнаган мамлакатларнинг иқтисодиёти ва инфратузилмаси вайрон бўлишига олиб келади.

Миллатлараро ва Конфессиялараро адоватларни яратиш технологиялари ҳаттоки бир-бирига яқин қардош халқлар ўртасида ҳам уруш ва жанжаллар чиқаришлари мумкин. Мисол тариқасида Африкада юз бераётган қабилалар ўртасидаги жанглар, Сурия, Ироқ ва Шарқий Укранадаги ички низолар ва уларнинг тафсилотларини диққатга олсак бўлади. Замонавий дунёмизда урушлар қандай талофатларга олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Юз бераётган урушларнинг келиб чиқиши сабабларидан энг асосийси сифатида қайсидир давлатда уруш-жанжал бошланишидан олдин мулжалга олинган ушбу давлатнинг аҳолиси ўртасида олиб борилган тарғибот ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Такидлаб айтадиган бўлсак дўстлик, қўни-қўшничилик ва ўз давлат тузуми ҳақидаги ижобий тасаввурларни йўққа чиқариш билан бир пайтда ёшларнинг ақлларини ва беғубор қалбларини йўлдан уришга мулжалланган бузғунчи ғояларнинг таъсири яққол кўзга ташланади. Миллий адоват ҳақида керакли тасаввурларни шакллантириш технологиялари ҳамда уларни ижтимоий онгга урнатиш услублари навбатдаги ҳарбий ҳамла қурбони бўлиши кутилаётган мамлакат аҳолиси орасида поракандалик билан бирга мағлублик кайфиятларини таркатишга каратилган сиёсий технологиялардан принципиал жиҳатдан мутлақо фарқ қилмайди.

Объектив сабаблар туфайли оддий фуқаро, оддий инсон замонавий сиёсий-иқтисодий аналитикадан, олимлар ва тарихчилардан анча узоқда туради, шу боис жамиятга у ёки бу бирёқлама ва мафкуравий мотивацияланган талқинни сингдиришдан манфаатдор бўлган «қора кучлар» учун қандай «хомашё» билан ишлаш, кимдан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш аҳамиятсиздир. Ўз режаларини амалга ошириш йўлида улар ғайриилмий тезислар билан бирга гўёки «далилланган» ҳар қандай ёлғон ғояни қуллаши мумкин, бунда улар этник ва диний экстремизм ҳамда усиб бораётган трансмиллий террорчилик усулларидан ҳам қайтмайди.

- «Ислом омили» - ва ундан кейин келиб чиқадиган диний-экстремистик террорчилик;
- «Орийлик назарияси» - бундан келиб чиқадиган этник зиддят, миллатпарастлик ҳамда бошқа миллатлардан ирқий устунлик борасидаги баёнотлар. Иккинчи Жаҳон уруши тарихидан «орийлик» талвасаси нимага олиб келганини билиб олишимиз мумкин;
- «Армани ревизионизми» - олдин ҳам, ҳозир ҳам жаҳоннинг «кучлилари» хизматида турган омил. Биринчи Жаҳон уруши, большевизм ва Тоғли Қорабоғ тарихидан бошлаб бугунгача унинг қонли излари уланиб келмоқда.

«Ал-Қоида», «Ҳизб ут-Таҳрир», «Таблиғи жамоат» сингари ташкилотлар, салафий-ваҳҳобий диний-экстремистик оқимлари, армани миллатпараст-шовинист тўдалари ва қўплаб бошқа гуруҳлар ўз максадларига эришиш йўлида террор, зўравонлик, одамлар орасида адоват ва душманлик кайфиятларини тарғиб қилиш усулларидан фойдаланади, илло улар ҳар доим ва ҳар қаерда ўз ҳужайинларининг, яъни муайян мамлакатларга кўз тиккан аник-тайин буюртмачиларнинг буйруқларини адо этади, холос. Уларнинг фаолиятидан кўзланган ва эришиладиган якуний мақсад ҳарбий ихтилофни яратишга бориб такалади, яъни улар буюртмага асосан курол-яроғ ва гиёҳвандлик моддалари учун тайёр «бозор» яратиб беради, ёхуд углерод захираларини суриб олиш нукталаридан рақибларни сиқиб чиқаради.

Бугунги сиёсат саҳнида ихтилоф «буюртмачилари» ўз номидан, мустақил равишда тўкнашув ва зиддиятга кирмайди. Асосийси, «пудратчи» ихтилоф «буюртмачиси»нинг ниятини амалга оширса бўлди. «Буюртмачилар» ихтилоф айни авжига чиққан паллада халқаро сиёсий бахслар майдонида жаҳон тақдири «ижрочилари» ва халқаро тартибни урнатувчилар сифатида пайдо бўлади.

Экспертларнинг баҳолашича, жаҳонда 200 дан ортиқ кескинлик ўчоқлари мавжуд. Уларнинг кўпчилиги айирмачилик ғояларига йўғрилган гуруҳлар қарама-қаршилиги майдонига айланган: бундай ўчоқларнинг вужудга келиши метрополия-марказ таркибидан ажралиб чиқиш азму иродаси билан тушунтирилади. Баъзи ўчоқлар кўпдан буён тутаб ётибди, уларда мунтазам равишда турли даражадаги *«тинчликпарвар»* бахслар олиб борилади. Бунинг боиси:

- Метрополиялар анча кучли ва *«ўз»* айирмачиларидан чўчимайди;
- Жаҳон тақдири *«бошқарувчилари»* - буюк ҳокимиятлар айирмачилар гуруҳига хайрихоҳлик билдиради ёки ҳаркалай кескин қаршилик қилмайди, негаки уларнинг глобал аҳамияти унчалик катта эмас;
- Бу ерда ҳозирча геосиёсий ва геостратегик манфаатлар

доирасидан ташқарида турган айирмачилар фаолият юритади.

Шундай кескинлик ўчоқлари ҳам мавжудки, улар стратегик аҳамиятга молик фойдали қазилмалар захираси сохиби бўлганидан, ёхуд қулай географик жойлашуви туфайли, Ғарб-Шарқ, Шимол-Жануб векторлари бўйича геосиёсий вазифаларнинг бажарилишида муайян аҳамият қозониши боис жаҳон тақдири *«ижрочилари»* диққат марказига тушиб қолган. Бунлар сирасига қуйидагилар киради:

- Косово - Болкон ҳудудида, бу минтақани эса У. Черчилл «Европанинг юмшоқ корни» дея баҳолаган эди;
- Днестрбўйи - Москва геосиёсатининг ғарбий стратегик йўналиши бўйича Россия манфаатлари зонасида жойлашган;
- АҚШ ва Россия манфаатлари доирасига кирувчи Афғонистон;
- XXI асрда жаҳон харитасида геосиёсат ўйинчиларининг янги уруш ўчоқлари вужудга келди - Сурия, Шаркий Украина ва Қрим.

Асосий кескинлик ва геостратегик эътибор зонаси эса «Марказий Осиё–Кавказ Каспий–Қора денгиз» мегаминтақаси бўлиб, у юқорида санаб ўтилган айирмачилик ва бошқа турдаги кескинлик ўчоқлари билан боғлиқдир. Ушбу мегаминтақа, Зб. Бжезинский таъбирича, «Буюк шахмат тахтаси»нинг сезиларли майдонини эгаллайди. Бу ерда замонавий геосиёсат ва глобализациянинг буюк ижрочилари - АҚШ, Россия, Бирлашган Европа, Катта Яқин Шарқнинг йирик давлатлари, шунингдек, Хитой, Япония, Жанубий Кореянинг манфаатлари тўқнашган.

- Марказий Осиё ва Кавказ жаҳоннинг бугунги кунда энг жадал ривожланаётган бўлаги Осиё-Тинч океани минтақасига (ОТОМ) қулай йўлларни очади.

Бир пайтлар Шарқ ва Ғарбни боғлаган қадимий йўналишлар қайта тикланмоқда. Айтайлик, Буюк Ипак йўли - зираворлар, мушк-анбар ҳамда барча минтақалар аҳолиси учун зарур бўлган кенг истеъмол товарлари йўли.

Мазкур мегаминтақада Ер курраси аҳолисининг учдан бир ҳиссаси истиқомат қилади.

Осиё-Тинч оксани минтақасининг салоҳияти бугун сайёранинг бошқа барча минтақаларидагидан кўра юқорирок баҳоланади.

Жаҳонда ҳукм сураётган социал-сиёсий вазият муносабати билан беихтиёр қадимда донолар айтган «Si vis pacem, para bellum» («Тинчликни хоҳласанг, урушга тайёрлан») сўзлари нақадар тўғри эканлигини тан олишга мажбур буласан. Тарих фани ўтмишдан сабоқ олишни талаб қиладиган фан. Афсуски, тарих фанидан хулоса чиқаришга эътибор бермаслик, у хоҳ Кўҳна ёки Янги дунё бўлсин,

хоҳ Африка ё Араб Шарқи. Туркистон ё Ҳиндистон. Кавказ ё Океания бўлсин ҳамма ерда бир хил давом этмоқда

Бир нарса аниқки, замонавий дунёда уруш олиб бориш тактикаси ва стратегияси эски ўрта асрлар усулларидан фарқ қилади - унда аскарлар ғурур билан бир-бирига қараб жонли куч улароқ юзма-юз келарди. Илмий-техник тараққиёт асрида эса бошқа давлатни буйсундирмоқ истаган кучнинг асосий нишони одамларнинг ўй-хаёлидир - онгида рақиб эккан фикрлар униб, гул туккан одамлар унинг урнига ҳамма ишни ўзи бажаради Бомбардимонлар, вайроналиклар ва ўқотар қуроллардан олдин одамлар ақлу шуурига ҳужум уюштирилади, одамлар онг остида мағлублик кайфияти ундирилади Бу ҳужумлардан кўзланган максад босиб келаётган ёғийга қарши бирлашган одамлар миясидаги эзгу ғояларни упириб ташлашдир. Моҳиятан, қадимда ҳам шундай бўлган. Айғоқчи ва провокаторлар рақибга қарши саъй-ҳаракатларида одамларнинг онгини бузиб, рақиб қароргоҳида мағлублик уруғини экар эди. Бугунги кунда эса бунинг барини рақибдан минглаб километр узоқдан туриб ҳам амалга ошириш мумкин - моҳият бир, техника бўлак

Барча этник урушлар қолиплари ҳамда уларнинг усуллари деярли бир хил, лекин улар жаҳон ҳамжияти эътиборидан турли манипуляцион йўллар билан яширилади. Урушларнинг сабаблари ҳар хил, аммо тажовузга тайёргарлик усуликаси бир хил: барчаси оддий инсонлар онгига ғайриилмий тезисларга йўғрилган таъсир ўтказишдан бошланади. Онг манипуляцияси тактикаси ва стратегияси инсониятнинг руҳий асосларини йўқ қилиш максадини кузлаган ҳолда махсус ишлаб чиқилган бўлиб, у ҳатто ўзига яраша усулик кўрсатмалар билан ҳам мустаҳкамланган Янги сиёсий технологиялар эски коммунар-большевистик мия ювиш усулларидан катта фарқ қилади. Замонавий ахборот технологиялари тегишли мамлакатлардаги ички сиёсий вазиятга таъсир ўтказиш максадида қулланади. Вазиятни ўрганиш, раҳбариятнинг нуқтаи назари ва режаларини аниқлаш учун масофали айғоқчилик имкониятларидан фойдаланилади, бўлар эндиликда ўнчалик катта сир ҳам ҳисобланмайди. Шуни ҳам эътибордан кочирмаслик лозимки, маълум сиёсий технологиялар асосида ишлаб чиқилган барча манипуляция усулларини йўққа чиқариш учун жамоатчилик олдида унинг туб моҳиятини очиб бершнинг ўзи кифоя

Халкларарс ихтилофларнинг олдини олиш ҳамда фожиага олиб келувчи ҳодисаларга тўсқинлик қилиш усули бутун инсоният учун муҳим ва долзарб муаммодир. Этник зиддиятлар келиб чиқишига

гуртки булувчи омиллар, услублар, максадлар ва сабабларни урганиш зарурати шунда куринадики, хакконий сабаб ва максадлар очилганда жамоат сиёсий иммунитетини ишлаб чиқиш ва шакллантириш имкониятлари очилади, у эса, уз навбатида, халқлар ва давлатлар ўртасида қонли урушлар келиб чиқиш хавфини вақтида бартараф этишга ёрдам беради.

Этник урушларни бартараф этишнинг янги механизмларини ишлаб чиқиш, эскиларини такомиллаштиришда умуминсоний эзгулик ва узаро англашув принципларидан келиб чиккан ҳолда тегишли усул, стандарт ва стратегияларни кабул килиш зарур. Бундай ёндашув, бошка ижобий натижалар каторида, барча манфаатдор давлатлар фикрларини урганиш хамда хисобга олиш имкониятини яратади, амалдаги ҳукуматга эса жамиятни хавфли ихтилофлар гирдобига ташлаши мумкин булган сиёсий қарорлардан кочиш, туғилаётган ихтилофларни уз вақтида бартараф этиш буйича чора-тадбирлар кўриш, пайдо булган кескинликни тушириш имкониятини беради. Бундан ташкари, конфликтоген омиллар ва карама-карши турган томонлар манфаатларининг инобатга олиниши оптимал тинчликпарвар жараёнларни ишлаб чиқишда кўл келади.

Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги дунёда миллатпарастлик ва диний-экстремистик каракшларни тарғиб килиш йули билан душманлик кайфиятини яратиш максадида этнослараро, конфессиялараро карама-каршиликлар авж олдирилади, улар, уз навбатида, учинчи кучлар томонидан турли салбий тенденциялар, то жамият ичидаги куролли ихтилофларни келтириб чиқаришгача булган максадларда ишлатилади. Постсовет муҳитидаги бугунги сиёсий вазиятни баҳолаганда ташки кучлар тарихий империалистик даъволарини кайта жонлантиришга уринаётганини пайкамаслик мумкин эмас. Шу боис бугун империалистик касалга йуликкан, Кавказ ва Марказий Осиё халқлари тарихини холис талкин этиш ўрнига уз манфаатларига мос курсатмаларни таркатаётган, яъни тарихий вокеалар интерпретациясида халкларни бир-биридан ажратадиган, узоқлаштирадиган тезислардан фойдаланаётган жамоат ва сиёсат арбоблари борлиги тасодиф булмай, балки маълум маънода ушбу жараёнлар конуниятларини ҳам акс эттиради. Табиийки, бунинг бари қоғозга ўралган бир шаклда, тарих ёки маданиятни урганиш қиёфасида тақдим этилади.

Постсовет Кавказ ва Марказий Осиё майдонида бекарорлик, хаос яратишни ният килган душман кучлари биринчи галда курол сифатида ислом экстремизми ёрдамида конфессионал мотивдан

фойдаланиб келаётгани ҳеч кимга - мутахассисларга ҳам, оддий фуқароларга ҳам сир эмас. Янги асрда, жаҳон телекомпаниялари янгиликлари ҳамда ижтимоий тармоклардан маълум бўлишича, этник айримачилик ва «бешинчи колонна» «ишкибозлари» жуда фаоллашган. Ушбу вайронкор сиёсий технологияни душман кучлар жаҳоннинг турли мамлакатларида миллатлараро бахсларни келтириб чиқариш максадида қуллайди. Шунинг учун, миллатпарастлик ва этник антагонизм мавзуси бугун яна дозарблашмоқда экан, ҳар қандай мамлакат илмий интеллигенцияси вакиллари авваламбор тарихий муаммолар талкинида умуминсоний эзгулик ва тинчликсеварлик принципларига таяниб иш тутишга мажбурдир. Ижтимоий кайфиятга салбий таъсир ўтказувчи тенденциялар жамоат ва сиёсат арбоблари ҳамда оддий фуқаролар томонидан превентив зарбалар билан каршиланиши лозим. Бошка халқларга нисбатан ҳакоратли муносабатда бўлиш, паст назар билан қарашнинг тарғиб қилинишига карши чораларни жамоавий мухокама килишни йўлга қўйиш максадга мувофик булур эди. Айникса, ғайриилмий мақолалар ёрдамида турк-славян, турк-арман, форс-турк адоватини кўзғатаётган муаллифларни кескин танкид остига олиш керак.

Мингйилликнинг нихояси бир қатор инкирозлар ялови остида ўтди. Улар XX асрда мафкуравий ихтилофларнинг ҳал этилиши билан XXI асрда айнан этник ихтилофлар жиддий ва долзарб аҳамият касб этишини, инсониятнинг асосий муаммоларидан бирига айланишини кўрсатмоқда. Эндиликда сиёсий ихтилофлар ўзаги бўлиб миллатлараро карама-каршиликлар хизмат кила бошлади. Ҳозирги дунёда амалда миллий озчиликлари бўлмаган давлатнинг ўзи йўқ, этник таркибнинг ранг-баранглиги эса турли зиддият ва муаммоларни, халқлар ўртасида кескинлик ва ихтилофларни келтириб чиқаришни, сиёсий технологиялар ёрдамида омма ичида тарғиб килишни амалга ошириш билан айирмачилик кайфиятли нусхаларни бокиб тарбиялаб келаётган ташкилотлар мавжудлиги кўпчиликнинг хабари бор масалага айланиб улгурди. Бундай кайфиятларнинг кучайиши ва кўпайиши, дсярли ҳар доим этник сепаратизмнинг энг агрессив тарафдорлари бўлганларнинг террорчилик фаолиятини кучайтиришига олиб келади.

Замонавий айирмачилик, айникса этник шаклда, юзлаб кўринар ва кўринмас ришталар ила террор билан боғлангандир. Уларнинг «туйиниш мухити» битта - бекарорлик ва ихтилофлар. Инсоният тамаддунининг бутун тарихий тажрибаси халкаро муносабатлар аҳволининг террор фаоллик даражаси билан узвий боғликлигидан гувоҳлик беради. Бу ҳолат олимлар, сиёсатчилар ва ҳукукшуносларнинг

ҳар томонлама чуқур таҳлили ҳамда эътиборига моликдир.

Этник экстремизм одатда фуқаролар ўртасида ижтимоий тафовут деворининг қад кутариши, ҳокимият учун кескин кураш ва жиноятчилик даражасининг усиши билан бирга кечадиган ижтимоий ва иқтисодий бекарорлик даврида айниқса кескин тус олади. Унинг юзага келишида давлат аппарати ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолияти самарадорлигининг пастлиги, аҳолини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ишончли механизмлари мавжуд эмаслиги ҳам омил бўлади. Бунинг бари пировардида ҳокимиятга нисбатан мухолиф бўлган этник гурух ва жамоалар томонидан вужудга келаётган қарама-қаршилик ва ихтилофларни куч билан ҳал этиш хатти-ҳаракатларининг кучайишига олиб келади. Кураш воситаси ва қуроли сифатида миллатпарастлик ва террорчиликдан фойдаланадиган гуруҳларнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши шу тарзда кечади, бу эса халқаро тартиб баркарорлигига раҳна солади, энг кўркинчлиси - бегуноҳ инсонлар азият чекади.

Этник террорчилик, террорнинг барча турлари сингари, кўркитиш усулларидан фойдаланади. Этник террорчилик субъектлари мақоми этник мансубияти билан белгиланадиган гуруҳлардан тузилади. Этник ва миллий масаланинг ҳал этилиши улар содир этаётган террорчилик актларининг асл мотиви бўлиб хизмат қилади. Террорчиликнинг бу кўринишидан кўзланган мақсад - давлат тизимини ўзгартириш, мустақил давлат яратиш ёхуд тегишли этник гурух мақомига ўзгаришлар киритилишига эришиш, бунда бошқа миллат вакилларига нисбатан адоватни қурол қилиб олиш. Террорнинг бундай шамойили алоҳида шафқатсизлиги ҳамда маданиятли дунёда қабул қилинган меъёр ва қоидаларга нисбатан бутунлай беписанд муносабатда бўлиши билан ажралиб туради. Бундай террор тинч аҳолини фарқлаб ўтирмайди, гурух мафкурасида «душман миллат» деб қабул қилинган ҳар қандай жамоа вакили унинг қурбонига айланиши мумкин.

Миллатпарастлик халқлар ўртасидаги муносабатларда мавжуд муаммоларни ҳал қилмайди, аксинча, уларни чуқурлаштириб, нафақат халқлар ўртасидаги муносабатларни бузади, балки қардош халқлар ўртасида ҳам хунрезлик ва урушларни келтириб чиқаради. Миллатпарастларнинг акл бовар қилмас телбаликлари, ўтиб кетган тарихий воқеалар учун ғайриинсоний интиқом ҳаракатлари, тинч аҳолининг террор билан кўркитилиши бошқа халқлар устидан этник афзалликни тарғиб қилувчи муайян ғоя шафелигида амалга оширилади. Дарҳақиқат, одамларни этник зиддиятга бошловчи сабаб ва мақсадлар таҳлили, замонавий террорчи ташкилотлар томонидан қўлланадиган, баён этилган мотивлар манбаини ўрганиш ғайриилмий

ва вайронкор ғоялар моҳиятини тушунишга ёрдам беради.

Этник ўзликни сиёсийлаштириш масаласи замонавий конфликтологик тадқиқотларда тизимли муаммолардан бирига айланди. Шу туфайли этник зиддиятнинг вужудга келиш тарихини урганиш ҳам илмий, ҳам сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан аҳамиятга эгадир. Ихтилофларнинг туғилиши сиёсий-ҳуқуқий ривожланишнинг ажралмас белгиси булиб, этносиёсий ихтилофларнинг бу махсусияти купгина тадкикотчиларнинг диккатини жалб килмокда.

Этник зиддиятларни урганиш зарурияти СССРнинг қулаши муносабати билан дунёда миллатпарастлик ва шовинизм ғоялари остида инсониятга карши жиноятлар содир этилгани билан ҳам изоҳланади. Куп ҳолларда этник белгиларга кура амалга ошириладиган оммавий котилликлар, яъни геноцид айнан этник зиддиятлар мевасидир. Кутблашув, карашлар тескарилиги уз вактида сиёсий ва ижтимоий-маданий йуллар билан ҳал этилмаса, охир-окибат реакцион кучлар орасида нобоп хатти-харакатларни келтириб чиқариб, аянчли окибатларга олиб келиши мумкин. Долзарблиги туфайли этник ихтилофларни тарихшунослик, сиёсий-ҳуқуқий саводхонлик, миллий узликни англаш ва ижтимоий-маданий йуналишларда бартараф этиш технологияларини ишлаб чиқиш масаласи, шубҳасиз, илмий-амалий кизикиш уйготади.

ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚИСҚАРТИРИШЛАР

БСЭ - Большая советская энциклопедия

ИВ - Исторический вестник, журнал

ИЗ - Исторические записки, журнал

РВ - Революционный Восток, журнал

РГАСПИ - Российский государственный архив социально-политической истории

РГВА - Российский Государственный военный архив

РПЭ - Российская политическая энциклопедия

СВ - Советское востоковедение, журнал

СИЭ - Советская историческая энциклопедия

ЦГАРУз - Центральный Государственный архив Республика Узбекистана

ЦГИА - Центральный Государственный исторический архив

АДАБИЁТЛАР/БИБЛИОГРАФИЯ

1. Абаза В.К. Завоевание Туркестана. СПб., 1902.
2. Аббасов Ф.М. Карабагское ханство. Баку, 2007.
3. Абегян М.Х. История древнеармянской литературы. Ереван, 1975.
4. Авдеев Ю.И. Основные тенденции современного терроризма. // Сб. Современный терроризм: состояние и перспективы. Под редакцией Е.И. Степанова. М.: Эдиториал УРСС, 2000.
5. Аветисян Г.А. Генералы-армяне в Российской империи. Ереван, 2007.
6. Адиб Халид. Туркестан в 1917-1922гг.: борьба за власть на окраине России // Трагедия великой державы. Национальный вопрос и распад Советского Союза, Москва, 2005.
7. Адонц Н.Г. Армения. НЭС, том 3. СПб., 1912.
8. Айвазян С. Исторические карты Армении. Ереван, 2003.
9. Алексеенков П. Кокандская автономия. Ташкент., Узгиз. 1931.
10. Алимова Д.А. XIX аср охири - XX аср бошида Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. // Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустакиллик ва тараккиёт учун кураш. - Тошкент: Университет, 1999.
11. Алихонтура Согуний. Туркистон кайгуси. // «Ёшлик»,1992.
12. Алма-Атинская декларация. 21 декабря 1991г. Сборник документов СНГ, 1991, №1.
13. Аннинский А. История армянской церкви (до XIX века). СПб., 1898.
14. Аракелян Б. Н., Джаукян Г., Саркисян Г. К. К вопросу Урарту-Армения // Историко-филологический журнал, Ереван, № 1, 1987
15. Арсланова А. А. Остались книги от времен былых… Персидские исторические сочинения монгольского периода по истории народов Поволжья. Казань, 2002
16. Арутюнова-Фиданян В.А. Повествование о делах армянских. VII век. Источник и время. М., 2004.
17. Архипов Ю.С., Хайкин Я.З. ЛОГИКА ИСТОРИИ И ПРАКТИКА МАРКСИЗМА В РОССИИ // Философские исследования, № 3, 2007.
18. Асадов Ю.А. Армянские офицеры - на царской службе. М., 1999; Он же. 1000 офицерских имен в армянской истории. Историко-биографические очерки. Пятигорск. 2004.
19. Афганское разграничение. Переговоры между Россией и Великобританией. 1872-1885 годов, ч. 2, СПб., 1886,
20. Ахмедов С., Ражабов К. Жадидчилик //ЎзМ.Э-Тошкент.2002.
21. Аъзамхужаев С. Туркистон мухторияти. Миллий-демократик давлатчилги курилиши тажрибаси. Ташкент, 2000
22. Баберовски Иорг. Цивилизаторская миссия и национализм в Закавказье: 1828-1914гг. // Новая имперская история постсоветского пространства: Сборник статей (Библиотека журнала «Ab Imperio») / Под ред.

Герасимова И.В., С. В. Глебова. Каплуновского Л.П., Могильнер М.Б., Семёнова Л.М. - Казань: Центр Исследований Национализма и Империи, 2004.

23. Багирова И.С. Политические партии и организации Азербайджана в начале XXв. Баку, 1997.

24. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России, Изд.2., 1925.

25. Бартольд В.В. Несколько слов об арийской культуре в Средней Азии. Сочинения. Т. II. Часть 2. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. М.: Наука, 1964.

26. Башина С.Н., Арапова Д. Ю., Бекмаханова. Н.Е. Центральная Азия в составе Российской империи - «Новое литературное обозрение», М., 2008.

27. Баяний М.Ю. Шажарайи хоразмшохий. - Тошкент: Адабиёт ва санъат,1994.

28. Берлинский трактат, 1/13 июля 1878г. Сборник договоров России с другими государствами. 1856-1917 (Москва: Государственное издательство политической литературы, 1952).

29. Брюсов В.Я. Летопись исторических судеб армянского народа. М., 1918.

30. Бунаков Е.В. К истории сношений России с среднеазиатскими ханствами в XIX веке. СВ, вып.2. М.-JL, 1941.

31. Буттино Марко. Революция наоборот. Средняя Азия между падением царской империи и образованием СССР. М., 2007.

32. Величко В.Л. Кавказ. Русское дело и междуплеменные вопросы. СПб., 1904.

33. Вердиева Х.Ю. Переселенческая политика Российской империи в Северном Азербайджане. XIX-XX века. Баку, 1999.

34. Вердиева Х.Ю., Гусейн-заде Р.А. «Родослованая» армян и их миграция на Кавказ с Балкан. Баку, 2013.

35. Веревкин-Рахальский Н.А. Мои 90 лет. Воспоминания. - М. Триада, ЛТД,2000.

36. Вселовский Н. И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве.

37. Внешняя политика СССР. 1917-1944гг. Сборник документов. М., 1944.

38. Восточный вопрос во внешней политике России. Конец XVIII-начало XX веков. М., 1978; Дипломатический словарь, том I. М., 1984.

39. Гаджиев А. Демократические республики Юго-Западного Кавказа (Карсская и Араз-Тюркская республики). Баку, 2004.

40. Газета «Ленинец» №152 (5821) от 19.09.1967г.

41. Газета «Либерасьон», 8 ноября 1988.

42. Гаммер М. Мусульманское сопротивление царизму. Завоевание Чечни и Дагестана. Пер.с англ. М., 1998.

43. Ганин А.В. Последняя полуденная экспедиция Императорской России: Русская армия на подавлении туркестанского мятежа 1916-1917г. // Русский сборник. Исследования по истории России. Ред. сост. Айрапетов О.Р., Мирослав Йованович, Колеров М.А., Брюс Меннингода М., 2008.

44. Гасанлы Дж. СССР-Турция: полигон холодной войны. Баку, 2005.
45. Гасанов Т. Тяжёлые социально-экономические последствия оккупации Армением территорий Азербайджана. Баку: Чашыоглы, 2004.
46. Гафаров Н. Национальная идентификация и национальные символы таджиков сегодня. Душанбе. 1998.
47. Гейфман А. Революционный террор в России, 1894-1917/ Пер. с англ. Е. Дорман. - М.: КРОН-ПРЕСС, 1997.
48. Георгий Агабеков ЧК за работой Глава VI. Убийство Энвер-паши - Приложение к журналу «Отечественные архивы». Выпуск 1. Москва - 1992.
49. Гинзбург С. Басмачество в Фергане // Очерки революционного движения в Средней Азии. Сборник статей. М., 1926.
50. Глинка С.Н. Описание переселения армян аддербиджанских в пределы России. М., 1831.
51. Голуб П.А. Белый террор в России (1918-1920гг.). М.: Патриот, 2006.
52. Государственная Дума Российской империи 1906-1917гг. Энциклопедия. РПЭ. М., 2008.
53. Гражданская война и военная интервенция в СССР. Энциклопедия. М.: Советская энциклопедия, 1983.
54. Греков Б.Д., Якубовский А.Ю. Золотая Орда и её падение. М.-Л., 1950.
55. Гудович А. На помощь // Война в песках. Гражданская война в Средней Азии. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Под редакцией Горького М., Иванова В., Минца И., Колесова Ф. М.: ОГИЗ, 1935.
56. Гурко-Кряжин В. История революции в Турции. М., 1923.
57. Гурр Т.Р. Этнополитические конфликты в 90-х годах: модели и перспективы. // Сб. Этнические и конфессиональные отношения в современном мире. - Вып. 1. - Мн.: Изд-во «Четыре четверти», 1999
58. Гусев И.Н. Лев Николаевич Толстой. Материалы к биографии с 1870 по 1881 год. М., Изд-во АН СССР, 1963
59. Гусейнзаде А.Рауф. «Кавказ и армяне». «Апострофф», Баку. 2014.
60. Гусейн-заде Р.А. Коллизии на Кавказе. Исторические очерки. Баку, 2013.
61. Гусеинов Р. Азербайджан и армянский вопрос на Кавказе. Баку. 2015.
62. Даниелян А.П. Армения. Исторический атлас. М., 2003.
63. Декреты Советской власти. Том I. 25 октября 1917г.-16 марта 1918г. М., 1957.
64. Добаев И.П., Немчина В.И. Новый терроризм в мире и на Юге России: сущность, эволюция, опыт противодействия (Ростов н/Д., 2005)
65. Доклад «Истоки политического насилия в современной армянской истории», представленный Джерардом Либаридяном на XVIII ежегодном съезде ассоциации по изучению Ближнего Востока, проводимого в Чикаго, штат Иллинойс, 3-6 ноября 1983г.
66. Документы внешней политики СССР, Государственное издательство политической литературы. М., 1961, Т.4. док. №264. Документы внешней

политики СССР, Государственное издательство политической литературы. М.,1962, Т.6. док.83,

67. Достоевский Ф.М. Полное собрание сочинений в тридцати томах. Т. 27. Изд-ва «Наука» Ленинградское отделение, Ленинград, 1984.

68. Дубровин Н. История войны и владычества русских на Кавказе. Том 1. книга 2. СПб., 1871.

69. Дьяконов И.М. Предыстория армянского народа. Ереван, 1968.

70. Еремян С.Т. Армения по «Ашхарацуйц»у (армянской географии VII века) (Опыт реконструкции армянской карты VII века на современной картографической основе). Минск, 1961.

71. Жаринов К.В.Терроризм и террористы: Ист. справочник/ Под общ. ред. Тараса А.Е. - Мн.: Харвест, 1999.

72. Журнал «Анив», 2009, № 3 (24).

73. Зайончковский А.М. Восточная война 1853-1856 годов. Тома 1-2. СПб., 2002.

74. Заки Валиди Тоган. Воспоминания. Борьба мусульман Туркестана и других восточных тюрок за национальное существование и культуру. Пер. с тур. - Москва, 1997.

75. Закон Азербайджанской Республики «Об упразднении Нагорно-Карабахской автономной области Азербайджанской Республики 26 ноября 1991г. Ведомости Верховного Совета Азербайджанской Республики, 1991, №24.

76. Зевелев А. И., Поляков Ю. А., Чугунов А. И. Басмачество: возникновение, сущность, крах / Гл. ред. восточной литературы. - М.: Наука, 1981.

77. Зубов А. Политическое будущее Кавказа: опыт ретроспективно-сравнительного анализа, журнал «Знамя». 2000.

78. И.Заманов От агрессии к агрессии или подлинное лицо армянского шовинизма. Баку, «Гартал» 2001.

79. Ибн ал-Асир. Ал-Камиль фи-т-тарих, Золотая Орда в источниках. Том 1. Арабские и персидские сочинения. М., 2003.

80. Ибрагимбейли Х.-М. Кавказ в Крымской войне 1853-1856 годов и международные отношения. М., 1971.

81. Иванов Р.Н. Генерал Максуд Алиханов: триумф и трагедия. Документальное повествование. - ИД Эпоха, 2003.

82. Имранлы К. Создание армянского государства на Кавказе. Истоки и последствия. Монография. Москва-Ладомир. 2005.

83. Искандеров Б.И. Бухара в 1978-1920гг. Ликвидация Бухарского эмирата - очага английской интервенции и российский контрреволюции в Средней Азии // Труды Академии наук Таджикской СССР, том XIX. 1954.

84. Исмаилов Э.Р. Власть и народ. Послевоенный сталинизм в Азербайджане. 1945-1953гг. Баку, 2003.

85. Исмайлов Э.Р. Степан Шаумян - обречённый на забвение. Портрет «легендарного коммунара» без ретуши. Баку, 2012.

86. История Азербайджана. Баку, 1960.
87. История армянского народа. С древнейших времён до наших дней. Под редакцией профессора М.Г.Нерсисяна. Ереван, 1980.
88. История армянского народа. Под редакцией Б.Н.Аракеляна и А.Р.Иоаннисяна. Ереван, 1951.
89. История народного хозяйства Узбекистана. Ташкент, Т. 1. 1962.
90. История народов Северного Кавказа. Конец XVIII-1917 год. М., 1988.
91. История Узбекской ССР с древнейших времен до наших дней. Том I, кн. 2. Ташкент, 1974.
92. Каземзаде Ф. Борьба за Закавказье (1917-1921). Пер.с англ. Стокгольм, 2010.
93. Канадеев И.Н. Очерки Закавказской жизни. СПб., 1902.
94. Каримов Ш., Шамсутдинов Р. Туркистон Русия боскини даврида. Андижан: «Мерос», 1995.
95. Качазнуни Ов. Дашнакцутюн больше нечего делать! Бухарест, 1923.
96. Кегамян. «Освободительное движение армян». Баку,1915.
97. Керов Патканов П. Ванские надписи и значение их для истории Передней Азии. СПб.1981,
98. Кожушко Е.П. Современный терроризм: Анализ основных направлений. - Мн., 2000.
99. Колесов Ф., Бобунов А. Восстание в Бухаре // Война в песках. Гражданская война в Средней Азии. Материалы по истории гражданской войны к XII тому. Под редакцией Горького М., Иванова В., Минца И., Колесова Ф. М.: ОГИЗ, 1935.
100. Коппитерс Б. Федерализм и конфликт на Кавказе. «Московский центр Карнеги», М., 2002,
101. Корсун Н.Г. Сарыкамышская операция. - М.: Воениздат НКО СССР, 1937.
102. Костомаров Н.И. Русская история в жизнеописаниях её главнейших деятелей. М., 1991.
103. Кузнецов О.Ю. История транснационального армянского терроризма в XX столетии: Историко-криминологическое исследование; Баку, 2014
104. Кульпин Э.С. Золотая Орда. М.,2007.
105. Куц И. Ф. Годы в седле. - М., Воениздат, 1964.
106. Косимов Б. Миллий уйғониш. - Тошкент: Маънавият,2002.;
107. Лалаян А.А. Контрреволюционная деятельность партии Дашнакцутюн. ИЗ, М., 1928, № 2.
108. Лалаян А.А. Контрреволюционный «Дашнакцутюн» и империалистическая война 1914-1918гг. РВ, М., 1936, №2-3, стр.92-93.
109. Ланцов С.А. Террор и террористы: Словарь. - СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 2004.
110. Ливен Д. Российская империя и её враги с XVI века до наших дней. Пер. с англ. М., 2007.

111. Литвин Л.А. Красный и белый террор в России 1918-1922гг. Казань, 1995.

112. Лунин Б.В.Из истории русского востоковедения и археологии в Туркестане. Туркестанский кружок любителей археологии (1895-1917г.). Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1958.

113. Лурье С.В. Армянская политическая мифология и её влияние на формирование внешней политики Армении и Нагорного Карабаха. / http:// etnopsyhology.narod.ru/;

114. Лурье С.В. Армянская политическая мифология: Историческая этнология. М., 2004.

115. Лысцов В.П. Персидский поход Петра I. 1722-1723. М., 1951.

116. Лэнг Д. Армяне. Народ-созидатель. Пер. с англ. М., 2004.

117. Магди Нейман «Армения». СПб. 1899.

118. Маджи С.И. Кастанье Ж.А. как историк Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане. 1993, № 6.

119. Макарова Г.П. Народный комиссариат по делам национальностей РСФСР (1917 - 1923г.). Исторический очерк. М., 1987.

120. Мак-Гахан Януарий Алоизий. Военные действия на Оксусе и падение Хивы. Часть IV. Картина войны. М.: Университетская типография. 1875;

121. Маккарти Дж., Маккарти К. Тюрки и армяне. Руководство по армянскому вопросу. Пер. с англ. Баку, 1996.

122. Малевиль Ж, дё. Армянская трагедия 1915г. Пер. с франц. Баку. 1990.

123. Мартиросян Д.Г. Саракамышская операция (12-24 декабря 1914г.) // Военно-исторические исследования в Поволжье. Выпуск 7. Саратов, 2006.

124. Масов Р. История топорного разделения. Душанбе: Ирфон,1991.

125. Матвеев А.И. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю. Ташкент: Фан, 1977.

126. Материалы архива Министерства Иностранных дел Азербайджанской Республики (МИД АР), из доклада по фактам агрессии, представленный в международные организации. Баку, май 1994г. «Агрессия Республики Армения против Азербайджанской Республики».

127. Международные отношения в эпоху империализма. Документы из архивов царского и временного правительства 1878-1917 годов. Серия.3, том 9, часть.1. М.-Л., 1937.

128. Мельгунов С.П. Красный террор в России. 1918-1922. Берлин, 1924 (современное издание - М., 1990);

129. Красный террор в годы Гражданской войны: По материалам Особой следственной комиссии по расследованию злодеяний большевиков. Под ред. докторов исторических наук Фельштинского Ю.Г. и Чернявского Г.И. / London, 1992.

130. Мельгунов, С. П. Как большевики захватили власть. «Золотой немецкий ключ» к большевистской революции / М.: Айрис-пресс, 2007.

131. Мерт У. Дипломатическая деятельность в Стамбуле посла Бухарского

эмира Мухаммад Парса эфенди (1867-1869). «Turk kulturi arasturmalari», XV/1-2. 1979.
132. Метревели Роин. Святой Давид Строитель. Стокгольм, 2013.
133. Мещеряков Г.П. Русско-турецкие войны. СИЭ, том 12. М., 1969.
134. Микаэлян Г.Г. История Киликийского армянского государства Ереван, 1952.
135. Минасян С. Социально-экономическая ситуация в Джавахети. ЦАК, Лулеа, Швеция, 2005,
136. Михаил Александрович Бахтадзе, Мераб Вачнадзе, Вахтанг Гурули История Грузии (с древнейших времен до наших дней). ТХТ. Тбилиси: Тбилисский государственный университет, 1993.
137. Михайлов А. А. Первый бросок на юг. - М.-СПб., 2003.
138. Мустафаев Дж.М. Северные ханства Азербайджана и Россия. Баку, 1989.
139. Мустафазаде Т.Т. Азербайджан и русско-турецкие отношения в первой трети XVIII века. Баку, 1993.
140. Мустафин В.А.Каменные бабы //ПТКЛА. II. 1897-1898.
141. Мусульманское бюро РКП(б) в Туркестане: 1, 2 и 3 Туркестанские краевые конференции РКП, 1919-1920г. Ташкент. 1919-1920.
142. Мушегян Х.А. Денежное обращение в античной и средневековой Армении по нумизматическим данным (V век до н.э.-XIV век н.э.). Автореф. докт. дисс. Ереван,1975.
143. Мыськов Е.П. Политическая история Золотой Орды (1236-1313гг.). Волгоград, 2003.
144. Назаров М.Х. Коммунистическая партия Туркестана во главе защиты Октябрьской революции. 1918-1920г. Ташкент, 1969.
145. Народное хозяйство Туркестана. 1919. № 3. № 6.
146. Наша газета. (Ташкент, 1917-1919). 1918, 12-22-24 и 25 июня.
147. Негматов Н.Н. Таджикский феномен: теория и история. Душанбе,1997.
148. Никольский В.П. Сарыкамышская операция: 12-24 декабря ст. 1914г. София, 1933г.
149. О национальном размежевании Средней Азии. - М., Т.: 1934.
150. Оболенский Д. Д., «Отрывки» - «Международный толстовский альманах», составленный Сергеенко П., изд. «Книга». М. 1909.
151. Оганесян Эдвард. Век борьбы. Москва-Мюнхен, 1991.
152. Орешкина Т.Ю. Современный терроризм и борьба с ним. Специализированная информация. М., 1992.
153. От Майендорфа до Астаны. Принципиальные аспекты армяно-азербайджанского Нагорно-Карабахского конфликта. Информационно аналитический центр по изучению постсоветского пространства. Кафедра истории стран ближнего зарубежья Исторического факультета МГУ им. М.В. Ломоносова. М., 2010.
154. Пагирев Д.Д. Алфавитный указатель к пятивёрстной карте Кавказского края, и здания Кавказского Военно-Топографического Отдела. Тифлис, 1913.

155. Пален К.К. приложение к отчёту о ревизии Туркестанского края. Материалы к характеристики народного хозяйства Туркестана. ч. I, отд. 4. СПб., 1911.

156. Парсамян В.А. История армянского народа. 1801-1900гг. Книга первая. Ереван, 1972.

157. Пахомов Е.А. Монетные клады Азербайджана и других республик, краёв и областей Кавказа. вып. I-IX. Баку, 1926-1965.

158. Пирумшоев Х. О необходимости сотрудничества учёных в изучении истории Центральной Азии // Новая история Центральной Азии. Переписка истории, современные проблемы и подходы. Т., 2004.

159. Погосян Г.А. Современное армянское общество: особенности трансформации. М., 2005.

160. Полвонов Н.Т. История социальных движений и политических партий Хорезма (1900-1924) МВ и ССО РУз, Нац. Ун-т Узбекистана им. М.Улугбека. Т.: Akademnashr, 2011.

161. Политическая Энциклопедия, том III. М., 2001.

162. Помпеев Ю А. Кровавый омут Карабаха. Баку, 1992.

163. Попов А.Л. Из истории завоевания Средней Азии. ИЗ. 1940. № 9.

164. Программа армянской революционной федерации «Дашнакцутюн». Ереван, 1992.

165. Рабинович А.Е. Моисей Урицкий: Робеспьер революционного Петрограда. (рус.) // Отечественная история: Журнал. 2003. № 1.

166. Ражабов К. К., Мустакил Туркистон фикри учун мужодалалар. Т., 2000;

167. Ражабов К.К. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик харакати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). Yangi Nashr T., 2015.

168. Раззаков Ф.И. Бандиты времён капитализма. Хроника российской преступности 1992-1995 годов. М., 1997.

169. Раззаков Ф.И. Бандиты времён социализма. Хроника российской преступности 1917-1991 годов. М., 1997.

170. Рахмонов Э. Таджики в зеркале истории. Книга первая. От Арийцев до Саманидов. London. Flint River Editions Great Britain. 2006;

171. Революция и национальный вопрос. Документы и материалы по истории национального вопроса в России и СССР в XX веке. Под ред. Диманштейна С.М. Т.3. 1917. Февраль - Октябрь. М., 1930.

172. Ришардо Ж.-П. Армяне, чего бы это ни стоило. Пер.с франц. М., 2008.

173. Роллен-Жекмен. Армения, армяне и трактаты. - Всб. «Положение армян в Турции до вмешательства держав в 1895г.», М. тип. «Рассвет»,1896.

174. Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далёком прошлом народов Центральной Азии. Ташкент: «O'ZBEKISTON», 2006.

175. Русско-турецкая война 1877-1878 годов. М., 1977.

176. Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. «Что делали дашнаки в Фергане» Ташкент. 1925.

177. Салимов Б. Унутилмас сиймолар: жадидчилик харакатининг намояндалари. Тошкент,1999.;

178. Сан-Стефанский прелиминарный мирный договор, 19 февраля/3марта 1878г. Сборник договоров России с другими государствами. 1856-1917 (Москва: Государственное издательство политической литературы, 1952),

179. Саркисян Г.Х., Худавердян К.С., Юзбашян К.Н. Потомки Хайка. Очерк истории и культуры Армении с древнейших времён до становления Третьей республики. Ереван, 1998.

180. Сафаров Г. Колониальная революция. Опыт Туркестана. М., 1921.

181. Севдималиев Р. Международный терроризм - глобальная проблема современности. Баку., 2004.

182. Семенюта В. Голод в Туркестане в 1917-1920гг. // Человек и политика. 1991.

183. Симеон Лехаци. Путевые заметки. Перевод с армянского, предисловие и комментарии Дарбинян М.О. М., 1965.

184. Смирнов Н.А. Политика России на Кавказе в XVI-XVII веках. М., 1958.

185. Собрание актов, относящихся к обозрению истории армянского народа. Часть II. М., 1838.

186. Совершенно секретно: Лубянка - Сталину о положении в стране (1922-1934г.). Т. 1. 1922-1923г. Ч. 1-2. М., 2001; Т. 2. 1924г. М., 2001; Т. 3. 1925г. Ч. 1-2. М., 2002; Т. 4. 1926г. Ч. 1-2. М., 2001; Т. 6. 1928г. М., 2002.

187. СССР. Административно-территориальное деление союзных республик на 1 января 1987г. М., 1987.

188. Сталин И.В. Сочинения в 13 томах. М., 1946-1951. Т. 4.

189. Статьи в интернет газете «Ватандош» от 22.11.2011г. http://vatandosh.uz/news/2011/11/3722/

190. Струве В.В. Арийская проблема. Ташкент, 1944.

191. Судоплатов П.А. Спецоперации. Лубянка и Кремль 1930-1950гг. Гл. 2. Ликвидация троцкистов за рубежом; Бортневский В. Г. Опричнина. Невозвращенец Григорий Агабеков и секретная служба Сталина // Собеседник 1989. № 34 август.

192. Сукиасян А.Г. История Киликийского армянского государства и права. Ереван, 1969.

193. Тагиева Ш. Демократические республики Юго-Восточного Кавказа (Азадистан и Гилянская Советская Республика). Баку, 2005.

194. Тарле Е.В. Крымская война. М.-Л., 1941.

195. Терентьев М.А. История завоевания Средней Азии, т.1. СПб., 1906.

196. Торчинов В.А., Леонтюк А.М. Вокруг Сталина. Историко-биографический справочник. СПб., 2000.

197. Тревер К.В. Очерки по истории культуры древней Армении (II век до н.э.-IV век н.э.). М.-Л., 1953;

198. Трепавлов, В.В. Золотая Орда в XIV столетии. М., 2010.

199. Труды 3-го съезда Коммунистической партии Туркестанской республики

Российской Советской Федерации, 1-15 июня 1919г. Ташкент, 1919.
200. Туркестан в начале XXв.: к истории истоков национальной независимости [Коллектив авторов], Т.,2000.
201. Туркестанский край. Сборник материалов для истории завоевания Туркестанского края, т. XVII, ч. 2, Донесение Черняева Дюгамелю от 8. VIII. 1864.
202. Турсунов Х. Восстание 1916г. в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, 1962.
203. Тухачевский М.Н. Борьба с контрреволюционными восстаниями // Война и революция. 1926.
204. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, Т., 2002.
205. Узбекистон тарихи: янги нигох. Жадидлар миллий мустакилликка кадар. - Тошкент: Эльдинур, 1998.
206. Узбекистоннинг янги тарихи. Т. 2. Ташкент, 2000.
207. Усманов К., Садиков М. История Узбекистана. (1917-1991гг.). Учебник для учащихся 1 курса академических лицеев и профессиональных колледжей. Ташкент: «Шарк», 2007.
208. Устав Туркестанского кружка любителей археологии. Открытие Туркестанского кружка любителей археологии 11 декабря 1895г. Ташкент: Типо - литография бр. Порцевых, 1895.
209. Фадеев Р.А. Кавказская война. М., 2003
210. Файгл Э. Правда о терроре. Армянский терроризм - истоки и причины. Пер. с нем. Баку, 2000.
211. Ферро М. Как рассказывают историю детям в разных странах. Пер. с франц. М., 1992.
212. Фридрих И. История письма. Перевод с нем. Москва, 1979.
213. Фрунзе М.В. на фронтах гражданской войны: Сборник документов. М., 1941.
214. Хайит Б. Туркестан в XX веке. Дармштадт, 1956.
215. Ходжаев Ф. К истории революции в Бухаре. Ташкент, 1926.
216. Холбаев С. Жадидчилик ва истибдод (Хоразм Республикаси ҳакида)// Ишонч.1997.
217. Хужаев М. Шермуҳаммадбек курбоши. «ШАРК» Т., 2008.
218. Ҳасаний Мажид. Юрт буйнидаги килич ёки истило. - Т.: 1997.
219. Чавчавадзе И.Г. Армянские учёные и вопиющие камни. Перевёл с грузинского Н И.Алексеев - Месхиев. Тифлис, 1902.
220. Шавров Н.Н. Новая угроза русскому делу в Закавказье: предстоящая распродажа Мугани инородцам. СПб,.1911.
221. Шамагдиев Ш.А. «Очерки истории гражданской войны в Ферганской долине». Ташкент, 1961.
222. Шаумян С.Г. Ибранные произведения, том 2. М., 1972.
223. Шацилло В.К. Первая мировая война 1914-1918: факты, документы. Москва, 2003. стр. 107.
224. Широкорад А.Б. Русско-турецкие войны. 1676-1918 гг. Минск-М., 2000.

225. Шишов А.В. Схватка за Кавказ. XVI-XX века. М., 2005.
226. Шнирельман В. А. Войны памяти: мифы, идентичность и политика в Закавказье / Рецензент: Л. Б. Алаев. - М.: Академкнига, 2003.
227. Шопен И.И. Новые заметки на древнюю историю Кавказа и его обитателей. СПб., 1896.
228. Эзов Г.А. Сношения Петра Великого с армянским народом. Документы. СПб. 1898.
229. Эриванская губерния. БЭ, том 20. СПб., 1905.
230. Южаков Ю. Д. Шестнадцатилетняя годовщина взятия Ташкента. СПб., 1881.
231. Юзбашян К.Н. Армянские государства эпохи Багратидов и Византия IX-XI веков. М., 1988
232. Якубовский А.Ю. К вопросу об этногенезе узбекского народа. Ташкент, 1941.
233. Agop Jack Hacikyan, Gabriel Basmajian, Edward S. Franchuk, Nourhan Ouzounian. The Heritage of Armenian Literature: From the eighteenth century to modern times. Wayne State University Press, 2005.
234. Ali Bademci, 1917-1934 Türkistan Milli İstiklal Hareketi Enver Paşa 1-2 Cilt. Otüken Neşriyat. İstanbul, 2008
235. Audrey L. Altstadt. The Azerbaijani Turks: power and identity under Russian rule. - Hoover Press, 1992.
236. Baddley J.F. The Russian Conquest of the Caucasus. London, 1908.
237. Bazarbayev K.; Ashimkhanova A.Z. Jadids Movement in Central Asia in the Late 19th and the Early 20th Centuries. Asian Social Science. Vol. 8, No. 8; July 2012,
238. British Documents on Ottoman Armenians. Volume III (1891-1895)/ №220.
239. Buttino M. Study of the Economic Crisis and Depopulation in Turkestan, 1917-1920 // Central Asian Survey. 1990.
240. Buttino M. Ethnicite et politique dans la guerre civile: a propos du Basmacestvo au Fergana // Cahiers du monde russe. 1997. T. 38.
241. Cf. Patricia Hill Collins, «Scientific racism was designed to prove the inferiority of people of color» Black feminist thought: knowledge, consciousness, and the politics of empowerment (2nd ed., 2000);
242. Chokaev M. Turkestan and the Soviet Regime // Journal of the Royal Central Asiatic Society. 1931. Vol. 18.
243. Cleveland, William. A History of the Modern Middle East. Boulder: Westview Press, 2004. «World War I and the End of the Ottoman Order»,
244. Corsun, Andrew, Armenian Terrorism: A Profile, U.S. Department of State Bulletin, No. 82, (Washington, D.C., August 1982),
245. David J. Whittaker. Terrorists and terrorism in the contemporary world. Routledge, 2004.
246. Doniyorov Sh. Muxtoriyat qismati «Sharq yulduzi» jurnali, 1991 yil, 12-son
247. Edward A. Allworth The modern Uzbeks: from the fourteenth century to

the present: a cultural history. Hoover Institution Press, Stanford University, 1990/
248. Əliyev F.M., Əliyev V. Naxçıvan xanlığı. Bakı, 1996.
249. Əliyev F.M., Həsənov U. İrəvan xanlığı. Bakı, 1997.
250. Essai sur l'inegalite des races humaines (Эссе о неравенстве человеческих рас, 1853, 1855)
251. Fraser G. Basmachi // Central Asian Survey. 1987. Vol. 6. №. 1.; №. 2.
252. Geifman Anna. Thou Shalt Kill: Revolutionary Terrorism in Russia, 1894-1917. Princeton University Press, 1995.
253. Gilpin R. War and Change in World Politics. Cambridge. N.Y., 1983.
254. Hayit B. Basmatschi: Nationaler Kampf Turkestans in den Jahren 1917 bis 1934. Koln, 1992/
255. Henze, Paul, Goal: Destablization Soviet Agitational Propaganda, Instability and Terrorism in NATO South. (Marina Del Ray, California, American Institute for Security Research, 1981).
256 Hewsen R.H Armenia. A Historical Atlas. Chicago-London, 2001.
257. Hewsen R.H. Ethno-history and the Armenian influence upon the Caucasian Albanians Classical Armenian culture: Influence and creativity, Scholars press, Philadelphia, 1982.
258. HewsenR H Armenia. A Historical Atlas. Chicago-London, 2001.
259. Hoffman, Bruce, Terrorism in the United States During 1985, (Santa Monica, California 1985).
260. Hovhannisyan R Atlas Armenian History. Yerevan, 2007.
261. İsmayıl M.Ə , Bağırova M. Şəki xanlığı. Bakı, 1997.
262. Israel W Charny. Encyclopedia of genocide, A-H, «Ismail Enver Pasha (1881-1922) was an instigator of the Armenian Genocide»; Richard G. Hovannisian. The Armenian genocide in perspective
263. Jackson, R Quasi-States: Sovereignty, International Relations and the Third World. Cambridge: Cambridge University Press, 1990
264. Jacques Derogy. Resistance and revenge: the Armenian assassination of the Turkish leaders responsible for the 1915 massacres and deportations. Transaction Publishers, 1990/ Operation Nemesis - The Armenian Avengers/
265. James Bryce (Author), Arnold Joseph Toynbee (Author), Ara Sarafian (Editor) The Treatment of Armenians in the Ottoman Empire, 1915-1916: Documents Presented to Viscount Grey of Falloden by Viscount Bryce «The Blue Book» Taderon Pr, Uncensored edition 2000.
266 Kalpana Sahni «Crucifying the Orient - Russian Orientalism and the Colonization of Caucasus and Central Asia» - White Orchard Press, Bangkok, Thailand; The Institute for Comparative Research in Human Culture, Oslo, first published 1997.
267. Kazemzadeh Firuz. Struggle For Transcaucasia (1917-1921), New York Philosophical Library, 1951.
268. Khalid A. Society and Politics in Bukhara // Central Asian Survey. 2000.

269. Khalid A. Tashkent 1917: Muslim Politics in Revolutionary Turkestan // Slavic Review. 1996.

270. Khalid A. The Politics of Muslim Cultural Reform: Jadidism in Central Asia. Berkeley, 1998/

271. Kouznietsov P. Le lute des civilisations et des langues dans l' Asie Centrale, Paris, 1912.

272. Langer, William L., The Diplomacy of Imperialism, 1890-1902 (New York: Alfred A.Knopf, 1951).

273. Masayuki Yamauchi. The Green Crescent under the Red Star: Enver Pasha in Soviet Russia 1919-1922, Tokyo University of Foreign Studies, 1991

274. Michael G. Smith. Anatomy of a Rumour: Murder Scandal, the Musavat Party and Narratives of the Russian Revolution in Baku, 1917-20. Journal of Contemporary History, Vol. 36, No. 2. (Apr., 2001).

275. Michael Gunter. "Pursuing the just cause of their people": a study of contemporary Armenian terrorism. - Greenwood Press, 1986.

276. Michael Szaz. Armenian Terrorists and the East-West Conflict - Journal of Social, Political and Economic Studies (Winter 1983).

277. Mustafa Chokay. «The Basmachi Movement in Turkestan», «The Asiatic Review», 1928.

278. Mustafayeva N.Ç. Cənubi Azərbaycan xanlıqları. Bakı, 1995.

279. N.Lubin, W.Fierman, Uzbeks, Encyclopedia of World Cultures, volume VI, Russia and Eurasia/China, Boston, Massachusetts: G.K. Hail & Co., 1994.

280. National Library of Australia: «Armenian terrorism: a menace to the international community» / S.R. Sonyel; Francis P. Hyland. Armenian terrorism: the past, the present, the prospects. - Westview Press, 1991.

281. Olaf Caroe, Soviet Empire, the Turks of Central Asia and Stalinism. London, 1953.

282. Paksoy H.B. Basmachi Movement From Within: Account of Zeki Velidi Togan // Nationalities Papers. 1995.

283. Percy Sykes. The British Flag on the Caspian: A Side-Show of the Great War. Foreign Affairs, Vol. 2, No. 2 (Dec. 15, 1923).

284. Peter Hopkirk. Like hidden fire. The plot to bring down the British Empire. Kodansha Globe, New York, 1994.

285. Philip L. Kohl (англ.), Clare P. Fawcett. Nationalism, politics, and the practice of archaeology. - Cambridge: Cambridge University Press, 1995.

286. Richard G. Hovannisian. The Armenian Question in the Ottoman Empire, 1876-1914 // Richard G. Hovannisian. The Armenian People from Ancient to Modern Times. - Palgrave Macmillan, 1997. - Vol. II. Foreign Dominion to Statehood: The Fifteenth Century to the Twentieth Century.

287. Ronald Grigor Suny. Constructing Primordialism: Old Histories for New Nations (англ.) // The Journal of Modern History. Chicago: The University of Chicago Press, 2001. Vol. 73. № 4.

288. Silogava V. Shengelia K. History of Georgia. Tbilisi, 2007.
289. Sokol E.D. The Revolt of 1916 in Russian Central Asia. Baltimore: The Johns Hopkins Press, 1954.
290 Stanford J. Shaw, Ezel Kural Shaw. History of the Ottoman Empire and Modern Turkey. Vol. 2. Reform, Revolution, and Republic: The Rise of Modern Turkey 1808-1975. - Cambridge University Press, 1977.
291. Tadeusz Swietochowski. Russian Azerbaijan, 19051920: The Shaping of a National Identity in a Muslim Community. Cambridge University Press, 2004.
292. Tagıyeva Ş. Rəhimli Ə. Bayramzadə S. Guney Azərbaycan. Bakı, 2000.
293. Tchokaieff M. Fifteen Years of Bolshevik Rule in Turkestan // Journal of the Royal Central Asiatic Society. 1933. Vol. 20.
294. Thomas de Waal. Black Garden: Armenia and Azerbaijan Through Peace and War. NYU Press. United Kingdom.2003.
295. Wallerstein I. Geopolitics and Geoculture: Essays on the Changing World-System. Cambridge. 1992.
296. Walter Laqueur, Arnaud Blin, Edward Schneider, Kathryn Pulver, Jesse Browner. The history of terrorism: from antiquity to al Qaeda. University of California Press, 2007.
297. Walter Laqueur. The New Terrorism: Fanaticism and the Arms of Mass Destruction. Oxford University Press US, 2000.
298. Wilkinson, Paul, Armenian Terrorism, World Today V.39 (September 1983).
299. Yalçın Soner, Osmanlı'nın Anıtkabiri Abide-i Hürriyet'di, Hürriyet Gazetesi, 29.04.2007.

Тадқиқот ишларида қулланилган манбаларни таъминлашда ва академик дастак курсатган Узбекистондаги Хайдар Алиев номидаги Озарбайжон Маданият марказига ташаккурлар билдирамиз.

Ш.Н. Саламов
(Shuhrat Barlas)

ҒОЯЛАР ЖАНГИ
XIX-XX аа
Туркистон ва Жанубий Кавказ

Лицензия: AI №218, 03.08.2012.

Теришга берилди: 5.09.2017 й.
Босишга рухсат этилди. 24.11.2017 й.
Бичими 60x84 1/16. Офсет босма.
Шартли босма таб. 19,5 Гарнитура Times New Roman
Адади 1000 нусха. Буюртма № 9/17.
Баҳоси келишилган нархда.

«Истиклол нури» нашриёти
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кучаси, 30.

«SHAROFOV DILSHOD BAHROM O'G'LI» ЯТТнинг компютер марказида компютер ёрдамида нусхаланди
Тошкент шаҳри, Навоий кучаси, 30.

34000 c.

ISBN 978-0941-5049-3-6